

Мўминжон Муҳаммаджон ўғли

ТУРМУШ УРУНИШЛАРИ

(Бир муллабаччанинг хотира дафтари)

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2015

УЎД: 821.512.133 (09)
94(575)(09)
КБК 83.3(5Ў)6

XX аср бошлари ўзбек адабиётида муайян из қолдирган Мўминжон Муҳаммаджон ўгли Тошқиннинг мазкур ҳужжатли қиссаси жаҳид насрининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Наширга тайёрловчи:
Филология фанлари номзоди
Муқаддас ТОЖИБОЕВА

Масъул муҳаррирлар:
Педагогика фанлари доктори, профессор
Улуғбек ДОЛИМОВ;
Филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Тақризчилар:
Филология фанлари доктори, профессор
Наим КАРИМОВ,
Филология фанлари номзоди
Шухрат РИЗАЕВ

ISBN 978-9943-398-54-2

© Мўминжон Муҳаммаджон ўгли, 2015
© «MUMTOZ SO‘Z», 2015

МЎМИНЖОН ТОШҚИН ВА УНИНГ “ТУРМУШ УРУНИШЛАРИ” АСАРИ

XX аср бошларида юртимиз маданий ҳаётида юз берган воқеалар хусусида сўз юритувчи санокли асарлар орасида Мўминжон Муҳаммаджонов (1883-1964) Тошқиннинг “Турмуш урунишлари” хотира-қиссасида муаллифнинг болалик, ўсмирлик ва катта ёшлик даври билан боғлиқ ўзи шоҳид бўлган давр воқеаларининг тасвири берилган. Асар муаллифи Тошкентда туғилган, кўхна Шошнинг Шарофбой, Бекларбеги ва Уфадаги Олия мадрасаларида таҳсил олган. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаси сифатида Тошкент, Наманган, Қўқон, Андижон, Ўш, Жалолобод, Хўжанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда усули жадид мактаблари очган ва ўзи очган мактабларда муаллимлик қилган.

«Садойи Туркистон», «Иштирокиюн» газеталари ва «Маориф», «Муштум» журналларида ишлаган. Андижондалик пайтида Чўлпон билан ҳамкорлигини тасвирловчи лавҳалар асарда талайгина. Хоразмда Маориф нозирлигида хизмат қилган (1920—21). Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ишлаган (1944—50).

Мўминжон Муҳаммаджоновнинг ҳажвий шеърлари “Муштум” ва бошқа даврий нашрларда эълон қилинган, шунингдек, «Қонли тун» (1926) пьесасини ҳам ёзган.

“Турмуш урунишлари” асаридаги тарихий воқеалар тасвири бадиийлик билан уйғунлашган ҳолда тасвирланади, натижада асар тарихий воқеаларни тасвирлаш билан тарих учун, бадиий хусусиятлари билан адабиёт ва санъат учун зарурий манба сифатида эътиборли. Қиссанинг хронологик-кундалик дафтар тартибида қурилиши унинг композицион бутунлигини таъминлашда муҳим омил бўлган. Асар 1895 йилдан бошланиб, 1921 йил сентябр ойигача давом этган маданий ҳодисаларни ўз камровига олади. Йиллар кетма-кетлиги баёнида ҳам изчилликка эришилган. Фақат айрим саналар (1921-1925) воқеалари давомийлигида қисман узук-юлуқ ҳолатлар учрайди.

“Турмуш урунишлари”ида муаллифнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар асарнинг асосини ташкил қилади. Муаллиф

сўзбошида ёзади: “Мен биринчи йиллар азиз умримни эски мактаб ва эски мадрасаларда ўтқозган бўлсам ҳам 25 ёшим тўлган чоғларда ички Русиядаги Уфа деган шаҳарда очилган Мадрасаи Олияга бориб ўқиб, бир оз бўлса-да фикрим очилган эди. Шул фикрим очилиши соясида Татаристон, Озарбойжон, Туркия адиб ва шоирлари томонидан ёзилган ҳар турли рўмон, ҳикоя китобларини мутолаа қилиб, мен ҳам ўз турмушимиздан ҳикоялар ёзиш томонига оғиб, 1911–йилларда ушбу таржимаи ҳолимни ёзган ҳам бунга “Турмуш урунишлари” деб ном берган эдим”¹.

XX аср мемуар асарида ёзувчининг ўсмирлик таҳсил йиллари, юқори таълимни Бухорода олишга бўлган иштиёқи батафсил ёритилади ва Бухоро азалдан илм макони эканлиги таъкидланади: “Бир ойчадан кейин Бухорога бориб ўқимоқ ўйига тушиб қолдим. Чунки Бухоронинг оти, эл орасида катта бўлиб, Бухоройи шариф деб мақтар эдилар. Унга бориб ўқиган киши, илм – билим деган нарсадан бир нарса орттириб келмаса ҳам иззат ва ҳурмати халқ орасида жуда ортиқ бўлур эди”(Б.146). Шу каби муаллиф Андижон шаҳрига қилган саёҳати таассуротлари ҳақида гапирар экан, бу ернинг мадрасаларига эътибор қаратади: “...ўзим турган мадрасанинг мударрисидан “Иглол”, “Мухтасар виқоя”, “Шарҳи Мулло” ҳам Мамадалибой боғча мадрасасига бориб 70 дан ошиқроқ муллабачча сабоқдошларим билан “Шарҳи Мулло”дан “Маолсаси махрурот”(ни) ўқиб юрмакдаман. Шул турган мадрасамнинг ҳар қайси муллабаччалари; мени мусофир меҳмон деб сийлашиб, бир томоқ қилсалар ҳужраларига чақиришиб турмакда эдилар...” (Б.124)

Муаллиф нафақат юртимиз шаҳарлари ва унинг аҳволи, балки Россия ҳудудидаги шаҳарларни кузатганда ҳам ана шундай аниқлик билан сўз юритади. Бу ҳолатни Оренбург, Уфадаги саргузаштлар баёнида ҳам кузатамиз: “Бу шаҳарнинг (Уфа шаҳри ҳақида гап бормоқда – Т.М) шамол ҳам шовқунлари жуда қаттиқ бўлиб, қорлари ҳам кўб-кўб бураб ёғиб турар, шамол турган кунлари кўчага чиқиб юриб бўлмас, дарров кишини учуриб кетар, ёққан қорларни ҳам тинчитмасдан, кўчаларнинг ўнг ёғидаги қорни сўл ёққа, сўлдагисини ўнг ёққа учуриб олиб бориб, хирмон-хирмон қилиб ўйиб ташлар эди. Туркистондаги қиш кунлари кийиладинган

¹ Асарнинг илк тўла наشري: Мўминжон Муҳаммаджон ўғли. Турмуш урунишлари (Бир мулла баччанинг хогира дафтари) Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926; Қискартирилган ва қайта баён қилинган наشري: 1969.

кийимлар бу ерга бўлмас, унга 2-3 баробар келадирган қалин кийимлар керак бўлур, қайси чоқларда совуқнинг қаттиқлигидан кўздан бошқа ерни очиб юриб бўлмас эди. Бизнинг ерларда 3 ой қиш бўлса, бунда 6-7 қиш бўлур экан... “Театр” деган қизиқ ўйинни энди биринчи дапқир (дафъа) кўрганым бўлганымдан яхши тушуна олмадим (Б.209).

“Турмуш урунишлари”да муаллиф китобхонни давр воқеалари тасвиридан мадрасалар, улардаги ўқитиш жараёнлари сари олиб киради. Масалан, муаллиф юқори таҳсилни Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасида олиши, у ерда таълим билан боғлиқ янги талабалик ҳаётининг қандай ўтказганлигини ҳикоя қилишга киришар экан, аввал воқеа ўрнини батафсил тасвирлайди, мадраса ҳаётида иштирок этувчи кишилар ҳақида мумкин қадар кенгрок маълумот беради: *Бекларбеги мадрасасининг икки мударриси, дарсхонаси бир катта хонақоҳи ёз кунлари намоз ўқиш учун бир айвони ичкари, ташқари ва юқори, қуйидаги бўлиб, 50 тача келадирган ҳужраси бор бўлиб, ҳар бир ҳужрасида 2 тадан 4 тагача муллабаччалар истиқомат қилишар эдилар. Мударрисларнинг мукаррир отли билан юрийдиргон икки кўмакчиси бор бўлиб, булар талабаларга мударрислар олдида англамаган дарсларни англашиб қўяр эдилар. Бунинг устига 4–5 “хатми карда” гайрирасмий равишда шогирд йиғиб дарс эшитишар, 4-5 талари бекордан бекорга ҳужраларни эгаллаб вақф ақчасини еб ётар эдилар... Катта мударрис – Шомахмуд охунда сабоқдошларимнинг барчаси бир тўда бўлиб ўқиса ҳам, мукаррир ва бурчаги домлаларда тўрт киши, беш киши бир тўда бўлиб, бўлиниб ўқур эдилар. Бу ернинг тўда шериклари Шарафиддин бой мадрасасидаги тўда шерикларидан катта бўлиб, ҳар бир тўда шерикда энг ками 9-10 киши бўлур ва бунинг бутун ўқувчилари 200 тадан ошар эди” (Б.34).*

Муаллиф мадраса ва ўқитиш тизимигина эмас, балки ўқув юртларининг аҳволи, ички турмуши ва илм толибларининг юмушлари хусусида ҳам батафсил тўхталади: *“Ҳужраларнинг каттая-кичиклигига келганда бўйи 5, эни 5 ва юқорилиги 7 олчндан ошмас. Қуёш булутларнинг остида қолган кунлари дарпардаларни очиб қўйилмаса, бунга туйнукларининг ёриги етмас эди. Ташқаридан ичкарига босиб киришингиз билан “даҳлиз” деган ерни босасиз. Бу ер киши ўтирадирган жойдан икки–уч қаричга*

қуйироқ бўлиб, бўйи 4, эни 1,5 олчинга келар, бунинг бир ёғи 100, қўл ювадурган обризнинг бир ёғи бир мўрилик оишхона бўлиб, ўртада 7-8 кави сизорлиқ ўрин қолдирилган эди. Хужранинг киши ўтирадирган томонига бўрё, унинг устига қозоқи кийиз ёки қашқари кийиз (набат) солинган ҳам бир чеккароғида қишда олов қилиб, исиниб ўтириш учун танча” деган тўрт бурчалик қилиб, 4-5 ... чуқур қазилган эди (Б.58-60). Сўнг табиий равишда мадрасанинг чиқимлари, яъни талабалардан кетадиган маблағ ҳақида аниқ маълумотлар келтираркан, қориёна, ифтийтахона, бўйра гуфти, лахийқона ва сешанбалик деган чиқимлари, уларнинг миқдори ҳақида гапирилади.

“Турмуш урунишлари”да ижтимоий мавқеи, дунёқараши, ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилувчи шахслар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўламиз. Китобда ўз даврида ном қозонган шоирлар, илмдор мударрислар, жаидчилик ҳаракати йўлида хизмат қилаётган адабиёт аҳиллари ҳақида воқеалар жараёнида таништириб борар экан, Мўминжон Тошқин буларнинг ўзига хос индивидуал, такрорланмас жиҳатларини топиб, уни алоҳида хусусият даражасига кўтаради, айрим ўринларда конкретлаштириб характер яратишга интилади. Масалан, ёзувчи шоир Камий билан боғлиқ воқеаларни сўзлашдан аввал “бунинг асли оти Каримбек, тахаллуси Камий бўлиб, Тошкентнинг Себзор даҳа, Тагкўча маҳалласидандир” деб таништиради ва сўзининг бошидаёқ “Тошкентнинг атанган шоирларидан мулла Камий” дея юқори баҳо беради. Шу билан бирга муаллиф ўз мемуарида даврининг бир неча ижодкорлари Юсуф Сарёмий, Тўлаган Тавалло, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Убайдуллоҳхўжа Асадуллахўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Ғози Юнус, Авлоний, Абдулҳамид Мажидий, Бўлот Солиев, Қаюм Рамазон кабилар хусусида ҳам ўрни билан маълумот бериб ўтади. Бу маълумотлар батафсил, портрет ва характерлар тасвири мукамал берилмаган бўлса ҳам уларнинг айни дамда олиб бораётган фаолияти, хулқ-атворидаги айрим муҳим нуқталар ва қизиқарли фактларни топиб баён қилади. Асарнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, муаллиф шунчаки учрашув таассуротларини бериш ёки баҳолаш билан кифояланмай ўзига яхши таниш ижодкорларнинг “шеърларидан 1-2 намуна” беради:

*Азизи Миср хўби сен назокат иззу жоҳингдур,
Кўнгул бир қатра қон бирлан муросаи тахтигоҳингдур.*
(Камий)

Айрим бобларнинг сўнгида муаллиф қиссадан ҳисса тарзида ўз қаламига мансуб тўртликларни мавзуга мос равишда келтиради:
Тизма (шеър):

*Энди басдир, уйғонинг, эй Шарқ эли!
Босибон келди билимсизлик сели!
Тоғу тошларга уриб қилгай ҳалок
Бир куни ялқовлик, онгсизлик ели!*

1909 йил 15 феврал” (Б.212).

“Турмуш урунишлари”да даврнинг етук ижодкорларининг фаолиятида муҳим ўрин тутган нуқталар, ўзи иштирок этган маданий ҳодисалар хусусида сўз юритади. Масалан, “Чиғатой гурунги” муносабати билан Фитратни тилга оларкан: “*Абдурауф Фитрат тиф касали билан оғриб кўб ётди, уни бир австрис дўхтур боқиб юриб, зўрға тузатди... Машириқ Юнусий “Элбек”, Абдулқанош “Ўктам”, Абдулманнон Мажидий “Уйғур”, мен “Тошқун” ва бошқалар арабий, форсий сўзларни аралашдирмасликқа уриниб шеърлар ёзди*”. Шунингдек, муаллиф ўз даврининг муҳим илмий анжуман ва қурултойлари хусусида ҳам тўхталади: “*Боқуда бўладирган Шарқ миллатлари қурултойига Туркистоннинг ҳар томонидан кетган вакиллар, 15 сентябр соат 3 ларда Когонга келиб, соат 8-9 ларда Тошкентга қараб ўтиб кетдилар. Уларнинг орасида Абдулҳамид Сулаймон, Ғози Юнус, Мирмуҳсин, Наби Расул ва бир неча ёшлар бор эди. Бизга Боқудан келгунча Баҳра Файзий деган бир турк ҳам қўшилди. 16 сентябр соат 2 да Когондан юриб кетиб кеч соат 6 да Чоржуйга етдик*” (Б.325).

“Турмуш урунишлари”да Николай ҳукумати ва унинг генерал губернаторларининг ҳеч нарса билан чекланмаган бедодлик ва ўзбошимчаликлари қаттиқ қораланади: “*Николай ҳукумати ҳам унинг кўмакчиси бўлган қоровулидан бошлиқ генерал-губернаторларигача мусулмонларнинг янги билимлар олиб юқори кўтарилишига сира қўймасдан кеча-кундуз орқасидан пойлаб юрмакда. Бу йўлда юрган кишиларни билиб қолдими дарров тутиб қамамоқда, Сибирияларга юбормоқда ва отишга ҳукмлар қилмоқда*

эди. Уларга ўрис миллати ўқуса, билим олса, ҳар турли ҳунарлар ўрганса бўлди. Қўл остида бўлган бошқа миллатлар уларга қул бўлиб хизмат килишин, оёғ остларида эзилишин, бурнинг қани деганда кулогин кўрсатадирган бўлишин, балки мусулмонларнинг барчаси бутхонага кириб чўқиниб, ўрис эли усули кўпайишин ёқтирар, тўрт кўз билан кутар ҳам сурункасига шу йўлга хизмат қилар эдилар (Б.211).

Асарда табиатнинг хилма-хил манзараларини тасвир этилади: “Йилнинг бу кўклам бўлаги (аввали баҳор фасли)нинг нашъаси - кайфи, бошқа бўлак (фасл)ларида сира йўқдир. Ерлар, оғочлар кўм-кўк кўкарган, кўм-кўк ўсган майсалар орасидаги аригларда сувлар жилдир-жилдир оқмоқда, қизил ҳам оқ гуллар очилиб ҳар тамонга яхши хидлик ислар тарқатмоқда эдилар. Ҳозир ёзнинг энг қизиган чоги пишиқчилик: қовун, тарбуз, босиб оғзининг сувини ке(л)тириб, думаланиб-думаланиб ётишмоқда, турли-турли узумлар гуч бўлиб етилиб, такларидан осилиб-осилиб турмоқда, богдорлар, ер-сувлик деҳқонлар, бу тотли емиш (мева)ларнинг мазасини тотишиб, ҳузуруни кўришмакда” (Б.35).

“Турмуш урунишлари”да “Бобурнома”ни эслатувчи тасвир услуби ва ифодаланаётган даврий воқеаларга муносабат жиҳатидан, қолаверса, асардаги бадийликнинг қурилиши нуқтаи назаридан хусусий жиҳатлар, анъанани ижодий ўзлаштирган ўринлар ҳам мавжуд. Китобхонларга бошқа манбалар ва асарлар орқали таниш манзаралар ушбу хотираномада ўз тасдиғини топади. Масалан, мана бу лавҳани Фитрат асари билан солиштирайлик: “Лаби ҳовузда ўтириб, бир чойнак кўк чой ичишдик. Бу ҳовузга, бир томондан келиб тушиб турган сувни кўрмадим. Ул ҳовузга биров келиб оғзини чайқаб, бурнини қоқиб, таҳорат қилиб кетмакда, биров келиб қўл, оёғини ювмакда, биров келиб ифлос ҳам кир оёқларини сув ичига солиб ўтирмоқда ва бир томондан, мешкофлар кетма-кет келиб, мешларига сув тўлатиб олиб бормоқда эди. Мен бу ҳовуз сувига “Мухтасар вақоя” кўзи билан қараб, топ-тоза деб қарор берганимдан Ҳиндистон саёҳатчиси “Сайёҳи Ҳиндий” деган китоб эгаси (Абдурауф Фитрат)нинг ўз китоб(хон)ига сўзлаганлари менинг кўнглимга сира келмас ва ундай фикрларга тескари қарор эрдим?” Бироқ муаллиф секин-асталик билан фикри ёришган ёшлар каби ҳаётни ўз кўзи билан кўриб, ундан тегишли хулоса қила оладик, бу юқоридаги лавҳани Фитрат

асарига уйғун эканини тасдиқдайди: “Анчадан бери кузатиб турибман: одамлар катта мешларда ҳовуздан сув олиб кетиб, яна бўшатиб келадилар... Қаранг, кўпчилик ҳовузда таҳорат оладилар. Оғиз ва бурунларини чайдилар, лой оёқларини ювадилар. Агар сартарошлик, чойхона, каллапаз ва балиқпазларнинг ҳам чиқиндиларини ҳисобини олсак, ҳар куни бу ҳовузга ярим ман ифлос тушар-ов”².

Асар муаллифининг усули жаид мактаблари хусусидаги баҳо ва кузатишлари диққатга сазовор: “Туркистоннинг жануб ёғи ва бир тош (чақирим)ча узоқлигида Иқон деган бир қишлоқ бор бўлиб... бу қишлоқнинг мингбошисининг ҳовлисида бир нўғой йигити муаллим бўлиб бола ўқитмоқда бўлганини эшитиб бориб кўрдим. Унга мингбоши 15 тача бола йиғиб берибдур. Ул шуларни “усули жаид” йўли билан ўқитмоқда бўлиб ўқитадурган нарсаларининг орасида “жузрофия”, “ҳисоб”, “тарих” ва “тажвид” деган дарслар ҳам бор экан. Менинг олдимда шогирдларидан ёддаги бир неча нарсалар сўради. Улар янглишмасдан ва энтикмасдан яхшигина жавоб бердилар. Ёш-ёш болаларнинг шундай билимли бўлиб қолганига оғзим очилиб қолди ва жуда ҳавасим келди... Ўқийдирган икки қиз бола ҳам бор бўлиб, улар эркак болалардан ҳам тузукроқ жавоб бердилар. Биз хотин-қизлар: “ноқисат ул ақл” (чочлари узун, ақллари қисқа) деб камситиб менсимай юришимиз, бориб турган тентаклигимиз ва опа-сингилларимизга қилган катта хиёнатимиз экан, уларни яхши ўқитсак, тузук тарбия билан ўстирсак, эркаклардан ҳам туйғун онглик ва билимлилар бўладирган кўринадирлар. Чунки қизлар қандай ўқиб билганларини мана ўз кўзим билан кўриб турибман бировдан эшитганим йўқдир!..”

Кўринадикки, Мўминжон Муҳаммаджонов ўз хотираномасида ҳаёт ҳодисаларининг кузатувчиси бўлибгина қолмай, уларда фаол иштирок этади, воқеаларни ўз табиийлигида тасвирлаш билан бирга айрим носозликларни кўрсатиб, уларни тузатиш, ислоҳ қилиш чораларини ҳам тавсия этади. Демак, ушбу хотиранома ўз даври ҳақида муҳим ҳужжат бўлибгина қолмай, балки бўлғуси ижодкорнинг сезгир нигоҳи, уларни тараққиёт сари ўзгартиришга бўлган интиқ интилиши сезилиб туради.

² Фитрат. Ҳинд сайёҳи баёноти. / Танланган асарлар. 1-дилд. Т.: Маънавият, 2000. Б.103.

Мазкур асар қисқартирилган ҳолда 1959 йилда Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан чоп қилинган бўлиб, М.Раҳмон томонидан адабий жиҳатдан қайта ишланган эди. Асар замонавий ўзбек тилига ўгирилган ҳолда, ҳар бир бўлимга махсус сарлавҳалар берилиб, матнда анча-мунча ўзгаришлар мавжуд. Асл матнда йўқ айрим диалог ва лавҳалар билан бирга нашр қилинган эди. Матн шўролар даврида чоп этилгани учун айрим изоҳлар ва мафкуравий жиҳатни ҳисобга олган ҳолда “тўғрилаш”лар ҳам берилган эди. Илк нашрда асарнинг тахминан ярмидан озроғи чоп қилинган бўлиб, айрим тафсилотлар узук-юлуқ ҳолда берилган, баъзи шахслар номлари тушиб қолган ёки ўзгартирилган эди.

Мазкур матн асарнинг 1926 йилги араб ёзувидаги нашри асосида табдил қилинди. Муаллиф томонидан ёзилган изоҳлар сақланди ва қавс ичида (*муаллиф*) белгиси билан нашр қилинди. Шунингдек, асарга илова равишда муаллиф томонидан ёзилган “Русия октябри ва унинг Бухорога бўлган таъсири” мавзусида сўнгсўз орттирилган бўлиб, у асар мазмунига алоқадор бўлмаганлиги учун мазкур нашрга киритилмади. Уни тўла ҳолда ўқишга муносиб кўрилган китобхонлар мазкур нашрни аввалгиси билан ҳам солиштириш имкониятига эга бўладилар. Ушбу нашр муаллиф ҳақида ҳам, у яшаган долғали замон ҳодисалари хусусида ҳам зарур маълумотларни бадиий шаклда етказа олади, деб ишонамиз.

***Муқаддас ТОЖИБОЕВА,
филология фанлари номзоди***

ЎЗУВЧИ ТОМОНИДАН

Мен бир неча йиллар азиз умримни эски мактаб ва эски мадрасаларда ўтқозган бўлсам ҳам 25 ёшим тўлган чоғларда ички Русиядаги Уфа деган шаҳарда очилган Мадрасаи Олияга бориб ўқиб, бир оз бўлса-да, фикрим очилган эди. Шул фикрим очилиши соясида Татаристон, Озарбайжон ва Туркия адиб ва шоирлари томонидан ёзилган ҳар турли рўмон, хикоя китобларини мутолаа қилиб, меним хаёлим ҳам ўз турмушимиздан хикоялар ёзиш томонига оғиб, 1911–йилларда ушбу таржимаи ҳолимни ёзган ҳам бунга “Турмуш урунишлари” деб ном берган эди. Бироқ Николай чоғидаги бизнинг ўзбек ёшларимиз бундай нарсаларга аҳамият берувчи кишилар бўлмаганидан ва ўзим ҳам бориб турган қашшоқ бўлганимдан босдирилмасдан ва юзага чиқмасдан ётган эди. Шундай бўлса ҳам бир кун босилар умиди билан буни бошидан оёғигача 3–4 дапқир³ кўчириб чиққан эдим, Мана, 14-15 йиллардан бери чанг босиб ётган ушбу китобим шўролар ҳукуматининг соясида юзага чиқадурган ва Ўзбекистон Давлат нашриёти буни босдириб тарқатадурган бўлди. Шунинг учун баъзи ўртоқларнинг кенгаши билан яна бир дапқир тузатиб чиқдим ҳам охирига – шу чоққача бошимдан кечирган ҳолларни илова қилдим (кўшдим).

Бу китобни ёзишдан мақсадим ёлғиз ўз таржимаи ҳолимни ёзиб, элга кўрсатиш бўлмасдан эски мадраса, эски халқ ва янги мадраса, янги халқ турмушларини кўрсатиш ва шулардан билимсиз ва нодон халқни бир оз бўлса-да ибратлантиришдир. Шул мақсад билан бу [асар]ни “икки бўлим”га айирдим. Биринчи бўлим фикр очилмаган ва хурофот билан ўралиб, қоронғу ҳолда кечирган кунларни кўрсатса, 2-бўлим янги дунё, янги замонга чиққон кунларни очик қилиб кўрсатиб турадир. Бу китоб адабиёт жиҳатидан ҳеч нарсага арзимаса ҳам турмушимизнинг бир неча томонларини кўрсатиши жиҳатидан бир оз қиймати бўлса керак. Ўз аҳиллари томонидан камчиликларини кўрсатишларин сўрайман.

Мўминжон Тошқин

³ Дапқир – марта маъносида бўлиб, дафъа сўзининг бузилган шакли.

1

Мен Тошканд шаҳрининг кичкинагина “Пичоқчилик” деган бир маҳалласида дунёга келдим. Маҳалла кишиларининг кўпи қора ишчи – узангисоз бўлганидан меним отам ҳам бир қора ишчи эди.

Ота-онамнинг мендан бурун туғилган болаларидан биттаси ҳам тўхтаб турмасдан кўп хафа қилиб кетишиб, мен келиб пинагимни бузмасдан шу ғалвалиқ дунёда туриб қолганим сабабли улар мени кўб яхши кўриб, эрка ва арзанда қилиб ўстира бошладилар. Булар мени бундай кадрлаганликлариға қизиқиб кетиб, мендан кейин дунёга оёқ қўйган болалари ҳам қолаберганларидан мен ота-онам қошидағи бурунғи баҳомдан анчагина тушиб қолиб, эркалаш у ёқда турсун, тинмасдан оқиб турган бурнимни артишға ҳам онамнинг қўли тегмас эди.

1889 йил, феврал

2

Мен 6-7 ёшга кирган чоғимда, янги тартиб мактаб(и)нинг ўзи у ёқда турсин Туркистон ўлкасига унинг оти ҳам билинмаган ва эшитилмаган эди. Шунинг учун бошланғич ўқушим ўз маҳалламиздаги мактабдор домлада бўлди. Меним мактабим бориб турган эски тартиб(ли) мактаб бўлиб, “Кўрпа маҳдум” лақабли ва Зоҳидхон қори отлиқ домлам ҳам шул мактабга лойиқ қилиб қўйғандек эдилар. Ўзлари узун бўйлиқ, пахмоқ сақоллиқ бўлиб, жияклик кўйлаклари, унинг устидан пахталиқ олача тўн, унинг устидан Бухоро алачасидан авра-астарлик тўнлари, пахталиқ сўфи тўппининг устидан кир тоғорадек қилиб, ўралган катта оқ саллалари билан сурункасига чангиб, булғониб ётадирган мактабимизга жуда ярашар-келишар эдилар. Табиатларида Туркистоннинг эски касалларидан анчагина бор бўлиб, қора қош, қора кўз ҳам қип-қизил олмадек юз эгаси бўлган баъзи мактаб болаларга кўп бўлмаса ҳам озроқ кўзларини(нг) қирраси тушиб турар эди!..

Мактабимиз болахонада бўлиб, теваракланиб ўтирғанимизда 25 киши зўрға сиғадирган бўлса ҳам домламизнинг юқори химматлари кўланкасида 30-40 шогирд сиғиб ўтирур эди. Олдимизға “Ҳафтияк”, “Қуръон” китоб қўйиб ўқиш учун икки қарич кўтариб, узун кесак девол ўралгани сабабли отнинг охириға

тушиб ўтиргандек ўтуруп эдик. Остимизда чурук бўйра, кўпларимиз тупрокқа қорилган бўлиб, домламиз у ёқ-буёққа кетган чоғларида ҳалиги бўйралардан синдириб кўчқор ясаб уруштуруп, ҳам от, аробалар ясар эдук. Бир-биримизнинг тўппиларимизни олиб ирғитишиб, ота-она, ота-еттиларимизгача қолмасдан болаҳонадор қилиб сўкишиб, бир-биримизнинг елкаларимизга, бўйниларимизга айри минишиб, мактаб чангини бурқуллатиб кўкка чиқариб, шовқин-сурон ва тўполонлар қилишиб ўтируп эдик. Бизнинг мактабнинг ўз замонасига яраша гимнастика (тарбияи бадания)си ҳам шул, шарқиси⁴ ҳам шул ўйинлар эди.

Домла бор чоғларида шовқин солиб, бақириб, қичкириб ўқуғанимиз ўқуған эди: биров “Чор китоб”⁵, биров “Сўфи Оллоҳёр” (“Саботу-л-ожизин”), биров “Маслаку-л-муттақийн”⁶, биров “Хожа Ҳофиз”, биров “Навоий”, биров “Фузулий”, биров “Бедил”, биров “Қуръон”, биров “Ҳафтияк”, биров “Тақтиъ”⁷ ва биров майда сураларни довуши борица бақириб, бир манглайи ерга теккандек бўлиб энгашиб, бир бошини кўтариб, тебрана-тебрана ўқур эди. Домламизнинг икки турли таёқлари – калтаклари бор бўлиб, бириси узун ва иккинчиси қисқа ҳам беш-олти дона бўлур эди. Агарда биримизнинг бошимиз қимирламай қолса, ҳалиги узун таёқ билан қарсиллатиб солиб қолар эдилар. Шунинг учун сабоқдошларимизга қарамасак ҳам оғзимизга нима келса, шуни айтиб тебранганимиз тебранган эди. Қисқа таёқлар бўлса, яқинроқларида ўлтирған болаларни уришга ҳам қаттиқроқ ёзуқли деб саналғанларни ётқизиб, опичтириб яланғочлаб сабашга керак қилинур эди.

Мен ҳам шул мактабнинг тузуги – прўғрами билан бошлаб майда сура, “Тақтиъ”, “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Чор китоб” ўқиб, унинг “Бидон”⁸га етар-етмас қорилик бошладим. Бу қорилик деган нарса ислом дунёсида рамазон кунлари Қуръон сотиб авқот⁹ ўтказиш учун чиқарилған бир хийла-фириб бўлса ҳам бунинг тўғрисида мусулмонлар орасида қизиқ-қизиқ эътиқодлар бор эди. Қори Қуръон бўлған киши катта олимлардан ҳам даражаси юқори

⁴ Шарқи – туркий халқларда қуйланадиган терма кўшиқлар, бу ўринда: *ашуласи* маъносида.

⁵ Мадрасаларда ўқиладиган 4 (икки шаръий ва икки насрий) мажмуа. Форс тилида. Асарнинг ўзбекча нашри учун қаранг: Чор китоб. Т.: Чўлпон, 1992.

⁶ Сўфи Оллоҳёр асари, форс тилида.

⁷ Аруз вазни ҳақидаги китоб.

⁸ Форс тилидаги грамматикага оид китоб. Луғавий маъноси: “Билгил”.

⁹ Авқот – вақтлар.

бўлур, қабрда тана фирдай қиёматғача кўкраги чиримасдан ётар эмиш ҳам домла ва ота-оналарини тамуғ ўтидан қутқарур эмиш!..

Мана шул шарафга нойил бўлмоқ ва “ўғлини қори қилиб олди, кўб яхши киши экан!” деган мақтовли гапга етишмоқ учун отам қори бўлишимни маъқул қилган ва домлам ҳам мана шул қийин ишга солмоққа бел боғлаған эди!.. Биз узун машаққатли ҳам тамаънинг катта қуроли бўлган бу ишга 6-7 бола бўлиб бошлаған бўлсақ-да, 3-4 йил уруниб, ҳеч бир нарса бўлолмадик, қайтаға шунча умримиз бекорға кетди. Бошқа мактабдор домлаларда бор бўлганидек, шогирдларни боғ ҳам ҳовлилариға элтиб “ҳашар” оти билан бир неча кунлар ишлатишлар бизнинг домлада ҳам бор бўлиб, бу пулсиз мардикорчиликка ота-онамиз бўлса ҳам ўзимиз бўлсақ ҳам ғиринг деб оғиз очолмас эдик.

Қорилик тўғрисида кўб калтаклар ер ва кўб дапқир узок ерларға қочиб кетар эдим. Кўб таёқлар синди, орқалар ёрилди, бироқ бир тийинлик маъни, бир чақалик фойда ололмадим. Бир кун кўтаролмайдурған оғир бир “озодлик”¹⁰(га) қотушиб, умр зое бўладурған бу мактаб зиндонидан қутулдим. Мактабдан чиққан чоғимда, ёшим 12-13 ларда бўлиб, менда савод ҳам, хат ҳам йўқ эди, қуп-қуруқ эдим.

1895 йил, март

3

Бутун ислом дунёсида, айниқса, бизнинг Туркистон ўлкасида эшонпарастлик жуда авж олған бўлиб, Туркистон мусулмонлари бир эшонға юкиниб қўл бермасалар иймонсиз – тўнғиз қавмида ўлиб кетиб борғандек кўринур эдилар. Шунинг учун менинг отам ҳам шул ёмон эътиқод қаҳрамонларидан бўлганликдан Тошкентнинг Мажидхон халфа деб от кўтарған бир қари эшонға қўл бериб, кўб умрлари тасбиҳ санаш, ортиқча намозлар ўқиш, кечалари уйғоқ ўтириб, Тангрига йиғлаш билан ўтар эди. Ўзларининг арабчадан кўб хабарлари бўлмаса ҳам форсий, туркий китобларни яхшигина англаб ўқур эдилар. Муридлар эшонларини мактаб ёзиб, уларга чегарадан ташқари баҳо қўйған “Рашаҳот”, “Нафаҳот” ҳам “Иршоду-толибин”¹¹ деган хурофот, сафсата ва теги йўқ гаплар билан тўла бўлған сўфиёна китобларнинг сўзига

¹⁰ Домлага мактабни тугатгач, бериладиган совға

¹¹ “Рашаҳоту айни-л-хаёт”, “Нафаҳоту-л-унс” ва “Иршоди толибин” асарлари назарда тутилган. Муаллиф ўз асари шўролар даврида нашр қилинишидан умидвор бўлиб, бу асарларга танқидий муносабатда бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам шўролар даврида бу каби тасаввуфий асарларни ўқиш ман қилинган эди.

жуда чин-чин ишонар эдилар. Шундай бўлса ҳам бу кишининг кишиларга қиладурган кишиликлари, яхшиликлари, яхши қилиқлари кўб бўлиб, хиёнат, ёлғончилик, бировни кўра олмаслик, бировни сўқиш, бировнинг кўнглини ранжитиш, бировга қаттиқ аччиғланиш, бировнинг орқасидан ёмонлаш ҳам бировга яла ёпиш (туҳмат қилиш)дек ёмон қилиқлари йўқ ҳисобида эди. Бу киши ўз маҳалламиздаги Шарафиддинбой мадрасасида “Ҳидоя”¹² деган китобдан масала ўқиб юрар, ҳам шул мадрасадан бир хужра олган бўлиб, баъзи чоғларда шунга кириб-чиқиб турар эдилар.

Юқорида айтганимча, отамнинг касб-ҳунарлари узангисозлик бўлиб, жуда аёлманд (мендан бошқа 4-5 болалари бор) эдилар. Ясаган узангиларининг пули бола-чақаларининг ейиш-ичиш, кийим-кечагига ул ҳафтадан бул ҳафтага зўрға етар эди.

Бир вақт нима бўлиб бозорлар касод бўлди, бозор дўкандорлари узангини зарарига сўрар эдилар. Отам бечора тайёрлаган узангиларини бозорга элтиб, эртадан кечгача сарғайиб ўтириб, сотолмасдан, кўллари ун, гуруч, ёғ, гўштдан қуп-қуруқ ҳолда уйга йиғламоқдан бери бўлиб қайтар эдилар. Бунинг устига биз чидамсиз, сабрсиз болалар: “Ойи, палов қилиб беринг, шавла қилиб беринг, нон ёпиб беринг, чой қайнатиб беринг!” деб, онамизнинг жонидан тўйдирар, отамизнинг кўзиға ёруғ дунёни қоп-қоронғу қилиб, яна ортуқроқ қайғуларға солар эдик. Шунинг учун отамиз, кўпинча, ховлиға кирмасдан, мадрасадаги мазкур хужраларида очдан-оч ётиб қола берар эдилар.

Мана шундай ачинишлик ёмон ҳолларға қолган чоғларимизда, Чиғатой қопқаси¹³ дан юқорироқ “Аллон–алиланг” деган бир маҳаллада имомгарчилик ўрни топилиб қолиб, отам шунга имом бўлиб, унинг “вақф ховлиси”¹⁴ га уй ичимиз билан кўчиб кетдик. Мени бўлса, имом бўлмасларидан бурун эшонға кўл бериб, Зангибобода “қирқ чилла” ўтириб, “Дарвиш бобо” лақабини олган, ўқумаган нодон, мўмин-мусулмон бир ҳампир¹⁵ лариға адаб ҳам яхши қилиқ (ахлоқи ҳасана) ўрганасан деб, икки кўллаб топширған эдилар.

¹² “Ҳидоя” – Марғиноний асари.

¹³ Қопқа – дарвоза: Чиғатой дарвозаси назарда тутилган.

¹⁴ Вақф ховлиси – Мадрасалар қошидаги мулк бўлиб, у давлат тасаввуфига кирмайди, алоҳида шахсларга берилмайди ва сотилмайди ҳам. Илм толиблари таҳсилдан бўш пайтларида шу ерда ишлаб, тирикчилигини ўткаўиш учун ажратилган ер четидаги ховли.

¹⁵ Ҳампир – бир пирга мансуб муллалар: пирдош.

4

Дарвиш бобо асли оти Абдусамад, Бухоро хонлиғига қараган “Қарши” деган шаҳарли бўлиб, бундан бир неча йиллар бурун шахримизга мусофир бўлиб, пахтафурушлик савдоси билан тирикчилик қилиб юриб, анчагина бойиған чоғларида синиб қолиб, сўнгра бўйинсиниқлик билан бир эшонға қўл бериб, юқорида айтилған ҳолларға тушган эди.

Мен Шарифбой мадрасасининг бир ҳужрасида Дарвиш бобо билан турсам ҳам мударрисга кириб дарс ўқумас, Дарвиш бободан ҳужра сипириш, чой қайнатиш, шўрба ва ошлар қилиш, “улуғлар” деб танилған кишилар олдида ўтириш-туриш, фақирлик, мискинлик, ишлаб топмасдан Тангридан сўраб ётиш ҳам шуларга ўхшаш кўп ярамас ва бузуқ чиқадурған қилиғларини бутун жон-танним билан берилиб ўрганур эдим.

Ўзи ўқиш-ёзиш нима эканлигин билмайдирған ғип-ғирт оми бўлғанликдан эшон ҳам халифалардан қандай тасаввуф китоб сўзларини эшитган бўлса, уларга ҳеч бир лом-лим демасдан ишонур эди.

Орада(н) кўб ўтмасдан Бешоғоч даҳадаги Қўшмозор мадрасасига кўчдик. Бундаги Убайдуллоҳхўжа эшон деган мударрисдан “Фикҳи Кайдоний”¹⁶ масъаласи ҳам бир яхшиғина мактабдор домладан Қуръон кироати, хат машқ қила ва савод китобларидан ўқий бошладим. Мен маҳалламиздағи қори домладан куп-куруғ чиққан бўлсам ҳам отамда “Саботу-л-ожизин” ҳам “Навоий”ға ўхшаш савод китоблари оз-оз ўқуғанлиғим учун илгаригидан анчағина саводим жўнашиб қолған эди. Шунинг учун хат ёзишға қўлим яхши келишмаса ҳам савод чиқармоқ учун бошлаған “Хўжа Ҳофиз”нинг байтларини янглишмасдан айтиб ўқишға жуда уста бўлиб қолған эдим.

Мадрасани солған бой муллабаччаларга бериладурған вақфни, мударрисга бир оз томизиб, кўпини ўзи еб юрар эди. Бизнинг Дарвиш бобо бир неча кунлар, бир неча ойлар орқасидан ялиниб-ёлбориб судралиб юриб, мазкур муттахам бойдан 1-2 сўмни зўрға ололди. Дарвиш бобо шул мадрасаға фаррошлиқ ҳам қилди:

¹⁶ “Фикҳ Кайдоний” -

халожой тозалаш, унга кесаклар ушатиб қўйиш, масжиднинг хонақоҳ, айвон ва саҳнларини сипириш ҳунарларини ўзи қилиб юрганидек, менга ҳам ўргатди, шунинг учун ҳар панжшанба, жума кунлари шундай майда-чуйда ишлар билан айланишар эдик.

Муллабаччалар ўқуған сабоқларининг лафзи ила форсий таржимасини ёд олиш учун такрор қилишғанлари такрор қилишған. Мен ҳам ҳар куни оқшом намозидан кейин хуфтон намозиғача ўқуған масъалаларни такрор қила-такрор қила ўлиб бўламан, бироқ унинг маънисини нима эканлигини сира билмайман. Билмайдурған биргина мен эмас, менга тенгдошларимнинг кўпи ҳам шундай билмас ва тушунмас эди.

Мен айтадурған кўп чиройлик бўлмасам ҳам, лўппигина, кўз қизикадурғонғина боламан. Муллабаччалар кўрганларида озроқ қизиқиб-қизиқиб қўйсалар ҳам, менинг кўрикчим (ҳимоячим) Дарвиш бободан кўрқиб ҳам ҳайқиқиб ҳеч бир нарса дея олмайдириллар. Дарвиш бобонинг қайси чоғларда сўфийлиғи ошиб кетиб, ош, чойға ёқилладурған ўтинларини ҳам бир неча қайтадан пув(ф)лаб ёқар эди. Бунинг ёстиклари ҳам малла, кўрпачалари ҳам малла, чопонлари ҳам малла, жойнамозлари ҳам малла, ҳатто ўгирадирган тасбеҳларининг ипигача малла эди. Мисвок, кавуш, махси, қозон, табақ ҳам қошиқлари малла бўлмаса ҳам чорасизликдан гуноҳи кечирилган эди. Бунинг бу совуқ сўфилик ҳам тақволари, қўлида пули ва қилишға касби йўқ бўлған учун содда – кўзи юмуқ халқларни илиндириб емак учун бир тузоғ эди.

Бу мадрасада бир йилча турганимиздан кейин Дарвиш бобоға “тез келингиз” деб, ўз шаҳри Қаршидан бир хат келиб қолди. Шу чоғларда бизнинг шаҳар билан Самарқанд шаҳри орасидағи темир йўл битганига 2 йилча бўлған эди. Хат (мактуб) келганига бир ҳафта бўлар-бўлмас Дарвиш бобо кетишға тайёрланди. Отам эшитиб, бор қавмлари билан келдилар ҳам бирга вокзалға олиб чиқиб, поездға миндириб, хайрлашиб жўнатдук.

1896 йил, сентябр

5

Энди Аллон маҳалла(си)да отам имом домла, мен махдум бўлиб тура бошладим. Менинг бунда қилладурған ишларим: отамға йиғилған 3-4 та маҳалла болаларини ўқитиш, ҳар куни кечкурун уй, айвон, ҳовли ҳам эшик олдиларини сипириб–сидириш эди.

Биз мулла болалари, кўпинча, самоворларда юриб, қимор ўйнаб, намоз ўқумай аччиғи чиққанда болахонадор қилиб сўкишиб, бесоқол талашиб, баъзи чоқларда бир-бирисига пичоқ уришиб юрган йигитларни “чапани” деб ва шул синф бир оз қариб қолиб, беш вақт намозхон бўлиб қолғанда, нодон-оми, гапи кўпол, муомаласи дағал деб улар билан кўпда гаплашгимиз келмас эди. Шунинг учун ҳар куни, кун оралаб шул маҳалладаги бир оз масъала -масойилдан хабардор, юмшоқ муомалали Мулла Насриддин, Мулла Низомиддин, Мулла Зайниддин деган уч оғайни жарлиқ¹⁷ тикувчиларнинг уйига бориб, шулар билан суҳбатлашиб, ҳар турли қисса ва таърих китобларидан ўқиб бериб ўтулар эдим. Чунки уларнинг жарлиқ тикишдан қўллари кечгача бўшамас эди. Буларнинг энг каттаси Мулла Насриддин яхшиғина шоир бўлиб, Алишер Навоий, Фузулий, Амир Умархон ва улардан кейин келган шоир ва адибларнинг шеър ва муаммолариға унинг ақли, фикри ва зехни етар ва улардан турли маънолар чиқарар эди. Буларнинг устига қийин ва адабий, форсийча шеърлар (Мирзо Абдулқодир Бедил шеърлари)га ҳам маъно беришга уринар эди. Мазкур уч оғайни санойи нафисадан “Чоргоҳ”, “Сегоҳ”, “Шаҳноз”, “Гулёр” ва шуларга ўхшаш оҳанглар билан ашулалар айтиб, кўнгилга роҳатлар берур эдилар.

Булар Тошканд қозихоналарида “вакил” деб от чиқарган машхур мусулмон даъво вакили Каримшайх охун(д)нинг ўғиллари бўлиб, маҳалла халқи орасида мумтоз бир ўрин тутар ва ўзларини бошқалардан одоблик ва худопарастроқ санар эдилар. Оталари Карим шайх вакил ҳозир тирик бўлиб, қозихоналардаги биринчи фақир халқ таловчилардан бўлса-да, бу маҳаллада обрўси катта эди...

Мен Шарафибой мадрасасида Дарвиш бобо билан истиқомат (Шаръий шариф!..) қилган чоғларимда, мазкур мадрасанинг мударриси Мулла бобо махдумнинг бир ўғли Жалолиддин Махдум билан жуда қалин, беғараз ошна бўлиб қолган эдим. Шунинг учун баъзи чоғларда кўнгил тусаб кетиб, хужрасига бориб дилкашлик қилиб, ҳасратлашиб ётиб келар эдим. Шул борган чоқларимда мазкур Жалолиддин махдум мадрасага кириб ўқимокқа қизиқтириб–қизиқтириб кўяр эди. Мен бўлсам, отам бориб турган

¹⁷ Жарлиқ – ёрлиқ тикиш маъносида.

камбағал бўлгани учун ул ўртоғимга узил-кесил жавоб бера олмас эдим.

Отам имомгарчилик емак-ичмак, кийим–кечакларимизни таъмин қилолмагани учун узангисозлик касбини ҳам қўлдан бермас эдилар, шундай бўлса ҳам тириклик жиҳатдан жуда қийналар эдилар. Чунки отамнинг ишлари тайёргарлик бўлиб, чиқимлари қуйидағича эди:

- 1) узангининг қораси - 1 сўм;
 - 2) сим – 40 тийин;
 - 3) овқат бир – 1 сўм;
 - 4) 3-4 кун меҳнат -1 сўм 60 тийин;
- Жами: 4 сўм

Мана шунча меҳнат, шунча пул қуйдириб, узангиларини 4 ёки 5 сўмга сотар эдилар.

Отам соддагина киши бўлгани сабабли ҳар йили рўзада имомгарчилик йиғиб берувчи элликбоши ҳам алдаб, йиғилган имомгарчиликнинг кўпини ўзи еб қўйганидан тирикчиликлари ҳали ҳам қийинлик билан ўтар эди.

Отам шундай оғирлик ҳолда бўлгани сабабли мени бир хунарчигами ёки бир мадрасага ўқишғами беришларини билолмасдан бир неча кунлар бошлари қотиб, фикр дарёсиға ботиб юрдилар, мадрасага берай десалар, китоб керак, хужрага 15-20 сўмлик алоқа керак ҳам еб-ичиш учун овқат керак бўлур, буларни топиб бера олмаслиқлари белгили эди, бир хунарчи – бир косиб кўлиға топширсалар, мен билим ва ўзлари ўйлаған адаблардан куруқ қолар эдим. Шунинг учун отам бечора бу қадрларини билмайдирган болалари, ўзларидан кейин қолса бахтсиз ҳам билимсиз бўлиб қолмаслиғи, кишилар “отангга лаънат!” дейдирган бўлмаслиғининг йўлларини изламакда эдилар.

Бир неча дапқир: “Отамға айтинг! Мени бир мадрасага ўқишға юборсинлар ёки бир касбга берсинлар! Мен шундай илмсиз, хунарсиз лақиллаб юра бераманми”, деб онамдан отамга айтдирган эдим, бироқ ул кишидан “Бир оз сабр қилиб тура турсин-чи!”дан бошқа жавоб ололмадим. Яна 3-4 кун ўтди. Ундан ортиқ чидаб туролмасдан, отамға ўзим айтдим. Отамнинг юзларидан қайғу-алам белгилари кўрина бошлади. Бир қизариб, бир оқариб, кўзларига ёш олғандек, бир ҳолда маъюсона бир қараш билан менга қараб: “Болам, яна озроқ сабр қилиб тургин-чи!”

дедилар-да, бундан ортиқ сўзлашга тоқатлари келмасдан бошларини қуйи солиб узун бир ўйга толдилар.

Орада кўб ўтмади, бир панжшанба куни: “Жалолиддин махдум ўртоғимнинг хужраларига бориб, гаплашиб ётиб келаман!” деган баҳона билан Шарафибой мадрасасига келдим-да, эртасига: “Мен энди бу ерда ўқиш бошлайман, ҳовлига бормайман” деб, бир кишидан айтиб юбордим ҳам шул кун “Аввали илм”дан дарс бошлаб, мадраса пашмалак махдумларидан бўлдим кетдим.

1897 йил, январ

6

Бизнинг бу мадрасамиз “Шарафиддинбой” деган бир нўғой томонидан солинган бўлиб, йигирматача хужралик, хиштин кичкинагина мадраса эди. Бу бой тириклик чоғида вақфни муллаларга ўз қўли билан бериб юриб, мадрасага оғзаки атаган вақфлари бўлса ҳам вақфнома қилмасдан борса–келмас кўчага кетган эди. Ўзидан кейин қолган яқингина бир қариндоши – Маҳаммадибой, вақф келимидан кўпини ўзи еб ва муллабаччаларга “хурмача”нинг тагини оз-оз ялатиб юрар эди. Бир кун бул ҳам йўлагиди ўтирган чоғда Азроил тўсатдан жонини олиб, арраланган ёғоч ғўласидек думалатиб юборган ва ундан қолган меросхўрларга мадрасага аталган тегирмон мерос бўлгани учун мадраса вақфсиз қолган эди. Шунинг учун вақфга қизиқиб мадрасани гуриллатиб турувчи қарға-қузғунлар учиб кетиб, ўқиш учун йиғилганлари истиқомат қилиб қолган эдилар.

Хужраларнинг бир нечаси вақфсизликдан ишдан чиққан бўлиб, бириси: муллабаччаларнинг мустаҳаб ҳам ғуслхоналари, бириси: ўтин, кўмир ҳам лампа ёғи (керосин) турадирган жойлари, ҳам бириси: мусалласи шаръий ва чилимларини домладан бекитиб қўядирган жойлари эди.

Мударрис домла, мадрасанинг ўтин, кўмирларига қарашиб турувчи бир-иккита жаннатталаб содда мусулмонлардан топқан бўлиб, буларнинг энг сахийроғи шул Пичоқчилик маҳалласидаги Рўзимат ака деган бир сағричи эди. Кўпинча, ўтин, кўмир ва лампа ёғларини қиши билан етарлик қилиб шул олиб берур эди. Рўзимат ака шул хайр-эҳсонининг соясида муллабаччаларнинг гапларига жўра ҳам бўлиб олган эди.

Мударрис домламизнинг исми шарифлари Мулла бобо охун(д) бўлуб, Сақичмон маҳаллалик эдилар. Бу киши шогирдларининг ўқиб бир нарса бўлишига анчагина аҳамият берувчи бўлганликларидан ҳар ҳафтадаги таҳсил (ўқиш) кунлари намозшомдан кейин “мутолаа ва такрор билан машғулмикин ёки бекор ўйнаб ўтирурмикин?” деб хужрадан хужрага юриб шогирдларидан хабар олиш, саҳарда туриб эшикларини тақиллатиб уйғотиш қилиғига ўрганган эдилар. Муллабаччалар ҳам қайсилари ўз тилаклари билан ва қайсилари домладан кўрққанларидан “Хўш тақсир! Лаббай тақсир! Лаббай!” деб довуш берар эдилар-да, ётган ўринларидан дарров ирғиб туриб, чироғларини ёқиб, қайсилари таҳорат қилиб келиб ва қайсилари бетлари ювуқсиз ҳолда дарсларини такрор қила бошлар эдилар. Чунки мударрис домламизнинг аччиғлари жуда тез, иссиқ қонлиқ, асабиймижоз (нервний) бир зот бўлиб, бу кишидан “паст қадам”¹⁸ муллабаччадан тортиб, “пеш қадам”¹⁹ гача кўрқмайдурғани бўлмас эди.

Мен ўртанча маҳдум – Жалолиддин билан ҳамхужра (хужрадош) бўлиб, хизматини қилиб турганим сабабли кўпинча овқатимни шул берар эди, мадрасага янги келган чоғларимда, ҳовлимга ҳафта сари бир дапқир бориб, ота-онамни кўриб турган бўлсам ҳам кейин ўрганиб қолиб, ярим ой, бир ойсиз бормайдирган бўлиб кетдим.

Менинг 4 та сабоқдошим – шеригим бор бўлиб, ҳар кун “Аввали илм”дан сабоқ олур, оқшомдан ёстик (хуфтон) чоғиғача, саҳарда туриб тонг отғунча такрор қилганимиз-такрор қилган, жавраганимиз-жавраган эди, бироқ “Аввали илм”²⁰ кедом аст ва “Охири илм” кедом аст?²¹ Жавобигаки: “Аввали илми маърифат ул-жаббори ва охириҳу тафвизу-л-умурий илайҳи”. Яъни: “Аввали илм шиноҳтан жаббороат ва охири илм гузаитан ҳамаи амр хабасуий ҳамун жаббор”²² деб ҳам шунга ўхшаган арабча, форсийча лафзларнинг бўтқасини қайта-қайта чайнашдан бошқани билмас эдик.

¹⁸ Паст қадам – куйи мадраса ўқувчилари.

¹⁹ Пеш қадам – юқори синф зкувчилари.

²⁰ Аввали илм – лағақий маъноси: илмнинг бошланиши. Форс тилидаги мадраса китоби.

²¹ Охири илм – илмнинг охири.

²² Форсча матн: “Аввали илм”ни ўқиш зарурдир ва охири илми билиш зарурати каби”

Муллабаччалар жамоа-жамоа (тўда-тўда), шерик-шерик бўлиб ўқур, ҳар жамоада икки кишидан бошлаб, 6-7 кишигача бор бўлиб, ораларидан биттаси “қори ўқувчи” бўлиб сайланур ва мударрис домланинг олдиларида шул иборат ўқур эди. Қори ҳар жумлани ўқуған сари домла форсийча таржима қилиб, сўнгра туркийлаб-ўзбекчалаб маънисини тушундирмакчи бўлур. Муллабаччалар кўлларини қовуштириб, энгашиб қоринларини сонлариға тираб, тушунсалар-тушунмасалар: “Ҳа тақсир! Ҳа тақсир!” деб бошларини силкита-силкита ўтираберар эдилар. Бу ўзбекчалаб берган маъниларининг орасида ҳам форсийча, арабча лафзлар кўб бўлиб, бунинг устига бошқа кўрилмаган китоблардан қоидалар сўзлар эдилар. Шунинг учун кўб муллабаччаларнинг миялари ачиб кетиб, дарсхонадан ўқуған нарсаларини яхши англамай ҳам тушунмай чиқар эдилар.

Мана шундай қилиб, дарсларимиз ўз она тилимиз бўлған ўзбекча ёки таржимаси ўзбекча бўлмағани учун маънисига кўпимиз тушунмас, қайсимиз тушунсак ҳам яхши айтиб бера олмас эдик!..

Отам бориб турган йўқсил бўлғани учун ейиш-ичишимга (овқатимға) махдум ўртоғим қарашиб турар, ойда бир, ярим ойда бир ўн тийин-йигирма тийин пул, ҳам беш дона – ўн дона кулча ҳовлимдан келса ҳам, булар икки кунга етмасдан тугалар эди. Шунинг учун махдумнинг чойини дамлаб, ҳужрасини сипириб ҳам бошқа майда-чуйда хизматлари бўлса қилиб, бирга-бирга томоқларини ейишиб тураман.

Мадрасамизнинг шанба, якшанба, душанба ҳам сешанба кунларида ўқиш, чоршанба, панжшанба ҳам жума кунларида бекорчилик бўлиб, шул 3 кун бекорчиликда мударрис домламизнинг зардалари ёмон бўлғани сабабли муллабаччалар бошқа мадраса муллабаччаларидек кенгчилик билан ўйин-кулгилар қилолмас, яъни шаръий мусаллас ичиш ва бесоқол келтуриб базм қилиш буларга оз насиб бўлур эди. Аммо катталари кичкиналарига хушдор бўлиб, куйиб-ёниб юришлари, соқоли борлари соқолсизлариға “Вой укажон, қандай қиламиз? Сизни кўрганимда жуда ўлиб қоламан-да! Нима бўлади биргина илтифот қилсангиз”, деб ҳам, шунингдек, майда-чуйда тегишишлари ва ҳазил мутойибалари ҳар вақт бўлиб турар эди.

Қайси чокда, қўллариға бир бесоқол бола тушиб қолса, от думидан ўрилиб, ипанг ҳам оқ симлар билан безалган “кокил” деган сочни унинг бошиға солар эдилар. Қайси (баъзи) бесоқол ўлгунча кўрс-қўпол муомала бўлиб, ҳадеганда бош бермас – унамас эди, ундайларини: “урамиз, ўлдурамиз!” деб дўқ билан кўрқитиб ёки қулоғини остиға шапалоқ билан қулочкаш қилиб, шақ этиб қўйиб юбориб зўрға унатар эдилар. Бесоқолни турғизиб ўйнатишға хужра торлиқ қилганидан у турған ерида унинг қўлидан чой олиб ичиб, маза қилишур эдилар. Ҳар нарсанинг низом қонуни бор “Дўст, тасаддуқ, қандай қиламиз?” ёки “Қаддигинангдан аканг, бир учириб юборсанг нима бўладир?” деб неча турли, шунингдек, хушомад сўзларни айтиб, бесоқолнинг тизза, биқинларидан ушлар эдилар. Мана бу тартибдаги ўйин-кулгулар қиш кунларининг узун кечаларида жуда яхши қизир эди.

Чиройлик болаларни чапанилар бесоқол бир жувон ва шунинг билан ҳар вақт айланишиб қолган кишини “жувонбоз” деб атар эдик. Бул чокларда Тошканд муллабаччаларидан энг биринчи жувонбоз “Бароқхон” мадрасасидаги Ҳазрати имомда Илёс қори бўлса, бизнинг Шарафи мадрасасида мулла Акбар деган муллабачча эди. Бу йигит домламизнинг жиянлари бўлиб, отаси ва оғалари аттор бўлганидан серпулгина эди. Бунинг хужрасидан мусаллас билан “жувон” аримас эди.

Дарсларимизни ўқиб, дарсхонадан чиққанимиздан кейин, кўпинча, муколамаримиз масжид хонақоҳининг ичида бўлур эди. Бу “муколама” деган нарса ўқилган дарсларнинг маънисини очик қилиб тушуниб, мияга яхшироқ қилиб жойлаштириб олиш учун чиқарилган бир қоида бўлса ҳам биз ўқуған дарсларимизға домланинг олдида яхши тушунмаганимиздан, бир-биримизга қарашиб, билар-билмас озроқ вайсашар эдик-да, қайсимиз китобларимизни очик қолдириб, қайсимиз ёпиб қўйиб, бир-биримизни қийқирик билан қувлаша бошлар, бошданми, қўлданми, оёқданми, елкаданми, белданми? Майли, қайси ердан кўлимизға қулай кирса, шул ердан тутишиб, тортиша берар эдик. Саллалар чувалған, чопонлар йиртилған, тугмалар узилған ҳолда бўлсақ ҳам ўйнашганимиз-ўйнашған бўлур эди. Қайси чоғларда оёғимиз илиниб қолиб жойнамозларни ҳам йиртар эдик. Бу ҳазилкашлик ҳам ўйнашишларимиз қайси чоғда уриш, жанжалга айланиб кетиб, сўкишиб ҳам ёқалашиб қолар эдик. Ҳазиллашган чоғларимизда

сўкишлар бор бўлса ҳам бу ёқалашганимиздаги сўкишлар каттиқроқ бўлур эди. Домламиз ва олдиноёғ (пешқадам)ларимиздан: “Ашшарику ахуватун – жойи келса” деган мақолни кўб эшитганимиз сабабли кўб чоғда ишларимиз шунга қараб юрар эди!.. Кўпинча, мударрис домламизнинг бизга ўргатадурған одоб ва ахлоқлари қуйидагича эди: Домла нима иш ҳам қандай иш буюрсалар, ғиринг демасдан қила берадир, майли, тўғри, майли эгри гап гапирсалар “Таксир! Ҳа, таксир!” деб эшитаберар ҳам шуларга кўна берар эмишмиз. Домланинг ва бошқа катта деб танилған кишиларнинг узокдан афт-ангорларини кўрганда, бир четга чиқиб ўтиб кетгунларича қўл қовуштириб, Азроилни кўргандек “дирр-дирр...” қалтираб эгилиб турар эмишмиз!.. Бурунғи устодлар домлалариға шундай эгилиб, оёқлариға бош уриб (тўғриси: рукуъ, сажда қилиб) устодлиқ ва илмлиқ даражасиға етишган эмишлар!..

Мана шундай ўгутларнинг хосияти билан боғ ва ҳовлиларининг ишларига пуллари кўб чиқим бўлмас эди. Чунки юқори даража ҳам мартабаларни Тангридан каттиқ сўраб ётқувчи биз муллабаччалар ул зотнинг боғ-ҳовлилариға боришиб, бутун ихлос ва жон-дил билан хизматларини бажо келтурур эдик.

Мен ўқиш кунлари сабоқдошларим билан биттагина дарс ўқийман, олдиноёқларимизнинг* 3-4 турли дарс ўқийдирғанлари ҳам бор. Бизда дарс прўғрами билан ўқиш у ёқда турсин, прўғрам деган нарсанинг оти ҳам эшитилган эмас эди. Шунинг учун ўқиш қуйидаги тартиб билан юриб турар эди. Қайси жамоа-тўда дарсхона эшиги олдиға бориб бир соат-икки соат кириб кетган жамоанинг чиқишини кутиб ўтирса, бурунғиси чиққандан кейин кириб ўқиш шунинг гали бўлур эди. Бу кутиб ўтиришлар қиш кунлари жуда қийин бўлур, айниқса, менингдек кийими юпқа муллабаччалар совуқда дириллаб, қалтираб жуда оғирлиқ тортар эдилар. Яна буниси қизиқки, кўб чоғларда “Мана, энди сабоқ олишға галимиз келди” деб суюнишиб турганимизда, мударрис домламиз тўйғами, маърака ошиғами, жанозагами кетиб қолиб, ўшал куни бизни ўқишдан қолдирар эдилар. Чунки тўй, жаноза эгалари бул таксиримизни бир тўнсиз – алакисиз қайтармас, шунинг учун ул нарсалар Машҳадда бўлса ҳам, муллабаччалар дарсларини ташлаб отлиқми – яёв чопар эдилар. Агар тўй, маърака қилған киши чақириқ қоғоз (даъватнома)да 15-20 нафар муллабаччалардан

хам чақирған бўлса, домламизнинг орқаларидан турнадек тизилишиб биз ҳам борар эдик.

1897 йил, апрел

7

Махдум билан биргалашиб бир киш турганимдан кейин ажралиб, бошқа хужрага чикдим. Бу чоқларда “Аввали илм”ни ярим-ёрти ўқиб, сабоқдошларим билан “Бидон” бошлашган эдим. Биз “Бидон”нинг бошидағи “Бидон асьада каллахув фад дароин”²³ деб ёзилган лафзларини баҳслашиб, бир-икки кунлик азиз умримизни бўш-бўшига ўтқуздик:

– Мусанниф “Бидон” деди, нимага “дон” демасдан бир “бий” кўшиб кўйди? Мусанниф “Бидон” деди, нимага “бихон” демади? Мусанниф “Бидон”нинг ўзи форсий тилда бўлатуриб, нимага “Асьада каллахув фаддароин”²⁴ деб арабча калима келтирди?

Мана шундай баҳслашиб ўрганган киши, зийрак ва онглик муллабаччалардан саналгани учун ўқиган дарсларимизнинг маънисини нима эканлигин билмасак ҳам, ўткур зеҳнлик ва зийрак бўламиз тилаги – эътиқоди билан биримиз олиб, биримиз кўйиб ҳам қўлларимизни пахса қилишиб бир-биримиз билан баҳслашганимиз-баҳслашган эди. Мен махдумдан бўлак бўлганимдан кейин ейиш-ичиш тўғрисида кўб қийналганим учун ўзига тўқ муллабаччаларнинг хизматини қиладурган бўлиб кетдим. Ёз чоғларида ўрис ичиға чиқиб, 30-40 тийиндан мардикор ишлаган кунларим ҳам кўп бўлур эди. Отам менга овқат топиб бера олмаганларидек, кийим ҳам топиб бера олмас эдилар. Мен муллабаччаларнинг эски чопонларими, эски кўйлак-иштонларими, эски кавиш-маҳсиларими қайси бири тўғри келса шуни кия берар эдим, бу тўғрида менда сира катталиқ бўлмас эди.

Мадрасамизнинг ярмисини маҳалла масжиди эгаллаган бўлиб, унинг жиловхонасида ҳар якшанба, панжшанба кунлари худойихўрлар кўчага тикилиб ўтирур эдилар. Бу худойихўр “испойларлар”нинг ичида энг суллоҳи Усмон дароз билан Тўлаган мағзава эди. Улар мазкур кунларда ўлганларнинг “жума окшоми”, “бозор окшоми” ошларини пешиндан бошлаб пойлар, олдиларидан ўтган ҳар бир кишига бизни чақириб келаётганмикан, деб анча

²³ “Бидон асьада каллахув фад дароин” – Билгин, Аллох сени икки ҳовлида саодатли қилсин

²⁴ Асьада каллахув фаддароин

тикилиб қараб турар эдилар. Агар бирорта киши худойиға чақириб келса, булар учун катта байрам бўлиб, дарров домла, имом, муаззин (сўфи)ни олдилариға солиб, яна бир-икки кишини олиб, югуриша-югуриша борар эдилар.

Яна мазкур жиловхона, маҳалла қавмларининг ҳар вақт намозға чиққанларида, намоз пойлаб ўтирадирған ерлари бўлиб, шиквашикоят, ғийбат, нафсониятнинг бозори шу ерда қизир эди!..

Ота бир, она бошқа бўлған Иброҳимжон деган бир амаким, қайси бир чоғларда жўраларининг ичига чақириб олиб бориб, “Або Муслим”, “Саййид Баттол Ғозий”²⁵ деган сўзининг кўпи ёлғон бўлған уруш китоблари ўқутдирар, мен бундай уруш китоблари (жангномалар)ға ихлосим баланд бўлганидан оғзиларимдан тупукларимни чоча-чоча, шовқин сола-сола болахонадор қилиб ўқиб берар эдим. Амакимнинг жўралари тушунтириб, дона-дона қилиб ўқиб берганимга завқланиб: “Охун(д) акамнинг шул болаларининг саводи хўб яхши чиққан-да!” деб, мени мактаб, кўтариб кўяр эдилар!.. Чунки кўб муллабаччаларнинг ҳатто катта мударрисларнинг ҳам саводлари ёшлиқларида яхши чиқмаган бўлиб, бундай туркий ҳам форсий савод китобларини туртинмасдан ўқий олмас эдилар.

Мен туркий уруш китоблариға ишқибоз бўлганимдек, турли-турли байт, ғазал китобларни ўқишға ҳам шоир бўлишға ишқибоз эдим. Бир кун ўзимнинг йўқсиллиғим, кийимларимнинг йиртиқ-ямоқлиғи ва бунинг устига гузаримиздаги бир самоворчи насяга берган нон, чой пулини қистаб, жонимни олғанлиғи бўлиб, жуда қайғуланиб ўтирганимда, мана шул тизмани бошлаб ёздим:

*Бир чопоним бор эрур мисли тўқим,
Шул чопоним ҳам эрур бору йўқим.
(Ғар самоворчи пулини қистаса,
Барча... да икки гина тўр.....)*

(Бу тизма анчагина бўлса-да, эсимда қолгани шугина эди)

Мана бу тизмани ёзиб, самоворчиға олиб чиқиб бердим. Вақт хуфтондан кейин маҳалланинг йигит-яланглари билан самоворхона лиқ тўла эди. Самоворчи ўқумаган оми бўлғанлиғи учун бир саводи бор йигитга: “Мана буни ўқиб бериб қойил қилинг! Қани,

²⁵ Диний қиссаларнинг номлари.

кўрайлик, мулла акам нима ёзганаканлар?” деб ҳалиги қоғозни узатди. Ул шовқин солиб, барча кишиларга эшитарлик қилиб ўқуған эди, ҳамма бирдан хохолашиб кулиб юбордилар. Самоворчи ҳам уялған аралаш ўзини тутолмасдан кулиб юборди ҳам: “Муллака, тоза ўринлатибсиз-ку! Мени тузатибсиз-ку! Садағаси кетай! Ўша икки танга насямни кечвордим-ей. Боринг, мени давлатимда бахузур ўйнайберинг!” деб пулидан кечиб юборди.

Менга ўрис ичиға чиқиб мардикор ишлаш жуда оғир бўлғани учун бир ёз Жалолиддин махдум билан кўшилиб, мударрис домламизнинг боғларида баъзи хизматларини қилиша бошладим. Чунки ўрис иморатларини солиб-битириб беришнинг пудратини устларига олған мусулмон пудратчилари, менинг муллабаччалигимни ўзимнинг ўйлағанимдек риоя қилмас эдилар. Биз, муллабаччаларнинг ўз эътиқодимизча: Бир киши бир муллабаччани “сен!” деса ўзи кофир ва хотини талоқ бўлур эди. Биз қайси чоғларда бир хил шариатга тўғри келмайдирган ахлоқсизликларни қилиб турмасак, бизга ерда туриш мумкин эмас, балки фаришта тўртинчи кўкка кўтариб олиб чиқиб кетиб, ўзлариға кўшиб олар эдилар. Бу ривоятга қарағанда, биз кишиликдан чиққан мадраса фаришталари бўлиб, ош қилған ва чой қайнатған чоғларимда кўк фаришталари учмоҳдағи кавсар сувидан олтин, кумуш косаларда олиб келиб, бизга сездирмасдан қозон ва қумғон-самоворларимизға солиб кетар эди. Шунинг учун олимларнинг бизнинг каттадан кичигимизгача сийлаш ва ҳурматлашлари керак! – деб билар эдик.

Пудратчилари қурғур ундай шарофат ва хосиятларни ўйламас, мени сийламас, ўқумаған омиларға қанча пишиқ хишт, хомхишт кўтартирсалар менга ҳам шунча, балки уларникидан ҳам оғирроқ ва кўброқ кўтартирар эдилар. 7-8 дона хиштни орқамға қўйиб, икки кўлим билан остидан ушлаб, икки қат – уч қат иморатларнинг қарағай тахталардан ясалған шоти (нардбон)лардан харсиллай-харсиллай зўрға олиб чиқар, орқамдан хиштларни ташлағанимдан кейин букилган белимни инграй-инграй зўрға тўғрилаб олар эдим. Бунинг устига усталарнинг:

– Ҳой, муллака, тезроқ келсангиз-чи! Сен жуда аблах, ҳушёқмас экансан-ку! Мунча секин қимирлайсиз?! Кўб шалвилламасдан тез-

тез юр! Ийй... Оёғинг синганми? – деб ҳам шунингдек камситадирған сўзларни айтишлари жуда ортиқча бўлур эди.

Мударрис домламизнинг бир оти, бир аравалари бор бўлиб, махдум ўртоғим билан ҳар ёқдан гўнг ташур, уни занбиллар билан ерларининг кучсиз ва ишдан чиққан жойлариға тўкар эдик. Бузилған деворларини лой қилиб уришиб, чопиладирған ерларини чопишиб ҳам бошқа майда-чуйда ишлариға қарашиб юрар эдим. Қўлимдан келадирған ишлари бўлса, менда сира бўйин тоблаш, сўз қайтариш деган гап бўлмас, жон дил билан қаттиқ ёпишиб, ихлос билан қилар эдим.

Биз мударрис домламизни “Ҳазрат домла” деб ҳурмат билан сўзлашар эдик. Бу киши қора ишларни ишлашга ҳам ғайратли бўлиб, боғнинг ерларини чопиб, пахсаларини ҳам ура берар эдилар. Ишга тушганларида шундай ғайрат кўрсатар эдиларки, бирга ишлашиб турган 4-5 кишини ҳам шоширар ва улардан ортуқроқ ишлар эди.

Уч ой ёз ўтиб, куз кирди. Шир неларини яшириб олиб, домла шахарга кўчдилар ва мадрасамизда ўқиш бошланди. Мен ҳам сабоқдошларим билан “Иълол”²⁶ бошлаб, буни бир ярим бетча ўқир-ўқимас “Аъвомил”²⁷ га тушдик. Биз нахв илмини ўқумаған ҳам қоидалари қандай эканлигини билмаған бўлсақ ҳам ҳазрат домламиз: “Ала ва мийл мавсуф, миннахвв хару махрур”²⁸ деб ҳам шунга ўхшаш биз тушунмаған нарсаларни айтиб, таркиб боғлаб, ёдлашға буюрур эдилар. Шундай қилиб, ўкутилғанда муллабаччалар арабча китоблардан таркиб боғлашға уста бўлур эмишлар (домламизнинг ақл, фаросатлариға қандай баҳо берасиз, ака?!)

Домламизнинг аччиғлари тез ва ўзлари тентаксимон – асабий (нервний) бўлғанлиқларидан муллабаччаларнинг оқ қилишлари ҳам тез-тез бўлиб турар; арзимаған нарсалар учун “бадбахт, сани оқ қилдим!” деб койиб, оқ қила берар эдилар. Бу “оқ” деган нарсанинг маъниси: безор бўлиш, ёзуқлик (гуноҳкор) қилиш бўлиб, ўзи қора нодон халқ орасида қаттиқ ҳам улуғ гап бўлса ҳам, бу киши унар-унмасга ишлата бериб, ишдан чиқарған эдилар. Менинг ўртоғим махдумни ҳам бир неча дапқир оқ қилиб, яна бир неча дапқир ярашкан эдилар.

²⁶ Иълал – ўқилиши лозим бўлған жумланинг биринчи калимаси.

²⁷ Аъвомил – ўқилиши лозим бўлған жумланинг тўхталиш ўрни.

²⁸ Жумла аралаш-қуралаш ҳолда ўқияпти.

Бунинг йўлини муллабаччалар топиб олган бўлиб, домла буларнинг биттасини оқ қилдиларми, ҳалиги дарров уйига ёки хужрасига чақириб зиёфат қилар эди-да, устларига 4-5 сўмлик чопонни ёпиб, яна атий-қатий бўларди-кетарди.

1898 йил, март

8

Бу йил қиш қанча қийинлик ва оғирлик билан бўлса ҳам мадрасада кўкламга чиқиб олдим ва махдум билан бир жувон тўғрисида жанжаллашиб қолиб, аразлаб, Ҳазрати имомдағи Мўйи муборак мадрасасига кўчиб кетдим. Бу мадрасанинг мударриси отамнинг Абдулмажидхон эшон деган пирларининг катта ўғли ... деган бир киши бўлиб, ўзлари қирқлардан ошган бўлсалар ҳам башараларининг майдони “Шайдон”²⁹нинг даштидек сақол сабзасидан яп-яланг эди. Мадрасанинг ўнтадан ошиқроқ хужраси, бир хонақоҳ, бир айвони, бир ўчоқбошиси ҳам бир товонхонаси бор эди; бунинг тевараги девор бўлмасдан, гир айлантирилиб, “чий” тутиб қўйилган эди. Бунда 11-12 тача муллабачча бор бўлиб, вақфи Николайнинг тўра ва чиновниклари томонидан босиб олинган эди. Мударриснинг отаси Мажидхон эшон ўлиб кетган, бу киши эшон ва пирликнинг юқори поясига еткан бўлганликдан, мадраса вақфсизлигининг бу кишига сира зиёни йўқ бўлиб, мендек йўқсил муллабаччаларга қийин эди.

Мен дарсхонанинг ёнбошидағи бир хужрада истиқомат қилиб, эшонга кириб, “Мухтасару-л-виқоя”дан сабоқ олур эдим. Бу қиш ҳар куни бир неча тўй ошиға, бир неча ўлганнинг жанозасиға ҳам бир неча зиёфатға бориб, кийиб келган чопонларнинг баҳоси сира бўлмағанда 5-6 сўмға етар эди. Шогирдларининг кўпи менга ўхшаш бир “Мухтасар” билан судралиб юрувчи ялқов ҳам мурид болалари бўлиб, ёлғиз биттагинаси аьқоидхон эди. Мударриснинг ҳезалакчалишғина кеча-кундуз хизматларини бажариб турувчи бир одамлари бор бўлиб, бир ерга борсалар, биргалашиб бориб нон, тўнларини кўтариб келиш, муридлар келса, уларнинг олдилариға дастурхон ёзиш, чой дамлаб келтириб қуйиб бериш ҳам бошқа майда-чуйда ишларини қилиб туриш шунинг вазифаси бўлиб қолган эди. Қайси чоғларда мен ҳам чой дамлаб бериб, муридларнинг кавушларини тўғрилаб қўйиб юрар эдим.

²⁹ Шайдон – шайтон сўзининг бузилган шакли.

Бу мударрислик пардасига бурканган эшон бурунги Мулла Бобо охун(д) домламиздан ҳам у ёқ-буёққа кўбрак юрар, бошқа мадрасаларда ҳафтада тўрт кун ўқиш бўлса, бу “мадраса” отини ўзиға таққан “эшон хонақоҳи”да бир кун – икки кун ўқиш бўлур ёки сира бўлмас эди, ўзларининг илмлари яхшиғина бўлса ҳам юришлари кўб бўлғани учун ўқувчилари озғина эди.

Мадрасамиз сердарахт, серсув бўлган катта, кенг бир майдоннинг ўртасида бўлиб, катта-кичик икки ҳовуз, ўрта бир еридан ўтадирған катта бир сув, кичикроғ бир ариғ билан кўриниши ҳар вақт баҳримизни очиб турар эди. Бу кенг майдонда бизнинг мадрасамиздан бошқа икки масжид, бир қорихона ҳам бор бўлиб, ҳар кун беш даққир намоз олдидағи сўфиларнинг азон довуши миямизни тозаям суюлтуриб юборар эди. Қорихонада болалар кўб эди.

Мадрасамизнинг кунботар томонида “Бароқхон” деган каттагина бир мадраса бор бўлиб, унинг Мағрибхон деган мударриси озода табиатлик Жузъийхон бир киши эди. Дутор, танбур, ғижжак мусиқий қуролилари (чолғулари)ни тузатиш; уларни турли-турли куй (оҳанг)лар билан чалиб ашулалар айтишга жуда уста бўлиб, табиблик илмидан ҳам хабардор эди. Ул қирқ ёшдан ошган бўлса ҳам ҳалигача уйланмаған бўлиб, ҳар вақт ётқизиб-турғизадирған икки нозанин сиймин тан махрами – боласи бор эди. Бу Бароқхон мадрасасида ўқувчи муллабаччалари бошқа мадраса муллабаччаларидан ортиқлиғи озода кийим кийиб юриши, сарф, наҳф илмларини яхши билиши, мусиқийдан: дутор, танбур, ғиччак ва бошқа чолғуларни чалиш илмларини билишида бўлиб, бундаги “Шарҳи Мулло” ўқувчилари мадрасанинг “ақоидхон”, балки “хатми карда”ларини китоб ўқишғанда қочирар эдилар. Буларнинг устига “Гулистон”, “Бедил”дек қийин форсий китобларидан дарс қилиб ўқишиб, форсий адабиётиға ҳам анчагина таниш эди. Бошқа мадрасаларда ёз кунлари майда-чуйда дарс бўлиб турғанида, бул мадрасада бўлмас эди.

Мен ҳам шул мадрасаға кириб ўқумоққа қизиққан бўлсам ҳам, мударрис – Мағрибхонтўранинг мендек қашшоқ, эски чопон муллабаччаларни ёқтурмаслиғини ва жини хоҳламаслиғини эшитиб, кира олмай қолдим.

Бизнинг мадрасада ҳар йил “оши арус”³⁰ ҳам шунингдек, муридларнинг катта йиғинлари бўлур, шул йиғин кунлари, эшон домламизга назр-ниёз ҳам садақа пуллари кўб тушар: бу киши ҳам келган мурид-мухлисларини қуруқ қайтармасдан бир катта қозонда ош дамлаб едириб, нонларнинг устига холвайтар солиб бериб жўнатар эдилар.

Рамазон (рўза) ойининг кейинги ўн кунда муридлардан 60-70 киши хужра-хужрага бўлиниб, “даҳа”га ўтулар, бу ўн куннинг ичида, шўринг қурғур муллабаччаларга ўқиш, китоб кўриш деган нарса сира бўлмас ва хужраларини эгаллаб ётган дангаса муридларга ош, сув, чой, нон ташиб хизмат қилар эдилар.

Бу йил ҳам ҳалиги айтилган даҳа бошланди; муридларнинг ҳар бир хужрага 3-4 тадан кириб, 50-60 таси “даҳа”га ўтирди. Меним хужрам ҳам бу бўрдоқи махлуқлардан бўш қолмаган ва менинг хужрамга ҳам 3-4 талари жойлашган эдилар. Хужраларни саситиб-биқситиб ётқон бу тентакларни азиз-авлиё деб англаб, савоб кўб топиш умиди билан уларга мендан ортиқ хизмат қилувчи йўқ бўлиб, мен ҳар кун катта қозоннинг остига ўтин ёриб ёқиш, чойнак, пиёла, лаган, тобоқларни тозалаш билан айланишганим-айланишган эди.

Мен қайси чокларда кўнгил очиш учун бозор бошига тушар, раста-растага, дўкондор бесоқол болаларнинг жамолини томоша қилиб айланиб юрар, сўнгра мадрасага қайтиб келар эдим. Бир кун шул қилиғимни қилиб, бозорга томоша учун тушганимда бўз ҳам қозоқи кийимлар сотиладирган растага кириб қолиб, шундаги бир дўкондор болага ҳушим кетиб, жуда гирифтор бўлиб, 15 минутча дўконининг тўғрисида оғзимни очиб, анқайиб ўтириб қолдим. Кун кеч бўлган эди. Дўкондор дўконларини қулфлаб, уйларига кета бошладилар. Ҳалиги мени ўзига асир қилган бола ҳам дўконини бекитиб, отаси билан ҳовлисига жўнаб кетди. Мен бутун шайдойи бўлиб, юракларимда ишқ ўти ёна-ёна, оҳ-воҳлар торта-торта хужрамга қайтиб келдим. Шундан кейин ҳар кун бир марта бозорга тушиб, маҳбуби нозук андомимни(нг) жамоли бемисолини кўриб, юрак ўтини бир оз бостириб чиқадурган бўлиб қолдим.

Бир кун эшонларнинг зикрхонасидан, хатми хўжасидан ва бошқа ўлук оши, худойилардан сира қолмасдан ул нарсалар қаерда бўлса исковичдек қидириб, излаб бориб турадирган, маҳалла сўфи

³⁰ Оши арус – оммавий эҳсон.

(муаззин)имизнинг ўғли Ҳаким қори деган бир суллоҳ қориға учрашиб қолиб, ҳалиги бесоқолға хушторлик воқеасини сўзлаган эдим, ул дардимга даво топиш йўллари кўрсатиб берди. Унинг сўзиға қарағанда, мени ўзиға гирифтор қилган бола Бекларбеги мадрасасида муллабачча бўлиб ўқиб юрар экан. Унинг оиласи бошқа олдиноёқларға ишонмасдан Мулла Муҳиддин охун(д) деган мазкур мадрасада турувчи бир халифаға топширган эмиш. Мен мазкур мадрасага кўчиб бориб, мазкур халифанинг хизматини ихлос билан қила бошладим, ўшал болага етишар эмишман. Бунинг учун Ҳаким қорининг мазкур халифа хизматиға мени олиб бориб, таништириб қўйиш керак бўлур эмиш. Мен Ҳаким қорининг бу кўрсатган йўлини маъқул қилиб ҳам унга раҳматлар айтиб, келаси жумъани ваъда қилиб, хужрамга қайтиб кетдим.

3-4 кун ўтди, ваъда қилинган жума кун келиб етди. Ҳаким қорининг Эскижува Қўшмазоридаги даҳмасига келган эдим, ул ваъдасиға вафо қилиб, халифа олдиға олиб бориб, мени унинг билан таништирди ҳам Муҳиддин охун(д) халифа ўз хизматиға хизматчи қилиб олмоқчи бўлди. Шу кун яқин орада вақт топган эшон акасининг 15 чоғли муридлари “хатми хўжа”, “хатми далойил” қилишмоқчи бўлиб, халифанинг хужрасига бир-бир келиб йиғилишдилар. Бир оздан кейин “Далойилу-л-хайрот”³¹ ни турли оҳанглар билан ўқиб туширдилар. Сўнгра бир халта майда тошни ҳар қайсилари 10-15 донадан бўлиб олишиб, тош шиқиллатишиб хатми хўжа бошладилар; бунда: бир неча қайта салавот, бир неча қайта “Фотиҳа”, бир неча қайта “Ихлос” ва бир неча қайта “Нашрах...”³² сураларини ўқиб битириб, савобини Ғавсул Аъзам, Баҳовуддин Нақшбандға бағишладилар. Бу ишга мени ҳам қатнаштирдилар. Сўфи (мурид)ларға бир коса “сўк оши” тортилиб, хўр-хўр ичишганларидан кейин фотиҳа ўқишиб, халифанинг рухсати билан барчалари қайтишиб кетишдилар. Мен ҳам Ҳаким қоридан катта миннатдор бўлиб, суюна-суюна хужрамга қайтиб кетиб, эртасига намози шомдан кейин қоронғилатиб, увадамни кўтариб, Бекларбеги мадрасасига кўчиб келиб, халифа хужрасига жойланишиб олдим.

1900 йил, апрел

³¹ Далойилу-л-хайрот – машҳур диний асар.

³² Купъони карим суралари номлари.

Мана энди менга ҳар бир нарса янги: ҳужра ҳам янги, бундаги одамлар ҳам янги таниш эди.

Тонг отиб, халифа ҳам келди, ул киши билан биргалашиб чой ичишдик. Бирор соат ўтгандан кейин “маҳбуби нозик андам”им ҳам укасини етаклаб келиб қолди. Мен шул чоғда ҳужранинг ич ва олдиларини сипирмакда эдим, унинг юзига қаролмасдан уялиб терлаб кетдим. Ул менинг кам эканлигимни сизди шекилли менга тикилиб ола-ола қаради-да, кўп тўхтамасдан укасини шу ерга қўйиб чиқиб кетди.

Бу мен муккамдан кетиб ва ясолик маҳрам бўлолмай ҳижрон қоронғулигида саргардон бўлиб бесоқол боланинг қош-кўзлари қоп-қора, бориб турган жозибалик бўлиб, икки ўзи олмадек қип-кизил қадди-қоматлари хипчагина жуда ўзига келишган ва сурма тортиб қўйилғандек қуюқ қора киприклик кўзлари билан бир қиё бокқанда ҳар қандай дунёдан кечган “фанофиллоҳ”ларни ҳам янги янги бўғизланган товукдек типирлатиб қўяр эди. Бизнинг Туркистон шоирларининг қайси бири кўрса ҳам уни махтаб, бир узун сўзишлик тизма (назм) ёзмасдан туриши сира мумкин эмас эди.

Халифа буюрғани учун унинг укасининг “Ҳафтияк”ини ўкутиб қўйдим. Болажон кеч соат 5 ларда келиб, укасини олиб кетди. Муллабаччалардан суриштириб билиб олдим, бола Себзор даҳа шокингузарлик бўлиб, оти (айтишга таҳоратингиз борми?) Абдулазимхўжа эмиш. Бу халифада ўқиб юрган 9-10 ёшлиқ укаси: “Аканг ким билан гаплашади? Кимдан пул ейди? Сен пайқаб юр!” деб отаси томонидан қўйилган айғоқчи экан (Қаранг, буни ҳам билиб олдим). Болажон менга ҳар куни бир оғиз, икки оғиз сўз қотадириган, мен ҳам шунга тўғрилаб жавоб берадирган бўлиб қолдим.

Муҳиддин халифанинг бу жойи дарсхонага ўхшаш каттагина бир ҳужра бўлиб, бунинг ичида яна кичкинагина, торгина ҳужраси бор. Халифа тасбиҳ ўгириб, “Далойил...” ўқиш ҳам тош санаб, ҳатами хўжа қилишлардан қутулгандан кейин шул тор ҳужрасига кириб, “саррочлик” хунарини қилар эди. Бу халифа узун бўйлик, сепкил башаралик, сариқ соқол, юнглик ва келишмаган гавдалик бўлиб, табиатидан содда мусулмонликдан анчагина бор эди. Мен

бу кишидан “Фикҳи Кайдоний”³³ деган сабоқ олар, келган-кетган мурид, мухлислариға самовор кўйиб, чой дамлаб берар ва панжшанба кунлари 3-4 дўкондор муридларидан халифанинг буйруғи билан 10-15 тийиндан пул йиғиб келиб, жума кунлари хатми хўжа, хатми далоилчиларға сўк оши пишириб бериб турар эдим.

Халифанинг катта эшон бўлишға жуда ҳаваси баланд эди. Оғасидан қолган мурид-мухлисларни ўзиники қилиб олиш ниятида хунари ва азайимхонлиғидан топган ақчасидан аямасдан уларга едиргани-едирган эди. Ул ҳийлагар муридлар ҳам бу одамнинг содда мусулмонлиги ва катта тамаъидан фойдаланиб, “Ҳа тақсир, сизни эшон кўтарамиз! Акангизнинг ўринларига сиздан бошқа киши лойиқ эмас. Жанобингиз акангиздан қолган бир туёқсиз, тақсир!” деб бозордан ҳар турли таомлар олдириб еб, қорниларини тўйдириб кетар эдилар. Халифа ҳар ҳафта бир неча эшонхона қоҳиға зикрга борғандек, мени ҳам кўймасдан олиб борар, ўзи муридлар ҳалқасининг юқорисига ўтириб олиб зикр тушар эди. Қайси чоқларда мен ҳам қизиқиб кетиб, эшон ҳалқасига ўтирар эдим-да: “Ҳовва-ҳо, ҳовва-ҳо ҳовва, ҳмм, ҳм, ҳмм, ҳмммм!..” деб ўзимни кўтариб ташлай-ташлай зикр тушиб, томоғларим қирилиб кетар эди.

Кўп ўтмасдан мадраса муллабаччаларидан секин-секин таниш орттира уларга аралаша бошладим. Ва бир тўда “Шарҳи Мулло”хонларға сабоқдош ҳам бўлиб олдим, Абдулазимхон ҳам менинг шеригим эди.

Ул дилоромимнинг мулладан, муллабаччадан, чапанидан, бойдан, камбағалдан қисқаси Тошкент кишиларининг ҳар бир синфидан хушдори бўлиб, куйган, ёнғанлари кўп эди. Айниқса, косиблардан бир чапани шундай қаттиқ ўзини берган эдики, бутун топган-тутганини шунинг йўлиға сарф қилар ва қаерға борса: “Биров зиён етказмасмикан, биров базм қилиб кўймасмикан” деб ўйлаб, кеча-кундуз ўзига сездирмасдан орқасидан пойлаб юрар эди. Абдулазим халифа: “Баъзи хушдорларнинг томонидан ҳужум ёки номусингга тажовуз бўлиб қолса, ўзингни ҳимоя қиларсан?” деб мазкур чапани томонидан бир давдама (ханжар) ҳам олиб берилган эди.

³³ Фикҳи Кайдоний – фикҳ илмига оид асар.

Чоғ кўклам чоғи унинг хушдорларидан Дегрез мадрасасида ўқувчи муллабачча бизнинг мадрасамизга келиб-кетадурган бўлиб қолди. Ҳалиги ошиқи бекарорнинг ўзи ҳам афти-башараси келишган бесоқол бўлгани учун бизнинг шерик сабоқдошлар пойлаб юриб, бир кун кўлга тушириб базм қилдилар. Базм халифа хужрасида эмас, бошқа торғина хужрада бўлиб, қуйидаги тартиб билан бошлаган эдик. Кўча кишиларидан бирор киши сезиб кириб қолмасун, деб эшикларни занжирлаб ҳам қулфлаб қўйдик. Бесоқолни, мадраса тили билан айтганда, “жувон”ни тўрға чиқариб тамом иззат–икром билан ўтқизиб, ўзимиз унинг теварагида ҳалқа куриб ўтирдик. Қайдан бўлса-да, “кокил” топиб келтирилган эди. Муллабаччалардан биттаси кокилни олиб бориб, бошидан тўпписини олиб солмоқчи бўлган эди бесоқол кокилни икки кўли билан итариб, бошини олиб қочиб тих(ир)лиқ қила берди. Бунга муллабаччалар(ни) кўпини(нг) аччиғи келди ва ҳамияти жаҳллари кўзғолди. Буларнинг биттаси аччиғига чидолмасдан “дарр-дарр” қалтираб, ирғиб туриб, унинг олдиға борди-да, “Эй отангни!.. кокилни солдирмасдан, баччалик қилмасдан бизнинг кўлимиздан қаерға қочиб қутуласан?!” деб кимсасиз, кўмакчисиз бу бечора боланинг қулоғининг остиға шапалоғи билан қулочкашлаб тортиб юборди. Шапалоқнинг зарбига унинг қулоғи жаранглаб кетиб, ялт этиб, кўзи очилди. Барчамизнинг кўзимиз унда, унинг кокил солдиришға кўнишини бутун вужудимиз кўз бўлиб кутиб турмакда эдик. “Бу дин қаҳрамонларининг орасидан менга бир кўнгли юмшоқ кўмакчи топилармикан?” дегандай қилиб теварагига тезгина бир қараб олди-да, бизнинг бу тўғрида қайтмайдурган ҳам сўзларимиз бир эканлигин сезиб, кўрққонидан: “Жон ака, айланай ака, тавба қилдим, энди солдираман!” деб ялинишға тушди ҳам ўзи кокилга бошини эгиб тутиб берди.

Мана энди базм бошланди: Бунда Абдулазимхўжа ҳам бор, бесоқолнинг бошиға кокил солинган эди. Исломнинг ҳақиқати нима эканлигин билмасак ҳам исломчилик, динчиликни даъво қилувчи биз муллабаччалар, ҳеч бир уёт йўқ, ўзимизға ўхшаган бир эркак болага қараб: “Ох, тасаддук! Қадди-қоматингдан ўргулай! Қулингизга бир илтифот қилсангиз нима бўлади? Жуда ўлдук-ку!..” деб ва шунга ўхшаш хушомад гапларни айтиб, ўз кўкракларимизга шапалоқларимиз билан қарс-қарс уриб ўтурмоқда, бола ҳам биздан кўрққанидан баччаларнинг турли-

турли қичиқ қилиқларининг кўпини қолдирмасдан қилмоқда ва чойларни хўплаб табаррук қилиб бермақда эди.

Базм 2-3 соат бўлиб туриб тугади, муллабаччалар хужрасига тарқалди ва ҳалиги бесоқол халифа хужрасида бизнинг олдимизда ётиб қолиб, эрта азони билан ўз мадрасасига қочиб кетди ва шундан кейин бизнинг мадрасамизга оёқ босиш у ёқда турсин, афт-башарасини ҳам кўрсатмасдан жимжит бўлиб кетди.

Ёз ўтди, башарасини сарғайтириб куз келди. Боғдорлар боғдан, қишлоқи муллабаччалар қишлоқдан ва қозоқ мулдокалар саҳродан келиб, мадрасага йиғилишдилар, сабоқдошларим 9 шаҳар, 6 қишлоқ ўзбеги ҳам 5 қозоқдан иборат бўлиб, барчамиз 20 та эдик. Орада(н) икки ҳафтача ўтгандан кейин халифадан ажралиб, бир сабоқдошим (шеригим) билан хужрадош бўлдим.

1900 йил, ўктябр

10

Менга икки киши хужрадош: бириси ўз сабоқдошим Нурмат деган йигит ва иккинчиси соддағина, билимсизгина бир олдиноёк (пешқадам) эди. Олдиноёқнинг олдинги бир икки тиши тушиб кетганидан “с”ни “ш” деб айтар; шунинг учун ўз сабоқдошлари “шашшалаш” лақаб қўйиб, кўб калака қилишар эдилар.

Бекларбеги мадрасасининг икки мударриси, дарсхонаси, бир катта хонақоҳи, ёз кунлари намоз ўқиш учун бир айвони ичкари, ташқари ва юқори, қуйидаги бўлиб, 50 тача келадирган хужраси бор бўлиб, ҳар бир хужрасида 2 тадан 4 тагача муллабаччалар истиқомат қилишар эдилар. Мударрисларнинг “мукаррир” оти билан юрийдирғон икки кўмакчиси бор бўлиб, булар талабаларга мударрислар олдида англамаган дарсларни англашиб қўяр эдилар. Бунинг устига 4–5 “хатми карда” ғайри расмий равишда шогирд йиғиб дарс айтишар, 4-5 талари бекордан-бекорга хужраларни эгаллаб вақф ақчасини еб ётар эдилар. Яхши-яхши хужралар шул бекорчи хатм кардаларники бўлиб, ўқувчи муллабаччаларга ярамас хужралар тегар ёки қанча йўл оғирлиқларини тортиб, узоқ-узоқ ҳовлиларидан мадрасага қатнаб ўқиб юрар эдилар. Бунинг пирга қўл бериб кечалари ортуқча намозлар ўқуб Худоға йиғлаб чиқадурған бир имоми, бир афъюн ҳам таряк егувчи сўфиси (муаззини) ва халажойни тозалаб, кесаклар ушатиб қўядурған кўкнори фарроши бор эди.

Катта мударрис Шомахмуд Охун(д)да сабоқдошларимнинг барчаси бир тўда бўлиб ўқиса ҳам, мукаррир ва бурчаги домлаларда тўрт киши-беш киши бир тўда бўлиб, бўлиниб ўқур эдилар. Бу ернинг тўда шериклари Шарафиддин бой мадрасасидаги тўда шерикларидан катта бўлиб, ҳар бир тўда шерикда энг ками 9-10 киши бўлур ва бунинг бутун ўқувчилари 200 тадан ошар эди. Катта мударриснинг шогирди кўб, ўзи қари бўлганлиғидан дарсларимизни тушунмасак ҳам “табарруккан” деб ўқиб юрар эдик. Мен катта мударрисда ўқиб чиққонимдан кейин 4-5 сабоқдошим билан ҳукуматдан рухсат олмаган Абдулжабборхўжа эшон деган бир “бурчаги” домлада ўқиб юрар: бу киши “Кофия”³⁴ ўқисақ ҳам, “Шарҳи Мулло” ўқисақ ҳам яхшироқ тушундирмакка уринар эдилар.

Мен бу мадрасага келганимдан кейин Тошкентнинг отанган шоирларидан мулла Камий³⁵, Ортиқхўжа қори ва Қудратиллоҳ қори деган кишилар билан танишиб, бориш-келиш алоқасида бўлдим. Булардан бир нечаси, Мулла Камий тили билан айтганда, табиати жуда юқори – илҳомий шоир бўлиб, ҳусн эгаси бўлган бесоқол болаларни ҳам бойларни мактаб шеър ёзиш, янги солинган меҳмонхона, масжид ҳам мадрасаларга таърих ёзиш ва катта чиройлик хат (ҳусни хат) ҳунарларига эга бўлса ҳам йўқсиллик билан кун кечирар эди. Бунинг таҳсили ҳам шул Бекларбеги мадрасасида бўлиб, хатми кутуб қилар-қилмас ўқишни ташлаб, шеър ёзишга урнаб кетган, отасидан ўзига теккан ҳовли-жойларни оға-иниларига топшириб, дунёдан кечганлигини даъво қилиб, юрган бир киши эди. Бу ҳам шул мадрасадан бир хужра эгаллаган бўлиб, кўпинча ҳар қаёқларда юрар эди. Бунинг бойлар, бойбаччалар ҳам муллалардан танишлари кўбгина бўлиб, тилаган (хоҳлаган) нарсалари: гулзорлик такялар, озода чойхоналар, ахши боғлар, чингиллик – келишган меҳмонхоналар, қора қош, қора кўз ҳам олма юз, кумуш бадан, чумоли бел, бодом қовоқ, юпқа томоқ, бесоқол болалар бўлиб, кўб чоғларда шундай жойларда ўтурар ҳам шундай кишилар билан гурунглашар – суҳбатлашар ва қайси чоғларда шундай жойларга мени ҳам олиб борар эди. Қисқаси, бу зот замонамизнинг катта шоирлари ва адибларидан саналиб, ёзган ўзбекча шеърлари кўб эди. Бу одам форсийча шеърларни ёзишга

³⁴ Кофия – луғавий маъноси: кифоя қилмоқ. Мадрасадаги дарс китобларидан.

³⁵ Бунинг асли оти Каримбек, тахаллуси Камий бўлиб, Тошкентнинг Себзор даҳа Тағ кўча маҳалласидандир (муаллиф изоҳи).

хам уста бўлиб, кўпинча, таърих шеърлари шу форсий тили билан ёзилур эди. Бунинг ўзбекча ёзган шеърларидан 1-2 намуна:

*Эй гунча лаб, юзи лолаи ҳамро,
Айла жам йўқ қона бўёлмай асло.
Илгинг бирлан оёгинга, нигоро,
Чеккан хиноларинг ёдимга тушиди.*

Иккинчиси:

*Азизи Миср хўби сен назокат иззу жоҳингдур,
Кўнгул бир қатра қон бирлан муросаи тахтигоҳингдур.*

*Нигоҳи гарм ила эй кўзларим додингга гар етмас,
Оёгин остига тифли сиришкинг ташила шоҳингдур.*

Фарғоналик “Омоний” деган бир шоир Мулла Камий тўғрисида шуни ёзадир:

*Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,
Балки Ислombўлни олди қовли Мавлоно Камий.*

Танишларимнинг иккинчиси Ортиқхўжа қори бўлиб, мадрасамизнинг яқинидаги Қўшмазорнинг бир дахмасида чўзма-чалпак, шағам ва худойи ош пойлаб кун кечирар эди. Бунинг қиладурған иши: ўлганларга Қуръон тушириб пул олиш, касалларга “Ёсин” сурасини қирқ қайта ўқиб (чилла ёсин қилиб) дам солиш ва ўтурған дахмасининг 1–2 дўконидан ундирган вақфини отасидан қолған меросдек ейиш бўлиб, шулардан орттирған пулларни ҳар кимга ижарага бериб, кўпайтиришдан ҳам анчагина хабардор эди. Ўзи узун бўйлик, узун сақоллик, хотин, бола-чақалиқ бўлиб, бола бозлиқдан энг уччига чиққони эди. Бунинг қарилик ва савод-хатдан бошқа ҳеч бир фазилати йўқ эди. Мен баъзи чоқларда унинг том сувоғи, уй-иморатларига қарашиб юрганим сабабли дахмасига борсам, нон-чойи ва чўзма-чалпагини мендан аямас эди.

Учинчиси Қудратиллоҳ қори: бул ҳам шул мазор дахмасида туриб, яқингинада ҳеч бир киши дурмаган, билмаган бир янги

тартиб билан бола ўқитишга киришган эди. Бу бундай ўқитиш йўлларини ҳар кун Бешоғоч дарвозасидаги Нўғой маҳалласига бориб, яқинда ички Русиядан келиб мазкур маҳаллага мактаб очган бир татар муаллимидан ўрганиб келар ҳам Охун(д)гузардаги “Руский туземний” оти билан очилган ўрис ибтидоий мактабига кечалари қатнаб ўқуб юрар эди. Бу чоқларда “усули жадида”, “усули савтия” деган гапни ҳеч киши билмас ҳам ҳеч бир киши айтмас эди. Бу ўқишни кишилар “нўғойча ўқиш” деб юрар, ҳеч кишида таассуб ҳам йўқ, бунда ўқишнинг ҳаром ва ҳалоллиғига фатво излаган киши ҳам йўқ эди. Мен ҳам қайси чоқларда Қудратиллоҳ қорининг мактабига бориб, болаларга ўқутган нарсаларини кўриб ҳайрон қолиб мадрасага қайтиб келар эдим. Бунинг ўқутадурган нарсалари: татарча бир алифбони қора туника тахтага бўр билан ёздириб ўқитиш, “ўқи, Қуръон яхшилаб” дея ёзилган бир тизма билан Иброҳим Ҳаққийнинг “Маърифатнома”сидан бир наътни болаларга шарқи қилиб ўқитиш ва бир оз ҳисоб ўргатишдан иборат бўлур эди, бу “нўғойча ўқиш”, яъни усули жадида 1900 йил март ўрталарида шул Қўшмозор дахмаси билан Кўкча даҳа, Тўқли жаллоб маҳалласидаги домла мактабида бошланган эди...

Қайси сешанба кечалари, бизга кейин кўшулган сабоқдошларимиздан биттаси ҳовлиси ёки мадрасамизнинг каттароқ бир ҳужрасига бизни бутун сабоқдошлар билан чақириб “лахийқона” (кейин кўшилиш) оти билан зиёфат берар эди. Бунда бир сидра дастурхон тортилиб, турли-турли мева ҳам мурабболар билан нон еб, чой ичганимиздан кейин наякилар қилишиб, ашулалар айтишиб, тутуриқсиз сафсатабозлик, азкиябозликлар қилишиб, бир-биримизни судраб турғизиб турли мақомларга солиб ўйнатишиб, тўполон қилишиб ўтиришар эдик. Агар ўртамизга бир ғанимат бесоқол тушиб қолса, мажлисимиз бошқача қизар эди.

Наяки қилганимизда ёнғоқдек нашани кафимиз билан айлантириб-айлантириб, жуда яхшилаб эзиб, ҳокандоз ёки капчага солинган чўғ устига кўяр эдик-да, бир қаричча келадурган камиш най билан наша тутинишни ичимизга жон-танзимиз билан тортар эдик. Бу бизни шундай маст қилар эдики, оғзимиздан боди кириб, шоди чиқар, нима деб гапирганимизни англамас эдик. Шунинчакмасак, уятсиз бўлиб базмни қизита олмас эдик. Яна бундан бошқа “мусалласи шаръий” деб от кўтарган яхшигина уятсиз

қиладурған бир ичкилигимиз бор бўлиб, бу кўб кишини кўтармас; яъни буни ичган чоқларимизда 3-4 кишидан ортиқ бўлмас эдик.

Бу “лахийқона” зиёфатини йўқсил, пулсиз сабоқдошларимиздан китоб, чопонларини гаров қўйдириб ёки соттириб бўлса-да, зўрлик билан олар, бу тўғрида бизда юмшоқлик, кўнгил ачиниш деган нарса сира бўлмас эди.

Бир жамоа иккинчи жамоа билан бесоқол талашиб, сўкишиб, ёқалашиб ҳам қолар, бу тўғрида биздан пай(ғ)амбар ва рисолатул анбиёлар, оми ва чапанилардан ҳам бир-икки юз қадам ўздириб юборар эдик. Қайси (баъзи) таътил кечалари “жувони бесоқоли” бор хужраларда ош қилинса, ёғнинг доғ бўлишини пойлаб туриб, томдан келиб мўридан ёки бошқа йўллар билан қозонга наша ташлаб кетувчи ёмон ниятлик муллабаччалардан ҳам мадрасамиз холи эмас эди. Бу наша ташлашдан уларнинг мақсади шул эдики, наша ташланган паловни еган муллабаччалар ярим соат ўтар-ўтмас гуппа-гуппа учиб, дунё ва мафиҳодан хабарсиз бўлиб қолар, наша ташловчилар жувонни кўтариб олиб кетиб, ўз тилакларига етар эдилар!..

Мана бу мадрасада ҳам дарсларимиз арабчадан тўппа-тўғри ўзбекчага таржима қилинмасдан бурун форсийчага, кейин тушуниб бўлмайдурған бир равишда ўзбекчага таржима қилинар, шунинг учун тушунганимиздан тушунмаганимиз кўбрак бўлар эди. Мана бунда ҳам қийматлик умрларимизни зое қилиб дарсхона эшигида галини кутиб ўтирар, мана бунда ҳам дарс чоғларида мударрис ҳам муқаррирларимиз бир тўй ёки жаназага кетиб қолиб, бизни сабоқсиз ва саргардон қилиб қолдирар эди.

Мадрасага янги кириб хужра олған муллабаччалар хужра олған йиллари вақф оқчаси ололмасдан 20-30 тийин “ҳаққи назар” (қараш ҳаққи) деган ақча олур эканлар. Шунинг учун бу йил менга ҳам қараш ҳаққи текса керак эди, бироқ кичик мударрисимиз – Абдулмаликхожи менинг бориб турган қашшоқлиғимни ўйлаб, мадраса мутаваллийларидан талашиб-тортишиб икки сўм олиб берди. Мен ҳам дуо қила, дуо қила, суйина-суйина олдим. Чунки биз шогирдларга, айниқса, мендек йўқсил муллабаччаларга икки сўм, икки юз сўмдан ҳам ортиқроқ кўринар эди. Бу кичик мударрисимиз Абдулмаликхожи Кўкча даҳа, Сақичмон маҳаллалик бўлиб, ҳам мударрислик, ҳам савдогарлик қилар эди. Тошканд Сахҳоф бозори билан Фарғонада китоб дўконига ўтқизиб қўйған

бир неча гумашталари бор эди. Ул шундай тўнғиздан тўқ бўлса ҳам вақфни тақсим қилиш чоғида мутаваллилар билан битишиб, муллаларни қақшатишда бунга тўғри келадурган ҳеч бир киши йўқ эди! Бунинг кичик мударрислиги устига бойлиғи ҳам бор сабабли муллалар ҳам бойлар орасида обрўси катта эди.

Қор ёққан кунлари мударрис ҳам мукаррирларимизнинг ҳовли, боғлариға бориб, қорларини кураб, кўкламда “ҳашар” оти билан боғларининг пояларини ишлар, боғлари аллақайси гўрнинг тегида бўлса ҳам яёв (пиёда) боришар эдик. Бу “ҳашар” деган нарса неча турли бўлиб, “поя ишлаш ҳашари, ток солиш ҳашари, девор уриш ҳашари, ер чопиш ҳашари, ток ёпиш ҳашари, том суваш ҳашари, иморат солиш ҳашари” ва шунга ўхшаш ҳашарлар тизилиб, кетмакет келиб турар эди. Мана кўклам – аввали баҳор бўлган сабабли шул ҳашарлар бошланди.

1900 йил, март

11

Йилнинг бу “кўклам” бўлаги (аввали баҳор фасли)нинг нашъаси – кайфи, бошқа бўлак (фасл)ларида сира йўқдир; ерлар, оғочлар кўм-кўк кўкарган, кўм-кўк ўсган майсалар орасидаги ариғларда сувлар жилдир-жилдир оқмоқда, қизил ҳам оқ гуллар очилиб ҳар тамонға яхши ҳидлик ислари тарқатмоқда эдилар. Бу улуғ Туркистон ўлкасининг кўб шаҳар-қишлоқларида кўклам кезида 4-5 кун чиқиб сайр-томоша қилиб келадурган сайргоҳлари бор бўлганидек, бизнинг Тошкент шаҳ(а)ри кишиларининг ҳам шундай қизил гул очиладурган чокда чиқиб 2-3 кун кезадурган ҳам кўнгил очадурган Иброҳим ота деган ерлари бор эди. Бу Иброҳим ота дейдирган мозор шаҳардан 3-4 чақирим узоқликда бир ер бўлиб, теварагидаги боғларда қизил гул, оқ гуллар кўб бўлур, гул мавсуми ҳафталарида чаҳоршанба-панжшанбадан бошлаб чиқиб, жума куни кечқурун қайтишиб келар эдилар.

Мана бу йилги кўкламда ҳам ҳар йилги қилиқларини қилиб, шаҳаримизнинг ҳар томонидан кўрпа, ёстик, кўрпача, самовор, лаган, пиёла, коса, чойнак, турли-турли мевалар, ёғ, гўшт, гуруч, сабзи, пиёз ҳам тузларигача тайёрлаб олиб ҳар ким улфат-улфати, жўра-жўраси билан араваларни тўлдиришиб, дутор, танбур, ғижжаклар билан ашулалар айтишиб жўнаша бошладилар. Буларнинг орасида муллабаччалар тўдаси ҳам бор бўлиб, кўчалар

кий-чув, тўполон эди. Мен ҳам Мираъзам деган бир қизикқина кал ўртоғим билан яёв, чопонларни елкага ташлаб чиқиб кетдим. Иброҳим отанинг кўчалари жуда обод бўлиб кетган ва бундаги боғ, боғчалар ҳам кўчадаги самоворхоналар кишилар билан лик тўла тирбанд бўлиб тўлган эди.

Қайси жўралар дутор, танбур ва бошқа чолғилар чолишиб, ашулалар айтишмакда, қайсилари чирманда, ноғоралар чалишиб баччалар ўйнатмоқда, қайсилари от пайров, эшак пайров, чўчка пайров, деҳқончилик пайров, кавшдўзлик пайров, махсидўзлик пайров ва шуларга ўхшаш пайровлардан олиб, аскиялар айтишиб, хохолашиб кулишиб ўтиришмакда, қайсилари ичларига аралашиб қолган бир-икки бесоқолни турғизиб ўйнатишнинг пайдан бўлиб, жўраларни бир қатордан турғизиб ўйнатиб, ўйлаған тилакларига етишмакда, қайсилари эшон, халифа ҳам ҳофизлар билан борған муридлар бўлиб, оғзиларидан тупукларни сачратиб юқориға ирғиша-ирғиша жаҳрлар қилишмоқда, қайси йигитлар чет-чет майдонларда бир сўмдан юз сўмғача ақчалар тикишиб қиморлар ўйнамоқда, буларни қайси қаровул миршаблар босиб бориб “юзбоши, истаршига олиб борамиз!” деб дўқ қилиб қўрқитишиб, бир неча сўмлаб чўталларини олишмоқда эдилар.

Кўчаларнинг икки томонида турли-турли ошлар, мантилар, сомсалар, кабоблар пишиб турмоқда, елкаларига қайишлар билан осиб сотувчи булкачилар бир қатор кўчада тизилишиб ўтириб, ҳар бирисига нўмир чизилган бир неча кичкина ёғочларни тўппиларига солиб, унинг икки четидан ушлаб, силкитиб-силкитиб аралаштириб:

– Мана, мана, 2 нўмирни ким топади? Мана, мана, 5 нўмирни ким топади? Мана, мана 3 нўмирни ким топади? – деб бир бошқа тусдаги қиморлар билан тепаларига тўпланған ёш болаларни алдаб пулларини олмоқда эдилар.

Мана шундай томошаларни лаззатлана-лаззатлана ярим кечагача томоша қилиб юриб, кейин Иброҳим ота мазори ёнидаги масжидда бўлиб турган жаҳрни³⁶ томоша қилмоқ баҳонаси билан кириб, хонақоҳнинг бир бурчагида жунжайибгина ўтириб, озгина-озгина кўзларимизни илантириб олдиқ. Жума куни эрта чой ичилиб, кун бир оз ёйилғандан кейин яна кечасидагидек ўйинлар бошланди. Биз ҳам уларни жума намозидан кейингача томоша

³⁶ Жаҳр – дарвишларнинг зикр мажлислари.

қилишиб юришдик. Борған кишилар яна ўз тўда-тўдалари, жўра-жўралари билан отларда, араваларда ва қайсилари яёв ҳолда кўчаларни тўлдиришиб, чапақлар чалиб, ашулалар айтишиб шаҳарга қайта бошладилар. Қайсилари қўлларига даста-даста қизил оқ гуллар олишган ва қайсилари икки дона – уч дона гулларни чаккаларига қистирган эдилар. Мен ҳам бирга боришган кал сабоқдошим билан тўннинг барини чапанивор елкамга ташлаб, пиёда ашула айтишиб жўнаб қолдим.

1901 йил, май

12

Энди ҳаволар исиб кетди. “Шарҳи Мулло”, “Ақойиди Насафий”³⁷, “Таҳзиб”³⁸ ҳам, шунингдек, жамоа-жамоа бўлиб ўқиладурған катта дарс китоблари таътил қилиниб, шаҳар муллабаччаларининг кўплари боғ майдонлариға, қишлоқилар қишлоқлариға ва қозоқлар далаларига тарқалишдилар. Шунингдек, боғсиз, майдонсиз ва ишлашга иши йўқ йўқсиллар билан бойбачча муллабаччалар мадрасада қолиб, “Мухтасару-л-виқоя”, “Иъллол” ҳам шулар сингари майда-чуйда дарс китобларни ўқиб юра бошладилар.

Мен қиш кунлари баъзи муллабаччаларнинг хизматларини қилиб, ул хужра – бул хужрада қорнимни ярим-ёрти тўйғизиб юрар эдим. Энди ул мумкин эмас, шунинг учун ҳар ҳафта 3-4 кундан ўрис ичига чиқиб мардикор ишлаб, ҳар кун 30-40 тийиндан пул топиб тириклигимни ўтқазиб тура(р) ва қайси чоқларда таниш ўртоқларим билан сайри боғчаларға чиқа бошладим. Мендан ярманканинг томоша боғи (шаҳар боғчаси) ва ўриснинг от ўйини (цирки) ҳам қолмас ва ундаги от ҳам симдор устида ўйнаған ўрис қизларини кўрганимда, кўнглим оғиб, оғзимдан “шурррр...” этиб сувлар оқиб кетар эди.

Кўшмозор даҳмасида янги мактаб очиб бола ўқита бошлаған Қудратиллоҳ қори деган бир ошнамни сизга сўзлаган эдим. Мана шул киши қиш охиrhoғида Фарғонага кўчиб кетган эди. Эшитганимга қарағанда, мазкур қори Марғилон шаҳрида ўшал янги мактабини очиб гуриллатиб юборибдур, энди унинг думоғи чоғ ва егани ёғ эмиш!..

³⁷ Ақойиди Насафий – мадраса таълимида ўқилиши жоиз диний иктобларнинг номлари.

³⁸ Таҳзиб – Қуръон ўқиш усуллари ҳақидаги китоб.

Ҳозир ёзнинг энг қизиған чоғи – пишиқчилик: қовун, тарбуз, босиболди, ҳандалаклар пишиб, ўз фалаклари остидан кўрган кишининг оғзининг сувини ке(л)тириб, думаланиб-думаланиб ётишмоқда, турли-турли узумлар ғуч бўлиб етилиб, тоқларидан осилиб-осилиб турмоқда, боғдорлар, ер-сувлик деҳқонлар, бу тотли емиш (мева)ларнинг мазасини тотишиб, ҳузурини кўришмақда ва мендек ҳеч нарсага эга бўлмаған йўқсиллар, бир ғужум узум ва бир тилим қовунға зор бўлиб, ҳасратлар, “оҳ-воҳ”лар чекмақда эди.

Шаҳар халқи ҳар йилги одатларини қилиб, бу йил ҳам 9-10 чақирим узоқликда бўлған Занги бобоға сайр-томоша учун чиқиша бошладилар. Мен ҳам Шарафиддин бой мадрасасининг муллабаччалари билан чиққан ва барчамиз мозордан анчагина берида, мозор хўжа шайхларидан биттасининг ташқарисиға тушған эдик.

Занги бобо зиёратгоҳ (аслида мусулмонларнинг бутхонаси ўрнида) мозор бўлиб, 5-10 маҳаллалик бир қишлоқнинг ўрта бир еридадир. Бунга Тошкент мусулмонлари Маккадаги Каъбага қарағандек қараб, жуда улуғ тутар ва қовун пишиғи бўлған чоғларда шаҳар халқи 2-3 ҳафтагача жуда аҳамият бериб, чиқишиб, зиёрат ҳам томоша қилиб айланишиб келар эдилар.

Шайхнинг меҳмонхонасиға бориб тушганимиздан кейин менга ўхшаған кейин оёқ (паст қадам) муллабаччалар, дарров саллачопонларини дарахтларнинг шохлариға илиб қўйиб, ерларга сув сепиш, сипириб-сидириш ва кий(г)из, кўрпачаларни солиб, жой ҳозирлашға тушиб кетдилар. Жойлар ораста-пираста бўлғандан кейин олдиноёқ (пешқадам)ларимиз кўрпачаларнинг устига чиқиб ўлтиришиб: “Худованди карим, шундан ўтган азиз-авлиёларни раҳмат қилсун!” деб фотиҳани бетларига тортдилар. Бу ерга биздан бошқа ҳам 2-3 улфат тушған эди.

Мана қайси (баъзи) муллабаччалар сабзи, пиёз, гўшт, ёғ тўғраш билан, қайсилари қозон осиб, остиға ўт ёқиш билан, қайсилари самовор қўйиб чойнақларга чой дамлаш билан айланишмақда ва олдиноёқларимиздан кўплари пар ёстикларға суялиб, бизнинг хўжайинларимиздек ялпайишиб ўтиришмақда эдилар.

Мана самоворлар вариллаб қайнаб, қозондағи суюқ ошлар пишди. Узун, тик дастурхонлар айлантирилиб солиниб, қанд, писта, бодом, пашмаки холва ва мурабболар билан ясалған бир неча патнус, қовун, узумлар билан ясалған бир неча патнус ва нон,

кулчалар билан ясалган бир неча патнуслар дастурхон устига ўз тартиби билан қўйилди. Муллабаччалар:

– Қани, олиб ўтирсинлар! Қани, марҳамат қилсинлар! Мана бу мева кишининг табиатини жуда очадир, олаберинг! Нега дарров томоқдан тортинасиз? Эйй... бундай қилменг-да, тез-тез олишиб ўтиринг, тақсир! – деб бир-бирларимизни ўз ихтиёримизга қўймасдан, зўрлаб қистай-қистай томоқлар едирар эдик. Нон ботириб мураббо, мураббонинг устига узум, узумнинг устига писта, пистанинг устига пашмаки ҳолва, пашмаки ҳолванинг устига бодом, бодомнинг устига яна мураббо ва мураббонинг устига яна қовунларни пишиллашиб ейишганларимиз ейишган; аралаш-қуралаш қорин қопларимизга тикишқонларимиз-тикишқон эди. Бир оздан кейин бир косадан суюқ ош ичиб олиб, фотиҳа ўкиб, дастурхонни йиғиштириб олдик.

Кўб муллабаччалар мазор томонга бориб, томоша қилиб айланиб келишга тебрандилар. Олдиноёқлардан 3-4 киши пойлоқчи бўлиб қолиб, бошқаларимиз мазорга қараб равона бўлдик.

Мазор билан бизнинг тушган еримизнинг ораси анчагина йўл бўлган учун бора-борғунча Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофизларнинг ошиқона ғазалларидан муллаёна қилиб, ашула айтишиб кетмакда эдик. Йўлда бир нечамизнинг юракларимиз кулдирлаб, бир нечамизники оғриб, кўчанинг икки томонидаги майдонларга 15 минут – 15 минут югуриб олишдик. Қайсиларимизнинг ичларимиз “қўлдир-қўлдир-қўлдир...р...р” этиб кетиб, қайсиларимизнинг “бақ-бақ-бақ-қўлдирrrrrr...” этар ҳам танг қоладурган ҳар турли довушлар чиқарар эди...

Занги бобо мазорининг олди томони узун кетган катта гузар бўлиб, бунда читфуруш, баққол, қассоб ҳам баччалик самоворлар кўб эди. Бу ердаги баччаларнинг таърифи ҳар қаёққа кетган бўлганликдан шаҳардан ва бошқа қишлоқлардан одамлар келиб, базмлари учун шу ердан бачча олиб кетар эдилар.

Мазор билан кўча орасида ўрукзор бир катта майдон бор. Ёз кунлари, айниқса, қовун полиз ва одамлар сайл қилиб чиқадурган чоғларда шул майдонга бир неча самоворчилар баччалари билан кўчиб келиб кўб пул ишлайдирлар.

Мана, ҳозир сайл бўлганлиғи учун ўн-ўн беш самоворчилар кўчишиб келишган эдилар. Бу самоворларда кишилар тирбанд, уч

киши бир, тўрт киши, беш киши бир тўда бўлиб ўтиришиб қайнаган сувдан фарқи йўқ чойларни ичишиб “бизга қачон келаркан!” деб кутмакда эдилар.

Биз муллабаччалар ҳам самоворхонага чиқишиб, тўда-тўда бўлиб ўтиришдик. Бизга ҳам 15 минутча ўтгандан кейин суви яхши қайнамаган ва ўзининг сувидан ҳеч фарқи бўлмаган бир чойнак чой ила устига икки чап-чапи нон, тўрт чакмоққина қанд қўйилган бир патнус келди. Биз ҳам баччанинг келишини кутиб, тупугимизни култ-култ ютиб ўтиришдик.

Бачча ҳар тўда чойхўрнакнинг олдиға келганда ўтирганлар “дувв” этиб ўрниларидан турар эдилар-да, қайсилари кучоқлашиб ва қайси уятчанроғи қўл беришиб кўришар, сўнгра баччага чой қўйдириб, хушомад қилиб ва бошқа турли баччабозлик расм-русумин бажо келтириб ўтиришар, барча чойнак чой тугагандан кейин бачча бошқа тўда орасиға кетар эди.

Мана, бачча бизнинг тўпга ҳам келиб етди. Биз ҳам ўрнимиздан ирғишиб туриб, қанча эгилиш ва сиқилишлар билан кучоқлашиб кўришдик. Биз ҳам чапанилардан ҳам мазасиз, матрасиз баччабозликлар қилиб, уни бошқа тўдаға узатдик ҳам 3 чойға 9 тийин, 2 нонға 4 тийин, қандиға 5 тийин барчаси: 18 тийин ақчани патнусга қўйиб, фотиҳа ўқиб туриб кетдик. Бу ерда самоворчилардан бошқа ошпаз, кабобчи ҳам магиз, жийдаларга ўхшаш турли мева сотувчилар ҳам кўб бўлиб, савдолари ривожда эди. Зангибобонинг қабри тўғрисида қирқ, эллик кўкраги очик ҳам ялангоёқ қиморбозлар: “Ё Зангибувам мадад беринг, гардкам!” деб, мозорға сиғиниб, кўкракларига ура-ура ошиқ ўгирмакда эдилар.

Мусулмонларнинг оғзида Тангрига ишониш ва Тангридан кўрқиш деган нарсалар бўлса ҳам қолган ишларидан на Тангри ва на пайғамбар деганни бир чақаға ҳам олмағанлиғи билиниб турадир. Бироқ фалон бобо, туган бобо деб отлари чиққон мозорлар ва эшонлардан жуда кўрқувчи мозорпараст ва эшонпарастдирлар. Бу суяги чириб тупроқ бўлиб кетган мозорлар билан эшон, Миён ҳазрат отини кўтариб юрган алдоқчи шайтонлардан мададлар сўрайдирлар ва уларга сиғиниб, назрлар, худойилар айтиб: қўй, эчки, кўчқор, бузоқ, сигир ва бошқа ҳар турли ҳайвонларни сўйиб ялина ёлборадирлар. Бу кўпларни ўзлари ишонган Қуръонлари кўтармаса ҳам уламо отини кўтариб юрган жуҳалолар, мусулмонларни тушунтириш у ёқда турсин,

Қуръоннинг маънисига ўзлари ҳам тушунмас эдилар. Шунинг учун тўғри келганда Худо билан пайғамбарни болаҳонадор қилиб сўкиб юборувчи бу киморбозлар ҳам мозорға сиғина-сиғина кимор ўйнамоқда эдилар.

Мозорнинг олдидаги майдонда бир масжид бор бўлиб, шаҳардан ҳозирги қовун-полиз сайили муносабати ила чиққан жаҳрия эшонлар, муридлари билан жаҳр-зикр қилишмоқда эканлар, кўрмак учун хонақоҳға киришдик. Бутун жаҳр қилувчилар типпа-тик туриб халқа қуришган, эшон ҳам меҳроб олдида типпатик қўл қовуштирган, халқа ўртасиға 6-7 киши тушиб, бақириб-кичкириб, гоҳ кўкка сакрар, гоҳ чир-чир айланар ва баъзисини оғзиларидан кўпиклар келиб, ўртада думаланиб қолар эди. Уларнинг юракларин қайнатиб, жазаваларин оширмақ учун 5-6 тўрвасиз гадой ҳофизлар сўфиёна ҳам ошиқона байт, ғазаллар ўқимоқда, сўфилар эриб кетиб, уларга тангалар, чақалар ёғдирмоқда ва баъзиларининг ҳимматлари жуда қайнаб-тошиб устиларидаги чопонларигача ешиб бермақда эдилар. Сўфилардан ташқари зикр томошаси учун келиб масжидга тикилган халқ томонидан ҳам ақчалар, тун (пул)лар ёмғурдек ёғмоқда эди.

Бу жаҳр қилувчи сўфийларнинг ораларида – халқа ичида бир неча бесоқол болалар ҳам бор бўлиб, худопарастлик ва “фанофаллоҳ”лик даъвосини қилиб юрувчи бу сўфилар ҳалигиларни ўртаға олишиб ирғиша-ирғиша “ҳовваҳо!” деб бақирисар эдилар. Бунда сўфийликнинг ярамас, куракда турмайдурган ҳаракатларини жоҳил, нодонлик, уятсизлик, ахлоқсизлик, тентаклик демай, нима деймиз? Бу эшонлик эмас, эшшаклик! Бу муридлик эмас, муртадлик! Бу жаҳр эмас, жоҳил, нодонлик! Бу сўфийлик эмас, шайтонликдир! Бу Тангридан бохабарлик эмас, Тангридан бехабарликдир!

Сўнгра у ердан чиқиб, ҳар қаерда бўлаётган базмларни томоша қилишдик. Вақт намоз шомдан кейин бўлиб, кенг ва икки уч юз киши сиғадурган қилиб жойлар солинган эди. Ноғоралар, чирмандалар чалиниб, 2-3 бачча гир-гир айланиб ўйнамоқда ва томошачилар оҳ-воҳларни кўкка чиқармоқда эдилар. Анча айланишиб юриб, хуфтондан кейин тушган жойимизға қайтиб боришдик. Дамланиб қўйилган палов сузилди, қанча такаллуфлар билан ейилгандан кейин бир оз чой ичишиб ўтириб ётмоққа ҳозирландик. Бесоқолларимиз бир қатор ва соқолликларимиз

иккинчи қатор ўрин солиб ёта бошладик. Янглишиб бир бесоқол муллабачча бир соқоллик муллабачча ёнида ётиб қолган эди, ҳар томондан томоқ қиришар, йўталишлар ва пиқ этиб кулиб юборишлар кўпайиб кетди. Ҳалиги бесоқол уятига чидолмасдан бизнинг олдимизга келиб ётди. Биз бесоқол бўлсақ ҳам катта-кичиклик бесоқол бўлиб, орамизда сақолликлардан ҳам шўхликни ошириб юборадурғанларимиз кўб эди.

Мана, катта қизиқчиликлар ётғонимиздан кейин бошланди: нариги чеккада ётган иккитаси ўсириқ пойга қилишга ва ётган жойимизга мушк ислари (!) чочишга киришди. Биттаси ётган ўрнидан туриб, бошқаларнинг кўрпасини устларидан олиб ирғита бошлади. Иккитаси туриб биттасини кўтариб олиб бориб, ҳовузга ташлади, ул бечора сузишни билмаганидан ҳовуздан қутулиб чиққунча жуда ўлиб бўлди. Биттаси бир пиёла сув ке(л)тириб, ухлаған бир-икки муллабаччанинг иштониға сув қуйиб қўйди. Биттаси туриб ухлаған 3-4 тасини иштонбоғини суғуриб олди. Икки ошиқ-маъшуқ муллабаччалар бир четроқда кўрпага ўралиб ётган эдилар, биттаси бориб уларнинг устини ярим-ёрти очиб тоза шарманда қилаёзди.

Мана шу хилдаги қизиқчилик ва тўполонлар билан тонгга яқинлашғанда бир соат – икки соат кўз юмишиб олишдик. Намоз вақти бўлди. Уйқумиз чала бўлса ҳам олдиноёқларимиз: “Туриглар, туриглар! Намозларинг қазо бўлиб кетади! Ўзинглар муллабаччалар бўла туриб чоштгоҳғача ухлаб ётасизларми? Эй й... кандоқсизлар, намози Бомдод қазо бўлиб кетди-ку! Туриглар, ундай ётманглар, уят бўлади!” деб қўярға қўймасдан баъзиларимизнинг устиларимизни очиб ташлаб, ўринларимиздан турғиздилар. Биз ҳам шошила-шошила таҳорат қилиб келиб, уйқу аралаш намозларимизни ўқиб олишдик.

Чой қуйилди, ичишдик. Сўнгра яна томошаға чиқиб кетишдик. Бориб мозорнинг биринчи эшиги, яъни олдидағи кенг майдонға киришимиз билан кечаги жаҳр бўлиб турган масжиднинг сахнида бир икки юз киши тўпланишиб, бир нарсани тамом диққат билан томоша қилиб туришганларига кўзимиз тушиб қолиб, биз ҳам боришдик. Қарасоқ, ўртада чочлари патила-патила бир девона, найсиз чилимидан ўтини бир қарич-бир қарич кўкка кўтариб, наша чекиб ўтирибдур. Бундан 5-6 ой бурун мен: Зангибувада Султон девона деган бир оташнафас валий пайдо бўлган. Унинг ўзидан ўзи

турли кароматларни гапириб ўтирадир ҳам “ат-ат-ат” деб, ўз кўкрагига ўз муштуми билан урадир, бу, “аҳад, аҳад, аҳад” дегани эмиш, деб бир неча кишилардан эшитиб ҳайрон қолган эдим. Уларни мақтаб, еру кўкка сиғдирмай юрган девоналари шул жинни банги экан. Бу девона нашани кўб чекканидан мияси айнаиб кетиб, шунинг кайфи билан ҳар нарсани гапириб ўтурур экан. Сочлари ўсиб елкасига тушган, юз, қўллари кир, кўкраклари қоп-қора жун, кийимлари искирт ҳам йиртиқ-йиртиқ, нашани бурқиллатиб чекиб-чекиб, кўкрагига “ат-ат-ат” деб уриб кўядир. Олдида каттагина бир дастрўмол ёйилган: қайси киши йигирма тийин, қайси киши қирқ тийин, қайсиси бир сўм, қайсиси ярим сўм, қайсиси танга-чақа аралаш ҳам қайсиси бутун тангаларни ҳалиги дастрўмолга ёмғурдек ёғдиришмоқда эдилар.

Кўп кишилар – Тошканднинг ихлослик бандалари “Султон девона пул олмайдир ҳам ҳаром дунёга назар солмайду” деб мақтаб юрар эдилар. Мана, келиб ўз кўзим билан кўриб турибмен: дунёни отиб ташлаб, “фанофиллох” мақомига етган бу “валийуллох” бир мирилик, тўкқиз пуллик сариқ чақаларга кўб назар солмасдан тангаларни териб-териб, кўрпачасининг қабатлариға қистириб-қистириб кўймоқда ва бунинг ёнида барча кераклик нарсаларини тайёрлаб берадирган бир банги хизматчиси ҳам бор бўлиб, нашасини солиб бериб турмоқда эди.

Ул алдоқчи бангини ярим соатча томоша қилиб турганимиздан кейин ўтирған еридан туриб жўнаб қолди. Банги хизматчиси ҳам дастрўмолни, пулларни тугиб, найсиз чилими билан чурук кўрпачасини кўтариб, кетидан кетди. Томошачиларнинг кўплари ҳам унинг орқасидан эргашдилар ва мен ҳам қизиқсиниб бориб, узоқдан қарадим: банги Султон девонанинг чайла (капа)си, мазор (Занги бобо турбаси)нинг орқасидағи бир майдонда экан.

(Оғайни ўзинг ўйлаб қара, дунё харом, пулсиз, овқатсиз тириклик мумкин бўладирған бўлса, нима учун халқ Зангибобоға минг-минглаб чиқадурған чоқларда, ул капасидан одамлар кўп ўтадурған бир ерга келиб ўтирадир! Нима учун оғирлиқлар тортиб келадур! Бундан ҳеч шаксиз-шубҳасиз билинадирки, пул керак. Дунё ҳалол, “баддунё жиғатун ва толибуҳа қилабун”, яъни дунё бир ўлумтук нарса, унинг изловчи ва сўровчи итлардур! деган гап, тўқима гапдир! Шунинг учун ҳар бир киши ўз қўл кучига ишониб

ва “ишласанг – тишлайсан!” деган қийматлиқ мақолға амал қилиб, қўлдан келганча меҳнат, касб ва ҳунар қилиши керак.

Яна шуни ҳам ақлингнинг тарозусига солиб қараки, сенга дунёни ҳаром қилиб кўрсатувчи мулла, эшон ва сўфиларнинг чўнчагида сендан “назр” ва “ҳадя” исми билан олинган тангалар жаранг-жаранг қилиб ўйнаб ётадур!

Энди Зангибобони зиёрат қилишга гал келди. Кирган чоғимизда зиёратхонада киши кўб бўлиб, навбат билан киришиб, чиқишиб турмакда эдилар. Қайси кишилар қиблага қараб нафл намозлари ўкумокда, қайсилари мозорға қараб қўл қовуштириб оят ҳам турли дуолар ўкумокда ва қайсилари ўтириб Қуръоннинг ўзлари билган оятларидан ўқиб бағишламокда эдилар. Бу зиёратчиларнинг орасида қиблага қараб икки ракат намоз ўқишни билмасдан мозорға қараб ихлос билан сажда қилиб юборувчилар ҳам бир оз кўзга чалинмокда эди. Занги бобо қабрининг теварагида йиғлаб айланиб юриб, деворларини ўпиб, бошларини суриб юргувчи хотинлар ҳам кўб бўлиб, булар Тангрига сиғинғандек, балки ундан ҳам қаттиқроқ суратда мозорға сиғинар, ялинар ва ёлборар эдилар. Бу хотинларнинг баъзисининг ўғли йўқ – ўғил сўрар, баъзисининг қизи йўқ – қиз сўрар, баъзисининг боласи ҳеч турмайдир, шунинг ўлмасдан дунёда туриб қолишини сўрар, баъзисининг уйида оғриб кўб чоғдан бери тузалмасдан ётган ўғли ёки қизи ёки эри бор, шуларнинг тезлик билан соғайиб кетишини сўрар эди.

Зиёратхонанинг эшиги олдида ўн-ўн беш мозор хўжа (шайх)лари кирган, чиққан зиёратчиларининг назр-садақаларини олмок учун қатор тизилиб ўтиришмакда бўлиб, буларнинг қўлидан зиёратчиларнинг бирортаси ҳам бир нарса бермагунча қутилиб кета олмас: шағам (шамъ) ёки 30-40 тийин пул бермаса сира бўлмас эди. Бироқ муллабаччалардан сўраб назр олмас ва улар тўғрилиқча берсалар қайтармас эдилар. Шунинг учун бизлар назр бермадук ва улар ҳам тикилиб-тикилиб бир-икки қарадилар-да, бизнинг башарамиздан ўзларига ўхшаган қарға-қузғунларнинг бир бошқа турлиси эканлигимизни билиб, (ўз ҳамкасабаларини сийлаб) индамасдан қўя қолдилар.

Зангибобоға уруғлиқ ҳам хўжа (эга)лиқ даъво қилғувчи бу дангасаларнинг қайсилари, зиёратчиларнинг зиёратхонаға элтмакда, қайсилари, бузиб-ёриб Қуръон ўқиб бермакда, қайсилари

мозор деганда муккасидан кетувчи бу зиёратчиларга қабрни кўрсатиб: “Ҳазрат бузрик бобомиз тирик чоғларида ундай каромат кўрсатганлар, вафот топганларидан кейин мундай башорат берганлар” деб мақтаб, зиёратчиларнинг ихлосларини илгаригидан ҳам неча улуш (ҳисса) орттириб кўпроқ назр-ниёзларини қулай қилмоқда ва бойроқ кишиларининг теварагида кўброқ айланишмакда эдилар.

Бу шайхлик-хўжалиқ даъво қилғувчи қузғунларнинг кўблари тўнғуздан ҳам тўқ бўлиб баъзиларининг ер-сувлари ва баъзиларининг қанча мол-ашё ҳам бир неча ерда дўконлари бор эди. Қовун полиз мавсуми ва кўклам чоғларида қўйми, қўчқорми, сигирми, бузоқми қайси бўлса ҳам атаган назрларини арава отларга ортиб, бу шайхларнинг меҳмонхоналариға келиб тушувчи қозоқ ва ўзбеклардан кўб бўлиб, ҳозир шу бугун ҳам ҳар қайсиларининг ҳовлилари мазкур мусулмон мажусийлари билан тўлган эди. Шундай бўлса ҳам тамаъга ўрганган бузуқ нафслари кўпмасдан мозор чилвхонасиға келиб қатор чизилиб ўтириб, ҳалиги шайтоний қилиғларини қилиб, алданган содда мусулмонларни қўлга тушурмакда эдилар.

Шул кўрган кишилардек биз ҳам зиёрат қоидаларини бажо келтириб, бошимизни қуйи солиб, кўзимизни чирт юмиб бир оз (муроқабаға бориб) ўтиришдик-да, Зангибобонинг қора юзларини кўра олмасдан фотиҳа ўқиб, қайтиб чиқишдик. Бир оз яна томошаларни қилиб, яна ўз жойимизға қайтиб келдик. Ошни еб, жумани ўқуғанимиздан кейин мозор хўжайинларининг атаганларидан бўлган ҳовли эгасига ўртамыздан 5 сўмча назр йиғиб бердик-да, узун фотиҳасини олиб шаҳарга қараб жўнаб қолдик.

1901, 15 июл

Меним сабоқдошларим кўб бўлса ҳам, энг қалин ошнамулла Аъзам дегани бўлиб, ул менга бир кун уйига бориб, эртадан кечгача сувоғига боқишганим учун қалин ошна бўлиб кетган эди. Унинг билан шундай ати-қати бўлиб кетган эдимки, ўртамыздан қил ҳам ўтмас, ул узоқ ерлардаги самоворхоналарғами, боғларғами, қаерға борса мени бирга олиб борар эди. Бирга бориш мендан, йўл чиқим қилиш ундан бўлиб, икковимизнинг юлдузимиз жуда тўғри келиб қолган, “ўхшатмасдан учратмас” дегандек, бир-биримизга жуда мос тушган эдик. Бу ўртоғим боши кал бўлиб, қизиқ-қизиқ

гапларни кўп гапириб, барча сабоқдошларимиз, ҳатто мадрасамизнинг бутун муллабаччалари ва пешқадамлариғача кулдираар эди.

Бир жума куни кал Аъзам ўртоғим Кўкча Оқтепасида бўладурған беданабозликқа кўярға-кўймасдан мени олиб борди. Оқтепагузари обод, самоворхоналар кишилар билан лик тўлған бўлиб, кўб кишиларнинг кўлида битта-иккитадан бедана кўтарилған ва ҳар киши ўз беданаси билан мақтанмоқда эди.

Орадан кўб ўтмади, беданабозлар бир каттароқ самоворхонада тевааракланиб, ғуж бўлиб ўтиришдилар. Буларнинг теваарагига бедана ушлаган ва ушламаган томошачилар йиғилишиб, юзтадан ошиқроқ киши бўлишдилар. Биз ҳам шул тўда орасида эдик.

Мана беданабоз – бедана ўйновчилар икки томон бўлиб, ҳар томондан бир урушқоқ ва оти чиққан беданаларни уруш майдониға солмоқчи бўлдилар. Икки томон кишиларининг ҳар бириси: бир сўм, икки сўмдан қилиб, 30 сўм-30 сўм ўртаға тикиштилари. Мана зўр беданалар вақиллаб ўртаға тушдилар. Беданасини уриш майдониға кўйиб юборувчилар билан тарафкашларнинг кўзлари така-пука бўлиб, юраклари дук-дук ўйнаб, ҳар томон ўз беданасининг зўр чиқишини ич-ичидан Тангридан сўраб, чурк этмасдан жимжит тош қотиб турмакда, томошачиларнинг қайсилари ўтириб ва қайсилари тик туриб, устма-уст тоғора бўлиб, жимжит томоша қилишмоқда эдилар. Беданалар сакраб-сакраб, анчагина тепкилашиб, чўқилашғандан кейин бир томоннинг беданаси қочди – енгилди, иккинчи томон ундан 30 сўмни бутаб олиб, кўнгли тоғдек кўтарилди.

Бутун самоворхоналардаги ўтирганлар ўртасида ютқизған томон ерга урилиб, ютган томон мақталини бошланди. Бундан кейин яна бошқа беданаларни пул тикиб, бир неча қайта уриштирдилар ва бир нечалари енгдилар, бир нечалари енгилдилар.

Бу беданабозлар орасида ўрта ёшлиқ кишилар бор бўлғанидек, оппоқ сақоллилар ҳам бор бўлиб, қайсилари беданаларини кўйнилариға солиб ва қайсилари кўлларини енг ичларига бекитиб сақлаб ўтирмакда эдилар.

1901, август

Мана, куз бўлди: муллабаччалар ҳужраларига йиғилишиб, мадрасани яна гуриллата бошладилар. Ҳар муллабачча ўз ҳужрадоши билан ҳужрасининг ўчоқ, сандаллари ва бошқа бузиқ-ёриқ ерларини сомонлиқ лой ҳам ганжлар билан сувамакда, икки пуд – уч пуд гурчлар ке(л)тириб, бир пуд-ярим пуд ёғлар эритиб, хумчаларга қуйишмоқда ва бир-бирларини жиззаларга чақиришмоқда эдилар. Қайси бойбаччароқ муллабаччалар янги ке(л)тирган ёғ-гуручларнинг олдидан бир-икки лаганга лойиққина палов дамлаб, мударрис ёки мукаррир бурчаки домлалари билан 2-3 кўнгилтортар муллабаччалардан чақириб едириб, фотиҳаларини ҳам олдилар.

Мана таҳсил (ўқиш) ҳам бошланди. Ҳар бир жамоа муллабачча бир каттароқ патнуснинг бир ёғиға 5-10 та нон ва бир ёғиға 2-3 кадоқ қандни ёйиб қўйиб, чойнакда чойлар билан мударрис, мукаррир ҳам бурчаки домлаларининг олдилариға бир-бир кириб, сабоқ (дарс) бошлаб, мадраса тили билан айтганда, дарси ифтитоҳ³⁹ қилишиб чиқмоқда эдилар.

Биз ҳам ўз жамоа (сабоқдош)ларимиз билан патнус ясаб, 2 чойнак чой кўтариб ва ўзимизнинг ярмимизча келадурган “Шарҳи Муллои Жомий”ларимизни қўлтуқлашиб, катта ҳазрат домламизнинг ҳузурларига ҳозир бўлдик. Патнус билан чой кўтарган икки сабоқдошимиз қўлларидағи нарсаларини тезлик билан ҳазрат домламизнинг олдилариға қўйдилар-да, дарров югуриб бориб икки букулиб муборак қўлларини ўпдилар ҳам 12 сўмча пулни каф(т)ларига қистирдилар. Сўнгра бошқаларимиз боришиб зиёрат қилишиб, орқаларимизға тисланиб, келиб ўқий ёки 4-5 кунлик ой суратида теваракланиб ўтиришдик. Ҳазрат домла ҳам “Ҳа, мулла Ҳамдам, хўб эсон-омон юрибсизми?”, “Ҳа, Мулла Пўлат, саломатгина бормисиз?” деб бир неча отаси обрўлиқ ва ўзи бойбаччароқ муллабаччалар билан сўрашиб бўлиб ке(л)тирган чойимиздан бир пиёла ичдилар-да: “Қани, хўш!” деб китобларимизни очишға имо ва ишорат қилдилар. Қўлларимиз қовуштирилган ҳам икки букланганимизча китобларимизни очишдик ва ўқимоқчи бўлган “Мабҳаси мажрурот”⁴⁰ни излай-излай зўрға топишдик.

³⁹ Ифтитоҳ

⁴⁰ Мабҳаси мажрурот”

Қоримиз илгаригидек ўртада ўтирған эди, ҳазрат домла унга қараб: “Ҳим...ммм!...” деб бошларини тебратиб қўйдилар. Ул ҳам “Алима жаруроту...” деб чўзиб, у ёғини айтмасдан тўхтади. Ҳазрат домла томоқларини бир оз қириб олғанларидан кейин хушхайрларини айтиб:

– “Алима жаруроту мажрурот жамиъ мажрур ҳамчуноники, марфуъот жамъи марфуъи ва мансубот буд. Масалан, чи сабаб онки исми мураккари мажрурро, масалан, ба алиф то жамаъ карданд? Ба чи сабаб ба вов, нун жамъ карде, алма жарурун на гуфтеанд?”⁴¹ – деб чўзиб кетиб, ёлғиз шул бир сўзнинг жанжали билан ярим соатдан ортиғроқ вақтимизни бекорга ўтқиздилар.

Ҳазрат домланинг ҳар бир сўзлариға: “Ҳа тақсир, ҳа тақсир, тақсир!” деб тақсирлашиб кўнглимизда “Ҳазрат домламиз хўб катта муллалар-да!” деб таҳсинлар қилиб ва мусалламлар бўлиб ўтиришдик. Қуйидан яна озроқ қўшиб дарс бердилар-да, мунга ҳам қанча китоблардан кетириб, сўз қўшдилар ва “Аллоҳу акбар! Худо илмларингизга ривож берсун!” деб дуо қилиб, чиқиб кетишга рухсат бердилар. Биз ҳам китобларимизни ёпиб, қўлтуғимизға олиб, ҳазрат домламизни улуғлаш юзасидан орқамиз билан юриб, дарсхона эшигидан чиқиб кетишдик ва бизнинг ўрнимизни бошқа жамоа кириб олди.

Бу ҳазрат домламизнинг отлари Шомаҳмуд охун(д) Себзор даҳа Охундгузар маҳаллалик бўлиб, ёшлари саксонларға борған, икки букчайиб қолған ва бир-икки киши қўлтиқлариға кириб суямаса, юролмайтурған бир мункиллаган чол бўлсалар ҳам (кўб ўқитиб ёд бўлиб қолғандан бўлса керак) дарс айтишга кўб қийналмас, “Кофия”, “Шарҳи Мулло”, “Мухтасару-л-виқоя”, “Ҳидоя” ва “Ақойид”ларни китоб қарамасдан ўқита берар эдилар. Бу кишининг қўлтиқлариға кириб суяб юрувчи ҳам ётқизиб турғузувчи фарғоналик бир тожик муллабачча бор бўлиб, ҳазрат домлаға жуда яқинман дегандай қилиб ва шунга фахрланиб, бурнини юқори кўтариб юрар, қайси чоқларда муллабаччалардан қайсилари ҳар хил пичинг сўзлар билан бурнини тушириб қўяр эдилар.

Ҳазрат домланинг олдиларидан чиққондан кейин билар-билмас озроққина муқолима қилишдик-да, тўрттадан-бештадан бўлиб, ўз муқаррирларимизнинг олдиға киришиб дарс бошлашиб чиқишдик.

⁴¹ Тожикча сўзлашув.

Мана энди, муллабаччалар (кўпларининг ҳеч нарсдан хабарлари бўлмаса ҳам) катта-катта китобларни кўлтиқлаб олишиб, мадраса саҳнини тўлдиришиб, мударрисдан мударрисга, мукаррирдан мукаррирга ва бурчаги домлалардан бурчаки домлаларга эртадан кечгача қатнаша бошладилар. Ҳар кун оқшом намози бўлгандек, кейин ёшроқ муллабаччалар хонақоҳнинг ичи билан ҳужраларнинг томида ва каттарак пешқадамроқлари ҳужраларининг ичи билан эшиги олдида ўқиған дарсларини такрор қилмоқ – ёд олмоққа киришдилар. Буларнинг қайсилари “Амамал фарзуфа ма сабата, амамал фарзуфа ма сабата” деб, “Фикҳи Кайдоний”дан, қайсилари “Аввали илм кедом аст ва охири илм кедом аст?” деб “Аввали илм”дан, қайсилари “Кай калимоти араб бар си қасам аст, кай калимоти араб бар си қасам аст” деб “Бидон”дан, қайсилари “Амама баду фа ҳазиҳи жумлатун мин тасрифи-л-афъоли, амама баъду фаҳазиҳи жумлатун мин тасрифи-л-афъоли баъд аз ҳамди Худо ва баъд аз саловоти бар расули Худо, бас ҳамун умури ҳозираи дарзеҳни ман, жумлаист аз тасрифи афъол” деб “Аъла-л-муғзи”дан, қайсилари “фалму арабу ал-мураккабуллази

(бир варақ ўқиш керак 57 саҳифа тушириб қолдирилган)

Кўб муллабаччалар шул ёд олиб, такрорлаб юрган дарсларининг бирорта маънисига тушунмасалар ҳам кўб ва илмларни кўкрагимизга жойлаштириб олмоқдамиз, деб ўйлар ва ўзларини жуда хушзеҳн муллатарашлаб суйинар эдилар. Мен бўлсам, бурунғи дангаса ва бурунғи онгсиз муллабаччалардан бўлиб, бўйним ёр берса такрор қилиб, бўлмаса қалин ўртоғим кал Аъзам билан унинг ҳужрасида наякилар қилишиб, дотор, танбурлар чалишиб, ашулалар айтишиб ва шулар билан таъбимни чоғ қилиб ётмоқда ҳам саҳарғача шундай ўйин-кулгилар билан ўтиришиб, кун чиққунча ухлаб қотмоқда эдим.

1901, декабр

15

Мадрасамизнинг “қориёна”, “ифтийтахона”, “бўйра гуфти”, “лаҳийқона” ва “сешанбалик” дейдирган чиқимлари бор бўлиб, қуйидагича эди:

1. “Қориёна” – бу сабоқдошлар орасидан кимки “қори” бўлиб сайланган бўлса, шунга тушадирган зиёфатнинг отидир. Шериклар, сабоқдошларга қори бўлиш, билим билан эмас, бойлиқ билан ўлчанар, кимники шерикларига мева-чевалари, қанд-қурслари, қуюқ-суюқлари, норин ёки ёғлиқ ва сергўшт паловлари, дутор, танбур, ғижжак, ашулачи ҳам баччалари билан зиёфат қилиб беришга кучи етса қориликни шул олиб кетар эди.

2. “Ифтитоҳона” – бу ҳар бир катта дарс бошланганда муллабаччаларнинг бўйнига тушадирган улуғ бир чиқим бўлиб, ҳар бир жамоанинг қариси ўз сабоқдошининг ҳар биридан солиқ солиб йиғар ва бу чиқимнинг кичикроғи ҳар бир кишига 2 сўм, 3 сўм, балки 5-6 сўмдан тушиб, йўқсил талабаларни шул ҳам анча ташвишга тушириб қўяр эди. Пул йиғилгандан кейин икки сават тўла бозор нон, бир патнус қанд, бир патнус магиз, бир патнус писта, бир патнус бодом, бир патнус қандак туршак ва шунга ўхшаш 6-7 патнусни ясаб, бир чопон, 9-10 дона дастрўмолни устига қўйиб, 15 сўм – 20 сўмни қўлга олиб ҳазрат домланинг хузурларига кирилуру. Сўнгра ҳазрат домланинг буйруғлари билан мадрасанинг кичик мударриси, мукаррирлари, бурчаги домлалари ва пешқадамларидан бир нечалари йиғилар, дастурхон ёзилиб бир оз чой ичилгандан кейин ҳалиги мевалардан бир нон, икки нон устига бир каф, икки кафдан солиниб ўтурганларга тортилар, домлаға 15-20 сўм пул билан бир чопонни бериб, каттарак муллаларга дастрўмол улашилур ва булар тугагандан кейин зиёфат эгаларининг дарслари бир оз бошлатилиб қўйилиб, фотиҳа ўқилиб, келганлар тарқалар эдилар.

Бунинг каттаси “Шарҳи Мулло”, “Ақойиди Насафий”да бўлиб, мадрасада катта қозон қуруб, ош дамлаб, тўй қилиб берилур эди. Бунда ҳар бир муллабаччадан 15 сўм, 20 сўмлаб йиғилур. Домлаға бош-оёқ кийим (сарупо) қилинур, бир неча мадрасадан мударрис ва муллабаччаларини даъватнома билан чақириб, ош бериб, нонларнинг устига магизлар солиб улашилур эди. Бу тўғрида муллабаччалар жуда катта ташвишга тушар, пул тополмасдан бир неча кунгача ҳар томонга югуришиб юришар, қарзға ботгандан кейин кўрпа, чопон, ёнларидағи соатларини сотиб ҳам еткиза олмасдан тозаям танбеҳларини ер эдилар.

3. “Бўйра гуфти” – буни мадрасанинг бир ҳужрасига янги кўчиб кирган муллабаччадан олинадур. Ўзиға тузук, бойлиғи борроғи кўб

айттирмасдан қилиб берса ҳам қаттиқроқ ёки қашшок муллабаччаларнинг анча вақтгача судралиб кетадир. Бунинг ўзи 2-3 лаган ош, 2-3 чойнак чой ёки ўн-ўн беш сабоқдош ва бошқа муллабаччалардан айтиб, зиёфат бериш билан тугаладир. Шунини бермаган ёки бера олмаган шўринг қурғурлар муллабаччаларнинг “ғиди-ғиди” сидан сира қутила олмайдилар.

4. “Лахиқона” – бу ҳам бир зиёфат бўлиб, дарсга кейин кўшилган ва кейин сабоқдош, шерик бўлган муллабачча, бир таътил куни бутун шерикларини чақириб, ҳар турли меваси, кўюк-суюғи, дутор, танбур, ашулачиси ва мумкин бўлса, баччабазмлари билан ўтириш қилиб берадир.

5. “Сешанбалик” – буни ҳар ҳафтадаги бош таътил куни (сешанба куни) қилинур. Бу ҳар жамоа ўз шерик (сабоқдош)лариға навбатлаб берадурган ҳафталик гаплари бўлиб, “сешанбалик” аталур, бунинг зиёфати кўп такаллуфлик бўлмасдан озроқ мевачева, нон-кулча, охирида 3-4 лаган палов ва наяки қилишиб, ўйин-кулги билан тугалур эди.

Мана шул зиёфат ва шул ортиқча чиқимлар бошланган эди. Мадрасамизнинг солиниши ҳозирги замонға келишмаса ҳам бурунги ўз замониға яраша жуда яхшилаб ишланган каттагина бир мадраса эди. Буни бино қилғувчи Бекларбеги (асли исми Лашкарбек бўлиб, Умархон замонасида 1230-1270 хижрий йиллари орасида Тошкандга 40 йилча бек бўлиб турган бир кишидир) деган бир бек бўлиб, бунинг чиқими учун кўб олтун-кумушлар чочиб, кўб вақф ерлар ва дўконлар қолдирмишдир. Мадраса мутаваллилари хоннинг ўз авлоди – болаларидан бўлса ҳам улар мадрасанинг бузиқ-ёриқлариға кўб қарамасдан, вақф дўконлари ва ерларидан унадурган унумларнинг кўб қисмини турли хийла, фириблар билан муллабаччаларни алдаб, ўз фойдалариға сарф қилиб турмоқда ва бу хиёнат тўғрисида мударрислар билан уларнинг орасида битимчилик, тотувлик бор бўлиб, муллабаччаларнинг ҳуқуқиға ҳаддан ташқари тажовузлар қилмоқда эдилар.

Мадрасамиз хишт (кирпич)дан солинган бўлиб, пештоқи кун ботиш (ғарб)ға қараб кўкрак кериб, қулоч ёйиб, шаҳарнинг узок ерларидан кўриниб турар эди. Кенг ҳам катта дарвозасидан кун чиқишға қараб киришингиз билан усти ёпик йўлдан шимолға ёки жанубға қараб бир оз юриб, янги кун чиқар томонға бурилиб, озрок

юрасиз-да, мадрасанинг кенг сахнига чиқасиз, бу усти ёпик йўл (йўлак)нинг жануб томони катта дарсхона ва шимол томони масжид хонақоҳидир. Дарсхонанинг ўнг ва хонақоҳнинг сўл томонида шул икковининг пойлоқчилари ётиш учун икки хужра солинган бўлиб, мазкур хужранинг ёнбошидан биттадан иккита кирпич (хашт)дан ишланган зина томдағи хужраларга чиқмоқ учун ишлангандир. Дарсхона билан хонақоҳнинг ҳар бирида биттадан иккита кичкина-кичкина тор хужралар бор бўлиб, бириси масжид хизматчиси (сўфи) учун солинган бўлса, иккинчиси дарсхона ёки мударрис домла хизматчиси учун солингандир.

Мадрасанинг кун ботиш – дарвоза томони икки қаватли бўлиб, дарвозанинг икки ёнига ост, устлик қилиб саккизтадан ўн олти хужра солинган. Мадраса сахнининг эни ўттиз, узунлиги қирқ олчин (газ)га келиб теварагида қирқтадан ошиқроқ хужраси бордир. Хужраларнинг барчаси икки тоқа ёғоч эшикли ва эшикларнинг тепасига хужрага ёриқ тушиб турсин учун панжара-панжара қилиб ганждан қўйиб жуда усталик билан ўйиб ясалган “туйник” деган тешик қўйилган. Хужраларнинг ичи бурун тупрок билан бир оз кўтарилиб, текислаб қўйилган бўлса ҳам қайси муллабаччалар ўз ёнлариданми ёки вақф ақчасиданми тупроқлардан чиқариб ташлаб, анчагина кўтариб тахтапол қилиб олган эдилар. Ўтин-кўмир, гуруч, ёғ ва бошқа ортиқча нарсаларни қўйиш учун ўртада бош устида ёғочдан ясалган “миёнбаст” деган жой бор бўлиб, керакли чоғларда тўрт-беш поялик кичкина шоти (нардбон) билан чиқиб-тушиб турар эдилар.

Хужраларнинг катта-кичиклигига келганда бўйи 5, эни 5 ва юқорилиғи 7 олчин⁴²дан ошмас, қуёш булутларнинг остида қолган кунлари дарпардаларни очиб қўйилмаса, бунга туйнукларнинг ёриғи етмас эди. Ташқаридан ичкарига босиб киришингиз билан “дахлиз” деган ерни босасиз, бу ер киши ўтирадирган жойдан икки-уч қаричча қуйроқ бўлиб, бўйи 4, эни 1,5 олчинга келар, бунинг бир ёғи юз-қўл ювадурган обрез – ханик, бир ёғи бир мўрилик ошхона бўлиб, ўртада 7-8 кавш сиғорлиқ ўрин қолдирилган эди. Хужранинг киши ўтирадирган томонига бўрё, унинг устига қозоқи кийиз ёки қашқари кийиз (намат) солинган ҳам бир чеккароғида қишда олов қилиб, исиниб ўтириш учун

⁴² Олчин – аршиннинг бузилган шакли.

“танча” деган тўрт бурчлик қилиб, 4-5 вершуклик⁴³ чуқур қазилган эди.

Совуқ бошланиши билан муллабаччалар танчага саксовул кўмирдан ўт қилиб солиб, теварагига кўрпачалар ёйиб, ёғочдан ишланган курсини қўйиб, унинг устига пахталик бир кўрпани ёпар эдилар-да, тўрт томонидан оёқларини тикиб ва узатиб ўтира берар эдилар. Томоқ ейиш, китоб кўриш ҳам битик ёзиш шул курси (сандал)нинг устида бўлиб, кечасиги уйқу ҳам шунинг ёнида бўлар эди. Бу танчаси қурғур кишини шундай дангаса хушёқмасликқа ўргатар эдики, муллабаччалар кундузи бўлсин, кечаси бўлсин, китоб мутолаа қилиб ўтириб туриб, мудрай-мудрай ухлаб қолганларини туймай (сезмай) қолар эдилар.

Мана шундай тор ҳам қоронғу ҳужраларда 2-3, балки 4 киши истиқомат қилиб туриша берар, қайси думоғлик кишилар “ҳужраларнинг кўпига эшикларидан шундай киришимиз билан думоғларимизга бир ямон кўланса ис гуп этиб туради” десалар ҳам, бизлар яхши кишилар “...” бўлиб, димоғдан буткул узок бўлганимиз учунми сира ямон исни билмас эдик!...

Муллабаччаларнинг кўпи ўқуған дарсига тушунмасдан “ҳов таксир, шундай-шундай...” деб бош силкитиб юрувчилардан бўлса ҳам онда сонда хушзеҳнлари ва ўқуған дарсини яхши англаб, яхши мутолаа қиладурғанлари ҳам бор эди. Бизда дарсларига яхши тушунувчи ва мутолааси чиққан энг ўткир муллабаччалар Обид қори Мулла Ғозибой, Муллабой қори, Мулла Дадамухаммад деганлар бўлиб, уларнинг кетидан Аҳрор қори, Муродхўжа, мулла Абдулқаййум хўжа яна 3-4 талари турар эдилар. Меним шерикларимнинг орасида 2-3 та хушзеҳнлари бор бўлса ҳам ҳали унчалик мутолаалари чиққон эмас эди. Ҳар бир жамоанинг орасидан 2-3 таси табиий зийраклик ёки кўб ўйин-кулгига берилмасдан ҳар вақт китоб мутолаа қилиш жиҳатидан билимли, онгли бўлиб, етишган муллабаччалар хушфаҳм аталиб, бошқалари ҳафтафаҳм аталур эдилар. Қишлоқ ўзбеклари билан қозок муллабаччалари кўпроқ билим олишни пайдан бўлиб, шаҳар ўзбекларининг кўпи ўйин-кулги, бесоқолбозлик билан умр ўтказиб, эшакдан ҳам онгсиз, билимсиз бўлиб қолур эдилар. Қозоклар кўброқ “Фикҳи Кайдоний”, “Мухтасар..” (ўз тилларича “Буқтисир”) “Виқоя шарҳи”, “Виқоя”, “Ҳидоя” ва шуларга ўхшаш

⁴³ Вершуклик -

масъала китоблари билан машғул бўлиб, ўзбеклар кўпинча “Кофия”, “Шарҳи Мулло”га ўхшаш “Нахв”, “Сарф” китоблари устига мазкур масъала китобларидан ҳам аралаш ўқиб юрар эдилар.

Жувон (бесоқол)бозликда энг пес очған, энг чапан ҳаракат ва тенг ёлғончиси Кўкчадаҳа Кесаккўрған маҳаллалик Мулласиддик қори Юсуф қори ўғли бўлиб, унинг маслакдошлари Муллаҳамдам пучук, кўр Абдуллахон шуларга ўхшаш 2-3 талари эди. Булар баъзи-баъзи чоғда Мулла Абдулҳаким деган жувонни талашиб, бир-бирларидан хафалашиб қолар эдилар.

Ўқутувчи мукаррир бурчаги домлаларнинг орасида тўғри ҳам юмшоқ табиатроғи мадраса имоми бўлған мулла Нурмуҳаммад сўфи бўлиб, энг сўқағон ва энг аччиғчани Мухторхўжа эшон дегани эди. Буларнинг Собир қори, Абдулжаббор хўжа эшон, Нурмат сўфи деганлари нахв, фикҳ (масъала) китобларидан дарс беришга уста бўлиб, Мухторхўжа эшон нахв, айникса, сарф ва жузъихонликда биринчи эди. Бу киши чекида ҳурилиқоми ва бошқа мукаййифотғаи айланишган бўлиб, чапақай жаҳли чиқғанда ҳар қандай шогирдини чапанивор қилиб сўкиб хайдар эди.

Мадраса муллабаччаларини ўз ораларида бир-бирларига қиладурған адаб ҳам муомалалари бор эди: олдиноёқлардан биттаси, бир хужрага иши бўлиб кирмакчи бўлса, хужра эшиги ёки дарпардасини секин-секин бир икки топқир чертар ва тақиллатар, ичкарида ўтирған хужра эгалари “Хўш!” ёки “Хўш! Қани, бу ёққа марҳамат қилсинлар!” деб эшик томониға кўзларини қаратар, сўнгра олдиноёқ (пешқадам) эшиқдан секингина бошини кўрсатиши билан ўтирған муллабаччалар ўрниларидан ирғиб туриб, қўл қовуштириб ва эгилиб салом берар эдилар. Унгача олдиноёқ анчагина хужра даҳлизига кириб қолар, муллабаччалар ҳам: “Қани, юқориға тақсир, қани юқориға тақсир!” деб юқориға таклиф қилар эдилар.

Агар бу кирган олдин аёғ гаплашиб ўлтирмоқ мақсадида кирган бўлса, кавшини ечиб, қуйироқ ерга ўтирмоқчи бўлғанда, муллабаччалар қўймасдан қўлтуғидан қўлма-қўл кўтаришиб, юқори тўрға олиб бориб ўтқизиб кўяр эдилар. Агар бошқа бир иш учун кирган бўлса, пойгакда ишини айтиб ёки сўраб оладирған нарсасини олиб, чиқиб кетар, ул чиқиб кетгунча хужрадагилар бир

турғанларича туппа-тик турар ва қачонки чиқиб кетди, ўтурар эдилар. Бу адаб ўзларидан 2-3 китоб юқори бўлган ўртача олдиноёқларға бўлур эди.

Ҳужрага кирган киши муқаррир бурчаги домла ёки шулар тенги бир хатм карда (мадраса дарсларини битирган киши) бўлса, уни қистаб юқориға чиқариш йўқ, ўзи юқори чиқиб, баҳузур ялпайиб ўтира берар эди. Кирган киши ўзларидан кейин оёғрок бўлса, “Қани мулла... келинг, юқориға чиқинг” десалар ҳам уларни олдиноёқлардек сийламас эдилар. Кирган киши ўз сабоқдошлари бўлса-ку, қўяберинг! Бир-бирларини кўрар кўрмас, ҳазилкашлик қилишиб: “Ҳа, отангни! ...ҳа онангни, ҳа синглингни” деб сўкишиб кетар эдилар, сўкишлари ҳар қандай қаттиқ бўлса ҳам сабоқдош (шерик) бўлганлари учун сира қаттиқ тегмас, кулиша-кулиша сўкишар эдилар.

Шанба, якшанба, душанба, сешанба таҳсил (ўқиш) кунлари ҳисобланиб, чаҳоршанба, панжшанба, жума кунлари таътил (ўқишсиз) кунларга ҳисоб қилинур эди. Яна шул таҳсил кунлари бир-бирларининг ҳужраларига бориб ўтириш, овқат қилишиб, чой ичишиб, ҳангома қилишиб ўтириш ёки бир муллабаччаникига ташқаридан биров меҳмон бўлиб келиш жуда айб саналур эди. Бу таҳсил кунлари барчалари дарс такрори ва китоб мутолааси билан машғул бўлур эдилар.

Юқорида айтилганча, мадрасамизнинг вақфи кўб бўлиб, унинг кўброғига мутаваллилар ва озроғига мударрислар, муқаррирлар хиёнат қилишур ва улардан ортғани: “аъло”, “авсат”, “адно” исми билан муллабаччаларга бўлинур эди. “Аъло” (юқорироқ) маъносида бўлиб, уни хатмкарда ва хатм қилишға яқинлашганлар олур, “Авсат” (ўртароғи) маъносида бўлиб, уни “Ақойид” ўқувчилар ва улардан юқорироқлари олур ва “адно” (пастрак) маъносида бўлиб, “Шамсия” ўқувчилардан қуйироқ сабоқдошлари олур эдилар. Аълоға жуда кўб текса 15 сўм, авсатга 10 сўм ва адноға 5 сўм тегар эди.

Мадраса сахнида бир муллабаччалар, бир олдиноёқнинг келишини кўрдими дарров бир четга чиқиб, қўл қовуштириб турар, яқинроқ келганда эгилиб, икки букилиб салом берар ва ул “Ваалайкум ассалом!” деб жавоб қайтарар эди-да, кеккайиб, ҳаволаниб ўтиб кетар эди. Салом берган кейиноёқ муллабачча, силлиқроқ бесоқол бўлса, қайси олдиноёқлар, ёғлиқ шаҳвоний

кўзлари билан тикилиб илжайиб қараб: “Ҳа! Мулла... жон! Бизнинг хужрага бирор марта бориб, гаплашиб ўтириб келай ҳам демайсиз?!” деб гап ташлаб, тегишиб ўтиб кетар эдилар.

Мударрис, муқаррир, бурчаги домла, хатмкарда ва олдиноёқларининг олдиларида гапириш, ҳатто чурқ этиб довуш чиқариш айна адабсизлик – ахлоқсизлик бўлиб, улар хоҳ дуруст, хоҳ нодуруст гап гапурсунлар бир ҳарф ҳам жавоб қайтармасдан “тақсир, тақсир!” деб ҳар қараганларида бир букилиб ўтириш улуғ адаб ҳам яхши хулқлардан ҳисобланур ва уларнинг олдиларида (хузури олийларида!...) ҳеч бир муллабачча “лом-мим” дейишга ҳам эрк берилмас эди (ўз ҳуқуқингни мудофаа қилиб, узундан узун нутқлар сўзлашга эрк берилиши қайда?!)

Мадрасамизнинг бултурги чакида хур сўфиси (муаззини) бир масжидга имом бўлиб чиқиб кетгани учун бу йил мадрасага кал Аъзам ўртоғим сўфи бўлди. Ҳар кун, кун оралаб ҳазрат домлалар билан бир неча ерга ўғил-қиз тўйлариға бориб, қалин-қалин нонлар ҳам қази-қарталарни қўлтиқ-қўлтиқ олиб келиб турар ва бизлар кўпини уйига юбортиришга қўймасдан талашиб-тортишиб еб қўяр эдик. Бу ўртоғимнинг калла чиқазган ери (масқатурраси – туғилган ери) Тошкентнинг “Пушти ҳаммом” деган маҳалласи бўлиб, отаси ҳам мадрасамизнинг шимол томон ёнбошидағи Регистон масжидига сўфи эди. Аввал (Олим сўфи) шул масжид холажойи билан бизнинг мадраса холажойининг тозалатиб, кесаклар бериб туришининг пудратини олган эди.

Бу Регистон масжиди шаҳар бозорининг оғзиғинасида бўлгани учун растадаги дўкондорларининг кўби шул масжидга таҳорат қилиш, намоз ўқиш учун пешин, намози асрларға келишиб турар эдилар. Бозор кунлари, ҳалиги ўртоғим масжид айвонининг бир чеккасида ўтириб олиб, холажойға дўкондорлардан бошқа кишилар кирса, бермаганига қўймасдан ҳар бир кишидан бир тийин, икки тийиндан олар, боши кал бўлгани учун холажойға кирган кишиларнинг баъзилари ҳазилкашлик қилар эди.

1902, январ

16

Мана йўқсил мусулмонларнинг тинқасини қурутадурган ва бойлар, муллалар, эшонлар ҳам қорни тўқ муштумзўрларни семиртирадирган рамазон ойи яқинлашди. Қаерда қори

(Қуръоннинг бошидан оёғигача ёд олган)лардан бўлса, маҳалла ахиллари масжидларга ўзига тўқ бойлар, бойваччалар, бойбаччалар меҳмонхоналариға ва эшонлар хонақоҳлариға таклиф қилиб ва белгилаб қўйдилар, бизнинг мадраса муллабаччаларининг орасидағи қорилар ҳам ҳар томонға чақирилган эдилар. Одамларнинг қайсисининг отаси, қайсисининг онаси, қайсисининг амакиси ва қайсисининг бошқа яқин қариндошлари ўлгани учун савобини уларнинг арвоҳиға бағишламоқ умиди билан Қуръон туширтирар ва фақирроқ кишилар бўлса, масжидда Қуръон туширган қориға бир сўмдан, ярим сўмдан пул йиғиб беришиб савобиға шерик бўлишар эдилар.

Мадрасамизнинг қориларидан мендан бир дарсгина пешқадам (шамсияхон) Сиддиқ қори Паркент қишлоғиға бир-икки одамнинг “Хатми Қуръон”иға чақирилгани учун шунга боришға бел боғлади. Мен қори бўлмасам ҳам қайси муллабаччаларнинг ўртаға тушиб: “Шу бечорани ҳам олиб кетинг, сизга “соеъ” бўлиб туриб бир нарса топиб келар, қишлоқилар бунинг қори эмаслигини қаёқдан билиб ўтирибдир!” деб далолат қилишлари билан мени ҳам олиб чиқиб кетди. Биз бир олдиноёқнинг меҳмонхонасиға тушдик. Бизнинг олдиноёқлардан Аҳрор қори деган муллабачча ҳам Қуръон сотиш мақсади билан бизнинг тушкун меҳмонхонаға тушган эди. Бу Паркент қишлоғининг шаҳар мадрасаларига алоқаси катта, шаҳарнинг кўб мадрасасида бу қишлоқдан муллабаччалар бор. Менам мулла Юнус Эшмуҳаммад деган шерикларим ва мулла Бойқаро деган олдиноёқ шул қишлоқ аҳлидан Кесакқўрған, Моғол (Моғор)кўча мадрасаларида ҳам бундан анчагина муллабачча ўқийдир. Бироқ бу ўқувчиларнинг кўп қисми йўқсил-камбағал болалари бўлмасдан ўзига тўқ, бойроқ кишиларнинг болаларидир.

Зотан, бизнинг Бекларбеги мадрасасида бўлсун, бошқа мадрасаларда бўлсун, кўброқ бойлар, бой дехқонлар, ўзига тўқ қосибларнинг болалари бўлиб, йўқсил кишиларнинг болалари онда-сонда топиладир. Ҳозир бизнинг тушиб турган меҳмонхона эгаси ҳам 4-5 қуш (жуфт) хўкузлик, 6-7 соғиладирған сигирлик, 4-5 отлик, шаҳар билан қишлоқ орасида кирага юк ташиб турувчи 3-4 та нортуюлик, катта ер-сув ва боғ-роғлик одам бўлиб, ўғли Моғолкўча мадрасасида Исохон аъламда ўқийдир. Бу Паркент қишлоғи юқори-қуйи, тепасойларға бино қилинган каттагина бир

қишлоқ. Унинг ўрта бир ерида сой бўлиб, унда ҳар вақт сув оқиб турадир. Кўклам чоғларида қуёшнинг иссиғи билан тоғлардаги қорлар эриб суви тошқин бўладир. Қайси йиллари, бу сойға бино қилинган дўкон ва иморатларни эгаларининг дод ва фарёдиға қарамасдан шул сув тошқинлари олиб кетадир. Теваракларида баланд-баланд тепалар, сойлар кўб бўлиб, қишлоқ аҳлининг сердарахт, серсув, сермева, серузум, серқовун ва дилкаш боғ ва майдонлари шул ердадир. Қишлоқилар ёз чоғларида шул дилкаш (кўнгил тортар) боғ ва майдонлариға кўчиб бориб, ўз яқинларидағи Заркент тоғидан келиб турадирған ғирр-ғирр шамоллардан баҳралар олиб тозаям маза қиладирлар. Ул боғларнинг юқорисида бир томони Қўшқўрғон, бир томони Янгибозор, бир томони Жума бозори, бир томони Заркент ва бошқа қишларғача дарахтсиз, сувсиз, баланд-баланд тепа ва кенг-кенг сойлар узайиб кетган бўлиб, Паркент аҳлининг буғдойи ва бошқа экинлари шу ерларға экиладир. Шаҳарға ҳар йил ке(л)тирилиб сотиладирған ғаллалар шу ерларнинг унумлари (ҳосилоти)дир. Бу қишлоқнинг йўқсил деҳқонлари кўб бўлиб, ерсизлари ерлилариға чорикор ва мардикор бўлиб ишлайдирлар. Қайсилари деҳқончилик устиға савдогарчилик билан ҳам машғулдирлар, булардан читфуруш, баққол, қассоб ва бошқа дўкондорлар ҳам анчагина бор. Ораларида шундай бойлари борки, ҳар вақт шаҳарға ўнлаб-ўн бешлаб нортуялари киракашлик қилиб турадир.

Бизнинг Қуръон туширадирған жойимиз сойнинг иккинчи томони (қишлоқнинг жануб томони)да эди. Кўчалари ботқоқ ва сой ичи сув бўлиб, яёв юриш жуда оғир бўлғанлиғидан яқин бўлса ҳам намози дигардан кейин тушган жойимизнинг бир отиға икковимиз мингашиб бориб, саҳарлик томоғимизни еганимиздан кейин яна қайтиб келар эдик. Қуръон туширган уйимиз кичкинагина ҳам торғина бўлиб, қорининг орқасида турган кишилар 6-7 тача бор эди. Буларнинг ҳам кўпларига типпа-тик туриб узун Қуръон билан Тарових ўқиш оғир келиб, ўтирибгина ўқишур ва қайси ракатларда типпа-тик турған киши ёлғиз ўзимғина бўлиб қолар эдим.

Мана шул тусда бориб-келиб юриб, уч кунда Қуръонни юмалоқ ясси қилинди. Уй эгаси Сиддиқ қориға 3-4 сўмлик чакмон ва менга бир сўм ёки бир сўм 20 тийин оладирған чопон кийгизгандан кейин енг учида ке(л)тириб, қориға пул ҳам қистирди, сўнгра шу ерда ўтирған қишлоқиларнинг барчаси:

“Эшони қорилар, энди тунлари муборак бўлсин, баракалла, баракалла!” деб қутлашдилар. Ҳар кунгидан бугун яхшироқ қилиб дастурхон ёзилди, бир оз мева-чева ейилгандан кейин ош келди. Ошни ейишиб турганимизда, бир қишлоқи менга қараб имлаб: “Эшони қорим самиғ (соемь) бўптириб, катта қори янглишганларида бир мартаям лукма солмадилар-а!” деб бизни анчагина уялтирди. Ошга фотиҳа ўқулгандан кейин хайр-хўшлашиб бурунги ётадурган уйимизга келишдик.

Сиддиқ қори мени соемь қилмасдан яна бир ерда хатми Қуръон қилгандан кейин шаҳарга қайтиб кетди ва мени отаси шул ерда имом бўлиб юрган Али қори деган бир сабоқдоши: “Мен бу қишлоқ ерида гаплашадирган киши тополмасдан жуда зерикиб кетдим. Бир-икки ерда хатмим бор, шуни ўтқузгандан кейин шаҳарга бирга кетармиз, юринг!” деб кўярға-қўймасдан олиб қолиб, ўзининг тушган ери Мулла Ашурмат хожи деган бир бойнинг меҳмонхонасиға олиб борди.

Эртасига меҳмонхона эгаси Ашурмат хожининг ўз масжидида бошланган хатм(н)и тугаллаб, қориға Қуръон туширгани учун бир чакмон анчагина сўлкавой ва менга закотга деб бир сўм берди. Сахарликка каклик гўштлири солинган тотлик ҳам ёғлик паловларни еб тўйиб, бир самовор чой ичишганимиздан кейин ётишдик-да, эртасиға сойнинг иккинчи томонидағи бошқа бир қишлоқнинг масжидда тушуртирадирган хатми Қуръониға кетдик.

Мен Алиқориға соемь бўлмасам ҳам ҳар кеча орқасиға бориб таровиҳ ўқур, кундузлари уйқи ҳам “чопти-чопти” деган ўйинлар билан умримиз ўтар эди. Бунда кўкнори ҳам чакидахўр бир домла бор бўлиб, ул шул масжиднинг имоми экан. Ўзи шаҳарлик, Абулқосимхон эшон мадрасасида ўқиб “хатми кутуб” қилган ҳам ўшал мадрасада бир неча йил дарс айтиб турган бўлиб, ёш муллабаччалик чоғида мударрис домласиға бир адабсизлик кўрсатганлиги учун: “Илоҳи, саҳройи марг бўл!” деб дуойибад қарғиш олган сабабли далада тентираб ўлишни бўйниға олиб, бир неча йиллардан бери шу ерда ул масжиддан бул масжидга ўтиб имом бўлиб юрар экан (халқнинг эътиқодини қаранг-а!).

Ҳар куни ифтор (рўза синдирар – оғиз очар) пайтида ширинига ботириб нон, унинг устига магиз, унинг устига бошқа емишлар ва унинг устига ошларни аралаш-қуралаш қорин қопимизға тикар эдик-да, томоқни кўтаролмасдан пишиллашиб

қолур эдик. Қорининг орқаси – хатми Қуръонда турганимизда қорниларимизни жуда кўтаролмасдан ўзимизни у ёққа – бу ёққа ташлаб, уйқу босиб, йиқилиб кетгундай бўлиб зўрға турар, еган томоқларимиз 2-3 тасбеҳ ўтгунча сингмасдан бизни жуда қийнар, ул томоқни “энди сингдирдик!” деб ўйлаб турган чоғимизда, бирдан саҳарлиқ томоғи тайёр бўлиб қолар эди. “Эртага қорнимиз очиб қолмасун” деб, яна томоқларни уст-устига, тўйғанимизга қарамасдан тиқиштира берар, бу томоқни сингдирмасдан уйқу келиб қолиб, тезлик билан ётар эдик-да, эртасига оғзимиз мазасиз – тахир, аччиқ, ёстикларимизга оғзиларимиздан сўлакайларимиз оққан, кўпинча гаранг бўлиб ўрнимиздан турар, ҳар кун шундай пешингача ланж, касал бўлиб юрар эдик. Соғлиқни сақлаш (ҳифзи сиҳхат) илми уёқда турсин, унинг отини ҳам эшитмаган эдик.

Беш кечада Қуръон туширилди, қориға бой томонидан бир чопон кийгизилгандан кейин маҳалла кишиларидан ҳам 5-10 сўм йиғилди. Ўртада мени ҳам қуруқ қўймадилар ва муллабачча деб сийлашиб менга ҳам 1-2 сўм йиғиб бердилар.

Менинг мулла Юнус деган ушбу қишлоқлик сабоқдошим рўза таътили бўлса-да, ўзиға тўқ бўлганлиғи учун мадрасада масъала китоблари, майда нахв, сарф китоблари ўқуб қолган эди. Шунинг дадаси – Ҳайдар қассоб мени бир кун уйига ифторга чақириб, закот учун 2 сўм бериб, хурсанд қилиб чиқарди.

Энди закот ҳам садақалардан йиғилган ақчам 6-7 сўмча бўлиб, шаҳарга жўнамоқчи бўлдим. Алиқори оғайнигарчилик қилиб, бир тошкентлик аравакашнинг аравасига тушириб юборди. Ҳайит харжи (чиқими) кийимга бир оз пул топғаним учун суйина-суйина, оғзимнинг таноби қочиб йиғиштириб ололмасдан, тўнимға сиғолмасдан тўппимни яримта қилиб мадрасага келдим.

1902 (милодий), 20 январ

17

Ҳозир рўза ойининг ўртарағи бўлиб, ҳар кун Таробих намозини ўқиб ёки ўқимасдан “Бозори шаб” (кечки бозор)ға тушиб кетиб саҳар чоғида чиқамиз. Биргалашиб юришадирганим кўпинча Аъзам ўртоғим бўлиб, томоша қилганимиз томоша қилган. Узум бозорининг бериғи оғзидан Чаҳор сув (тўрт ёк)нинг нариғи оғзиғача барча чойхона, ошхона ва бошқа нарсалар сотадирган дўконларнинг кўпи очик, кўчанинг икки ёғида қатор-қатор

“кат”лар кўйилган бўлиб, ҳар турли қанд, мевалар сотиб ўтурадурган бесоқол болалар ҳам кўб эди. Балиқчи, кабобчи, нохудшўракчилар, каллапазлар: “Дарёйи Сайхуннинг балиғи, дарёйи Жайхуннинг балиғи! Саксон етти дардга даво, саксон етти дардга шифо!” “сара кабоб, барра кабоб! Бундан бир сих еган киши Худонинг арши аълосини кўради!”, “Нохўшарак, нохўшарак! Лаззатликкина, мазаликкина! Иссиққина шўрак, аччиққина шўрак!”, “Кўйларнинг калласи, кўзиларнинг калласи! Иликдаккина, паловдаккина! Мана ола беринг тайёр!” деб ҳар бирлари ўзларининг пиширган томоқларини мақтай-мақтай сотмоқда эдилар.

Кўмирсарой ҳам бошқа ерларда “Чодир хаёл” деган ўйинхоналар бор бўлиб, ундаги ўйинчилар кўғурчоқлар ўйнаб, симдор чийириқларда ўйнаб, қоқ ерда ўмбалоқлашиб ҳам бошқа ҳар турли қизик-қизик ўйинлар қилиб берар эдилар. Бунда от ўйини – сирк деган яна бир ўйинхона бор бўлиб, бу барчасидан ҳам қизикроқ бўлур: бир чиройлик, ингичка бел, ўрис қизи югуриб кетиб борган отнинг устига ирғиб чиқиб, типпа-тик туриб, турли-турли ўйинлар кўрсатур, отни ўйнатиб бўлганларидан кейин 7-8 чиройлик ўрис хотин-қизлар мусиқанинг оҳанги (куйи)га ўйнар ҳам ўз тилларида ашулалар айтар эдилар. Буларнинг ўйинлариға тонг – ажойиб қолиб, белларининг ингичкалигига оғзиларимизнинг сувлари оқиб ҳам кўнглимиз суви... кетиб чиқишар эдик.

Самоворхона, ошхона ҳам кўчаларда кишилар кўб бўлиб, айниқса, панжшанба, жума кечалари кишиларнинг тирбандлигидан йўл топиб юриш жуда қийин бўлар эди. Ўттиз кун рамазоннинг ҳар кечаси саҳарғача шу йўсинда ўйин-кулгу ҳам томошалар билан ўтар, бечора косибларнинг чиқими кўб бўлар эди.

Хоҳлаған бесоқоллариға етишолмай зор қақшаб юрган кўб кишилар ҳам шул Бозори шаб баҳонаси билан етишиб муддаолари ҳосил бўлур эди. Чунки оқшомдан кейин кўчага чиқмаған, ҳатто оналари ўпишға ҳам қиёлмаған Нодираи давронлар ҳам ҳеч бўлмағанда бир-икки қатла Бозори шабга борар эдилар!..

Мана рамазоннинг кейинги ёлғон арафа куни бўлди. Тошкентнинг тўрт қози, бир неча аълам ва муфтилари бизнинг мадрасага чин арафа билан ийднинг қайси куни қилиш маслаҳати учун йиғилишдилар. Мана Дадамат ҳофиз ўзи саксон ёшларға борған, эси кирарлик-чиқарлик бир чол бўлса ҳам ўзига ўхшаш бир

ланжни эргаштириб келиб, хайит (шаввол) ойининг кўрганлигига ҳар йилги одатича ёлғон гувоҳликка ўтиб, қозилардан 1-2 сўм кийматга турадирған бир чопон ҳам кийиб кетди. Эртасига кундуз соат 10-11 ларда миллий муסיқачиларимиз (ноғорачи, карнайчи ва сурнайчиларимиз)нинг йигирматачаси чин арафа шарафига 2-3 ноғора, бир неча дона карнай ва сурнайларини турли оҳангга солиб чала бошладилар.

Мана 12 дарвозалиқ шахримизнинг барча кишиларида суйинч-кувонч: “Ана арафа, Мана арафа! Эртага хайит, эртага намоз!” деб ҳар томонға югуришур, кўришур, ёш болалар кўкларга ирғишур ҳам ойи ва опалариға:

– Кўйнак, камзулларимни эртароқ тугмаларини қадаб беринг! –деб эркаланиб, уларни қўярға-қўймасдан қистар эдилар.

Мана мадрасамизнинг дарвозаси олдидағи сахни ёш қиз болалар, ёш ўғил болалар сийрақкина ўрта ёшлиқ кишилар билан тўлиб кетди. Болалар ҳам бир неча ёши каттарак кишилар патнуслар ҳам тақтадан ясалган идишларга чакчақи дандонлар, шуттаклар ва ҳар турли болалар ўйинчоғи ҳам турли томоқларни солиб, ўртада кўтариб юришиб, “Чакчақи дандон экан, лаблари хандон экан, чайнамай шиминг, чайнамай шиминг! Баччаларга дори экан, бесоқолға дори экан! О, пули борнинг кўли ўйнасун, пули йўқнинг кўзи ўйнасун, чайнамай шиминг!..” деб шу йўсинда ҳар қайси нарсани юқори довуш билан мақташиб, ёш болаларға сотишмоқда! Ёш қиз болалар сотиб олған сақичларини чайнаб, чангларини чалиб, ёш ўғил болалар, туникадан ясаиб турли бўялған билан бўлған кичкинагина сурнайларини чалиб, ўзларини хурсанд қилиб юришмоқда, қайси болалар ул ерда-бул ерда тўпланишиб, ёнғоқ ҳам ошиқлар ўйнашмоқда эдилар. Биздан устунлари бўлған муллабаччалар ҳам 5-10 та бўлиб чиқишиб, қаерда чиройлик бир бесоқол бола бўлса, кўзларимизнинг тагига олиб, юришмоқда эдик.

Мана юқори томдаги миллий муסיқачиларимиз кўпол довишлиқ нағмалари билан 2-3 соат дунёни бузғанларидан кейин куйиға тушиб, растадаги дўкандорлардан этак тутиб пул йиғиш учун раста-растага бўлиниб кетдилар. Мана рўза ойининг бошидан бери хайит кийимларини тикиб, ҳар кун 1 соат ёки 1,5 соатдан ортиқ кўзлари уйқу кўрмаган бечора тикувчилар (машиначилар) битира олмаған кийимларини эгаларидан сўкиш, койиш

эшитмаслик учун чала қолган камзул ҳам чопонларни мудрай-мудрай, шошила-шошила тикишмоқда, кийим эгалари ҳам ҳар соатда бир неча қайта тикувчининг дўконига югириб келиб:

– Қани, тикдингизми? Битдими? Боғичини ўтқуздингизми? Эй-й-й!.. Эртароқ тиксангиз-чи, баракалла сизга-я! Шу кийимни сизга берганимга 15-20 кун бўлди-я! – деб бундан бошқа ҳам неча турли пичинг сўзларни айтиб, қистай-қистай тикувчиларнинг мияларин қоқиб қўлларига бермакда, буларнинг кўби, хизмат ақчаларини бурунроқ бўнак олиб еб қўйганлари учун тишларини-тишлариға қўйиб, кийим эгаларининг оғир ҳам қаттиқ гапларига чидаб:

– Мана, ҳозир бўлади, ака! Мана, ҳозир! Андаккина сабр қилиб туринг! Кўп шошилманг! – деб кийим берувчиларни юпатишмоқда эдилар.

Мана уйлардаги хотинлар шошилишиб, қайсилари ун эламоқда, қайсилари хамир қормоқда, қайсилари ўқлоғилари билан хамирларини ёймоқда, қайсилари хамирларин узун-узун чўзиб, думалоқ-думалоқ қирқмоқда, қайсилари зиғир ёғи чўчитиб чўзма-чалпак, юпқа, қуш тили ҳам бўғирсоқлар пиширмоқда, қайсилари “Вой ўлай, шўрим қурсин! Арафа эратага бўлар десам, бугун бўлиб қолди-я! Худоё, кийимлариям қуриб, қақшаб, қоқилаб кетсин, булар қачон битади-ю, мен қачон бўғирсоқ, чўзма-чалпакларимни пишираман, шўргинам қурсин-ейй! Эртага ҳайитлаб меҳмонлар келса, жуда уят-ейй!... Қандай қиламан энди?” деб шошила-шошила бола-чақаларининг чала қолган кийимларини тикишмоқда эдилар.

Мана арафа куни кеч бўлди. Ҳар маҳалланинг бир неча ерида биров ўлган онаси, биров ўлган отаси, биров ўлган эри, биров ўлган амакиси, биров тоғаси ва бировлар ўлган аллакимлари учун 2-3 лаганга лойиқ ош дамлаб, маҳалла домла имоми, сўфиси ҳам бошқа кишиларини чақириб едириб, ўлганларнинг руҳларига 1-2 оят Қуръон ўқиттириб, бағишлатиб юбормоқда. Бу худойи, бу хатми Қуръонлар имомсиз, сўфисиз бўлса, Тангри унамагандек кўрингани учун имом сўфилар неча ердан ош еб, қоринларини зўрға кўтариб, пишиллашиб, ҳар оёқ босқонларида бир кекириб, неча кишиларни орқаларидан эргаштириб, худойидан-худойиға, хадимидан-хадимиға буришмоқда ҳам ҳар қайси ҳовлидан олиб

кетишга берилган 3-4 дона нонларни ёвлик (дастрёмол)ларига тугиб чиқишмоқда эдилар.

Мана ҳайит сабабли шаҳарлик муллабаччаларнинг кўпи ҳовлисига кетганидек, мен ҳам ўз ҳовлимга бордим. Мадрасада ёлғиз шўринг қурғур қишлоқилар билан қозоқ муллабаччалар қолган эдилар. Унда ота-онам, ука-сингилларим билан эсон-соғлик сўрашиб, чўзма-чалпак, бўғирсоқ, палов ошларини еб тўйиб, хуфтондан кейин 3-4 кулча ҳам озгина бўғирсоқни бир ёвликка, ҳайит кийимларимни бир ёвликка тугиб олиб, яна мадрасага қайтиб келдим. Ҳовлиларида излари йўқ муллабаччалар ҳам кулчалар, бўғирсоқлар, юпқалар ҳам бозордан ҳар турли қанд-курслар ва меваларни хужраларига келтиришиб, патнусларини ясаб қўйишмоқда эдилар. Мен ҳам кичкинагина эски патнусимга ҳовлидан келтурган нарсамни тартиблаб солиб қўйдим.

Мана бу кеча бозор расталаридаги кўп дўконлар очик, бурун ололмаган кишилар кавиш, махси, дўппи, белбоғ, атир, ироқи собун, хотин-қизларнинг упа-эликларини шу кеча оладирлар. Бозор яхши қизийдир: савдо-сотик ортиқча бўладир.

Аъзам ўртоғим билан мен ҳам арафа кеча бозориға тушиб 2 соатча айланиб юрганимдан кейин тўққиз пул (3 тийин)га ёнғоқдек думалоқ ироқи собун олиб, хужрамга қайтиб келдим. Хужра лампасини ёқиб эшикнинг орқасидан занжирлаб, бир каттагина пиёзнинг учидан ялпоқ қилиб қирқдим-да, қозоннинг қорасиға суркаб-суркаб, эски ҳам бир неча еридан ямалғон кавиш, маҳсимни 15-20 минутча уриниб, қорайтириб олдим.

Мана энди кийимларимнинг барчаси янги бўлмаса ҳам, ярим-ёртиси янги бўлганлиғи учун кўнглим анчагина тинчланиб, чироғимни ўчириб уйкуга кетдим. Икки соатча ухлаганимдан кейин сира уйқим келмади: тонг отса, ҳайит бўлгани учун кўнгил севинч-қувонч билан тўлғон эди. Дарров ўрнимдан туриб, лампани ёқдим-да, хужрамнинг эшигини очиб, ташқарига чиқдим. Чоғ, ёлғон тонг (субҳи казб) чоғи бўлиб, хотин-қизлар олами қўзғалган, бутун шаҳарни йиғи-сиғи босқан, араваларда ва яёв ҳолда дарвозадан ташқарида бўлган мазор (қабристон)ға қараб тўп-тўп, тўда-тўда бўлиб боришмоқда эдилар. Бировнинг эри, бировнинг отаси, бировнинг онаси, бировнинг синглиси, бировнинг келини, бировнинг қизи, бировнинг ўғли қисқаси ҳар кимнинг ҳар кими вафот топиб, қабристон қий-чув билан тўлган эди. Борган хотин-

қизлар ва келинлар ҳар гўрнинг теварагига ўтириб олиб, шул ўликни йўқлаб, тириклик чоғида қилган яхши ишларини айтиб-айтиб, бақириб-қичқириб кўллари билан тизза ва бошларига уриб йиғламоқда. Гўристонинг ҳар ёғида кўкдаги юлдузлардек шағам (шам)лар ёниб турмоқда: қабристонларнинг “дахма”ларида шағам, чўзма-чалпак ва холвайтар пойлаб ётган қорилар билан гўрковлар биттадан қопча ҳам хуржунларини билакларига кўтариб, гўрдан-гўрга юриб, чала-була қуръон оятларидан ўқиб бағишлаб, хотинларнинг келтирган нарсаларини аралаш-қуралаш қопча, хуржунларига ағдариб берган танга чақаларини чўнтакларига солмоқда эдилар.

(Ёшлик чоғимда – 1890 йилларда мазорлар шаҳар ичида бўлиб халқ ўликларини шуларга кўмиб турур эдилар. Николай ҳукумати бунини соғлиқни сақлаш қонунига тескари топганиданми, нимадандир, бу чоқларда мазорларни дарвозаларидан ташқариға қилдирган ва шаҳар халқини, айниқса, йўқсилларни анча машаққатга солиб қўйган эди)

Мана, ҳайит намози ўқиладурган катта жомеълар билан катта масжидларнинг тепасида ноғора, карнай, сурнайлар чалиниб, ухлаб ётганларни уйғота бошлади. Гўристонга борган хотин-қизлар бир-бир қайтиб келдилар. Мен кичкинагина қора қумғанимда сув иситиб, совуқ сувга чапиштирдим-да, қуйдим. Кеча тўққиз пулга сотиб олган собуни билан баданларимни ишқалаб-ишқалаб ювиб, қайсиси янги ва қайсиси ювилган кийимларни кийиб, ўртоғимнинг хужрасига чиқдим. Сўфилар масжид минораларида “азон” чақирмоқда эди. Ўртоғим кал Аъзамнинг хужрасида 2-3 та бошқа сабоқдошлардан ҳам бор бўлиб, тонг отиб намоз чоғи бўлгунча ҳар турли олди-қочдилардан гапиришиб ўтиришдик.

Тонг отди. Мадраса масжидида эрта намозини тамом ихлос билан ўқиб, мадраса ёнбошидаги Регистон (қумзор) масжидига чиқишдик. Кўча тўла ясанган катта-кичиклар у ёққа-бу ёққа ўтмоқда, қайсилари биз кирган масжидга ҳам кирмоқда эдилар. Кирганимизда киши оз эди: бир оздан кейин хонақоҳнинг ичи, айвони, сахни, ёнидаги дўконларнинг томлари кишига лик тўлиб кетди. Қайси кишилар 6-7 ёшлиқ болаларини ҳам бирга етаклаб олиб келган ва теварак томоша қилувчи хотин-қиз ва ёш болалар билан тўлган эди.

Мана маддоҳ, қаландар ва гадойлар саф ораларда:

– Худо ўқиган намозларингизни қабул қилсин! Эндиги шу бугунга соғ-саломатлик билан ўйнаб-кулиб еткизсин! Ҳазрати Баҳовиддин пирим, Хожа Аҳмад Яссавий пирим тарбият қилсинлар! Илоҳим фарзандларингизни доғини кўрманг! Худо ҳар бир мақсадингизга етказсин! Илоҳи, қирқ чилтон, ўн икки имом камарингизни бойласунлар! – деб, ҳар бир кишидан нон, кулчалар олиб, қопларига, катта ёвлик (дастурхон) ларига ва пуллар олиб чўнтақларига солмоқда, бир чайнам нонни бекорга бермаслик учун беш кун жанжаллашадирған қаттиқ тош-метин кишилар ҳам шул кун бир дона кулчани кўйниларида чиқариб бермоқда эдилар.

Мана, кун бир оз кўк (осмон) майдониға юра бошлади. Бир-икки сўфи хонақоҳ билан айвонда, бир-икки сўфи масжид саҳни билан томда туриб, йўталиб томоқларини бир оз тозалағандан кейин “саффан-саффа” деб 3 қайта қичқирдилар. Буни эшитганларнинг барчаси ўрнидан туриб, саф боғлаб, икки ёнларига икки кўлларини ташлаб турдилар, имом “такбири таҳрима”га кўл кўтариши билан бошқаларға ҳам “Аллоҳу акбар” Тангри барчадан каттароқ” деб кўл кўтаришиб, икки кўлларини киндигига боғладилар.

Ҳайит (ийд) намозининг ортиқча бўлған уч такбирида қайси кишилар янглишиб рукуъга кетиб, қайсилари кўлларни икки ёнларига солиндириб турмасдан, қовуштириб турмақда эдилар. Икки ракат ийд намози ўқилиб, икки ёққа салом берилгандан кейин хатиб Бўрихон ҳазрат деган бир семиз эшон минбарга чиқиб, хутба бошлади. Кўп кишилар имомнинг хутбасига қарамасдан, ўзлари фотиҳа ўқиб туришиб, бир-бирлари билан:

–Ҳайитлар муборак бўлсин, айёмлар муборак бўлсин! – деб, кучоқлашиб, ҳам кўл беришиб кўриша ва бир-бирларини итариша-итариша, тикилиша-тикилиша масжиддан кўчага қараб чиқиша бошлашдилар.

Бизда хутбалар бошидан оёғигача арабча ўқилур: “Хутба” (ўғит) деган сўз бўлса ҳам ва биз араб миллати бўлмасдан, турк-ўзбек миллати бўлсак ҳам ҳар бир ийд ва ҳар бир жума намозларида имомларимиз, хатибларимиз томонидан мазкур араб тилида сўзланиб турилур эди. Биз зоти шариф(“!”)ларнинг хутбаларида қиёматнинг кўрқинчли ҳоллари, томуғдаги неча минг бошлиқ оғизларидан ўтлар-оловлар чочадирған баҳайбат илонлар, жаннат ҳурлари, ғилмонлари, кўшклари, қасрлар, неча қабат

иморатлар, ўзи пишиб олдинга келадирган томоқлар, кавсар суви, бундай яхшиликлариниг мулла эшонларига садакани кўпрок берган кишиларга муяссар бўлиши, томуғдаги ҳар турли азобларнинг намоз ўқимаган, ҳайр-садақа қилмаган кишиларга бўлиши баён қилинур эди. Бундай бошдан оёғи ҳаёл хурофот (фантазия) мазасиз-мадрасасиз бўлган хутбаларни арабча ўқилгани ва оми кишиларнинг тушунмагани ҳам яхшироқ ва ортиқроқдир! Мен ҳам хутбаларга қулоқ солмасдан, ёнимда бирга намоз ўқишган сабоқдошларим ва бошқа танишларим билан ҳайит муборак қилишиб мадрасага чиқдим. Мадрасадаги мударрис домла, бошқа олдиноёк, кейиноёқлар билан “Айёмлари муборак бўлсин! Ҳайитлар муборак бўлсин! Қуллук бўлсин тақсир, куллук бўлсин!” – деб хужрадан хужрага юриб муборакбодликлар қилиб бўлишгандан кейин ўртоғимнинг хужрасига кириб, турли емишлар еб, чой ичиб гаплашиб ўтиришдик.

Мана шу бугундан бошлаб уч кунгача шу йил ўлган кишиларнинг барчасиникида фотиҳахонлик: ўзига тўқ ва бойроқ кишиларнинг меҳмонхонасининг бошидан оёғигача дастурхонлар ёйиғлик, фотиҳага келувчилар ўтирмоқ учун унинг теварагида бир қаторғина ўтиришлиқ ўрин қолдирилган, бир неча талинкага холва-талқон, бир неча талинкага юпқа, бир неча талинкага турли қандлар, бир неча талинкага писта, бир неча идишларга бўғирсоқ, бир неча талинкага бодом, бир неча талинкага турли мурабболар солиниб, ҳалиги ёзилган дастурхон устига қатор-қатор тизилган анча нон, кулчалар дастурхон теварагига терилган эди. Ўрта ҳолли кишилар билан йўқсил кишиларнинг дастурхонларида кўп нарсалар бўлмасдан, ўз ҳолларига яраша 5-6 турли нарсалар билангина безалган эди.

Мана, бу йил ўлганларнинг ҳар бирининг эшик олдида унинг отаси, амакиси, оғаси, иниси, ўғли ва бошқа яқин қариндош-уруғлари фотиҳага келиб-кетувчиларни кутмак учун қатор тизилган эди.

Мана, энг илгари маҳалла кишилари киришиб, Қуръон ўқиб, ўлган кишининг руҳиға бағишлаб чиқишмоқда, бошқа томонлардан ҳам қариндош-уруғ, таниш-билиш кишилардан бешта бир, ўнта бир бўлиб, келиб- кетишиб туришмоқда, келганлар ёйилган дастурхонлардан ёлғиз бир бурда нон ташламоқда ёки оғзига бир чимдимгина толқон солмоқда ва баъзилари бир

пиёлагина чой ичиб чиқиб кетабермоқда эдилар. Бошқа талинкалардаги ҳар турли мевалар, қанд-қурслар бакрайиб шундай қолмоқда эди.

Мадрасадан ҳайит қутламоқ учун уйга кетдим. Отам, онам, иниларим, сингилларим билан ҳайит қутлашганимдан ва бир оз ҳайит овқатларидан еб чой ичиб бўлганимдан кейин маҳалланинг бир-икки фотиҳахонлиғига бориб, кўчада кўринган отамнинг баъзи қавмлари билан кўришиб ва отамдан бир-икки танга (30-40 тийин) ҳайитлик олиб, мадрасага қараб жўнадим.

Мана, кўча тўла киши. Чоллар чоллар билан, ўрта ёшлиқлар ўрта ёшлиқлар билан, йигитлар йигитлар билан, ёш болалар ёш болалар билан ҳайитлашиб юришмоқда, хотин-қизлар ҳам маҳалладан-маҳаллага, кўчадан-кўчага тўп-тўп бўлиб юришиб янги тушган ”келин”ларни излаб топишиб кўришмоқда эдилар. Чол кишилар:

– Энди биз дунёнинг иссиқ-совуғини, қайғу-севинчини, соғлиқ-новқос (касал)лиғини, яхшилиқ-ёмонлиғини бир сидра, балки бир неча сидра кўрдик, энди ўлим кишиси бўлиб, ўлимнигига кутиб турамыз - дегандай қилиб, эски кийимларнинг қайсисини ювдириб ва қайсисини ювдирмасдан кийган. Ўрта ёшларнинг дўппилари ёки кавишлари янги, ёш йигитларнинг бойваччароғи бўлса, барча кийими янги бўлмаса, ярим кийими ва ёш болаларнинг барча кийимлари янги эди.

Қизларнинг бойвуччалари билан ўртача ҳоллиқлари атлас кўйлак- иштонлар, шоҳи кўйлак-иштонлар, ҳар турли духоба ва барқутлардан камзуллар кийишган, бўйинларига шода маржонлар билан бўйин туморларни тақиб, киндикларигача туширишган, кўлтиқларига қимматбаҳо кўлтиқтуморларни осишган, бошларига ипак рўмоллар билан ипак пешанабоғлар боғлашган, унинг устига тиллақошлар билан тилла баргаглар тақишга, қулоқларида турли қимматбаҳо тошлар билан безалган исирғалар, бармоқлари билан билакларида қанча узук ва билакузуклар, белларигача урилиб-урилиб тушган қоп-қора сочларида чўлпи, майда-чуйда тангалар, юзларида упа-элик, кўзларида сурма, қошларида ўсма ва кўлларида кип-қизил хина бўлиб, юрганларида шалдир-шулдир, жаранг-журунг товушлар қулоқларга келиб турар эди.

Мана бу йил тушган келинларнинг уйлари бошдан-оёғ ҳар турли кийим, ҳар турли асбоб (жиҳоз) ва ҳар турли идишлар билан

безалган: уй ичининг тўрт ёғига ёғоч ҳам арқонлардан тортилиб, неча турли гул тикилган, ипак ёвлиқлар, шойи атлас кўйлақлар, духоба, барқут камзуллар, куёвнинг турли-турли чакмон, белбоғ, беқасам тўнлари, ҳам келиннинг паранжилари қаторасига солинган: тахмонлариға янги тўшак, янги кўрпа, янги кўрпачалар ҳам ёстиклар йиғилиб, уларнинг устига чоршаблар ёпилган ва оқариб очиқ қолган деворлар, товчалар олдига ҳам чоршаб (чодрашаб - кеч ўртуш)илар тutilган эди. Дорларнинг юқорисига гажимлик дорпечлар тортилиб, қозиклариға қозик лунгилар осилган ҳам тўппилар илинган, келиннинг тиллақош, тилла баргак, кўлтиқтумор, бўйинтумор, шода маржон, чочпопук, чулпи, зирак-исирғалари ҳам уйнинг у ер-бу ерига илинмай ва осилмай қолмаган эди.

Эшикнинг кирабериш - даҳлизнинг бир томонига сандук, кути, кутичалар кўйилиб, уларнинг усти ҳам ёнлариға тираб, лаган, чойнак, катта-кичик пиёла, коса (чинни оёғ) лар патнус, мис қозон, мис тоғора, дастшу, кашкул, тос ва шуларга ўхшаш янги уй асбоблари тизилган. Моли оз, йўқсилроқ келинлар қариндош-уруғ, кўни-кўшниларида бурунроқ тушган келинларнинг баъзи асбобларидан сўраб олиб келиб, етишмаган ерларини ярим-ёрти етиштирган эдилар.

Мана, ҳайитда уч кун қизларға ва уч кун хотинларға “келин кўриш” қилиғи эскидан қолма бир қилиқ бўлиб, қиз-хотинлар ўнталаб-йигирматалаб, ўн бешталаб, тўп-тўп, тўда-тўдалаб, кўчаларни тўлдириб, йигит ва йигитчаларни ўзлариға қизиқтириб юришмоқда эдилар. Бир йилнинг 12 ойида 2 ҳайит ойининг 6 куни бу бечораларға кутулиш (озодлиғ) ва суйинч кунлари эди: Булар паранжи-чашвон кишани бўғовидан кутилмасалар-да, бу кунларда уй зиндонларидан кутилур эдилар.

Кўча жуда қизиқ, жуда томоша эди, хотин-қизлар кўз олдингиздан дув-дув у ёққа, дув-дув бу ёққа ўтмоқда, ёш-ёш йигитлар:

– Вой, анув қизни бурни пучуқ экан, вой анув қиз чўтир экан, вой анув қизни чиройлилигини қаранг-чи, хўп норғул эканми? Вой дод, қандай қиламиз. Опалар бизни ҳам олиб юрсангизчи!.. – деб ва шунга ўхшаш ҳазил гаплар айтишиб, тегишиб қолар, қизлар ҳам:

– Вой, худоё ўлақолинг! Тусингни ел есин! – деб, кулги, севинч аралаш қарғаб ўтиб кетар эдилар.

Мана, ёш болалар ялиниб-ялпоқланиб ва эркаликлар қилишиб, оталаридан, акаларидан, амакиларидан, тоғаларидан ё поччаларидан, боболаридан куда-боболаридан, яқинроқ қариндошларидан ва ота-акаларининг қалинроқ ўртоқларидан бир сўм, ярим сўм, 30 тийин, 20 тийин, 5 тийин. 10 тийин ҳайитлик пуллар олишмоқда: ҳар турли ўйинлар кириш ва ҳар турли томоқлар ейиш учун бозор бошига қараб кетишмоқда эдилар. Йигитлар ва ўрта ёшлиқ кишилар бўлса, исловот (фоҳишахона кўчаси) ва бевахоналарга бориб, янги шаҳар кўчаларини ўзларининг мастлик билан айтадирған ҳар турли ашулалар билан обод қилиб юрмоқда ва кўплари гўруд (янги шаҳар)нинг қоровули, миршабларидан, пивохоначиларидан калтак еб, бор буду шудларидан айрилиб, нечталари қамалиб расволари чикмоқда эди.

1902, феврал

19

Яна ўқишлар бошланиб кетди. Қишнинг оёғроғида йўқсиллиғим - қашшоқлиғим жуда ошиб кетди ва бир неча муллабаччаларни ўртада турғизиб (воситаси билан) шаҳардан 9-10 чақиримча узоқликда бўлған “Қоплонбек” деган жойнинг яқинидаги бир масжидга имом бўлдим. Қавмларнинг кўпи қозоқ бўлиб, бир оз ўзбеги ҳам бор эди. Орада бир ой ўтар-ўтмас, бир қозоқ қавмим уйланди. Никоҳ хутбаларини ўқишни ҳам форсий тилин яхши билмаганимдан: **“Хостид ва қабул кардидаш ба зани?”⁴⁴** – деб, қизнинг отасиға никоҳ қилиб қўйибман. Ҳалиги форсча гапни мен ўзимдан чиқариб айтганим йўқ эди. Битта никоҳ хутбаси ёзилған китобдан 5-6 кун тинмасдан такрор қилиб-ёдлаб олған эдим.

Мана энди, шул билмасдан тескари хутба ўқишим учун қавмларимға ёқмадим. Никоҳ воқеасидан 3-4 кун ўтганидан кейин, кўлимға бир-икки сўм пул бериб, менга жавоб бердилар. Яёвдан-яёв бурунги қашшоқлиғимча яна ўзим кўргон мадрасага йиғлай-йиғлай қайтиб келдим.

Бизнинг имомларнинг кўби тушунмаса ҳам:

⁴⁴ Бу аёлга уйланишни хоҳлайсизми?

– Бефармони Худованди жиҳон ва холиқи кавни макон ва мураббийи алламиён⁴⁵ – деб бошланадирған арабча, форсийга аралаш узун никоҳ хутбасини ёд қилиб оладилар-да, биров уйлана қолса, оғзиларини тўлдириб-тўлдириб, чўзиб-чўзиб ҳалиги хутбани ўқий бошлайдилар. Анчагина болаҳонадор қилиб ўқилганларидан кейин, қизнинг вакилига қараб;

– Шумо ки вакили собиту-л-ваколоти билму шофехаид, аз қибали мусаммати... бинти... бой буда бошид, нафси нафисаи муаккилаи худро ба зани ва ба никоҳи саҳиҳи мусулмони ва ба чаҳор умури шаръийки ба инаннос маъруфу машҳур аст ва ба меҳри мазкурки баъзи умуажжал ва баъзи умуажжал ила бақои никоҳаст ба ин жувони ҳозирар ағбаки... ибни... бой буда бошад ба зани додидаш?⁴⁶ – деб сўрайдирлар.

Вакили маънисига тушунмаса ҳам:

– Додимаш ба зани, – деб жавоб берадир. Имом ёнларида ўтирған кишиларга қараб:

– Эшитдингизми? – деб сўрар, улардан ҳам тегишли жавоб олғанларидан кейин куёвга қараб:

– Шумоки жувони ҳозир роғибид, нафси нафисаи муаккилаи шонро ба зани ва ба никоҳи саҳиҳи мусулмони ва ба чаҳор умури шаръийки баинаннос маъруфу машҳур аст дар бадали амлокоти мазкура қабул кардидаш ба зани?⁴⁷ – деб бундан ҳам сўрайдирлар. Бунинг маънисини куёв сира англамаган бўлса ҳам уни қуршаб ва теварагидан ўраб олған йигитлар:

– Хостам ба зани, де! Хостам ба зани, де! – деб куёв бечорани секин-секин туртишиб қисташадилар. Куёв ҳам имом 2-3 қайтариб сўрағанидан кейин чорасизликдан секингина:

– Хостам ба зани! – деб довуш чиқарадир. Бундан кейин:

– Алҳамдулиллоҳ, алҳамдуллаҳиллази жаалан никоҳа суннатан лилланам⁴⁸, – деб бошланадирған никоҳ дуоси ўқилиб, шуни билан никоҳ тугайди.

Мана никоҳ хутбаларимиз ўз она тилимизда билмағанлиғи учун кўб куёвлар тушунмасдан қиз оладирлар ва қизлар тушунмасдан эрга тегадирлар. Бу ишларнинг барчаси Бухоро мадрасаларининг таъсиридан бошқа нарса эмас. Биздаги катта мударрис ва катта

⁴⁵ Хотин олишга розилик берасанми?

⁴⁶ Никоҳ учун розилик сўровлари.

⁴⁷ Никоҳ дуолари.

⁴⁸ Никоҳ дуолари.

мулла деб таниганларимизнинг кўпи Бухорода ўқиб, хатми кутуб қилганлар-да, ўшал ердаги ўқиш-ўқитиш тартибларини келтириб, бизнинг туркий – ўзбек улуси орасида ҳам юргиза бошлаганлар. Шунинг учун никоҳ хутбаларимиз ҳам арабча, форсийча, намоз-ниятларимиз ҳам форсийча ва болаларга мактабларда ўқиладирган китобларимиз ҳам, кўпинча, форсийча бўлиб: “Чаҳор китоб”, “Хўжа Ҳофиз”, “Бедил” ва “Маслаку-л-муттақийн” деган китоблар одат бўлиб кетган.

Бу тентак мағзава махдум, похолбошлар бизнинг турк ўғли турк – ўзбек халқи эканлигимизни сира ўйлаб ҳам қарамаганлар!..

1902, март

20

Мадрасага қайтиб келсам, сабоқдошларим “Шамсия” деган мантиқ китоби бошлаган эканлар. Бу илм менга кулоқлар эшитмаган ва кўзлар кўрмаган нарсадек жуда қизиқ туюлади. Бундан 2-3 ҳафта ўқиғанимиздан кейин катта дарслар тўхталди (таътил берилди).

Бир кун Фарғонанинг Марғинон шаҳарида янги мактаб очган Қудратқори ўртоғимдан қуйидаги мазмунда битик (хат-мақтуб) келиб қўлимга тегди:

– Дуойи салом била ниҳоя ва саломи муштақона аз жониби каминаи камтарин мулла Қудратилла қоридан мулла Мўминжонга етиб андоғ маълум ва равшан бўлғайким, бизлар мунда сиҳхат ва саломатдурмиз ва сизларни ҳам Аллоҳ таоло ҳифзи ҳимоятида сақлаб бод фурсатда ва яқин соатда дийдор кўришмакни насиб ва рўзи қилғай, омин. Баҳурмати саййидал мурсалийн⁴⁹. Баъдаз махфий қолмасинким, мен Мурғинон шаҳрига келганимга бир-икки йилча бўлди. Бу жойдаги ҳожи хонага икки юзтача мактаб бола йиғиб, “нўғойча” ўқитиб турибмен. Ўқитганим учун ҳар боладан ойиға 2-3 сўм пул оламан. Алҳамдулиллоҳ, Худоға шукур, ривожим жуда яхши. Бу ерга келиб “нўғой домла” атандим. Ҳозир шогирдларим кўпайгани сабабли ёлғиз ўзимға ўқитиш машаққат бўлиб турибдир. Шунинг учун сиз ҳам бу ерга келсангиз ва ёрдамлашиб турсангиз деб хат ёздим. Ушбу хат қўлингизга теккан он ўтирған бўлсангиз ирғийсиз ва турған бўлсангиз юргайсиз! Бу

⁴⁹ Дуо матни.

ерга келганингиздан кейин моҳийонангизни⁵⁰ ҳам тайин қилиб қўярман.

Мана бу суюнчилик битикни кўриб, мазкур шаҳарга жуда боргим ва қанотим бўлса учиб кетгим келди, қандай қилай? Йўл чиқимига ҳамён касал эди!..

1902, апрел

21

Мана ҳозир кўклам чоғи. Ҳар йил шу чоғдаги томоша жойларга чиқиб келганимдан кейин Тошкандан от билан бир кунчалик узоқликда бўлган Исмоил ота турбат⁵¹ деган мозорга бориб, чўқиниб ва томоша қилиб келиш кўнглимга тушиб кетди. Бир кун шул мақсад билан “Хишт кўприк” деган ерга яёв чиқиб ётдим-да, эртасига турбатлик туячиларнинг туясига мингашиб жўнаб кетдим. Йўлнинг кўпи қир ҳам сойлиқлардан иборат бўлиб, бирорта оқар сувни кўролмадим.

Мен туғулганимдан бери туяга минганим ва мингашганим шул бўлиб, ул ўз юриши билан мени бир олдинга, бир орқага чайқалтириб-чайқалтириб юрмоқда ва орқасига қўйилган озроқ юк каттиқ бўлганидан борган сари икки...ни эзиб ва оғритиб, бормоқда эди. Кўб оғирлиқлар билан соат бирларда хишт кўприк билан Исмоил ота орасидаги бир саройга бориб тушландик. Бу сарой шу йўлдаги ёлғизгина бир сарой бўлиб, саройчи ўғри ап(ф)т бир қозок экан, ул биз учун дарров самовор қайнатиб, 4-5 чойнак чой дамлаб берди. Бу ернинг қудуқ суви жуда шўр бўлса ҳам, сувсаб йиқиладирган даражага етганимиз учун чорасиз ичишиб, ўзимизда бўлган 6-7 нонни ейишиб ҳам бир оз дам олганимиздан кейин яна йўлга тушиб юриб кетдик. Бу гал мен туяга минмадим-да, анча жойғача яёв кетдим. Юра-юра чарчар эдим-да, туячилар туясини лўкиллашиб менга еткунларича ўтларни кўланкаси тушган томонга ёнбошлаб, оёғларимни чўзиб, дам олиб ётар эдим ҳам туячилар етиб боргандан кейин, яна юриб кетар эдим. Йўлда сув бўлмаганидек кўланкалик ёғоч (дарахт) ҳам йўқ эди.

Мана шундай яёв юра-юра оёқларим ҳам қабарди. Мозорга 3-4 чақирим қолганда, яна туяга мингашиб олдим ва кун ботиш олдида мақсадимга етиб, шул ердаги катта ҳам йўғон бир

⁵⁰ Моҳийона - мояна, маош

⁵¹ Турбат - мақбара.

эшоннинг ҳовлисига тушдим. Бу ҳовли эгаси бўлган эшон ўз меҳмонхонасида, бир неча қозоқ муридлари билан:

– Айя, сулай ғуй! Айя сулай ғуй⁵²! – деб гаплашиб ўтирган экан. Мен салом бериб кирдим-да, югуриб бориб, муллабаччаларга яраша адаб билан эшонни зиёрат қилдим ва қўлини кўзимга сурдим, яна орқам билан тисланиб келиб, қуйироқ ерга ўтирдим-да, яна ирғиб туриб, қўл қовуштириб эгилиб:

– Таксир! Ҳўб саломатгина бормилар? – деб ҳол сўрашиб, қўл қовуштириб ва бўйнимни бир томонга қараб қийшайтириб ерга қараб ўтирдим.

Энди эшон қозоқ муридлари билан гаплашишни у ёққа қўйиб, менинг билан ҳол-аҳвол сўраша бошлади ва менинг ким эканлигим ҳам қаердан келганлигимни аниқлаб билиб турган чоғида, эшоннинг бир муллабашарагина ўғли келиб қолди. Мен унинг билан кўришиб ва ҳол-аҳвол сўрашиб танишдим. Бу мулла ап(ф)т эшон боласининг оти Набихўжа бўлиб, шаҳарда Дегрез мадрасасида бир неча йил таҳсили илм қилиб, шул ўқиб юрган чоғларида, отам билан ҳам танишиб ва ул киши билан жуда қиёматлик ўртоқ бўлиб қолган экан. Ўзи ҳозир шул қишлоқда янги солинган масжидга имом экан. Менинг у ерга борган куним панжшанба куни бўлиб, эртасига жума куни Исмоил отанинг қабрига чиқиб юкиндим ҳам Қуръон ўқиб арвоҳиға бағишладим. Сўнгра Набихўжа менга ҳозирда имом бўлиб турган масжиди, мактабхонаси ва ўзи турадирган хужраларини бир-бир кўрсатиб бўлиб, менга қараб:

– Сиз фақиргина бир муллабачча кўринасиз: отангизни(нг) аҳволи менга маълум, қайтаға таҳсил (ўқиш бошланиш) вақтиға шул ерда турсангиз! Азон айтиб, болаларни ўқитишиб, мен йўқ бўлган чоғларимда имомгарчиликка ўтиб ҳам турасиз, қавмларим хирмон кўтарганидан кейин сизга бир-икки ботмон буғдой ҳам йиғдириб бераман. Шуни шаҳарга олиб кетсангиз, ота-онагиз, сизнинг ҳаққингизга дуо қилиб, киши билан ейдилар. Бекор ҳозир шаҳарга қайтиб борганингиз билан мадраса таътил (ўқиш тўхтаган). Тузукми? Маъқулми? Келинг, қола қолинг, шундай қилинг! – деб шул ерда кузгача туришга қизиқтирди ва мен ҳам бир оз ўйлаб турдим-да, қолишга қарор қилдим.

1902, май

⁵² Ҳа шундай, ҳа шундай.

Ҳозир ёз бўлганлиғи ва мактабда ўқийдирган болалар дехқон болалари бўлгани учун барчалари экин ишларига чиқиб кетган бўлиб, ёлғиз 3-4 гина бола қолган эди. Мен шул болаларнинг “Ҳафтияк”, “Чор китоб”, “Сўфи Оллоҳёр”, “Хўжа Ҳофиз” ва “Бедил”ларини ўқитиб, беш вақт намозга азон қичқириб ва имом йўқ чоғида имомгарчиликка ўтиб тура бошладим. Мулла Набихўжа домла бўлса, қуш боқар, кечаси тонг отғунча ухлამасдан юриб, пешингача ётиб ухлар, намозни ҳафтасига бир дапқир хоҳласа ўқур ва хоҳламаса ўқимас, кўпинча, бир неча чапани ўртоқлари билан самоворхонадан самоворхонага юриб, аскиябозлик ва сафсатабозликлар қилишар эди. Бу маҳаллада мулла Алим деган толиби илмларни жуда дўст тутувчи бир дўкондор бор бўлиб, мен шунинг билан танишиб олган ва зериккан чоғларимда шунинг дўконига чиқиб, гаплашиб ўтирадирган бўлган эдим. Бор бўлса имомликка шул мулла Алимбойбачча ўтар, бўлмаса ўзим ўтар эдим. Масжид имоми бўлса, ҳар қаёқларда юриб, намозга ҳам келмас эди.

Мен турган масжиднинг ёнбошида бир катта “бозор” ери бор бўлиб, бир ҳафтада бир дапқир катта бозор бўлур: шаҳардан ва тевааракдаги бозорлик ерлардан чор бозорчилар кўб келур, бозор ҳар турли озиқ, ҳар турли кийимлик, ҳар турли мева, меш-меш қимизлар ва бошқа турли сотиладирган ва олинадирган нарсалар билан тўлур эди. Қозоқларнинг кўб қисмида дин тутиш, диндорлик жуда оз топилган учун буларнинг назарида масжиднинг унчалик ҳурмати йўқ бўлиб, ҳар бозор мен турган масжиднинг жойнамоз ва бўйраларининг тезаклик этиклари билан босиб чиқиб, ўнта-ўн бешта бўлиб, қимиз ичишиб ўтуар эдилар.

Бу қозоқлар билан ўзбеклар исломда ва туркликда бир бўлсалар ҳам хонлар замонасида кўнгилларида сақлаган сиёсий ҳам тарихий ҳам бир кек (душманлик) бор бўлса керак. Бир баҳона топиларми ҳозир жанжал ва уруш бошлашга турадилар. Қозоқлардан биттаси “Али-и-иш!” деб қичқирдингми, дарров барчалари йиғилиб келиб, шаҳарлик ва қишлоқлик ўзбекларни сўйил, қамчинлар билан савай бошлар эканлар. Бир бозор куни шул ерда ҳам шундай уруш-жанжал бўлаёзган ва орага икки томоннинг катталари кириб, зўрға яраштираган эдилар. Шундай

қилинмағанида икки томондан ҳам бир неча кишилар гўристон дунёсига жўнашлари аниқ эди. Бу ерда икки турли турбат бор бўлиб, биттаси қуйи турбат, иккинчиси юқори турбат аталур экан. Менинг турган жойим қуйи турбат ва шунинг кунчиқар (шарқ) томонида – бир баланд тоғнинг устида қурилған ер юқори турбатдир. Юқори турбатда шаҳардан чиқиб, имом бўлған бир муллагина киши билан танишиб қолдим. Зериккан чоғларимда, шунинг ёнига бориб-келиб юрмакдаман. Бундан бошқа бу ерда ёши 50-60 дан ошған, узун бўйлик, йўғон гавдалик ва билими каттагина бир татар бор, унинг илми катта бўлиб, Қуръондан, Ҳадисдан ва ҳар турли китоблардан ўқиб маъни берадурған бўлғанлиғи ва кўб китоблар борлиғи учун қишлоқ халқи ўз мулларининг талқини бўйича “шиа” ва “дахий”⁵³ деб юрур эканлар. Бу қишлоқдан 2 тош (16 чақирим) узоқликда бўлған “Ёқаржон” деган бозорлик ерга ҳам бир-икки дапқир бориб, томоша қилиб келдим. Ёқаржондағи дўкондорлар тошкентлик ҳам чимкентлик кишилардан йиғинди бўлиб, кўпинча, савдо-сотиклар қозоқлар билан бўлиб турур экан. Бу мен турган қишлоқнинг кўб ери сувсиз бўлиб, буғдойкорлик бўлур экан. Теваракларида боғ-боғчалари бўлса ҳам, кўпи ўрикзор, олмазор бўлиб, тоқлари йўқ ҳисобида экан. Қимиз ичиш, эт ейиш кўб бўлғанидан ҳафтада бир неча дапқир қимизлар ичиб, норинлар еб, тозаям семириб кетдим. Мадрасада турған чоғларимда бир ойда бир дапқир чорак кадоқ (24 мисқол) эт ва ҳар кун яримта кулчани зўрға топиб ер ва шунинг учун ориғланиб суякларим чиқиб юрур эдим, ҳозир суяк у ёқда турсин томирларим ҳам кўринмайдирған бўлиб қолди. Мана шу йил билан 2-3 ойни ўтқаздим. Буғдой пишди, хирмонлар кўтарилди, қавмлардан менга ҳам бир ярим ботмон (6 бутун иккидан бир пуд) га буғдой тушди, буғдойларимни икки қопға солиб, бир чорбозорчи – таниш аравакашнинг аравакашга бир ярим сўмга кира қилдим-да, ўзим ҳам шул аравага тушиб, шаҳарга қараб жўнадим ва йўлда икки кўниб шаҳарга келдим.

Ота-она, ука ва сингилларим мени соғинған ва мен уларни соғинған эдим. Барчадан бурун шафқатли ва меҳрибон онам узоқдан мени кўриши ила:

⁵³ шиа ва дахий – мазҳаблар.

– Вой, ўлгурсин ойинг! Сени ҳам кўрар кунлар бор экан-а, деб, суюнганидан йиғлаб юборди ва югуриб келиб, икки бетимдан ўпиб кучоклаб кўришди. Шул чокда менинг ҳам ўпкам тўлиб, йиғидан ўзимни тута олмадим. Сўнгра ота, ука ва сингилларим билан кўришиб, эсон-соғлиқ сўрашдим.

1902, июл

23

Кузга ёвуқ яна саёқлиғим тутиб, Заркент қишлоғидаги Муродбахш бобоға бориб, сиғиниб келгим келди-да, ”Ярманка” от бозорининг кун чиқар томонидаги Солор кўпригидан ўтганимдан кейин махси, кавшимни ешиб, орқамға солиб, ўнг этагимни ўнг елкамдан, сўл этагимни сўл қўлтиғимнинг остидан олиб бураб боғлаб, қўлимға бир таёқ олиб, Қўйликқа қараб йўлга тушиб кетдим. Бир оз юриб, “Қорасув” деган ерга ёвуқлашган эдимки, устида ола байроқ тўни, бошида каттагина салласи ва остида кичикроқ эшаги бор паканагина бир муллабачча нариги томондан эшагини йўрғалатиб кела берди. Олдимға келгандан кейин мени тўхтатиб, қаерға боришим ва нима учун боришимни сўради. Мен борадирған жойимни айтдим, сўнгра икковимизни орамизда қуйидаги сўзлар бўлди. Эшак минган:

– Муллака, мактабдорликка тобингиз қалай? Бир унумлик жой бор, қайтаға мактабдорлик қилмайсизми?

Мен йўлдан бир янчиқ (ҳамён) олтун топғандек суйиниб, оғзим иржайиб кетди:

– Албатта, унумлик жой бўлса, тобим бор.

Эшак минган акамнинг ҳам қувонч белгиси бетида кўрина бошлади:

– Мана кетиб борған йўлингизнинг устида Оқ уй гузаридан бериюкда Жўрабекнинг Йўлдошбек мирохўр⁵⁴ деган бир куёви бор. Мен шунинг ҳовлисида ўзининг бир ўғли билан қўшнилариининг 3-4 болаларини ўқитиб турған эдим, ҳозир бошимға бир керакли иш тушиб, бу ердан кетмасам бўлмайдирған бўлиб қолди. Мирохўрдан кетишимга жавоб сўроған эдим, ул ўрнимға киши топиб қўймагунимча сира юбормаслиғини билдирди. Шунинг учун шаҳарга киши излаб бормоқда эдим. Мана, сизни Худо менга йўлдан йўлиқтирди. Мен:

⁵⁴ Мирохур – отликларнинг бошлиғи

– Хайр, Худо йўлиқтирса йўлиқтирди, унумидан келинг, унум қалай? Бир йилга қанча беради?

Ул:

– Мирохўр 50 сўм мактаб боши берадир. Болалар озодликқа тушганда озодлик ҳам олиб турасиз. Мен мирохўрдан 15 сўм олиб, мана шул остимдағи эшакни сизга бериб кетамен. Таҳсил кунлари ўқишингиздан ҳам қолмасдан мадрасага миниб бориб, миниб келиб, болаларни ўқита берасиз. Дурустми? Зиёратға кейинчалик борасиз, ҳозир бормай қўя қолинг, – дейди.

Ўзи ишнинг кетини ҳам тегини ўйламайдирған ва ҳар кимнинг гапига тезлик билан оғиб кетадирған онгсиз ва лақмагина толиби илмлардан бўлғанам учун унинг гапига учдим ҳам кўндим, сўнгра ул мени мирохўрнинг ҳовлисига элтиб, унинг билан таништирди. Эшакни қўйиб, мирохўрдан 15 сўм пул олиб “соғ бўлилашиб”, шул куни шаҳарга жўнаб кетди. Эшак охурға ва мен мирохўрнинг меҳмонхонасига боғланиб қола бердим.

1902, сентябр

24

Бугун ўтди. Эртасига чойдан кейин йўлдан мирохўр ичкаридан боласини олиб чиқиб, ўқитиш ҳам яхши тарбия қилиш учун менга топширди. Қўшни болалардан 3-4 таси ҳам “Ҳафтияк”, Қуръон китобларини кўтариб келишдилар ва мен ўқита бошладим.

Бир-икки кундан кейин бурунги домла билан мирохўрнинг ўғлининг отини билиб олдим. Домланинг оти Мулла Юсуф махдум, мирохўр ўғлининг оти Ҳошимбек экан. Мазкур домла мирохўр ўғлига Қуръон ҳам “Устоиди аввал” деган ўзбек тилида янги чиққон ва бир неча бошлаб тош босмада босилған бир “Алифбо” китобидан ёздириб ҳам ўқитиб юрар экан. Бу хилдаги ўқитиш йўлини яхши билмасам ҳам ҳалиги алифбо китобидан тунука тахтаға ёздириб, ўқита бошладим. Бошқа болаларнинг зехнлари яхши бўлиб, Ҳошимбекнинг зехни қуйи-паст бўлгани учун унга бир нарсани тушунтиргунча жуда эсим кетар ва ўлиб бўлар эдим.

Кўб ўтмади, мадрасада ўқиш бошланадирған чоғ бўлди ва менинг қатнаб ўқишимға мирохўр кўнмади. Шунинг учун бир бозор куни, эшагимни ярмаркага ке(л)тириб, 8 сўмга зўрға битказиб сотдим. Юсуф махдум қуриб кетгур, тозаям мени алдаб

кетган экан. Мана мадраса ўқишидан ҳам қолдим, эшакдан ҳам 7 сўм зиён қилдим!..

Бир уйнинг эгаси – мирохўр, ўрислар Шаҳрисабзни олмасдан бурун Жўрабекнинг мирохўри бўлса ҳам ҳозирги кунда саркари (иш бошиси) бўлиб, унинг ер-сувларига, ҳовли чиқимларига шул бош бўлиб қараб турмакда экан. Ўзининг ҳам кўбгина ҳам мўлгина ер-сувлари, 5-6 хизматчиси ва бир неча қўш хўкизлари бор бўлиб, ерларининг қайсисига чорикор ва қайсисига коранда⁵⁵ солиб экдирар экан. Бунинг теварагида қўни-қўшнилар ҳам бек болалар бўлиб, Фарғона хони Худоёрхоннинг ўғил набираларидан ҳам бир нечалари бунда ҳовли, ер-сув қилиб жойланишган эканлар.

Мана рўза (рамазон) ойи келиб, кундузи кечгача томоқ емасдан тиришиб ўтириш ва кечаси 20 ракат узун тарових балосига гирифтор қилди, таровихни ёлғиз ўзим ўқиб, саҳарликни кўпинча тонг отарга яқин ейман. Баъзида бир томондан тонг отиб борса ҳам билиб билмасликка уриб, саҳарлик ея бераман. Чунки саҳар чоғи бўлганини билдириб ва уйғотиб турувчи ноғора, карнай ва сурнайлар бу ерда йўқ ҳам шаҳардан довуш келмайдир. Дехқонлар ҳам корандалар экан ва тикканларини ур-йикит йиғиштирмакдадирлар.

Бир кун Йўлдош мирохўр Худоёрхон болаларидан икки кишини чойга чақирди. Улар мени китоб ўқитиб, хат ёздириб қарадилар-да, саводим борлигини ва хатим унча тузук эмаслигини англаб чиқиб кетишдилар. Кейин ўзим ўйлаб қарасам, мирохўр менинг билимим қай даражада эканлигини ва болаларни(нг) ўқитиш, хат ёздириш йўллари билиб-билмаслигим тўғрисида синаб (имтиҳон қилиб) кўрмак учун аларни олиб кирган экан.

Рўза ҳам ҳайтлар ўтгандан кейин ҳаволар совита бошлади. Дехқонларнинг пахта ҳам бошқа экинларининг барчаси йиғиштирилди. Мирохўрнинг мусофир бир корандаси, кўб эмгак (меҳнат) билан етиштирган пахта, картошка ва бошқа экинларини, хўжайини(си) бўлган мирохўрға:

– Мана, қанча керак бўлса ҳисоблаб олинг! – деб тайёрлаб ке(л)тириб, икки қўллаб топширган эди. Мирохўр золим ҳисоб тўғрисида қанча чатоқликлар ишлатиб, қайтага ул йўқсил, меҳнаткаш бечорани 50-60 сўм қарздор қилиб, ишламай, чарчамайгина юриб, қанча экин уним (ҳосил)ларини ўзи олиб

⁵⁵ Коранда - мардикор

қолди. Шўринг курғур каранда кўкламда кийиб келган (каржомаси) билан йиғлай-йиғлай бир пулсиз ва бир бурда нонсиз чиқиб кетди. Шул чокда мирохўрнинг эсиркаш (рахм), кўнгил юмшариш (шафқат) белгиси жиндаккина бўлса ҳам кўринмади. Дунёда ишчилар ва меҳнаткашларга ачинмайдирган бундай тошюрак бойлар ҳам бўлар экан деб ҳайронлар қолдим ва ҳалиги бечора корандага жуда ачиндим, жуда куюндим.

Куз ўтди, киш кирди ва қаттиқ совуқлар бошланди. Шунинг учун ўзи тор ва шиплари қоп-қора бўлса ҳам иккинчи меҳмонхонага кўчиб, курси, кўрпа қилиб олдим.

Мана шундай юриб, 2-3 ой ҳам ўтиб кетди. Мирохўрнинг ўғли тушунмовчи, онгсиз, зехнсиз бўлганидан мендан кўп койиш эшитиб юрса ҳам қаттиқ калтак емаган эди. Бир кун аччиғим келиб йўғангина бир беҳи таёқ билан кўйнагининг устидан саваб турганимда отаси – мирохўр келиб қолди. Тентаклик аралаш тўғрилиқ (адолат)ни қарангки, отасини сира кўзга илмасдан, унинг кўз олдида боласини бақиртириб ура бердим. Боласиға мирохўрнинг юраги ачиди шекилли:

- Домла, бас-да энди, мунча ура бердингиз энди?! – деб, югириб келиб кўлимдан ажратиб олди ва шул куни аччиғи билан менинг кўлимға 5-6 сўмни туттирди-да, жавобимни бериб юборди. Ҳошимбекни(нг) урганимга ўкина-ўкина умид қилиб юрган 50 сўм пулга етиша олмасдан жуда хафаланиб ва қайғуланиб мадрасага келдим.

1902, декабр

25

Мадраса ҳужраларига муллабаччалар кириб тўлиб қолган сабабли менга истиқомат учун ҳужра топилмади. Чорасизликдан қалин ўртоғим Аъзам билан қоронғу ҳужрасида ҳужрадош (ҳамҳужра) бўлиб тура бошладим. Шерикларим Шамсийядан кўб ва анчагина ўқишган эканлар. Мен ҳам келган ерларидан кўшилиб кетдим. Бу йил ҳам муллабаччаларнинг турмушлари ҳар йилгидек бўлиб сира бир янгилик йўқ эди.

Бир кун кутилмаган бир воқеа бўлиб қолди. Катта мударрис домламиз – Шомахмуд охунд ҳар ҳафта шанба кунидан сешанба кунигача дарс берар эдилар-да, сўнгра ховлиларига кетиб, шанба кунни яна мадрасага келур эдилар. Шул одатларича бир сешанба

куни кечрак ҳовлиларига кетдилар. Эртасига тонг отиб, таҳорат учун ташқариға чиққан эдим, бир хатм карда кесак ушлаган ҳолда довушини қаттиқ чиқармасдан ҳиқ-ҳиқ йиғлаб юрибдир. Мен бу кишининг бундай йиғлаши бежиз эмас, деб кўнглимдан ўтқиздим-да, мадрасанинг ички саҳнига кирдим. Қарасам, қозок шерикларимдан Саййид Али хужрадан хужрага кириб, бир нарса тўғрисида муллабаччаларга хабар бериб юрибдир, тўхтатиб ундан: нима гап? – деб сўраган эдим ул:

- Бу кеча ҳазрат домла вафот топибдирлар! – деб ўзини тутолмасдан йиғлаб юборди. Тўсатдан бўлган бу фожеани эшитиб, ханг-манг бўлиб қолиб, “қолу анна...”ни тугатолмасдан мен ҳам йиғлаб юбордим.

Бу ачинишлик хабар мадрасанинг барча муллабаччаларига эшитилди ва мадраса ости-устига келгандек тўпалон бўлиб, барча муллабаччалар домланинг ҳовлиларига югуриша бошладилар. Мен ҳам ўртоғим билан устимиздан белимизни боғлашиб, йиғлай-йиғлай, югура-югура боришдик. Катта-кичик муллабаччалар устларидан белларини боғлашиб, ўзларини ҳар томонға ташлаб:

– Вой устозим! Худо раҳмат қилсун, вой устозим! Жойингиз жаннатдан бўлсин, вой устозим! Энди қайдан топармиз, вой устозим! Илм дарёси ва илмнинг кони бўлган, вой устозим! – деб йиғламоқда ва уйнинг ичидаги хотинлар ҳам қаттиқ довуш чиқариб, оҳ-фиғонлар қилишмоқда эдилар.

Шаҳарнинг кўб маҳаллаларини, мусулмон катта амалдорларни, муштумзўр қорни катта бойларни, маҳалла имомлари билан обрўлик маҳалла кишиларини жанозаға хабарламоқ учун 20-30 киши ҳар томонға буюрилди.

Мана 1-2 соатнинг ичида ҳазрат домланинг ўлим хабарлари шаҳарнинг тўрт даҳасига эшитилди. Кишилар бешталаб-ўнталаб кела бошладилар, пешиндан кейин жанозаға келувчи кишилар билан шул теvarакдаги масжид ҳам кўчалар тўлиб кетди ва йиғилганлар 5-6 минглаб бўлди. Чунки домламиз шаҳарнинг ва балки бутун Туркистон ўлкасининг бирдан-бир қари (мусин) ҳам пешқадам уламоларидан саналмоқда эдилар.

Бир томонда ювғучи домланинг жасадларини ювиб кафанламакда, бир томонда қози, мингбоши, аълам, муфти, бой ҳам домла-имомларға ўз даражаларига қараб бир ярим сўмлик, икки сўмлик, тўрт сўмлик, беш сўмлик чопонлар берилмоқда ва

оддий кишиларга бир газ, бир ярим газдан суруф йиртишлар улашмоқда эди. Ўн-ўн беш киши шул йиртиш ҳам “чопон бериш” деган ортикча исрофлар билан 2 соатдан ортиқроқ овора бўлиб йитирдилар.

Домланинг ҳовлилари Себзор даҳа Охун(д)гузар маҳалласидаги бир кўчанинг ичида эди. Киши кўп бўлганидан жаноза катта кўчадаги Тўпқайроғоч масжидида ўқиладурған бўлиб, ҳазрат домланинг жасадларини тобутға солиб, қанча тантана ва дабдабалар билан ҳалиги масжидга кўтариб олиб чиқдилар. Жаноза ўқилиб, масжид эшигидан чиқиши билан пойлаб турган қора халқ:

– Табаррук-табаррук, сизнинг муборак жасадингизга жонларимиз фидо бўлсин! – деб тобутға қараб югуришдилар. Шул ерда миршаб, қоровуллар қўллариға қамчин ва таёқлар олиб, тайёр бўлиб туришган эканлар, ҳай-ҳайлашиб, дарров ҳалиги ёпирилған кишиларни тобутнинг олдидан узокқа суришдилар. Бунда қамчин таёқларидан оз-оз насибаларига лойикни кўрган кишилар ҳам бўлмай қолмади. Агарда миршаб ва қоровуллар шул ерда тайёр бўлиб, ҳалигидек иш қилмаған бўлсалар эди, бу қора нодон эл, табаррук деб тобутға айлантирилған оқ суруфга ёпирилғанларида тобут ағдарила ва ўлук ерга тушуб кетаёзған эди!

Белларини боғлаб, қўллариға хасса (асо) олиб:

– Вой устозим! Пирим устозим! Жойингиз жаннатда бўлсун, устозим! – деб йиғлаб берувчилар билан кўча тўлиб кетди. Тобутнинг олдида, ёнида ҳам орқасида бақириб, қичқириб йиғлашиб боришмоқда эдик.

Домланинг ўлуклари Тахтапул дарвозасидағи мазористонға олиб борилди. Барчамиз гўрларини қуршаб олиб, толдан янги ясалған хассаларимизға энгак ва жағларимизни тираб, зор-зор йиғлаб туришдик. Гўрковлар домланинг буришиб-буришиб қолған жасадларини кўмгандан кейин бир қори томонидан Мулк сураси омиларнинг тили билан айтганда Сураи Таборак ўқилиб, руҳларига бағишланди. Бир неча қорилар тепаларида бир ҳафтагача хатми Қуръон қилмоқ учун қолдилар-да, бошқаларимиз хассаларимизни қабрға санчиб ва ўшал ерга ташлаб кела бердик.

1903, феврал

Бир-икки йилдан бери:

– Тошканд, Шайховандтоҳур даҳалик мулла Тўлаган деган бир киши Мисрга бориб, хатми кутуб қилиб келган эмиш. Шайховандтоҳур даҳасидаги бир мадрасада дарс айтар эмиш. Шогирдларини синаш (имтиҳон) билан ўқитар эмиш! – деб эшитиб юрган бўлсам ҳам уни бориб кўрмаган эдим. Кўклам чоғида бир кун ҳовлимга бориб ётдим-да, эртасига тушроғда мадрасага келдим. Қарасам, хужраларнинг барчаси деярли ку(л)фланган, муллабаччалар йўқ. Шулар ўртада бир муллабачча кўриниб қолиб, ундан воқеани сўраган эдим, ул:

– Кадубод маҳалласидаги Баҳодир махдум домланинг мадрасаларида бугун катта бир “имтиҳон” деган нарса бўлур экан, унга Шайховандтоҳурдаги мулла Тўлаган охунд бош эмишлар, барча муллабаччалар шунинг томошасига кетдилар, – деб жавоб берди.

Баҳодир махдумнинг мадрасалари Себзор даҳада бўлган учун йўлга тушуб, Қўшмозорнинг олдидан энди ўтиб борган эдимки, нариги томондан мадрасамизнинг муллабаччалари қайтиб келиб қолишдилар ва сўраган эдим, имтиҳон тугаганлигин билдирдилар. Мен ҳам улар билан мадрасага қайтдим, улар кела-келгунча бўлган имтиҳонни мақтай-мақтай келдилар. Уларнинг сўзларига қараганда имтиҳонга шахар мадрасаларининг кўп мударрислари, олдиноёқ, кейиноёқ икки юзтача муллалари йиғилган бўлиб, бизнинг мадраса олдиноёқларидан Шароб қори деган олдиноёқ яхшигина имтиҳон бериб, бир кўзлик Абдуллахон дегани янглиша-янглиша жуда эси кетган эмиш!.. Бу Баҳодирхон домла деган мударрис Тошканднинг донгдор ва олдин келар мударрисларидан бўлгани учун бизнинг мадраса муллабаччаларидан баъзи олдиноёқлари очиқ ва бекик ҳолда қатнаб ўқуб юрар эдилар. Ҳали имтиҳон берган Шароб қори ва мулла Абдуллахонлар ҳам шулар бизнинг мадрасадан қатнаб ўқувчилардан эди. Мулла Дадамухаммад ҳам шулар жумласидан эканлигини билар эдим.

1903, апрел

Ҳазрат домламиз ўлиб кетиб, катта дарсхона мударриссиз қолганидан бунга бир мударрис сайлаб киргизмак керак бўлди.

Шунинг учун мадрасамизнинг кичик мударриси Абдулмалик хожи ҳам каттарак тебрана бошладилар. Мукаррирлар кичик, иккинчи мударрис бўлмиш бурчаги домлалар мукаррир сайланиш тилагида ҳар томонга югурмак-елмакда эдилар. Бул мукаррир ва бурчаки домлалар, кичик мударрис бўлиб сайланиши аниқ деб ишонганлари учун ҳар бирлари ўз шогирдларини, шул кишини катта мударрисликка сайлашга қизиқтирмоққа, ўзлари бўлса, бир-бирлари билан шогирд талашмоққа киришдилар. Икки-уч домлалик шогирдлар, уларнинг қайси бирларини сайлашни билмасдан жуда бошлари қотиб, ағрайиб қолган эдилар. Чунки бу бечора шогирдлар уларнинг биттасини сайлашга кўнгли оғса, иккинчилари:

– Оқ қиламан, сендан у дунё – бу дунё безор бўларман! – деб кўрқитмоқда эдилар.

Кадубод мадрасасининг мударриси Баҳодирхон махдум ҳам катта мударрисликни пайига тушганин эшитиб қолдиқ. Бизнинг мадраса олдиноёқларидан ҳам ул кишини ёқтурган-истаганлар бор экан.

Бир кун ҳоким бошлиқ бир неча ўрис ва мусулмон амалдорлари сайлов қилмоқ учун бизнинг мадрасага камоли дабада билан келиб тушиб, муллабаччаларни мадраса саҳнига йиғиб, ёзув билан сайлов қила бошладилар. Бу судрама чопонларнинг кўпи ўз отини ёзишни ҳам билмас ва қайси бир билгани ҳам қўллари қалтирай-қалтирай зўрға қўл кўяр эди. Бу ёзиш йўли билан сайлашда кўб муллабаччалар кичкина мударрис – Абдулмалик ҳожининг катта мударрисликка сайлаған ва биттагина Мулла Дадамухаммад деган олдиноёқ Баҳодирхон махдумға довуш берган бўлиб чиқди.

Мана энди, Абдулмалик хожиға катта мударрислик “ёрлиқ-приказ”и келишини кута бошладик. Орадан бир-икки ҳафта ўтар-ўтмас:

– Катта-катта бойлардан Баҳодирхон махдумнинг ёқловчилари кўб эмиш, кичик мударриснинг ҳозир мударрислик ўрни борлигин ва унинг устига савдогарчилик ишлари кўплигин ҳукуматга тушунтирибдирлар. Шунинг учун бу кишини сайловға аралаштирмайдирған қилиб қўйилиб, иккинчи сайлов бўладирған бўлибдир - деб, эшитиб қолишдиқ. Бу гап тўғри чиқиб, иккинчи сайлов бўладирған бўлди. Энди муллабаччалар бир неча тўдага бўлиниб, ҳар киши ўз домласини сайлайдирған бўлди. Ҳожи домла

сайловдан қолғани учун муқаррир ва бурчаки домлаларнинг тилаклари-тамаълари яна каттарак бўлиб, катта мударрисликни қўлга туширмак ва шул амалга илинмак йўлинда, яна сайловга аралашдилар. Қайсиларининг ёқловчилари 25, қайсилари 50, қайсилари 100 ва қайсилариники 30-40 муллабачча бўлган эди.

Мадрасамизга ҳукуматдорлар яна келиб тушиб, сайлов бошладилар. Бироқ бу сайлов ёзув билан эмас, шивиллаш йўли билан бўлиб, ҳар ким, ҳар бир муллабачча келиб, ҳокимнинг қўйган кишисининг қулоғига айтиб кета берди. Бу сайловда Баҳодирхон маҳдумнинг ёқловчилари ўнтача бор эди. Бурун ёқловчи битта бўлиб туриб, ҳозир бирданига ўнтача бўлиб қолишига жуда ҳайронлар бўлдиқ ва бу тўғрида кўб пуллар рўл ўйнаган бўлса керак, деб шубҳаланиб қолдиқ. Амалдорлар кетдилар, кишилари бўлса ҳам бойлар тарафдор бўлган учун:

– Баҳодир маҳдумга ёрлиғ тушар эмиш! – деб кейин эшитиб қолишдик.

Кўп ўтмади. Баҳодирхон маҳдумнинг буйруқлари қўлларига тегиб, мадрасамизга катта мударрис бўлиб келдилар ва ўлиб кетган домламизнинг ўрниларига кириб ўринлашдилар. Сўнгра ҳар томондан шаҳарнинг катта кичиклари “қутлуғ бўлсин”га кела бошладилар.

Куз бўлди. Ўқишлар бошланди, биз бултурги ўқиш чоғида Шамсияни битирмаган бўлсак ҳам ундан анчагина ўқишган эдик. Шунинг учун бу янги мударрисимизда бу йил “Ҳошия” (“Шамсия”нинг шарҳи)ни бошлашдик. Бу киши дарсни дона-дона айтиб тушунтириб берар эканлар. Бурун мақтовларини эшитган бўлсак ҳам кўб-да ишонмай юрар эдик. Энди билдикки, ундан, яъни эшитганимиздан неча ҳисса ошиқ эканлар.

1903, ўктябр

28

Бултур менга Йўлдош мироҳўрниқидан мактабдорлик топиб берган Юсуф маҳдум бу йил қиш Солор суви бўйидағи аравахона масжидиға имом бўлган, ўқиш йўқ (таътил) кунлари зериксам, ёниға бориб-келиб юраман. Қишдан бир ойча қолганда, шул маҳдуми қурғур бошқа ерга қочмоқ бўлиб, бир кун борғанимда:

– Худо хайр берсин, сиз менинг ўрнимға имом бўлинг! – деб ялина бошлади. Ўзимнинг ҳам йўқсиллиғим жуда ошиб юрган

учун бурунги алданганларимни унутиб, ўқишни ташлаб бориб, махдумнинг ўрнига имом бўлиб, туриб қолдим. Бу мен имом бўлган ер эски шаҳардан бир неча чақирим узоқликда бўлиб, бузук қилиқ орттиришга керак бўлган нарсалар бу ерда жуда кўб экан. Кечалари исирик (маст) ўрислар, бўкира-бўкира ашулалар айтиб, жонингдан жуда безор қиладилар. Мен ҳам қайси кечалари қавмларимга билдирмасдан чиқиб, бир-икки шиша пиванинг бошига етиб келар эдим.

1904, феврал

29

Шул ерга ёвиқ Миробод маҳалласининг имоми Мунавварқори⁵⁶ деган бир шоир билан танишиб қолдим. Бурун неча кишидан бу одамнинг таърифи ва тавсифини эшитиб юрган бўлсам ҳам суҳбатини кўрмаган эдим. Унинг юмшоқ табиат ва сўзга усталиги, бир-икки соатнинг ичида Навоий, Умархон (Қўқон хонларидан), Фазлий ва шуларга ўхшаш шоирларнинг шеърларидек ишқий шеърларни ёзиб ташлаши билан бошқа муллабаччалардан кўбкина айирмаси (фарқи) бор эди. Бу мен турган “аравахона масжиди”нинг қавмлари бариси деярилик мусофир хўқандликлар бўлиб, 2-3 тагинаси тошкандлик кишилар эди. Бунда тушим жуда оз, кундалик овқатимга зўрға етар ва қайси чоқларда оч ҳам қолур эдим. Шунинг учун 4-5 ой чамаси имом бўлиб турганимдан кейин сира осифсиз (фойдасиз) бўлган бу икки юз (сўм)лик ишни ташлаб, отамнинг мулла Назар деган бир деҳқон ўртоқларининг қовунини узиб битиргунча (хазанак қилгунча) кўришга 10 сўмга туриб кетдим. Бу қовун тикилган ер Кўкча даҳасининг Жарарик дейдирган жойида Мулла Айюб дейдирган бир муфтининг ери бўлиб, отамнинг ҳалиги ўртоқлари томонидан ер неча йилга ижарага олинган экан.

1904, июн

30

Мен бу қовун полизга борган чоғимда ўриклар яхши пишган ва қовунлар гуллай бошлаган эди. Отамнинг ўртоғи мулла Назар ака қари ёшлироқ бир киши бўлганидан деҳқончиликнинг энг оғир ишларини оёқ-қўллари йўғон-йўғон, таналари кучлик, соғ ва ҳар

⁵⁶ Мунавварқори Абдурашидхонов.

бир кетмон урганда ерларни титратиб юборадирган икки ўғли қилар эди. Булар менга қовун экилган ернинг бир ёнига чайла тикиб ва кечаси чиқиб пойлаб ётиш учун бир супа қилиб бердилар. Кундузи чайлада китоб кўриб ўлтириб, кечаси супага чиқиб қовун пойлаб ётаман. Ўзим ёппа-ёлғиз бўлганлигим ва бу ер жуда кенг жой бўлганлиги учун кечалари кўрқа-кўрқа ухлаёлмай чиқаман. Қайси кечалари кўзим уйқуға кетса чўчиб уйғонаман-да, ўрнимдан ирғиб туриб ўтириб, тўрт ёнимга аланглаб қараб кўяман. Менинг муллабаччалигимни билиб, қайси чоқларда теварагимдаги кўшнилари ош, нон чиқаришиб турадилар.

Мулла Назар аканинг ўғлилари кўб экинчи (деҳқон)лардан бурун экканлари учун қовунлари пишиб, дум бера бошлади. Улар ҳар кун икки аравадан ортиб, Чиғатой дарвозасига элтиб сотиб келмакдалар. Бурун йўқ эди, энди қовун пишишининг шарофати билан ҳар кун тушда ёғлиқ шўрба қилиб ичиб, қовуннинг энг тотлиларини ва энг пишганларини емакдамиз. Ҳар кун кечкурун палакдан узиб, икки аравага териб ортиб тайёрлаб кўядирлар-да, азон чоғида олиб кетадилар.

Мана қовуннинг олдинги пишганини сотиб битирдилар, яна ўн беш-йигирма кун ўтгандан кейин, қовуннинг иккинчи сидраси пишди; буни ҳам бир неча кун сурункасига икки аравалаб ташиб, сотиб битириб, яна 10-15 кунлардан кейин “Хазанак”⁵⁷ қилдилар.

Менга ҳам оладирган ўн сўмнинг устига отам билан ошналикларини эътиборга олиб бир арава сапча бердилар ва энди қовун кўришдан қутулдим.

1904, август

31

Куз бўлди. Мадрасаларда яна ўқиш бошланди. Бултур таҳсилнинг ўртасида ўқишни ташлаб кетганим учун мударрислар мадрасадан менга хужра бермадилар. Менинг йўқсиллигимни била туриб:

– Саботсизсан, дайдисан! – деб уришдилар.

Нима қилишимни билмасдан эски танишим Ортиқхўжа қоридан даҳма хужрасини сўраган эдим. Ул ҳам:

– Тузук-яхши бўладир, мана келиб тура беринг! – деб кўнди.

⁵⁷ Хазанак – талон-тарож.

Ўқиш кунлари ўқишдан қолмасдан мадрасага бориб, сабоқдошларим билан ўқишиб турмакдаман. Қайси таътил кунлари отлиқ кунга (трамвой) билан Миробод маҳалласининг имоми Мунаввар қорининг олдиға бориб, суҳбатлашиб келиб тураман. Ул “Таржимон” деган мен тушунмайдирган бир газет ўқиб юрганини кўб кўраман. Бироқ менинг олдимда янгиликдан сира оғиз очқони йўқ.

Мен 2-3 йилдан бери ошиқона “тизма” (назм) лар ёзадирған бир шох чиқарғанман. Туркистон шоирларининг йўлидан юриб, бесоқол болаларни қош, кўз, қадду қоматларини мақтаб ҳар турли мувашшаҳлар ёзаман. Йўқсил, билимсиз, эзилган эл-улусимизни уйғотиш, юқори билимларга қизиқтириш учун шеърлар ёзиш, мен тугул, мендан каттароқ ва мендан ўйлироқ (фикрлироқ) шоирларимизни ҳам эсига келмас эди. Шунинг учун мазкурларга ўхшаб, форсий адабиёт китобларини ўқимокқа ишқибоз бўлсам ҳам Эрон адиб ва шоирларидан бўлған Шайхи Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” деган китобларидек қийин форсий китобларға тишим ўтмас эди.

Бир кун дахма эгаси Ортиқхўжа қори билан кенгашдим-да, ёвиқимиздағи бир мозор дахмасида турувчи бир пес жузъихон қориға бориб, Саъдийнинг “Гулистон” китобини бошлашдик. Унга ўқиш кунлари боролмасак ҳам ўқишсиз кунлари бориб ўқиб турдик.

Қишнинг ўртароғи бўлғанда оғрий бошладим. Кундан-кунга оғриғим ортқонға ўхшар ва бутун муча (аъзо)ларим сирқирар, бироқ тура олмай қолишимдан кўрқиб, зўрма-зўраки ётмас эдим. Бир кун ёстикқа бош қўйиб, чўзилиб ётмасам сира бўлмайдирған бўлғонидан уйимға бориб ётишга қасд қилиб, секин-секин юриб ховлиға кетдим ҳам ул ерда кўрпа-тўшак қилиб ётиб олдим.

1905, январ

32

Кундан-кунга оғриғим оғирлашмоқда, бутун танам куйиб ёнмоқда ва томоқларим қақраб сувсашим кучайиб кетма-кет муздек сув ичиб ётмоқда эдим. Отам бир неча мусулмон табиблардан ке(л)тириб қаратдилар. Булар орасидан биттасининг доруси бир оз ёққандай бўлиб, қотиб қолған ичим юра ва шунинг билан оғриғим кундан-кунга енгиллана бошлади. Бора-бора

соғайиб ётганимдан 2 ойча ўтар-ўтмас, хассаға суялиб юрадирган ҳам кўчага чиқиб, эшик олдида ўлтирсам кучим келадирган бўлиб қолди. Кўнглимнинг томоқ тортиши – иштаҳам яхши, ҳар кун нонвойдан 2-3 та нон кетириб еб ва хўрда ош қилдириб ичиб турмакда эдим.

Мана шу кунларда бир ердан отамнинг бошлари қаттиқ оғриб келиб ётиб қолдилар. Менинг соғайиб кетишимга сабаб бўлган табибни чақириб қаратган эдим. Унинг доруси ул кишининг оғруғига тўғри келмади ва ёқмади. Чунки оғриқ бир неча турли бўлса ҳам бизнинг мусулмон табибларимизнинг дорулари 5-10 турлидан ошмас, уларнинг олдилариға юз турли оғриқ келса ҳам уларнинг қўлиға бир турли дору ушлатиб юборар эдилар.

Катта иним Усмон билан катта синглим Муҳтарам отам билан бирга ётиб қолган бўлсалар ҳам бери қарай бошлаган эдилар. Бироқ отам бечоранинг оғриқлари кундан-кунга ортар ва кундан-кунга кейин кетар эди. Оғриб ётиб қолишларининг тўртинчи куни ёнлариға барча болаларини ҳам онамизни чақириб олиб:

– Мана, суюкли болаларим! Эй онаси! Энди кўзим китоб хатларини ҳам кўрмай қолиб хиралана бошлади. Шул оғриғимдан ўнглиниб яхши бўлиб туриб кетишимга кўзим сира етмай қолди. Умрим тугаганга ва вақт етганга ўхшайдир. Энди барчангиздан ҳам розиман ва сиз ҳам мендан рози бўлишингизни сўрайман деб биз билан ризолик сўраштилар ва олдиларида ўлтириб кўб кўз ёши қилишдик. Бешинчи кун эслари кирарлик-чиқарлик бўлиб, ҳар турлик гапларни гапира бошлаганлари учун 4-5 қори чақириб кетириб, чилла ёсин қилдирдим (Ёсин сурасининг қирқ дапқир ўқиттириб дам солдирдим). Еттинчи кун тилдан қолиб, ўнинчи кун Тавҳид, Шаҳодат калималари билан “лаҳавла”ни баланд овоз билан айтиб, яна тилсиз бўлиб қолдилар ва ўшал куни кечаси саҳар чоғларида дунёдан ўтдилар.

Қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва ошна-оғайниларни узоқдан-яқиндан хабар қилинди. Хотинлар ҳовлиға, эркаклар бир қўшнимизнинг меҳмонхонасиға йиғилишдилар. Бир-икки ўзиға тўқ қариндошлар ва маҳалла қавмларининг анча кўмаги билан отамни ювиб, кафанлаб, жаноза ўқиб, Чиғатой дарвозасидағи қабристонға элтиб кўмишдик, катта синглим билан катта укам бир оз соғайган бўлсалар ҳам отамға йиғлашға кучлари келмади.

1905, март (1323 ҳ., 22 муҳаррам)

Йиғилған хотинлар ҳовлида 4-5 кун аза тутиб ўтирдилар. Учинчи куни ўлик кири ювилиб, 4-куни етти оши қилиб ўтқаздим. Бу ош ўзимизнинг одатимизча хотинларга берилиб, ёлғиз бир лагангинаси эркакларга берилган эди. Ҳар ҳафтанинг якшанба ва панжшанба кунлари 1-2 лаган ош қилиб маҳалладан 6-7 кишини чақириб едириб, Қуръон ўқиттириб дуо фотиҳа қилдириб турдим. 20 кунга етар-етмас, отамнинг бир катта сандонлари²⁾ни 20 сўмдан ошиқроққа сотдим-да, бир қозонда ош дамлаб, 7-8 маҳалладан оти чиққан ва обрўли кишиларни даъватнома билан чақириб, йигирмаларини ҳам бўйнимдан туширдим, энди ҳафтада икки топқир палов дамлаб, киши чақиритдан ҳам қутулдим. Мен бу чоқларда ишсиз эмас, отамнинг ўринлариға имомман. Шул орада уй ичиға вақф ҳовлидан Пичоқчилик маҳалласидаги ўз ҳовлимға кўчирмакчи бўлганимда онам ҳам оғриб қолиб, кўчириш кейинга қолди ва дард устига чипқон бўлиб, бир кичик укам Ҳасан билан кичик синглим Зухра ҳам оғриб ётиб олди. 2-3 кундан кейин онам алаҳлаб, ҳар турли кулдирадирган сўзларни сўзлай бошладилар. Сартарош – соч қирувчидан чиққан бир табибни ҳовлига чақириб кетириб, онамнинг юзига бир рўмол ёпиб, ўртасини тештим-да, тилини шул тешикдан чиқартириб, ҳалиги сартарошға кўрсаттирдим. Табиб онамнинг тилини ушламасдан қараб кўриб:

– Ҳеч гап йўқ, хафа бўлманг! Иншооллоҳ, Худо хоҳласа 3-4 куннинг ичида ойингиз сиҳат топиб кетадилар! – деб мени юпатиб чиқиб кетди.

Қайси кишиларнинг сўзиға қарағанда, онам “хафақон” деган оғриққа йўлиққан эмиш. Онамнинг бу ётишидан кўрқиб, маҳалламиздаги бир фолбин хотинни чақириб ке(л)тириб, онамдан хабардор бўлиб туриши учун ҳовлиға қўйдим. Бир кеча чирмандасини чалиб, кўчирик ҳам қилиб қўйди. Ётганларидан 10-кун тонг чоғида хабар олсақ дунёдан ўтибдирлар. Фолбин хотинни ётган еридан уйғотиб, икковимиз онамнинг оёғларини тўғрилаб, энгакларини бошлариға тортиб бойладук-да, мен бурунги ҳовлимға келиб, амакимға хабар бердим. Сўнгра шул бурунги маҳалламизнинг имом домласи воситаси билан 3-4 сўм маҳалладан пул йиғилди ва бир қариндошимиз кафанлик олиб берди. Ҳовлига

²⁾ Ёзилади.

борсам, маҳалла кишилари – қавмларим ҳам 5-6 сўм йиғиб туришган, қариндош-уруғлардан ҳам йиғилишган бўлиб, ҳовли ичи йиғи-сиғи билан тўлган экан. Тезлик билан онамни ўраб-чирмаб ҳам жаноза ўқиб йиғлай-йиғлай мозорга кетириб кўмишдик.

1905, апрел (22-сафар)

34

Бизнинг оила (уй ичи)да ота, она, уч ўғил, икки қиз бўлиб, барчамиз етти киши эдик. Мана ҳар биримиз кетма-кет бир-бирлаб, икки-учлаб юқадурган бир ёмон оғриқ телба гезак ёки тифга йўлиқиб, икки уй бошлиғимиз дунёдан ўтдилар, бошқаларимиз бир сабаб билан бундан зўрға қутулиб қолдик. Биз соғлиқ йўлларини билмаганимиздан соғларимиз оғриқларимизнинг пиёлаларида чой, тобоқ, қошиқларида ош ейишиб юра бердик-да, бир-биримизга оғриқ ўтғонини сира тўймай қолдик. Бу ишлар бадан ва соғлиқни сақлаш илмини билмаганимизнинг касофати эди.

Отамға қилганимдек онамға ҳам ҳафтада икки дапқир худойи ва бир дапқир етти қилдим. Бор-йўқ пулларимдан айрилдим ва шундай шафқат ҳам марҳаматлик ота-онамдан ҳам бир ойнинг ичида айрилдим. Онамнинг етти ошларини ўтқизгандан кейин икки синглим, икки укам уй лаш-лушларини бир аравага ортиб, Пичоқчилик маҳалласидаги ўз ҳовлимга кўчириб олиб келиб, Иброҳимжон амакимга топширдим-да, бориб яна ўз имомгарчилигим билан машғул бўлиб, мулла Карим шайх деган бир даъво вакилининг меҳмонхонасида ётиб юрдим. Онам оғриб ётқан чоғларида катта синглим – Муҳтарамни Чиноз қишлоғидаги хотини ўлган ва ўзиға тўқ бир деҳқонға айттириб қўйган, яъни берадирган 40-50 сўм пулга қизиқиб сотган эдим. Орадан кўб ўтмасдан Мана шунинг тўйи-никоҳи бўлди ва синглим шўринг қурғурни узоқ бир ерга узатиб, унинг ҳуқуқиға улуг бир хиёнат қилдим.

Яна икки ҳафтада отамнинг ўрниларида имом бўлиб турганимдан кейин қавмларимнинг катта-катталарини бир ерга чақириб йиғдим-да: “Оғаларим! Мен ҳали ёшман. Бу чоғ ўқийдурган ва ҳар нарсани билишга уринадирган чоғим мен отам вафот бўлмасларидан бурун мадрасада ўқиб юрган бир муллабачча эдим. Бунинг ҳаммангиз ҳам биласиз, имомгарчилик қиламан деб ўқишим жувонмарг бўлмасун. Бу ердан мадрасага қатнаб ўқиб

юриш қийин. Энди менга рухсат беринглар, ўқишимни бир ерга етказайин! Хатм қилганимдан кейин бир насибамга лойиқини кўрарман. Сизларга имом қахатлиқ эмас. Уни топиш енгил!” – деб ялиниб-ёлбориб улардан рухсат беришларини сўрадим. Улар оғринибгина зўрға рухсат бердилар.

1905, май

35

Ота-онам ўлгандан кейин ҳар нарсани ўйловчан савдойи табиат, юрак ўйноғи бўлиб қолган, кечалари ёлғиз ётсам, сира ухлаёлмас, ваҳима босар ва озғина кўз юмсам чўчиб уйғонар эдим. Имомликдан қутулганимдан кейин шул касалларим босилармикан тилаги билан “Еттикент” вулуси⁵⁸га қарашлиқ Паркент ҳам Заркент қишлоқлариға чиқиб кетдим. Ул ерларда ўн беш кунча юриб, қимизлар ичиб, юрак ўйноғлар ва барча қайғулар кетиб яна шаҳарга қайтиб келдим-да, ўз маҳалламдаги Шарафий мадрасасидан бир ҳужра олиб, шунда дарс бошладим. Бу мадраса ўзимнинг ўқишға биринчи бошлаб кирган мадрасам эди.

Бир-икки ҳафта ўтди, мударрис домла Мулла бобо Охунға айтиб, ота-онамдан қолган меросдан ўз тегишимни бўлдириб олдим. Отам жуда йўқсил бўлган учун кўб нарса ва кўб уй асбоблари бизга битмаган эди. Меросдан менга бир кийиз, бир қозон, бир лаган, бир-иккита коса, бир-иккита тобоқ, 2-3 кўрпа-ёстик, узангисозлиқ қуролларидан: 1-2 та болға ва бир михсандон тегди. Менда отамнинг узанги яшаш ҳунари йўқ учун болғалар билан михсандонни амакимга сотдим ва қолганларини мадрасага ташиб, ҳужрамни киши кўргандек қилиб олдим.

Ёз чоғида бир кун ўйнаб Мунаввар қорининг масжидига борган эдим, л:

– Мулла Мўминжон! Қайтаға бизнинг масжидға сўфи (муаззин) бўлиб қўяқолмайсизми?! Ҳозир ёз вақти, мадрасада нимаям ўқиш бўладир дейсиз. Майда дарсларингиз бўлса менда ўқиб юрардингиз, бунда биргаликда 40-50 саҳифа ўқимай, бирор кулбада ёмон эмас! – деб бир куз ўқимай турган эдик. Сўфи бўлишига унаб қўяқолдим.

Бул мен сўфи бўлган Миробод маҳалласининг гузари жуда обод жой бўлиб, масжиди ҳам шул гузарнинг ўрта бир ерида эди.

⁵⁸ Вулус – волост (област), вилоят.

Бунда кўчаларни гулдиратиб, кишиларни солиб ўтиб турган пойтун (избош)лар дейсизми? Бир нарса сотиб олиш баҳонаси билан дўконларга кириб, ўғирлик қилиб тутилиб, баққоллардан сўкиш эшитган қозоқ-ўрислар дейсизми? Оқшомдан кеч соат 10-12 ларгача бир-бирларининг билакларидан қўлларини ўтқизишиб олиб, гаплашиб, ҳасратлашиб йўлка (тратовар)ларнинг ул бошидан бул бошига боришиб-келишиб юрган ўрис қизлари билан ўрис заводларда юзлари, кўзлари, кийимлари қоп-қора бўлиб, қанча эмгак (меҳнат), қанча оғирликлар билан ишлаб топган озгина пулларига байрам кунлари пива, ароқлар ичиб маст бўлишиб шовқун-сурон билан кўчаларни бошларига кўтаришиб сўкиниб юрувчи ишчи ўрислар дейсизми? Барчаси бор ҳар кун кечкурун имом домла иковимиз масжид эшигининг олдига чиқиб ўтириб жуда мазза қилушар эдик. Менинг ишим ёлғиз сўфилик абзал бўлмасдан имом домлаларнинг мактаб болаларига ҳам қарашиш ва ўзи йўқ гоҳида имомгарликка ўтиб туриш эди, мактаб эскичаси кўброқ янги мактаб эди, бунда Ҳоди Мақсудийнинг “Муаллими аввал” ёки Саид Расул маҳдумнинг “Устози аввал”и ўқилиб ёздирилур эди ва “Муҳаммаду-л-муслимин“ деган турли масъала китоб ўқитилур эди. Булардан бошқа ҳар турли эски мактаб китоблари ўқилса ҳам билдириб ва пишиқ қилиб ўргатилур эди. Мунаввар қори “Таржумон” газетасини яхши ўқувчи ва шунинг сўзи билан амал қилишга урунувчи фикри очик бир мулла бўлганидан мактабнинг борган сари тартибга киришини истар эди. Бунинг шериклари (сабоқдошлари) Эшонкул додхоҳни муллабаччаларидан мулла Нор, яна бир-икки муллабаччалар бориб китобхонлик қилишур ва қийин арабча китобларига маъни беришур эдилар. Баъзи чоқларда Султон араб деган бир мулла ҳам бориб-келиб турар эди. Қавмиларининг орасида бир оз фикрлироғи Фозил Абзи дейдирган бир нўғай бўлиб, Мунаввар қори билан “Таржумон”да ёзилгон мақолалари устида фикр юргизишар эдилар. Мен янги борган чоқларимда истиқоматлиққина қилиб турган бўлсам, кейинчалик анча оёғ чиқариб қолдим. Бу – ўрис ичи (янги шаҳар)нинг ҳавоси эски шаҳардан бошқачароқ бўлиб, бир-икки дапқир томоша боғи (шаҳар боғчаси)га ва бир-икки дапқир от ўйини (цирк)га бордингми сўнгра ҳар кун бориб кўришни кўнглинг тусайди-туради! Қайси чоқларда, азон

айттирмоқ учун қавмлар, мени излаб тополмабдирлар, айниқса, қори акам бир кун:

– Менинг фалон ерда зарур ишим бор, мен бормасам ул иши битмай қоладир. Эртага намози асргача келиб қоламан. Сиз шу ерда кимирламай туринг! Бу ерда икковимиз бирдан йўқ бўлсак, қавмлар хафа бўладирлар, тузукми? – деб қайта-қайта айтиб кетган бўлса ҳам ул қаёқдан билиб ўтирибдилар, деб ўйлаб сира сиртимга юқтирмасдан ўйнаб кетдим.

Қавмлар, менинг бундай ярамас қилиқлар чиқариб юрганимни имомга айтиб:

– Бундай дайди ва бундай тентирайдирган сўфи бизга керак эмас, тақсир, унинг жавобини тезрак бериб юбора қолинг! – дебдирлар шунинг учун сўфи бўлганимга уч ойга бўлганда Мунаввар қори бир кун мени ёнига чақириб олиб ёмонлиқларимни бир-бир санаб бўйнимга қўйиб:

– Бу юриш билан сўфийлик бўлмайди энди йиғиштира қолинг! – деб қойиб жавобимни бериб юборди. Мен эски шаҳарда Дегрез маҳалласидаги мадрасага жойлашдим.

1905, август

36

Пайт ёз пайти бўлганидан бу мадрасада ўқиш йўқ эди. Шунинг учун Фарғонадаги Қудратиллоҳ қори ўртоғимнинг олдига бориш хаваси юрагимга тушди. Ўз маҳалламнинг элликбошисига бориб, бир парча ўтинч қоғози ёздириб олиб, ўз кўкча даҳамиздаги мингбошига югуриб кетдим мингбоши мирзосининг димоғидан қор ёғар, унча-мунча кишини сира менсимас эди. Қанча кутиб, қанча қийноқга солгандан кейин эллик тийин пул олиб, “Гувоҳнома”ни зўрға ёзиб берди ва мингбошининг хат, саводи йўқ бўлиб, ўз оти ва отасининг отини бировдан ўрганиб олган учун қўли қалтирай-қалтирай зўрға қўл қўйди. Унинг шу ҳоли билан катталиги, ўзининг улуғ тутиши ер-кўкка сира сиғмас эди. Бориб турган такаббур ва боруб турган золим эди.

Сўнгра эртасига ҳалиги гувоҳномани кўтариб эски шаҳар полициясининг маҳкамасига элтиб бердим. Бу ердаги: 5-6 миршаб ҳам бир неча юз бошилар, иш учун борган фуқороларга жуда юқоридан қараб муомала қилар ва қайси кишига гапирсалар ҳам

жаржад⁵⁹ билан гапирар эдилар. Булар Николай истибдодининг жонлиқ далили, буларнинг кўрган киши азройилни кўргандекдур: др-р... қалтирар эди. Булар ўзимизнинг мусулмонлардан бўлсалар ҳам аллақайси тўқайлардан келиб бошимизда буйруқ ва тирноғимиздан ғаров юргизиб турган ўрис мустамлакачиларининг кўллари ўшаларнинг ноғорасиға ўйнайдурған айиқ ҳам маймунлари эдилар. Булар-ку булар, булар томонидан ҳар маҳаллаға қўйилған қоровулларни кўрсангиз, улар ҳар маҳаллаға бир ҳоким эдилар. Ҳолбуки, буларнинг ўзларини миршаб, юзбошилар ҳар томонға чақириб олиб кетиб, эшшакдек ишлатур эдилар. Бу – миршаб, юзбошилар келганларнинг ишини тезроқ битириб беришдан ортиқ бечора халқни туртиб, бир нечаларини уриб, сўкиб:

– Нарӣ тур! Эшикнинг олдиға келма, қизиғарлар! Ёпирай, мунча тўпланишиб бера келасиз? Бу ерда... борми?! Ҳотинталоқлар?! – деб койиб-койиб қувмоқда эдилар.

Мусулмонлар тўпланишиб маҳкама эшигининг олдиға бормай нима қилсинлар? Белат (паспорт)ларини эртадан бери кута-кута, жуда хит бўлиб кетдилар-ку! Ҳали, менинг ўзим ҳам, соат саккиз яримда келиб, 2-3 соатдан бери кутиб ўтирибмен. Сиз золимлардан бирортангиз ҳам:

– Ҳали белатингиз тайёр бўлмайдир, бориб бошқа ишларингиз бўлса битириб, соат 11-12 ларда келсангиз ҳам бўладир! – деб айтмайсиз, сиз шу гапни айтган бўлганингизда биз ҳалигача қанча ишларимизни битириб, аранг-қаранг келган бўлар ва зерикиб ҳам қолмас эдик!..

Мана шундай бир неча соат кунга яққол ўтириб, қоқи бўлиб, соат 12 ларда бир миршаб томонидан маҳкамага чақирилдиқ ҳам нафис ипаклик кийимлар кийинган ва олтин соатларни ялтиллаған занжурлари билан кўкраклари тўлған Тожихон мирза Турсунхўжа ўғлининг теварагига қўл қовиштириб йиғилишдик.

Бу Тожихон Тошкент, Себзор даҳалик бўлиб, чиройлиқкина бесоқол бола бўлғанлиқдан қайси бир мусулмон амалдорларининг кўмаги билан шу улуғ даражаға етишган эди. Тошкент фуқаролари, пристуф, ҳокимларидан қандай кўрқсалар, Тожихонни узоқдан кўрганда шундай др-р... қалтирар эдилар. Бесоқоллиғи жиҳатидан бўлсин ва амалдорлиғи жиҳатидан бўлсин уни билан гаплашмоқ

⁵⁹ Жаржад – жаҳл.

хар кимга ҳам муяссар бўлмас. Қайси бир бахтиёр бўлиб гаплашиш муяссар бўла қолса қўл қовуштириб ва қанча эгилиб-сиқилиб арзларини изҳор қилар эдилар. Ул пора (ришвад)ни эмас, пора уни кетидан қувиб юрар эди. Унинг доимий суҳбатдошлари: пристўф, ҳоким, юзбоши, мингбоши, қозиларга ўхшаш Тошкентнинг энг катта амалдорлари ва шуларга юрадирған катта-катта оти чиққан бойлари эди. Мана, биз теварагига йиғилған Тожихон, шу Тожихон эди. Йиғилғаннимиз билан бу мирза:

– Мана белатингиз, қўл қўйиб кетаверинг! – деб қўлимизга дарҳол тутқизмади, бурун ўрис етимхонаси учун қўйилған кўмак кутиси ва беш тийиндан ўн тийиндан худойи ақча ташлаттириб, паспортимизга ўз қўлимизни қўйдурғаннимиздан кейин берди. Бу чоқлар барча яхшилиқ ўрис учун эди, ҳар бир ўрис мусулмон амалдорларининг кўнглида ўриснинг юқори кўтарилиши, ўриснинг бойиши ва ўриснинг яхши яшаши ўрнашғон бўлиб, ерли халқнинг кўзи очилишига сира йўл қўйилмас эди. Бу маҳкамалар билан ерли халқ орасида кўрғошин ва темирдан қўйилған садди чин (чин девори) бор эди. Ерлик халқнинг барча ишлари, бу маҳкама эгаларига кундан очикроқ билиниб турса ҳам маҳкамаларда нима ишлар бўлиб турғанлиғи ва ерлик халқнинг бош кўтариши ва кўз очишига йўл қўймаслиқ учун қандай тадбирлар ва қандай йўллар тайёрланиб ётқонлиғин ерли халқдан бир киши ҳам билмас эди!..

– Нима бўлса бўлди, паспортимни олиб ҳужрамга келиб йўл ҳозирлиғин кўра бошладим. Меросдан теккан ва ўзи бисотимда биттагина бўлған киййизимни кўчага чиқариб, бир самоворчиға 4 сўмга сотдим. Китоб ҳам бошқа нарсаларимни, бир хуржуннинг икки кўзига солиб, оғзини каноп ип билан тикиб, кўрпа ёстикларимни бир ип билан боғладим-да, 7 тийинга отлиқ кўнка (трамвай)га миниб вокзалга чиқдим. Марғилон шахригача тўртинчи класға 2 сўм 20 тийин тўлаб билат олиб жўнаб кетдим.

1905, 7 сентябр

37

Бешинчи тўхташ (истанса) борғаннимизда от арава бизни ташлаб, Бухоро томонга қараб кетди. Бу ерни мусулмонлар ҳавас ва ўрислар “Чернаеф” дер эканлар. Бу ер жуда ёмонларнинг жойи бўлиб, бунда ўғри ва чўнтаккесар (киссабур)лар кўп бўлур экан. Шунинг учун Фарғонага борувчи бир неча йўлчилар билан

четроғдан бир самоворхонага бориб кирдим. Биздан бурун, наманганлик уч муллабачча бориб ўтиришган экан, “тенг-тенги билан тезак қопи билан” дегандек, улар билан топишиб қолдим. Самоворхонада ош қилиб еб олишдик. Кечрак, Фарғонага юрадирган от арава ҳам гулдирлаб, югириб-югириб келиб қолди. Мен ҳалиги муллабаччалар билан бирга юкларимни кўтариб чиқиб, бир уйга ўринлашдим.

Биз тушган уйнинг икки томонида, икки қаватдан тақта бўлиб, ҳар тақтанинг устига 4-5 киши сиғар эди. Биз бир қаватнинг юқорисиға ўринлашган эдик. Икки соатча ўтирғанимиздан кейин кун қоп-қоронғу бўлган, хуфтон чоғида от арава кўзғалиб кетди. Бунда, иккинчи, учинчи класс уйларга билат олиб, ўз ўринлари берилмасдан, тўртинчи классға қамалган шўринг қурғурлар ҳам бир эди. Биз бир соатча хангома қилиб гаплашиб ўтиришдик-да, тонг отғунча ухлағанимиз-ухлаған бўлди. Тонг отди, кун ҳар томонға ёйилди. Бизнинг устимиздағи қаватда, сочларини ўстирған, қора камзул ва ўрис этиклар кийинган, биттаси катта ва биттаси кичик икки нўғай бола ётган бўлиб, унинг кичиги чиройлироқ бўлғанидан, наманганлик муллабаччалардан биттаси менга қараб:

– Хўп нағиз эканми? – деб имлаб қўйди.

Буни, ҳалиги нўғайларнинг каттаси сезиб қолиб, имлаганча қараб:

– Ҳу, ав..... Мен, сиз сартларнинг нарса ўйлейтурғанин билам, кўп мунда қарама! Али, сен Қўқон бормен нишлатарман! – деб сўкиб, қўрқитиб яна бир неча мазасиз сўзларни айтиб ҳурматсизлади ҳам камситди. Йўлдошим қўрққанидан писиб, бир қизариб, бир буртиниб ўйлаб, жим-жит бўлиб қолди.

Аравамиз – поезд Хўжанд тўхташиға етди. Бунда ҳам бир неча киши тушиб қолиб, бир неча янги кишилар чиқди. Буларнинг орасида биргалашиб чиққан 10-12 ёшлик йўқсил кийимлари йиртиқ бир бола ҳам бор эди. Бу бола бечора, ақчаси бўлмағани учун билатсиз минган экан, ул кандукторларнинг келишини сезиши билан дарров тақтанинг остиға бекинади. Бир оздан кейин бизнинг ўтирған қизил уйга ҳам кандуктурлар киришдилар. Билатлик кишиларга хўмрайиб-хўмрайиб қараб билатларини кўриб бериб, билатсизларга:

– Раҳмат сизларга, бизнинг фойдамизни кўзлаб билат ташийсиз, – дегандай қилиб илжайиб қараб, биринчи истансияга ҳар кишидан 15 тийиндан олдилар-да, тахталарнинг остини излай бошладилар. У ерда ҳалиги бекинган болага кўзлари тушиб қолиб, тахтанинг тагидан сўка-сўка тортиб чиқорган эдиларки, бечора бола йиғлаб юборди. Унинг йиғланига қарамасдан ва кўринишига сира ачинмасдан устидаги эски яхтагини излай бошладилар, яхтак чўнтаксиз экан. Бор бўлса бир тийинни ҳам қўймас эдилар, ҳеч нарсаси йўқ учун бўлса кўнгиллари юмшаб: “садис!” деб ўтқиздилар-да, бошқа қизил уйлардаги билатсиз йўлчилардан пул йиғмоқ учун чиқиб кетди.

Бора-бора ўт аравамиз Қўқон шаҳрининг тўхташи (истансаси)га тўхтади. Наманганлик муллалар мен билан хайрлашиб шул ерда тушиб қолдилар. Бунда 15 минутча тўхтаб туриб аравамиз яна юриб кетди, кундузи соат 10-11 ларда Марғинон тўхташига етиб туштим. Пайтунчи, ўзумнинг айтишим бўйинча шаҳарга олиб кириб, Ўрдадаги ҳожихонага элтиб ташлади. Алоқаларимни елкамга ортиб, ичкарига қараб икки-уч қадам босқан эдимки, Қудратулла қозининг ўқувчи болаларидан бир-иккиси югуриб келиб қўлимдан юкларимни кўтаришиб олдилар-да, мактабхонага бошлаб кирдилар. Қори ошнам икки-уч бойлар билан бир катта калавотда керилиб ўтирған эди. Парта устида ўқиб ўтирған болаларни икки юзтача деб чамаладим. Мени мактабхона ёнида бўлған бир ҳужрага киргизиб ўтқизиштилар.

1905, 8 сентябр

38

Бир оз ўтирғанимдан кейин ўқитувчи муаллим ўртоғим ёнидаги меҳмонларни жўнатиб ҳужрага менинг ёнимга келди. Икковимиз кучоқлашиб кўришиб, аҳвол сўрашиб ўтиришдик. Дастурхон ёзиб, нон, мева солинған патнус қўйдилар ҳам чой келтирдилар, эски турмуш ва янги турмушлардан бир соатча гаплашдик.

Қори Тошкентда эканида ўқувчилари жуда оз ва жуда йўқсил бўлиб, овқатиға зўрға етқизиб турар эди. Ҳозир бойиб, қорин ҳам солған, устида қийматбаҳо камзурлар, чакмонлар, қават-қават бошида симоби салла, аёғида амиркон махси-кавш ва савлатидан ҳар қандай одам хуркиб турадир. Мен ҳам унинг бағоят ашғал-дашғолидан чўчий-чўчий гаплашдим.

Ох, шўрим қурсин! Бу қандай уроз (бахт)сизлик, бу қандай хўрлик? Шунча тилакларим бўшга кетди, йўлдаги тортқон кийноқларим иссиғсиз бўлди! Бунинг гапига қарағанда, мактаб ўқувчилари анчагина бўлса ҳам, ҳалфа ва кўмакчилари кўпайиб қолган бўлиб, менингдек томоғини еб ҳам ойлиғини олиб ўқитувчилариға ўрин йўқ экан. Чунки унга кўмак берувчилар ўз шогирдлари бўлиб ўқутганлари учун қоридан бир тийин ҳам хизмат ҳақи олмасдан ўқутур ва улуғ муаллим Қудратуллоҳ қори, тўрт бурчлик катта кат⁶⁰ устида ҳузур қилиб, ёнбошлаб ўтурур экан.

Муаллим мени кўп зериктириб қўймади. Қайси чоқда улкан шогирдлариға буюриб, қайси чоқда ўзи шаҳарнинг у ёғ-бу ёғларини кўрсатди ва кенг дала, боғлариға олиб чиқиб томошалар қилдирди. Бу Марғинон шаҳри чингилингина, ёқимлиққина бир шаҳар бўлиб бозор расталари чақир-чуқурсиз, теп-текис, кишилари ҳам тоза-озода ва чиройлик бўлур эканлар. Ҳожихона ёнидаги Ўрдатеги кенг тўрт бурчлик жой бўлиб, унинг бутун тевараги самоворхоналар эди. Барча самоворхоналарнинг олдиға тақта калавотлар ишлатилган, устиларига қип-қизил гилам ёйилган ва чиннидек эди. Файтунлар тизилишиб, ҳар кун кеч соат тўрт-бешдан бошлаб, соат ўнгача самоворхоналар чой ичувчилар билан тўла бўлур, айниқса, бозор кунлари эртадан кечкача халқ сиғмас эди.

Мен ҳам қорининг халфа ва кўмакчилари билан икки кунда бир, уч кунда бир дапқир халиги озода самоворхоналарға чиқиб, ярим соат, бир соат чойхўрлик қилиб ўтириб кириб кетаман. Шундай бўлса ҳам кўнгил юпанмас-овунмас, юрагимда бир алам, бир чигил, бир камчилик ва бир етишмаганлик сезар эдим. Аниқ сезилган нарса ишсизлик ва унинг орқасидан келадирған ақчанинг йўқлиги эди. Кошки мен ул ўқитувчи ўртоғимнинг ўрнида бўлсам, шундан шунга бир билишсиз, бир танишим ва бир эски қадрдон ўртоғим йўқлаб иш излаб олдимға келган чоқда, мен иш топиб бермасдан маҳрум қилиб қайтарармидим?! Эй, тентак дунё! Сира эркак – мард кишиларни танимадинг! Ҳар қачон кишилиги ва кишичилиги йўқ ҳезалаклар билан ўртоқ бўласан, туф санга, туф! Бу орада ўн кунча ўтди. Қорининг кенгаши билан дўппи бозор ёнидаги “Чуқур мадраса” деган мадрасадан бир хужра олиб,

⁶⁰ Кат - кароват

“Иълалнинг муғзи”⁶¹ бошладим. Мактабхонадан ҳам оёғимни узганим йўқ, бориб келиб тураман. Бир кун ўртоғимнинг икки шогирди билан томоша қилиб янги Марғиноннинг Сим⁶²иға чиқишдик. Бу ерда бизнинг тошкентлик кишилардан магазинчи, дўкондор бойлар кўб бўлиб, мадрасадошим мулла Дадамат деган олдиноёқлар (пешқадам) ҳам Сим бозорининг ўрта бир еридаги бир масжид ёнида шаҳардошларимнинг болаларини янги тартиб (усули жаид) йўли билан ўқутмоқда экан. Бориб кўриштик, бунинг 50-60 шогирди бор бўлиб, татар Ҳоди Мақсудийнинг “Дури шифоҳийя”⁶³ китобини ўқутмоқда экан. Бу китоб, татарча таржималик арабча китоб бўлиб, мен мадрасада бир неча йилдан бери ўқиб ётқан муллабачча бўлсам ҳам, кун лафзларининг маънисига сира тушуна олмадим. Менинг муллабаччалигимни билиб, “бу китобнинг маънисидан сўраб қолмасалар эди!” деб ўқувчи болалардан анча чўчидим. Яхши(ки) мулла Дадамат акам хужрасига бизни олиб кириб, чой-нон қилди. Буни билан бир-икки соат гаплашиб ўтириб, кечқурун яна шаҳарга қайтиб келдик.

Энди бу ерга келганимга бир ойдан ошди ва овқат ўтқизиш қийинлашди. Қорининг мактабхонасиға бориб, ҳар кун томоқ еб юрган эдим, уларга шумшук кўринадиган бўлиб қолдим, шунинг учун бу тўғрида қорининг ўзи билан кенгашдим, ул:

– Бундай бўлса, сизга бир хат қилиб берайин. Бундан бир истанса нарида “Қуба” деган кичик бир шаҳарда Ҳакимжон аттор деган бир танишим бор. Шунга борсангиз, мактабдорликми, бошқа ишми, топиб бериши аниқ, қайтаға шунга боринг, жуда хурсанд бўласиз! – деб менга кенгаш берди. Мен ҳам бу пуч ёнғоққа болалардек алданиб “хўб” дедим. Қори дарров мазкур атторға дуойи салом ёзиб қўлимға берди. Ва бир оз йўл кираси ақча бериб, мени соғ бўллашиб жўнатди. Ўшал куни Қубағача от аравада бориб, файтун билан Қуба бозориға кириб шу ердан ҳалиги атторнинг уйини сўраб топиб ва ўзи билан кўришиб, меҳмонхонасиға тушдим.

1905, 15 ўктябр

⁶¹ “Илалнинг муғзи” – китобда ўқилиши керак бўлган қисм.

⁶² Сим – Фарғона.

⁶³ Дури шифоҳийя – табобатга оид китоб.

Мазкур аттор менинг қаердан келганимни сўраб билганидан кейин унга қори берган хатни топширдим, ул ўқиб кўриб мазмунига тушиниб, менга қараб:

– Тўғри, мен, Марғинов борганимда, нўғай домланинг мактабларин кириб кўрган, у кишининг ўқитиш тартиблари менга ёқиб; бу ер, яъни Қубага бир мактаб очиш тилаги билан бир халфа ҳам сўраган ва нўғай домла ҳам бир халфа беришни ваъда қилиб келган эдилар. Бироқ ҳозир сиз пайтсиз келиб қолдингиз, мактаб учун тузуккина ўрин йўқ. Сиз қайтага, мактаб топилгунча бошқа ишга киришиб турсангиз қалай бўларкин? Мана шул ерда, ҳовлимизнинг тўппа-тўғрисида ўз ҳамшаҳарингиз – бир хожи дўкондор бор, унинг менга жуда кўнгли яқин. Шунга ойига бир нарса берадиган қилиб гаплашиб кўяйин, баҳона билан анчагина савдо-сотуғни ҳам ўрганиб қоласиз! – деб менга йўллар кўрсатди.

Мен:

– Бу бочча ака, ўзингиз биласиз, нўғай домла, мени сизга юбордилар. Сиз менга қандай ўринни тенг кўрсангиз, мен ўшал ерда турмасдан сира чорам йўқ! – деб жавоб бердим. Эртасига чойдан кейин шаҳардошим бўлган мазкур хотиннинг олдиға олиб чиқиб, ойига беш сўмдан гаплашиб хизматчи (прикашчик) қилиб кўйди. Хўжайинимнинг оти Шомаҳди хожи бўлиб, жиккаккина бир киши. Ўзи қоп-қора нодон бўлса ҳам, бир тийин чиқадурунган бўлганда, жони бирға чикса ҳам ўшал ердаги кишиларга ўзини закунчи – ҳар нарсани биларман қилиб кўрсатиб юради. Унинг дўкони: Бўйи узун бўлса ҳам, энсизгина бир дўкон бўлиб, унда: чойнак, пиёла, коса, чой, лампа, совун, атир, шағам (шам), патнус, темир, ҳар турли михлар, супирги ва бошқа майда-чуйда нарсалар, тартибсиз равишда бир-бирисининг устига қўйилган эди. Олувчилар келишганда, бир нарса кўрсатмак ҳам сотмоқ бўлсамиз, ўшал нарсани тополмасдан излай-излай эсимиз кетар эди. Бошқа прикашиклардек бойнинг меҳмонхонасиға бориб ётиш йўқ бўлиб ҳар кеча, тартибсиз қўйилган мазкур моллар орасида қисила-қилиса ётар эдик.

Дўконда уч киши турар эдик. Хўжайин, унинг ўғли ва мен. Бойнинг ўғли фалаж касалидан яқинида турган бўлиб, унинг кўриниши жуда қизиқ: бир лаби ўнг томонға қийшайган, сўл оёғининг бармоқлари, унинг оёғининг товониға қараган ва ўнг кўли шалвиллаб тушган эди. 20 тийинлик нарсани 40 тийинга

сотишға жуда уста бўлиб, бир нарсани арзонроқ сотиб қўйсам, мени жаржад қилиб койиб турар эди.

Келганимга бир ойдан ошған бўлса ҳам, ҳалигача бу дўкон турмасидан бўшаб, бир нафасгина бир жойға чиқолмадим ва жойни кўролмадим, кундузи эртадан кечгача қадалиб ўтирар, кечалари авақтиға тушкандек дўкон ичида ётар эдим. Ўзим юриб ўрганган, дайди, ҳавойи киши бўлганим учун жуда зерикиб кетдим. Киши зерикмай нима қилсун? Ҳафтада бир соат ҳам дўкондан бўшай олмаса, жума кунлари ҳам дўкон, эртадан кечкача очик бўлиб, байрам қилмаса, жилла бўлмағанида гаплашиб ўтирмоқ учун кўнгил тортар бир ўртоқ ҳам топилмайдир!

Энди бўлмади, ўйлаб-ўйлаб бу дўкон зиндонидан қутулмоқ учун бир баҳона топдим, бир жума куни:

– Бой ака, истансага чиқиб, бир томоша қилиб келайин жуда зерикиб хит бўлиб кетдим! – деб бойдан сўрадим, унинг рухсат бергиси келмади. Мен қўймадим, қистай бердим. Хўжайиннинг аччиғи келди, жуда тажанг бўлди, титраб-қақшаб чўнчагидан дарров кармонини олди–да, менга қараб:

– Бундай томошани кўнгли тусайдирган киши менга керак эмас! Мен-а, менда шунча ҳаққингиз бўлар экан олинг, – деб қўлимға икки сўм берди, ҳам билатимни бир сандикдан олиб олдимға ирғитиб:

– Ана катта кўча боринг энди! Барча томоша сизники! Истансага борасизми, Симга борасизми? Қаерга борсангиз, ўз ихтиёрингизда! – деб жаржот билан жавобимни бериб юборди.

Бу хўжайинимнинг жавоб бергани койишлари сира кўзимга кўринмади. Қутилганимға кўб шукрлар айтиб, алоқанни олиб, шул Қуба бозорбошисидағи Маҳаммадалижон мадрасасининг мударрисидан бир хўжра сўраб олдим–да, тура бошладим.

1905, 8 ноябр

40

Бу мадраса мударриси юқори ҳимматлик, кўнгли юмшоқ, йўқсил муллабаччаларга раҳм, шафқатликқина бўлиб, рўза ойи ичида бир зовудчи ўртоғиға менинг кашшоқлик ва мусофирлиғимни айтиб, унинг заводидан ҳайитгача иш топиб берди. Пахта зовудчи бойлардан бўлиб, катта машина ўлчов (тарозу) билан пахта тортишға мени ўргатмакчи бўлди. Мен

сўрадирганини сўрушга қадоқ ҳам “чуда”ларига сира тушунолмайд лапашанглик қилиб, жуда гаранг бўлганимдан деворини урадурган сувоқчи устага лой кесак олиб бериб турмоқ учун кўшиб кўйди. Ҳар кун эртадан кечгача рўза оғиз очдан оч деворга лой олиб бериб турдим. Бой менга бир чопон, бир кўйнак-иштон, кавш-махси ва бир дўппи тикдириб бериб, ҳайитга чакмоқдек қилиб кўйди ҳам кўлимга икки-уч сўм пул берди. Бойнинг менга бу берган нарсалари хизматим учун бўлмасдан, закот учун эди. Энди ўз шаҳримда юргандек бу мадраса муллабаччалари ила ҳайитлашиб, юрдим ҳам шул ҳайит баҳонаси билан Андижон шаҳрига томоша қилиб келдим. Унда ўз шаҳардошим баззоз бойлардан кўб бўлиб ораларида танишларим ҳам бор экан.

Ҳайит ҳафтаси ўтди, кишилар байрам кийимларини ташлаб, иш кийимларини кийдилар. Мадрасаларда ўқишлар бошланди. Мен икки-уч “Шарҳи Мулло” ўқийдирган муллабаччаларга кўшилиб дарс бошлашдим. Ҳар кун ўқиймиз, ҳар кун мукалама-мубоҳаса қилишамиз, ҳар кун оғзимизда неча топқир “зараба зайдун” билан, “яъни масъалан” ўқиймиз-ўқиймиз, шовқин-сурон солиб, масжидхона қоҳини бошимизга кўтарамиз, бироқ маънисини бир ерга жазм қилиш, “шул, шундан бошқа эмас!” деб айта олмаймиз. Чунки ҳар лафзнинг неча маъниси, ҳар йўлнинг неча йўл шарҳи, ҳар шарҳи мулланинг бир неча Мавло Асом, Мавлоно Абдулғафур, яна Мавлоно аллакимлари бор эди.

Мана бир ойча ўқиганимдан кейин емак учун бир тийин ҳам пулим қолмади. Пул келадирган хунарим ва ақча юборадирган ота-онам йўқ учун бир киши ҳам қарзга пул бермади, яна бурунгидек чорасиз қолиб, Андижон шаҳрига кўчиш хаёлига тушдим. Чунки ўз шаҳардошим дўкандор бойлар кўб, кўмаклашиб турсалар эҳтимол деб ўйладим. Шунинг учун мударрис домладан рухсат сўраб, фотиҳаларини олдим-да, от аравага тушиб жўнаб кетдим, ўшал куни Андижон шаҳрига бориб етиб, Маматалибой мадрасасига тушдим. Бунинг катта мударриси мени бир қирғиз “хатми карда”га ҳужрадош қилиб кўйди.

1906, январ

41

Бу мадрасанинг бир юздан ортиқроқ ҳужрали тўрт мударриси, бир неча мукаррири, беш юзтача ўқийдирган муллабаччаси ҳам

Ўзиға яраша кўбкина вақфи бор бўлиб, ҳар ҳужрасида; уч-тўрттадан муллабачча ҳужрадош бўлиб турар экан. Бахтимнинг шўрлигини қарангки, ҳалиги қирғиз ҳужрадошимнинг қишлоқларига чиқиб кеткан икки-уч ҳужрадошлари келиб қолиб, мени жуда торлиққа тушурдилар, шунинг учун қирғиз хатмикарда “Дарвоза оғзи” деган ернинг бир мадрасасидан бир ҳужра топиб берди. Бу янги кирган мадрасамнинг 7-8 тагина ҳужраси бор бўлиб, мударриси тақводор, пирга кўл берган киши экан ва шул мадраса масжидига имомлик ҳам қилур экан. Мени очиқ юз, тотли сўз билан қарши олиб, бир ақоид ўқувчи шогирдига ҳужрадош ҳам қилиб қўйди.

Бир неча кун ўтди. Бу ердаги савдогар шаҳардошларим билан ҳали танишганимча йўқ. Чунки ўзим турган мадрасанинг мударрисида “Илал”, “Мухтасар виқоя”, “Шарҳи Мулло” ҳам Мамадалибой боғча-мадрасасига бориб 70 дан ошиқроқ муллабачча сабоқдошларим билан “Шарҳи Мулло”дан “Мабжаси мажрурот” ўқиб юрмакдаман. Шул турган мадрасамнинг ҳар қайси муллабаччалари мени мусофир меҳмон деб сийлашиб, бир томоқ қилсалар ҳужраларига чақиришиб турмакда эдилар. Бурунги ўткан боболарнинг “Зар кадрили заргар билур, чилангар нени билур?” деганларидек, ҳар ким ўз аҳли орасида азиз ҳам ҳурматликдир. Бошқа шаҳардан келиб Андижон саддо⁶⁴ларини алдаб, эллиқни юзга сотувчи савдогар бойларнинг эшиқларига чурук-чурук бир неча ерларидан ёмон чопонлар билан бориб, шумшук кўриниб(шга) нима бор? “Оч қорним тинч қулоғим” дегандек чалароқ бўлса ҳам бир қорин тўйиб турибди. Қўй! Ул бойларнинг тиришган манглайлари, солинган қовоқ-тумшуклари ва хўмрайган кўзлари курсун!

Энди қор ёғиб, совуқ ҳам қитдиғланган, эгним юпун бўлганлиқдан катта мадраса борар борғунча ддр-дрр қалтираб, югура-югура бораман. Биз етмиш киши дарсхона торлиқ қилиб сиғмағанимиздан мударрис Холмурод охун(д) бизга хонақоҳға бориб дарс берар эдилар. Биздан бошқа эллиқ-олтмиш кишилиқ уч-тўрт тўп муллабаччалар ҳам хонақоҳда дарс олиб, ўн беш йигирма кишилиқ жамоалар сиққанлари учун дарсхонада дарс ола берар эдилар. Хаҳ, бу Андижон кўчаларининг ботқоғи курсун! Кечаги икки кундаги совуқ ҳам ғанимат экан, бугун ботқоққа бота-бота

⁶⁴ Саддо – савдогар.

ўлиб бўлдим! Дарсни ўқиб бўлиб, катта мадрасадан кичик мадрасага қараб қайтишимда кавишимнинг бир тақаси жағидан каттагина йиртилиб бу явиқликда ямоқчи кўринмагани учун кавишимни оёғимнинг учига илиб, зўрға судраб кетдим. Йўлда олдимдан бир шаҳардошим лоп этиб чиқиб қолмасинму? Ул кўчанинг нариги ёғида бўлса ҳам ота-онам тирилиб келгандек, кўчанинг ўртасидаги ботқоқдан унинг олдиға қандай ўтганимни билмай қолдим. Бу киши Тошкентдаги мадрасадорларимиздан бир олдиноёқ қори эди. Унинг билан дарров қучоқлашиб кўриша кетдим. Эсон соғлиқ сўрашгандан кейин қаерга тушганини сўраб билсам, ул бу ерга бир дўкондор қариндошини кўргани келган экан. Кавишимдан йиртик, эгним юпун эканликин кўрди ва қайси мадрасада туришимни билди-да, “яна кўришурмиз!” деб, “соғ бўлила(р)”лашиб борарға қараб кетди. Мен яна ковушимни судрай-судрай минг қийноқлар билан бир ямоқчининг дўкониға еткиздим ҳам беш тийин бериб, ялиниб-ёлбориб яматиб олиб, мадрасага бердим.

Бугун ўтди, эртасига катта мадрасага ўқуғани келиб, кечаги тошкентлик қориға мадраса ичида яна учрашиб қолдим. Ул манга қараб:

– Таътил (ўқиш тўхтаган) кунлари, ўз шаҳардошларингизни кўрарға бориб турсангиз бўлмайдами? Муллабаччачилик, киши оч қоладир, яланғоч қоладир, сиз бормасангиз, улар қаёқдан билсинлар? Ўзингизнинг мадрасадорингиз Илҳом қори ҳам, бировга гумашта бўлиб шул ерга келган экан. Улар билан кўришиб, сизнинг шул ерга келиб олганингизни айтдим. Сиз ундай қилманг, ҳамшаҳарингиз билан аралашиб туринг! Мен Муҳиддин хўжа деган бир баззозға далолат қилган эдим, ул сизға атаб бир юз пул йиғиб қўйди. Ўқишдан бўшаганингиздан кейин дўконини сўраб бориб, ўшал пулни олиб келинг, деб мени(нг) кўнглимни анча кўтарди. Мен ҳам:

– Хўб тақсир! Дарсдан чиққанимдан кейин бораман! – деб дарсхонаға кириб кетдим.

Дарсдан бўшаб бозор бошиға чиқиб, халиги айтилган баззозни излаб, бир растадан топтим. Ул мен билан кўришиб, аҳволимни сўраганидан кейин чой-нон қилиб, ҳар кимдан йиғиб қўйган бир сўм эллик тийин ақчани қўлимға тутқизди, мен унга раҳмат айтиб қайтмоқчи бўлганимдан ул кўраси қаердалиғини айтиб,

боришимни ўтиниб қолди. Бу пул қўлимга тушгандан кейин жуда теримга сиғмай кетиб, катта-катта ҳаражат қилишга тушиб кетдим. Дарров ошхонага кириб, ўн беш тийинлик палов олиб уриб олдим. Нимчорак (1/8) қадок чой, уч қадок кўмир, бир-икки боғ ўтин, бир қадок канд ҳам йигирма тийинлик нон олиб ўзимнинг кичик мадрасамга шаталоқ отиб югура кетдим. Бугун мадрасамиз тўйга айланди: самовар қўйилган оловлар танчаларда бозиллаған, сабоқдошларимдан бир нечаси хужрамга йиғилишган бўлиб, суюнч, қувонч, хужрамда ашулабозлик тўполон эди!

Бир панжшанба куни бояғи пул йиғиб берган базознинг “қўра”сига бориб меҳмон бўлдим. Унинг ўзи ҳам, кишилари ҳам, яхши ҳурматладилар. Эртасига қайтишимда менга бир қори камзулини бериб:

– Таксир! Мана энди бизнинг қўрани кўриб қўйдингиз, бу ерда ҳамшаҳарларингиз ҳам бор, зериккан чоқларингизда келиб-кетиб юра беринг! Киши мадрасада ҳадеб ёта берса, хафа бўлиб қоладир. Биз ҳам мадраса кўрган муллаларнинг тирикчилигини яхши биламиз. Тез-тез келиб туринг! Тузукми, – деб таъкидлаб, хайрлашиб жўнатди. Бир-икки кундан кейин Илҳом қори ва бошқа шаҳардошларимнинг кўпи билан танишдим. Энди уларнинг қўралариға ҳам кўб бориб келадирган бўлиб қолдим.

Мен ўқиб юрган катта мадрасанинг эгаси Мамадали бойваччанинг ҳовлиси ўз мадрасанинг тўғрисида экан, бир кун ўзини кўрмакчи бўлиб бордим, шиплари тутунлар билан қопқора бўлган бир соддағина салинган меҳмонхонада бир-икки банги оқсоқол кишилар билан керосин солиб, алангасини кўкка чиқариб, наша чекиб ўтирмоқда ва гулханнинг олдида бир неча катта-катта қора қумғонлар қайнаб турмоқда эди. Бой узун бўйлик ва узун соқоллик бир киши бўлиб, оппоқ соқоли киндигига тушган, оловнинг олдида кўб ўтирғандан бўлса керак соқоли сарғишланган эди. Мен олдиға киришим билан:

– Келинг-келинг, муллака! – деб ўрнидан туриб кўришди ҳам юқоридан жой кўрсатиб ўтқизди. Ўзи дастурхон ёзиб нон қўйди, қайнаб турган қора қумғанидан чойнакка чой дамлаб ичирди. Ва бунинг думоғида бўйлик кераги йўққа ўхшаб кўринди, бир оз гаплашиб ўтириб, мени хурсанд қилиб чиқарди.

Бир кун нима бўлиб, кечки мадрасанинг мударрисининг олдида Маматали бойваччани мақтаган эдим ул киши:

– Эй, чироғим. Ул бойнинг ишларини мендан сўранг, мен ҳам унинг мадрасасида ўқиб хатм қилганман, мадраса солган чоғида бир неча уста, мардикорларни(нг) бошларини ёриб, бир неча мардикорларнинг ҳақини бермасдан бечораларни йиғлатиб, қандай кийнаган ва уларга қандай жабр-зулмлар қилган эди. Кўб усталарнинг ҳам ҳақини еб кетди. Масжид, мадраса солган киши бировнинг ҳақини емасдан, хиёнат ва жабр қилмасдан солса тузук, бундай қилгандан кейин савоб қаёғда дейсиз?! – деб бойнинг қилган ёмонликларини бир-бир санади.

Бу шаҳарнинг кўча ҳам расталари кенг-кенг қилиб ишланган, кишилари қирғиз суратлик, кўпол, дағал муомалалиқ бўлиб, Марғинон кишиларидек кўбда чиройлик эмас эдилар. Хитой чегараси яқин бўлганидан Қашғар халқи мўл, бозор ери юқориликда, кўб маҳаллалар кўйилиқда захкашроқ жойларда бўлиб, Фарғона темир йўлининг бир учи шул шаҳарга келиб тўхтаган эди.

Туновги мени чақириб пул ҳам камзул берган Муҳиддин хўжа базозникига бориб, бир-икки кун ош пишириб берган эдим, кўб-да яхши пишира олмасдан, бир дапқир серсув, сертуз – мўл қилиб, бир дапқир тегига олдириб юбордим. Шундан кейин орада совуқлик тушиб, тез-тез боралмайдирган бўлиб қолдим.

Бир кун мен турган “Дарвоза оғзи” гузарининг олдида бир ўғрини ушлаб, судраб олиб келиб, арава кегайи билан ҳаш-паш дегунча уриб ўлдириб кўйдилар. Бу ернинг кишилари жуда қизиқ; кўрсғина, қизиққонликқина бўлиб, кўб киши йиғилиб бир жанжал, бир уриш бошласа, “оломон” дер эканлар. Бундан бир-икки йил бурун бир ҳожи хотинни бош қилиб, йўлларни кесиб, уйларни босиб, халқни қақшатиб, тинчини олиб юрган ўн беш, йигирма ўғрини ҳам, шундай оломон йиғилиб, бир-бир уриб ўлдиришган экан.

Оҳ, шўриси курсин! “Ўлган устига кўмган” дегандек, кечки ҳайит ҳам келиб қолди, барча кишилар янги кийимлар кийишган, барча кишилар қариндош-уруғлари, таниш ўртоқлари билан кўришган, барча кишилар, бир-бирининг ҳовлиларига ҳайитлаб (ҳайит қутлаб) боришган, барча кишиларнинг оғзи алжайган, юзи кулган эди. Бозор бошидағи чойхона, тўла ошхоналарға халқ тикилинч, ҳар кимнинг чўнчаги ҳайит пули билан бўлиб, ёш

болалар ота, бобо, тоға, амаки, ака ҳам бошқа яқинларидан хайитликлар олмоқда эдилар.

Мен бечора йўқсулда, кийим ҳам йўқ, ақча ҳам йўқ эди. Уксизликнинг устига мусофирлик, кашшоқлик. Муллабаччалар уйларидан хужраларига кулчалар, бўғирсоқлар, юпқалар ҳам бозордан: ҳар турли қанд-қурслар, мевалар келтириб талинкаларига солиб... патнусларини ўзи ҳам йўқ эди. Бир оз юпанмак ҳам кўнглимни очмоқ тилаги билан шаҳардошларимнинг кўраларига борган эдим, унда ҳам, қайғу-хасратим тарқалмади. Чунки уларнинг бойликлари бор учун мусофирликлари ҳам билинмас, ҳар турли яхшилари кийимлар кийишган, бир-бирларининг кўраларига, ҳовлиларига хайитлаб боришган, самоварлари вориллаб қайнаган ва қозонларида қовурдоқ ҳам палов пишиб турган эди. Мен бўйни эгилган, кўнгли синиққан бир гиналарининг ҳам қороғилари келмас, қайсилари ёлғандангина:

– Ҳа, мулл(а)ука! Эсон-омон, юрибсизми? – деб кўяр эдилар. Ул хўкиздедек тўқ бандалар, эски-туски кийимлар кийган, тўрт газ ҳам келмайдирган бир кир саллани бошига чулғаган, сассиқ, битлиқи, ифлос муллабаччани нима қилсунлар? Қайтага шулчокда уларнинг олдиға борганимға ўкина-ўкина жуда қайғуланиб лаби лунжим осилиб кетиб, қовоғимдан қор ёғиб, хужрамга қайтиб келдим.

Шул хайит ҳафтаси бир кеча тушимда отамни кўрдим, ул киши:

– Болам, кўб қайғуланма! Қўқон томониға бор, шунда хурсанд бўлурсан, – деб ўгитлаб турганларида чўчиб уйғониб кетдим. Тонг отган эди. Тушга ишонувчи бир махлуқ бўлганимдан шул кун бир китобини бир сўм эллик тийинга сотдим-да, хайит бекорчиликда бир томоша қилиб келмак учун ўзим кўрган Қуба шаҳрига бордим ва ундаги таниш-билишлар билан кўришиб, мадрасага кириб ўзим ўқиған мударрис домлани ҳам зиёрат қилдим. Мударрис домла ҳам:

– Ҳа, келинг тошкентлик! Яхши бўлди, ўз пайтида келдингиз, сизга бир жой топиб қўйган эдим, – деб мени жуда суюнтирдилар, чой келтирилди, ичишиб, гаплашиб ўтиришдик.

Бир оздан кейин мударрис домла сўз бошлаб:

– Шу ерга яқин, Сотимбой хожи деган бир катта деҳқон бор, унинг жойи бу ердан икки чақиримча “Сойбўйи” дейдирган жойда бўлиб, кўб чоғдан бери бир мактабдор домлаға муҳтож эди, менга

хам неча кунлардан бери ҳиққиллаб юрибдир. Унинг бир кичикрак мадрасаси, бир масжиди бор. Бир киши унда мударрислик ва имомлик қилиб турибдур. Сиз борсангиз сўфилик (муаззинлик) билан мактабдорликни оласиз. Ўзингиз туриш учун бир хужрага палос солиб берадир. Бир катта хужрада бола ўқитасиз. Мактаб боши бир йилга юз сўм болалардан тушган озодлик яна ўзингизники бўладир. Мударриси хам жуда фозил киши, ўзи Марғинон шаҳрилик, хатмиға дарс айтишга кўли келадир. Ўқиғингиз келса, мударрисда ўқиб хам тура берасиз. Мана, хўб десангиз, эртага сизни бирга олиб бориб жойларини кўрсатиб, бой билан гаплаштириб келаман, – дедилар.

Мен хам тасодифий равишда тушим тўғри келганига тонг (ажаб) қолиб, қашшоқликдан жонимдан тўйғанимдан дарров кўндим. Эртасига икковимиз икки отға миниб бориб, мазкур Сотимбой ҳожи билан гаплашиб ва жойларини ёқтириб келдим. Кубада яна бир кун турдим-да, Андижонға бориб қолган нарсаларимни хужрамдан олиб келиб, Сойбўйи мадрасасида ўринлашдим.

1906 йил 17 феврал

42

Бу ерда болалар бир-бир ўн бештача йиғилди, уларни бир хужрага қамаб, яхшилаб ўқита бошладим. Беш намозға азон айтиб, имом йўқ чоғида имомликқа хам ўтмоқдаман. Бу имом хам мударриснинг олдида бир-икки муллабачча билан “Шамсия” хам бошлашдим. Марғинондаги “Нўғой домла” атанған Қудратуллох қори хам Мулла Сиддиқ деган бир шогирдини Кубаға ке(л)тириб, бозорбошининг бир масжид ёнбошида мактаб очириб бериб, муаллим қилиб кетди. Шаҳарда турган чоғимда, унинг бу муаллим бўлған шогирди билан ўртоқ бўлиб қолған эдим, зериккан чоғларимда (етди кун, ўн беш кунда) бир дапқир олдиға келиб, кўнглимни юпатиб кетиб тураман. Энди жуда шодлик, хурсандлик, ош, нон хам бошқа томоқларни бой бериб турадир, қорним тўқ, қайғим йўқ. Андижонда тортған барча қийноқларимни унутган, кийимларим ювуғлик, эгниларим бутун бўлиб, семириб қолған эдим.

Бир ойчадан кейин муаллим Сиддиқ ҳожининг бир шогирди “суннат тўйи” қиладирған бўлиб қолди. Унинг ҳовлиси мактабнинг

тўппа-тўғрисида бўлиб, отасининг каттагина бойлиғи бор экан. Юртига тўрт кун ош бермакчи бўлганидан келиш-кетиш кирасининг берадирган бўлиб, Қудрат қорининг ҳам йигирма беш шогирди билан Марғинондан олиб келди. Қорининг ке(л)ганини эшитиб келиб, уни хужрамга олиб бордим. Икки соатча чой, нон, қилиб гаплашиб ўтирғанимиздан кейин қори мени Сотимбой хождан тўй ўтғунча бола ўқутмаслиғимни сўраб олди, сўнгра мулла Сиддикжоннинг мактаб хонасига қайтиб келишдик.

Тўй бошланди: ҳар турли ашулачилар келган, бир томонда улоқ, бир томонда курашлар бўлиб турган, улоқда отдан думаланиб неча кишининг боши ёрилган, курашда неча кишининг кўли чиқиб, оёғи оқсоқланган эди. Қорининг шогирдларини, ҳар кун бир-икки дапқир тойхонага олиб чиқиб, “асубҳу бадо мин тальятиҳи”⁶⁵ билан “Ўқув Қуръон яхшилаб” тизма(назм)ларини баб-баробар овоз билан ўқитдириб мазаланмакда эдилар. Қорининг ўзи ҳам кишиларни ўзиға тортмоқ учун шогирдлариға ҳалиги шеърларини айтдириб, Куба расталарини бир неча дапқир айлантирар, кишилар ағрайиб бир оз оғизларини топиб турганларидан кейин:

– Мана янги тартиб, ана нўғой домланинг кўрсатган ҳунарлари. Балли, отасиға раҳмат! Домла деган бола деганни шундай ўқитса! – деб мактаб қолмоқда эдилар.

(Бизнинг Туркистонда 1900 йилдан 1906–1907 йилгача усули жадида билан ўқитиш тартиблари: “Ўқув Қуръон яхшилаб” билан “Ассубҳу бада мин тальятиҳи”дан, бир оз чизма-чизиқ хатдан иборат эди. Бу иш ўзбекларда бўлиб, татарлар яхши тартиб билан ўқита бошлаган эдилар)

Кечалари сахарғача базм. Катта гузарнинг ўртаси кишилар билан тўлиб, қуршаб олинган, ерга сиғмасдан дўконларнинг томиға ҳам чиқишган ва катта-катта тўнкалар киши бўйи қилиб ўртаға қаланган, яхшироқ аланга ва ёруғ берсун деб, кетма-кет тўнкаларнинг устига ўн беш қадақдан лампа ёғи келтириб қўйиб турилмоқда, баччалар ўртада гувиллаб ёниб турган тўнкаларнинг теварагида елкаларини силкитиб, қошларини учуриб кўзларини қисиб, турли мақомға йўрғалаб ва гир-гир айланиб ўйнамоқда эдилар.

⁶⁵ Ёд олиниши лозим бўлган сура ва шеър.

Бу томоша бу базмдан ислом шариатининг эгали бўлган, қози, муфтий, муллабачча ва эшонлар ҳам қолмаган эдилар, кишиларнинг қайсилари баччаларни уриб, кучоқлаб, беш сўм – ўн сўмлик қоғозларни чаккаларига қистирар, қайсилари беш сўм – олти сўмлик тўнларини елкаларига солар эдилар. Ҳар томондан ўлдим куйдимлар оҳ-воҳлар кўкка кўтарилмакда, неча кишилар “Қадиндан аканг, бир илтифот қилсанг-чи”! деб фарёд-фиғонлар қилишмоқда, бачча бир пиёла чойни озгина хўплаб бердими уни “замзам” сувидан ҳам ортиқ билиб, талашиб-тортишиб ичишмоқда эдилар!

Мана шундай беш-олти минг сўм ортиқча чиқимлар билан ўксуз, йўқсуллар туртилиб, бойлар, муллалар ва амалдорлар сийланиб, Фарғонанинг тентакларча қилинадирған томошасининг биттаси ҳам қолмасдан тўй ўтди ва ҳар ким ўз ишига айланишиб кетди. Қорини ўз шогирдлари билан Марғинонға жўнатиб, мен ҳам ўз мактабимга бордим.

Мен Қ. қоридек янги йўсинда ўқитишни билмаганимдан эскича хазрати Нухдан қолган ўқиш йўсини билан ўқитаман. “Ҳафтияк”ни хижжа, суралаб ўқийдирған, “Чор китоб”, “Саботу-л-ожизин” (Сўфи Оллоҳёр), Хўжа Ҳофиз, Бедил, Навоий, “Маслаку-л-муттақин ва “Фавзу-н-нажот” деган китобларға тушган шогирдларим бор. Калтагимнинг йўғонлиғи, кишининг билагидек келиб, мактабнинг ул учидан бул учига етар, қайси бола ўқимаса, уёққа буёққа қараб ўтирған бўлса, узоқдан туриб ҳалиги калтак билан бошиға қарс этиб тушириб қолар эдим. Шунинг учун болалар, қўлларини юқори-қуйи қилиб, бутун таналари билан тебраниб ўқур эдилар.

Шогирдларимнинг оталари:

– Шул тошкентлик домла келганидан бери болаларимизнинг зеҳнлари очилиб, саводлари жўнашиб қолди, – деб мендан анчагина хурсанд ва миннатдор. Болалардан биттаси келмай қолса, ўйнаб қолса ёки собоғимни ўқитиб қараганимда билмай қолса, орқасига ёки ётқизар эдим-да, икки болаға икки оёғидан, яна икки болаға икки қўшдан тортдириб, камзул ҳам кўйлақларини кўтартириб, унинг думбасига йўған ҳам хипчинлар билан шундай ачитиб савар эдимки бечора боланинг орқа ва думбалари қабариб, ота-онасининг юраклари куйиб, ачиса ҳам менга келиб бир нарса

айта олмас эдилар. Чунки отаси боласини мактабга бошлаб ке(л)тириб берган чоғда:

– Таксир! Мана шу қулбаччангизни бепарво бўлмасдан яхшилаб ўқитингиз! Мен ҳам кўлимдан келган хизматимни аямайман, эти сизники, суяги бизники, ёмонлиқ қилса, сира аяманг, ура беринг! То домланинг табаррук калтакларини емагунча бола деган мулла бўлмайди, – деб таъкидлаб топширған!

Бир болани калтаклайдирган бўлсам, эшикларни ёпиб, болаларнинг барчасини довуши борича шовқун солдириб ўкутиб туриб калтаклар эдим. Шунинг учун болалар, минг дод-фарёд қилсун, довуши эшикка чиқмас, бўлмаса кўни-кўшнилар, кўча-кўйдаги кишилар эшитиб қолса, уларнинг юраклари ачиб кетиб, ажратиб олишлари узоқ эмас эди. Чунки болаларга шунча золим бўлатуриб, вой-войлағанлариға чидалмасдан ўзимнинг ҳам исиркар (рахм қилар) эдим.

Сабокдошларим билан “Мантик”дан “Ҳошия”ни ўқушар эдик. Бизнинг бу мударрис домламиз жуда зийрак киши бўлиб, бир хунарни кўрдиларми, уни дарров ўрганиб олур эканлар, ковуш-маҳси тикиш, эгир-юган қилиш, иморат солиш, сувоқчилик, милтиқ тузатиш ҳам муҳр ўйишларни(нг) барчаси кўлидан келарди.

Ҳай-хай, суюнчи, қувонч. Қиш чоли кетиб ёш йигит кўклам келди. Энди гуппи тўнларни устимиздан ташлаб, яктак билан юра бошладиқ. Ёғочлар кўклам келишиға байрамлаб, кўм-кўк тўнлар билан ясанған, ерлар, ям-яшил ўтлар билан безалган, ариғларда сувлар жилдир-жилдир оқмоқда бўлиб, теваракдаги кўкламзорлар кўзларга яхши кўринишлар берар, димоғлар яхши ислик ерлардан тотли-тотли исигланар, турли-турли оғочларда қушлар учиб кўниб – учиб кўниб ўзларининг ингичка довушлари билан сайрашар ва ўтлоқларда ҳайвонлар ўтлашиб, ўйноқлашиб улар ҳам ўзларича байрам қилар эдилар. Ҳар кимнинг кўнглида қувонч, юзида севинч изи (асари) бор эди. Менинг ҳам ўйноғим, кезгим келар, болаларни кечгача ўқитиб ўтиришға эринар ва ялқовлиғим турар эди. Шунинг учун ҳар кун пешингача болаларни ўқитиб бўшанар эдим-да, муллабаччалар билан теваракдаги самовархоналарға бориб, кишлок баччалари билан чой ичишиб, оқшом ва хуфтон чоғларида мадрасага қайтиб келар эдим.

Бизнинг мадрасадан кўб узоқ эмас, Куба кишилари улуғлаб юкинадирган, уларнинг қарашида Каъба ўрнида турадирган “Қоравул ота” деган бир мазор бўлиб, ҳар йилгидек, шунда сайил (сайр-томоша) бошланди. Бунга ҳам икки кунда, уч кунда бир даққир бориб айланиб келиб тураман. Шу ерда ўчланиб кетган бир юқори тоғ устида қоровул отанинг гўри. Унга ҳар ким чиқиб, зиёрат қилиб, Қуръон ўқиб бағишлаб тушмакда, қабрнинг деворлариға бошларини уриб йиғлағувчилар ва юз кўзларини сургувчилар ҳам ўпғувчилар кўб эди, қайси хотинлар эшак халқалари, кўчқор шохлари ва мазор тоғалариға бир газ – икки газ чит, дока ҳам бўзларини йиртиб-йиртиб боғлар, қайсилари бир кўша – икки кўша (жуфт) шағам ёқиб кетар эдилар. Назр учун атаб ке(л)тирилган жонлиқлар (қўй ва эчкилар) сўйилиб, қозонларда этлар пишиб турган, сўйилган жонлиқларнинг қон ва суякларига ўрганган мазор шайхлари ҳар вақт кўзларини лўқ қилиб қараб ўтирмоқда ва тайёр бўлганида талашмоқда эдилар. Мазор тоғининг этагида самоварчилар, ош, кабоб, балиғ пиширгувчилар ва қовурдоқлар ўз ишларида бўлиб, болалар, йигитлар, ҳар ерда тўда-тўда бўлиб, товуқ тухумларини уриштирар, баччалар чиқиб, базмлар ҳам бўлиб турар эди.

Бир панжшанба куни мулла Сиддиқнинг мактабига келган эдим. Қудратулла қори унга кўмакчи (муовин) қилиб Аҳмаджон деган бир шогирдини юборган ва тўйға чақириб бир битик (мактуб) ҳам келган экан. Ул битикни ўқиб тушунганимдан кейин муаллимларга қараб:

– Қори домла мани ҳам тўйға таклиф қилган эканлар, бироқ менинг мактабим бор, боролмайман. Ҳар нима бўлса ҳам иқовингиз бора қолинг! Қори домлаға менинг томонимдан саломлар сўйлаб, узрларимни ҳам айтиб қўясиз! – деб таъкидладим ва Марғиновға бормайдирган бўлдим. Шул кеча мактабхонада қолиб, жума куни булар билан уёғ-буёғни томоша қилдим-да, кечкурун ўз мактабимга кетдим.

Сой бўйиға борганимда, кўча эшик олдида Сотимбой ҳожининг бир иниси билан тўқнаш келиб қолдим. Ул манга хўмрайиб қараб:

– Сан ўзинг қандоғ одамсан?! Сўфи деган ҳар намозға тайёр бўлиб азон айтиб турмайдирми? Икки кундан бери қаёққа йўқолдинг? Кеча мен хуфтонға чиқсам, масжид азонсиз қоладиган

экан! Мунча тентираб юрасан? Жуда аҳмоқ мулла экансан-ку!. деб мендан қаттиқ койи(н)ди, мен унинг бу ҳақлиқ койишидан кўнглим ёмон оғриб, чурқ этмасдан мадрасага кириб кетдим.

Эртаси шанба куни болаларни ўқитиб, бўшатганим (озод қўйганим)дан кейин қовоғ-тумшуғим солиниб, манглайим буришиб ва кўзларим ёшланиб бойнинг олдиға кирдим-да, укасининг менга айтган сўзларини, камситган (ҳақорат қилган)ларини бир-бир айтиб, узил-кесил юртимга кетиш тилаги кўнглимга ўринлашганини билдирдим. Сотимбой ҳожи:

– Укам бекор айтибдир, домла, сиз хафа бўлманг! Мен уни ўзим койиб қўяман. Унинг ўзи шунақа, серзардароқ. Ҳар куни неча киши билан уришадир. Кетаман деган хаёлни кўнглингиздан чиқариб, баҳузур болаларни ўқита беринг! – деб кўнглимни юпатмак бўлди. Мен мадраса муллаларига махсус билимга алданиш (мағрурлик) ва улуғланиш билан:

– Ҳожи ака, энди менинг ҳақимни бериб жўнатиб! Бундай оми кишининг ҳақорат сўзларини эшитиб туришға сира тоқатим йўқ, кетаман! Бошимдан зар қўйсангиз ҳам, бўйим тенги олтин тўксангиз ҳам бу ерда турмайман, – деб сўзини кесдим. Ҳожи нима қилишини билмасдан қолиб кўзига жиқ-жиқ ёш олиб:

– Хайр, зоримиз бор, зоримиз йўқ, турсангиз бўлар эди, энди туришни хоҳламаганингиздан кейин нима қиламиз? Бўлмаса, эртага, сизни ке(л)тириб қўйган мударрис домла билан гаплашаман-да, сўнгра ҳақингизни ҳисоблаб бериб йўлға соламан. Бу тўғрида хотирингиз жам бўлсун! – деб жавоб берадирган бўлди.

Эртасига мазкур мударрис домлага учраб сўзлашган экан, ул киши:

– Майли, жавоб берсангиз ўз ихтиёрингиздан, – дебдир. Шунинг учун уч ойға 25 сўм бериб, юкларимни бир отға ортиб, эсон-соғ бўли(нг)ла(р)лашиб жўнатди. Мен ҳалиги алоқаларим билан мулла Сиддиқжоннинг мактабига келиб туштим ҳам хизматдан бўшаганимнинг сабабларини уларга бир-бир айтдим. Улар ҳам:

– Яхши бўлибтир? Бирга кетар эканмиз, – деб суйинган бўлдилар. Бу икки муаллим, эртасига тўёналарни бозордан олдилар ва кечкурун истансага чиқиб, поезд кутиб ўтиришдик.

Мен ёнимдан ёнчиғим (ҳамёним)ни олиб, пулимни бир сидра санаб қарадим-да, яна бечоралиқ билан камзулимнинг чўнчагига солиб қўя бердим. От арава келди. Билетларимизни олдиқ, уч

кўнғирокдан кейин отсиз аравамиз қичқириб-қичқириб юриб кетди. Ўртадан ўн минутча ўтар-ўтмас, чўнчагимга қўлимни солиб қарасам, ёнчиқ (хамён) ўрнига ҳаво тўлган эди. Жуда кайфим учиб кетди. Шошилиб, энтикиб бошқа чўнчакларимни излай бошладим: қарасам, уларда ҳам йўқ. Ўзимиз ўтирған уйнинг эшик олдилариға бир неча дапқир излаб бориб қолдим, унда(н) ҳам тополмадим.

– Оҳ уятға ўлдим! Энди нима қиламан? Шунча тортған эмгак (меҳнат) ҳам оғирликларим бўш-бўшиға кетди! – деб куйиб-пишиб йўлдошларимға билдирдим. Улар ҳам ачинган ва улар ҳам излашган бўлдилар, ҳайфки топилиши энди қийин ва олған киши қайтариб бермас эди. Йўлдошларим эзилган кўнглимни кўтармоқ бўлдилар. Йўқ, кўнглим сира тинчимас ва юпанмас эди. Шул қайғу, шул хапалик билан истансага етканимизни билмай қолибмиз.

1906 йил, май

43

Тўй юбориладирған кун бўлди. Қорининг ўртоқ, танишлари ва ўқувчилари томонидан тўёналар кела бошлади. Биров патнус-қандолат билан ясаб, устига бир тўп чит қўйған, биров патнусни оқ қанд билан ясаб, устига бир жўра атлас қўйған, биров патнусни кампот билан ясаб, устига саккиз газ хушвах қўйған, биров патнусни магиз билан ясаб, устига шол пешонабоғ қўйған, биров бир калла қанд, биров беш сўм, биров ўн сўм пул, биров тўйнинг нонини, биров тўйнинг ҳолвасини – қисқаси, ҳар киши кучи етканича ва ўзиға яраша топқанини келтириб турмоқда эди.

Ўқувчиларнинг биттаси, ким ке(л)тирганин ва нима ке(л)тирганин айтмақда, биттаси биринчи-иккинчи қилиб ўз тартиби билан ёзмоқда, биттаси келган кишиларни бошлаб ичкарига олиб кириб кўрпачаға ўтқизмоқда, биттаси патнус ясаб бермоқда, биттаси дастурхон ёзиб, патнус ке(л)тириб қўймоқда, биттаси самовар қайнатиб, чой дамлаб турмоқда эди. Кундуз соат бирдан кейин араваларга нонлар, ҳолвалар, магизлар, ун, гуруч, сабзи, пиёзлар ва турли-турли кийимликлар ортишиб, юздан ошиғроқ кишилар билан қиз (келин)нинг уйига “тўй” олиб бориб, паловлар еб, нон, ҳолва, магизлар олиб, қайтиб келишдик. Кечқурун қирқ-эллик киши билан куёвни ўртаға олиб яна қуданикига бориштик, ош ўтди, никоҳ ўқилди, домла имом билан

ёши каттароқ кишилар тарқалдилар. Биз ўн-ўн бештача ёшлар куёв жўраси бўлиб, бир меҳмонхонага қолиб, “ёлған тонг” (субҳи казиб) бўлгунча зиёфатлар еб, дотор, танбурлар билан кўшиқлар айтдириб, турли ўйин-кулгилар билан кайф қилиб ўтириштик. Жўнашимизга яқин ҳар биримизнинг олдимизга бир қийиқча, бир дўппидан кўйилди, сўнгра куёвни келин уйига бирга киргизиб кўйдик-да, қайтиб келишдик.

Тўйлар ўтиб кетди, ўз шаҳрим Тошкентга юрай десам йўл кирага пулим йўқлиғидан қорининг мактабига қарашиб турдим. Орада икки ойча ўтиб кетди, бир кун Тошкентдан имом қори деган бир мадрасадошим, Марғинонға дўппи сотмоқ учун бориб қолди. Ул мани кўриб:

– Ий...йй, сиз қанча вақтлардан бери мадрасада кўринмас эдингиз, шу оёғларга келиб қолган экансиз! – деб жон соғлиқ сўрашди ҳам нима учун кета олмай юрганимни сўрай бошлади. Мен бошимдан кечирган оғир кунларимни бир-бир айтдим. Ул мени қаттиқ жиркади, кўнгли юмшади, Наманган(га) бориб дўппиларини сотиб қайтиб келгандан кейин Тошкентга олиб кетмак бўлди.

Ул Марғинонда икки-уч кун дўппи сотгандан кейин Наманганга бориб, бир ҳафта ўтқизиб қайтиб келди. Тошкентга янги Марғинон (Сим)дан жўнамоқ бўлиб, у ерда бола ўқутувчи мулла Дадамаҳаммад акамнинг олдиға чиқиштик. Унда бир кеча отамлашиб ётиб, эртасига жўнамоққа тебрандик. Мулла Дадамаҳаммад акам ҳар биримизга тўрт жузвидан янги йўсинда ёзилган “Ад-дурсунна ҳўйя”⁶⁶ деган арабча нахв китоби берди. Сўнгра шу ердан поездға тушиб жўнаб, эртасига кечаси ўз шаҳримиз Тошкентга етиб тушдик, имом қори ўз уйига ва мен мадрасага келиб, Мираъзам ўртоғим билан яна топишдим.

1906 йил, июл

44

Бу икковимизнинг бир йилчадан бери бир-биримизнинг бетимизни кўролмай юриб, энди кўришган чоғимиздан суюнч – қувончни ер-кўк орасиға сиғдира олмай қолдик. Икки соатча бошдан ўтган ишларни сўзлашиб, ҳасратлашиб ўтиришиб тонг отарға яқин уйқуға киришдик. Соат тўққиз-ўнларда ўриндан туриб

⁶⁶ Ад-дурсунна ҳўйя – араб тили синтаксисига оид ўқув китоби.

чой ичгандан кейин сабоқдошларим ҳам мадрасадосларим билан кўришиб амакимнинг ҳовлисига кетдим. Улар билан ҳам кўришиб, эсон-омонлиқларни билганимдан кейин бошқа таниш-билиш, уруғ-аймоқларимни уйларига бир-бир бориб кўриб, икки-уч кунда битирдим.

Бу йил бизнинг Тошкентда бир янгилик юзага чиқиб қолибдир. Мадраса муллалари орасида растадаги дўкондорлар оғзида:

– “Тараққий” газит, “Тараққий” газит, – деган був-дувв... гап. Кейин тегини суриштириб пайқасам Исмоил Абидоф деган бир нўғой “Тараққий” деган бир газет чиқариб, Тошкентнинг қорни катта бахил бойлари, порахўр қозилари, вақфнинг кўпини ўзи еб кўйиб, муллабаччаларга пуч ёнғоқ кўрсатувчи мадраса мутаваллилари, шул йигирманчи юз йил (аср)га яраша илмлар ўқитмасдан, шўринг қурғур, муллабаччаларнинг қимматбаҳо умрларини қаёғдаги бўлмағур сафсата илмлар билан ўтказғувчи уламолари тўғрисида гаплар ёзиб, барчани турли-турли ўйлар ва хаёлларга солиб кўйибдир. Бу “Тараққий” газетасига Миробод маҳалласининг имоми – Мунавварқори катта ёзувчилардан бўлиб, бошқа қори қулларининг маломат ўқиға нишони бўлиб турмоқда экан. Бу газетга ҳалиги зарарлик қуртлар билан олишғандек, Николай ҳам унинг губернатор, ҳокимларининг хос қуллари ва дуогўйларидан бўлган Остроумовнинг “Туркистон вилояти газити” деган газети билан тортишмоқда экан. Уруш китобларини ўқиб ўрганганим учун мен ҳам ҳалиги газетнинг икки-уч нўмрасини ўқиб-қараб, фикрим бошқачароқ бўлиб қолди. Айниқса, муллабаччаларнинг наша чекиб, наяки базмлари қилишларининг ёмонлиқларини ўқиб, ўзим иқрор қилдим ҳам газета фикрига кўшилдим. Шундай бўлса ҳам эски мутаассиблик катта бўлиб, бошқа нарсалар тўғрисида бурунғидек эдим.

Бир ойчадан кейин Бухороға бориб ўқимоқ ўйиға тушиб қолдим. Чунки Бухоронинг оти, эл орасида катта бўлиб, “Бухоройи шариф” деб мақтар эдилар. Унга бориб ўқиған киши илм – билим деган нарсадан бир нарса ортдириб келмаса ҳам иззат ва ҳурмати халқ орасида жуда ортиқ бўлур эди. Бироқ ул “Оти улуг, суфраси курук” бўлған шаҳарга бориб ўқимоқ учун ақчасиз эдим. Ҳозирги чиқиб турған “Тараққий” газетасининг ёзувчиси – Мунавварқори менга бурундан яхши таниш бўлганидан Бухоро ҳам унга боришға пул топиш кенгашини қилмоқ бўлиб, янги шаҳарнинг томошабоғ

шаҳар боғчасига яқинроқ бир кўчасидан газета бошқармасини излаб топиб кенгаш солдим. Менинг гапимга ул қори афанди жуда тажанг бўлиб, танглайлари буришиб:

– Ийй... сиз ажаб киши экансиз! Бухорода нима бор деб ўйлайсиз? Сиз Нўғойистонга боринг, ул ерда яхши ҳам икки дунёга фойдалиқ мадрасалар очилган. Ул мадрасаларда турли-турли дунёвий ухровий илмлар, тафсир, хадислар ўқилади, – деб урушиб берди, ул бу гапи билан менинг ўйимга келмаган ўйларни ке(л)тирди ва кўққисдан бошимга тош билан туширгандек бўлди. Шундай бўлса ҳам кўнглимда ерлашган ва миямга сингишган эски таассуб мени Бухорога тортмоқда эди.

Энди қориға гапириш учун гап топилмасдан жуда хафа бўлиб, ҳовлиға қайтиб келдим. Кечаси ўйлаб ётиб, Паркент қишлоғидаги Саййид Аҳмад хўжа деган муллабачча ўртоғим эсимга тушиб кетди. Эртасига яёв чиқиб кетиб, ҳалиги ўртоғимнинг ҳовлисига бориб тушдим, ул мени очик юз билан қарши олди. Бир-икки кун ўтгандан кейин Бухоро тўғрисида сўйлаған эдим, ул яна бир-икки хафта ўтгандан кейин ундан-бундан кўмак йиғиб бермакчи бўлди.

Бу ерда қимиз билан норин кўб, кузда кун оралаб еб, ичиб тураман. Буникига мендан бошқа муллабаччалар ҳам кун чиқиб турушар экан. Шуларнинг баҳонаси билан қайси кечалари меҳмонхонаға ке(л)тирилиб ўйнатилган баччаларнинг ўйинларидан ҳам баҳраманд бўлиб тураман ва бу орада “Жанги”, “Хисарак” деган қишлоқларни ҳам айланиб, томоша қилишиб келишдик. Саййид Аҳмад хўжа Еттикентнинг энг биринчи ва энг машхур закунчиларидан бўлиб, бундан кўп кишилар хайқар экан. Ул ўз гапида туриб, козоқ, ўзбек муридларидан ва ўзиға тўқ таниш-билишларидан олти-етди сўм кўмак йиғиб берди. Ул пулни олиб, суюна-суюна шаҳарға келдим-да, кўб турмасдан паспорт олиб, от арава билан Бухороға қараб йўл солдим.

Бундан бир-икки йил бурун Чинозға узатган синглимни кўриб ўтиш учун билатни шул қишлоққа олған эдим, тушдим. Тасодиф (тўсатдан йўлиқиш)ни қаранг, бормасимдан бир-икки кун илгари унинг кўзи ёриған (туққан) экан, эсон-соғлиқ билан қутулғаниға жуда суюндим ва менинг борғанимға улар ҳам суюндилар. Ўқиш учун Бухороға бораётганимни куёвимға айткан эдим ул:

– Ҳали вақт эрта, бу ерда уч-тўрт кун туриб, жўнарсиз! – деб кўймасдан йўлдан тўхтатди. Шул икки-уч куннинг ичида безгак

касалига йўлиқиб қолдим ва ўриснинг “хин” деган оқ дорусини ютиб бир ҳафтада зўрға тузалдим. Энди жўнамоқ бўлганимда кўз оғриғига гирифтор бўлиб қолдим. “Бахтсизни туя устида ит қопар” деганидек, кетма-кет келиб турган оғриқларни томоша қилинг! Яна икки ҳафтача тўхтомоққа мажбур бўлдим. Жуда соғаймасам ҳам кўзимнинг оғриғи – қизили анча озайди, энди жўнашга бел боғлаб, куёв, синглим ҳам қудалар билан хайрлашдим. Куёвим менга беш сўмлик олтин берди, уни белбоққа тугиб, Самарқандга қараб жўнаб кетдим.

Минган тўртинчи арава (килас)да киши тиқилинч бўлганидан ичкарироқ кира олмасдан эшик олдида ўтириб қолдим. Қибла томонда ўтирған бир чапани йигитга қанча ялинсам ҳам пешин намозини ўқиб олишимга сира ер бермади. Шунинг учун намозимни қазо қилиб, кўнглимда бунинг гуноҳига ҳалиги йигитни ўртоқ қилиб, сўка-сўка ўтирдим. Чунки менга беш намоздан биттасинигина ташлаш тамуғнинг энг остига кетиш эди. Ва менда диний эътиқод жуда юқори, жуда катта эди. Йўлда экансиз, сувсиз далаларни кўриб бормоқдаман, кенг-кенг далалар қулочларини ёйиб-ёйиб ётмоқдадурман. Туркистоннинг бир боласи кўринмайдирки, бу раҳм-шафқатлик онасининг кенг қучоғига отилиб, бўйнига осилиб, битмас-туганмас қаймоқи, мазалик сутларидан сўраб-сўраб ичса ва кераклигича қонса!

Тошкентдан ўн иккинчи истанса Самарқанд истансаси экан, шаҳар ичида Миён Ҳодихон деган эшоннинг ҳовлисига тушдим. Тошкентда эшонхон ҳазрат томонидан берилган битик (мактуб)ни топширдим. Бу билан Самарқанднинг атоқли эшонларидан бўлиб, мурид, мухлислари кўб, диний илмлари тузуккина экан. Ҳалиги битикнинг мазмунига қараб кўб сийлади.

Эрта чойидан кейин Миён Самарқанднинг уёғ-буёғларини чиқиб кўрмак учун менга бир ўзбек болани қўшиб берди, ул бошлаб “Шоҳизинда” деб оти чиққан Муҳаммад пайғамбарнинг амакиларининг ўғли Қусам ибн Аббоснинг мазорига олиб борди. Унинг дарвозаси олдида катта-катта саллалик ва илмдан бўш-бўш каллалик беш-олтита шайхлари назр-ниёз йиғиб ўтиришган эканлар, дарров кавишимизни қўлимизга олдиқ-да, бир нарса сўраганлариға ҳам қарамасдан қирқ босқич (қирқ зинапая)дан тез-тез чиқиб кетдик. Маҳсичан кетиб борамиз, оёғимизга бир нарса – бир чанг ҳам юқмас эди. Ерга мармар тошлар тўшалган ва усти

сипирилган – ялтирар эди. Бузрукнинг қабрига бора-боргунча уй-уй қилиб ишланган дахма ва чиллахоналар бор бўлиб, деворлари турли тусларда ўйилиб безанган ва ўйилиб-ўйилиб Қуръон оятлари ёзилган эди. Бу ўймалар кишининг юзи кўринадирган даражада ялтирар эди.

Бир кичик хонақоҳнинг ёнидаги кичкина бир эшикдан кириб, қабрини зиёрат қилиб, яна хонақоҳга қайтиб чиқдик. Бунда катта ҳам қалин-қалин бир неча Қуръон (китоб)лар кўринди. Уларни бир-бир очиб кўрдим ва кўзимга сурдим. Хонақоҳнинг бир ёғида олдига панжара қилинган кичикрак бир хужра кўринди. Йўлдошимдан сўраган эдим ул:

– Энг катта Каломуллоҳ шунда турадир! – деб жавоб берди. Бориб кўрдим: эни бир ярим олчин ва бўйи уч олчинча келадирган катта бир Қуръон турибдир. Панжара орасидан бир кўлимни юбориб, уни ўпдим. Эшитганимга қараганда, бу Каломуллоҳни Бухоро хони Насруллоҳ деган бир хон шул мазорга вақф қилган экан. Бир шайх орқамиздан эргашиб кирган эди, ўн беш тийин бериб зўрға қутилиб чиқдик. Чиқишимизда юқори томондаги гўристон эшигидан чиқиб, ҳазрати Ҳизр қадам жойиға бориб, зиёрат қилиб, Қуръон бағишлаб ўтдик ва шунинг ёвуқлиғидаги Бибихоним масжидига бордик. Ул масжид тоғ тошларидан ва мрамар тошларидан йўнилиб, уялиб, турли-турли бўёғлар билан гуллар солиниб безалган ва ишланган экан. Бироқ масжиднинг тепалари тушиб кетиб ва неча ерлари ёришиб ётибдир.

Ўрта саҳнида, киши уйи баробарида юқори кўтариб ишланган 7-8 оёғ устига кўндирилган ва ўзи мрамардан ясалган бир катта лавҳ турибдир. Бунга ҳам оятлар ўйилиб ёзилган бўлиб, ялтирайди. Бу масжиднинг эгаси Бибихоним, Туркистоннинг донглик подшоҳларидан бўлган Амир Темурнинг хотини экан.

Бундан чиқиб Гўри Мир (Амир Темурнинг қабри)га бордик. Шайхи йўқ ва эшиги қулф экан. Ташқаридан Қуръон ўқиб бағишлаб, қайтиб мадрасадош Тиллакorigа келдик. Бунинг ҳам деворлариға оятлар ўйилиб ёзилган бўлиб, бошқаларидан ортиқлиғи барча ерига олтин ҳал қилинганлиғи эди. Бунда ўн бештача босқичлиғ ва мрамардан ишланган бир минбар ҳам бор эди. Бундан чиқиб, Мадрасаи Улуғбек ҳам Мадрасаи Шердор деган мадрасаларни кўриб, жуда танг қолдим ва пештоқларининг бўйи жуда ақлимни олди. Айниқса, Шердор мадрасасининг пештоқидаги

икки бир-бирисига қаратиб ишланган шерларнинг сурати, оғизни очиб анғрайиб қоларлиқ эди. Шердор 1616 ва Тиллакори 1618 милодийда Амир Ялангтўш томонидан бино қилинган экан.

Бунда икки кун турганимдан кейин Бухороға жўнамоқ бўлдим. Миён ҳазрат Бухорода ўқиб ётган бир укасига битик ёзиб берди, шул кун от аравага миниб юриб кетдим. Бора-борғунча, бир шиа билан Шайх Саъдийнинг “Гулистон” деган китобини ўқишиб кетдим ва тонг отарға ёвуқ Когон истансасига етиб тушдим. Бунда тамирнинг от аравасини кутган эдим, ҳадеганда кела бермади. Шунинг учун бир савдогар билан бирга фойтунға ўтириб, Бухоро ичига қараб жўнадик.

Бир оз юрган эдикки, бошида катта салласи, эгнида узун ва ерга судралган тўни, қўлида ўзининг ярмисиға баробар келадирган фонуси бор бир киши келиб фойтунимизни тўхтатди (бу киши шул афт-ангори билан амири Бухоронинг божгири (бож олувчиси) эканлар! Ул менинг муллабаччалигимни пайқаб индамади ва савдогарнинг хуржунини титкилаб қараб, бож олишға арзийдирган бир нарса ҳам тополмасдан қўйиб юборди. Бу янги Бухородан келиб Эски Бухоро дарвозасидан кирмасимиздан илгари эрта намоздан киши чиқадирган пайт бўлди. Шул чоқда от ва эшакларга минган тўда-тўда кишилар янги Бухороға қараб ўтмоқда эдилар. Уларнинг ичида оқсоқоллари, ўрта ёшлиқлари, йигитлари бор бўлганидек, ёш бесоқол болалар ҳам бор эди. Устларида узун чопон, бошларида пеши ташлағлиқ салла, устларида саллот бурма кийимлари бор бўлиб, кўр, чўлоқ ва букрилари ҳам кўзга чалинмоқда эди.

Савдогар йўлдошимдан буларнинг кимлигини, қаерга боришларини сўраган эдим, ул куйидағи узун жавобни берди:

– Буларнинг барчаси ёзуқлиқ бўлиб, амир томонидан аскарликка олинган кишилардирлар ва булар ўлгунларича аскарликдан бўшатилмайдилар. Ҳар кун эрта билан бориб, бир дапқир сарбозлиқ машқини қилиб келиб, яна ўз ишларига отланишиб кетадилар. Буларнинг қайсилари баққол, қайсилари кассоб, қайсилари чоч қиновчи (сартарош), қайсилари сабунгар, қайсилари самоварчи, қайсилари сипиргичи ҳам шуларга ўхшаш турли ҳунар эгаларидир.

Шундай сўзлашиб бориб фойтунимиз Эски Бухоронинг растасига кирганини билмай қолдик. Савдогар бир саройға тушиб,

мен, самарқандлик Миён ҳазратнинг инисини излаб кетдим. Уни “Миёнкал” деган мадрасадан топиб, битикни бердим, ўқиб кўриб, менга яхши қаради ва бир-икки кундан кейин ҳужра топиб бермак бўлиб, ўз ҳужрасида олиб қолди.

1906 йил, сентябр

45

Бир-икки кундан кейин Миёнча мени Бухорони айлангириб кездирмак бўлиб, бошлаб Лаби ҳовузи девонбеги деган ерга элтди. Унда ўртада каттагина бир ҳовуз бор бўлиб, унинг теваарагида самоварчи, ош пиширувчи, чоч қирқувчи, калла пиширувчи ва кабобчиларнинг дўконлари қатор тизилиб кетган эди. Ҳовузнинг ун ботар (ғарб) ёғида, юқориликда бир каттагина масжид бор бўлиб, ҳовуз томондан унга уч-тўрт босқич билан чиқилур экан, бунинг ҳам ўзиға яраша катта сахна бор бўлиб, бир чўтир во(ғ)из катта бир курсининг устида кўрпача солиб ўтириб олиб, турли-турли уруш китобларни ўқимоқда эди, бу киши олдиға одам йиғилса-йиғилмаса ўшал сафсата аралаш: “Андоғ урдиларки, гард-гард бўлиб кетдилар” китобларини ўқиғани-ўқиған экан, бунинг олдиға қайси чокда 60–70 киши йиғилиб қолса ҳам, қайси чокда сира киши бўлмас экан, шул сафсатачига ҳам амир Абдулаҳаднинг берадирган вазифа (махяна)си бор эмиш!..

Лаби ҳовузда ўтириб, бир чойнак кўк чой ичишдик. Бу ҳовузга бир томондан келиб тушиб турган сувни кўрмадим. Ул ҳовузга биров келиб оғзини чайқаб, бурнини қоқиб, таҳорат қилиб кетмакда, биров келиб кўл-оёғини ювмакда, биров келиб ифлос ҳам кир оёқларини сув ичига солиб ўтирмоқда ва бир томондан мешкофлар кетма-кет келиб, мешларига сув тўлатиб олиб бормоқда эди. Мен бу ҳовуз сувига “Мухтасар виқоя” кўзи билан қараб, топ-тоза деб қарор берганимдан Ҳиндистон саёҳатчиси “Сайёҳи Ҳиндий” деган китоб эгаси (Абдурауф Фитрат)нинг ўз китобига сўзлаганлари менинг кўнглимга сира келмас ва ундай фикрларга тесқари қарар эрдим?

Бундан туриб амирларнинг арикасини кўргали кетдик. Бу жуда буюк – баланд қилиб ишланган бўлиб, бурунларда ёзуқлиларни шунинг устига чиқариб, қопқа солиб, оғзини бўғиб қуйиға ташлар эканлар, бундан бошқа бир неча мадрасаларни олиб юриб кўрсатди. Барчасини кўрмакка пайт тополмадик. Бухоронинг

мадрасалари жуда кўб экан, қайси кўчага кирсамиз, икки-уч мадраса олдимиздан чиқиб қолар эди. Ўн-ўн беш муллабачча, ул мадрасадан чиқиб кетмоқда ва ўн-ўн беш муллабачча бу мадрасадан лоп этиб чиқиб қолмоқда эди. Бу ернинг уламо, фузало ҳам муллабаччаларини кўриб, оғзим очилиб қолди.

Ҳали ўқиш чоғи (тахсил вақти) бўлгани йўқ, ул чокда Бухоронинг ичи муллабаччалар билан тўлиб кетар экан. Миёнча бозор бошиларини кездириб, бир муллабаччаларнинг хужрасига мени олиб борди. Бу муллабачча Самарқанд теварагидаги ўзбек (уруғ)лардан бўлиб, Миённинг муридларидан экан. Ул бизга бозордан икки-уч қадоқ анжир ке(л)тириб едирди ҳам палов оши килиб берди. Бу ернинг анжирининг юзи қора бўлур экан. Уч соатча мунда гаплашиб ўтириб, Миёнчанинг хужрасига қайтиб келдик.

Сешанба куни бўлди. Миёнча билан ҳазрат Баҳоуддинга бормоқчи бўлдик ва яёв юра-юра шаҳарнинг дарвозасидан чиқишдик: киракаш от, эшак ва аравалар тизилган эди. Ҳар бир киши Бухоро тангасидан биттаси (ўн беш тийинлик)ни берадирган бўлиб, бир аравага кира қилдик. Биздан бошқа ҳам тўрт-беш муллабаччалар бизнинг аравага тушган эдилар. Йўлда чангларга бота-бота бормоқдамиз. Эшакларга миниб борувчилар ҳам кўб бўлиб, эшак кирачилари бошларида пеши ташлоғлиқ салла, оёк яланг, чопон этаклари белларига қистирилган ва қўлларига таёк тутган ҳолда яёв, эшакларини ура-ура қувлаб бормоқда эдилар. Эшаклари юрмасдан тихирлиқ қилса, орқасидан югурганча бориб, қўлларидаги учлик таёғ билан санчар, эшак бечоралар уларнинг қадаган ҳалаларига чидолмасдан диринг-диринг ўйнаб, эгаларини ўзлариға еткизмасдан кетар эдилар.

Хуфтон чоғида Баҳоуддин қишлоғиға етдик. Кира пулини Миёнча ўз ёнидан берди. Сўнгра икки қадоқ қанд, чорак қадоқ чой олиб, бир шайхнинг ҳовлисиға кирдик ва ул нарсаларни назри Баҳоуддин деб шайхға бердик. Шайх қўл кўтариб, узунгина, чўзибғина дуо қилиб, бизни меҳмонхонасиға киргизиб ўтқизди ва дастурхон ёзиб, чой, нон келтирди, уятчан меҳмон бўлганимиздан, нонни озғина-озғинаа олиб еб ўтирғанимизда шайх бизнинг қорнимиз тўқ экан деб ўйладими икковимизга қараб:

– Таксиржон, фотиҳа, – деди. Чорасиз қолиб, фотиҳа қилдик, шайх ҳам дастурхонни йиғиб олди ва биз ёлғиз чойни хўриллатиб

ичиб ўтирдик. Бир соатчадан кейин палов олиб чиқди, жуда тотли (ширин) бўлган экан, тўйғунча едик. Яна бир ярим соатчадан кейин зиёратга чиқишдик.

Қўлимизга кавушимизни кўтариб, одоб юзасидан махсичан, ерга тўшалган катта-катта харсанг тошларни(нг) устидан юриб бормоқда, йўлнинг икки ёғида ўтирған махов, пес, ёш, қари тиланчилар ўтган-кетган зиёратчиларга:

– Менга бир нарса назр бериб кетасан, – деб ёпишмоқда эдилар. Биз ҳам олти-етти пул (икки тийин ва ундан ортиқроқ) бериб зўрға кутилиб ўтиб кетдик ва бориб Баҳоуддиннинг “турба” (мақбара)сига кирик. Турбанинг усти очик ҳам бир томони масжид экан. Масжиднинг айвон, хонақоҳ ҳам саҳнлари кишилар билан тўла: шайхлар, қабр тегида ўтириб, назр-ниёзлар олмоқда ва қабрнинг теварагига қанча шағамлар ёқилган эди. Бир хужрада Қуръон ёд қилган (қори)лар Қуръон туширмакда. Барча зиёратчиларнинг бўйнилари букилиб, қабрға қараб мутававжа бўлиб ўтирмоқда эдилар. Биз ҳам зиёрат йўсинларини бошқалардан оширсақ оширдик, озайта олмадик. Ҳофизлар ҳам кўб борған бўлиб, битталари олиб битталари қўшиб, яхши куй (оҳанг)лар билан ўқишмоқда ва айниқса, ўн олти-ўн етти ёшлиқ бир боланинг ширалик овози бор экан. Сув қилиб эритиб юбормоқда эди. Бу боланинг довушини таъсиридан кишининг баданлари жимир-жимир қилиб кетар ва эшитган киши йиғламасдан қолмас эди.

Шундай саҳаргача ўтириб, тушган меҳмонхонамизга қайтиб келиб ётдик. Эрта намоздан кейин зиёратхонанинг ёнбошида, қаймоқ билан чой ичдик-да, Баҳоуддин оналарини зиёрат қилиб чиқдик. Бугун чаҳоршанба бозор куни бўлғанликдан сотиладирған от, сигир ва қўйларга ўхшаш ҳайвонларни келтириб турибдирлар. Туркистоннинг ҳар шаҳар ва ҳар қишлоқларида юрадирған қаландарларнинг чаҳоршанба куни бозори “лавҳу қалам гулзори” пирим Баҳоуддиндир –` деб талқин айтиб юришларининг маънисига энди тушундим. Миёнча икковимиз бозорға ҳам қарамасдан бир ялонғоч отни кира қилиб мингашиб олдиқ-да, шаҳарга қараб жўнадик. Дарвоза оғзиға келганда отни эгасига топшириб, яёв юра-юра мадрасага келдик.

Туркистоннинг бошқа шаҳарларидек, Бухоро ҳам эски ва янги оти билан иккига бўлинар экан, Эски Бухоро шаҳри чуқурликда,

кўчалари тор, чақир-чуқурлари кўб бўлиб, Қўқон араваси сиғмас ва бунда мусулмон ҳам жухудлар турур эканлар. Янги Бухоронинг хавоси яхши, баландликда бўлиб, кўчалари кенг-кенг қилиб ишланган ва бунда кўпинча ёвурвучли халқ турганлиги учун анчагина обод бўлган экан. Бурун замонларда бу шаҳарда дунё ва охират илмлари ўқитиб, уламо, фузалолари кўб бўлганидан “шариф” деб оти чиққан бўлса, ҳозирда “уйида юқича уни йўқ, том бошида кўш танур” деганидек, ёлғиз “шариф” оти қолган экан.

Бир кун Миёнча:

– Ўз шаҳардошингиз Юнусхўжа сизни менга учраб кетсун деди, – деб хабар берди ҳам ул қайси мадрасада туришини айтди. Мен ҳам суюниб кетиб, излаб бориб, уни Қори Султон мадрасаси деган ва биноси янгироқ бўлган бир мадрасадан топдим. Мен Тошкентда Бекларбеги мадрасасига янгигина кириб ўқиш бошлаган чоғларимда Мулла Солиҳ деган хўжандлик бир олдиноёқ бор эди, шул ҳам Бухороға келиб, туриб қолган бўлиб, мен бориб топган Юнус хўжа, шунинг билан хужрадош экан. Улар эсон-соғлигим ҳали ҳозирғи тирикчилигимни сўраб билганларидан кейин менга қаердан хужра топиш ҳам қайси мударрисга шогирд қилиш кенгашига тушдилар.

Шул мадрасанинг ёнбошида, бир мударриснинг ҳовлиси бор бўлиб, бугун таътил кун бўлгани учун мадрасасига бормай қолган экан. Ўзи бизнинг шаҳардош эмиш. Юнусхўжа икки қадоқ қанд, 5-6 дона ёғлиқ кулча билан бир патнус ясаб, ҳалиги мударриснинг олдиға олиб кирди. Югуриб бориб ул зотнинг қўлларини кўзимизга сурдик ҳам ўпдик. Сўнгра мударрис домла менинг аҳволимни Юнусхўжадан эшитиб, билиб олиб, яна бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин менга таскини дил бермак учун қуйидаги кўнгил юпатиш гапларни гапира бошлади:

– Мен ҳам Бухоройи шарифга янги келган чоғларимда сизга ўхшаб, хужрасизликдан қашшоқликдан кўб оғирлик ва қийинликлар тортганман. Бунга сабр ва қаноат қилиб турганлигим учун Аллоҳ таоло охири мани шундай даражаларга миндирди. Сиз ҳам сабр этинг: бу меҳнат, машаққат ва танглиқларингизнинг натижа ҳам хосиятларини кейинчалик бориб кўрасиз!

Мен мударриснинг бу гапларини эшитиб, мазкур даражаларга ёвуқ бир замонда етишадирган кишидек жуда суюндим. Бир-икки

пиёла чой ичканимиздан кейин мударрис “Мухтасари виқоя”нинг “Китоби салот”⁶⁷идан дарс бошлатиб қўйди.

Сўнгра орқамиз билан юриб, эгилиб-эгилиб чиқиб кетдик. Энди истиқомат килиб туриш учун хужра керак. Бухора мадраса хужраларининг ҳаммаси деярли пуллик текин хужралар йўқ хисобида, олишга менда танга уёғда турсин чақа ҳам чамалик, шунинг учун Юнус хўжа туркманлар турадирған чет бир мадрасага олиб борди ҳам бир туркман мударрисининг олдига бошлаб олиб кириб, менинг хужрасизлигимни арз килди. Ул маъқул қилиб, ёнидаги бир масжиднинг болахонасидан бир хужра топиб берди. Бундаги хужралар кўб замонларни ўтқизган, чанглари ва ўймакорликлари кучуб-кучиб тушган хиштларини ора-оралари очилиб қолган, эски ва кўринишлари жуда совуқ хужралар экан. Мен бир оз турганимдан кейин нарсаларимни келтириш учун Миёнчанинг хужрасига бордим. Шул чоғларда оғриқсимонроқ бўлиб, бошим оз-оз оғриб юрган сабабли нарсаларим (хужра алоқалари)ни неча ерда дам олиб, харсиллий-харсиллий зўрға кўтариб олиб келиб хужрага жойланишиб олдим.

Хужрада ёлғиз ўзим тураман. Бу торгина, қоронғигина эски бир хужра экан. Унинг тартибсиз ишланган ғиштин зиналаридан тушиб чиққунча жуда ўлиб бўламан. Ҳали катта ўқишлар (имоми таҳсил) бошлангани йўқ. Ҳозир Шаъбон ойи, Рамазон ҳайитини ўтказиб бошлар эмишлар. Менга ўхшаб бурунроқ келган кишилар, 2-3 сабоқдан бўлишиб, майда масала китоблари ўқиб юрмоқда эдилар. Менинг оғриғим борган сари кучаймоқда, борган сари кучсизланиб борган сари этларим сўлиб ва борган сари суякларим кўрунмоқда эди. Ҳеч бир томоқни кўнглим тортмас юришга оёғда дармон йўқ, хужрамда ёстикқа суянмасдан ўтира олмас, озгина тезрак оёғ босдимми, энтикиб ҳам харсиллаб қолар ва оғриғим мундай оғир бўла туриб, тошкентлик мударрисга бориб бир сабоқ мухтасар ўқишимни сира қўймас эдим.

Туркман мударрис ҳам баъзи хизматлар буюриб ва ўзини кўб-кўб укалатдириб турмоқда эди. Бир кун бир шогирди билан мени бир саройга эргаштириб олиб бориб, бир туркман савдогардан 3-4 танга закот олиб берди.

Ўзим касал бу туркман мударрис қурғур укалатдиришини ва бошқа хизматларини буюришини қўймайдир. Бундан қайси чора

⁶⁷ “Мухтасари виқоя”нинг “Китоби салот”и.

билан қутулишни(нг) иложини топдим, бир кун палов буюрган эди, қозонга бир ҳовуч тузни бирдан солиб юбориб, ошни шўр-аланг намақоб қилиб қўйдим. Унга бир меҳмон ҳам келган эди, ошни сузиб келтириб қўйдим. Мударрис бир-икки луқма олгандан кейин билиб қолиб, мени қойишга тушиб кетди. Оғзига келган сўзларни ул тўхтамасдан айта бергандан кейин мен ҳам чидолмасдан бир нарса айтиб юбордим, шунинг ила хизматим тугалди ва берган хужрасини мендан тортиб олиб бошқага берди. Мен алоқаларимни йиғиштириб олиб чиқиб кичкинагина бир масжид хонақоҳининг бир бурчагида тура бошладим.

Бурунғи дардим ортди, бошим қўрғошин қўйилгандек оғир, Лаби ҳовузда афғонлик бир табиб борлигининг дарагини эшитиб бордим. Ул бир шишадаги дорусидан бурнимга сескатиб қўйди. Яна бир-икки кун шул табибга бориб юрдим, бироқ дорусининг фойдаси таъсири билинмади. Шул кунларнинг бирисида Бухоро раисини кўрдим. Ўзи кўсагина киши бўлиб, ўзига қарашлик 5-6 мулозим (хизматчи)лари билан бозор айланиб юрмакда ва намоз ўқимаган, чилим чеккан, бедана ўйнаган ҳам мунга ўхшаш шариатдан ташқари иш деб билган нарсаларини текширмакда ва тергамокда эди. Унинг 1-2 кишиси оппоқ соқоллик бир нонвойини Лаби ҳовузга тутиб кетирдилар. Ул нонвой хамирни буюрилгандан кичикрак кесиб «нон» ёпган экан. Раиснинг кишилари унинг 3-4 нонидан ҳам ке(л)тирган эдилар. Раис шу ердаги бир суфага кичкина бир гиламни солдириб, устига чиқиб ўтириб, нонларни тортдириб қараган эди, енгилрак келди. Буни кўрган раис қаттиқ ғазабланди, кўзлари шокосадай кенгайиб кетиб, кишиларига дарра уришга буюрди. Нонвой бечорани бир киши опичди, икки киши оёғини тортиб таранг қилди, бир киши бошидан ушлади ва биттаси (дарра урувчиси) этагини бошига илиб қўйиб яланғоч орқасига 11 қатла санаб урди. Ҳар урғанда дарранинг ўрни қип-қизил, қип-қизил қон талашиб қолар эди. Нонвой даррани еб-еб овқат тушгандан кейин ўрнидан туриш ва гапиришга зўрға кучи келса ҳам раиснинг буйруғи билан: “жаноби амирларининг отиға амир жанобларининг қиличлари ўткир бўлсун!” деб дуо қилганларидан кейин қўйиб юбордилар. Ул шўринг қурғур секин-секин юриб, инграб-инграб ўз жойиға кетди, томоша кўргувчилар тарқалдилар ва мен ҳам юрагимни ўйнай-ўйнай қайтдим. Энди қимирлашға ҳам мадорим қолмай ётиб қолдим. Мен касал бўлиб ётган масжид-

мадраса қавмлари ҳар намоз чоғида келиб, хонақоҳ ўртасида намозларини ўқиб кетиб турмоқда ва мен бир бурчагида инграб ётмоқда эдим. Буларнинг бирортаси ҳам:

– Ҳа, муллака! Аҳволингиз қалай? Кўнглингиз қандай томоқ тусайдир? – деб айтмас эди. “Дунёда шундай юраги тош ва бағри каттиқ халқ ҳам бўлур экан!” деб танг қолмоқда эдим.

Тошкентдаги Жалололиддин махдум ўртоғим 2-3 йилдан бери Бухорога қатнаб ўқиб юрмоқда эди. Бу йил ҳам мендан кейинроқ ўқишга келган, менинг оғриб ётганимни кимдандир эшитиб келиб хужрасига олиб борди ва беш-олти кун касалимга қараб турди. Бироқ сира бери қарамас, борган сари оғригим кучаяр ва борган сари оғирлашар эдим. Бу ачинишли ҳолимни кўриб, махдумнинг ўйи ўз шахримга қайтишимга бўлиб қолди. Чунки Бухорода ўқиш чоғи (тахсил) бошлангандан кейин барча муллабаччалар ўқиш билан айланишиб кетиб, биров-бирова қарай олмас экан. Мен:

– Бир неча йилдан бери етиша олмай юрган Бухорои шарифга энди етишдим, ажалим етиб ўлсам ҳам шундай остонада ва муборак жойда ўлайин! – деб бурун махдумнинг гапига кўнмаган бўлсам ҳам, бир-икки кундан кейин ўзимга ҳам ақл бўлиб, Тошкент қайтишга кўнглим оғди.

Рамазон ойи яқинлашгани учун Тошкент бориб, хатми Қуръон қилиб пул топиб қайтмоқчи бўлган 3-4 қариларга махдум мени кўшиб юбормоқчи бўлиб, бозорга чиқиб ўз ёнидан пул чиқимлаб, Бухоронинг қанд, ҳолвалари 4-5 кадоқ, қариндош-уруғларимга совға қилиб олиб кетмак учун ке(л)тириб берди. Суяб олиб чиқиб, пойтунга ўтқизиб, истансага олиб чиқди-да, билатни ҳам ўз ёнидан олиб бериб, мазкур қорилар билан жўнатди. Аравамиз ўз шахримизга қараб югуриб келмакда ва мен Бухоронинг тупроқ ҳам ёқмайдирган ҳаволаридан қутулиб, яхшиларимдан иссиғланмоқда эдим. Бери келган сари кучим ҳам кира ва оғзимнинг мазасизлиги кетиб, кўнглим ҳам томоқ тусай бошлади. Муллабаччаларнинг йўл учун деб пишириб олишган этларидан ҳам анчагина едим ва энди ҳар қандай томоқ бўлса ҳам қайтармай турган ҳолга келган эдим. Кела-кела ўз шахримизнинг истансасига етдик. Нарсаларимни кўтариб тушишига ўзимнинг ҳам дармоним келиб қолди. Кўнга (трамвай)га миниб, Хадрага ва ундан дам олиб-дам олиб ҳовлига келдим.

1906 йил, ўктябр

Амакимнинг ёзда кўчиб борган ҳовлисида бир ҳафтага турганимдан кейин оғриғимдан соғайиб кетдим. Маҳалламдаги Шарифбой мадрасасига кириб бир хужра сўраб олиб, мударрис домлаға “Мухтасар” дан дарс бошладим. Рамазон бўлиб, барча мўмин мусулмонлар оғзиларини кундузги томоқдан юмдилар (рўза тутдилар) ва масжидларда таровихлар, хатми Қуръонлар бошланди.

Маҳалламиздаги Тўхтагон бойвачча:

– Мана, буни муллабаччаларимизга бўлиб беринг! – деб домлага закот учун кўбгина ақча берибдир. Рамазон ўрталарида ўшал пулдан менга ҳам ўн сўмча тегди. Яхши бўлди: ҳайит учун кийимлар қилиб олдим.

Энди рўза ҳам рўза ҳайитлари ҳам ўтиб, мадрасада ўқишлар бошланди. Бурунги ўқиғанларимдан бир фақирлик ҳам фойда кўрмаганлигим сабабли Аҳмад хўжа, Тошпўлат деган муллабаччаларга кўшилиб яна “Кофия”дан⁶⁸ дарс бошладим ва Мулла бобо охунд домладан сўраб, Бекларбеги мадрасасига бориб, янги “Шарҳи Мулло” бошлағанларға ҳам кўшилиб ўқиб келиб юрмакдаман. Бекларбегидаги ақоидхон сабоқдошларим:

– Бурунғилар “хосият дар тараққий” деганлар, юқоридан қуйиға тушиб нима қиласан?! Қўй, бизга кўшил! Ҳозир ҳеч нарса билмасанг ҳам кейин тушуниб кетарсан! – деб қистаған эдилар, уларга кўшилиб, “Ақоид”⁶⁹ ўқишға кўнмадим. Чунки:

– Ақоидхон бўлдим, пешқадам бўлдим! – деб димоғ билан гапириб, улуғланиб, ҳеч кимни менсимасдан кеккайиб юрганинда биров кўққисдан:

– Тақсиржон! Мана буни ўқиб бизга маънисини тушунтиргил! – деб олдинга бир одоби китоб ке(л)тириб қўйса, уни ўқий олмай ғудиллаб, уялиб қолишдан нима чиқади? Ундан кўра тегидан беркитиб ишлаш ва арабий наҳв, сарфларни яхши билиш керак!..

Бир кун Мунаввар қорини кўрмак учун Мирободға борган эдим. Султон араб деган олдиноёқ (пешқадам) ҳам бор экан. Бир оз гаплашиб ўлтиришдик. Шунда гапимиз “Салоти Масъудий”⁷⁰ деган масала китоби устиға ўтганда Мунавварқори билан Султон Араб унинг масалалари у ёқда турсин, ҳадислариға ҳам тил тегизиб,

⁶⁸ Кофия – диний билим берувчи асар.

⁶⁹ Ақоид – диний ҳукмлар баён қилинган асар.

⁷⁰ Салоти Масъудий – диний масала ва муҳокамалар китоби.

уларнинг кўпини ёлғонга ва тўқимага чиқариб қўйиб, менинг тозаям жиғимга тейишди.

Шул турган мадрасамдаги сабоқдошим Аҳмад хўжа ўзининг Пискент қишлоқлик бўлиб, Қафас ота мадрасасининг мударриси ва Ҳофиз Кўҳакий маҳалласининг имоми бўлган ва ташқариға ҳам бориб дарс ўқиб юрмакда эди. Мударрис домламиз хат ёза-ёза ўғиллари Жалолиддин махдумни Бухородан Тошкентга чақириб олиб, уйлантириб, ул бечорани ҳеч ёққа боролмайдирган ва узок ерларға кетиб ўқиёлмайдирган қилиб қўйдилар.

Бу йил қиш “Хуршид” деган газет чиқиб, кўб мусулмонларни анчагина чайқаб оёғ босадирган қилиб қўйди. Бу газетанинг бошқармаси Шайхонтахур даҳа Занжирлик маҳалласидан Шариф охунд бўлиб, ёзувчи ҳам чиқарувчилар: Мунаввар қори билан Худоёрхоннинг ўғли Фансуруллоҳбек эди. Мен ҳам бу йил тушунар-тушунмас, турли-турли газеталар ўқий ва тушунганимга оз-оз ишона бошладим. Мунавварқори таниш бўлганимдан “Хуршид” бошқарма (идора)сиға бориб, Қафқаздан, Қозондан, Петерургдан келиб, ўқилиб ташланганиға 5–6 кун бўлган мусулмонча газетларни сўраб олиб, мадрасага кетириб ўқиб турар эдим. Бироқ бу “Хуршид” газети кўб яшай олмасдан Николай ҳукумати томонидан бўғиб ўлдирилди. Шарафи мадрасанинг ўқишдан чиқиб кетган муллабаччалари (ҳам) ҳозир ўқиб юрган муллабаччалари қўшилиб, гап ер ва қайсилари мени ҳам йўқсил деб раҳм қилиб, гапларига чақириб турар эдилар. Буларнинг орасида энг каттаси ва мутолааси чиққани қашғарли мударрис бўлиб, ундан кейин Абдурахмон деган олдиноёқ эди. Кейинроқ Бекларбеги мадрасасидаги Мухторхўжа эшонға бориб, “Иълол...” ҳам ўқиб юрдим. Бир ойча ўқиғанимдан кейин бу домлам билан уришиб қолдим.

– Фатарактул ғалала (шундай бўлдирган бўлса, энди “Иълол” ўқишни ташладим), – дедим-да, чиқдим-кетдим. Чунки бу киши жуда катта кўкнори бўлиб, афюн, тарякни ҳам кўб ер ва ҳар чоғда кўрсанг тажанг бўлиб, ҳар кимни ёқтира бермас эди. Ўқуған шогирдларини кўб сўкаберганидан ул бечоралар зириллаб турар эдилар!

Кўклам бўлди. Мулла бобо охунд домламиз, янги келинлик бўлгани учун унга боғ кўрғанчасида бошқа бир айвон ва бир хужра солиб бермакчи бўлдилар. Ўртанча махдум (Жалолиддин

махдум)нинг раъйи – мени биргалашиб ишлашимга бўлганидан кўклардан бошлаб, боғ иморатлариға боқиша бошладим. Мардикорлигим учун ҳар кун 40 тийиндан бермакчи эдилар.

Домланинг боғ иморатларидан қутулғандан кейин саёхат қилиб келмак учун Пискент қишлоғиға чиқиб кетдим ва сабоқдошим Аҳмадхўжани излаб топдим, ул шул чоғда ғўза чопикқа чиқиб мардикор ишлаб юрган экан. Бозор куни ишдан қолиб кўб ерларни томоша қилдирди. У ерда 5-6 кун туриб шаҳарға қайтиб келдим. Шул чоғда Мунавварқори “Шухрат” деган газетни Абдулла Авлоний отидан чиқарди. Пичоқчилик маҳалласининг катта бойи ҳам элликбошиси бўлган Неъматуллоҳ бойвачча билан қаттиқ койишиб қолиб, “Шухрат”ға бир мақола ёзиб олиб борган эдим, “босамиз” деб олиб қолиб босмадилар. Ул воқеа шундан иборат эди: Бир кун маҳалла гузаридаги самовархона олдидаги каловатда, мазкур Неъматуллоҳ бойвачча керилиб чой ичиб ўтирған эди. Мен салом бермасдан олдидан ўтиб кетдим (Чунки ул бир неча дапқир салом берганимда такаббурлик қилиб алик олмасдан ўтиб кетган эди). Ул мени чақириб “нимага салом бермайсан, устозинг шундай ўргатганми?” деб койиб ташлади. Мен туриб: “Бой ака, мени кўб койиманг, мен бир неча дапқир салом берганимда ўзингиз такаббурлик қилиб алик олмагансиз. Мен шунинг учун салом бермасдан ўтдим” – деб жавоб қайтардим. Ул шу кунгача бундай гапни ҳеч кимдан эшитмагани учун жуда ғазабланди ва ҳар туки ништари абдор бўлиб:

– Бор-эй, “падарингга лаънат!” деб кўлидаги иссиқ бир пиёла чойни юзимға сепиб юборди. Шу жанжалимизнинг устиға узоқдан мударрис домла кўриниб қолиб, мен мадрасаға кириб кетдим.

Куз бўлди. Ўқишлар ҳар йилгидек бошланди: Аҳмадхўжа шеригим укасини ке(л)тириб, Қашқарий акамнинг мадрасаси – Қафс отаға кўйиб, ўзи бирданига қаёққадир ғойиб бўлди. Ўртада бир ярим ойға ўтғанда, бир жума куни муллаларнинг гапларига бориб қолған эдим, Қашқарий акам сабоқдошим Аҳмадхўжа очиб, ул Уфа деган шаҳарға бориб, “Мадрасаи олия” деган бир тартиблик Нўғой мадрасасига кирганлигини айтиб, ўзидан келган бир узун битик (мактуб)ни ўқиб бердилар, ул жуда мазмунлик ва уста ёзилған экан. Бу хатни унинг ўзи ёзғанлиғиға сира ишонгим келмади, чунки ул менинг сабоқдошим бўлганидан унинг билим ва идроки менга маълум эди. Қашқарий акамга:

– Йўқ ул ундай ёзилмайдир, бошқа бир нўғой муллеси ёзиб берган! – деб эътироз қилдим ва қарши турдим. Қори акам бир неча дапқир:

– Ўзи ёзган, ул мадраса шундай кишини тез етиштирар экан! - десалар ҳам ишонмаганимдан сўзларини қайтара берганимдан чорасиз бўлиб, “Ҳавабулаи ҳамоқи ас-сукуту” (“Аҳмоқ кишига индамасдан жавоб қайтариш керак”) дегандай, қайтиб мен билан пачакилашиб ўтирмай қўя қолдилар.

Икки ҳафтадан кейин яна бир гапда яна бир битик келганини билдирдилар. Бу 6-7 варақ қилиб, пўчта қоғозиға ёзилибдир. Бунинг гапиға қарағанда ул “Мадрасаи олия”да турли-турли дунё илмлари, тафсир, ҳадис, илми кимё ўқилур экан. Бу битикдаги илми кимё менинг қулоғимға “илми симё” бўлиб кирди. Ундан кейин Абу Али ибн Синонинг бир йилда бир дапқир очиладирған ҳикматлик “Моғора китобхона”лари, ундан Абу Али ибн Сино ва Абдулхарсийлар чиқиб, бир кўлға шўнғиб кириб кетиб, бошқа узок бир шаҳарлардан чиқишлари, ёғочлардан киши ясаб, ҳар бир буйруқлариға юргизганлари, ҳар кеча ҳолвочи болаға подшоҳнинг қизини ке(л)тириб беришлари ва “илми симё”нинг кўпи билан булардан бошқа кўрсатган хунарлари бир-бир кўз олдимиздан ўтиб, ҳалиги мадрасага жуда боргим келиб кетди. Худди Абу Али ибн Синодек билимли бўлиб, бутун ер юзидаги подшоҳларни кўркутадирған бўлур эканман, – деб жазм қилди.

Отам тириклик чоғларида қавмларидан Мулла Насриддин Карим шайх ўғли Туркистонға дўкон қилиб кетган эди. Бир кун шунинг Туркистондан ҳовлисиға келганин эшитиб қолиб бордим ва ундан:

– Ҳазрат Султонға бориб, ишлаб пул топсам, Нўғайистонда янги бир мадраса очилған эмиш, шунга бу қиш таҳсил чоғида бориб, ўқисам, – деб ният қилиб юрибман. Агар сизнинг олдинғизга борсам иш топиб берасизми? – деб сўрадим. Ул Туркистонға борсам иш топиб бермакчи бўлди ва бунга суюниб қайтиб келди.

Энди 1908 йилнинг кўклами бўлди. Ҳалиги айтилган Уфа шаҳридаги “Мадрасаи олия”дан бизнинг шаҳарға 3 шогирд келиб, 3 даҳадаги 3 мактабға ерлашганин эшитдим. Булар кузгача бола ўқитишиб, янги тартиб ўргатиб, яна ўқиш чоғида ўқишлариға етиб бориш шарти билан мазкур мактабларға кирибдирлар ва мактабдор

домлалар ҳам уларнинг кетишида бир неча сўмдан пул бериб жўнатадирган бўлдилар. Кўкча даҳа Тўкли жаллоб маҳалласида мактабдорлик қилувчи Наби домла ҳалиги шогирдларидан Вали Аҳмад деганни ўз мактабига олган экан, унинг билан гаплашиб кўйидаги маълумотни олдим: ундан бошқа бир Абдуллоҳ деган шогирд Себзор даҳа, Абдуллоҳ қори мактабида ва учинчи Аҳмад Нурий деган шогирд Шайхонтаҳур деган даҳада Аъзамжон домла мактабида бўлиб, мазкур домлаларга янги тартиб (усули жадида) ўқишини халфа бўлиб ўргатмакда эканлар. Менинг бултурги сабоқдошим Аҳмад хўжа тўғрисида ҳам сўраган эдим, ул мазкурга сабоқдош бўлиб, Мадрасаи олияда бир синфда ўқишганлигин гапириб, мадраса ўқишларини мақтади.

Бир жума куни ул мадрасадорлар бўлган Абдуллоҳ билан Аҳмад Нурийнинг ҳам олдиға олиб борди. Тиллариға чала тушунсам ҳам гаплашиб турдим. Ва улардан янги-янги гаплар, кишининг дилини оқартирадирган гаплар эшитдим. Миямда эски мадрасанинг эски фикрлари билан булар томонидан бир оз кирган янги фикрлар уришмакда, бироқ Олия мадрасасига бориб ўқиш ўйи, кўнглимда кўпроқ ерлашган учун эски фикрларнинг аскари енгилмакда эди.

Апрелнинг ўртароқларида Уфадан Аҳмадхўжа келди. Қафас ота мадрасасига тушган эди, бориб кўрдим: кийимлари пурим, устига “балтоми”, “палтоми” дейдирган бир қора кийим кийибдир. Бунинг зехни бурун ҳеч нарсага кириша олмас эди, энди бола денг арабча китобларнинг “фаъол-мафъул, музоф-музозун илайҳ ва мубтада”⁷¹ хабарларини ажратиб, яхши маъний берадирган бўлиб қолибдир. Икковимиз кезмак бўлиб Пиёнбозор (Васкир Асинский бозор)иға чиқиштиқ. Шул чоқларда Аҳмаджон Бектемиров деган бир нўғай “Азия” деган бир газета чиқармакда эди. Унинг бошқармасиға бориб кўриштиқ. Кичкинагина бир уй, эскигина кичиккина устол ва устуллар қўйилган бўлиб, йўқсилғина бир турмуш билан бу шўринг қурғур, эзилган, янчилган ва ўрисларнинг қийноғи остида, “билим” деган қийматбаҳо нарсадан узоқ-узоқ яшамоқда бўлган бир нарсасини ва ўзининг тинчлигини фидо этмакда экан. Ҳалиги газет бошқармасидан Аҳмаджон Бектемиров билан хайрлашиб чиқиб, эски шаҳарға қараб жўнадик. Йўлда Аҳмадхўжа мадрасасини мақтаб, мени бурунгидан ҳам қизиқтириб қўйди. Ўз

⁷¹ Диний китобдаги иборалардан бири.

одатимча, бир кун Мунавварқорининг масжидига ўйнаб чиқиб қолган эдим: ул ўзи бошлаб тасниф қилмоқда бўлган “Адиби аввал” деган “Алифбо” китобидан 3-4 бет ўқиб, ўзининг зеҳн ва фаросатига мени хайрон қолдирди.

Энди янги шаҳар (Тошкентнинг ўрис турадирган бўлими)да ишловчи бир пудратчига мардикор бўлиб ишлашга кирдим. Ул янги шаҳар (город)нинг узоқ бурчакларига бориб ишлатар ва пулини жуда оз берар эди. Қарасам, томоқ ўз ёнимдан бўлганда ҳар кун ёнимга 40 тийиндан ҳам қолмайдирган кўрунди. Икки ҳафтадан ортуқроқ ишлаганимдан кейин кўлимга пудратчидан 3 сўм киргизиб олдим-да, кенгашмак учун янги шаҳардаги Миробод маҳалласининг имоми Мунавварқорининг олдига чиқдим. Қори масжидда йўқ. Умаркул Аноркул ўғли деган сарикқина бир шогирди бор эди. Унга шул маҳалласидаги масжиднинг вақф ҳовлисига янги тартиб мактаб (усули жадида мактаби) очиб берибдир. Мактабида қора тахта ва қора парталар кўрдим. Мадрасага бориш тилагида ҳозир Туркистонга жўнаб кетиб бораётганимни Умаркулга айтган эдим, ул ҳам суюниб маъкул қилди ва “менинг ҳам пулим бўлса ўша ёққа бориб ўқур эдим!” деб афсус қилди. Унга Мунавварқориға кетаётганимни гапиришни ўтиниб шаҳарга қайтиб тушдим. Сўнгра паспорт олиб, билат билан ўтаравага тушиб, Туркистонга қараб юриб кетдим ва бориб, мулла Насриддин акамнинг турган кўрасиға тушдим.

1908 йил 22май

47

Мулла Насриддин акамнинг кичик иниси – ўртоғим мулла Низомиддин ҳам шу ерга келиб дўкон ўтирган экан. Бу икки оғайни мени яхши қарши олдилар. Бугун ўтди, эрта чойидан кейин Хожа Ахмад Яссавийнинг қабр зиёратига бордим, бултурдан бери газеталар менинг қабрлар (бурун ўтган азиз авлиё деб танилганларнинг мозори) тўғрисидаги эски фикрларим ва ярамас эътиқодларимни ўзгартириб юборган эди, эшикдан киришим билан кўзимга мисданми ёки бошқа маъданданми ясалган бир қалин ва улкан қозон кўрунди, ўртада киши бўйи баробарида кўтариб ҳам унинг теvaraгига туғлар тираб кўйибдирлар. Дарров мозорнинг шайхи келиб шул қозонни ўпишларға буюрди. Мен бурун замонлардаги тош, кесакларға чўкинадирган мажусийлар эсимға

тушиб кетиб, уни ўпишга тортиндим. Бу қозон ва туғлар мусулмонларнинг қарашида улуғ ва шарофатлик нарсага ўхшайдир, чунки унинг теварагида ўпиб ва кўзларига суртиб айланиб юрган кишилар кўб, улар менинг ўпмағанимга анчагина хафа бўлдилар.

Сўнгра бир кичкина яшиқдан хонақоҳга кириб, бузрукка Қуръон ўқиб, бағишлаб чиқдим. Бир шайх йўл бошлаб, яна бир уйга олиб кирди, бунинг бир неча ерида, қабрларга ўхшатиб кичкина-кичкина тупроқларни йиғиб қўйибдилар. Бу ишни кимлар қилганини ва нима учун қилганини улардан сўраган эдим шайх:

– Зиёратга келган кишилар, қиёматда, Хожа Аҳмад Яссавийнинг туғларининг тегида бош кўтариш тилаги билан ясайдир, сиз ҳам шул тилак билан битта қабр ясангиз! – деди. Мен бу ишнинг маънисига тушунмаганим ва бир олимдан бундай сўзни эшитмаганим учун:

– Йўқ, керак эмас, мен ундай тентакликни қилмайман! – деб унамадим ва шайх ўтирған ерга 20 тийин ташладим-да, тез чиқиб кетдим.

Туркистоннинг кўб дўкандорлари шаҳардошларим бўлиб, буларнинг орасида Туркистонда турғун бўлиб қолиб кетганлари кўб экан. Мен тушган қўранинг эгаси Анорбой деган бир каттакон бой бўлиб, унинг ёнидаги бир мадрасани ҳам шул бой солған экан. Бу қўрани бизнинг тошкентликлардан ўнтачаси бир бўлиб ижарага олған ва барчалари овқатларини бир қозонда пишириб еб ётар эканлар. 5-6 кун ўтгандан кейин мулла Насриддин акамдан иш топиб беришини сўраган эдим, ул шу ерда турғун бўлиб қолған шаҳардошимиз Ҳакимжон деган атторнинг бир катта меҳмонхона солишини бир ҳафтадан кейин унинг иморати бошланишини ва мени унга мардикор қилиб солиб беришини айтиб, мени тинчлантирди.

Анорбойнинг масжидида мен бормоқчи бўлиб юрган Уфанинг бир қишлоғидан Шокиржон деган бир нўғай йигити аскарлик хизматидан қочиб келиб ётған экан. Мен бир кун уни(нг) олдиға чиқиб гаплашиб, ўртоқ бўлиб олдим. Ўзи бир катта ҳазрат (домла имом)нинг ўғли бўлиб, тузуккина илмлик ва янги фикрлик экан, мулла Насриддин акамга:

– Шул мадрасадан бир хужра сўраб олиб беринг! – деб ўтирған эдим, ул кишига бул сўзим ёқмасдан:

– Туркистонда бир ой турасизми, икки ой турасизми, ишлаб келиб, шул бизнинг кўрада бемалол ётаберасиз! Сизнинг бир-икки лўқма тамоғингиз ва ётишингиз бир кишига ҳам оғир келмайдир. Анорбой мадрасадан хужра олиб туриш хаёлини кўнглингиздан кўтаринг! Бўлмаса, мен ёмон хафа бўламан! – деб туриб, ўзбекчиликка яраша меҳмондўстлик ва олийжаноблик кўрсатди. Мен ҳам унга раҳматлар айтдим.

Бир кун кўранинг ишчиси оғриб қолиб, бир қариндошининг уйига бориб ётиб олди. Шунинг учун ишчи соғайгунча – деб, ишчиликни менинг бўйнимга кўйдилар. Бугун ишчи болаға:

– Оғиз, бурун, юз ва қўлларингиз қоп-қора кир бўлиб юрадир, озодароқ бўлиб юрсангиз бўлмайдурми? – деб койиб ва мазах қилиб юрар едим “Бошға тушса, кўз кўрар” дегандек, мана энди, ўзимнинг ҳам ишчилик бошимга тушиб қолди: кишининг баданлари қора ва кийимлари кир бўлиб юрмасдан сира иложи йўқ экан.

15 кунчадан кейин ишчи бола ҳам тузалиб келиб, ўз ишини қилишга олиб, мени юзи қоралиқдан қутқариб кўйди. Энди Ҳакимжон атторнинг ҳам иморати бошланди. Икки уста 5-6 мардикор билан меҳмонхонанинг остиға 3-4 қатор пишган ғишт ишланиб унинг устига ҳам ғишт кўйила бошланди, замбиллар билан ташиб тўкиб ва устага уларни ирғитиб бериб турамиз.

Уҳ! Мардикорчилиги қурсин! Белларим қайишиб-қайишиб кетади. Июнь ойи кириб саратон бўлғанидан хаволар жуда исиб кетиб, тез-тез чўллаб қоламиз. Бу Туркистоннинг оқар суви оз бўлғанилиги учун қудукдан сув тортиб ичганимиз учун эди. Бойларнинг қарашида энг қуйи мартабадаги кишилар, албатта, мардикорлардир. Сувласанг бизга чой қайда? Усталарга чой бериб бизларга сувоқ сувини ҳам жанжалсиз ичиртирмайдирлар, тез-тез чўллаб ўлиб қолдингизми, деб койиб турадирлар. Бизнинг сўзимизни эшитмайдирган киши йўқ. Бир нарса деб уларга хархаша қила олмаймиз, агар бир нарса дегудук бўлсак борми, уста жартида қилиб хўжайин сўкиб, калтаклаб ва ишлаган пулимизни бермай ҳайдаб юборишлари ҳам кундай очик. Уларга биз бўлмасак бошқа мардикор-да, бозорда нима кўп мардикор кўп, мусулмонлар орасида нима кўп камбағал халқ кўп. Шунинг учун койисалар ҳам, сўксалар ҳам ғинг демасдан иш қилаверамиз. Ишдан бўшаб кўраға келганимда иш йўқ кунлари, Анорбой мадрасасидаги Шокиржон

нўғай билан гаплашиб тураман. Мадрасаи олияға бормоқчи бўлиб юрганимни унга ҳам билдирдим: ул менинг бул ғайратимға раҳматлар айтди. Бироқ “оқчани кўбрак топишға тириш!” деб (ўғитлар) насихат қилур эди. Бу нўғой бучоқларда бир сандуқчи устага кириб сандуқ қилишини ўрганиб юрибди.

Туркистоннинг жануб ёғи ва бир тош (чақирим)ча узоқлиғида “Иқон” деган бир қишлоқ бор бўлиб, менинг Аҳмаджон деган бир тоғам шунда келиб турғун бўлиб қолганин эшитган бўлсам ҳам, афт-башарасини кўрмаган эдим. Мен шуни кўриш учун ҳалиги қишлоққа бордим. Ойимнинг отаси (бобом) ҳам шул ўғлининг уйига Тошкентдан келган экан, уларнинг барчалари билан кўришдик. Тоғамнинг бир хотини ва биттагина қизи бор бўлиб қоп-қора бир чўтир кишини ич куёв қилиб унга қизини берган ва ундан бир-икки набира кўрган экан.

Бу қишлоқнинг мингбошисининг ҳовлисида бир нўғой йигити муаллим бўлиб, бола ўқитмоқда бўлганини эшитиб бориб кўрдим, унга мингбоши 15 тача бола йиғиб берибдур. Ул шуларни усули жаҳид йўли билан ўқитмоқда бўлиб ўқитадурған нарсаларининг орасида “жуғрофия”, “ҳисоб”, “тарих” ва “тажвид”⁷² деган дарслар ҳам бор экан. Менинг олдимда шогирдларидан ёдаки бир неча нарсалар сўради, улар янглишмасдан ва энтикмасдан яхшигина жавоб бердилар. Ёш-ёш болаларнинг шундай билимли бўлиб қолганиға оғзим очилиб қолди ва жуда ҳавасим келди. Марғилонда бундан йил бурун кўрган Қудратиллоҳ қорининг мактаби ва унинг ўқитиш йўллари бир нарсага ҳам арзимас эканлигин бечора болаларни куп-қуруқ ашулага ўргатиб юрганлигим энди тушундим.

Мактаб болаларининг орасида ўқийдирған икки қиз бола ҳам бор бўлиб, улар эркак болалардан ҳам тузукроқ жавоб бердилар. Биз хотин қизлар: “ноқисат ул ақл” (сочлари узун, ақллари қисқа) деб камситиб менсимай юришимиз, бориб турған тентаклигимиз ва опа сингилларимизга қилған катта хиёнатимиз экан, уларни яхши ўқитсак, тузук тарбия билан ўстирсак эркаклардан ҳам туйғун онглик ва билимлилар бўладирған кўринадирлар. Чунки қизлар қандай ўқиб билганларини мана ўз кўзим билан кўриб турибман, бировдан эшитганим йўқдир!..

⁷² Тажвид – Қуръони каримни кироат қоидаларига биноан ўқиш усули китоби.

Бу нўғай ўқитувчи (муаллим)нинг оти Рахимжон бўлиб Уфа шаҳрининг қишлоқларидан экан. Бунинг ҳам тилаги бу йил Мадрасаи олияға бориб ўқиш эмиш. Мингбошининг бир икки тахсилдан бери Бухороға бориб ўқиб юрган бир ўғлини ҳам шу йўлга солиб, янги тартибга қизиқтирганини, ул ҳам Мадрасаи олияға бормоқчи бўлиб, ошиқиб юрганини менга айтди. Мен: “энди, йўлдошим кўчалар экан!” деб суюндим ва Рахимжон афанди билан хайрлашиб тоғамнинг ҳовлисига қайтиб бориб эртасига Туркистонға қайтиб келдим.

Шокиржон билан кенгашиб олиянинг бошқарувчиси ҳам бош мудури Зиёйиддин акага:

– Афандим! Мени ҳам мадрасангизга олишга кўнасизми? Ўрин борми? – деб битик ёзган эдим. Унинг жавоби 15 кунчадан кейин келди. Зиёйиддин ака моли:

– Ўрин бор: сизнинг отингизни мадраса дафтарига тиркадик, кела берингиз! – деган мазмунда битик ёзди. Менга бир қийин иш пул топиш ва иккинчиси олияга ёзган битикларига жавоб олиш эди. Яхши бўлди биттасидан енгил қутилдим.

Ишим йўқ кунлари, мулла Насриддин акамнинг дўкониға чиқиб турли форсий, туркий тизмалар (назм китобларини ўқиб ўтирар эдим) шул бозор бошидағи катта мадрасанинг катта мударриси Турсун Муҳаммад аълам ҳам қайси кунлари бизнинг олдимизға чиқиб китоб ўқисак, маъни бериб ўтирар эдилар. Бу мударрис жаноблари ёлғиз Туркистон эмас, бутун Туркистон ўлкасининг улуғ шоир ва ҳам фазилат эгаларидан бўлиб арабча, форсийча ҳам туркийча тизмалар назмлари кўп эмиш. “Бедил” китобининг маънилари ҳам айтишга ҳам биринчи эканлар. Бу ернинг растадаги дўконларининг кўпи ихлослиғ бўлиб, айниқса, Мулла Насриддиннинг муҳаббати ҳам ихлоси юқори эди.

Бир кун Шокиржон йўғайнинг ҳужрасига кирганимда, ул:

– Мана буни ўқиб қара! Сенга тегишли бир муҳим хабар бор! – деб қўлимға “Вақт” деган Оренбургдан чиқадирған бир газетни ушлатди. Уни ўқиб кўрсам олияда ўқишлар қай хилда давом этишини, қайси синфда нима китоблар ўқилишини, янги кирган кишилар нималардан имтиҳон беришини, мадрасага кирган киши қанча пул тўлаб киришини ва мадраса сентябрда очилиб, ўқишлар бошланишини очик қилиб ёзибдир. Бу хабарни кўриб, тезрак ҳам эртарак боришға ошиқиб кетдим.

Ярмидан озроғини ишлаб, кўпини ишсизлик билан уч ойдан ортиқроқ чоғимни ўтказиб, 30 сўмча ақча топдим. Энди сентябр ойи кирди, ўқиш чоғи етди. Мен турған кўранинг кунботар томонида Иқон бўлиси (мингбошиси)нинг саройи бор бўлиб, ўғли келганини эшитиб, мадраса кенгаши учун олдиға чиқдим. Бўлис боласи иморат билан айланишиб, уста, мардикорларға иш кўрсатиб бошида турған экан. Ҳозир саройда отаси йўқ экан. Бунинг гавдаси йўғонгина эди. Қўрқиброқ ҳам тортиниброқ бориб кўришдим. Дарров меҳмонхонасиға олиб кириб, чой, нон қилди. Бир оздан кейин мадрасага бориш-бормаслиғини сўраған эдим, бориш тилаги берк (маҳкам) эканлигини биларди ва мен ҳам боришға бел боғлаб юрганлигимни айтдим. Унинг юзида суюнч изи кўриниб:

– Яхши бўлди, йўлдош бўлур эканмиз ва ул ерда Туркистон ўлкасидан икки шогирд бўлур эканмиз! – деди. Яна бир оз гаплашиб ўтириб қайтиб чиқдим. Бунинг оти Мулла Мирсаид бўлиб юмшоққина йигит экан.

Иқонға бориб тоға ҳам боболарим билан кўрушиб, “соғ бўли(нг)ла(р)”лашиб келдим. Мингбоши ўғли билан Иқон нўғой муаллими ҳали бери жўнайдиғанға ўхшамайдир. Буларга қарасам, жуда кечикиб қоладирғандек бўлдим. Шунинг учун нарсаларимни боғлаб тайёрладим, шу ердаги таниш-билиш ҳам Мулла Насриддин акалар билан “соғ бўли(нг)ла(р)”лашиб арава билан Туркистон истансасига чиқиб тўртинчи поездга Оренбургга деб билат олиб юриб кетдим.

1908 йил 11 сентябр.

(Биринчи бўлимнинг тугаши)

ИККИНЧИ БЎЛИМ

48

Менинг ўтирған қизил уйда, ўзимдан бошқа мусулмон йўк бўлиб, 45 тагина ўрислар бор эди. Тўғримда ўтурған бир ўрис йигити оз-моз ўзбекча билгани сабабли ўшанинг билан гаплашиб кетдим. Ул ўрис Омскийга борур экан, ёнида бир чиройликкина хотини ҳам бор эди. 2-3 истанса босқанимиздан кейин бир мужик ўрис, бир хотин, бир ўғил ва бир қизи билан чиқиб, менинг ўнг ёнбошимга ўрунлашди. Бурун бундан бир оз кўрқиб ва чўчиб турган эдим, кейин юмшоққина ва оғирғина киши эканлиги билинди. Йўл учун олған ёғлиқ кулчамдан болалариға бир-икки дапқир берган эдим, бурунгидан ҳам эриб ва юмшаб кетиб, менинг билан жуда атий-қатий бўлиб қолди. Ўтирған уйимиз тиқилинч бўлмағанидан жуда эркинлик ва кенгчилик билан кетиб борар, ёлғиз аравамизнинг дириллагани билан томоқ чоғида чойимизнинг чайқалғани тинчимизни бир оз бузар эди.

Оқмасжид (Перовский) билан Ғазали истансаларидан ўтғанимиздан кейин секин-секин совуқ билина бошлади, биринчи истансага қарағанда иккинчи истанса совуқ ва иккинчи истансага қарағанда учинчи истанса совуқ эди. Мана шундай борған сари киш бурунроқ тушадирған ва совуғи қаттиқроқ бўладирған ерларга кириб борамиз. Туркистондан чиққанимда ҳавонинг иссиғиға кўйлакчан ҳам чидолмас эдим, энди совуққа пахталик камзул ҳам енгиллик қилмоқда. Шунинг учун уйимизнинг ўртада турған темир ичига ҳам ўт ёқа бошладилар.

“Чалқар” деган истансага етканимизда бундан анчагина: йўғон-йўғон, новча-новча “хахўл” деган ўрислар ўт аравага чиқишдилар, бизнинг ўтирған уй ҳам улар билан лик тўлди. Мен бурун бундай ажойиб афтларни сира кўрмаганимдан, жуда кўрқиб ва жуда кайфим учиб кетди. Шул чоқда ўзимизнинг кинначи хотинлардан биттаси ёнимда бўлса эди, дарров бир косада сув ке(л)тириб юзимга сепган бўлур эди. Ўтиришға жой йўклиғидан, хахўлларнинг кўпи типпа-тик туриб қолди, мен ҳам кўрққанимдан, йиғинчоқроқ бўлиб ўтирдим.

Булар йўлағи истанса дўконлардан ароқлар олиб чиқиб ичмакда, тарвуз, балиқ ва чўчка гўштларини бўлка нонларға қўшиб емакда, махоркаларини чекиб, гармонларини турли-турли куйларға солиб

чалиб, совуқ довушлари билан бўкира-бўкира кўшиқларини айтиб ва тўполон қилиб бормоқда эдилар. Қайси истансаларда 2- 3 тадан тушиб саржин ўтин ташиб-ташиб олар эдилар-да, уни печкага қалаб уйни қиздиришиб, бўкиришганлари-бўкиришган эди. Уларга: “Тек турунлар!” ёки “Секинроқ кўшиқ айтинлар!” дейдирган бир юраклик киши топилмас, бу ўтириш уларга байрам ва менга аза бўлиб, жуда тинчим кетди. “Оқтепа” деган истансага етганимизда, ҳалиги кўполларни сафари тугалиб, тушиб қолдилар ва улардан қутилганимга шукрлар қилдим. Бундан ўн иккинчи истанса, Оренбург эмиш, аравамиз юриб кетди. Бир неча истанса юрганимиздан кейин ҳар кунги қилиғимни қилиб, уйқуға кирдим. Қаттиқ ухлаб қолган эканман, ёнимдаги ўрис мужик Оренбург истансасига етканда уйғотди. Кеч соат 9-10 лар чамаси экан, мен шошилиб туриб, тезлик билан кўрпа, ёстикларимни ўраб боғлаб тўғримда ўтирған ёш ўрис ва ёнимдаги мужик ўрислар билан қўл бериб хайрлашдим-да, нарсаларимни кўтариб қуйиға тушдим. Вокзалдаги пайтун (избоши)лардан биттасига:

– Мени бир нўғай нўмирига элтиб ташла! – деб эллик тийинча кира қилған эдим, избошчи ўрис шу ерга ёвукқина бир нўмирга олиб борди ва бир ўрис қизи чиқиб, нарсаларимни кўтаришиб, шоти (нарвон) билан юқориға олиб чиқиб бир ҳужрага киргизди. Кейин сезиб қолдим, лаънати избошчи “Нўғай нўмирига олиб бориб ташлайман деб” алдаб мени ўрис нўмирига ке(л)тириб ташлаған экан, аччиғим чиқишға-ку, хўп чиқти-я! Энди, илож қанча?!

49

Мен туғилганимдан бери «нўмир» (мусофирхона) деган жойни кўрганим шул. Бу мен тушган нўмирим, анчагина тартиблик жой экан! Кўча эшикдан кейин ўн-ўн беш тахта шоти билан юқори чиқиб, усти ёпиқ бир узун, тор кўча (коридор)га кирилур экан. Унинг икки ёғида қатор-қатор тизилиб кетган ҳужралари бор бўлиб, унинг биттасига ман кирган эдим. Бу нўмир электирик чироклари билан ёритилур экан. Ҳалиги юкларини олиб кирган ўрис қизи, 5 минутчадан кейин олдимга кириб: “ҳазайн самовар надо?” – деди. Мен ўрисча билмасам ҳам самовар қайнатиб, келтириб берайинми? деб айтган бўлса керак деб ўйлаб, бошимни кўйиға қараб силкитдим. Уялғаним тўғри чикди бир кичикрок

самоварни қайнатиб, кичкина бир чойнак билан келтириб усталимнинг устига қўйиб чиқиб кетди. Хуржунимдан чой олиб дамлаб, нон ва қандлар билан ўзимни-ўзим яхшигина зиёфат қилдим ва томоғимни тўйғаздим. “Званок” (кичкина қўнғирок) босишни билиш у ёқда турсин, унинг ўзини ҳам кўрганам ва эшитганим йўқ бўлганидан хизматчи ўрис қизини бориб чақириб келтириб самоварни олдирдим. Хизматчи қиз, менга имлаб “званок”ни кўрсатиб ва босишни ўргатиб чиқиб кетди. Бу ўрис қизи, бирам яхши, бирам соз, унинг билак, болдирларини кўрсангиз, оппок, момик (пахта)дек бўлиб, оғизларимнинг сувини оқизиб ва жуда ҳавасимни келтирди.

Кечаси соат икки бўлгандан каловатга ўрун солиб ухлашга ётдим. Яна бир соатча хизматчи қизни ўйлай-ўйлай уйқум келмай ётиб, тонг отишга ёвуқ донг котиб ухлаб қолибман. Ўрнимдан турсам, соат 9 дан ошган экан, кийимларим ва хужрамнинг ўртасида тахта пол (ийдон) устида таҳорат қилиб, махсимни кийиб, намозимнинг қазосини ўқиб олдим.

Кеча званок босишни ўрганганимдан унинг олдига бориб, секингина босиб юборган эдим, хизматчи қиз югуриб келиб: “чегу надо?” (нима керак?) деб сўради ва шу орада кўзи таҳоратдан тўкилган сувга тушиб қолиб, туси ўзгариб жуда аччиғи келиб-кетди, ҳали ўз тилича мени анча койиди. Унинг нималар деб койиганини қаёқдан билайин?

– Сарт, ёввойи – деганми? Ёки мусулмон тартибсиз, тентак! деганми?

Тилига тушунмаганимдан кейин унинг билан гаплашиб, қилган ёзишимни сабабларини айтолмадим, ёлғиз ғиринг демасдан ўтирдим. Койиди-койиди-да, мени чақириб олиб чиқиб кетиб, юз-кўл чайқайтирган ерни кўрсатди ҳам бир латта ва бир челак кўтариб келиб, хужра сувларини тозалаб олди.

Бу қиз(нинг) мени койиши тўғри эди. Чунки хужрамнинг ери тахта пол бўлиб, унинг устига, қоғозданми, бошқа нарсаданми, юпқагина ялтироқ бир нарса ёйилган, сип-силлиқ ва теп-текис бўлгандан таҳоратнинг суви барчага ёйилди-кетди. Унинг тоза ва озода қилиб қўйган ерлари сувга кўлоб бўлиб ётса, койимай нима қилсун?

Ўн минут ўтар-ўтмас ҳалиги қиз самоварни қайнатиб келтирди. Энди икковимиз ярашдик, ул олдимда ўтириб бир истакан чой ҳам

ичти. Менга кулиб қарар ва ўзича ғужир-ғужир бир нарсалар гапириб, кичиғликлар қилиб эди. Шу хилда қиз, бир оз ўтириб чиқиб кетди. Чойни ичиб бўлганимдан кейин яна бир звонок босдим, қиз югуриб келиб, самоварни йиғиштириб олиб кетди.

Мен звонок деган нарсани билмас эдим, хизматчи қиз эшик ёнидағи деворда бир нарсани кўрсатиб, “это звонок” дегандан кейин билиб олдим. Бу “званок” деган нарса, жуда улуғ, хосиятли бир нарса бўлур экан. На учунки довуш чиқармасдан ва дунёни бузиб: “Ҳой, фалончи ака!” деб чақирмасдан турган ерда кичкинагина резинкани бошмалдоқ (бошбармоқ) билан босиб юборсанг аллақайдан чақирган кишинг олдингга ҳозир бўладир. Бу нарса бир меникида эмас, ҳар қайси хужрада ҳам бордек кўринадир, қайси хужрадан босиб чақирганинг хизматчилар қаёқдан биларкинлар, звонок қайси хужрадан босилса, шул хужрага янглишмасдан тўппа-тўғри югуриб борадирлар! Бундай “илми ҳикмат” ишларга сира тушунолмай, танг-ажойиб қолдим..! Бу Оренбург шаҳарининг уёғ-буёғини кезиб кўргали чиқдим: кўчаларнинг барчаси бир-бирисига ўхшар, бизнинг Тошкент эски шаҳар кўчаларидек тор-тор эмас, кенг-кенг қилиб ясалган ва уйларининг кўпи ёғочдан, қайсиси пишиқ ғишт ва қайсиси ҳам ғиштан ясаиб, томлари тунукалар билан қопланган эди. Менга ўрис ва нўғойлардан бошқа эл учрамади ва бизнинг Туркистон ўлкасидаги саллалик мўмин ва мусулмонлардан биттагина ҳам кўринмади. Бир ярим соатча кўчаларини айланиб кезиб, қайтишимда тушган нўмирим (мусофирхона)нинг кўчасини тополмай қолдим. Билиб олган нўмиримнинг чала-чулпа оти билан кўб кишилардан сўраб-сўраб юрдим. Икки соатча адашиб юрганимдан кейин бир нўғой пойтунчи билиб, 40 тийинга зўрға кўниб, бир кўча айлангириб, нўмирим олдиға келтириб тушурди ва мен жуда қувондим.

Туркистондан келишда секин юргани бир сари, нукул мужик ўрислар орасида қолганим бир сари бўлиб, 4-класда тозаям танбеҳимни еганим учун 3-клас поезд билан Уфаға қараб юрмакчи бўлдим. Сўраб ўт араванинг кеч соат олтиларда юришини билиб тайёрландим, нўмир учун 1 сўм, томоқлар учун 50 тийин тўлаб, паспортимни нўмирчи ўрисдан олдим. Хизматчи қиз пойтун чақириб келтириб, нарсаларимни олиб чиқиб солди. Мен хизматчи қизга 5 тийин “на чай” (чойлик) бериб истансага чиқиб, пойтунчаға

20 тийин тўладим. “Такса” (хукумат томонидан белгиланган узил-кесил баҳо) шул эмиш! Кеча вокзалдан ҳозир чиққан нўмирга биттаси элиб 50 тийин, адашиб юрганымда бир кўча айлангириб келтириб ташлаб, иккинчиси 40 тийин ақчамни олган эдилар, уларнинг таксалари ҳам ўмар(иб) олган ақчалари эмишми? Йўқ-йўқ, ундай бўлмаса керак!

Фойтундан юкларимни олиб билат бериладирған залга кирдим. Почтавой поезд янгигина келиб тўхтаған, зал кишиларнинг кўплигидан тиқилинч, билат олувчилар турнага ўхшаб қатор-қатор тизилишкан ва касса очилиб, билат бера бошлаган эди. Мен кўлим ва елкамдаги юкларимни қаерға қўйиб, билат томонға боришимни билмас эдим. Йўлдошсизлиқ жуда қийин бўлур экан, бурун оз-оз билиниб юрган бўлса ҳам сиртимга юқтирмас эдим, энди жуда қаттиқ таъсир қилди. Нима қилишимни билмасдан шошилиб қолдим ва йиғламоқдан бери бўлдим. Юкларимни кассанинг остонасиға қўйдим-да, қатор туриб билат олиб, учинчи класснинг ҳажға борувчи қашқарлиқлар билан тўлған бир уйга кириб ўринлашдим.

1908 15 сентябр

50

Бу уйда битта ҳам мужик ўрис йўқ бўлгани учун жуда хурсанд бўлған эдим. Бироқ бир оздан кейин қашқарлиқларнинг сассиғлиғи димоғларимни тарс ёриб юбора ёзди. Шундай бўлса ҳам чидаб бормоқдаман. Бошиға “фас” (турк қизил дўпписи) кийган ёшгина бир қашқарлик йигит шу уйнинг бир бошиға, бир оёғиға бориб келиб юрмоқда, билат кўргани келган кандуктўрларға тушунтирмакдайди. Бир қашқарлиқдан мазкур йигитнинг ким эканлигини сўраған эдим ул:

– Бизнинг ҳажбошимиз, – деб жавоб берди.

Бир оз ўтғандан кейин ҳалиги ҳажбоши менинг олдимға келиб, қаерға кетаётганимни сўради. Мен борадирған жойимни айтдим (ва ман ҳам мудрай-мудрай ухлаб қолдим), ўт арава Кенилга борғанда менга билдиришини айтдим. Ул ҳам:

– Хўп муллам, хабар берайин! – деб ўз ишига кетди. Кеч соат ўнларда йўлчилар бир-бир уйқуға кирдилар ва мен ҳам мудрай-мудрай ухлаб қолдим. Кенил борғанда ҳажбоши ўз сўзида туриб,

келиб уйғотди. Дарров шошилиб-пишилиб юкларимни боғладим. Уфаға кетадирған учинчи класс поезд тайёр экан.

– Толиби илм экансиз, савоб бўлар, – деб ҳажбоши юкларимни кўтаришиб тушиб, бунинг бир уйига мени жойлаштириб чиқиб кетди ва унинг шундай текиндан-текин кўрсатган хизматиға раҳматлар айтиб қолдим.

Бу тушган нўмир (мусофирхона) Оренбурдагига сира ўхшамас, хужралари паст-паст қилиниб солинған бўлиб, тоза ва озодалигидан кўп узок, тахталарининг ораларидан ҳар турли куртлар кўриниб ётмоқда ва ҳар ёғидан аллақандай чучмал хидлар келиб турмоқда эди. Чарчаб келган эдим, кийим бошимни ечиб ухлашға ётдим. Тонг отгандан кейин турсам қовоқларим, бетларим ва баданларимни бир неча ерлари қабариб-қабариб шишиб чиқибдир. Нўғайларнинг олдига чиқиб:

– Қурт чақиб олди деган эдим, улар: "таракон"- "таракон", деб мени масхара килиб кулишдилар. Кейин билсам "таракон" деган тахта канаси чақиб шиширган экан. Чойдан кейин хизматчи нўғай болани чақириб "Олия" мадрасасининг бош ўқитувчиси бўлган Зиёиддин... ҳазратларининг турадирған ҳовлисини сўраган эдим ул:

– Айдагиз алайса уромдан кўрсатайин, деб кўчага олиб чикди хам кўли билан кўрсатиб юборди. Ман унинг кўрсаткан йўли билан сўраб-сўраб бориб, Жонтурин деган бир бойнинг ҳовлисига кирдим. Шу ердаги отхонани тозалаб юрган нўғай хизматчилари:

– Ул мунатеги уйда тура – деб Зиё ҳазратининг турадирған уйини кўрсатдилар. Бориб эшигини секин-секин тақиллатған эдим, ўрта бўйлик, чўққи соқоллик. қотмагина бир киши эшикни очиб, очик юз ила мени карши олди. Мен дарров салом бериб кўришдим. Ул раҳм етказ деб кичик бир хужрага олиб кириб ўтказди ва эсон-соғлиқ сўрашди. Билиндики, Зиё афанди шул экан, мендан қайси шаҳардан ва нима учун келганимни сўраған эди. Тошкент шаҳридан ўқимоқ учун келганимни билдирған эдим, сўнгра отимни сўраб билганимдан кейин менинг ёзган хатимни олиб жавоб қайтарғанлигини Аҳмад хўжанинг таниш танимаслигини ва ул “биринчи таҳзирия”ни битириб кетганлигини бир-бир айтди. Бир оз ўтириб гаплашиб қайтар кезимда:

– Таксир! Мумкин бўлса, мадраса очилгунча пул тўламасдан турадурған бир жой топиб берсангиз, мен шунда турсам, чунки ўзим фақирроқ бир шогирдман, нўмирда тура берсам, ҳар кун энг ози бир сўмдан кетадигандек кўринадир, бундай бўлғанда мадрасага кириб ўқиш бошланғунимча ақчам тугаб қолиб, ўқишимга зарар келса керак! - дедим. Зиёиддин ул ҳамон:

– Илайса, мен сизга бир қоғоз ёзиб бераман, олиянинг орт ёғиндаги бир маҳаллада имом ҳам Хатзариф ҳазрат исмли менинг бир биродарим бор, қоғозни шунга элтсангиз ул сизга ўрин топиб берур, – деб кичкина бир қоғозга хат ёзиб берди. Мен ҳам ул киши билан хайрлашиб чиқиб нўмиримга қайтиб келдим.

Нўмирдаги кишилардан мазкур Зариф ҳазратнинг ҳовлисини сўраған эдим, ҳеч ким билмади, сўнгра кўчага чиқиб бир нўғайдан сўраб билиб олиб, 40 тийинга бир избошни кира қилиб тушиб кетдим. Ул бир неча кўчалардан айлангириб-айлангириб олиб бориб Олия мадрасасининг олдиға ташлаб кетди.

Мадраса шаҳарнинг четроқ ҳам кун ёғи (шимоли)да бўлиб икки кўчанинг туташган бир ери пишиқ ғиштдан уч қават қилиниб солинибдир ҳам ташқаридан кўриниши улкан ва чиройли бўлибдир. “Бу мадрасанинг сирти мундай ичи қандай экан? Жуда яхши бўлса керак” деб кўнглимдан ўтказиб ўтиб кетдим ва киёмалаб кўйға қараб анчагина тушуб бориб, сўраб-сўраб бир жарнинг қабоғида ҳазратнинг ҳовлисин топдим. Дарвозани қоқишим билан бир кичкина нўғай бола югуриб чиқиб:

– Абзий сенга ким керак? – деди. Мен:

– Ҳазрат уйда борми? – деб сўраған эдим нўғай бола:

– Ая юрда! – деб жавоб берди. Мен:

– Ҳазратни кўрмоқчи бўламан озроққина гапим бор, дедим.

– Шунда тўхта абзий мен сўраб чиғийим! – деб ичкари кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб:

– Айда шакирит! – деб ҳазратнинг олдиға бошлаб олиб кирди ва мен унинг билан салом бериб кўришдим.

Ҳазрат ўрта бўйлик, оппоқ соқоллик ва йўғонғина бир киши экан, жой кўрсатди, ўтирдим ҳам олиб борған қоғозни бердим, очиб ўқиб мазмунига тушунгандан кейин:

– Олий экан, сиз Тошкентдан келган шогирд экансиз, були бўлғач, Аҳмадхўжани танийдурғансиз? – деб сўради. Мен ҳам

унинг ўз шеригим ва яхши таниш эканлигимни айтиб бердим.
Сўнгра ҳазрат:

– Шогирд! Муни тўрам десангиз, қаршида менинг бир мадраса бор, ўзим элтиб кўрсатам! – деди. Мен:

– Мумкин бўлса кўрсатсангиз! – дедим. У:

– Ярий олиса! – деб қишға яраша ёқалиқ қалин поча пўстини билан “нўғай домла”лариға яраша оқ бўркини кийиб мадрасасини кўрсатишға олиб борди ҳам айлангириб барчасини кўрсатди.

Бу мадраса каттагина саҳнилиқ, икки-уч бўлак кенг-кенг хужралик бўлса ҳам деразаларининг кичкиналиги, ичи қоронғулиғи, паст-паст қилиб солинганлиғи, ўзи тепанинг тегида ва чуқурликда бўлиши кўнгилини бўғиб, табиатни анчагина хира қилур эди. Шундай бўлса ҳам чорасизликдан мадраса очилгунча мунда турмоқ бўлдим ва шул куни нўмиримға бориб ётиб, эртасиға нўмир ҳам томоқ учун нўмирчиға 1 сўм 60 тийин тўлаб, ҳалиги мадрасага келиб ўринлашдим.

Ҳозир рамазон ойининг 2-3 куни бўлганликдан мен нияти иқомат⁷³ қилиб, рўза тутган эдим. Кечқурун бўлди, оғиз очар (ифтор) чоғи ёвуқлашти, чой қайнатиш учун қумғон топсам ҳам мадраса қудуғидан сув олиш учун челақ тополмадим. Қандай қилайин, иложсиз қолиб шул кун бўлка билан оғзимни очдим. Бунда бир кўр қори ҳам турур экан, унинг билан бирга ҳазрат масжидга чиқиб, таробих ўқиб келиб ухлашға ётдим. Олов деган нарса йўқ, совуқ, кечаси билан тонг отгунча зиррр-диррр... қалтираб, ухлай олмасдан чиқдим. Турғанимдан кейин кечаси кўриб чиққан азобларимни кўр қориға гапирдим. Ул:

- Иййй, ийбдош! Сенга бек қийин бўлган экан! Олий бўлса, бунда мени таниш бир қартим бор, ул чотирға киши кирса, бек учсиз ола отни сени илмлар тенгини мен шуларға бориб сўйлашиб келийми? – деди. Мен:

– Тузук, жуда яхши бўлади! – дедим. Шунинг билан бечора кўр қори:

– Ёрий, ҳозир тенги қатқа бориб сўйлашиб қайтим! – деб хасса (асо)сини дўққиллата-дўққиллата ва туртина-туртина чиқиб кетди бир оздан сўнг ул қайтиб келиб, уй эгаси менинг боришимға кўнганини сўзлади.

⁷³ Нияти иқомат - Рўза тутишликка ният қилмоқлик

“Патир” (ижарага бариладирган уй ёки хужра) шул маҳаллада мадрасанинг ёвуқилиғида экан, нарсаларимни кўтариб бордим ва патирчи менга ўзи ўтирадурган уйининг бир ёғида, ётиш-туриш учун ўрун ажратиб берди. Энди иссиқина уйни топиб олиб анчагина жониб кириб қолди.

Бу мен турган уй эгаси чолнинг оти Шоҳмуҳаммад бўлиб, жуда қизиқ тирикчилик ўтқизмоқда эди: икки оёғи “шол”, бир ёшғина хотини бор, бундан яқин орада бир қиз бўлибдир. Ўлган хотинидан уч ўғил қолган бўлиб, энг каттаси 14-15 ёшларга борган (Менгли исмли). Ундан кичиги 11 ёш ҳам ундан кичиги 8-9 ёшлар чамасида бор эди. Бу чол шул шол (оёқсиз)лиғи билан ҳар кун бир деразасининг олдида бир курсининг олдида чиқиб олиб, қизлар чаладурган чанг ясаб, икки ижарага қўйган уйи (патиридан) ҳам ойиға 4-5 сўм униб тирикчилиги шулар билан ўтиб турар, ўзи билимли кишиларни ҳам жуда дўст тутар, чол бўлса ҳам ёш фикрликкина бўлиб, икки ўғлини Собир ҳазрат ва бир ўғлини Зариф ҳазрат мадрасасига юбориб, янги йўл ва янги тартиб билан ўқитдирар ва болаларининг китоб, дафтар, қалам, қоғоз ва ойлиқлариға етказиб, ақча топиб бериб туриш бизларни танг (ажойиб) қолдирар эди. Бунинг устига “Вақт”, “Юлдуз”, “Таржимон” газеталариға муштарий (сотиб олувчи) бўлиб ёзилиб, почтадан ҳар кун, кун оралаб келиб турар ва мен туртина-туртина, тушинар-тушинмас ўқиб юрар эдим.

Ёмғир ёғмаган ҳам кўчалари лой бўлмаган кунлари Зариф ҳазрат масжидиға таровихға чиқар эдим. Ҳазрат ўз мадрасасига маҳалла болаларини ўқитдириш учун ке(л)тириб қўйгани ва “Ат-тахий”дан “Йасин”ни ҳам тақсирни таъсирлик довушлар билан Қуръон ўқийдурган бир ўқитувчиси (муаллими) бор бўлса ҳам, намозға чиққан чоғларимда:

- Табаррук Бухоро ёғдан келган шогирд, - деб таровихдан кейин Қуръон ўқишға менга имлар эди. Мен ҳам ўзимни ортуқ кўруб (фахр қилиб) бузиб-ёриб келишмаган довушлар билан Қуръон ўқиб берар эдим. Менинг кийиб юрадирган узун, кенг кўк беқасам чопоним ҳам бир саллам бор бўлиб, масжидга борганимда, устимдан чопоним ва бошимдан салламни қўймас эдим. Шунинг учун ҳазрат билан оми (ўқимаган) нўғайлар мени сийлар эди.

Бир ҳафтадан кейин Олия мадрасасининг ичини айланиб кўрмак учун борган эдим, унинг ремонтлари (шикаст-рихталари)

халигача битмаган экан. Менга ўхшаб бурунроқ келиб, уй-ижара пулига куйиб ётган муллабаччаларнинг бир нечалари шул ерда кўриндилар. Барчамиз ҳам, эртарак келиб қолганимизга ўкинишиб ва қайғиришиб чиқишдик. Энди айланиб кезиб келиш учун бозорга қараб йўл олган эдикки, нариги томондан Иқон мингбошисининг ўғли Мирсаид билан унинг муаллими Раҳимжон келиб қолди. Бир-биримизни кўрганлигимизга суюнишдик. Булар кеча бир нўмирга келиб тушиб, бугун мадрасани кўришга келаётган эканлар. Мен кутиб турдим, улар ҳам мадрасани кириб кўриб, оёқ-қўллари бўшашиб чиқиб, мени қўймасдан тушган нўмирлариға олиб кетдилар. Булар билан бирга келган оренбурглик куруқ аравани олиб қочувчи (мақтанчоқ) бир шогирд ҳам бор экан. Мирсаид бойвачча мени меҳмон қилиб, чучвара пиширтириб берди. 2-3 соат гурунглашиб ўтириб, потирам (квартирам)ға қайтиб келдим. Бу кезларда жуда ёғмиргарлик, кўчалар лой ҳам ботқоқ бўлиб ётар, агар чиқиб қолсақ, бота-бота ўлиб бўлар эдик!...

Қаерға борсак, мусулмонлар турадурган маҳаллаларнинг кўчалари тор, ботқоқ, қиёмалиқ, жарлик, эгри-бугри ҳам чақир-чукур. Қаерға борсак, ужмоҳ-жаннат бўладирган ерларни ўзлари тамуғ-дўзах қилиб олганлиқларин кўрасан. Мана ҳозир:

–Ботқоқ юриши қийин, деган кўчаларим, мусулмонлар турадирган кўчалардир. Бунда нўғайлар, қиёмлик, жар ёқаларида маҳалла-маҳалла бўлиб ўтирғанлар кўчаларининг икки ёғида, киши юриши учун пишиқ гиштдан ётқизиб ишланмаган (йўлка-тиратвор қилинмаган) эди, руслар юрадирган-турадирган кўчаларни қарасанг, арава юриши учун бошқа йўл, яёв юриши учун бошқа йўл бўлиб, тамуғбоп жойларни ҳам учмоҳбоп қилиб олган эдилар.

Уваа!... синаладирган (имтиҳон қилинадирган) оғир кун ҳам келиб етди. Ўқувчилар Зариф ҳазратнинг масжидига йиғилиб, шунда синалур эмишлар. Ёғмурлар қуйиб турса ҳам лойларға бота-бота мен ҳам бордим. Масжидга икки-учтагина ўқувчи (шогирд) келган, ҳали ўқитувчилар (муаллим) келмаган эдилар. Орада 15 минутча ўтғандан кейин, иков-иков ҳам учав-учав ўқувчилар келиб кўпая бошладилар. Шул ўртада кийимлари пўрмалироқ ҳам бошлариға қизил дўппи (фас) кийган икки ёш йигит келиб кириб, юқоридан ўрун олдилар. Мен булар:

– Бойбаччароқ ўқувчилардандир! – деб ўйлаб, пинагимни ҳам бузмадим, салом ҳам бермадим. Кўп ўтмасдан Зиё халифа Зариф

ҳазрат ва бошқа икки ўқитувчи келиб меҳробга, ёвиқ қиблага орқа бериб ўтиришдилар. Бояғи “фас” кийганлар ҳам ўқитувчининг ёнига бориб чўккалашти. Энди билиндики, ҳалиги бойбачча пўрмалар ҳам ўқитувчилардан эканлар.

Энди ўқувчилар ҳам кўпайишган, ҳам Мирсаид, Раҳимжон ва оренбурғлиғ афандилар ҳам келишган эдилар. Синаш (имтиҳон) бошланди. Арабнинг наҳви, сарфи балоғаси, фикҳ, усули фикҳ, ҳисоб, жуғрофия, илми ашё ва бошқа биз эшитмаган ҳар турли китоблардан ўқитувчилар ўқувчилардан галма-гал сўрамоқда. Ўқувчилар ҳам ўз гал(навбат)лари билан тўртталаб, бешталаб катор ўтиришиб синалмақда ва ўқитувчилар ҳам ҳар бир ўқувчининг илм кучига қараб қайси синфга ярайтурғон бўлса, шул синфга ёзмоқда эдилар. Бу синфнинг оғирлиғидан кўрқиб, Мирсаид билан мен ўқувчиларнинг орқасига – пойгаҳқа қараб қочтиқ. Юракларимиз дук-дук урган ва синалишга ярашдан жуда умид узган эдик, чунки ҳозир ўқувчилардан сўралиб турилган нарсаларининг ичида: наҳу, сарф ва фикҳдан бошқаларининг нусхалари у ёқда турсин, уларнинг отларини ҳам эшитганимиз йўқ эди. Икковимиз бу тўғрида бир сидра кенгашиб олиб, Раҳимжон афандига синалишга боролмаслигимизни билдирдик ҳам шу гапимизни Зиё ҳазратиға етказишини ўтиндик. Ул бориб бизнинг гапимизни арз қилғон экан, Зиёиддинул Камоли:

Аларни арабча китоб ўқитибғина қарарбиз. Улардан бутан (бундан) бошқа нарса сўрамабиз – деб жавоб берибдир, бу суюнчилик хабарни эшитиб юракларимизнинг ўйнаши анча босилди.

Энди бизга ҳам синалиш гали етди, ўқитувчиларнинг тўғрисиға кўрка-кўрка бориб тиз чўкдик. Зиё ҳазрат бурун Мирсаид афандининг олдиға эскирган бир ҳадис китоб топиб кўйиб:

– Муна шундай ўқиб қарағиз! – деб кўрсатди. Бироқ хайхот, хайхот! Тош кесакдан товуш чиқса чиқар эди, Мирсаиддан товуш чиқмас эди. Билмадим кўркдими? Уялдими? Ёки билмадими? Ҳайтовур титраб, қалтираб сира ўқий олмади ва Зиё ҳазрат: ўқурмикан? – деб кўз тутди, бўлмади. Чорасизликдан Зиё ҳалифа китобни менинг олдимға суруб кўйди ва менга бошқа бир ҳадис кўрсатди. Ул ҳадис икки йўлча келар эди. Мен янглишмасдан, тутилмасдан чаққонғина ўқиб бердим. Зиё ҳазрат:

– Офарин, офарин – деб икковимизни ҳам “биринчи таҳририя” синфига ёзди. Биздан кейин Раҳимжон афанди синалиб илми кучи ортиқроқ бўлғонидан, нўмирдошлари бўлган оренбургли(к) шогирд синалишға ярамаган учун жуда хафа бўлиб чиқти.

Синалиш (имтиҳон) тугади. Мирсаид Раҳимжонни ўз нўмирдан менинг ёнимға кўчиб келиб, бирга тура бошлади. Бу чоғда менинг ақчам тугаган эди, чунки 15 сўмдан ортиғи йўл чиқимиға, қолғани: нўмир, патир, овқат ҳам кийимларимнинг ю(в)диришларга кетган эди. Шунинг учун бир кун:

– Энди нима қиламан ва қандай илож топаман? Мадрасага кириш учун ўн сўм тўлаш керак. Ҳали бир ёғда овқат бор. Бу мусофирчиликда ким бир бурда нон бир чойнак чой ва ким бир коса ош берайин деб турибдир? – деб турлик-турлик ўйларға тушиб, ҳаёлларға ғарқ бўлиб ва қайғуланиб ўтирған эдим, Мирсаид ўртоғим:

– Сиз бугун нима учун қайғулик кўринасиз? – деб сўраб қолди. Мен унга ҳалиги ўйлаб ўтирған ҳаёлларни бир-бир баён қилдим. Ул:

– Бунинг учун сира қайғурманг! Бу ердаги ҳам мадрасадаги томоқларингизнинг чиқимларин мен кўтарайин, мадрасага тўланадирган ақчаларнинг тўғриси(да) бўлса, Зиё ҳалифаға бориб йўқсил ва қашшоқлиғингизни арз қилсангиз, албатта, сиздан мадраса учун ақча олмаса керак – деб кўнглимни юпатди.

Мирсаиднинг берган кенгаши билан Зиё ҳалифанинг ҳовлисиға бориб, аҳволимни арз қилдим ва мадрасага киришда ўн сўм пул тўлолмаслиғимни айтдим. Бунга ҳалифанинг жуда аччиғи келди. Манглайлари буришиб ва қовоқ-тумшуклари солиниб кетиб:

–Йўқ, йўқ, бўлмас. Ақчасиз кишини мадраса идораси қабул эта олмас. Сиз туркистонлик нендай уятсиз кишиларсиз? Бултур Аҳмад хўжа исмли бир кишингиз келиб: ман ҳаж нияти билан ўз шаҳримдан чиққан эдим, мунда яқин келгач, ақчамни олдирдим, шуши мадрасанинг исмини эшитиб ўқумоқ учун бу ерга келдим, деб сўйлаганина ишониб, бечораға бик қийин бўлгон экан деб, раҳм-шафқат юзиндан ақча олмасдан мадрасага қабул этдим. Ошов-ичиви учун ўзим юриб мадраса шогирдларидан иёна жийиб бердим. Тошкентга қайтажак бўлғонида мадраса шогидларидан бир нечалари ани узатмак учун вағзол чиққонлар. Ул ёнинда юз сўм микдори ақча яшириб қўйгон экан. Палто-кулмак, бўрик-чолбор ва шундай кийимликлар олгон. Бу сўзларни шогирдлар менга мадрасага қайтгач сўйладилар. Шулай бўлғач, сизинг сўзиғизга нечик ишониб бўлсин? – деб койиди. Мен:

– Менинг сўзимға ишонинг. Бундай алдоқчи ва ёлғончи киши эмасман. Мана, Оренбургдағи Хусайния мадрасасида идорадан еб, ичиб, ўқиб ётувчи шогирдлар кўб экан. Ул мадраса шунча кишини олғанда, сиз нима учун бир кишини ҳам текин ўқитмайсиз? – дедим. Зиё халифа:

– Йўқ бўлмай! Ул мадраса идорасининг ақчаси кўп – бой. Бизнинг мадраса идорасининг ақчаси оз – бик ёрли, аъзо ва шогирдлардан жийилган ҳар йилги ақча ўз харожатиға кўчкакина йита – деб жавоб берди. Бу узил-кесил (қатъий) гапларни эшитганимдан кейин минг қайғу ҳасратлар билан йиғламоқдан бери бўлиб, хужрамга қайтиб келиб, Мирсаид ўртоғимға гапириб бердим. Ул:

– “Бирнинг касри мингга” деганидек, Аҳмадхўжанинг касри сизга урибдир-да, кўя беринг, бунинг иложи ҳам топилиб қолар, деб кўнглимни юпатди.

Бир оз кундан кейин мадрасада дарслар бошланадирған кун бўлди. Ўқувчилар:

– Муҳтарам мудир афандим! Мен “Мадрасаи олия”нинг прўграм, низом ҳам тартибларидан иш бир ишда ишламим, барчасина бўйсунам, муаллимларима мутеъ ва мунқод ўлам, мадраса нозирининг рухсатидан бошқа бир ерга-да бормим, ароки ичмим ва тамаки тортмим, қисқаси, мадраса идорасининг биргина сўзидан-да чиқмим – деб, тилхат ила ўн сўм ақчани мадраса

бошқармасиға элтиб бера бошладилар. Бизнинг Мирсаид ҳам элтиб берди. Шунда Зиё халифаға менинг тўғримда гапириб:

– Мадрасага ўшал бечорани ҳам олсангиз экан, – деб ўтинган экан, Зиё халифа зўрға кўнибдир.

Буни эшитиб, бошим кўкка етгандек бўлиб кетди. Ўқиш бошланишдан бир кун бурун мен ҳам бояғидай тилхат ёзиб, элтиб бердим. Зиё халифа менга илжайиб қараб:

– Жамийят ақчаси қая? – деб тегишди ҳам:

– Бу ёқдошингдан миннатдор бўл, сенинг мадрасага олинувингға шуши афанди сабаб бўлди ва шуши афанди ялиниб кўймади, йўқ эса сени мадрасаға олмасликқа қарор берган эдик, – деди. Эртасига барча ўқувчилар мадрасаға йиғилдилар. Биз ҳам бордук ва синфларда ўқушлар бошланди.

1908 йил, 7 ўктябр, 25 рамазон

52

Бу йил темир калаватларнинг ҳаммаси хали етиб келмаган учун анчагина ўқувчи калаватсиз қолиб, фотирларидан катнаб ўқиб юришга мажбур бўлдилар. Мен ҳам шул калават тегмаганлар тўдасидан эдим.

Шул кун бу томондан Тошкентга бориб, ўқитувчилик қилиб туришган Абдулла афанди билан Вали Аҳмад афандини кўриб қолиб, Аҳмад хўжанинг мадрасаға ўқиш учун келиш-келмаслигини сўрагон эдим, улар инқиллаб айтолмадилар, чунки жўнашларида кўрмабдирлар.

Яна 2-3 кун сабоқлар ўқилиб, рамазон байрами учун ўқиш тўхтатилди.

1908 йил, 9 ўктябр, 27 рамазон

53

Ейишга томоғим йўқ бўлганидан патирчи чолнинг катта ўғли Мингли Ислон билан Уфанинг қорни катта бойларидан Абдуллатиф Ҳакимовнинг уйига закот сўраб борган эдим. Ул:

– Биз танимагон кишига закот бермабиз, хайр этмабиз. Менам олдима неча турли хайрчилар (гадойлар) келалар, борисина ничик жеткириб бўла?! – деб уришиб, бир тийин ҳам бермасдан, қайтариб юборди. Эртасига бозор бошидаги магазинчи бойлардан 2 сўмча закот олиб, анча яйраб қолдим.

Шул кеча мен турган уй эгасиникига бир хазрат (имом) келиб кўнди. Ул бизнинг, фонирчининг эски таниши экан. Бу одам илгари бир кишлокқа имом бўлса ҳам, ҳозир– бўшаган учун бир қиладирган хунари ёки бир жойдан унари йўқ бўлиб, эндиги тирикчилигин: дам солиш, фитр садақаси ҳам закот олиш билан ўтказмоқда экан. Ўзи йўлдан озиб, эшонга қўл берган, етмишларга борган бўлиб, бизга неча эшонларни мақтаб гапириб, “Муҳаммадия” деган китобнинг байтларидан анчагина ўқиб берди. Бу хазрат ҳар йилги қилиғини қилиб, шаҳардаги бойлардан фитр садақасини йиғмоқ учун келибдир. Мени закот бермасдан уришиб кайтариб юборган Ҳакимов – бойнинг ҳовлисига мени ҳам эртага ифтордан кейин олиб бормоқ бўлди.

Бугун ўтиб, эртасига – оғзимизни очганимиздан кейин хазрат иковимиз саллаларимизни катта қилиб олиб, тарових намозини Ҳакимов масжидига бориб ўқидиқ-да, бойдан бурун чиқиб, дарвозасининг олдига бориб, кутиб турдик. Бир оздан кейин орқамиздан бой бориб хазрат ҳам мен билан эсон-соғлиқ сўрашиб бўлиб, мени қайдан келганлигимни ва қаерда ўқийдирган шогирд эканлигимни сўраган эди, хазрат:

– Бухоройи шариф ёғиндан айя, мунда айя мадрасаи Олияга ўқурга келган айя бир шогирд – деб жавоб берди. Бой:

– Алай экан, табаррук шогирд экан, – деди-да, хизматчисини чақириб, дарвозасини очириб:

– Айда хазрат! Айда шогирд, айдагиз! – ҳовлисига киргизиб, болахонасидаги меҳмонхонасига бизни хурматлаб чиқариб, ўтказди. Бойнинг ўғли бураб юборган эди, электр чироғлар ёниб кетди. Бойнинг масжид имоми ҳам келди. Турли-турли томоқлар янги-янги пишиб олдимизга келиб турмоқда. Бизлар ҳам бутун ёпишиб еб ҳам чойлар ичишиб ўтирмоқдамиз. Сомса дейсиз-ми, куймоқ дейсиз-ми, ёғда пиширилган кичкина-кичкина кулчалар дейсиз-ми? Барчаси бор эди. Ҳакимов бой билан хазратнинг оғзи томоқ ҳам турли-турли шиква, шикоят гаплардан сира бўшамас эди.

Ҳакимов Уфа шаҳрида катта ҳам эътиборлик бой, Каъбатуллоҳни зиёрат қилган учун ҳожи, эшонга қўл берган учун мурид ҳам янгиликнинг ўзига осийлик (фойдалиқ) ёғини ёқтирувчи эски фикрликкина бир киши экан. Бунинг имоми Бухоройи шарифда ўқиб хатми карда бўлган бир киши бўлиб, бойнинг

масжидига чақирилиб, имом бўлганига ўн кунча бўлибдир. Бу имом бой билан ҳазрат нима сўз ва қандай гап гапирсалар, унаб ўтирар ва уларнинг сўзлариға кўбда аралашмас эди. Мен ҳам улар Зиёиддинулкамоли Жонтурин ҳам бошқа янги фикрлик кишиларга тегадирган гапларни тилаганларича гапириб ўтирсалар ҳам сира индамасдан “сақов шайтон” бўлиб ўтирабердим, чунки бой берадирган нарсасини бермай кўяр, деб кўркдим. Шу хилда гурингимиз 3 соатча чўзилиб, тугади. Ҳакимов ҳазратининг ўзи ҳам хотин-болалари учун 3-4 кийимлик ва мен учун биргина кийимлик закот чиқариб берди. Бунга ҳазрат чўзиб кўпгина дуо қилгандан кейин хайрлашиб чиқтиқ ва масжид имоми ўз уйига кетди.

Қарасақ кўчалар қоп-қоронғи, квартирамиз олис. Мусулмонлар турадирган кўчалардан кундуз кунлари зўрға юрар эдик. Кеча қоронғилиқда юриш албатта мумкин эмас. Шунинг учун иковимиз 60 тийин тўлайдирган бўлиб, Бадрий Назирўф нўмирида қолдиқ. Ҳазрат дарров нўмирчини чақириб 50 тийинлик пелман, пирашка (чучвара, сомса) пишириб беришга ва бир самовар қайнатиб ке(л)тиришга буюрди. Бул таомлар келгандан кейин еб, ичиб, эртага рўза тутишга чидамлик бўлиб олдик. Бир оз ухлаб олиб, эрта намозини бирга ўқиштиқ. Сўнгра ҳазрат: “Бухоро ёғиники табаррук”, деб кир, йиртиқ бир салласини менинг бутун салламга алишди ҳам устига ярим сўм берди. Мен ҳазрат билан соғ бўлашиб ўз хужрамга кетдим.

Энди мадрасада калаватлар битди. Арафа куни мадрасага кўчиб келиб, мен ҳам бир калаватга эга бўлиб олдим. Энди ўқиш чоғи тугагунча шундай ақчасизлик ва овқатсизлик билан қандай кун кечираман? – деган қайғулик ҳаёл мени ўраб олди. Шул орада бир ўқувчи йўл кўрсатиб, ҳайит (ийд)намозини Собир ҳазратнинг масжидига бориб ўқишға кенгаш берди. Эртасига барча ўқувчилар Зариф ҳазрат масжидига ва ман Собир ҳазрат масжидига салла ўраб, узун чопон кийиб равона бўлдим. Хонақоҳ тор бўлгани учун совуқ – қиш бўлса ҳам очиқ ерда намоз ўқилди. Ҳазрат бир неча хутбасини арабча ўқиб, иккинчисини турк – нўғойча ўқиди. Бу хутбанинг кўпи: Мусулмонлар бирлашинглар, хайр-садақа кўп қилинглр, фитр садақасини беринглр, деган маънода эди...

Ҳазрат минбардан тушиб, фотиҳани бетга тортғондан кейин масжид дарвозасининг ёвиғиға бориб турди. Сўфи (муаззин) унинг

ўнг ёғиға ва мен сўл ёғиға ўтдим. Учовимизни нима учун қаққойиб турғанимиз белгили эди, ҳазратга 1 сўм, сўфиға 50 тийин, фитр садақаси берган киши менга 15-20 тийин бериб кетар, ҳазратларга тўрт киши берганда, менга бир киши томизиб ўтар ва уларга 3 сўм-4 сўм тушганда, менга зўрға 60-70 тийин тушар эди. Масжиддан барча кишилар тарқағанидан кейин мадрасага қайтиб келиб, тушган пулни санаб қарасам, 5 сўм 24 тийин бўлган экан. Бунга жуда суюниб кетиб, тезлик ила югириб синфга чикдим. Пулларни парта қутисиға солиб, кулфлаб қўйдим-да, қуйи тушиб, мадрасадосларим ҳам, Мирсаид тамондошим (ватандош-хамшаҳар) ҳайит қутлаштим, сўнгра квартиримнинг эгаси – чолнинг уйига бориб, ҳайит қутлашиб чой ичгандан кейин унинг катта ўғли – Мингли Ислом билан Уфа бойлариникига ҳайит қутлаб юра бошладик. Қайси бойнинг эшигига борсақ, йўқсил эр. Хотин, болалар ҳам гадойлар тўпланишиб турганини кўрар эдик. Ул бойлар ва бой болалари бу шўринг қурғурларни ичкари киргизмасдан 4-5 тийин бериб, қувлаб юборар, домла имом(ҳазрат) ҳам бизга ўхшаш ўқувчиларни қўноқ уйларга киргизиб, турли томоқлар едириб, чой ичириб, қўллариға 40-50тиийиндан ақча бериб чиқарар эдилар. Мана шундай пешин кезигача кезиб 2 сўм топиб келиб, бурунғи ақчага қўшиб, 7 сўм 24 тийин қилиб қўйдим ва “энди бу ақчалар билан анча кун ўқурман”, деб шодландим.

Ҳозир ҳайит кунлари бўлғонлиқдан барча мусулмонлар байрам қилар эдилар. Нўғайлар ҳам бир-бирларининг ҳовлиларига ҳайит қутлаб боришмоқда, бир-бирларини турли-турли нозу неъматлар билан сийлашмақда, ўқувчилар ҳар турли кўнгил юпатғич: рўмон, театр ва китоблари ҳам газет, мажаллалар ўқиб кун кечирмақда эдилар.

Орада(н) икки кун ўтди. Ақча керак бўлиб, синфга чиқиб, ақча қутисини очиб қарасам, ҳайҳот!-ҳайҳот! Ақча ўрнидан шамоллар чиқар эди, шаввозлар бир тийин ҳам қўймасдан сипириб олиб, чиннидек қилиб қўйибдирлар!... Оҳ шўрим курсин! Энди бу Еврўпа кун чиқари (Шарқи Европа)да тирикчилигим қандай кечадир? Боболаримизнинг: “Бахтсизни туя устида ит қопар” деганларидек бўлди. Бу ачинишлик ва қайғулиқ хабарни дарров мадраса нозирига билдирдим. Нозир афанди ҳам менинг қайғумга қўшилди: Эйй Мўминжон афанди! Ақчани-да партаға қўялармини?, деб бир оз койиган бўлди. Ўқувчилар орасини

текширган эди, топиб бўлмади. Эртасига ўқувчилардан 2-3 сўм кўмак йиғиб берди. Нозиримиз – Ҳалим Искандарўфнинг бу кўмагига “бор бўлинг!” дедим ҳам бу ақчани яхши сақладим. 8-9 кун тўкташ (таътил)дан кейин ўқишлар бошланди.

1908 йил, 18 ўктябр

54

Сабоқ бошлаган кунларим Иброҳимжон амаким билан Мулла Абдурахмон (Вофуруш мадрасадодим) акамга пулсиз, овқатсиз қолганлигимни ёзиб, бир битик юбордим. Синфда ҳар кун беш сабоқ берилиб, ёлғиз жума куни ўқилмас эди. Мадрасамиз 3 қабат қилиб солинган бўлиб, биринчи қабатыда тўрт бўлак уй бор: 1- ош пишириладиган (кухна); 2-томоқ ейдирган (усталавуй); 3-ўқувчиларнинг кийим-бошлари солинган сандуқлар турдирган; 4-устки кийимлар сақланадирган эди. Иккинчи қабатда тўрт бўлак уй ётоқхона (икки қабат караватлар): бир хужра нозир турмак, бир хужра кироатхона, бир хужра риёзиёт ҳам табиёт яроғлари (ўқув асбоблари)турмак учун, бир таҳоратхона ва бир эшик олди бор. Кўчадан мадраса ичига шул иккинчи қабатдан хишт ҳам семон билан ишланган 4-5 босқичли зина билан кириладир. Кўчадан киришда ўнг ёқда ҳар бир ўқувчи кавиш ва калушларини солиб қўймоқ учун қутича-қутича қилиб шкаф ясалган. Ўқиш, ош, чой, ётиш, туриш хабарларини бериб турувчи қўнғироқ (зуванок) ҳам шунда. Учинчи қабатда олти уй бор бўлиб, бунинг тўрттаси ўқиш уйи (синф). Бири ўқиш уйи ҳам масжид ва бири мадраса бошқармасидир.

Ўқишларимиз жуда тартиблик: эрта соат олти яримда қўнғироқ (зуванок) довуши билан уйғотиб туриб, азон айтиб “эрта намози”ни ўқиймиз. Соат 7 да қўнғироқ билан томоқ уйи – усталавойға тушиб, чой ичамиз. Бунда чой, емак (бўлка нон) қанд соладирган бир ўқувчи бор. Чой билан қандни 5 киши - 6 киши ўртадан олсалар ҳам, ҳар киши ҳар кун ўзи учун икки қадоқ бўлка емак олмаса бўлмас эди. Қайнаган сув текин, эмак чой ҳам қандларимизни шул қабатдаги қутиларға солиб қулфлар – берклар эдик-да, юқориға чиқиб сабоқларимизни тайёрлаб турар эдик. Бир ўқувчи қаро тахта (доска)ни артиб, устал-курсиларни тўғрилаб ўқиш бўлмаси эшигининг олдиға бориб, ўқитувчи (муаллим) афандини кутиб олур эди. Соат 9 да қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи

келиш олдида ҳалиги (навбатчи) ўқувчи қўли билан бизни туришга имлар, жимжит саломсиз ўрнимиздан ирғиб туришар, ўқитувчи курсига ўтирғандан кейин биз ҳам ўтирар эдик.

Сабоқ бошланар, унга 5 минут қолғанда танафус (тин олиш)га чиқар, ўқиш бўлмалари орасидаги узун йўл (каридўр)да бир-биримиз ила қўл тутишиб, бориб-келиб гаплашиб юришар, соат 10га тўлғанда кўнғироқ ила яна ўқиш бўлмаларимизга кириб, бошқа китобдан ва бошқа ўқитувчидан сабоқ олур эдик. Шундай ҳар соатда 5 минутдан тин олишга чиқиб, 3 сабоқ ўқиғанимиздан кейин, соат 12 да кўнғироқ ила томоқ уйига тушар эдик. Унда 5 кишига бир тоғорачадан, 6 кишига бир тоғорачадан ош қўйилган бўлиб, ҳар киши бир туника лаганчага тўрт чўмич- беш чўмичдан ўгра оши ичар эдик. Эрта чойиға бир қадоқ, ошға тўртдан бир $\frac{1}{4}$ қадоқ, экмак (нон) кетар эди. Бу – мадрасамизнинг энг кучлик оши ҳалиги ўгра оши, таторча “тўқмоч” исми билан юриб, унга хамирдан бошқа озроқ эт ҳам картошка солинар эди.

Бундан чиқиб ўйла (пешин) намози ўқур, соат бирдан кўнғироқ ила бир соат ўқиб чойиға тушар, ҳам чорак $\frac{1}{4}$ қадоқ экмак (бўлка) ила чой ичиб чиқар эдик. Энди бир соат тинчланиш (истироҳат) кези келар эди. Майли, бунда кўчага чиқиб кезиб келамизми, қироатхонаға кириб газет, журналлар ўқиймизми ва бир-биримиз ила сўзлашиб, хангома қилиб ўтираимизми ўз эркимиз ўзимизда эди. Соат 3 да кўнғироқ ила биринчи “тахзирия”да ўрусча сабоқ бошланиб, 2 – сабоқ “иккинчи тахзирия”да, 3- сабоқ “учинчи тахзирия”да ўкилиб, соат 6 да тугалур. Энди соат 6 дан тўрт сабоқ хозирлаб, бундан чиқадиған маъноларни миямизга ўринлаштирмаққа киришар эдик. Бунда: Туркистоннинг эски мадрасаларидагига ўхшаш билар-билмас валдур-вулдур сабоқ ёд олиш йўқ бўлиб, мияга жойлаштирадиган нарсалар маъно эди. Соат 7 да ярим қадоқ экмак билан чой ичиб, яна сабоқ тайёрлашға тушиб кетар эдик. Мана шундай ҳар кун еган-ичган томоғимиз бир ўгра оши (тўқмоч), 3 дапқир чой, экмак эди. Соат 11 гача сабоқ хозирлаб, кўнғироқ ила ётоқхоналаримизга тушиб ўринларимизни ёяр, ётоқхоналаримизда 15 минутча лампа ёниб турар ва ётиб олғонимиздан кейин чироқлар ўчирилур эди.

Бундан кейин эрта соат 6 гача барча ўқувчи ухлашға мажбур бўлиб, биров “финг” деб довуш чиқаролмас эди. Мадраса нозири кечаси анча вақтигача ухламас – биздан хабар олиб турар, қачон

бир ётоқхонадан баланд бир довуш чикса, югуриб келиб: “Эй шогиртлар, ийибдашлар, шовуламағиз! Ҳозир йўқлов вақти, бошқаларнинг йуқисиға мешат бермағиз” деб койиб кетар эди.

Мадрасамиз 5 синф бўлиб, иккиси таҳририйя, 3 олия эди. Ўқитувчиларимиз: 1)Зиёиддиновлика моли, 2)Зикрия Садриддин ўғли, 3) Хатмуллаҳул Фозил 4)Абдуллоҳ Шунаси 5) Аҳмад Нури эди. Бизнинг ўқиш бўлма(синф)мизда арабча сабоқлар оз ва юқори дарслар йўқ бўлгон учун Зиё халифа билан Закарийяхалфа кирамиз.Бошқалари қуйидагича бизнинг дарсларга кирар эдилар.

Абдуллоҳ шунасай: хандаса билан илми ашё(табийят)ға, Хатмуллоҳ фозил:наҳв, жуғрофия, тарихи ислом, балоға фақх иншойи тургай, Араб адабиёти. Турк қавоиди ҳам қирқ ҳадис (Ҳадиси арбаин)ға, Аҳмаднури, ҳисоб ва ҳусни хатға керак эдилар. 5 бўлим (синф)дағи прўграмқуйидагича эди:

1– таҳририйя.

Шанба: наҳу, хандаса, жуғрофия, хуснихат, русча.

Якшанба: наҳу, ҳисоб, ҳисоб, тарихи ислом, русча.

Душанба: наҳу, балоға, фикҳ, иншойи турки, русча.

Сешанба: наҳу, илми ашё, адабиёти арабийя, тарихи ислом, русча.

Чаҳоршанба: балоға, қавоиди туркия,фикҳ, жуғрофия, русча .

Панжшанба: балоға, илми ашё, ҳадиси арбаин, хандаса, русча.

Жума: ўқишдан тўхташ (таътил).

2– таҳририйя.

Шанба: хандаса, фикҳ, балоға, тарих, русча.

Якшанба: усули фикҳ, адабиёт, фикҳ, сияри наби, русча.

Душанба: ҳисоб, хандаса, балоға, фалсафаи диния, русча.

Сешанба: жуғрофия, тарих, ҳисоб, мусталаҳоти ҳадис, русча.

Чаҳоршанба: жуғрофия, илм ашё, балоға, сияр, русча.

Панжшанба: илми ашё, адабиёт, усул, иншойи туркий, русча.

Жума: ўқишдан тўхташ.

1-Олия (синф).

Шанба: тарих, ҳисоб, тафсир, хандаса, русча.

Якшанба: ҳикмат, хандаса, тафсир, усули фикҳ, русча.

Душанба: адабиёт, ҳадис, тафсир, ҳисоб, русча.

Сешанба: талхис, жуғрофия, тафсир, тарих, русча.

Чаҳоршанба: ҳикмат, адабиёт, тафсир, ҳадис, русча.
Панжшанба: ҳадис, усули фикҳ, тафсир, усули таълим, русча.
Жума: ўқишдан тўхташ.

2-Олия

Шанба: ҳадис, тафсир, усули таълим, ҳикмат, русча.
Якшанба: тарих, тафсир, адабиёт, маволид, русча.
Душанба: ҳикмат, тафсир, ҳандаса, ҳадис, русча.
Сешанба: кимиё, тақсир, ҳандаса, ҳадис, русча.
Чаҳоршанба: ҳадис, тафсир, жабр, тарих, русча.
Панжшанба: жабр, тафсир, кимиё, адабиёт, русча
Жума: ўқишдан тўхташ.

3- Олия

Шанба: тафсир, адабиёт, маволид, ҳадис, русча.
Якшанба: тафсир, ҳадис, илми иқтисод, кимиё, русча.
Душанба: тафсир, тарих, каср, ҳикмат, русча.
Сешанба: тафсир, адабиёт, ҳадис, кимиё, русча.
Чаҳоршанба: тафсир, ҳисоб, ҳайъат, ҳикмат, русча.
Панжшанба: тафсир, ҳисоб, маволид, тарих, русча.
Жума: ўқишдан тўхташ.

Бу прўғрамға қарағанда, ҳар бир ўқиш бўлмасида ҳар кун бир соатдан ўрусча сабоқ бордек кўринадир. Бунинг тегини суриштирганда (ҳақиқат қилган) ундай эмас, ҳар кун 3 бўлма(синф)да 3 соат ўрусча бор бўлиб, 5 бўлманинг бутун ўқувчилари ўзларининг илми кучлари (русча билиш кучлари)га қараб, қайси бўлмага киргилари келса қира берар эдилар. Ўқувчилар ўрисча сабоқ ўқиш тўғрисида эркин (ихтиёрли) бўлиб, бошқа сабоқларға бўлғандек мажбурий эмас, ўқиған ўкур, ёқимаған мусулмонча сабоқларни тайёрлаб юраберар эди. Мен бурун бир ҳафтача русча сабоққа кириб ўқиб юрган бўлсам ҳам, мусулмонча тўрт сабоқни ҳар кун тайёрлаш оғир бўлғони учун ташладим. Чунки мендек эски тартибли мадрасаларда бир ёки икки китобни ҳафтада тўрт кун ўқиб, бўлак даврон қилиб юрган хушёқмасларға ҳафтада ўқиладурғон 13 турли китобни, ҳар кун тўрт сабоқдан тайёрлаш жуда қийин бўлди. Мадрасага янги кирган кезимда этлик ҳам семиз эдим, бу ерда палов ва нориндек кучлик

томоқларнинг йўқлигиданми, бир-икки ҳафтанинг орасида анчагина озиб-ориғланиб қолдим. Энди бурунгидек лапангламайман, чаққонгина юраман. Сабоқларимнинг ичида: хандаса, жуғрофия ҳам ҳисоб қийин бўлиб, хандасанинг афтига сира қарағим келмас, жуғрофияни билар-билмас тайёрлаб, ҳисобни бир сабоқдошимдан ўрганиб юрмакда эдим.

Энди кундан кунга эскилик ҳам эски мадраса ўқишлари мусулмонларнинг, айниқса, ўзимга яқин турган Туркистон мусулмонларининг ҳозирги турмушлари кўзимга ёмон кўриниб, миямга янги ҳаёллар ҳам янги фикрлар кела бошлади. Борғон сари эскидан миямда ўрин олган: хурофат ва сафсата гаплар бир-бир бузилиб йўқола бошлади, чунки Туркистоннинг тевараги (муҳити) орасидан чиқиб, бошқа янги теварак (муҳит) орасига туштим. Бундаги ўқувчилар ўқиш бўлмаси (синф)га кирганларида сабоқ бериш баҳонаси билан энг ози ҳар соатда 15 минут ўқувчиларнинг миясига янги гаплар қуйишар (ташвиқот-тарғибот қилишар)эдилар. Буларнинг гапларининг кўби диндан хурофат сафсата – теги йўқ гаплар ва ёлғон ҳикояларни чиқариш, нима учун ва қандай сабаблар билан европолиларнинг билим ва ҳунарлари шундай юқори кўтарилиб кетиб (тараққий қилиб) бутун ер юзидаги мусулмонларни оёғ остларида эзиб ётишлари, бизлар ҳам қачон ва қандай билим олғонимизда барча маданиятли элларга, кишига ўхшаб кўринишимиз тўғрисида бўлур эди. Ўқиш йўқ чокларида фикри очик ўқувчилардан ҳар турли фойдалиқ сўзлар эшитар, газет, журналлар турли рўмон, театр ҳам бошқа янги чиққан китоблар ўқиб фикримиз ўзгарар ҳам очилар эди.

Нозир йиғиб берган ақчам тугалиб. Сабоқдошларим ҳам ўз ёнларидан 2-3 сўм йиғиб беришдилар. Мадрасамизда ўн-ўн беш қозоқ- қирғизлардан бор бўлиб,уларнинг 5 таси бизга сабоқдош эди. Буларнинг иккиси Оқмасжид (Перовский) теварагида ўтирувчи “Найман” деган уруғдан бўлиб, биттасининг оти Муҳаммадали, иккинчисининг оти Кулмуҳаммад эди. Ҳалигиларнинг амаки ҳам оталари қозоқларнинг катта эшонларидан бўлиб, “Турайский” теварагига кўчиб келган эканлар. Булардан Муҳаммадалиси Тошкент “Беш ёғоч” даҳасидаги Абулқосимхон мадрасасида бир-икки йил шарҳи мулло қилган экан. Буларнинг икковлари ҳам Мирсаид билан мени ўзлариға ёвиқ кўриб юриб эдилар.

Кунлардан бир куни бошим қаттиқ оғриб ётиб қолдим. Мен бурун “дўхтур” деган нарсанинг отини эшитиб юрган бўлсам ҳам, афти қандоқ эканлигин билмаганим учун, нозиримиз бир киши кўшиб мени унга юбормоқчи бўлди, бироқ киши топилмади. Эртасига эрта билан (бир сабоқдошимнинг кўрсатиши билан) Уфа бозор бошисиға бориб дўхтурхона (амбулатория)ни топиб кирдим. Кўб кишилар касалларини кўрсатмак учун йиғилишдилар. Бир оздан кейин дўхтурлар ҳам келишди. Бир неча одамлар кириб чиққондан кейин ўз гали “тил билмасам касалимни унга қандоқ тушунтира оламан?” деб ўйлай-ўйлай дўхтир ёниға кирдим. Дўхтир бир кампир хотин экан. Ул менга қараб:

– Қайси заводда турасан? – деб сўраган бўлса керак деб ўйлаб:

– Мен заводда турмайман – деб жавоби босавоб бердим... Бир нўғай кириб қолган эди, менга отимнинг сўраганини тушунтирди, мен отимни айтдим. Дўхтир:

– Как фамилия? – дейди. Бунинг маънисини мадрасада эшитиб юрганим учун унинг жавобини тўхтамасдан айтиб бердим. Энди:

– Исколка лет? – деб сўради. Бунинг маънисини озроқ билиб юрган бўлсам ҳам ўрусча санокни билмаганимдан икки кўлимнинг бармоқларини икки дапқир очиб, сўнгра бир кўлимнинг бармоқларин очиб кўрсатган эдим, дўхтир менинг 25 ёшда эканлигимни англаб, озгина илжайди-да, дафтариға ёзиб олди. Сўнгра эшикка чиқиб касалларнинг орасиға кириб ўтирдим. Иккинчи дапқир ўз гали билан кирганимда, бир нўғайни тилмоч қилиб, “ретсип-дору ёзилган қоғоз” олдим ҳам чиқиб, ёнидағи ўз “аптика” (дорухона)дан дору олиб, секин-секин юруб мадрасаға қайтиб келдим. Доруни икки кун еганимдан кейин соғайиб кетиб, яна сабоққа кира бошладим.

10 ноябрда вофуруш мулла Абдурахмон акамдан ўн сўм ақча билан бир битик (хат) келди. Бу ақчанинг кўбраги ўзиники, бир бўлаги ўртоғим жалол махдумдан ва бир бўлаги мир Маъруф акам (аммамнинг ўғли)дан экан. Уларнинг бу қилган яхшилиқлариға 14 нўябрда ташаккур қоғози ёзиб юбордим. Яна 28 нўябрда Ортиқхўжа қори билан Мунаввар қориға бир канвертда икки битик юбордим.

Бу ернинг кишилари нўғай эмас, татар экан. Бурун билмасдан Тошкентдагиларни айтганидек, “нўғай-нўғай” деб юрар эканман. Татар миллати бир неча бўлакка бўлиниб: мишар, бошқирд, нўғай,

тептар, ва шуларга ўхшаш отлар билан аталур эканлар. Бизнинг мадрасамиздаги кўп ўқувчилар бошқирд бўлиб, озроқлари мишар эдилар. Мишарлар сўзлаганларида “ж” ҳарфини кўп ишлатиб, бошқирдлар “з”ни кўп ишлатур (истеъмол қилур) эдилар. Биз мишард билан бошқирдни гапларидан ажратиб билар эдик.

Ўқиш бошлаб, бир ярим ойча ўтқазганимиздан кейин Мирсаид ўртоғимнинг ғози деган амакиси “Иқон”дан ўқиш учун қочиб бориб қолди. Мирсаид икковимиз сабоқларимиздан бўшаб, соат 3ларда унинг ҳужрасига бориб кўриштик. Уй эгасига самовар кўйдириб Туркистондан олиб борган ёғлиқ кулча ҳам сариғ мойлар билан бизни меҳмон қилди. Татарларнинг “Бўлка” деган эмаги (нони) жуда кўнглига тегиб ўзимизнинг Туркистон кулча нонини жуда соғиниб қолган эканмиз, шошилиб-пишилиб анчагинасини еб кўйди. Яна бир оз ўтириб мадрасага қайтиб келдик.

Мирсаиднинг бу амакиси сира ўқимаган – оми бўлиб, бир ўқитувчиға ойиға 3 сўмдан тўлаб ўқишға кирди. Мирсаиднинг ўзи ҳам мадраса бошқармасининг рухсати билан амакисининг ёниға кўчиб бориб, мадраса сабоғидан кейин ҳар кун унда русча ўқий бошладим. Мен ҳам кейин зериккан чоғларимда ва ҳар панжшанба кунлари ҳужраларига бориб сўзлашиб ўтириб чигалларимни ёзиб ҳам қайғуларимни кеткизиб келар эдим. Чунки бу Уфа шаҳрида булардек сирдошим ҳам қадримни билувчи йўқдир. Қайси чокларда, мадрасанинг ўгриси кўнглимизга уриб, бошқа бир кишининг уйига Туркистон томондан борган 5-6 та қозок ўқувчилари билан йиғилишиб, ўртадан пул чиқариб ёғлиқ палов пишириб ер эдик.

Мадраса ўқувчилари “самъ” ҳам “расмий” оти билан иккига бўлинув эдилар. Самъ бўлган ўқувчилар, мадраса бошқармасиға ўн сўм тўлаб, патир ёки квартирада турар, томоқ кийим ҳам бошқа майда-чуйда чиқимларидан ташқари турган ҳужраларига ҳар ой учун 3 сўм 4 сўмдан тўлар, ҳар кун сабоқ соатларида мадрасага келиб, 5 ўқиш бўлмасининг қайси бириға кириб сабоқ эшитсалар ҳам ўз эркларида бўлар ва сабоқ соатларида сабоққа келмай қолсалар тергамас эдилар. Расмий бўлган ўқувчилар 10 сўмдан мадраса бошқармаси ҳақи, 14 сўм ҳар кунги суюқ ош (ўгра) ҳақи, 20 тийин билатга қўл кўйдириш ҳақи бўлиб, барчаси 24 сўм 20 тийин тўлар, мадрасага қабул қилиниб кирган чокларида қайси ўқиш бўлмасида сабоқ бошлаган бўлсалар шундан ўқиш чоғи

(тахсил вақти)нинг тугалганига чачикмас; ойлик тўлаб ташқаридан хужра олиб туриш учун рухсат сўраб ариза берган ўқувчиларга зўрға эрк берилур, бўлмаса, сурункасига мадрасада турур, ўқиш соатларида ҳозир бўлмасалар қаерга борган эдинг? Нима ишда борган эдинг, деб кўб суриштирилур, папирўс чекувчиларнинг бир-икки дапқир ёзуқлари кечирилса ҳам ичкилик ичканлари ҳам бошқа ярамас ишларга юрганлари билиниб қолса, мадрасадан қувилур эдилар. Ҳар кун бир соат панжшанба кунлари сабоқдан бўшаган чоқдан бошлаб, кеч соат 11 гача ҳам жума кунлари кечгача кўчага чиқиб юриш эркинли бўлиб, бошқа чоқларда катаган - ясоқ эди.

Юқорида ёзилганлардан бошқа расмий ўқувчиларнинг чиқимлари: ҳар кун 2 қадоқ экмак (нон), 4 тийиндан 8 тийин, чой ҳафтада бир қадоқнинг саккиздан бири (нимчорак қадоқ), 17 тийин, ҳафтада бир кўйлак-иштон ювдириш 6 тийин, ҳафтада бир мунча (хаммом)ға кириш 25 тийин, китоб, қоғоз ва қаламларга кетадир 10 сўм, кийим 20 сўм, йўл кираси 30 сўм ва бошқа чиқимларга 10 сўм кетар эди.

Ўқиш чоғи 8 ой бўлганда чиқим қуйидагича бўладир:

- 1) экмак (нон) - 19 сўм 20 тийин.
- 2) чой – 5 сўм 44 тийин.
- 3) шакар – 2 сўм 56 тийин.
- 4) кир ювдириш – 1 сўм 92 тийин.
- 5) мунча – 8 сўм.
- 6) китоб – 10 сўм.
- 7) кийим – 20 сўм.
- 8) йўл кираси – 30 сўм.
- 9) мадрасага тўлов – 10 сўм.
- 10) ош учун тўлов – 14 сўм.
- 11) билатга қўл қўйдириш – 20 сўм.
- 12) майда-чуйда – 10 сўм.

Барчаси: 131 сўм 32 тийин.

Булар ўртача чиқим ҳам расмий ўқувчиларники бўлди. Сомъеларнинг ойиға 3 сўм-4 сўмдан хужра учун ижара тўлашлари кўшилса, улардан кўп ақча чиқим бўладир. Бундан билинадирки, расмий талаба тежаб чиқим қилса, 130 сўм, сомъ бўлган талаба тежаб чиқим қилса, 160 сўм ақча билан қутилур эди.

Ҳар жума куни соат кундуз ўн бирларда кўнғироқ берилар. Ўқувчилар таҳорат қилиб, оёқ ҳам устки қалин кийимларини кийиб тайёрланиб турар, нозир исписка дафтарини очиб йўқлама қилар, талабаларнинг борини бор, йўғини йўқ, деб ишорат қўйилғондан кейин мадраса хизматчиси (истуруж) кўча эшигини очиб берар ва биз бутун ўқувчилар – иккита-иккита, қатор-қатор тизилиб Зариф ҳазрат масжидига жума намози ўқумоқ учун борар эдик. Зиёиддиновлика моли имом бўлмаса ҳам, жума намози айтилмасдан бир соатча бурун ҳалиги масжидга бориб, Зариф ҳазрат қавмлариға ҳадис китобларидан ўқиб ўгут (насихат) бериб ўтирар эди. Хутбани сўфи (муаззин) ўқиб, жума фарзига ҳам шул сўфи имом бўлур эди. Сўнгра яна ўн ракат намоз ўқиб фотиҳа қилғонимиздан кейин борған тартибимиз билан мадрасага қайтиб келиб, тушки ўгра ошимизни ичар эдик. Жума намозиға бормаған ўқувчилар қилиғи ёмон (ахлоқсиз)лар тўдасидан саналар эди.

Мадрасамизда икки турли йиғин бўлиб, бир ҳафта панжшанба кечаси ўқитувчилар йиғини, иккинчи ҳафта ўқувчилар йиғини бўлур эди. Ўқитувчилар йиғини мадраса бошқарма (идора)сида бўлиб ўқувчиларнинг 5 бўлмадан сайланған вакиллари ҳам ҳозир бўлур; булар ўқувчиларнинг кераклик нарсаларини бошқарма муча (моиза)лариға арз қилиб, уларнинг қарорларини ўқувчиларға билдириб турар эдилар. Ўқитувчиларнинг бу кенгашлари бир соат, икки соатда тарқашур эди. Сўнгра биз ўқувчилар соат 11 гача гармонлар, искрипкалар чалиб, татарча ашулалар айтиб, татарча ўйинлар қилиб, кўнғлимизни юпатар эдик. Қайси чоқларда ҳавасланиб, қозоқларға қозоқча ашула (ўлан) айтдиар; мени ҳам кўярға қўймасдан ўзбекча ашула айтдириб ўйнатишар эдилар.

Кўнғилларни ўз томониға энг тортадирған йиғин ўқувчилар йиғини бўлур эди. Пайшанба куни соат 2 дан кейин бошқармаға бир-бир кириб ёзилиб чиқар эдилар. Биринчиси, бизларға ҳозир қандай илм ҳам қандай фанлар керак, мен шул тўғрида гапираман; иккинчиси, бизнинг мусулмонлар, нима учун барча элдан, барча миллатдан кейин қолғанлар – мен шунинг тўғрисида гап гапираман; учинчиси, бизга кириб ўқиш, билим олиб юқори кўтарилиш (таракқий қилиш) учун ҳукуматнинг қайси мактаблари қалай – мен шу тўғрисида; тўртинчиси - хотин-қизларимизнинг ўқимасдан шундай юришлари, дунёвий ҳам ухровий билимлардан куп-қуруқ ётишлари ушбу 20 юз йил (аср)га ярашадими - мен шу

тўғрисида; бешинчиси, ўқувчилар мадрасани битириб чиққанларидан кейин эл-улус орасига кириб қайси тўғрида ҳам қандай муаллимлар билан хизмат қилиб фикр боришлари керак – мен шул тўғрисида... Кечқурун гап гапирадирған ўқувчиларнинг отлари билан нима тўғрисида гапиришларини бир қоғозга ёзиб, ўқувчиларнинг кўзлари тушадирған бир ерга илиб қўйилур эди.

Кеч соат 7 да қўнғироқ чалиниб, 5-ўқиш бўлмаси бўлған масжидга барча ўқувчилар йиғилишар, бир устал, 3 курси (устул) қўйилиб, бир бошлиқ, икки ёзувчи (котиб) қилиб ўтирар ҳам бошлиқ бир оз гап гапириб, йиғинни очар эди. Бундан кейин халиги гапирмакчи бўлиб ёзилған ўқувчилар, ўз гапи билан гапира бошлар эдилар. Улар гапни “Ибдошлар!” (Ўртоқлар!) деб бошлар битталарининг гапларининг келишмаған ери бўлса, иккинчилари у ёқдан-бу ёққа гаплар ке(л)тириб тузатишар (танқид қилар), қайси бир ўқувчининг гапирған гапи яхши ҳам фикри очик чиқса, барча ўқувчилар бирданига чапак чалишиб, бир оғиздан “Яша! Яша! Яша!” деб олқишлар эдилар. Буларнинг сўзга чечанликларига 250 тача келадирған ўқувчиларнинг ўртасида кўркмасдан, титрамасдан ҳам янглишмасдан гап гапиришларига катта-катта олдиноёк (пешқадам) ўқувчилар, кейин оёғ (пастқадам) ўқувчиларга гап гапириш учун эрк берғанларига, яна буларнинг устига уларнинг гапларини маъқул қилиб, мусаллам бўлиб (тан бериб) олқишлаб чапак чалишғанларига ҳайрон қолиб, оғзимни очиб, ўтирар эдим. Ҳозир ман 25 ёшлиқ жуда етилған йигитман, бу ерда 14-15 га кирған бир ўқувчининг гапини Туркистон мадрасада 12-13 йил ўқиб юриб, олдиноёк (пешқадам) у ёғда турсин, бирор мударрис ёки бирор мукаррирнинг оғзидан эшитған эмасман!.. Мана шу хилда ўқувчилар йиғини соат 11 гача бўлиб туриб (давом етиб) ёпилур эди.

Бунда бир хил шўхроқ, кишидан сира тортинмасдан гап гапирадирған, қайси чоқларда динга ҳам тегадирған ўқувчиларга “ха, социалист!” деб ҳазиллашар эдилар. Мен бу гапга сира тушунмас эдим. Бунинг маънисини ўкутувчиларимиз ва юқори бўлмалар (синф)дағи ўқувчи ўртоқларимиз бизга сира англатмас эдилар. Мен “ибдош” деган сўзни “ўртоқ” деган маънида эканин билсам ҳам бу сўз “социалист” деган сўз билан қўшилған чоғида бу ўқувчилар бу гапларни нима ўрин кўбрак оғизларига аларкинлар, деб ўйлаб-ўйлаб қўяр эдим.

Қурбон хайити ёвуқлашти, унинг байрам учун ўқувчиларга 15 кун тўхташ (таътил) берилди. Кўб ўқувчилар байрамни ўз уйлари ҳам ота, оналарининг олдида ўтқизмоқ бўлиб “қишлоқ”лариға кетдилар. Қолғанларимиз “қироатхона” очилған кезларда газет, журналлар қараб, бошқа чоқларда рўмон, театр китоблари ўқиб ҳам бир-биримиз билан гаплашиб кун кечирмакда эдик.

1908 йил 15 декабр, 5-зулҳижжа

55

“Қироатхона”нинг ҳам бир нозири бор бўлиб, ўқувчилар ҳар биридан 20 тийиндан йиғиб олиб, бунга “Вақт”, “Юлдуз”, “Баёнул-Ҳақ” газеталари, “Шўро”, “Сироту-л-мустақийм”, “Чўкич” “Мулла Насриддин” журналлари ҳам бошқа: диний, фанний, ахлоқий китоблар, рўман ҳам театр ва китоблар олғани эди. Қироатхона ўқиш кунлари соат 2 дан 3 гача очилиб, тўхташ (таътил) ҳам байрам кунлари эрта чойдан кейин 2-3 соат, кечкурун 2-3 соат очилур, газет, журналлар қироатхонада ўқилса ҳам китоблар олиниб ташқарида ўқилур. Нозир китоб олған киши билан китобнинг отини дафтарга ёзиб олиб, тийиндан айбона (иштраф) тўлар эди.

10-зулҳижжада қурбон намози ўқилди. Шул кун мадрасада (жантур) чиқиши билан “пилов” (палов) деб бўтқа пиширилган эди. Мадрасанинг барча ўқувчилари “пилов” бек таъмли бўлур экан, деб мактаб, суюна-суюна едилар. Чунки уларнинг бор умрида кўрганлари шул бўлиб, шунинг учун бўтқа билан паловни айира олмас эдилар. Шул хайит (“ийд”) кунларида бозор бошида татарча театр деган бир ўйин бўладирғар бўлиб, биздан ҳам бир неча киши бориб, 50 тийин – 1 сўмдан билатлар олиб киришдик. Бир ўрус устимиздан қалин чопонларимиз ешиб олиб бир қозикқа илиб, қозик нўмирин берди. Калишларимизни ҳам олиб қолди. Яна бир эшикдан киришимизда бир нўғай йигити билатларимизни кўлимиздан олиб йиртиб-йиртиб, бириси элтиб, орқадағи искамиййалардан ўрин кўрсатиб ўтқазди. Бир оздан кейин киши кўпайиб кетиб – тикилинч бўлди. Ўрин тополмасдан туппа-тик туриб қолған кишилар ҳам анчагина бор эди. Уй ичи исиб, жуда терлаб кетдик. Бир оздан кейин барча чироғлар бирданига ўчиб, қоп-қоронғуда қолдик. Мен “нима бало бўлди?” деб, кўрқиб, юрагим дик-дик ўйнай бошлади. Шул чоғда тўғримизда турган

девор бир томонга кириб кетиб, орқаси ёруғ бўлиб қолди. Ҳалиги ёруғ ерга: эркак, хотин-қизлар турли-турли кийимларда чиқиб, қизиқ-қизиқ сўзларни сўзлаб кириб кетар, яна бошқалари чиқар эдилар. Улар икки даққир 15 минутдан тўхтаб-тўхтаб ўйнадилар. Ҳар бир ўйинларининг тугалишида тамошачилар чавак (чапак, қарсак – Т.М) чалиб ҳам олқишлаб турдилар. Ўйин соат бирларда тугалиб, мадрасага қайтиб келдик. “Театр” деган қизиқ ўйинни энди биринчи даққир кўрганим бўлғонидан яхши тушуна олмадим.

Бундан кейин бир кун мадраса қироатхонасининг осифи (фойдаси) учун ўқувчилар театр ўйнамоқчи бўлдилар. Ҳар бир ўқувчи 5 тийиндан бериб кирдик. Бир неча бўлмалардаги “парта”ларни йиғиб, тамошачилар ўтиришига искамийя, қироатхоналарни йиғиб, ўйинчиларга сахна қилган эдилар. Ҳар қаердан 2-3 чодир, соқол, мийиқ (мўйлаб), соч ҳам хотинларнинг турли кийимларин топган, қайсилари чол, қайсилари ёш йигит, қайсилари кампир хотин, қайсилари ёш хотин ҳам қайсилари қиз афтига кирган эдилар. Театрда ўйновчиларни эркак бўлса “артист”, хотин бўлса “артистка” дер эканлар. Ўйинчиларнинг кўпи биринчи ҳам иккинчи таҳзириянинг ўқувчиларидан бўлиб, ўзларининг рўлларини яхши олиб бормоқда. Айниқса, Абдуллоҳ шодра (чўтир) деган сабоқдошимжуда ўринлатиб, барча тамошачиларни қотириб кулдирмакда эди.

Мана, мен “театр” деган ўйин нима учун ўйналишини бурун сира тушунмаган бўлсам ҳам энди анчагина тушиниб қолдим. Бўлмағур урф-одат ҳам ақлга сиғмайдирган қилиқларни китоб қилиб ёзиб, шул китобдаги кишиларнинг рўлга бўлиб ўрнак (ибрат) учун ўйналур экан. Бу театрларга қарағанда татарларнинг кечирмакда бўлган тирикчиликларининг кўпи бизнинг тирикчиликларга ўхшамроқ кўринур эди. Ёш қизларни қизиқиб чол кишилар ҳам ўзиған тўғри келмаган адабсиз, тентак йигитларга бериб, ул шўринг қурғурларнинг кўз ёшлариға қайсилари бойларнинг бир неча хотинлари бўла туриб, унинг устиға ёш хотин олиб, икки кундош ўртасида, қанча болаларға учрашлари; қисқа кийим кийган бир мусулмон ёки янги тартиб билан ўқитувчи бир муаллимни кўрсалар “муна-муна усули жадидчи! Кофир бўлган, кофир!” деб қўлларини бигиз қилиб кўрсатиб қолишлари, ўқитсак йигитларга хат ёзадирған баҳоналар билан хотин-қизларнинг ўқишиға тўсқин бўлиб, ул бечора ҳам ишларимизни илм, фандан

махрум қолдиришлари, муллалари ўгут (насиҳат) берганда ўзларига осифи бўлган хайр, садақотдан бошқани, яъни миллатнинг юқори кўтарилишига сабаб бўладирган илм, ҳунарлардан гапирмасликлари, дунё харом, бу дунё нажас, бунинг макр ва хийласига алдана кўрманг, деб ўгут бера туриб, ўзлари жон ҳам кўнгуллари ила қаттиқ ёпишиб дунё-олтун ҳам кумуш ақчалар-йиғишлари, бойлари неча масжид солсалар ҳам биргина бўлсин замонага тўғри келадирган янги усул мактаб солмасликлари, меҳнаткаш касблар, топган ақчаларига ичкилик ичиб қўйиб, болачақаларини кийимсиз ҳам оч қолдиришлари, қайсилари қўл, оёқ, кўз, кулоқ ҳам бошқа муча (аъзо)лари соппа-соғ бўлатуриб, иш қилишга дангасалик қилиб гадойчилик билан кун кечиришлари, бир-бирларининг орқаларидан ёмонлаб гап гапиришлари, бир-бирларини кўролмасликлари, ёлғончилик ҳам бир-бирларининг фириб, макр билан алдашлари, яна ёпиш (туҳмат) ҳам чақимчиликлари, бир-бирларига ёв бўлиб уруш-жанжал чиқаришлари, қози олишиб, судлашиб юриб, кўб ақчаларини пора (ришват) учун кеткизишлари, ўғил тўйи, қиз тўйи ҳам ўлганларга қанча минглаб чиқим қилиб, бурч (қарз)га ботиб узилмай юришлари – мана буларнинг барчаси бизнинг бузук тирикчилигимиз (турмушимиз)нинг ўзгинаси экан, ёлғиз уларда, бесоқол ўйнаш билан, базм бериб бачча ке(л)тириб ўйнатишлари йўқ экан, шунинг учун театрларда булардан кўрсатмас эканлар. Биз шу хилда бўш ўйин кулгилар билан юрганимизда ўқувчилар ҳам кишлокларидан қайтиб келдилар. Тўхташ (таътил) учун берилган 15 кун ҳам ўтиб кетди ва ўқитувчилар келиб, ўқиш бўлмаларида сабоқлар бошлади.

1909 йил 1 январ

56

Бизнинг ўқувчилар орасида кўзга чалинадирган очиқ ўйлик (фикрлик)лардан Олимжон Иброҳимов ҳам Бекбўлат Солиев³⁾ деган талабалар бор эди. Улар Олиянинг юқори бўлма (синф)ларида ўқир эдилар. Ўқитувчилар йиғинида бек ўткур гапларни гапирувчи, қайси чоқларда ўқувчиларнинг ҳам эзиб ташловчи шулар бўлур эдилар. Бироқ ўзлари мадрасада турмасдан бошқа ерда – ижара ҳужрада турар эдилар. Ўқишларимиз,

³⁾ Буларнинг бир нечаси ҳозир Татаристон болшевикларининг бош лидерларидан ҳам тилчи адабийлардан ва иккинчиси камма муаллим ҳам тарихчи. 1911 йилдан бери Тошкент ва унинг теваарагида хидмат қиладир.

йиғинларимиз бурунғидек бўлиб турган эдики, бирданига мухаррам (ашур) ойи бошланадирған, 1327 ҳижрий йил бошиси бўладирған бўлиб қолди. Шунинг учун ўқитувчиларимиздан эрта байрам қиламиз, деб рухсат олдик. Энди бугун кеч сабоқ кўриш йўқ, эртага байрам, деб эркинлик билан суюниб–қувониб юрган эдикки, кеч соат 5 ларда бирданига кўнғироқ (звонок) чириллаб қолди. Барчамиз нима гап бўлиб қолди, деб 5-бўлмаға қараб югирдик ҳам у ерда Зиё халфани кутиб турганини кўрдик. Барча ўқувчилар йиғилгандан кейин Зиё халфа бизга қараб:

– Афандилар! Эртага ойи боши бўлғани учун сизга бир кун байрам берилган эди. Бугун Оренбурғдаги Аҳмадбой Ҳусайнуф мутаваллийлари муфтий ҳазратға бир юмуш билан келиб қолдилар; уларнинг ораларида улуғ зиёли кишилар ва мухаррир–адиблар ҳам бор. Тегилар эртан мадрасаға келиб, шогирдларнинг ўқувларин кўрмак бўлалар. Шунинг учун бугун тунда байрам ясамайинча сабоқлариғизни ҳозирланг! Эртага ўқиғиз! Бир бунларнинг биринчиси Татаристон болшевикларининг бош лидерларидан ҳам тилчи адиблардан ва иккинчиси катта муаллим ҳам тарихчи 1911 йилдан бери Тошкент ва унинг теварагида хизмат қиладир. Қувноқлар келганда сабоқлариғизни билмай қолсағиз яхши тугул. Мухаррам (ашур)нинг 10- куни икки кун байрамға берурмиз, ярийми, – деган эди. Ўқувчилар лом-лим демасдан бу кенгашга уннаб кўйдилар. Зиё халфа бизнинг сўзға ишониб ҳовлисиға қайтиб кетди.

Олиянинг юқори бўлмаларида ўқувчи Бекбўлат афанди бу гапни эшитиб қолиб, оқшомдан кейин мадрасаға келиб кўнғироқ билан барча ўқувчиларни йиғди; ул диний, тарихий байрамларнинг хурматлари қандайлиғини, бир-икки кишининг кўнгли учун бундан кечмак диний улуғ бор жиноят эканлиғини гапириб, кечаси сабоқ ҳозирламасдан байрам қилиб, эртага ўқиш томонида бундан кейин нозиримиз – ҳалиги афанди гапириб, кечаси байрам қилмасдан сабоқ тайёрлаш томонида бўлди. Кўб ўқувчилар Бекбўлат томониға оғиб кетиб, 15 тача ўқувчи нозир томонида қолди ҳам улар сабоқ ҳозирлай бошладилар. Шунинг учун нозир: “Тез етишингиз, мадраса ости устиға келди!” деб ош пиширувчидан яширин қоғоз ёзиб ўқутувчиларни чақириб ке(л)тириб, талабаларни сўқдиргани учун нозир ила Бекбўлат ҳам ўқувчилар ўртасиға совуқлик тушиб, энг сўнғида Бекбўлат мадрасадан

кувиладиган бўлди. Бекбўлатни кувишга идора томонидан ҳукм қилинадирган куни ўқувчиларнинг барчаси ҳам мадрасадан унинг билан бирга чиқиб кетишга ҳозирланган эдилар, бироқ нима учундир унинг ёзиғини кечирдилар ҳам қувмадилар.

Уфа ярмаркасининг очиладирган чоғи яқинлашгани сабабли бозор ўртасидаги кенг бир ерга бир татар болта усталари (дурадгорлари) тахта дўкон сола бошлағанларин эшитдим. Мухаррам (ашур) ойининг бошида байрамимиз чала бўлиб қолганидан ўнинчи, ўн биринчи муҳаррам кунлари 2 кун байрам қилиб ўтқиздик.

Бир кун кечкурун, кезиб қайтмоқ учун бозор бошига борган эдим бозорнинг ёнига яна бир катта бозор қўшилиб қолганлигин кўрдим тахта дўконлардан янги расталар пайдо бўлган, ҳар ёғдан савдогарлар келиб, дўконларини турли-турли моллар ила тўлдиришган, чит сотувчилар бир растада, почта-пўстин сотувчилар бир растада, аттарлик бир растада, чинни идишлар бир растада, тунука идишлар бир растада ҳам бошқа майда-чуйда сотадирганлар бир растада ўрин олган эдилар. Растанни кезиб юрган ўрислар жуда кўб бўлиб, бозор ёнида 4-5 жойда ўнинхоналар тайёрланган эдилар. Мен бир оз кездим-да, мадрасага қайтиб келдим.

1909 йил 26 январ

58

Бу шаҳарнинг шамол ҳам шовқунлари жуда каттиқ бўлиб, қорлари ҳам кўб-кўб бураб ёғиб турар, шамол турган кунлари кўчага чиқиб юриб бўлмас, дарров кишини учириб кетар, ёққан қорларни ҳам тинчитмасдан, кўчаларнинг ўнг ёғидаги қорни сўл ёққа, сўлдағисини ўнг ёққа учириб олиб бориб, хирмон-хирмон қилиб ўйиб ташлар эди. Туркистондаги қиш кунлари кийиладирган кийимлар бу ерга бўлмас, унга 2-3 баробар келадирган қалин кийимлар керак бўлур, қайси чоқларда совуқнинг қаттиқлиғидан кўздан бошқа ерни очиб юриб бўлмас эди. Бизнинг ерларда 3 ой қиш бўлса, бунда 6-7 ой қиш бўлар экан. Шундай совуқ кунлар бўлиб турса ҳам 2 кунда бир 3 кунда бир марта истироҳат чоғида 7-8 ўқувчилар билан бориб ярманкани томоша қилиб, келиб турдим. Бу ярманка 15 кундан кейин тугалди. Ҳар томондан узоқ ёқдан келган савдогарлар араваларга молларини юклаб олиб тарқалдилар ҳам тахтадан ясалган дўконлар бузилди.

59

Шул ой ичида бир кун биринчи сабоқни ўқиб бўлиб, иккинчи сабоққа киришган чоғимизда мадраса хизматчимиз кўққисдан ўқиш бўлмағимизга кириб, ўқитувчимиз Хатмуллоҳ ул-Фозилни секингина имлаб олиб чиқиб кетди. Биз нима учун эканлигини билмасдан бир оз абдираб (хайрон бўлиб) қараб туриб эдик, ўқитувчимиз бўлмағи югуриб қайтиб келиб:

– Шогирдлар! Ўринларидан шу шумей кўзгалмейчи шовуллашмейчи ўтириғиз. Мадрасани палитса босқон! – деб талваса (изтироб)га солиб яна чиқиб кетди. Ул чиқиб кетиши билан бўлмағимиз эшигининг икки ёғига икки соллат келиб милтиқларини типпа-тик ушлаб туриб олдилар. Шаҳар палитсасининг бундай келиб босишидан бир кишининг ҳам хабари йўқ бўлиб, ул бирданига келиб босди: бурун мадрасани теваараклаб солдатларга куршатган-да сўнгра ўзи 20 тача соллат билан ичкари кирган экан. Бу соллатлар 1 та ўқувчининг ҳам бўлмадан чиқишига кўймас, агар бир ўқувчининг таҳорати қисталиб қолса, соллат унинг билан ҳоли жойга бирга борар, ул ерда (ҳоли жойда) турган соллат ҳам ҳоли жойга кирганларнинг ёнларин кавлаб у ёғ – бу ёғларини ҳеч бир қолдирмасдан тинтиб киргизар эди. Бир соатчадан кейин ётоқхонага тушиб ҳар киши ўз калавотида ўтиришига буйруқ бўлди; барчамиз тушдик, ётоқхоналаримизнинг ҳам эшик олдида соллатлар (часовой) турган эди. Кўб ўтмади, палитса бизнинг ётоқхонага ҳам кириб, бир қатор эшикдан калавотлардаги кўрпа, ёстиқларнинг ораларини титкилай бошлади.

Барча калавотлардаги ўринлар титкиланди, бироқ менинг калавотимни титкиламасдан – эсидан чиқариб қолдирди. Бизнинг ётоқхонадан кўбда кўрқинчлик, ҳукуматга зиёнлик нарсалар ёпилмасдан, ёлғиз 5-6 театр, роман китобларини ёстиқларнинг орасидан топиб олиб, чиқиб кетдилар. Ётоқхонамиз эшигида турган соллатлардан қутилиб ва бўшалиб ташқари чиқсак, мадрасада киши кўп, тўпалон экан. Палитса кишилари у ёқ - бу ёққа бориб-келиб юрмакда эдилар.

Мадраса эшиги кулфланган бўлиб кирган кишини ташқари чиқарилмас, чиққан кишини ичкари кирғизилмас эди. Мен у ёққа-бу ёққа ўтиб юрсам, ҳукумат кишилари кийим-бошимни ҳам афт-

ангоримни кўриб: Бу қандай шалвуллаган элларнинг уруғидан экан, деб жуда ағрайишиб қолдилар. Чунки кийимларим ўз пўрмамда – ўзбек пўрмасида бўлиб, татарча кийим киймакка белгили пул йўқ эди. Янги фикрлилар (усули жаидчилар)нинг душманлари бўлган эски сотувчи (толчукчи) татарлардан иккитаси:

– Бир томоша қилайлик, янгиларга зиён етса, олия мадрасаси ёпилиб қолса, қандай яхши бўлар эди! – деган умид билан палитса босқиниға суюниб, мадрасага киришган эди. Палитса:

– Сиз ҳам мадраса кишиларидансиз! – деб ўйлаб уларнинг ҳам ёнларини титкилаб ташқарига чиқармай кўйди. Бу тентак билимсиз ўзимиздан чиққан ёвлар қамалиб қолиб, икки соатдан бери қорнилари очиб, кирганлариға минг-минг ўкиниб (пушаймон қилиб) ўтирмоқда эдилар. Соат 11 да келган палитса, 5 соатғача барчани титкилаб, соат 3 ларда Зиё халфанинг бир неча қийматбаҳо китобларини, майда-чуйда газет, журнал, театрлар ҳам рўманларни йиғиштириб олиб кетди. Ўқувчиларнинг юзларида кўрқинч изи (асари) кўрмадик, палитса мадрасамизда Николай ҳукуматиға зарарлик нарсалар топмаганға ўхшайдир. Ҳар кун соат 12 да ичадирган ошимизни бугун соат 3 да зўрға ичдик.

Николай ҳукумати ҳам унинг кўмакчиси бўлган қоровулидан бошлиқ генерал-губернаторларигача мусулмонларнинг янги билимлар олиб юқори кўтарилишига сира кўймасдан кеча-кундуз орқасидан пойлаб юрмакда, бу йўлда юрган кишиларни билиб қолдимиз дарров тутиб қамамоқда, Сибирияларга юбормоқда ва отишға ҳукмлар қилмоқда эди. Уларга ўрис миллати ўкуса, билим олса, ҳар турли ҳунарлар ўрганса бўлди, қўл остида бўлган бошқа миллатлар уларга қул бўлиб хизмат қилишин, оёғ остларида эзилишин, бурнинг қани деганда кулоғин кўрсатадирган бўлишин, балки мусулмонларнинг барчаси бутхонага кириб чўқиниб, ўрис эли-улуси кўпайишин ёқтирар; тўрт кўз билан кутар ҳам сурункасиға шу йўлға хизмат қилар эдилар. Бунга билиб-билмасдан сотилган ёки янгиликка қарши бўлган мусулмонлардан анчагина бор бўлиб, шундай мадрасани Олияға ўхшаш янги очилган мактаб, мадрасаларнинг сирларини ул тўнғузларға етказиб, чоқда (данус қилиб) турар, виждонсизлик, номуссизлик қилиб, шундай улуғ жинойтларни ва шундай катта хиёнатларни бўйинлариға олар эдилар. Бундай кишиларнинг кўплари мусулмон мулла ва эшонларидан бўлур эди. Мана шундай виждонсиз,

номуссиз, ўз қорин фойдасидан бошқани фойда деб билмаган пас(т) кишиларнинг халиги ярамас тебранишлари (ҳаракатлари) билан мадрасамиз шунча интилиш (тафтиш)қа йўлиққан эди. Тизма (шеър):

*Энди басдир, уйгоанинг эй, Шарқ эли!
Босибон келди билимсизлик сели!
Тоғу тошларга уриб қилгай ҳалок
Бир куни ялқовлик, онгсизлик ели!*

1909 йил 15 феврал

Мана шундай 4-5 ой ўқиб юриб, еб туришга ақчам қолмади, ўқувчи ҳам ўқитувчиларга яна ҳеч нарсам қолмаганини айтишга уялдим. Шунинг учун чорасиз қолиб, мадрасадан чиқиб жўнамоқчи бўлдим. Ўзим бир китобимни 50 тийин(га) сотдим; кетишимни эшитиб, қозоқ собоқдошдарим ҳам 1 сўму 60 тийин ақча йиғиб беришдилар. Зиёиддин Камолий жанобларидан рухсат олиб, ўқитувчилар, сабоқдошлар ва бўлак мадрасадан ўқувчилар билан “соғ бўли(нг)лар”лашиб Мир Сайиднинг хужрасига бордим. У ердан Мир Сайид ўртоғим билан унинг амакиси Уфа истансасигача бирга чиқдилар. Кенилгача 2 сўму 70 тийинга билат олиб, бу вафолик кадр билувчи ўртоқларимдан айрилиб ўқишим чала қолганига йиғлай-йиғлай, тўртинчи ўт аравада кеч соат 6 да юриб кетдим.

1909 йил 20 феврал, жума куни

Шанба куни кеч соат 11 да Кенилга келиб, ундан Оренбурғгача 2 сўму 30 тийинга билат олиб, якшанба куни ерта соат 10 ларда яна тўртинчи аравага миниб кўзғалиб кетдим: душанба куни соат 8 да Оренбурғга келиб, “Нуъмон нўмири” (мусофирхонаси)га тушдим.

1909 йил 2-3 феврал

Шул кун кеч Мадрасаи Ҳусайнияни томоша қилмоқ учун бориб, унда ўқиб юрган ўз шаҳардошларимдан Шайховандтоҳур даҳа Занжирлик маҳаллалик Сайидолим қори деган бир ўқувчи билан йўлиқишиб қолдим. Бу қори афанди мадрасанинг у ёғ – бу ёғларини айлантириб кўрсатди. Бу мадраса жуда тартиблик, интизомлик қилиб солинган бўлиб, катталиқда бизнинг Олияга ҳеч бўлмаганда уч баробар келур эди. Бу мадрасани солувчи Аҳмадбой

Хусайиннид деган, миллатлар учун жони куйган бир татар бойи бўлиб, ўзи ўлиб кетган экан.

Қори афанди кездириб бўлиб, ўз ётоқхонасидаги калавотиға элтди. Бир оз сўзлашиб ўтирғандан кейин ўз бошимдан кечирган воқеаларимни Тошкентга кетмак учун ёнимда 1 тийин ҳам ақчам қолмаганини бир-бир айтдим. Қори менинг бундай ҳолларға қолганим учун қайғимға ўртоқлашиб;

– Бу ерда ҳам шаҳардош савдогарлардан бор, бўлмаса мен айтиб шулардан сизга йўл чиқими йиғиб берайин, эртага кеч соат 3 дан кейин сабоғимдан бўшаб, нўмирингизга бораман; сиз кимирламасдан мени кутиб тулинг, – деди. Мен бунинг шундай одамгарчилигига суюниб, “соғ бўли(нг)лар”лашиб нўмиримга қайтиб келдим.

Менинг тушган мусофирхонамнинг бир хужрасида шаҳардошларимдан 3-4 киши бор бўлиб, буларнинг ичида Ойша яллачининг эри билан асранди ўғли ҳам кўрунди. Кечкурун Хусайиниядан Сайидолим қори келиб, ҳалигилардан 4-5 сўм кўмак йиғиб берди. Бу қилган яхшилиқлари учун мадрасадошларға кўп ташаккурлар айтдим.

Мендан бир кун бурун ўз мадрасам Олиянинг “самий” бўлиб ўқувчиларидан бириси шул Нумъон мусофирхонасиға тушган бўлиб, меним билан бирга эди. Ундан ҳол сўраған эдим, ул ҳам менингдек ақчасиз қолиб, ўқишни чала ташлағанлиги билинди. Бу йўқсил шўринг қурғур Оқтепа теварагига чиқиб, қозоқ болаларини ўқитмоқчи бўладир. Кечкурун икковимиз истансага бирга чиқишиб, йўлдошимизнинг йўл кўрсатиши билан кеч соат 10 ларда “ўт арава”га билатсиз тушиб юриб кетдик.

1909 йил 24 феврал

Кандуктурларға истанса сари оз-оз ақча бериб кела бердик. Бир истанса юрганимиздан кейин кандуктурларнинг устидан қаровчи (кандуктурол) чиқиб қолиб, уларни ҳам, бизларни ҳам жуда шошириб қўйди. Тотли ақчамизга ўрганган кандуктурлар энди бизни қаерга бекитишларини била олмасдан ҳар томонға югуриша бошладилар, ахийри ўрин топилмасдан икковимизни бир бадрапга қамаб, устимиздан қулфлаб қўйдилар. Бир истансагача биз шунда қолиб жуда кўрадиганимизни кўрдик. Кантўруллар кетгандан кейин бизни чиқардилар. Оқтепаға келганимизда йўлдошим қолди,

яна бир балаҗа учраб қолмаслик учун шул ердан Оқ масжид (Пировский)җаҗа 4 сўм 30 тийинга билат олдим. Энди билат олмасдан кандўқтурға берилган порани санаб қарасам, ёлғиз ўзимдан 1 сўм 60 тийин кетибдир. Осиғғанлигим белгили эмас, бирок минг сўмлик юз суви (обрў) тўкилди ҳам “бадрап”да 1 соатдан ортиқроқ ...нинг ҳидини искаб ётдик. Бизнинг бу қилган ишимиз кишиликка сира келишмайдирган иш экан, бундан кейин билатсиз юришдан жуда тавба қилдим.

Бизнинг ем, беда емайдырган отимиз югура бошлади, унга кеча ҳам кундуз ҳам тенг эди. Хохўл ўрислар боришдағидан ҳам келишда кўпайиб кетган эди. Арава тикилинч, хохўллар, қозоқ бечараларни ичкари кирғизмасдан итариб, туртиб ўт аравадан тушириб юбормоқда; бу шўринг қурғурларнинг билатлари бор бўлса ҳам кандўқтур хоинлар келиб буларга ўрин топиб бермас, мен бу ишга абдырар (ҳайрон қолар) ва ачинар эдим. Чунки хохўл ҳукуматнинг фуқароси бўлғанда, қозоқ ҳам фуқаро, хохўл пул бериб билат олған бўлса, қозоқ ҳам пул бериб билат олған эди. Нима учун бу бечора мусулмонларнинг ҳуқуқлари оз бўлиб, аллақайдан Туркистонга келгинди ўрисларнинг ҳуқуқи кўб бўладир? Албатта, бунга билимсизлик, ҳунарсизлик сабаб, яна бу ишларга йўл бермаган Николай золимнинг ўзи сабаб эди...

Менинг бошимда татарча тўппи бўлиб, соқолим қирилған, ўрисча тилни ундан уриб бундан чиқарар; шунинг учун буларнинг орасида зўрға сиғишиб ўтирмоқда эдим. Оқмасжидға икки истансача қолғанда кийими яхшироқ, ўзи йўғонроқ бир қозоқ билан бир мулла киши бизнинг ўтирған уйга тикилишиб кириб қолдилар. Хохўл уларни ҳам чиқариб юбормоқчи бўлғанда мен уларға ўрин топиб бериб ўтқуздим. Бунинг учун мендан жуда хурсанд бўлдилар ҳам бир оз сўзлашиб ўтириб оғайни бўлиб олдим. Улар ҳам Оқ масжидға борар эканлар; ўзлари тушадирган ерга мени ҳам олиб бормоқ ва овуллариға элтиб болаларини янги йўл билан ўқуттурмоқ бўлдилар. Юра-юра Оқмасжид истансасиға етиб тушдик ҳам бир пайтунга миниб бир кавуш тикувчи қозоқнинг уйиға бордик.

1909 йил 26 феврал

Уй эгаси бизни яхшилаб кутиб олди, ош, чой қилиб сийлади. Эрта чойдан кейин мени олиб келган қозоқ овулига қайтмоқчи бўлиб, неча ой туришим ҳам қанча ақча олиб болаларини ўқитишим тўғрисида сўраган эди. Мен:

– Бой ака! Бир йил бутун туролмайман, олти ой тураман. Шул муддат учун сиз, 100 (юз) сўм берингиз; мен овулингизниг 10-15 боласини ўқитайин! – деб жавоб бердим. Ул олти ойға 50 (эллик) сўм бермак бўлган эди мен:

– Бу ақча 6-7 ой мадрасада ўқишимға етмайдир! – деб унамадим.

Шунинг билан бий қозоқ ўз овулига чиқиб кетди ва мен мулласимон ўзбек билан шул ерда қолдим.

Биз икковимиз Оқмасжид бозориға чиқиб, айланиб томоша қилишдик. Бу ер кичикроқ бир шаҳар бўлиб, бозори ҳам ўзиға яраша эди. Кўпи бухоролик, тошкентлик кишилардан бўлиб, бир оз татар ҳам қозоқ дўкондорлардан бор эди. 1-2 соат айланиб юриб қайтиб келдик. Эртасига ҳалиги мулла ҳам кетиб, ўзим ёлғиз қолдим, уй эгаси қозоқ:

– Мулдеки, қапа бўлмангиз? Зериксангиз бу жерда ўз шаҳарлигингиз бир мўлда имом бор, мен сизди ўший имом мўлда билан таништириб қўяйин, туRINGиз! – деб бошлаб олиб бориб, ўшал айтган мулласи билан мени таништирди. Бу мулла 1-2 йилдан бери бу ерга имом экан. Унинг айтишига қараганда: бунда бизнинг тошкентлик шаҳардошлар кўб бўлиб, уй-жой қилиб турғун бўлиб қолган эканлар. Ораларида катта бойлари ҳам бор экан. Бир оз гаплашиб ўтирғандан кейин мен имом домладан бир жойға ўрунлашиб кеткунча ҳужрасига келиб туришни сўраган эдим, ул унади, мен ҳам қозоқ уйидан нарсаларимни ке(л)тириб жойланишиб олдим?..

Имом домланинг оти Мулла Содик бўлиб, ўқитадирган 2-3 тагина шогирд боласи бор эди. Ўзи у ёқ – бу ёққа кетганда уларни мен ўқитиб турар эдим. Шул маҳалладаги ҳовли-жойлик ҳам кўраларда турувчи шаҳардошларим ҳар кун - кун оралаб кеч овқатиға чақириб туришар, бошқа чокдағи томоғимни домла имом бериб турар эди. Шул мен турган маҳалланинг ёнбошида нўғой маҳалласи бор бўлиб, унинг анчагина бола ўқитувчи бир муаллими бор деб эшитиб, мактабини сўраб топиб бордим. Мактабхонаға

киришим билан ўқитувчи очик юзи билан мени қарши олди; кўришиб сўрашди ҳам курси (устул) ке(л)тириб қўйдилар ўтирдим. Ўқитувчи афанди ўрта бўйлик сарғишгина аптлик ҳам кўсагина бир йигит экан. Бунинг мактабида 40-50 ўқувчиси бўлиб, янги йўсунда ўқитур экан. Деворлариға турли-турли хариталар илинған ўқиш бўлмалариға парталар қўйилған эди. Ул бир бўлма (синф)ға сабоқ берди-да, менга қараб – афандим келингиз на юмушда юрасиз? – деб ҳол сўради. Мен ҳам тошкентлик бўлиб, Уфа Олиясиға бориб ўқиб қайтиб келишимни, кира пулим етмағани учун бу ерга тушиб қолғанлигимни, муаллимлик ўрин топилса, ўқиш (тахсил) чоғигача шул ерда туришимни ва ҳозир шундай ўрин тополмай юрганимни бир-бир айтиб бердим. Ўқитувчи афанди:

– Олой бўлса, ёрий, мен сизнинг учун ўрин суриштириб қарарман, сиз хабар олиб турасиз! – деб кўнглимни анча тинчлантирди ҳам менинг қаерда туришимни (адресимни) сўраб билиб олди. Сабоқ бературған чоқ бўлғани учун уни кўб чоққа айлантирмас, хайрлашиб масжидга қайтиб келдим.

Орада 3-4 кун ўтди. Ҳалиги татар ўқитувчиси, бир кун мани меҳмон қилиб чақирди! Намоз шомдан кейин уйига бордим. Бир қозоқ эшон ҳам келди. Томоқ еб, биз уч киши гаплашиб ўтирдик. Қозоқ эшон менинг Олияда ўқишимни билғандан кейин унинг юзида севинч изи кўринди:

– Булей бўлса бизни Қулмет билан Маматали болаларимизди танийтурған шиғарсиз? Улир совсилимет журларми? – деб сўради.

Мен улар менга сабоқдош эканликларини ҳам эсон-соғлиқ билан жуда таниш чиқиб қолдим. Татар ўқитувчиси менга қаердан ўқитувчилик ўрни топиб бериш тўғрисида эшонға гапирған эди, ул:

– Эгир журайин деса, ўзим менин қарға оппорайин, қирдағи болаларди ўқитиб жур. Бўған кунбеси минасирда ўзимиздек мурид ҳам ҳоқинларимиздан Наймин деган эл бор. Сунда турар. Олти ойға жуз элув сўмға жақин ақча унса керик. Ўзиға қайси мағул бўлса, сун қилсин! – деб жавоб берди. Ўқитувчи афанди билан кенгашиб “сирда” қолатурған бўлдим, сўраб эшоннинг отини билиб олдим: Аҳмад эшон экан. Бир оздан кейин палов чикди, уни еб бўлиб, 3-4 пиёладан чой ичиб, эшон кетадирған бўлди ҳам икки кундан кейин бир ўзбек муридининг устига боришимни тайинлаб, “соғ бўлийлашиб” чиқиб кетди. Мен ундан кейин қолиб ўқитувчи

афанди билан бир оз гаплашиб ўтирдим. Бу афандининг оти Шомахмуд, фамилияси Валиуллин бўлиб, Қозон шаҳридан Муҳаммадия мадрасасида татарларнинг машхур дин ислохотчиси Олимжон Бародийда ўқиб, битирган, очиқ фикрликкина бир йигит экан. Бу Оқмасжидга ўқитувчи бўлиб келганлигига икки йил бўлибдир. Халқнинг кўнглига қараб, саллани катта, чопонни узун қилиб, ўқитувчилик хизматин кетирмакда экан.

Ўқитувчи Валиуллиндан миннатдор бўлиб, ўрин топилганига қувона-қувона хужрага қайтиб келдим. Эртасига Тошкентнинг Тўқли жаллоб маҳалласидан чатишган қариндошим – Ақром қори, менинг бу ерга келганимни билиб қолиб, кўрасига чақириб кўноқ қилди. Ўзи шу шаҳарда Илҳомжон деган бир инисига дўкон қилиб берди, Баҳромжон деган катта иниси билан “заргарлик” қилур экан.

Орада икки кун ўтди, мазкур эшон тайинлаган ерга бориб хабар олдим, Найман овулидан бир киши келган экан, мани кутиб ўтириб, бормағандан кейин кетиб қолибдир. Эшон анчагина ўқиниб, чорасизликдан овулга бориш йўллариини ўзимга кўрсатди. Мен унинг кўрсатган йўли билан хужрадан нарсаларимни олиб, фойтун билан истансага чиқиб, “Сули тепа” деб билет олдим-да, жўнаб кетдим. Кеч соат уч яримларда “Сули тепа” истансасига тушиб, бир самовархонага кирдим.

1909 йил 10 март

61

Самовархонада чой ичиб бир оз дам олганимдан кейин Найман овулидан киши келар-келмаслигин самоварчидан сўраган эдим, ул эртага саксовул ортиб киши келишини хабар берди. Бундай бўлса бугун шул ерда қолар эканман деб ўйладим-да, самовархонадан ташқари чиқдим: кўриниш ажойиб, теварак барчаси сувсиз ва саксовул оғочлари билан қопланган эди. Бунда 9-10 тага зўрға етадирган баққол, косиб, чит сотувчи ҳам самоварчиларнинг дўкони бор бўлиб, барча дўконлар ердан ўйилиб ясалган эди. Бундай қилишининг сабаби бу ерда қаттиқ шамол кўп бўлиб, қум, тупроқ ва чанг-тўзонларни дўконга ке(л)тириб уруши ҳам қаттиқ иссиқлиги экан.

Борған куним элдан сира хабар бўлмаған учун самоварда кўндим. Эртасига чойдан кейин хуржунимдан харита олиб қарай бошлаған эдим, ёнимда ўтирған сўфи аптлик бир киши:

– Бу хар турли тусларда ясалган қоғоз нима? – деб сўраб қолди.

Мен:

– Сўфи бобо бунинг отини харита дейдилар: ер юзининг сувлик, куруклик, тоғлик, тепалик, текислик, сойлик, шаҳарлик, кишлоклик ерини мундан қараб билиб оладир. Ҳозирда хар бир тартиблик мактабда ҳам мадрасаларда ҳам мундан бор бўлиб, деворларга ёпиштириб қўйиб, ўқувчиларга кўрсатиб ўқитилмоқдадирлар, – деб жавоб бердим. Сўфи ёқасини ушлаб: Худоё тавба! Ўзинг паноҳ берей! Охир замон бўлса, турлик-турлик аломатлар чиқар экан-да! Буни ўқиғандан масала – масоил ўқиған яхши эмасми? Бунинг чиқарған кишининг каромати борми? Дунёнинг ҳаммасини айланиб кўрибдирми? Бундай ишлар шариятдан ташқари ишлар, бундай нарсаларни кофирлар ўқуйдирлар; мусулмонлар ўқимайдирлар! – оғзиға келган турли сафсата сўзларни айта берган эди шунда чой ичиб ўтирған икки армани бизнинг сўзға аралашиб:

– Мусулмонларнинг болаларининг ўқиб билғанларида нима зарар бор? Ҳали сиз бунинг фойдасини билмайсиз! Ҳозирғи замон учун бу жуда керакли нарса! – дейдилар. Сўфи буларнинг гапига ҳам кўнмасдан: қайтаға бурунгидан ҳам аччиғи ёмонроқ келиб, валдирай берганидан бунинг сўзига тушинолмайдирган бир мутаассиб (фанатик) эканлигин арманилар билиб:

– Яхши бобо сизнинг сўзингиз маъкул, сизнинг сўзингиз маъкул, – деб ялиниб ёлвориб зўрға қутилдилар.

Бу сўфияп(ф)т кишининг оти Холмуҳаммад бўлиб, теги бухоролик ҳозир Оқмасжид (Перовский)да ҳовли-жойи, болачақаси бор экан. Бир ой бўлибдир шул истансага келиб, турли-турли атторлик буюмларин очик ерда ёйиб сотиб ўтирар экан. Бу биз билан жанжални тугатгандан кейин хуржин ҳалталарини кўтариб очик ерга чиқиб кетди. Бир оздан кейин Найман элатидан туяларға саксовул ортған бир неча қозоқлар истансага келиб қолдилар. Самоварчи гаплашиб шуларнинг биттасига мени миндириб юборди. Туя оёғи билан 4 соатларда овулга бориб етдим. Бир кўзида оқи бор ўрта бўйлиққина бир қозоқ ўтовидан чиқиб,

таъзим ила югуриб келиб, 2 кўлини юзиға сурди ҳам ўтовига киргизиб, юқориға кўрпача солиб ўтқизди.

1909 йил 11 март

Қиш бўлаги (фасли)нинг аччиғи буларнинг бошидан ҳалигача кетмагани учун қишлов (қишда турадирған жой)ларидан яйлов (ёзда йилқи кўй ҳам шуларга ўхшаш ҳайвонларни олиб бориб боқадирған ўтлик, сувлик салқин жой)лариға кўчмаған эканлар. Турсун сўфининг бир хотин, икки ўғил, бир қиз ҳам келини бор бўлиб, саксовулларни қалаб яқин теварагида исиниб ўтурур, тепасидаги очик ер туйнукдан тутунини чиқариб юборур эканлар. Тирикчиликка керак бўладирған нарсаларнинг барчаси шул ўтов ичида кўринди. Бир бузоқ ила икки кўйларини ҳам кечкурун ўтовға киргизиб боғладилар. Бу ҳайвонлар кўз олдимизда хўжайинларини бор бўлганича ўтаб турмакда эдилар. Ўртадағи оловнинг устига уч оёқлик темир ўчоқ кўйиб, шунга қозон осиб, палов қилиб ва хамирни тобаға солиб ўтға кўйиб нон пишириб зиёфат қилдилар. Оқшомдан кейин овулнинг қари-қартанглари:

– Овулимизға мулда келди, жариктикти бир зиёнат (зиёрат) қилиб келайик! – деб келишиб, мен билан кўришиб бир соатча сўзлашиб ўтириб қайтиб кетдилар. Яна бир оз ўтирғанимиздан кейин ётдик.

Тонг отди, намоз ўқудик, чой ичдик. Сўнгра овулнинг кеча келиб кўрмаган қарилари, ёшлари ҳам ўқиш ёшидағи болалари тўда-тўда бўлиб келишиб, мени кўра бошладилар. Шуларнинг ораларида бир ёшгина йигитнинг фикри очикқина кўринди, кейин билсам, бу йигит сабоқдошим Муҳаммад Олимнинг оғаси экан. Унинг сўзига қараганда, бу йил қишловда қишни ўтқизибдир, бундан 1-2 кун бурун “кўч”ларини қирға жўнатиб, бугун кетидан ўзи жўнамоқчи экан. 15 минутча мен билан гаплашиб ўтириб, хайрлашиб қирға жўнаб кетди. Шул кун Турсун сўфи ёнидағи бостирмасини мактаб учун тозалаб бериб, кичик ўғли Эришиб (Нажаб)ни шогирд қилиб менга топширди; овулдан яна 3-4 бола бунинг ёниға келиб кўшилди. Ҳозир эски тартиб бўлса ҳам ўқиш бошладим. Ўқитмоқда бўлған нарсаларим: “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб” ҳам “Саботу-л-ожизин” эди.

1909 йил 12 март

Шул овулнинг катталаридан мулда Жусуф Али деган қозок, уй ичи билан “сўзак” (терламаи – тиф, сўзак эмас) касали билан оғриб ётганин эшитиб, Турсун сўфи билан бориб кўрдим, унинг бир онаси бир қизи бир ёшгина хотини ҳам бир синглиси – барчаси 5 киши оғриган экан. Ҳозир бир онаси билан ўзи бир оз соғайиб бош кўтариб ўтирибдир, аҳволини сўраб 5 минутча ўтирғанимиздан кейин қайтиб келишдик. 3-4 кундан кейин овулнинг катта-кичиклари йиғилишиб, менинг ойлиғим тўғрисида кенгаш қилдилар. Овулнинг ўтағасиларидан Бойдавлит деган менга қараб:

– Мулдака тақсирув! Биз бу жерга сиздек бола ўғитувингиз ҳам жалвониянгиздек кенгаси ушун жийилдик. Биздик элдек Наймин (Найман) дейди, кўпимиздек ўғитуғун болаларимиз бор. Жана мина жерда биз дерда жақин “Бушай” детиғун элда бес-алту бола кетириб бермақши бўбтур. Сизға берибла туғун оғиша бола босина шошилади. Булардинг ишинда боййи-да бор, зарлиси-да бор. Ики киси, уш киси сизға улий берамиз, булай берабиз, деб овозини кўпиртириб журуви емим бўмайдиғуй ағшани жўрт бериди! Сўнг ушун сиздан бир сўз олайик деб шағирдик. Сўйласиб кўйув жақсиғўй, буни ўзингизда билсингиз керак! Қаники, энди сиз неша ой турасиз! Ний оласиз? Ўзингиз айтингиз, жўрт ўзингиздинг овозингиздан эшитивий жақси! – деб сўзини битирди.

Мен:

– Аҳмадхон эшон шул элга боринг, бир юз эллик сўм унуми бор, деган учун “сир”да қолдим. Бўлмаса, “қир”га кетар эдим. Сўнгра бу ерда туришимнинг бир неча шартлари бор: шу шартларим тўғри келса тураман:

1) усули жаид тартиби билан болаларни ўқитаман;

2) олти ойдан ортиқ ўқитолмайман, чунки қишда Уфага бориб ўзум ўқийман;

3) китоб, тош тахта, тош қалам учун ҳар бола бир сўмдан берсин, Оқмасжиддан ке(л)тириб бераман.

4) ҳар кимнинг ўтовиға бориб томоқ излаб юришни мен ёмон кўраман, овқатим учун ҳам бир нарса йиғиб беринг, – дедим.

Менинг бу шартларимни улар яхшилаб эшитиб олғанларидан кейин ўзлук-ўзлари орада кенгашиб, 6 ойға 100 сўм бермақчи бўлдилар. Мен бурун кўнмай турсам ҳам ялиниб-ёлвориб кўймағанидан кейин зўрға унадим. Яна бундан бошқа 1 сўм китоб, доскалар, 1 сўм овқат учун бўлиб, ҳар бола бошиға йиғиб бермақ

бўлдилар. Кенгаш тугади, қари-қартанглар дуо қилишдилар, барчамиз ўз жойимизга тарқалишдик.

Энди болалар кўпая бошлади, “Бўшай” деган элдан ҳам 3-4 бола келди. Буларнинг орасида Қоранай бўлиснинг Муҳаммадjon деган боласи ҳам бор эди. Бир ҳафтанинг ичида китоб ҳам доскаларнинг ақчасининг ярим ёртиси йиғилди ва Оқмасжидга бориб, ҳалигиларни олиб келиш керак бўлди. Турсун сўфи отини берди. Отини истансадан қайтариб келишга киши топилмаган учун ўзи яёв (пиеда) олдимга тушди, мен отга миниб олдим. Анчагина йўл юрганимиздан кейин сўфиға, отга минишга таклиф қилган эдим ул:

– Ийй... ҳорикдик мулдаки! Биз жайов юриб ўрганиб кетканбиз, ўзингиз миниб ҳайдай берингиз! – деди. Бечара ихлослик қозоқ, 3-4 соатлик йўлга яёв юриб борди. Истансага ўт арава янгигина келиб тўхтаган экан, отни сўфиға бериб, билат олдим-да, жўнаб кетдим. Оқмасжидга бориб тошкентликнинг уйида ётдим. Эртасиға бозордан “Бадут-таълим”⁷⁴ деган алифбо, “Ислом ибодатлари”, тош тахта, тош қаламлардан бир неча донадан олиб бўлганимдан кейин муаллим Шоаҳмад Валиуллинни бориб кўрдим. Ундан доска тўғрисида кенгаш сўраган эдим; ул афанди ярим тахта тунука олишга кенгаш берди. Чунки ёғочдан катта қора тахта (доска) яратиш учун 4-5 сўм кетар экан; унга етарлик менинг пулим йўқ эди. Бозорға чиқиб 70 тийинга ярим тахта тунука олдим-да, этасиға овулға қайтдим. Турсун сўфининг Эржиб ўғли Сўли тепага от олиб келиб, мени кутиб турган экан, шаҳардан ке(л)тирган нарсаларимни бир туячи қозоқнинг туясиға ортиб, ўзим отға мингашиб овулға бордим. Кечқурун ҳалиги туяда ўқиш нарсалари келди, эртасиға катта-кичик барча ўқувчиларга “Бадут-таълим” бериб, “Чоҳар китоб”, “Саботу-л-ожизин” ҳам мунингдек китоблар ўқиб саводи жўнашғанларға “Ислом ибодатлари” деган татарча масала китобини ҳам кўшиб улаштим-да, янги тартиб билан болаларни ўқита бошладим. Каттараклариға ҳисобдан тўрт амал (йиғиш, олиш, кўпайтириш, бўлиш)ни ўргатмакдаман. Қозоқларнинг ўқимағанлари ҳам инсофлик муллалари, менинг бу тартиб билан ўқутишимдан хурсанд бўлиб:

⁷⁴ Бадут-таълим – луғавий маъноси: Таълимдан кейин. Дарсликдан ташқари кўшимча ўқиш китоби..

– Болаларимиздинг савод, кати шиғиб қолдиғуй! – деб мендан миннатдорлик қилмоқда эдилар. Бироқ элнинг билимсизлигидан аччиғланиб юрган, мени кўралмайдирған (хасадчи) муллалари:

– Бу усули язид мулдаси келиб, биздинг абримизди кетғиздивуй – деб хафа бўлиб, ичларидан қон ўтиб юрар эди.

Қозоқлар қайси чокларда худойи ош қилиб, мени ҳам чақирмасдан қолдирмас эдилар. Шундай чокларда уларнинг қиладирған қизиқ одатлари бор эди. Қўй, эчки ёки бузоқнинг калласини бир ёғоч лаганга солиб, мулда деб сийлаб, тўғри менинг олдимға ке(л)тириб қўяр, мен қозоқларнинг мулда, қари-картангларидан ўрганганим учун калланинг бир қулоғини дарров кесиб олиб, ёнимдағи қозоқларнинг қарилариға узатар, ул ҳам бир еридан шошилиб кесиб олиб, бошқасиға берар, шундай қўлдан қўлға ўтиб, бир каллага 10-15 кишининг оғзи тегар эди. Агар калла, биттасининг қўлида бир минут ортиқроқ туриб қолдими, энди уларни қўя берасиз! Каллани унинг қўлидан олиш учун:

– Жапиримов, ана кисини қараши жуда жомон қорни ошиб қоптиғуй! – деб пичинг қилиб, ул боёқушнинг кўзини сира очирмас, озғина чайнаған терисини ҳам бурнидан чиқарар эдилар. Бу бош кошки тозаланиб пиширилған бўлса, ўзи қоп-қора, чала пиширилған, юнглари кўпи юлинмаған ҳам қирилмаған кўриниб турар эди. Эт қозонға тушиб бир қатла қайнадими, буларча бўлди: “Писта ғўй!” деб лаганча кўтариб олиб, тўғраб кулчатойға аралаштириб ура берар эдилар. Бу хилдағи ўтиришлари (мажлислари) кўп бўлур, жуда миямни ачитар, масалалари кўйидагича бўлур эди:

– Таксирув! Биздинг молди бир кисини ўрлабоб кетси, биз-да унинг молин боратағиб ўрлаб келсик бўлами?

– Жарли бўлсақ, ош қолсақ, жақин оғайниларимиз бой бўб турса-да, ҳеч тенги бермиси, унинг молидан сотиб жеб жуборсақ гуноси жўқми?

– Ўзи рози бўлса, тунда келинишдирги борсақ ний ғилади? – деб ҳам шунингдек мазасиз нарсаларни масъала қилиб сўраб, бемазамни бешта қилар эдилар. Мусулмончиликқа кераклик бўлған нарсалардан ёки газет ҳам журналлардан ўқиб тушиндирмакчи бўлдими? Иложи йўқ дарров олдимдан бир-бир чиқиб кетиб, олдимда битталари ҳам қолмас эдилар. Кўб ўтмади, кўкда кўклам булутлари кўруна, ёмғурлар ёғиб, ер кўкариб ҳам

оғочлар япроқ чиқара бошлади. Ҳайвонларнинг оғзи кўкка тегди, бизнинг “қистов”дағилар ҳам ёвуқроқ ердаги ўтлик, сувлик бир ерга кўчиб, бир кўлнинг теврагига ўтовларини қатор-қатор тикиб олишдилар. Мен ҳам шул кўлнинг ёнидаги бир эски бостирмага шогирдларим билан кўчиб бордим. Ваъда қилинган ақчанинг қолган ярмиси йиғилди, Оқмасжидга бориб, қозон, лаган, коса, капгир, қошиқ, чўмич, чойнак, обдаста, пиёла, чой, қанд, гуруч, эритилган ёғ ҳам бошқа кераклик нарсаларни олдим. Адресни тошкентлик Илҳомжон Мусажоноф дўконига кириб, олти ойлик “Вақт” газети билан “Шўро” журнали ёздириб овулға қайтиб келдим.

Энди анчагина мўлчилик-кенгчилик бўлиб қолди, ўчоқ куриб қозон осиб, ҳар кун бир дапқир палов билан қорнимни сийлай бошладим. Ярим ойда, бир-бир ойда бир дапқир Оқмасжидга бориб-келиб турар эдим. Олия мадрасасида соқолимни қирдириб, сочларимни ўстириб, мурт (мўйлаб)имни қайчилатмасдан юрган бўлсам ҳам “мусулмончиликнинг барчаси, шул хурларнинг орасида” деб юрувчи аҳли исломға ёмон, муллалар тили билан айтганда, қари кўринадирган бўлганидан чочимни олдириб, муртимни қирдирар ва “фаришталар нобуд бўлмасин, уялари бузилмасин ҳам ва вуболариға қолмайин!” деб соқолимни ҳам қўя берар эдим.

Мана ўқувчи шогирдлар Найман ҳам бўшай бўлиб, 30 тача бор эди. Найманлар билан бир овул бўлиб ўтирмоқда бўлган Қайриллаб деган бир бўшой, Эсрикиб деган букур бир боласини икки чақиримча келдиган узоқ бир ердан опичиб олиб келиб, ўқишдан бўшағандан кейин яна опичиб олиб юрар эди. Ўзи ҳам, боласи ҳам ўқишға ихлослик, болам, жарим жон бўб қолган, “ўқувдан бир денги фойдаланиб, сунилим теришилиқ этписи, бу тин оска ярамайди ҳам мендан сўнг қолса қор (хор) бўлади!” деб, боласи учун ачинар эди. Бу қозоқ мани 1-2 дапқир ўтовига чақириб қўноқ ҳам қилган эди.

Жусуфали мулда бола-чақалари билан соғайиб кетди. Қайси чокда ўтовға мени қўноқ қилиб, ёнидаги кўлдан балиқлар тутиб, пишириб бериб турар эди. Бора-бора буни ҳам ўз йўлим янги йўлға сола бошладим; элға чиқиб алдаб юрувчи эшонлар ила, дам солиб тумор ҳам эзиб эчки ёзиб бериб юрган муллаларға бўлган ихлоси анчагина озайиб қолган. Бироқ эронлиқ (пирсийон шиа)ларнинг

мусулмончиликларига бир оз шубҳаси бор эди. Сули тепа истансасидан элга келиб, оралаб юмартқа (товуқ тухуми) олиб юрүвчи бир икки эронийликлар бор эди, қозоқларнинг мулла ҳам эшонлари “булар кофир бўладирлар!” деб тушинтирған эканлар. Мен бир кун ҳадислардан ўқиб бериб, шиа мазҳабидаги кишилар ҳам мусулмон эканликларига далил кўрсатган эди. Жусуфали мулда:

– Тақсирув! Улар жамоатмин намоз ўқимайди ҳам жаланғаш оёғига мас тортар эканғуй! – деб мен билан баҳслашди. мен жамоат билан намоз ўқиш, шариатда суннат, суннатни ташлаған билан кофир бўлмайди. Оёғларига маҳс тортиш бўлса, улар Қуръон оятидан далил кетирадирлар. Ул катта уламоларнинг олдида ечиладирған масала, бунинг ила ҳам кофир бўлмасдир! – деб, шиаларнинг кофир эмасликларига унатдим.

Бу Жусуфали мулдаға ҳадис ва масалалардан кўб ўқиб бериб юрүр, ул менда “Маслаку-л-муттақин” ўқур эди. Бунинг амакисининг ўғли Исмоил деган йигитга, Аҳмад Ҳоди Мақсудийнинг “Ибодати исломия” деган китобини ўқитур эдим. Ёлғиз Жонузоқ деган бир саводхон мулла менга бир оз тескари эди. Чунки ҳар йил бу овул болаларини шул мулла ўқитиб кўб фойдаланиб юрмакда экан. Бу йил мен келиб қолиб, унинг бозорини туширибдирман. Шуниси қизиқки, ўқутмоқ учун ўзи ҳам боласини менга кетириб топширған эди.

Бир кун шул Жонизоқ мулда, дини таассуби кўзғалиб менинг олдимға келиб:

– Мулдав! Сенинг ўқутатурғун китобингда рей устина уш нуқта, жим устина уш нуқта, беш остина уш нуқта, бир кофдинг устина бир сезиқ жана бир кофдин устина уш нуқта, бир вовдинг устина уш нуқта кўйилған. Уларинг ни? Биздинг мусирман китобларида жўқғуй, ўрис орфейяйми? – деб қаттиқ зарда билан сўради.

Мен:

– Йўқ, улар ўрис ҳарфи эмас! Уч нуқталиқ “ро” бўлса, уни “зойи форсий” дейиладир, мисоли аждар, жала, мужган; уч нуқталиқ “жим” бўлса, “жими форсий” дейиладир; мисли уч, куч, чой; уч нуқталиқ “бо” бўлса “бойи форсий” дейиладир; мисли “паст, пар, пул”; бир кофнинг устида бир чизиқ бўлса “кофи форсий” дейиладир; агар, гулзор, гумон, гўшт; агар уч нуқта бўлса, “кофи тафсир – кичкина коф” дейиладир; мисоли боринг, келинг, кўринг

ва уч нукталиқ “вов” бўлса, ўрисларнинг “в” ҳарфини мусулмон ҳарфи билан ёзганда “в” ёзиладир; мисоли Перовский, Иван деб, ҳар бир ҳарфга мисоллар ке(л)тириб зўрға тушинтирдим, бўлмаса жанжални жуда катта қиладирған бўлиб келган эди.

Ёмғур кўб ёғиб бостирмадан чаккалар ўтиб кетди. Ўқувчиларға кум солдириб, томни тептириб турсам ҳам турчук-турчук! дейишини кўб чокқача қўймай юрди. Менинг икки ёнимда ҳам кўл бор, ўтирған бостирмам юқориликда бўлғанидан кўл тошса, менга зиёни тегмайдир. Кўлда сув кўп, бақалар ирғиб-ирғиб ўйнайдир, сузиб юрган ғоз ҳам ўрдақларни кўрсангиз танг-ажойиб қоласиз. Йилнинг бу – кўклам бўлаги қандай чиройлик, қандай кўримлик? Ўқитишдан бўшаб, кеч кузида олдимдағи катта кумтепанинг устига чиқиб теварагимга қараганимда ерга кўм-кўк палослар ёйилгандек турлук ўтлар кўкариб туриши; димоғимга келган хуш ислар; тиниқ сувлар, кўм-кўк, кўм-кўк оғочлар, ўтлашиб, ўйноқлашиб юрган ҳайвонларнинг кўринишлари; кўнглимда бўлған неча йилги хафалиқлар, бутун маъюслиқларни зиғирдек ҳам қилдирмасдан олиб кетар эди.

Яхшилар озайғандан кейин Жусуфали мулда, кўлнинг нариги ёғиға кўчиб ўтиб, ёниға яна бир ўтов тиқиб, мени ҳам кўчириб олиб борди. Узок ерлардан ёғоч ҳам шохлар ташиб, мактаб учун чайла қилдирдим. Энди ўқувчилар шул чайлада йиғилиб ўқий бошладилар. Кундан-кунга ҳаволар исиб ҳам чибинлар кўпайиб борғани учун кечаси ичига кириб ётишға бир пашшахона қилиб олдим. Қозоқлар чивинни “маса” пашшахонани “масахона” дер эканлар.

Бошқа эл ва бошқа овулларда тўй ёки худойи бўлса, бизнинг овул ҳам чақирилур, мулда деб сийлаб мени ҳам олиб борур эдилар. Гуруч ошини буларнинг бойроғи ва ўзига тўкроғи қилмаса, ҳар бирининг кучи етмас, тўй ҳам худойиларида кўпинча сўнг ила эт (гўшт)ни сувға солиб пишириб, бўтқа қилиб ёғоч тобоқда меҳмонларға тортар сўнгра кечкача кўбқари (улоқ) берилиб оқсоқол чоллари ва ёш болалари томоша қилишар эдилар. Буларнинг энг қизиқиб томоша қиладирған нарсалари шул – кўбқари бўлур эди. Қўлида бир оти бор қозоқ, қаерда кўбқари бўлса қолмас, кўпинча, шул кўбқарига атаб яхши отлар боқар эдилар. Бундан бошқа биров касал бўлиб кўброқ ётиб қолса, “бадинг” қилур эдилар, намозшомдан кейин қиз, келинчак, ёш

хотинлар, йигитчалар йиғилиб бориб, касал бўлган кишини ўртага олиб, ўзлари уларнинг теврагида ўтириб ўлан айтишар, бу ўланлари ярим кечагача тортилар эдилар. Шулар йиғилиб келиб, ўлан айтишни бадинг дер, бир-бирисига етиша олмасдан юрган қизлар, йигитлар шулар бадинг баҳонаси билан бир-бирларининг сўз ҳам жамолларидан фойдаланур эдилар.

Бўшай элининг орасида “Сарий мулда” ва “Исоқ мулда” деган 2 та катта мулла борлигин, иккови ҳам Бухорода ўқуғанлигин қозоқлардан бир неча даққир ешитдим. Сарий мулда қирға чиқиб кетиб, Исоқ мулда қирда қолған экан. Исоқ мулладан Сарий мулданинг муллалиги ўткур эмиш; қозоқлар – Жапиримов тақсирув! Сарий мулда “қасос уланния”ни жондан сўғади. Жана нени сўрасанг, тўхтовсиз китобға қарамасдан жотдин айтиб берибди. Ўзи Таскетди дерис айтган эканғуй! Мислиға тўпта тўқтов жўқ ғуй деб, Сарий мулдани кўб мақташиб юрар эдилар. Исоқ мулдани 1-2 даққир кўрган бўлмас ҳам китоб ўқишиб синашканим йўқ эди.

Булар бировни-биров билан жанжаллаштириш ва уриштиришқа бизнинг шаҳар ўзбекларидек катта иғвогар бўлмасалар ҳам мулда отини кўтариб юрғувчи аҳли саллани, бир-бирлари билан масала талаштириб жанжаллаштириб, томоша қилишға жуда ҳаваслик ва ишқибоз эканлар, шулар чоқда Исоқ мулданинг гапини манга ва манинг гапимни Исоқ мулдаға бориб айтиб, икки орада жанжал чиқармоқчи, икки мулдани бир қасосғина уриштириб томоша кўрмоқчи бўлиб юрмақдадилар.

Эрон шоири ҳам файласуфларидан Шайх Саъдий бу тўғрида кўйидағи шеърни ёзмиш:

*Миёни зукас жанг чун оташаст,
Сухан чини бадбахт хизм кашаст.
Кунад эню он хуш дигар бародил.
Ваб андар мин кўрбахигу хинсил.
Миёни дукаш оташ афрухдан
Нақиласит худдор миён сўхтан.*

Ўзбекчаси:

Уруш икки кишининг ўртасида бир бозор ўтдак,
Чақимчи бир ўтинчидек, иши ўтни пасайтирмак.

Кўп ўтмасдан иков бир кун қалин ўртоқ бўлиб кеткан,
Ул иғвогар бошига тез уятнинг офати еткан.
Иккитадам орасида оловларни туташтирмак,
Ақллилар иш эмас, орада ўзни куйдирмак.

Мутаржимим: ёзғувчи.

Найман бўшой бўлиб, бобойи деҳқон ҳазрати одамларнинг руҳи учун худойи қиладирған бўлди. Бу – худойи бизнинг овулда бўладирған бўлиб, 80-90 сўмга бир катта хўкуз олиб сўйдилар. Икки элдан одамлар келиб, 2-3 ўтов тўлди. Бўлса истаршина, Исоқ мулда ҳам элнинг бошқа катта мулдалари бир отовга йиғилдилар; буларнинг ичида мен ҳам бор эдим. Исоқ мулда бир ҳалта тошни шу ерда ўтирған 3-4 мулдага бериб, хатми хожа қилиб, бобойи деҳқоннинг руҳига бағишлаб юборди. Сўнгра ҳалиги мулда “Саловоти маъсудий” деган бир форсий масала китоб ке(л)тирған экан, “эт пишғуншасиз дерги ўқиб бериб турайнши!” деб ҳалиги китобни очиб, бир бошдан тушиб ўқий бошлади. Бу китобнинг бош ёғига арабча сўзлар кўбрак ёзилғаниди, хатмкарда “мулдакамиз”, 1-2 иборатни янглиш ўқиған эди, мен айтиб бердим. Ўтирған қозок катталари:

– Сундай улкан мулдамиз, ўси кишкина сарт мулдадан женилиб қолдиғуй! – деб уялтирмасин, дедими? Менинг тузатиб айтганимга кўнмасдан ўзининг айтганича ўқиб кета берди. “Аддуру сунна хуййа” деган нахв китобимни⁷⁵ қўлтиқлаб борган эдим; уни дарров очиб, излаб топиб қоидасини кўрсатдим; ул уялиб қип-қизил бўлиб кетди. Ўтовда ўтирған қозоклар бир-бирларини туртишиб:

– Бу сарт мулда, жас бўлса-да товур эканғуй! – дегандек қилиб мени етпишди; дастурхон ёзилиб, 4 кишига бир лагандан, 5 кишига бир лагандан тортилди. Еб бўлиб, фотиҳа ўқилиб, кишилар ўз жойлариға тарқалиб бошладилар. Худойи қилинган хўкузнинг териси, биз мулдаларга тегиб сотдик-да, билимимизга қараб 1 сўмдан, ярим сўмдан пулини бўлиб олдик. Исоқ мулда энди менинг билан ошна бўлиб қолди, ўтоғимға элиб, 1-2 чойнак чой дамлаб бердим.

Қоранай бўлиснинг кўнған ери бизга ёвиқ бўлиб, унинг биялари кўб, Жусуфали мулда билан бирга 2 ҳафтада, 3 ҳафтада унинг

⁷⁵

ўтовига бориб, қимиз ичиб келиб турамыз. Қирғоғида ўтурган кўлимизга тўғон қилиниб, икки бўлинган эди, бир кун чайла ичида болаларни ўқитиб ўтирсам, кўлнинг қуйи томонида ўтирганлар орасида қийғос шовқун-сурон бўлиб қолди. Болалар билан чайладан югуриб чиқишиб қарасоқ, куруқ ерларга кўлнинг суви ёйилиб ўтовларга киришга ёвуқлашиб қолибдир. Йигитлар отларини яйдоғ миниб олиб, шошила-шошила уй нарсаларини юқорилик ерларга, кум тепаларга ташиб турмакда, эркаклар, хотин-қиз ҳам ёш болалар қайсиси қозон кўтариб, қайсиси самовар кўтариб, қайсиси уч оёқлик темир ўчоқ кўтариб югуришмакда, қайсилари ошиқчилик билан ўтовларини бузмакда эдилар. 5 минутнинг орасида уяси бузилган аридек бўлиб қолишибдир. Чайлага кириб:

– Бориб ака, иниларингизга кўмаклашинг! – деб болаларни ҳам югуртирдим, нариги кўлга сув кўб келиб, тўғонни уриб кетгани учун биз қирғоғида ўтирган кўл тошиб, овулни сув босқон экан. Қозоқларнинг бир неча азамат йигитлари кетмон кўтаришиб, тўғон бошига югурсалар ҳам сувни эплаб бойлай олмадилар. Менинг ўтовим билан Жусуфали мулданинг ўтови теварак ерда бўлганидан сув чиқмай қолди. Энди ўтовини сув босқон овул кишилари кўчларини кўлдан қайиқ билан нариги томонга ўтқизиб, бошқа яйловга кўча бошладилар. 2-3 ўтов ёлғиз туролмаслиғимизни билиб биз ҳам кўчдик. Қайиқ 1 дона бўлганидан икки кунда зўрға кўчиб бўлиб, янги борган еримизга ўтовларимизни ҳам мактаб чайласини тикиб олдиқ. Бу янги борган еримиз текис ҳам хуш ҳавоғина ер бўлиб, кўрган кишининг завқи келар, улкан кўли йўқ бўлса ҳам катта рақ бир ариқда сув оқар эди.

Энди ҳаволар жуда қаттиқ исиб кетди; кундузи иссиғдан юриб бўлмас, кечаси чибиндан ётиб бўлмас эди. Сувсаб “сувсин” (чўллағанини босадирган суюқ ошнинг суви ёки айрон) ича-ича ўлиб бўлур эдинг. Буғдой ўриб ҳам экин ишларини қилиб юрган кишиларни кўриб, жуда эсиргар (рахм қилувчи) эдим. Деҳқон шўринг қурғурлар қандай қилсун? Ишламаса, тирикчилик ўтқизолмас эди! Ўзим ўтовда ҳар чоқ кўланкада ўтирсам ҳам иссиққа чидолмасдан ҳар кун сувга тушар эдим. Янги буғдойнинг нониға элнинг оғзи тегиб, қозоқ хотинлари қозонға нон ёпиб чақириб, олдини менга сариғ мой билан едириб, Қуръон ўқитдира бошладилар. Оренбурғда чиқадирган “Вақт” газети билан “Шўро”

журналини ўқиб турмоқдаман, шул чоқда Яман араблари билан Туркия турклари орасида катта уруш бор экан.

Қозоқ урғочи (хотин-қиз)ларининг ичида гилам тўқиш хунари яхшигина ривожда бўлиб, қизил, кўк, сариғ бўёвлар билан туя юнгини бўяб тўқишмоқда эдилар. Ўтовлардағи 4 қиз бирга, 5 қиз бирга ўтириб, ўлан айта-айта гилам тўқиғанларини кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолар эди. Қайси чоқда қизларнинг гилам тўқишларини кўриш баҳонаси билан бориб, уларнинг ўланларини эшитиб ҳам ҳусн-жамолларини томоша қилиб келар эдим, булар жуда чиройлик, довушлари қўнғироқдек бўлур эди. Уйга меҳмон келганда ҳам шул қизлар хизмат қилар эдилар, уларнинг қилған хизматлари яхши кийимларни кийиб ясаниб, бошлариға чақмоғи бўркни кийиб олиб, меҳмонларға самовардан чой қуйиб ёки қимиз қуйиб бериб ўтириш бўлур эди. Тун бўлиб ётар чоқда эркак, урғочи (хотин-қиз) аралаш қатор ўрин солиниб, ёта бериш бир миная (одат) бўлиб қолған эди. Бу томон қозоқларнинг қўноқ сийлашлари, қўноқ кутишлари шул даражада учига чиққан эди!

Куз ёвуқлашди, қуёш кишиларни бурунгидек қийнамас, иссиғи анчагина озайиб қолған эди. Барчанинг оғзида:

– Эл қулайди, эл қулайди, эл қувлади – эл қувлади, эл у ерга қулиди, - эл бу ерга қулиди – деган дув... дуввв гап юра бошлади. Бунинг маъниси менга кейин билинди: йилқи, қўй ҳам туялари кўб қозоқлар ўти, суви кўб, ёз чилласи (июн, июл, август ойи)да ҳам салқин бўлиб турадирған ерларга эрта кўкламда кўчиб кетиб, кўзга ёвуқ сирға қайтиб келур эканлар. Сирда турувчилар 7 кишилаб, 8 кишилаб, 10-11 кишилаб, қирдан келаётган қозоқларнинг келиб қўнған ерлариға, ўлганлариға Қуръон ўқиш ҳам аҳвол сўраш баҳонаси билан бориб, қўзи-қўйлар сўйдириб еб ва қимизлариға тўйиб кела бошладилар. Мен ҳам овулдошларим найманлар ила бирга ҳар кун 2-3 ерга бориб, эт билан қимизларға тўйиб келиб юрдим.

Бир кун биздан 16 чақирим (2 тош)ча узокда 80 ёшларға борған бир бой қозоқ вафот топиб, бизнинг эл ҳам жанозаға чақирилған эди, найман бўшой бўлиб, 15-16 киши ҳар биримиз ҳам бир от миниб йўлга тушдик. Йўлда бир катта сувға йўлиқиб, отларнинг эгар, тўқимларини, қайиққа солиб, ўзимиз ҳам қайиқ билан сувнинг нариги ёғиға ўтдик. Барча отни бир киши сувдан суздириб ўтқизиб берди. Туш чоғи (соат 12 ларда) ўлган бойнинг уйига

етдик, бунинг ўтови “Сирдарё”нинг қирғоғида (лабида) экан. Чақирилган кишиларнинг барчаси ҳали келиб бўлмаган экан. “Чор китоб”, “Саботу-л-ожизин”га⁷⁶ ўхшаган эски мактаб китоблари билан ҳикоя китобларини зўрға туртиниб ўқуйдирган саводхонларга ҳам, қозоқлар “мулда” деб от қўюр эканлар. Йироқ эллардан ҳам оти мулдаликқа жикқан бўлса қолмаган, бошига чочиқ ҳам белбоғларни чулғаб бўлса ҳам, бу бой қозоқларнинг “фидяси”(тилими)ни олиш учун келган эди. Кела-кела бир юз эллик киши йиғилди. Мулдалар барчадан юқорига чиқиб, қўл қовуштириб, тиззаларига қараб ўтирмоқда эдилар. Шул чокда қозоқларнинг оғзи катта, муштумзўр бир иғвогари, мулдаларнинг тўғрисиға келиб ўтириб, биттасига қараб:

– “Сундитидинг ўғимаса-да, кофир бўлмайди” дейтурған уси мулдами? – деб мани кўрсатиб сўрған эди. Ул:

– Ия уси, – деб жавоб берди. Сўнгра Исхоқ мулдаға қараб:

– Таксирув! Сўлайми? Сундит ўғимаса-да, кофир бўлмайми? – деб масала сўради. Исхоқ мулда:

– Жўқ кофир бўлади, жўқ кофир бўлади! – деб китобда айтилған, барча муллалар шунга амал қилиб юрган суннатинг аҳкоми (буйруғлари)ға тескарилик қилди. Мен Исхоқ мулданинг ўзининг билған китобидан мисол кўрсатмакчи бўлиб:

– Фикҳ майдонида фарз, вожиб, суннат, мустахаб, мубох, харом, макруҳлар айтилиб, ҳар бирининг аҳкомлари ҳам баён қилинғандир. Шунда суннатнинг ҳукмини нима деган? “Суннатнинг ҳукми: қилса савоб топиб, қилмаса гуноҳлик бўлади, суннатни суннат эмас, деб мункир бўлған киши кофир бўлмайди!” деган эмасми? – деган эдим. Ул:

– Деганғуй! – кофир бўладиғуй, босқа китобларда кофир бўлади дейдирған сўзини қўябермаганидан, жуда тескарисиға олиб кетғанин билиб, ноилож ҳалиги иғвогарға қарамадим.

– Мен, воқеани бошидан гапириб берайин. Мен суннатни кўйингиз, ўқимангиз, – деб ҳеч бир кишиға айтганим йўқ. Баъзи кишилар пирсиён кофирми, пусирмонми, деб мендан сўрағанларида мен: “йўқ кофир эмас, мусулмон!” деб жавоб берган эдим. Улар “Сундитди ўғимас эканғуй!” деб яна сўрадилар. Мен: “Суннатни ўқимаған билан ҳеч ким кофир бўлмайди!” дедим. Мана ўшул кишилар, гапимнинг тескарисиға тушиниб: “Сарт мулда,

⁷⁶ “Чор китоб”, “Саботу-л-ожизин”

сундит ўғимаса-да кофир бўлмайди” деди, деб оламга ёйиб юрган бўлсалар керак! – дедим.

Сўзим битар-битмас, қарироқ қозоқ мулда Исоқ мулданинг олдиға келиб ўтирди. Унинг кўлида гавдаси каттагина бир китоб бор эди. Бу Исоқ мулданинг “Мухтасар” ўқиб, юрувчи бир шогирди экан. Ул менга қараб ўдрайиб:

– Сен не дейсин? Уси китоб-да, шиа дединг кофир деганхуй! Уриб овози, бурингидай дабдалахиб жуборайинми?! – деб менга ўқталди.

Исоқ мулда:

– Қўй, қўй! Китобинди ош ўқи! – деди. Қора мулда китобни очиб:

– Яқиндирки менинг умматларим етмиш икки бўлакка бўлинулар. Буларнинг ёлғиз нажия бўлагидан бошқаси тамухға кирулар! – деган мазмунда тўқима бир ҳадис ўқий бошлади. Ибратларнинг кўпини янглиш ўқиғани учун мен айтиб бериб турдим. Исоқ мулда маънисини билар-билмас айтиб:

– Меникай дўзахга кира турхун житпус икки фурқадинг бириси пирисэн эканғуй! Бўған не дейсин, деб манга қаттиқ жеркиди. Мен ундан-бундан йиғиб олган сохта нарсаларингизни бир тийинга ҳам олмайман! – дедим. Пирсиёнларнинг қоқирлигига оят ёки саҳий ҳадислардан далил кўрсатмасанг унамайман! – дедим. Шундай шовқун-сурон бўлиб, жанжал қизиған чоқда Исоқ мулдани “довраға чақирдилар. Ул кетгандан кейин Аҳмад полвон гавдали Успон алфа (Усмон халифа) деган бир саводсизнинг оғзи очилди:

– Мулдав! Сен болаларни ўқитуди бил! Бутун сўздирди орихи солиб, сарсал шиҳариб, сахан не кераги бор? Қудай деб тин шихини болаларинади ўқитиб жет! Вохин битғин сўнг журтдан охшангди жийиб олиб, эсижди эклим кетсинши! Бу қозоқ алқи жомон бўлади; були сўздирди шиҳара берсинг, сени омон кўймай дехуй! – деб манга ўзин бир ўгит берди.

Мен:

– Бой ака! Бизнинг мулла дейдилар. Бизнинг боис, насиҳат бериб билимсиз халқни ёлға солишимиз керак бўладир. Биров ўлдириш учун бошимизға қилич кўтариб келганда ҳам ҳақ ва тўғри деб билган гапимизни гапиришимиз керак. Бурунги ўтган аёл бошлиқлари ҳам шундай бўлганлар – ҳақлик йўлида жон

берганлар. Биз уларнинг ворислари бўлсак, ҳар вақт изларидан юришимиз керак! – деб сўзимни битирдим. Шундан кейин гап тугади, жанжал босилди.

Давра ўтди. Биз 12-13 мулдага кичикрак туя бердилар. Уни сотиб бўлиб олмоқчи бўлиб турганимизда бояги иғвочи қозок келиб:

– Тақсир деров! Еми қудабий қилганда, мулда қудорий қилмасин дегин сўз китобда борми? Уси шеърди, бир мишитимиз бузилиб жортир; усини бу йил журтдин оғша шийиб тузатиб олайиқ. Сиздир бастаб усини тўйини берингиз дер! Мағулми? – деди. Чорасизликдан қайсимиз розилик ва қайсимиз норозилик билан маъкул қилдик. Борган мулдалар (ўзим ҳам шуларнинг ичида) жаноза ўқиб савоб топиш учун эмас, шундай “тилим” (фидя)дан қуруқ қолмаслик – бир неча сўмдан пул топиш учун борган эди, барчалари шалайим бўлиб лаблари бир қарич осилиб қола бердилар. Жанозадан кейин жўнаб, йўлда бир ўтовда тушланиб олиб, кечқурун овулға қайтиб келишдик. Бир оз кун ўтгандан кейин қистовға ёвуқ бир кўлнинг қирғоғиға кўчиб келиб қўндик. Сентабр ойи кириб, кун анчагина совутган. Рамазон ойи келиб, одамларни кундузги томоқдан тўхтатган эди. Шул кезде Оқмасжидға бориб Оренбургда чиқадирган “Шўро” (“Кенгаш”) журналиға узун бир мусаддас шеър ёзиб юбордим. Энди Жусуфали мулда билан кенгашиб, ўқитиш ҳақим учун бола бошига 3 сўм, бир неча тийиндан чочдик. Қайси қозоклар “усир” ҳам “фитри рўза”ларини бера бошладилар. Унда ҳам ўзимнинг шаҳардош бойлар 10 сўмча закот йиғиб бердилар. Қозоклар орасида чатоқлик қилиб, бола бошиға тушган пулдан озайтириб берганлар ҳам бор. Фитри рўзасини кўшиб, кўпайтириб берганлар ҳам бор эди. Мана шундай қилиб, 130 (бир юз ўттиз) сўмча қўлға киргизиб, рамазон ийди (хайит намози)ни имом...

Базозлик моллари бўлиб, кундузи магазинда, кечаси Бадри Назируф нўмири (мусофирхонаси)да ётар экан. Абдуллоҳ Исоқхўжа деган 2 тошкентлик ҳам бир қозонлик пиригашчиги бор эди. Сайдуллоҳ хўжанинг ўзи “шаркас” пормасида кийиниб, соқолларини қирдириб юрар” ўрисча ўқиш ва ёзишни яхшигина билар экан. Бунинг нашрига ҳам зериккан чоқларимда 1-2 марта бориб, гаплашиб ўтириб келган эдим. Бу йил ҳам бурингидек икки ҳафтада бир дапқир йиғилишиб гаплашадирган кечамиз бор бўлиб

бунга “дарси умумий кечаси” деб от қўйилган эди. Биров гап гапирганда бурунгидек оғзимни очиб, ағрайиб қараб турмас, менинг ҳам зехним, фикрим очилиб онгли бўлиб қолганга ўхшар эдим. Бултур ўқувчиларнинг қайси қилиқлари ҳам кийим кийишлари менга бир қарих кўриниб, ёқмасдан юрган эди. Бу йил ўзим булардан ўтқиздим.

Ўқиш тугаш (таътил)дан бир оз бурун ақчам битди. Мирсаид ўртоғимга жўнаш тўғрисида кенгаш қилғам эдим:

– Йўқ, ҳозир кетма! Томоғингни мен бериб турайин, имтиҳонни ўтқизим бирга кетармиз! – деб мени кетишдан қайтарди. Кундан-кунга (кун) қиздира бошлаб менга қалин чопон оғирлик қилганидан енгилрақ деб бир нўғайча камзул билан бир нўғайча чопон тиктириб берди. Энди Оқ Идил дарёсининг музлари эриб, кўзғалиб кетди ҳам пароходлар юра бошлади.

Апрел (савр) оyi кирди, бир қиш ичи ўқиған сабоқларимизни 15 кун такрор қилиб имтиҳон бермакчи бўлдик. Мирсаид билан жўнаш тўғрисида кенгаш қилған эдим, бу ўз сабоқдошимиз Алоуддин Худаёруф, Раҳимжон ҳам Ҳусниддин афандиларни Туркистонга бирга олиб кетиб, уларга ўқитувчилик (муаллимлик) ер топиб беришни бўйниға олди. 1) Алоуддин афанди⁴⁾, иккинчи таҳририя ўқувчиси, бу жуда зийрак ҳам ўткур зехнлик; 2) Раҳимжон афанди бурундан Туркистонга келиб, муаллимлик қилиб юрган шогирд, биринчи олия синфида ўқийдир; 3) ҳусниддин афанди, учинчи олия синфининг шогирди эди.

Барча ўқувчилар:

– Имтиҳон бера оламизми, бера олмаймизми, деб юраклари кўрқинчда бўлиб, кеча-кундуз тинмасдан сабоқ тайёрламоқда эдилар. Имтиҳон прўғрами ёзилиб, ўқувчилар кўрадирган бир ерга ёпиштирилган ва бунга қарағанда имтиҳон 7-8 кун чўзиладирган эди. Мана пайти бўлиб, имтиҳон бошланди, ҳар синф 2-3 бўлиниб, имтиҳон бериб турмоқдамиз. Юқори синфларда ўқувчиларнинг имтиҳон куни татарларнинг муфтийси (шайхулисломи) Муҳаммадиёр хожи Муҳаммад Шариф ўғли Султонов ҳам ёнида турадирған қозилари ила бирга келиб, имтиҳонни кўриб кетди. Истаган кишилар, ташқаридан 4 та бир, 5 та бир бўлиб кириб, имтиҳонни томоша қилмоқдадирлар. Имтиҳонға келувчиларға ош билан чопон у ёқда турсин, бир бурда нон билан бир пиёла чой ҳам

⁴⁾ Ўзгаришдан сўнг “илми коммунизм” деган китобни ёзган киши.

йўқдир. Келганлар “бизнинг олдимизга дастурхон ҳам ёзмадилар!” деб хафа бўлмас, тинчгина киришар ва тинчгина чиқишар эдилар. Мана мен ҳам имтиҳон бериб, шаҳодатномамни кўлга олдим. Энди Тошкентга тезрақ жўнаш хаёлига тушиб қолдим. Мирсаид ҳам шаҳодатномасини олиб бўлиб, менинг даражаларимдан уники ортиқчоқ бўлиб, кўпи 5 даражали эди. Алоуддин афанди:

– Сиз икки кундан сўнг мундин жўнайсиз!

Мен Мирсаид афанди ила овулга қайтиб, ота ҳам оналаримдан рухсат сўриб:

– Алар боруғумга рухсат бера қолсалар, иккимиз стансага чиқиб, сизни кутиб турабиз, ҳам сиз борғач, билет олиб бирга кетамиз! – деб Мирсаид афанди ўз қишлоғига кетди. Унинг қишлоғи Уфадан икки истанса бирча олиб бери экан. Мен Раҳимжон афанди билан бирга қолдим. Хуснидин афанди ҳам бизни йўлда кўмак бўлиб, Оренбурғга юриб кетди.

Сўз берган кунимиз Раҳимжон афанди билан ўт аравага тушиб жўнадик. Айтган истансаларида Алоуддин билан Мирсаид кутиб турган эканлар. Бизни поездда кўришлари билан дарров билет олиб чиқдилар. Энди “улфати чор, анда маза бор” дегандай 4 киши бўлиб олдик.

1910 йил 24 апрел

63

Кела-кела Кенил истансасига етиб, Тошкент йўлидаги ўт аравага тушдик. Бунда фарғоналик ҳам қашқарлик аралаш Маккадан ёзиқсиз (мусулмонлар ўйлаганича) бўлиб қайтувчи хожилар ҳам бор бўлиб, буларнинг ҳожибошиси тошкентлик ўзбек эди. Улар билан сўзлашган эдик. Ул:

– Ўрисча билганим учун бориб келишимнинг чиқимлари ушбу хожиларнинг бўйнига бўлди. Бунинг устига 100 сўмдан ортиқроқ ақча ордирдим, – деб мактанди. Юра-юра Оренбур истансасига етдик. Бунда Хуснидин афанди ҳам бизга кўшилди. Бунинг бизга кўшилгани яхши бўлди. Бўлмаса, бизга жуда қийин бўлур эди. Чунки Мирсаиднинг ақчаси шу ерга келиб тугалган ҳам биз оч қоладирган бўлган эдик. Бу афанди Уфадан жўнаган чоғида:

– Сизга Оренбурғга борғач, 10 сўмдан ортиқроқ қарзга ақча берурман – деб Мирсаидга сўз бериб кетган ҳам биз шунга ишониб йўлга тушган эдик. Мирсаид афандининг ёлғиз ўзиники – ўзига

етарлик ақчаси бор бўлиб, ўзиғина Туркистонга ул ақча билан ета олур эди. Бироқ унинг бошига биз 4 киши бош оғриғи (дардисар) бўлиб, Туркистонга келгунча йўл кирамиз, тамоғимиз шунинг учун ортилган, шунинг учун ақчага мухтож бўлиб қолган эди.

Бояғи ўрисча билувчи хожи бошидан норози хожилар кўб экан; Фарғаналиқ бир тийин, унинг оғиз бурунлариға сўкиб, уришиб ҳам олди. Хусниддин афанди хожиларнинг йўлда қилган ярамаслиқларини рўмон қилиб ёза бошлади. Унинг 2-3 бетини бизга ўқиб кўрсаткан эди. Жуда қизиқ экан, мен Уфага кетишимда қолдириб кетган китобларимни олиб келмак бўлиб, йўлда Оқмасжид (Пировский) истансасида тушиб қолиб, 1-2 кундан кейин йўлдошларимнинг кинидан Туркистонга келиб, мулла Насриддин акам турған Ўнарбойнинг (кўра)сиға туштим. Бу ердаги шаҳардошларим нўғайча кийимлар ҳам соқолларимнинг қирқилганини кўриб, оғзилари очилиб қолди.

1910 йил 28 апрел

64

Эртасига мулла Насриддин акамнинг дўкониға чиқиб гаплашиб ўтирдим. Бу ерга келишимдан 6-7 кун бурун қирда бирга туришган шаҳардошларимдан 13 сўмча ақча йиғиб, менинг отимға почтаға солган экан. Шунини қайтариб олиб бермак бўлди. Шул кун бунинг ихлос қўйган домласи Турсун Махаммад Аълам мадрасаларидан чиқиб қолдилар, дарров ирғиб туриб кўришдим. Ул киши мани бир оз таний олмасдан турлилар-да, кейин таниб қолиб:

– Ийй! Жуда нўғай бўлиб қолибсиз-ку! – дедилар. Яхшики “Ўрис бўлиб қолибсиз-ку!” демадилар.

Бир кун кўрада янгилик, эскилик тўғрисида сўз уланиб кетиб, мазкур Аълам домласига тил тегизиб қўйдим. Бунга мулла Насриддин акамнинг жуда аччиғи чиқиб:

– Домлаға ундай тил тегизманг, ёмон хафа бўламан, қўйинг! – деб мани жеркиб ташлади. Шундай бўлса ҳам мен қизиқиб кетиб, ортиқчароқ сўзлаб юбордим. Шунинг учун мендан қаттиқ хафа бўлиб кўнгли қолди. Энди мен билан гаплашкиси сира келмайдир.

Туркистонда 2-3 кунни ўтказиб, Иқонға Мирсаид афандининг уйиға бордим. Раҳимжон афанди бир қозоқ овулиға ўқитувчи бўлиб кетибдир. Алоиддин Худоёруф афандига Мирсаид афанди ўз ховлисида мактаб очиб, 10-15 бола йиғиб берар эмиш. Хусниддин

афандига “Туркистон” (хазрат султон)дан бир ўрин топиб бермакчи бўлди. Бундаги Аҳмаджон тоғамни унинг болачақаларин ҳам бобомни бориб кўрдим. Шаҳримга кетишим учун ақчам йўқ бўлганидан мулла Насриддин акам почтадан қайтариб олмоқчи бўлган ақчасини Мирсаид афандига айтган эдим. Ул капитансасини мулла Насриддин акамдан ола олса манга 10 сўм бермак бўлиб суюнтириб қўйди. Иқонда 4-5 кунни ўтқазиб, мен Мирсаид ҳам Хусниддин афандилар ила бирга бир аравага тушиб Туркистонга қайтиб келдик. Унда бир кеча кўниб, эртасига Мирсаид афанди боя айтилган (капитанса)ни мулла Насриддин акамдан олиб, менга 10 сўм берди. Бунинг учун жуда суюниб-кувониб кетдим. Чунки 2 йилдан бери кўра олмаган суюкли юртимга келиш учун йўл кираси топилди.

Туркистондаги билиш-танишларим ила соғ бўлилашиб истансага чиқиб, учинчи синф (почтавой) ўт аравага тушиб жўнадим. Тошкент шаҳрига бир истанса қолганда кўнглим жуда очилиб кетди. Ўтирған уй эшигимнинг олдиға чиқиб, томоша қилиб кела бошладим; япроқлари билан таналарини яширған кўм-кўк, кўм-кўк оғочлар (дарахтлар):

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз! Мана энди икки йилдан бери кўра олмаган юртингиз тупроғи, қариндош-уруғларингиз, ёшлиқдан бирга ўйнашиб ўсишған ўртоқларингизнинг юзларини эсон-соғлиқ билан кўрасиз! – дегандай қилиб менга қараб эгилишиб қолар. Ерлар, сувлар мннга илжайиб кулиб қарағандай бўлар эдилар. Яйрай-яйрай ҳам суюна-суюна Тошкент истансасига етганимни сезмай қолибман.

Бир фойтун (избош)ни 1 сўм 50 тийинга кира қилиб, эски шаҳарга қараб жўнадим. Пойтунчи Ўқчи томондан юриб, Девонбеги маҳалласидан ўтадирған катта сув кўпригининг қоқ устига келганда аравасининг бир ери бузилиб қолиб, мени бир оз тушиб туришга мажбур қилди. Избошчик фойтунини тузатиб турған чоғда узоқдан 40-50 мактаб болаларининг ўйнаб юрганига кўзим тушиб қолди. Избошчикка:

– Сиз аравангизни тузатиб бўлгунча, мен анови ерга бориб келайин! – деб ҳалиги мактабни кўргани кетдим, бориб кўрсам, юздан ошиғроқ ўқувчиси бор бир мактабда 2-3 ёш-ёш ўқитувчилар болаларни янги тартиб билан ўқитмоқда эканлар. Бу ўқитувчиларнинг биттаси манинг эски танишим мулла Умарқул

(асли қозоқлар бўлиб, бу-бурун Мунаввар қорида ўқиб юрганини билар эдим. Бундаги барча ўқутувчилар келиб, мени билан кўрушдилар ҳам ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиб, болаларини қироат билан Қуръон ўқитиб бердилар. Бизнинг Тошкент шаҳрига ҳам усули жаҳид мактаби оёқ қўйганини биринчи дапқир кўриб жуда шодландим ҳам бу миллат болалариға ўзим билганимча озроқ ўғит бердим. Ўқутувчилар ўзимға билдирмасдан фойтундан нарсаларимни ке(л)тириб, мени кўярға қўймасдан олиб қолдилар.

1910 йил 8 май

65

Бу мактабхонанинг эгалари манинг бурундан танишлиғим йўқ икки ўқутувчи бўлиб, биринчисининг оти Ҳасан хўжа қори, иккинчисиники Эшон хўжа экан. Булар Мунаввар қорининг тоғаларининг ўғли бўлиб, унга ёвуққина қариндош эканлар. Сўфи суратлик бир оталари бор экан. Ул киши билан ҳам кўришдим. Соат 3 ларда болаларини бўшатиб, мени меҳмонхоналариға элтдилар ҳам чой, нон олиб чиқдилар. Еб-ичиб гаплашиб ўтиришдик. Умаркул афанди 2-3 сўм чиқим қилиб тиктирилган бир яктагини менинг устимға ёпди. Менинг кийим, соқол, мурт ҳам чочларимға булар таассуб кўзлари билан қарамас эдилар. Мен буларнинг бундай кенг, озода ҳам мутаассиб эмасликларига танг (ансаб) қолдим! Эртасидан бошлаб 2-3 кунгача Иброҳимжон амаким ҳам бошқа қариндош-уруғларини бориб кўрдим. Бибизахро деган синглимни амаким Кўкча даҳада бир оми аравакашга бериб юборган экан, боғи узоқ учун бориб кўра олмадим.

Энди Мунаввар қорини бориб кўрмак бўлган эдим. Шайховантоҳур даҳалик Мирдадаҳожидеган бир бойнинг меҳмонхонасида мактаб очиб, 1-2 йилдан бери Абдуссамиғ қори деган бир киши билан бола ўқитишиб турмоқда бўлганлиғини айтдилар. Бориб кўрдим, каттагина ҳам кенг бир ташқарида 15-20 чоғли болаларни ўқитмоқда эканлар. Булар билан кўришиб-сўрашиб бўлиб, болаларининг ўқишларини синф-синфларида юриб кўриб чиқдим. Ҳозирда 4-синф бошланғич (ибтидоий) мактаб бўлиб, яхшиғина тартиблик. Парта катта қора тахталар, ер юзи бўлақларининг қисқача ҳам бутун харита шари бор экан. Буларнинг бу қилиб турган иштиҳод ҳам ғайратлариға ташаккурлар айтдим. Ҳозирда шул тартибда очилган, янги

тартибли мактаб 9-10 борлигин билдирдилар. Бу янги тартиб мактабларнинг бу Тошкент шаҳрида жорий бўлиб кетишига биринчи сабаб Мунаввар қори бўлиб, барчасининг прўграммини шул тузиб берган бўлса ҳам ўқитувчиларнинг кўплари ўқитиш тартиби – йўли (усули таълим) қандай эканини билмаганларидан ва прўграмдаги фанларнинг отини энди эшитганларидан ҳозирга анча кийналур эмишлар. Мунаввар қори акам Уфага бориб ўқиш (тахсил чоғиғача) бир ўрин топиб бермакчи бўлди. Улар билан хайрлашиб, тушган еримга яна қайтиб келдим. Ҳасан қори, Эшон хўжа, Умарқуллар ўтирғани учун шуларнинг меҳмонхонасида тура бошладим. Тошкент шаҳрига келганимдан бир ҳафта ўтар ўтмас, ундаш қоғоз (даъватнома)лар тарқатилиб, бошланғич мактабларда болаларни синаш (имтиҳони) бошланди. Бу бошлаб Бешёғоч даҳасида Абдуллоҳхон деган ўқитувчининг мактабида бўлди. Бошимга бир салла топиб ўрнатиб, устимдан Умарқул берган яқтакни кий(г)изиб, мени ҳам олиб бордилар. Оёғимда этик ҳам ичимда ўрис формасида камзулим бор эди. Бу мактаб ҳам бировнинг меҳмонхонасида экан, ҳовли ва меҳмонхонага жой солинибдир. Шул даҳанинг эшон, мударрис, домла имом ҳам анчагина қорни катта бойлари бор бўлиб, барчаси 2-3 юзтача киши йиғилган эди. Келган кишиларга тўйникидек патнус ясаб кўйилмоқда, бизнинг олдимизга ҳам дастурхон ёзиб, патнус кўйдилар. Бунинг устида 3-4 нон, қанди нишолда ҳам оқ қанд бор эди, чой ҳам ке(л)тирдилар.

Бир оздан кейин синаш (имтиҳон) бошланди. Болалардан Мунаввар қори имтиҳон ола бошлади. Болаларнинг имтиҳон бериши тузук, ёмон эмас эди. Буларнинг ҳар қайсиси ҳамига яраша ҳисоб, Қуръон, ҳавойижи диниянинг 1-ҳам, 2-ҳам бўлақларидан тажвид ҳам, шунингдек, майда-чуйда нарсалардан имтиҳон беришиб йиғилган одамларни танг қолдирдилар. Ўқувчиларнинг барчаси саллалик эди. Синашдан кейин Тошкентнинг донғилиқ бойларидан ҳам Бешёғоч даҳасининг катталаридан Боқижон бой туриб, қуйидаги нутқни сўзлади:

– Мана тақсирлар, ўз кўзларингиз билан кўрдингиз! 3-4 ойнинг ичида ёш-ёш болалар ҳар нарсани айтганда ёзадирган бўлибдирлар; баъзилари Қуръонни қироат ила ўқиб бердилар. Озгина муддатда кўпларининг саводлари чиқиб қолибдир. Эски тартибли мактабларимизда буларнинг ёшидаги болалар 4-5 йилгача

биргина “Ҳафтияк”дан чиқолмасдан бир неча “Ҳафтияк”ни йиртиб-йиртиб битирар эдилар. Энди тақсирлар, сизлардан илтимос шулки, бу домланинг болалари кўпайишига ёрдам қилишингизлар! Одамларга далолат қилишингизлар, мактабга кераклик нарсалар бўлса, олиб беришсинлар! – деб нутқини тугатди. Сўнгра Қуръон ўқилиб, фотиҳа қилинганидан кейин ош тортилди. Дастурхон фотиҳасидан кейин барча кишилар хурсанд, мулла ва эшонлар бир оз хафасимон бўлиб, тарқала бошладилар. Мен ҳам бирга боришган кишиларим билан қайтиб келдим.

Эшон хўжаларнинг ҳам имтиҳони шул кун бошланган бўлиб, эртасига кечкурун тугади. Буларнинг имтиҳони Абдуллоҳхонникидан анчагина тартиблик ва ўқувчиларининг имтиҳон бериши ҳам уникидан устарақ эди. Буларникига ҳар кун, 200-300 киши келиб турди. Эркакларнинг орасидан келиб томоша қилувчи кўбгина хотинлар ҳам бор эди. Бундан кейин Мунаввар қорининг мактабида бошланиб, бунинг имтиҳони 3 кун чўзилди. “Биринчи Рушдий” (иккинчи босқич) прўграми билан ўқиған шогирдлар ҳам бор эди. Ҳукуматнинг ўрис ҳам мусулмон маъмур (амалдор)ларидан ҳам имтиҳон кўриш бахонаси билан келиб-кетиб турмоқда эдилар. Бир катта айвонда усталлар устига дастурхон ёзилиб, уларга махсус жой тайёрланган эди. Бу имтиҳон бошқаларникидан интизомлик ҳам тартиблик бўлиб ўтди.

Сўнгра ўқитувчиларнинг олдинда, ўқувчиларнинг кейинда туриб сурат олдирдилар. Буларнинг суратларин тушириб олувчи Илҳомжон деган самоварчи эди. Шул чоқда имтиҳонга келган муллаларнинг диний таассублари кўзғалиб, чидаб ўтира олмасдан ерга қараб тез-тез юриб чиқиб кетдилар. Ош еб бўлиб, қолган кишилар ҳам тарқалдилар. Шул ерда, нўғой пурмароқ икки ўзбек болаға кўзим тушди, ёнимдағи ўқитувчиларнинг биттасидан сўраған эдим. Ул:

– Кичиги Самъий қорининг иниси, каттаси амакисининг ўғли, бу йил қишда иккови ҳам Оренбург шаҳридағи Ҳусайнуф мадрасасига бориб ўқиб, яқинда келишдилар, – деб жавоб берди. Улар билан ҳам гаплашиб олдим. Каттасининг оти Ҳасан, кичигининг оти Нормухаммад экан.

Бундан кейин Хадранинг юқорисидағи бир маҳаллада Низом қори деган домланинг имтиҳониға бордик. Буларнинг имтиҳони ўртачароқ бўлди. Мунаввар қорининг сўзига қараганда, бир оз

камчилиги ҳам бор эмиш. Усули жаид билан бола ўқитувчиларнинг барчаси бир-бирларига кўмак беришар, барчалари бир тил, бир кўнгил бўлиб тийранишар ҳам бир ёқадан бош чиқаришар эдилар. Низом қорининг имтиҳониға ҳам келишган эдилар. Имтиҳон ўтиб барча тарқалғандан кейин Девонабўрк самоварида тўпланиб, Мунаввар қорининг кенгаши билан бурунги прўграмларини бошқа қилмоқ, ўзгартирмак бўлдилар. Бошланғич мактабларнинг 3-синфида ўқуладирған (фавзуни нажот) китобини прўграмдан чиқариш-чиқармаслиқ тўғрисида анчагина тортишув бўлди. Мен уни чиқариб, ўрниға Сўфи Оллоҳёр тўранинг “Саботу-л-ожизин” китобини киргизиш ёғида бўлдим. Чунки “фавзуни нажот”нинг (байт)ларининг ўлчов (вазн)лари бузук бўлиши ила бирга хурофот ҳам ўқувчиларнинг қилиқларин бузувчи сўзлари кўб эди. “Саботу-л-ожизин” сўфиёна бўлса ҳам ўлчовлари келишган ҳам қилиқ (хулқ) бузувчи гаплари оз эди. Ўқитувчиларнинг кўплари менинг фикримга кўшилдилар. Шунинг учун прўграмдан “Фавзуни нажот” чиқарилиб, унинг ўрниға “Саботу-л-ожизин” киргизилди. Прўграмни ўзгартириб бўлиб, барчамиз тарқалишдик.

2-3 кишидан кейин ўт арава билан Чинозға бориб синглимни кўрдим ҳам Роғибжон хожи деган қайинотаси вафот топган экан, Қуръон ўқиб фотиҳа қилдим. 3-4 ёшлик бир қиз жияним ичўтар касалига йўлиққан экан. Куёвим ва синглим қўймағанлиғидан улар хафа бўлмасинлар деб, ўзим тескари бўлсам ҳам куф-суф қилиб (дам солиб) қўйдим. Куёвимға “Қизингизни дўхтурга кўрсатсангиз яхши бўлур эди!” деб йўл кўрсатиб қараған эдим, унинг билимсизлик таассуби қўзғалиб:

– Худоға таваккул! Ўзи берган касалини ўзи қайтариб олса кудрати келмайдирми? Бунинг ажали еткан бўлса, дўхтур дору бериб қайдан олиб қоладир? Сиз ажаб келишмаган гапларни гапирасиз-да, деб аччиғи келди. Шунинг учун бу далилсиз Қуръон, Ҳадис ва ақлға ҳам тўғри келмайдирған гапига гап қайтармай қўя қолдим. Яна икки кун туриб Тошкентга қайтиб келдим.

Эски мадрасаларда ўқиб юрган чоғимда, биринчи Қўйлик йўлидағи Оқ уй деган ерда бир мактабга ўқувчи, иккинчи Салар суви бўйидағи бир масжидга ўз ўрниға мени имом қилиб қочған Юсуф махдум, энди усули жаидчи муаллим бўлиб, янги фикрлилар қаториға кирган экан. Шул махдум май ойи ўтгандан кейин болаларини имтиҳон қилиб ўтқизди. Шул кун имтиҳон

мажлисига келган Камолжон хожи деган эски тартиб билан ўқутувчи бир домла ўз мактабини янги тартибга солғиси келиб, Мунаввар қоридан бир халфа сўрабдир. Ул киши 3 ойда (тахсил чоғиғачи) 50 сўм олиб бермакчи бўлиб, ҳалиги домлаға мени кўмакчи (муовин) қилиб қўйдилар. Эртасига Камол хожи домланинг мактабиға бориб, болаларини ўқитиша бошладим. Мунаввар қори билан Самъий қори келиб, 2-3 синфлик прўғрам тузиб бериб кетдилар. Бу мактаб Шайховантохур даха Шўртепа маҳалласида эди.

1910 йил 8 июн

66

Бурун биринчи босқич ўқутиш (ибтидоий таълим)нинг қандай эканини кўрмаганим учун (Оқмасжидда ўз билганимча ўқитган эдим!) Эшон хўжа ила Умарқул бир ҳафтача ҳар кун бир соат икки соат мактабга келиб, ёш болаларнинг ўқитиш тартибларин менга кўрсатиб турдилар, сўнгра ўзим билиб кетдим. Ҳожи домла менга 5-6 сўмға кавуш махси олиб бериб этигимни, бир камзул кийғизиб, нўғойча камзулларимни ташлатди. Энди ўзимизнинг эски мадраса муллабаччаларидек бўлиб қолдим.

Ҳожи домла боғига кўчкани учун экинди (намози аср), оқшом (намоз шом) ҳам ёстик (хуфтон) намозлариға мен имом бўлиб туриб, ўзи ёлғиз ўйла (пешин) намозиға ўтиб, экиндидан боғиға кетиб қолар эди. Менинг ҳар кун кечқурун томоқ ейдирган ҳам ётадирган ерим масжиднинг яқинроғидағи хожи домланинг бир қариндоши эди. Мунаввар қорининг Аъзамхон домла деган акасининг Парфихўжа, Абдулманнон⁵⁾, Худойберган деган 3 шогирди келиб мендан жўғрофия ҳам бир форсий китобнинг маънисини билан ўқиб кетиб юрар эдилар. Булар мендан ўқиб бориб, Аъзамхон домланинг шогирдларини ўқитар эканлар.

Ҳожи домла йўқ бир кун маҳалла кишиларидан биттаси худойи холвайтар қилиб, мени яна 3-4 кишиларини чақирди. Қорним тўқ бўлган учун холвайтардан оз-оз олиб еб ўтирған эдим. Шул тўдадан ўтирғанларнинг биттаси:

– Домла! Нимага томоққа маънингиз йўқ? Катта-катта олсангизчи! – деди. Мен унга жавоб бермасимдан бурун маҳалланинг оғзи

⁵⁾ Ўзгаришидан кейин ўзбек артистларининг биринчиларидан саналади, ҳозир унвони: Уйғурдир.

катта эшонға кўл берган халфа, ўзининг муттақи, парҳезгар тарашлаб юрувчи, семиз ва буқабўйин бир кишиси:

– Булар озода пўрим, қошиқ билан устал устида нўғой ва ўрисларнинг тамоғини еб юрган кишилар-да, бизнинг бундай томоқларимизни ёқтиришармиди? – деб сассиқ пичинг қила бошлади. Бунинг бундай ноҳақ гапларига манинг ҳам аччиғим келиб:

– киши хўкузга ўхшаб, томоқнинг устига томоқни тиқиштира берадирми? – дедим. Шунинг ила халфа жим бўлиб қолди.

Янгиларнинг барчалари йиғилиб бирга гап ер, бизнинг Комил хожи ҳам уларга жўра бўлиб олган эди. Буларнинг қайсилари гапларига мани ҳам чақириб турар эдилар. Орада икки ойча ўтганда хожи домла ҳам гап берди. Жума намозидан кейин, Мунаввар қори мани чақириб олиб:

– Сизнинг қайси кунги холвайтар мажлисида айтган гапингиз, халфага жуда қаттиқ теккан экан. Шул гап зўрайиб кетибдир, энди халфанинг ёнини олувчилар кўпайиб:

– Агар шул жадид муллабаччани мактабингиздан чиқармасангиз, болаларимизни мактабингиздан тортиб оламиз ҳам сизни имомликдан чиқарамиз! – деб хожи домлани тинчитмасдан турган эмиш. Мана ўзингиз ўзингизга қилдингиз, 50 сўмдан маҳрум бўлдингиз! Халқ билан мураса-мадора қилишингиз керак эди! Энди бўлмайдир, сиз бугун бориб, нарсаларингизни йиғиштириб кўйинг. Эртага хожи домладан силлиқлик билан жавоб сўранг! – деди. Мен унинг сўзи билан эртасига жавоб олдим. Комил хожи кўлимга 5 сўмлик олтин (тилла) берди. Асбобларимни Хонхўжа эшоннинг уйига ке(л)тириб Эшонхўжа, Ҳасанхўжа қори ҳам Умаркул ўртоқларим билан гурунглашиб тура бошладим.

Эшонхўжа болаларни икки ой бўшатган (озод кўйган) ва бошқа ўкутувчилар ҳам шундай қилган бўлсалар ҳам Ҳасан хўжа қори Эгарчи маҳалласида, бир бойнинг меҳмонхонасида 40-50 болани бўшатмасдан – бошини қотириб ўқитмоқда эди. Умаркул Ўнаркул ўғли икковимиз ҳалиги бойнинг бир ҳужрасини ётоқхона қилиб олдик. Бурунги ўқиб юрган шогирдларимдан Худойберган дегани бу ерга ҳам қатнаб ўқий бошлади. Умаркул билан Ҳасанхўжа қори мендан форсийча ўрганадирлар (ўқуйдирлар). Бунда Мусахон Мирзахон ўғли деган бир йигит билан танишиб қолдим. Бу муаллим Эшонхўжанинг қалин ошнаси бўлиб, ўрис

гимназиясининг бир неча синфини битирган, ҳозирда шаҳар доруҳонаси (городская аптека)да кундузи хизмат қилиб, кечкурун бир дўхтурдан аптекачилар илмини ўқумоқда экан. Бу Мусахон афанди якшанба кунлари ҳам ўрисларнинг бошқа байрам кунлари бизнинг олдимизга келиб, гаплашиб-ўтириб кетар, қайси чоқларда янги шаҳарга олиб чиқиб, томоша боғлар қилдирар эди.

Бу томоша боққа ёз кунлари чиқилса, жуда кўнгуллар очилиб кетар эди. Кеч соат 6-7 лардан кейин бунга ўрис, мусулмонлар кириб кўпая берар, окшом ёстик (хуфтон) орасида ичига киши тўлар, айниқса, байрам кечалари киши сиғишмас эди. Татар хотин-қизлари ҳам очик кезишка анчагина ўргана бошлаган эдилар. Боғ ичида ҳам ташқарисида уч киноматўғроф (сурат кўрсатадирган картина), бир театрхон бир томонида, шайтон арава (велосипед)лар пойгаси учун кенг майдон бор бўлиб, ҳар кун бир тўда мусиқийчи (музикант)лар келиб, мусиқаларини чалиб турар эдилар. Кишилар кириб-чиқиши учун 3 катта дарвозаси бор бўлиб, ўзи сар оғоч серсув эди. Бунда ўрис етим ва етималарининг қоидаси учун ҳар ёз бир неча даққир латарей ўйини бўлар. Ўрислардан кўра кўбрак мусулмонлар бу ўйинга ақчаларини тўкиб солар, бунга ҳоким пристўфлар бош бўлиб, қози ва мингбошиларимизнинг ҳар бирига сира бўлмағанда 150-200 билатни зўрлик билан бериб, ақча тўлатдирар ва улар бир билатни 20 тийиндан олиб, 15 тийиндан мусулмонларга зўрға ўтқизар эдилар.

Самарқанд ёшларидан Ҳожи Муъин деган бир муаллим⁶⁾ шаҳримизга саёҳат қилиб келиб, Эшон хўжаникида бир ойча кўноқ бўлиб турдим. Бу очик фикрликкина бир йигит бўлиб янги чиққан татарча ҳам усмонлича мажалоа, газет, журналларни бутун суюб шавқ ва завқ билан мутолаа қилур экан. Мусо афанди Бешифнинг “Шўро” журналидаги Раҳмати илоҳия масаласини ўқиғанда ҳам, юзида ҳам сўзида бўлсин таассуб изи тирноқча ҳам кўринмас эди. Бунинг ила ҳам кўб томошалар, дилкашликлар қилишдик, кетар чоғида адресини ёздириб олдим. Шаҳримизда мусулмон ёшлари томонидан янги очилган Жамияти имдодия отлик бир кўмак жамияти бор эди. Бунинг бошлаб очувчилар: 1) Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, 2) Башируллахон Асадуллохўжа ўғли, 3) Мулла Абдуллох Авлоний, 4) Низом қори мулла Ҳусайн ўғли, 5) Тошхўжа ҳожи Туёқбой ўғиллари эканлар. Бунинг очишдан

⁶⁾ Ҳозир ўзбекларнинг яхши ёзувчиларидан бўлиб, газетада, журналларда хизмати катта.

мақсадлари нодон ўзбек халқининг билим билан оқартириш, етим, етима ёки ота-онаси йўқсил бўлган болаларни ўқитдириш бўлса ҳам, кейин донғи ҳам от чиқаришни ва обрўни суювчи бир хил ўриспараст бойлар муча (аза)ликка кириб қолиб, буларнинг йўллариға бир оз тўсиқ бўлдилар. Бу жамиятнинг ҳозирғи раиси, Сайид Каримбой Сайидазимбой ўғли экан.

Бу йил Уфаға бориб ўқишға сира пулим йўқлиғидан, чорасиз қолиб жамиятнинг ҳақи бордир, ҳар қандоқ муҳтожлик бўлса ҳам толибу-л-илмларга ёрдам бермакка – деб ёзилган бир моддасиға суялиб, жамияти имдодияга паспортим ҳам мадрасадан олган шаҳодатномамни кўшиб бир ариза берган эдим. Булар:

– Сирдарё музофотининг бошқа ерида ўқувчи муллабаччага иона қилсак, ҳукумат қошида айблик бўлурмиз! – деб бир тийин ҳам бермасдан аризамни ўзимға қайтариб бердилар. Бу миллатпарварлик даъвосида бўлган бу акамларға нима демак керак? Ўзининг сўзига қарағанда Мунаввар қори шул бечора муллабаччага жамият ақчасидан бир нарса иона қилингиз! – деб жамият мучаларига кўб айтибдур, улар сира унамабдирлар!..

Энди ўқиш учун ички Русияға жўнаш тебранишига тушдим. Мунаввар қори қайдан бўлса ҳам 30 сўмча йиғиб берган; қариндош-уруғларимдан ҳам закот учун 10 сўм тушган эди. Муаллим Ҳасанхўжа қори Эшонхўжа ва Умарқул ўртоқларнинг ҳар қайсилари 2-3 сўмдан юбормоққа сўз бердилар. Уруғ-аймоқлар, барча таниш-билиш ўртоқлар билан “соғ бўлийлаштим”. Ҳасанхўжа қори билан Умарқул ўртоқларим бирга вокзалга чиқиб, мени ўт аравага солиб жўнатдилар. Ҳозир ёнимда 50 сўм ақчам бор эди.

Хуш қолинг, эй шаҳримнинг ёш қорилари! Хуш қолинг, боғ майдонлари! Хуш қолинг анҳорларидан айқириб ҳам ариғларидан шилдираб оқиб ётган тиниқ сувлари! Хуш қолинг, йигитлигимдаги кучимни синовчи-синовчи ерлар қачон дунёға келаркин? – дегандай қилиб, кўкракларини кериб-кериб ётган эй тенгсиз дала ва чўллар! Хуш қолинг, эй оғочлардан-оғочға учиб-қўниб сайрашиб юрувчи турлик кушлар! Хуш қолинг, эй эски мулла ва эшонлар фикридек мусулмонлар турган эски шаҳар кўчалари! Хуш қолинг, эй маданий ва марифатпарварлар ҳаёлларидек кенг-кенг, текис ўрислар турадиған янги шаҳар ва кўчалар! Хуш қолинг, эй хароба ҳолида ётган, вақтини Николай ҳукумати олиб тинкаси

қуриған мактаб, мадрасалар! Хуш қолинг, эй мантиқ ва бошқа бўлар- бўлмаслик нарсаларни ўқишиб мияларини чиритиб ётувчи муллалар! Хуш қолинг, эй элнинг билимсизлигидан осигланиб, қонлар сўриб ётған мешқорин эшонлар! Хуш қолинг, эй халқнинг ахлоқин бузадирған ёлғон ва хурофот ҳикоялар сўзловчи маддохлар! Хуш қолинг, эй ялқовликдан тиланчиликни касб қилиб, кўчаларни тўлдириб юрган гадой ҳам қаландарлар! Хуш қолинг, барчангиз хуш қолинг!

1910 йил 28 сентябр

67

Туркистонға бориб, ўзимизни маҳаллалик Мирзо Раҳим аканинг ўғли турадирған кўраға тушдим. Уфадан бирга келишган Хуснидин афанди билан Раҳимжон афанди, Сайидносир деган бир бой баччаникида эканлар. Бориб кўрдим ҳам бойбачча билан сўзлашдим. Очик фикрликкина экан. Раҳимжон афанди Мирсайид афандига бир мактуб ёзиб берди. Мен мактубни олиб Иқонға бордим. Мирсайид ва Алоиддин афандилар билан кўришдим, улар мени кўриб хурсанд бўлиб қолдилар. Чунки Мирсайид афанди хайитни ўтказиб, уйланмоқчи экан. Бобом билан тоғамни бориб кўриб келдим. Алоиддин Худоёруф афандига ҳам ҳозир болалардан ақча йиғила бошлабдур. Бунинг ўзи: “Уфага бирга кетибиз!” деса ҳам ақчаси йиғилиб битмаганга қараганда бул мендан кейин қолса керак.

Рамазон хайит намозидан кейин Мирсайиднинг тўйи бошланди. Бир кун оқшомдан кейин Мирсайид билан 5-6 йигит бўлиб, қизнинг ҳовлисига боришдик. Алоиддин билан мендан бошқа йигитлар ўртадан ақча йиғишиб, бир ёвшиқ (рўмол) тўла турлик емиш (мева) олиб боришған эдилар. Саҳар чоғиғача неча турлик қуюқ-сууюқ зиёфатлар еб, ўйин-кулгилар қилиб ўтириб, тонг отарға ёвуқ қайтиб келишдик. Эрта кечаси ҳам шундай зиёфат еб, учунчи кечаси тонгдан бурунгидек куёв билан қизни никоҳ хутбасини ўзбекча ўқиб кўшиб кўйдик. Мирсайид куёв шул ерда – келин ёнида қолди. Тонг отғандан кейин куёвнинг оғзи қулоғиға етиб, ўз ҳовлисиға келди.

Мана энди тўй ҳам, хайит ҳафтаси ҳам ўтди, жўнашға тебраниб қолдим. Мирсайид ўз гапида туриб, менга 15 сўм кўмак йиғиб берди. Бу шўринг қурғур қишлоқи ўртоғимнинг оёғи ҳам

узилмайдирган ип билан қаттиқ боғлашиб, ўқишга боролмайдирган ёмон зарбага учради. Отасининг давлатида бунинг ўқиб қолиши керак эди, бироқ мунга ақли қисқалиқ қилди!..

Қайси кунги ўйим тўғри келиб чиқиб, Алоиддин Худоёруф мендан кейин жўнамоқчи бўлди. Мирсайид билан хайрлашиб унинг топиб берган араваси билан Алоиддин афанди иковимиз Туркистонга келиб, Сайидносир бойваччаникига бориб тушдик. Ҳуснидин афанди билан Алоиддин афанди Уфага бориб ўқимоқчи бўлса ҳам Раҳимжон афанди бу қиш Туркистонда қолар экан. Мен хар йилгидек ёлғиз истансага чиқиб жўнаб кетдим: ёнимда 60 сўмча пулим бор. Бу йил йўлда Оренбурғга тушмасдан тўппа-тўғри Уфага бориб тушиб, мадрасага кирдим.

1910 йил 16 ўктябр

68

Мадрасада сабоқлар бошланган экан, жамиятга 15, бир ойги тушки уграмга 2 сўм тўлаб “Биринчи олия” синфида ўқиш бошладим. Бу йил бизга 2-3 сабоқдош кўшилган экан. Сабоқларимизнинг кўпи арабча бўлиб, прўграмимизда қуйидаги нарсалар бор эди:

1) Тафсир (Қуръондан), 2) Ҳадис (Саҳиҳи Муслимдан), 3) “Муқомат” (Нуҳабулмулоҳ), 4) Ҳисобнинг касри (Абдуллоҳ Фахрий асари), 5) Иккинчи жуз “Ҳандаса” (Солиҳ Заккий асари), 6) “Мажаллаи аҳкоми адлия” (Аҳмад Жавдат асари), 7) Биринчи жилд “Ҳикмати табиийя” (Солиқ Заккий асари), 8) “ал-Араб”нинг баён қисми, 9) “Мухтасари тарихи умумий” (Муродбек асари), 10) Илми руҳ, 11) Ҳифзи сиҳҳат (соғлиқни сақлаш).

Мадрасамиз тинч, сабоқларимиз яхши ўқилиб турмоқда эдики, газеталарда:

– Янги очилган мусулмон мактаб, мадрасаларини текшириб кўриш учун Петербурғдан 2-3 тафтишчи келадирган мазмунда бир хабар кўриниб қолди. Ўқутувчилар, айниқса, Зиёиддин ҳазрат жуда шошилди, бутун ўқутувчиларни бир ерга йиғиб, ҳозирдан бошлаб Истанбулда босилган усмонлича китобларни бекитиб, уларнинг ўрнида Русияда босилган татарча фанний китобларни қўйишга; қисқа кийим кийиб юрганларни узун тўн кийишга шиблет, ботинка, кийганларни садоғини этик ёки ковуш, махси кийишга ва чоч ўстириб юрганлар ёвушғина татар бош (тақир бош) бўлишга

буюрди. Ўзим бўлса, узун тўн кийиб, уларнинг олдида салла ўраб юришни бўйнига олди.

Кўб ўтмади, ҳалиги текширувчилар келишди, уларнинг биттаси Антакий унвонли бир христиан араб эди, ул прўграмларни кўриб каттасига тушунтириб турди. Биттаси ёзувчи (саркотиб) бўлиб, 5 синфнинг прўграмини бирорта қўймасдан ёзиб олди. Келганлар 3 киши эдилар. Барча синф текширилиб тугагандан кейин мадраса муассасаларидан Салим гаройжантирун ўтириб, муаллимлар билан бирга суратлари олинди. Бу катта тафтишдан ҳам ташвишсизгина кутулдик. Энди тошкентдан ақча келишини кутиб турган эдимки, 30 ўктябрда ўқитувчи (муаллим) Умаркулдан:

– Ақча юборишни иложи бўлмади, қурбон байрамидан кейин юборсам керак, – деб ёзилган битик олдим, бу битик (мактуб), почтага 22 ўктябрда солинган экан. Бундан умидим узилиб, Эшонхўжа Ҳасанхўжа қори, Самарқандлик Ҳожи Муъин, Ҳусайнил мадрасасида ўқувчи Ҳасан Зиёбоевларга:

– Тезлик билан кўмак юборингиз, мадрасада оч қолдим, ейишга сира ақчам қолмади! – деб ноябр бошларида почтадан битик юбордим, оғир бўлса ҳам қурбон байрамигача кўмак кутиб туриб, ул келмай қолса қайтиб кетишга жуда қаттиқ бел боғладим. Чунки бир ойлик ош ақчасини тўлай олмаганим учун мадраса нозири қайта-қайта қистаб, жуда жонимдан тўйдирган эди. Очлигим бир сари, бунинг қистагани бир сари бўлиб, жуда ўлиб бўлдим. Шундай ачинишлик ҳолда турган эдимки, 9- зулҳижжа, 27 ноябрда, самарқандлик Ҳожи Муъиндан:

– Ох кошки, бандангизга истейдод ўлса эди, озгина бўлса-да муованатингизга қусур этмаз эдим, маълуминингизки, ушбу йил 4-5 ой хаста ўлиб, мактабимни таътил этдигимдан тўлий – бир оз моддийунликда қолдим – деб ёзилган бир битик олдим. Бу битик 26-зулқайдада - 14 ноябрда ёзилган экан.

Қурбон намози ўқилди, байрам таътили бўлгани учун муаллимлар мадрасага келмаган эдилар. Мен:

– Уфа жамияти хайриясидан ўртада туриб, менга кўмак олиб берсангиз эди! – деб Зиё ҳазратга 1-2 дапқир борган эдим. Ул:

– Сабр эт, шахрингдан ақча келиб қолар! – деб қайтариб юборди. Жуда хафа бўлиб, кўрпачамни эски бозорга чиқариб сотдим, нарсаларимни йиғиштириб, шогирдлар билан “соғ бўлийлашиб”, Уфадан икки истанса беридаги Чашма қишлоғи

имомининг отини сўраб олиб, ўт аравага тушиб йўлга равона бўлдим.

1910 йил декабр

69

Ярим кечаларда Чашма овулининг имоми – Хусниддин ҳазрат меҳмонхонасига келиб тушдим. Бу ҳазрат ухлаб ётган еридан туриб, чароғ ёқиб, жой солиб бериб, мен билан бир оз гаплашиб ўтирди.

Менинг Олия ўқувчиси эканлигим ҳам нима учун бу ерга келиб юрганлигимни билгандан кейин мени ётқизиб, уйига кириб кетди. Эрта чойдан кейин ҳазратлар имом домлалар, татарларнинг қурбонлиқлариға олиб юра бошлади. Татар қишлоқларининг тирикчилигини қурбонлиқлариға олиб юра бошладим. Татар қишлоқларининг тирикчилигини газет ҳам рўмон (янги ҳикоя китоб)ларда ўқиған бўлсам ҳам, уларнинг қишлоқлариға бориб, ўз кўзим билан кўрганим йўқ эди. Бу Чашма овулининг кўчалари катта ҳам кенг бўлиб, устлари похоллар билан ёпилған иморатлар қатор-қатор тизилиб кетган эди ва буларнинг орасида тахта билан ёпилиқлари ҳам бор эди. Ҳовлиларнинг теварагига тахталардан ёки шохдан тўқиб девор қилинған бўлиб, бизларникидек пахса девор ёки иморатлар билан чулғанған эмас эди.

Қурбонлиқ қилған киши:

– Раҳм этингиз, ҳазрат, раҳм этингиз шогирд! – деб уйига киргизиб, тўридан ўрин кўрсатиб ўтқузар эди. Киши ўтирадирған ер бир газча юқори кўтарилиб тахтапол қилинған, бунинг ўрта бир еридан парда тортилған, парданинг бир ёғида хотин-қизлар ва бир ёғида келган меҳмонлар ўтирар экан. Ҳалиги татар хотин-қизларида, қишлоқ у ёғда турсин, шаҳарда ҳам юз очиб юриш кўбда бошланмаған эдилар. Уйнинг ўртасида ғиштдан, лойдан кенгина қилиб тўрт бурчак печ ишланған бўлиб, ош, нон ҳам бошқа томоқларни шунда пиширур эканлар. Бу қишлоқи татарларнинг ошхоналари ҳам уйларини қиздирадирған сандаллари ҳам шул печ, хотин, бола-чақалари ўтирадирған меҳмонхоналари ҳам шул эди.

Чақирилған 15-20 чоғли маҳалла халқлари биздан кейин бир-бир келиб тевараклаб ўтиришур, 2-3 тоғорача пиширилған эт (гўшт)ларни бир-бир ке(л)тирилиб ўртаға қўйилур, ҳар киши

олдиға кўйилған ўз талинкасига, ҳалиги катта тоғоралардан тилаганича солиб ер, ундан кейин кўбгина ўтириб чой ичилур, ўш ёвлик (дастурхон) йиғилиб, фотиҳа бетга тортилғандан кейин уй эгаси ҳазратга 50 тийин берса, менга 20 тийин; ҳазратга 40 тийин берса, манга 15 тийин бериб чиқарар эди. Бир неча шундай қурбонликларға ҳазрат олиб борди, 2 сўмдан ортиқроқ ақча топдим.

Бу Ҳусниддин ҳазрат татарларнинг бошқа муллаларидек кўбда эскилик томондан эмас, янгилик томонда эди. Шул ҳазратнинг саъй-ғайрати орқасида ўз масжиди ёнида бир ибтидоий мактаб очилиб, бунга 20-30 бола кириб ўқумоқда эди. Бу болаларни ўқитиб турувчи бир халфасиси Уфанинг Мадрасаи усмониясида бир таҳсил ўқиб қайтган бир шогирд экан. Бу халфа ҳам мени ҳовлисига чақириб меҳмон қилди. Бир кун Ҳусниддин ҳазрат ҳам қурбонлик қилиб, нариги маҳалла имомини ҳам чақирди. Бу имом эскилик томони бўлиб, янгиларни сира ёқтирмас экан. Мусо Бешефка тил тегизиб, “ул шайтондан ҳам ёмон!” деб сўқди ҳам муфтий ҳазратни кўб мақтади. Бу муфтий ҳазрат билан ҳамҳаж экан. Мана шундай қилиб, қурбон ҳайитини(нг) 3-4 кунини ўтқизиб кетиш учун ҳазратдан рухсат сўрадим. Ҳазрат халфасига буюрди, ул юқларини кўтариб истансагача олиб чиқишиб, мени поезд билан жўнатди.

Юра-юра Давлакон деган истансага кечаси келиб, тунларнинг ўрталарида шаҳар мадрасасига тушиб ётдим. Эрта намоздан кейин бундаги ўқувчилар билан кўришиб, Олия шогирдларидан эканлигимни билдим. Бу мадрасанинг ўқувчилари эски тартибда, ўқувчиларининг барчаси бошғирд татарлари бўлиб, бу хилдаги ўқишларни ёқтирмай юрувчи янги фикрлик шогирдлар ҳам бор экан. Бу қишлоқнинг ёнида янги тартибли мактаб очилиб, 40-50 бола ўқиб турмоқда эди. Ҳазрат (имом домла)нинг ҳовлисига борган эдим. Ул:

– Мен халқдан иона жиғиб бера олишим, чунки ўзимизнинг мактабимиз ҳам мадрасамизга кўб ақча керак, бойларимиз бермийлар! – деб мени куруқ қайтарди. Шунинг бир олдиноёқ шогирди бойлардан 2 сўмча йиғиб бериб жўнатди.

Ўт аравага тушиб, Абдуллин истансасига келганимда қор каттиқ бураб, гуппиллатиб уриб турган эди. Шаҳар истансадан бир тош (8 чақирим)ча ерда экан. 50 тийинга бир извош кира қилиб,

бир нўғойнинг хужрасига бориб тушдим. Эрта чойдан кейин узок бўлса ҳам ҳазрат (имомнинг) ҳовлисига бориб, қавмларидан кўмак йиғиб беришини ўтиндим. Бу ҳазрат йўғонгина киши бўлиб:

– Бойларга ўзинг бор, мен жиғиб бера олим! – деди ҳам ёнидан 30 тийин ақча чиқариб бериб қайтарди. Ўзим мағазиндан юриб, 2 сўм топдим ҳам шул кун жўнаб самарга келиб, бир татар нўмирига тушдим.

Эртасига нўмир хўжайинига йўлиқиб, аҳволимни айтган эдим, ул шу ердаги машҳур бойларнинг отини ёзиб берди. Бу ернинг бозорига чиқсам, кўчалари кенг-кенг ҳам текис қилиб ишланган бўлиб, жуда обод экан. Уёқ-бу ёққа қатнаб турган кишилари кўб, барчаси Оврўпа формасида бўлиб ўрис билан мусулмонни айириб бўлмас эди. Почтахонаси ҳам жуда катта қилиб ишланган экан. бундаги трамвай (кўнка)ларнинг от билан юрганини кўрдим. Бу Иккинчи Александрнинг ҳайкали теварагидан айланиб юриб ўтар экан. Ҳалиги ҳайкал (ламитник) остида кўл ҳам оёғлариға кишанланган бир неча эркак, хотинларнинг ҳайкали кўринди:

– Булар ҳар ҳолда бурунги бошғирд хонларининг ҳайкали бўлса керак! – деб кўнглимга ке(л)тириб ўтиб кетдим. Бориб бир жарликдан нўғой маҳалласини топиб, унинг масжидига кирдим. Масжид ости мадраса ҳам мактабхона эди, жума намозидан кейин ҳазратга йўлиққан эдим, бундан ҳам бир нарса унмади. “Иқтисод” деган журналнинг бошқармаси шул масжиднинг яқин бир ерида деб эшитган бўлсам ҳам излаб юрмадим. Бозорға қайтиб келиб, татар бойларидан 2-3 сўм топиб олиб, эртасига юрмакчи бўлдим. Нўмирчи томоғиға пул олса ҳам шогирд деб сийлаб нўмириға пул олмади. Бундан Бировликқа келиб тери билан савдо қилувчи бир татарларнинг ҳовлисига тушдим.

Бу теричи ўзи бола-чақалари билан болахонада ўтириб, остини ижарага кўяр экан. Шунинг учун мен ҳам остиға кирган эдим. Бунда самарқандлик бир савдогар билан кўришдим. Туркистон ўлкасида бу йил ғаллаға қаҳатчилик келиб, қийматчилик бўлгани учун бу ердан кўб-кўб ун сотиб олиб, вагўнлаб юбориб турмоқда экан. Ҳовли эгаси – теричи, янги фикрликкина бўлиб, турли газет ҳам журналлар олиб ўқумоқда ва икки ўғлини ўрис ўрта мактабида ўқитдирмоқда экан. Эртасига чойдан кейин халиги самарқандлик бой билан чиқиб, бозор бошларини томоша қилдим. Бу шаҳар юқорилик хушхаво ерда бўлиб, кўчалари кенг-кенг қилиб солинган

эди. Шул ерда бир муаллим билан танишиб мактабни ҳам кўриб чикдим. Жўнайдирған куним уй эгаси мени чақириб, меҳмон қилиб, далолат билан самарқандликдан зўрға 50 тийин олиб берди. Ўзи ҳам 1 сўм бериб ўз извош араваси билан истансага олиб чиқиб жўнатди. Ўт аравада бир қозоқ билан йўлдош бўлдим. Оренбург истансасига келиб тушганимиздан кейин ҳалиги қозоқ йўлдошим, шаҳарнинг аскар турадирған томони (фариштад)да бир қозоқнинг ховлисига олиб борди.

Кеч кўниб, эртасига Хусайния мадрасасига шаҳардошларим Миржалил, Ҳасан, Шоҳкарим ҳам Абдулақод афандиларни кўрдим, барчалари эсон-соғлиқ билан ўқиб ётмоқда эканлар. Таҳсилнинг ўртасида мадрасадан чиқишга мажбур бўлганимга кўб ачиндилар. Ҳасан афандининг гапига қарағанда қурбон байрами кунлари, почтадан 3 сўм юборған эканлар, бироқ мен ул кунлари мадрасадан чиқиб кетган эдим. Ҳасан афанди йўл учун яна 1 сўм берди.

Уларнинг олдиларидан чиқиб, “Урал” нўмирига келиб, 2-3 шаҳардошларимни топдим. Уларга ҳам ачинишлик ҳолимни айтдим, бироқ хиркаш кўнгил олмоқ (рахм, шафқат) изи, уларнинг юзида сира кўринмади, балки татарпорма кийимларимга нафрат билан қараб:

– Эртага келинг, бугун ишимиз кўб! – деб қайтариб юбордилар. Буларнинг гапига ишониб эртасига ҳам келган эдим, бу тош юраклар:

– Хўжайиндан ақча келмай турибдир, ёнимиздағи бор ақчамизнинг барчасига мол олиб кўйдик! – деб баҳона қилиб ҳеч нарса бермадилар. Шул ерда бухоролик бир бойвачча бор экан, раҳми келиб 1 сўм кўмак берди. Мен:

– Булар, албатта, шаҳардошларимиз-ку! Бундай оғир кунларга қолганимни билдирсам, Тошкентга боргунча етарлик кўмак ақча йиғиб берсалар керак! – деб ўйлаб борған эдим, минг-минг ўкунчки бу ўйлағанларим тўғри чиқмасдан, йиғлай-йиғлай тушган еримга қайтдим, энди юрадирған бўлдим. Мен тушган уй эгаси қозоқ, ҳужра ижараси билан томоқ ақчасини олмағанлиғи устига ўз панаси билан истансага олиб чиқиб жўнатди. Оқтепада бир қозоқ билан миршабнинг уйига келиб тушдим.

1910 йил 24 декабр

70

Бунда ижара тўлаб турувчи икки қозоқ ўқувчиси бор бўлиб, булар шу ерда очилган 5-6 синфлик мактабда ўқумоқда эканлар. Буларнинг ўқиб турган мактабларини бориб кўрдим: Ибтидоий ҳам Рушидий синфларга бўлинган, юқори синфларда ўрисча ўқумок учун учител ҳам кетирилган эди. Бу мактабнинг бошқарувчиси ҳам дин дарслари муаллими Умар ҳазрат деган бир имом экан. Бу ерда 4 кун турганимдан кейин бозор бўлди. Ҳалиги 2 қозоқ болалари бозорни томоша қилдилар, даладан келган қозоқлар билан гаплашиб, бола ўқутишга ўрун топиб бердилар. Мени ўқутувчиликка олган қозоқ, 3 ойга 15 сўм бермакчи бўлди.

Бу ернинг бозори буткул қозоқлар билан бўлиб, дўкондорларнинг кўпи ўрис билан татар эди. Бозорни айланиб томоша қилиб, кечқурун ҳалиги мени олиб кетмак бўлган қозоқлар билан ўт аравага тушиб жўнаб, Оқтепадан 2 истанса беридаги Бештомоқ истансасига келиб тушиб, от билан 2 соатга (қистов)лариға етдик. Мени элтувчи қозоқнинг оти Сафарали бўлиб, Эшонали деган биринчисининг бостирмасиға туширган эди. Тушган уйим, бир қиз ҳам бир ўғлини 2-3 кундан кейин унинг оғаси Сафарали ҳам бир ўзини ўқитмоқ учун топширди.

1911 йил 1 январ.

71

Бундаги қозоқларнинг тирикчилиги Оқмасжид теварагидаги қозоқларникидан бошқачароқ бўлиб, ҳар қайсилари ўз ҳоллариға ҳам моллариға яраша бостирма солиб, ўртасидан девор билан икки бўлиб эшик қурур, деворнинг бир ёғиға сигир, туя, от ҳам бошқа молларини бойлаб, бир томонида ўзлари ўтирур эканлар. Бундан саксовул у ёғда турсин, экилган оғоч (дарахт) ҳам йўқ даражасига оз бўлган учун киш кунлари ёқадирған нарсалари тезак бўлиб, иморат солмоқчи бўлсалар ёғочларни аллақайлардан санаб олиб кетирур эканлар. Сафаралининг уч хотини, уч ўғли, молдан йигирма чоғлиқ хўкуз, 2-3 от, 3-4 сигир ҳам 5-6 туяси бор. Ўзи бир ҳаж қилган, эшонға қўл берган ҳам эски тартибда ибтидоий мактаб кўрган бўлиб янгиликка бир оз қаршилиғи бор эди.

Мен уйида турган Эҳсоналининг бойлиғи оғасиникидек бўлмасдан унинг бир хотини икки ўғли, бир қизи молдан 2-3

хўкизи, бир туяси ҳам бир отидан бошқа неч нарсаси бўлмаса ҳам мени иззат-ҳурмат қилиб яхши кутар, оч қолдирмас эди.

Борғанимдан бир ҳафта ўтгандан кейин болалардан 4-5 сўм йиғиб, Октепага бориб, мактаб учун китоб, кичик қора тахталар олиб, ўзим уч ойлик “Вақт” газетига ёзилиб овулға қайтиб келдим. Болаларнинг “Ҳафтияк”ини ташлатиб, энди янги тартиб билан ўкита бошладим. Турмушим яхши бўлиб, қайси чокда Сафарали ҳам уйига чақириб, меҳмон қилиб турадир. Эшон ва муллаларга ўхшаш йўғон-йўғон миллат кузғинларидан келса ҳам чақирмасдан қолдирмас эди. Кўб ўтмай “Вақт” газети ҳам кела бошлади. Кўнглимни юпатиш, кўтариш ҳам гаплашиб ўтириш учун қадр билувчи, ўртоқ, таниш-билишларим бўлмаса ҳам суюкли газетим бор. Бу газет деган нарса бутун дунёни кўз олдингизга ке(л)тириб турувчи (ойнаи жаҳоннамо) бўлиб, ер юзининг ҳар ёғида бўлиб турган воқеалардан хабар берар эди.

Мана Туркияда Арновут деган эл кўзғалиб-ихтилол чиқардилар, мана Яманда араблар кўзғалдилар, мана Русияда фалон-фалон исмли янги тартибли мусулмон мактаблари ёпилиб ўкутувчилари ҳукумат томонидан қамалдилар, мана Петербургдаги подшоҳлик дума (государственная дума)да халқ вакилларидан Садри Мақсудий, Николай зулми остида эзилган мусулмонларнинг осифи учун узун-узун нуқталар сўзлади, мана Олмаота (Верний)да 22 декабр куни қаттиқ ер тебраниб ерлар ёрилиб, иссиқ сувлар чиқиб, тоғлар қулаб кетиб, кўб кишилар ҳалок бўлдилар ҳам етти юзтача уй эгалари кўчаларда оч-ялонғоч қолдилар, мана ўзбек ҳожилар, ҳаж йўлида даллолларға алданиб, уч юз сўм кетадирган ўринға 500 сўм чиқим қилибдирлар, мана Фарғонада бир бой тўй қилиб, улоқ ҳам баъзилар учун 4-5 минг сўм ортиқча чиқимлар қилибдир, мана Франсияда айруплон (учадирган ҳаво кема)ларнинг пойгаси бўлди.

Мана Петербургдаги подшоҳлик думада Туркистон ҳам Сибирияга хохўл (мужук ўрис)ларни кўчириб, ер бўлиб бериш тўғрисида кенгаш қилинди. Мана қирғиз-қозоқ улуси кўчиб юришни ташлаб масжид, мактаб, мадраса солиб, қишлоқ бўлиб ўтиришни тиласалар ҳар уй бошиға ўн беш десатина (бўйи 60 эни 40 газ ёки бўйи 80 эни 30 газ)дан ер бўлиб берилиш учун закун (қонун) чиқди; кўчиб юра берсалар бора-бора ҳайвонлари ўтлайдирган ерларидан ҳам айрилиб қолар эмишлар! Ана, Туркияда тажриба кўрган бир олим:

– Мусулмонларнинг хотин-қизлари шундай билимсиз маърифатсиз тўрт деворнинг орасида қамалиб ёта берсалар ислом дунёси юқори оёғнинг остида эзилиб қолур, – дейдир, Мана Қозон, Оренбург ҳам Уфа шаҳарларида татарларнинг фикри очик хотинлари йиғилишиб, қизлар мактабининг кириш чиқимларини ҳисоблаб, яна ўз ораларидан бир йил таҳсилга етарлик 500-600 сўм ақча йиғибдирлар.

Мана газетнинг шундай осифлик ўгут ўргатадурган, ибратлар олинадирған шундай гаплари тўлиб ётар, ота-онамдан, қариндош уруғимдан ва яқин ўртоқларимдан ортиқ ўгитлар берар, буни ўқисам жоним роҳатланиб, танам яйраб кетар эди. Агар ман кўнглимни юпатиш учун эски фикрлик бир ўртоғим билан сўзлашиб ўтирсам, албатта ул ўзи билмаған ҳам эшитмаған сафсатани ва бўлмағур сўзлардан бошқа сўзни сўзламас, Рустами дoston қаҳрамони комил Абу Али ибн Сино, Або Муслим ҳам шунингдек, хурофот гаплар билан тўлиб ётған китоблардан гапирар ёки эшонларнинг зикридан, муаллимларнинг дам солиб эзиб ички ёзиб бериб, янги уйланган йигитларнинг олдини боғлаб қўйиб ва ҳар кимнинг иситиб-совутиб юрганларидан жин теккан пари урганлардан, қиз тўйи ўғил тўйлариға икки минг, уч минг сўмлаб ортиқча чиқим қилған бойлардан гапириб ўтириши аниқ. Мана бундай ҳикоялар ярамас ва осифсиз гаплар, менинг миямни оғулар, менинг бундай сафсата гапларга ишонадирған чоғим ўтиб кетган бўлиб ундайларни ярим чақаға ҳам олмайдирман!

Хусайниядаги Ҳасан афандига бу ерга келиб ўринлашғаним ҳам болаларни ўқитиб турғаним тўғрисида 1911 йил 5 январда бир битик ёзған эдим, 20 январда унинг жавоби қайтди, Ҳасан афандининг ёзганиға қарағанда Тошкент Эскишаҳар “мусулмон жамияти ибодия”сининг эски раиси Саидқарим Саидазимбой ўғли туширилиб, унинг ўрниға Орифхўжа бой раис бўлибдир.

Қиш қаттиқ қайси кунларда бўрон билан икки газ, уч газ қалинликда қор ёғар, шул қор ёққан кунлари ўтирған уйимизнинг деразасини қор кўмиб қоп-қоронғу гўрга айлантларар; қор тингандан кейин хизматчи қозоқ бола, бота-бота чиқиб, минг оғирликлар билан қорнинг тагидан деразани кутқариб олар, сўнгра ёруғ очунни кўргандек бўлар эдик. Қаттиқ шамоллар билан шундай қор ёғиб турған чоғларда очик жойга чиқиб юриш қийин бўлар –

сира юриб бўлмас эди. Чунки шамол учириб кетиб, бир неча кишини қорға кўмиб қўйибдир деб эшитдик.

Энди январ, феврал ойлари ўтиб, март оyi кирди. Вақтимдан яна бир ой қолган бўлса ҳам рухсат сўраб кетиш хаёлига тушдим, чунки шул чоғда Оқмасжид ёки Туркистон ёққа бориб, муаллимлик ўрин топиб олмасам бўлмас эди. Эҳсонали бир ҳафтача ана-мана деб юриб зўрға рухсат берди; 3 ойга 15 сўм ваъда қилган бўлса ҳам 2 ой бир ҳафта учун 7 сўм ақча кўрсатди. Ёзик ўзимда бўлганидан ғинг демасдан ола бердим. Сафаралининг катта ўғли чана билан томда истансага ке(л)тириб ўт аравага тушириб жўнатди. Мен Ғазалига келиб, бир самоварга тушдим.

Бунда бир чойнак чой ичиб ўтирған эдимки, бир мусулмон “полисейский” (миршаб) келиб, қандай киши эканлигини суриштириб қолди. Мен:

– Оренбург ёғиға бир юмушим бўлиб борған эдим, қайтиб келишимда Ғазалини кўриб кетиш учун ҳозир тушдим, эртага жўнаб кетаман. Шунинг учун пристифга бориб билетга қўл қўйдирмадим; бўлмаса мана билетим бор! – деб қўйнимдан билетимни олиб кўрсатдим. Миршаб очиб кўриб:

– Яхши, билетингиз безсрўчний (муддатсиз) экан. Мана бу ерига ўзингиз қўл қўйибсиз, бугун кеч бўлиб қолди, агарда эртага қоладирған бўлсангиз, албатта, бориб қўл қўйдилинг! - деб қайта-қайта айтиб, билетимни кўлимга бериб чиқиб кетди. Эртасиға чойдан кейин шул ерда турғун бўлиб қолған бир шаҳардошимнинг меҳмонхонасиға нарсаларимни элтиб қўйиб, билетимга қўл қўйдириб келдим. Бунинг меҳмонхонасида яна 2-3 шаҳардошларимдан бор экан, улар билан танишиб олдим ҳам бунда 2-3 кун тўхтаб, муаллимликка ўрин излайдирған бўлдим.

Бу Ғазали шаҳри, Оқмасжиддек Сирдарё (Сайхун наҳри) бўйиға бино қилинған бўлиб, икки-учтагина татар ҳам ўзбек маҳалласиға эга. Бизнинг Тошкент шаҳри халқи йўқ даражасида оз, кўб кишилари бухоролик ҳам ички Русиядан келган татарлар эди. Бозори каттагина Оқтепаникидек бу ерга ҳам ибтидоий “рушда” мактаблари очилған экан. Ўқитувчиларининг ёниға бориб, 1-2 дапқир гурунглашиб ўтирдим, очик фикрликкина йигитлар эди. Яна икки-уч кун кутиб, ўрин топилмаған учун кетадирған бўлдим, шаҳардошларим 2 сўмча кўмак йиғиб жўнатдилар. Оқмасжидға келиб, Акрамжон қори Муслимжон ўғлининг кўрасиға тушдим.

Эртасига муаллим Шоҳаҳад Валиуллинни бориб кўриб, ўрин топиб беришини ўтиндим. Бу зот бундан бир-икки ой бурун кўрқинчилик бир касалга йўлиққан экан, соғайиб кетибдир. Бушой элидан келиб, бунда ўқиб юрувчи бир қозоқ муллабаччалар бор экан. Ул:

– Эртадан кейин келингиз! Ўзимди овулға бориб келайин деб жўрайдим, товар бўлди, сизни-да оппориб, элдан муаллимлик ўрин топиб берайин! – деб сўз берди. Бунинг оти Алишер бўлиб икки-уч йилдан бери Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги Абулқосимхон эшон мадрасасига бориб ўқиб юрган бўлса ҳам бу киш унга бормасдан муаллим Валийллинда ўқиб чиқибдир. Ўзи ундаги ўқишнинг қандай осифи (фойдаси) борлиғи тўғрисида кўйидаги гапларни иқроп қилди:

– Ул эшон мадрасасида 2-3 йилдан бери нахв, фикҳ китоблари ўқиб юриб, маъниси қандай эканин англаганим йўқ эди; Тангрига шукр бу ерга келиб, 2-3 ойнинг ичида янги тартибда имтиҳон билан ўқуғаним учун нахв, сарф ҳам фикҳларға анчагина зехним киришиб қолди. Булардан бошқа жуғрофия, ҳисоб, ҳандаса, таърих, ҳадис китобларидан ҳам ўқиб ҳар бир илмга моҳир бўлиб қолдим, – дейди. Бунинг отаси бўшай, найман қозоқлари мактаб юрадирған Сари мулда экан.

Сўз берган куни Алишер билан бирлашиб ўт аравага миниб сувлитепада бир самовархонаға тушдик. Бунда “соғар” деган элнинг у тоғаси, Тиловғобил (тилаги қабул) деган бир қозоқ билан гаплашиб, 6 ойға 90 сўмға муаллимлик ўрин топиб берди. Бизнинг Уфа мадрасасининг 2-ойи Олия синфи ўқувчиларидан Убайдуллоҳ деган бир шогирдни бу йил мадрасада кўрганим йўқ эди. Шул Оқмасжидға келиб, қиш ичида бир армани дўконида туриб, ҳозирда қоронай бўлсанг, оғаси қолишнинг уйида бола ўқитиб турғанлигин; Муҳаммадали сабоқдошим ҳам Жусуфали мулланинг кизини никоҳлаб олиб кетиш учун Найманга келганин Шералидан эшитган эдим. Шунинг учун Тилавғобилдан 2-3 кун муҳлат сўрадимда, Алишер билан уларни кўргали кетдим. Йўлда қолишнинг қистовиға кириб, Убайдуллоҳ афандини кўрдик. Ҳозир 5-6 бола ўқутмоқда экан. Қолиш бу йил бўлислиқ талашибдир. Бунинг уйига қозоқлар кўб йиғилган бўлиб, кенгаш устига кенгаш эди. Кечқурун қолишдан Убайдуллоҳни сўраб олиб, Найман

қистовиға бордиқ. Очик бир ерда 10-15 Найман қозоқлари тўпланишиб гаплашиб ўтирған эканлар:

– Жориқтиқ, анов бир жилки ўзимизнинг мулдамиз кеп қолдиғу! – деб суюнишиб ўрниларидан ирғиб-ирғиб туришиб, бир-бир келиб зиёрат қилишдилар. Буларнинг орасида Жусуфали мулда билан Бойдавлат ҳам бор эди. Бир оздан сўнг Муҳаммадали сабоқдошимни ҳам топиб олдик. Мана тўрт маслакдош бир бўлиб, бу кечани шодлиқ билан ўтқиздик. Эртасига Алишер ўз овулиға ота-онасини кўргали кетди. Жумъа намозидан 2 соатча ўтғанда Убайдуллоҳ ҳам қолиш қистовиға жўнади. Мен шанба, якшанба кунлари ҳам шу ерда туриб, душанба куни Тиловғобилнинг қистовиға бордим. Бунинг қистови истансага ёвиқ темир йўлнинг бўйғинасида эди.

1911 йил 21 март

72

Шаҳарга тушиб нарсаларимни олиб чиқдим. Тиловғобил ўтағаси Шоғир элининг катта-катталарини бир ерга чақириб:

– Миникай оғайнидир! Мин мулда устодим. Бола бир тўғўнинг уси вағда жозилиб қол! – дейди. Шунда 6-7 киши бола беришга сўз беришиб ёзилдилар. 4-5 кундан кейин қистовдан чиқиб, темир йўлдан узокроқ бир кўлнинг бўйиға кўчиб бориб ўтов тикиб олдик. Бир эски чайлага 5-6 бола йиғиб ўкута бошладим. Тилавғобилнинг Абиш деган ўғли қозоқлар учун истанса ёвиқлиғидағи солинған ўрис мактабида ўқиб юрган экан. Отаси май ойида ўқиш ўқитолғандан кейин менда ўқитишға сўз берди.

Бўлислиқ талашиб юрган қолиш овул оқсоқоллариға юрт ўтағасилариға, ўрис амалдорлариға бир минг (1000) сўмдан ортиқроқ пул чочиб, “бўлис бўлолмай қолди.

Бизнинг бу мусулмон халқи тонг (ажойиб) қоладирған бир халқдир. Буларнинг хоҳ ўзбек, хоҳ қозоқ бўлсин, пора (ришват) еб мазахўрак ўрганған қайси кўнгли қора, ярамас бузук кишиларнинг гаплари билан қарздор бўлиб, мол, ҳовли-жойларини гаров қўйиб бўлса ҳам ўлукларини бир пул қилиб, қозилиқ ёки мингбошлиқ амалини талашадирлар. Бу амалларни талашған киши:

– Соққа (шар)ни менинг отимға сол, Худо хайр берсин! – деб ялиниб, бир эликбошиға 50 сўм тутқузса, иккинчиси:

– Менинг отимға ташла! – деб, ундан ортикроқ ёлбориб, 60-70 сўм қистириб кетадир. Палланинг қайси ёғи оғир бўлса, тарозу шул ёққа оғишида сира шубға йўқ; Амалга минолмай қолган шўринг қурғур, неча йилгача қарзларини узолмасдан гаров қўйган нарсаларини ажратиб ололмасдан ўзи оч ҳам бола-чақалари оч-яланғоч бўлиб, йўқсилликда қоладир.

Энди келайлик ўғури (бахти) очилиб амалга минган кишига: давогар (муддаи) кўбрак қистирадирми, жавобгар (муддалалайя) кўбрак қистирадирми? Ул шунга қараб иш қиладир, қайси томон тўғри, ҳақ экани билан иши бўлмас. Унинг ўловича ислом шариатининг буйруқлари ва қонунлари ақчага қараб юрадир. Чунки амал талашган чоғда тилаги пора олиб йиғиб бориш ҳам:

– Мен амалдорман, ҳозир мендан катта одам йўқ, – дегандай қилиб, юрт улуғлари қаторида кеккайиб ўтириш бўладир. Унинг кўнглига:

Мен амалга миндим, энди оёқ остида қолиб эзилган халқимға бир осиф (фойда) еткираман, дейдирган гап, бир дапқир ҳам келиб кетмайдир. Нима фойда бўлса ҳам ўзиға бўлсин, қандай томоқ бўлса ҳам шунинг қорниға кирсин! Кишилар мардикор ишлаб топсалар ҳам тиланчилик қилсалар ҳам пора берсалар бўлди. Ул шўринг қурғурларнинг тортган оғирликлари билан сира иши бўлмайдир.

Бундаги тирикчилигим ҳам узоғи йилги Найман орасидаги тирикчилигимдек ўтиб турмоқдадир. Тиловғобилнинг ўғли ҳам ўрис мактабидан бўшаб келиб ўқиш бошладир. Қайси чокларда, муаллим Убайдуллоҳ Қурмаев афандининг олдиға ҳам Оқмасжидға бориб, чигалимни ёзиб келиб тураман. Биздан узоқдаги (Бўшай)дан тўрт бола келиб ўқумоқ бўлгани учун ўртароққа бир қум тепанинг устига 15 бола сиғишлиқ бир (чайла) тикиб олдик, ҳар кун ҳалиги жойга Тилабғобилнинг ўтовидан чой ичиб бориб, кечқурун қайтиб келар, бориш-келиш уч чақиримча бўлиб жуда чарчар эдим. Чайла икки қўлнинг орасида бўлганликдан кун исиб кетган учун ҳар кун сувга тушар эдим.

Бу йил “Вақт” газетининг адресини Сувлитепа истансасида дўкон очиб, чит сотувчи Назруллоҳ Тежабоев отиға ёзганман, келиб турмоқдадир. Туркиядаги Арновуд жанжали ҳалигача босилмайдир. Истанса теварагидаги йўғон-йўғон катта-катта саксовул оғоч дарахтлари тугаб, ингичкалари қолганидан:

– Кичкиналари каттарак бўлсин, 2-3 йилгача буларнинг бирорта новдасига ҳам қўл тегилмасин, деб ҳукумат олдирмай, кесдирмай қўйгани учун қозоқлар 10-15 чақирим йироқ ерлардан саксовул топиб келтиришга мажбур бўлиб, бу шўринг қурғурларнинг ари излари нортуялари ишлаб минг-минг оғирликлар билан сувлардан қайиқлар билан ўтқизиб олиб келмоқда. Истансада ёғлик паловларни еб аччиқ чойларни ичиб салқин жойларда оёқларини узатиб ётқон хўжайинлар саксовулни туядан ерга тушириб торозуға солиб тортмасдан 14-15 пудлик юкни 7-8 пуд мўлжаллаб ҳам ҳар бир пудиға 4-5 тийиндан берадиган бўлиб, истансанинг бир ерига тўктирмоқда эдилар. Бу ёвош бечоралар ҳам бунга сира жанжал қилмас, ҳеч бўлмаса:

– Хўжайин тортиб кў(қа)райлик, – деб ҳам айта олмас, чунки:

– Бойвачча қопайулса, меним туморим (саксовулим)ни олмайдиғу, – деб кўрқар эдилар.

Темир йўлга повик ўтирған қозоқларнинг ҳорик сигир ҳам туялари ўт арованинг остида қолиб кўп ўлиб турар, буни юргизадирған машинист темир йўлидан тезроқ чиқиб қолгани учун қаро молларни кўп бостира олмаса ҳам ҳар бостирғанида 3-4 дона туяларни югиртириб бир қатарасиға бостириб кетар эди. Бу туя деган жонивор ажойиб бир махлуқ бўлиб ўт арава келиб қолганида бошқа бошқа ҳайвонлардан, четга чиқиб қочишни билмасдан олдиға тушиб қоча берар, раҳм-шафқатсиз машинист узокдан кўра туриб, жўрттага ўт аравани тўхтатмас, туяларни қаеридан тўғри келса шу еридан бостириб, ўтиб кетиб бир оз нари борғанидан кейин тўхтатар эди. Қозоқ бечоралар, кошки бу туяларни енгилгина топған, арзон ақчаға олған бўлса. Ҳар туянинг баҳоси энг ози 70-80 сўм турадир, улкан туянинг эгаси:

– Мен шунинг эгаси бўламан, – деб боролмас, чунки ҳар ўлган туя учун ўлдирған машинистдан тўлатдирмасдан туя эгаси қозоқдан:

– Нимага туянгни бўш қўйдинг, – деб 50 сўм ёзиқ (гуноҳ) ақчаси (штраф) тўлатдирилур эди. Шунинг учун ўт арова остида босилиб ўлган туялар неча кунгача ўлган ерида сасиб ётиб, териларини эгаси бўлмаған бошқа қозоқлар олиб кетар эдилар.

Май бошида тошкентлик Эшонхўжа муаллимга шаҳримизнинг имтиҳонлари қандай ўтганини сўраб, бир битик ёзған эдим, унинг

14 июн тарихли жавоби 18 июнда менинг кўлимга келиб тегди: Мунавварқори ҳам Абдулсолиққориларнинг имтиҳон ўтгандан кейин (Петурбурғ)га жўнатганлигини қурбони ҳайит кунлари 3 сўм ақча, бир битик ҳам бир (табрикнома)ни, Уфа олиясига менинг отимга пўчтадан юборилганлигини, Ҳусайнияда ўқувчи Миркомил шоҳ Карим Абдувоҳид афандиларнинг 20 майда Тошкентга қайтиб, Ҳасан Зиёвой ўғли Темирбурғга кетганлигини ҳам Тошкент муаллимларининг имтиҳонлари қайси кунларда бўлиб ўтганлигини ёзибдир.

1911 йил 11 июн тарихлик 2-битикни 11 июлда Умаркул афанди томонидан олдим. 1910 йил биринчи ноябрдан бошлаб, Хитойтепа бўлис Янгибозор аввалига бир “тузумний ишкўл”⁷⁷ очилиб, шунга мусулмон муаллим бўлганлигини, менинг Олия мадрасасидан чиқиб кетганимни эшитган бўлса ҳам шул чоққача қаерга битик ёзишини билмай юрганлигини, шаҳарга тушганида қозоқ ичида эканлигимни, ёвиқ кунларда Эшонхўжадан эшитиб билганлигимни ҳам 25 июлгача шаҳарда туриб, сўнгра яна янги бозорга чиқиб кетишини билдирган эди.

Икки кунлик орасидаги Янги чайлада икки ярим ой мактаб кутдим. Қирдан ел қулоғиндин кейин бу май болалар келмай қолдилар. Шунинг учун Тиловғобилнинг ўтовига ёвиқроқ бир чайла қуриб олдим. Тиловғобил рамазон ойининг бошларида ўтовини темир йўл бўйига кўчирди; ул бу ерга янги қистов солар эмиш. Август ўрталарида (рамазон ойи ичида) бир мухаммас ёзиб, бир нусха Оринбурғдаги “Шўро” журналига бир нусха Тошкентда чиқадурган Туркистон вилоятининг бошқармасига почтадан юбордим.

14 рамазон, 25 август панжшанба куни Сувлитепага газет олиш учун бориб, Жавсафали Мулдаға учрашиб қолдим, ул қораной бўлсанг, аввалига безнинг мадрасадаги қирғиз ўқувчиларидан Эшонали Араббоев келиб тушганини хабар берди. Бу афанди бултур шул овулға келиб, бола ўқитиб, бу мис (?) билан танишиб қолган экан. Шул чоқда Убайдуллоҳ Қурмаев ҳам келиб қолиб, икковимиз истансадан икки чақирим нарида Қоранойбўлсанг ўтовига бориб, Эшонали Араббоев билан кўришдик. Бунинг бу куз чоғида бу ерга келишдан асил мақсади Алийа қизик, қирғиз ўқувчиларининг 5-10 таси йиғилиб Русия қўл остидаги қозоқ,

⁷⁷ Туземний ишкўл – Туземная школа: рус-тузем мактаби.

киргизларнинг фикрини олиш умиди билан босдирилган 4-5 турлу кичикроқ қозоқча “Рисола” ҳам шеър китобларидан 200 тачасини элга тарқатиш экан (рус менсирлариға). Айтганда мулкин бўлмаган ерда ҳукуматнинг тескарисиға пракламация тарқатгани келибдур, бироқ бунинг бу уйда келиб юриши, Николай тўраларидан яширин бўлса керак, бўлмаса аллақачон элтиб қамаб қўяр эдилар!

Жусуфали мўлда билан Убайдуллоҳ афанди кечкурун овуллариға қайтиб кетиб, мен Араббоев ёнида ётиб қолдим. Эрта чойидан кейин Эшонали қолган китобларини тарқатиб келиш учун ўт арава билан бошқа бир ерга кетмоқчи бўлди. Мен ҳам қайтиб келгунча сотиб қўядирған бўлиб, 5 дона “Тумич”, 5 дона “Урник” деган китобларидан олиб аввалиға кетдим, энди Абдуллоҳ ҳам, мен ҳам элдан ҳақимизни йиға бошладик. Бир панжшанба куни Эшонали Уфаға жўнатишни эшитиб қолиб, истансага келдим, Убайдуллоҳ ҳам келган эди. “Тумич” билан “Урник” китобчаларининг пулини бердик. Қорнай бўлиснинг кичик ўғли Боймуҳаммадни ҳам бирга олиб кетиб, Ҳусайния мадрасасига қўйиб ўтмоқчи экан, икковини ўр аравага солиб жўнадик.

1911 йил 8 сентябр

73

Бу йил деҳқон қозоқларнинг экини яхши эмас эди. Шўрим куриб бу йил ҳам ўқий олмайдирғанга ўхшайдирман! Чунки умр, фитр садақаси олиш у ёғда турсин, келган чоғимда гаплашган 90 сўмға ҳам эга бўлишға кўзим етмайдир. Мана рўза тугаб, ийд намози ўқилган бўлса ҳам ақчамнинг ярмиси қўлимға теккани йўқ! Шундай ҳайронликда турганимда ҳайитнинг 3 куни 13 сентябрда Эшонхўжадан 2-битик олдим. Ул қуйидағича ёзган эди:

– Алҳамдулиллоҳ бунда сиҳат ва саломатлик билан турибмиз, энди жанобингиздан илтимос қилурманки, ийди фитратниг 3-4 кунлари ичида ул ердаги ишларимизни бир тараф қилмоғингизни умид қилурман. Чунки муаллим олмасдан сиз жанобға қараб турибман. Ўшандай ерлардан қиладирған таълим пулингизни ўз ватанингизда қилсангиз ёмон бўлурмиди? “Қўйнидан тўкилса кўнжиға” боқий сўзим келишингизга қўйиб, кўзим йўлингизда ва кўнглим ўзингизда бўлур.

Эшонхўжа дўстингиз.

25-рамазон, 1329 хижрий. 15 сўмдан ойлик олинг, 20 сўм.

Бу битикнинг жавобиға мен қуйидағи гапларни ёзиб юбордим: “Муҳтарам дўстим Эшонхўжа афанди! Саломийла ноҳсондон сўнгра муаллимингиз улғайки, мани ўз мактабингизга чақирибсиз, раҳмат. Бир куни бир кишининг хизматиға кирганда сўзлашиб киришни айб бўлмағанидек, мен ҳам сизнинг хизматингизга кириш учун ушбу бир неча шартларни қўйсам айб бўлмаса керак:

1. Ойиға 20 сўм берурсиз.

2. Бир бош-оёқ кийим қилиб берурсиз.

3. Овқатимни бериб турурсиз.

4. Падари бузриқворингиз мени муридликка таклиф қилмасинлар!

5. Болаларни ўқитиб бўлғанимдан кейин бўш вақтларимда юриш-туришим билан ишингиз бўлмасин!

Мана мазкур шартларимни айганимча қабул қилиб мактуб юборсангиз, мактабларингизга бориб болаларингизни ўқитишиб тураман. Албатта, тезлик билан жавоб ёзингиз, афандим! Мен мактубингизни Перовский (Оқмасжид)да Илҳомжон Муслимжонўфнинг дўконидан кутиб тураман.

(Мактуб тугади)

Рўза ҳайитининг 5-куни Убайдуллоҳ Қурмаев афандини Уфаға узатдим. Муаллимлик ҳақи бермаган 4-5 киши “мана эрта, мана индин” деб кўб алдади. Алдовчилардан биттаси икки истанса нарига қочган эди. Тиловғобилнинг ўзи бориб топиб, 6 сўмни олиб келди. Овулдан 8 чақиримча ерида буғдойини хирмон қилиш баҳонаси билан қочиб ётқон икки қозоқни сўрай-сўрай бориб топиб, ёлиниб-ёлбориб ақчамнинг ярим-ёртисин зўрға олдим, мана шундай қилиб, 90 сўм ўрниға 70 сўм ақча топиб, бундаги таниш билиш, оға-ини бўлиб қолган қозоқ тилдошлар билан “соғбўллашиб” ҳайитнинг 15 ида Оқмасжидға бордим. Илҳомжондан сўраган эдим, Эшонхўжадан ҳалигача бир битик келмаганин билдирди. Ақчам озлиғидан бултур кўб қийнолғаним ва оғирлиқлар тортғаним учун бу йил мадрасага бориш ўйини буткул кўнглимдан чиқариб юборган бўлсам ҳам Ўринбурғға бориб яхши ва кераклик китоблар олиб қайтмоқ фикрида эдим.

Акромжон қори 5-синф (пятий класс) ўт аравага билат олиб туриб, оғриб қолгани учун билатини ярим баҳога менга сотди. Мен юриб кетдим, тўртинчи синф (четвертий класс) ўт аравага уч кунда босадирган йўлни бу менинг тушган ўт аравам бир кеча-кундуз (сутка)да босди. Оқмасжид ҳам Ғазалидек чойхоналик (буфетлик) истансаларда озроқ-озроқ тўхтаб, бошқаларидан сира тўхтамасдан ўтиб кетди. Энди билдимки, бойлари қурғур ўт араларда ҳам султон (императўр)лардек юрур эканлар. Шунинг учун йўқсилларга зулм-жабр қилиш тўғрисида иккиси бирлашган экан. Қисқаси, кеч соат 3 ларда Ўринбурғда Боязидов мусофирхонасига тушдим. Ул бир кеча-кундуз (сутка)га 30 тийин ижара пули олур экан.

1911 йил 29 сентябр

74

Шул мусофирхона (нўмир)да Абвеч Собиров деган бир афанди билан танишдим. Бу Ғазали теварагида(ги) муаллим бўлиб, қозоқ болаларини ўқитиб юрар экан. Ҳусайния мадрасасига қўйиб кетиш учун Абдуллоҳ ҳам Жонлиддин деган қозоқ болаларини ке(л)тириб, мени келмасимдан 3-4 кун бурун киргизиб қўйибдир. Жўнашга ақчаси қолмаган учун Тозомига битик ёзиб, ҳозир шуни кутиб турмоқда экан. Ўзи яхшилиғина ҳам очик фикрликкина кўринди. Буни билан бир оз сўзлашиб бўлиб, бозорга чиқиб, 25 тага ҳар турли китоб, рисоалар ҳам ўзимга кераклик кийимлар олдим. Мадрасага бориб Ҳасан, Миржалил, Абдувоҳид афандилар билан кўришдим. Бизнинг Қоронойбўлсанг ўғли Боймуҳаммад ҳам шунда кўриниб қолди. Эшонли Арабоев қўйиб кетган экан. Ҳасан афанди кеч соат 4 да менинг олдимга келиб-кетишни ваъда қилди. Ҳужрамга қайтиб келдим.

Ваъда қилган чоғида Ҳасан афанди ҳам келиб у ёғдан-буёғдан гаплашиб ўтирдик. Бу афанди Петербурғ шаҳрига борганида кўрган ажойибот ва ғаройиботларини бир-бир гапириб берди: хайвонот боғчалари музей (ажойибхона) ҳам театрлар томонидан янги хомийликда бўлган Масжиди жомеъларни мақтаб тонг (ажойиб) қолдирди. Ўз шаҳардошимиз бўлган бир ўзбек бойининг хизматида бир неча ой туриб бир тийин ҳам ололмаганини ҳам гапириб берди. Ўша бировнинг кучидан фойдаланувчи бойга иковимиз ҳам лаънатлар ўқидик. Бу бир соатча гаплашиб ўтириб

мактабига қайтиб кетди. Аббеч афандининг олдиға ўз ишчидлари Абдуллох, Нажмиддин афандилар Боймуҳаммадни ҳам бирга олиб келдилар. Боймуҳаммад мени кўрган сайин отасини кўргандек суюнар эди. Мен унга:

– Бир хат қилиб бер! Мен акангга элтиб берайин, улар хатингни кўрсалар сени кўргандек бўладилар, – деган эдим ёзиб ке(л)тирмоқчи бўлди. Аббеч афанди бир самовор қайнатиб ичириб, учовини мадрасага жўнатди.

Бунда “Урал” деган оврўпача солинган бир татар мусофирхонаси бор бўлиб, Ўрунбурғ татарлари томонидан унинг остида очилган бир қироатхонаси ҳам бор эди. Унга бир-икки дапқир бориб, газет, журнал ва бир неча янги чиққан рисоалар ўқиб келдим. Унда биттаси ўрисча ва биттаси мусулмонча газет, журналлар учун икки катта устол қўйилган. Русчада чиқадирган русча, татарча, азарбойжонча газет, журналлар, кетма-кет келиб турса ҳам Туркиядан келадирган газет, журналларга мустабид ҳукумот томонидан йўл бекилиб қолибдир. Чунки улардан бирорта кўринмади. Шкафда 200-300 китоб бор эди. Бу қиротхонаға ўрис, татарлардан кўб-кўб кириб, баҳраманд бўлишиб туришган бўлсалар ҳам бизнинг Туркистон ўлкасидан савдо ва бошқа иш учун борган мусулмонларнинг бирортаси кириб, бирорта газетни қўлга олиб кўрганини билмадим. Ҳеч бўлмаганда “Урал” мусофирхонасида тургучи ўзбеклардан ҳам тушмас эди!..

“Вақт” газетининг контурига 5-6 тўда китобни муқова қилдирмоқ учун топширган эдим. Тез битмагани учун кўб тўхтаб қолдим. Ҳасан афандининг долиға 2 дапқир борганимда Абдулвоҳид билан Миржамилларнинг мадрасадан кўнгиллари совиб, Тошкентга қайтмоқчи бўлиб Мунавварқориға битик ёзганларини эшитиб жуда қайғуландим ва кўз олдиларим қоронғуланди. Ҳасан билан бир оз гаплашганимдан кейин мадрасадан қайтиб чиқтим. Ул Тошкентга бир битик ёзиб бермакчи бўлиб қолди. “Вақт” контурига бориб, муқоваланган китобларимни олиб, мусофирхонаға келтирдим. Муаллим Аббосға ҳам Ғазалидан йўл келдилар. Бу менга йўлдош бўлмоқ бўладир.

Хуфтондан кейин бўлди. Ҳасандан битикни олмоқ ҳам ўқишни ташлаб кетмакчи бўлган шаҳардан ўқувчиларга ўз билганимча ўғит бермак бўлиб, яна мадрасага бордим. Кўп ўтмасдан Тошкент ёшларидан Юсуфҳожи келиб қолиб, барчамиз билан кўришди ҳам

ўгит бермак учун Абдулвоҳид билан Миржамолларни четракка чақириб олиб кетди.

Мен кутиб турмасдан Ҳасандан битикни олиб кела бердим. Эртасига муаллим Аббос билан бирга вокзалга чиқиб, Ўринбурғдан жўнадик. Аббос йўлда Ғазалига тушиб қолди. Мен Оқмасжидга қолган нарсаларни тушиб олиб чиқиб, тўғри ўз ховлимга келиб тушдим.

1911 йил 9 ўктябр

75

Уруғ-аймоқларимни кўриб бўлганимдан кейин муаллим Эшонхўжаларни бориб кўрдим. Улар ўзлариға муовин топиб қўйган эканлар. Ҳасанхўжа қори билан Эшонхўжаларнинг қозоқ орасидан ёзган битигимдаги қўйган шартларимға жуда хафа бўлганлиқлари билинди. Бунга хафа бўлмасликлари керак эди! Бироқ фикрлари кўбда очилмаган, бироз туманлироқ ҳали буларнинг димоғларидан эски мутаассиблик иси кетмаганлигидан менга кўбда тоблари йўқ кўринди. Шунинг учун ўзим бир ердан бошқа мактаб очмоқ бўлдим, баъзи ўқувчилар:

– Ойиға 15-20 сўм берайлик, бизга муовин бўлингиз, деган бўлсалар ҳам мен унамадим. Чунки улар менга маслакдош бўлмай хурофот ботқоғидан эндигина бошларини чиқарган эдилар.

14 ўктябрда Бешёғоч даҳасидаги Иноятқори деган ўқитувчининг гапига борган эдим. Шунда Ҳусайния мадрасасида ўқувчи шогирдлардан келган бир битик ўқилди. Битикда мадрасанинг баъзи муаллимларини, баъзи шогирдларини ошларидан 1-2 дапқир чиқиб қолган чўп-хассаларини ёмонлаб сўйланган.

Буларнинг асли касаллари бунда эмиш, бошқа томонда бўлса керак. Ота-она, қариндош-уруғ ҳар кунги ёғлиқ палов ҳам шаҳарларидаги ўйин-кулгиларини соғинган ёки хушёқмаслик (ялқовлик)қа ўрганган ўзбек болалари бўлганлиқларидан ҳар кунги 4-5 сабоқни тайёрлаш, оз ухлаш, тилаган (хоҳлаган) чокларида кўчага чиқолмасликлари жуда оғир ҳам қийин туюлган бўлса керак. Нима бўлса ҳам уларнинг арзимаган нарсаларни баҳона қилиб шундай осифлиқ мадрасадан чиқишга интилишлари, қайғулиқ ва улус воқеалардандир.

Кўкча даҳага қарашлик Тўқли жаллоб маҳалласида Муҳаммад Солиҳ ҳам Аҳмаджон деган қариндошларим, Эшонжон ҳазрат, Убайдуллоҳ соатсоз деган шу маҳалланинг эътиборлик кишиларининг кўмаклари билан эски ташландиқ бир мактабхонани тузатдириб мактаб очмоқчи бўлдим. Бунга маҳалла ақчасидан 5-6 сўм пул бердилар. Шул мағаллалик Муҳсинбек деган текиндан-текинга 2-3 кун овора бўлиб мактабнинг уёқ-буёғини тузатиб, болаларга китоб қўядирған тахталар ясаб бериб, манида хурсанд қилди. Мана энди маҳалланинг 15-20 кишилари йиғилиб келиб мактабнинг очилишига фотиҳа бердилар.

1911 йил 29 ўктябр

76

Бир неча кун биттагина бола келган бўлса ҳам кейинги кунлари 2 тадан 3 тадан келиб, бора-бора 20 тадан ҳам ошиб кетди. Томоқ ўз ёнимдан бўлиб шул мактабхонанинг ёнидаги бир ҳужрасида ётмоқдаман. Бошлаб болаларнинг қайсисига 50 тийин, қайсисига 30 тийин ойлик солғанимдан оғир туйилган учун кейинги ойларда 30 тийиндан оширмадим. Эшонжон ҳазрат қўймаған учун Лутфиллоҳ деган этик, махси тикувчи бир косиб ўртоғини ҳар кун хуфтондан кейин Кўкча дарвозасида бўлған ҳовлисига бориб ўқитиб келаман. Шайхонтоҳур даҳасига қарашлик Оқмасжид маҳаллада Уфа сабоқдошларимдан Жалилбойчўрин бир бойнинг уйида 2-3 боласини ўқитмоқда бўлғанин эшитиб, бир кун бориб кўриб келдим. 1-2 кундан кейин ўзи ҳам менинг мактабимга келиб мазкур хўжайинидан шикоят қилди. Айтғанига қарағанда, хўжайини кечаси юриб қайтиб келишга сира рухсат бермас ва ойлиғини 8 сўмдан оширмас экан. Бу тўғрида кўрган қийноқларини бир-бир айтди. Ойлиғи бундан ортиқроқ бошқа бир ўрин топилса, ул бойникини ташлаб чиқмакчи бўлдилар.

Менга шул маҳалладан ҳам кечаси ўқувчи 1-2 йигит топилди. Булар ойиға 1 сўмдан ойлик тўлайдирған бўлиб, кеч оқшомдан кейин чиқиб ўқишга бошладилар. Шундай бўлса ҳам уста Лутфиллоҳни бир ой қатнаб ўқитдим. Энди бориб келиш жуда оғир бўлди. Шунинг учун Эшонжон ҳазрат билан кенгашиб, ҳалиги сабоқдошим Жалилбойчўрини уста Лутфиллоҳға уйида туриб ўқитадирған муаллим қилиб қўйдим. Ул бунга ҳар ой 15 сўмдан

берадирган бўлди. Ҳар кун ҳазратни ҳам муридларидан бекитиб, 2 соат ўрисча ўқитиб кетадир.

Татарларнинг донғлиқ ашулачиларидан Камилулмутиъи Русиядан келиб, 2 даққир концерт берди ҳам 2 даққир татарча театр бўлиб ўтди. Биттасида Жалил сабоқдошим ашула айтди (жирлади, бироқ, бунга ўзбекларнинг кўплари тушунмадилар).

Бизнинг халқ театрнинг элнинг кўзини очиш учун ўйинни тушунмас, ўйин – айш, шуҳрат деб ўйлар эдилар. Театр ўйналганда артистларни ҳар турли сўкишлар билан сўкиб ўтирсалар ҳам танца вақти (қизлар билан йигитлар қўл ушлашиб айланишиб ўйнаш) бошлангандан кейин жуда аламга сиғмай кетди, суйинганларидан ўзларининг ким эканликларини унутар эдилар!..

Бизнинг Олия ўқувчиларидан бир нечалари шахримизга ва шаҳар тевараги(даги) қишлоқ-овулларига келиб ўринлашган эдилар. Абдурахмон ҳам Мухтор деганлар “Пиёнбозор” (Воскиринский)даги татар масжидида муаллим бўлиб, Бекбўлат Пискент қишлоғининг тевараги – Қурамада бола ўқитар эди. Бу чоғда татар муаллимларининг бизга араллашиб боболаримизни ўқитишларига ҳукуматнинг расмий рухсати йўқ эди.

Ҳозир бизда янги усул бир неча босқич мактаби ўнтача бор бўлиб, иккинчи босқич мактаб (Рушдий) йўқдир. Ўрта мактаб (адади)нинг ўзи у ёғда турсун оти ҳам эшитилмаган. Бир неча босқичларга яқинроқ бўлмаса ҳам, бизнинг ўзбек мулла акаларидан ўртачароқ ўқитувчилар топилиб қоладир, аммо иккинчи босқич билан ўрта мактабга икки қўлга кундузи электр фонарлар олиб юриб изланса ҳам, мунтазам прўғрам билан ўқутадираган киши топилмас эди. Татарлардан Рушдий, Ададий мактабларига ярайдираган муаллимларини топиш мумкин бўлса ҳам бироқ золим ҳукумат томонидан:

– Татарлар, қозоқ ва сарт болаларини ўқута олмаслар! – деган буйруқ чиқиб қолиб, эндигина кўзи очилиб келаётган Ўрта Осиё халқларининг тарвузини қўлтиғидан тушуриб қўйди. Агарда шул бир неча босқич мактаб маълумоти билан болаларимиз қола берса, вой, бизнинг ҳолимизга!..

Бизнинг бойлар тўйларга, базмларга, бошқа ўйин-кулгуларга, қайси бир охиратчилари масжид, мадрасаларга ақчаларини кўп чиқарсалар ҳам халқнинг болалари ўқиб озиқлансин деб бир дона ҳам янги тартибли мактаб солмаган эдилар. Бечора ўзбек

Ўқувчилари ҳар кимнинг эски-туски меҳмонхоналарида, қайсилари қулашга яқин келган мактабларда минг-минг оғирликлар тортиб ўқитмоқда эдилар. Бу инсофсиз бойлар бу тўғрида бориб турган хасис, бориб турган тушунмас мумсик бўлиб, Туркистон ўлкасидаги эзилган халқларни билимсизликдан чиқаришга бир тийин ҳам чиқим қилмас эдилар.

Шул чоқда Татаристон, Озарбойжон турклари биздан бурун кўз очиб, бойларнинг ҳиммати билан янги мактаблар, янги ўрта, юқори (олий) мадрасалар солиб, минг-минг халқ болаларини кўзларин Оврўпа билимлари билан очмоқда эдилар. Уфа шаҳрида Олия, Усмония, Қозон шаҳрида Муҳаммадия, Оренбургда Хусайня, Кафказда биз отини билмаган яна қанча мактаблар, мадрасалар кўб эди. Ул янги мадрасаларни солмоқ учун юз минглаб, миллионлаб ақчалар кетган. Николайнинг тўралари, чиновликлари олдида неча дапқир сўроқлар берилган эди. Улар киши бўлганда, бизнинг бойлар киши эмас эдими? Улар инсофли, ҳимматли бўлганда, бизнинг бойларда у нарсадан йўқ эдими? Абдували ҳожи, Тўхтажон бойваччаларни: “Олий ҳиммат мадраса солган” деб мақтайдирлар. Улар бирор дона янги тартибли мактаб солдиларми? Бу ишларнинг барчаси тушунмасликдан, дини мутаассиблик (фанатиклик) ва эски фикрликдан келадир.

Олмаота (Верний)да ўрис муллаларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда:

– Татарлар, қозоқлар билан сарт болаларини ўқутилмасин! Ўқимишли татарларга Туркистон ўлкасида туриш учун йўл кўймаслик керак! Чунки улар сарт, қозоқларга билим тарқатиб, кўзларини ва фикрларини очадирлар. Сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайдир. Иккинчи янги тартиб билан ўқитувчи муаллимлар, прўграммлари, ўқитадурған китобларини кимларнинг асари эканлигин инспектўрларга ёзиб кўрсатмагунча бола йиғиб ўқитолмайдилар! – деб қарор бердилар. Шунинг учун болаларимга ўқутадираған китобларимнинг отларини, мактаб прўграммини ўрисчага таржима қилдириб, шаҳар инспектўрига топширдим. Шул чоқда бўлиб турған тўйлар ва ўлук ошлар ҳам қизиқ эди.

1. Ўлук ошлар

Ўлган киши гўрга кўмилиб, тўртинчи кунда “етти” деган ош қилиниб бу – хотинларга бериладилар. Қариндош ҳам маҳалла

хотинлари бўлиб, энг ози 20-30 та йиғилиб, барчалари гувалашиб йиғлаб ўлган кишини эсга тушурадилар. Хотин бошига 7 донадан нон, бир лагандан ош тегадир. Бунга сира кетмаганда 15 сўм чиқим бўладир. Бундан 15 кунга ўтгандан кейин “йигирма” деган ош қилиниб, бу – эркакларга бериладир. Бир катта қозонда ош дамлаб ўз маҳалласидан кўпроқ ва бошқа 10-15 маҳалланинг ҳар биридан 20-30 кишини битик билан чақириладир. Бунга 50-60 сўм ақча кетадир. Ўлган чокдан 35 кунга ўтганда “қирқ” деган ош берилиб, унга ҳам 50-60 чиқим бўладир. Ўлган кишининг кўмилган чоғидан “йигирма” ошиғача, ҳар якшанба, панжшанба кунлари 2-3 сўм чиқим билан 2-3 лаган ош қилиб маҳалладан 5-6 кишини чақирилиб туриладир. Бир йил тўлганда юз сўмга чиқим қилиб, “йил оши” берадирлар. Шунинг билан катта худойи (маърака – ўлук ош)лар тугайдир. Шул бир йилнинг ичида хотинларнинг ҳам қиладирган худойилари анчагина бор бўлиб, кўклам турли гуллардан ёки лолалардан бир газча келадирган ёғочга териб, ош, нон қилиб, ҳалиги гулни қабристонга элтиб, йиғлаша-йиғлаша ўлган кишининг гўри устига санчадирлар. Бунинг отини “гул” деб атайдирлар. Боққа кўчганда “қаъда” оши қилиб, 50-60 хотинни йиғадирлар. Бунга ҳам анча чиқим бўладир. Бундан бошқа “қовун-узум” деган бир худойилари бор бўлиб, қовун, узумлари пишган чокда, бу ҳам хотинларга бериладир. Бунинг устига хотинлар, бир ойда, ярим ойда, бир дапқир, 4-5 тадан бўлиб, ўлган кишининг гўри устига холвайтар қилиб кулчалар пишириб йиғлаб, йўқлаб бориб турадирлар. Олиб борган нарсаларининг ҳузурини мозордаги гўрковлар ва гўристон қорихонасидаги қарилар кўрадир.

2. Ўғил (хатна) тўйи

Бойлиғи каттароқ кишиларнинг ўғил тўйлари 3-4 кун, балки бир ҳафтага чўзилиб, ҳар кун 2 қозон – 3 қозон ош берилур. Қозон қурилган куни юзтача хотин йиғилиб “хотин оши”, қизларни чақириб “қиз оши” бериладир. Шул кун кечқурун маҳалла ҳам бошқа ерлардан юртнинг катталари ва ишбилармонларидан 15-20 тачаси чақирилиб “кенгаш оши” берилиб маҳалла-маҳалладан киши ёздириладир. Ҳар кун 50-60 маҳалланинг ҳар биридан 20-30 киши ёзилиб, даъватномалар тарқатиладир. Эртага бериладиган ошга лойик: сабзи, пиёз, ёғлар тўғралиб, тайёрланиб қуйиладир. Тонг отишдан бурунроқ ошпазлар ўринларидан туриб, эрта намоз

чоғиғача ошни дамлаб кўядирлар. Эрта намози ўқилиб чиқилгандан кейин маҳалланинг катта-кичиклари ёш болалариғача қолмасдан ялпи кирадирлар. Ҳар кишига катта-кичиклик 4 турли нон, ҳар 2-3 кишига бир лагандан ош ва ёш болаларға 2 дона, бир донадан майда нон тортиладир. Ўз маҳалла кишилари чиқиб кетгандан кейин бошқа маҳаллалардан “Ироқ ёви” (Йироқ ёви) келиб, ош еб кета бошлайдилар. Ҳар маҳалланинг имом домласи ҳам оти чиққан бообрў кишиларига чопон кийғизилиб юбориладир. Домла имомлар билан мударрисларга берилган тўн бир сўм, бир сўм тиллалик тийиндан ошмаса ҳам қози, мингбошиларники 4-5 сўмлик бўладир. Тўй кунлари эртадан соат 10-11 ларгача том бошида ноғора ҳам сурнайлар чалиниб турадир. 2-3 йиллардан бери, қайси катта жойларда дутор, танбур, ғижжаклар чалдирилиб, ашулачиларга ашулалар айттириш одат бўлди. Даъватномалар ҳам конвертларга солиниб юбориладир.

Мана шундай бир минг (1000) сўмдан ортиқроқ чиқимлар, исрофлар билан бой болаларини кесдирадирлар. Сира таполмағон киши 60-70 сўм чиқим қиладир. Бўлмаса халқнинг сўзидан – таънасидан бош кўтариб юролмайдир.

3. Қиз (келин - куёв) тўйи

Бир киши ўғлини уйлантирадирған бўлса, бошлаб 2-3 хотинлардан ҳар ёққа юбориб қиз излатадир. Улар ҳам эшикдан-эшикка, маҳалладан-маҳаллага бир неча кун юриб, энг кейин бир қизни ёқтирадирлар. Сўнгра йигит томон 1-2 тўққиз патир нон ҳам бошқа 2-3 турли мевалардан олиб кўшиб, 2-3 хотинни қизнинг уйига юборадир. Борған хотинлар рўмол ўраб келадиладирлар. Бунинг отини “патир ушатар” дейиладир. Орада кўп ўтмасдан қизнинг уйига йигит томондан 3-4 киши борадир. Қизнинг отаси борған кишиларни яхши зиёфат қиладир. Сўнгра ўз томонидан 1-2 кишини қудалар билан гапириш учун вакил сайлайдир. Қизнинг вакиллари бир неча юз сўм пул, 1-2 тўққиз кўй, бир от, ғалланинг ҳар турлисидан (гурч, буғдой ҳам бошқа донлардан) 2-3 ботмондан 1-2 качавада ҳолва, 400-500 кишига етарлик магиз, нон сўрайдиладирлар. Икки томон бир оз тортишиб бир қарорға келганларидан кейин қизнинг отаси меҳмонларға ош едириб ҳам бир-бир чопон кийгизиб жўнатадир. Бунинг отини “олиқ-солиқ” деядиладирлар. Сўнгра йигит томон бир кичикроқ қозонда ош дамлаб,

унинг ёнига 20-30 кишига етарлик ҳолва, магиз, нон қўшиб бир аравага ортиб, қизнинг уйига юборадир. Бунда қизнинг отасига бериладирган 50 дан 100 сўмгача ақчаси ҳам бўладир. Буни “кичик тўй” дейдилар. Эртасига қизниқидан йигитниқига ҳалигидек ош келадир. Буни “қозон қайтариш” дейиладир. Қизнинг отаси:

– Катта тўйни фалон чоқда қиламиз! – деб вақт белгиламагунча куёв уйдан қизниқига ҳар якшанба, ҳар панжшанба кунлари бир баркаш ош, бир рўмол кулча бориб турадир.

Катта тўй бўлишидан бир кун-икки кун бурун куёв билан қиз томоннинг ҳар бири қариндош-уруғ, узоқ-яқин, билиш, таниш, ўртоқлар, ҳам маҳалла кишиларини тўйга хабар қиладилар. Тўй куни соат бирларда куёвниқидан қизниқига бир неча аравада ҳар турли ғалла, ҳолва, магиз, нон, кўрпа, кўрпача ҳам ёстиқлар ортилиб юбориладир. Буларнинг олдиларида қўй, сўқимлар, 20-30 патнусларда турли мевалар кўтарган болалар кетадилар. Буларнинг орқасидан маҳалланинг бир юз, икки юз кишилари, куёвнинг қариндош уруғлари, билиш-танишлари борадилар. Тўёнани кўпроқ берган қариндош, ошналарга, обрўлик кишиларга ҳам бойларга кийизмак учун 20-30 тўн олиб бориладир. Давлати яхшироқ бўлса, қиз томони ҳам анчагина тўн тайёрлаб қўядир. Шул борган араваларнинг биттасида қизнинг бош оёқ кийими (сарупоси)ни ҳам бир хотин олиб борадир. Кишиларнинг олдиға дастурхон ёзилиб, ўғил тўйларда тортилганидек катта-кичиклик нон тортиладир. Бунда ёлғиз холваси билан магизигина ортиқча бўладир. Икки кишига, уч кишига бир лагандан ош тортилиб бунга фотиха ўқилиб турилгандан кейин, икки томондан тўн кийғизиш бошланадир. Куёв ёғи келин ёғига, келин ёғи куёв ёғига кийғизишадилар. Чопонларнинг ичида 6-7 сўмликдан 1 сўмликқача бор бўлиб, тўй тугагандан кейин, барча киши тарқаладилар. Кечқурунроқ қиз томонидан куёвнинг уйига махси ковуш, кўйлак, иштон, икки-уч қисқа, узун камзурлар, тўппи, ипак, белбоғ, куёвнинг ота, она, оға, ини, опа ҳам сингиллари учун ҳам турли кийимлар келадир. Куёв ўз кийимини кийиб олиб, шул кечаси ўзининг ўртоқларидан 15-20 тачасини чақириб, чолғучилар кетириб, норин билан бир кичик зиёфат қилиб берадир. Бунинг оти “сарупо базм” бўлиб бунга ҳам 20-30 сўм чиқим бўладир.

Бир ھاфта-икки ھاфта ёки 1-2 ой ўтгандан кейин, қиз томони “никоҳ” бўлишга рухсат берадир. Куёв ўзига ёшдош бўлган бир йигитни ёнига олиб:

– Бугун кечаси базмга, эрта кечкурун никоҳга бизнинг ҳовлига марҳамат қиламиз! – деб бурунгидек хабар қиладир. Шул кун кечаси 200-300 киши йиғиладир. Базмга бир киши келса ҳам, икки киши келса ҳам, ҳар бирига патнусга тўрт бозори нон ҳам бир қоп магиз солиб тортилиб туриладир. Келган кишилар 2-3 уй, 1-2 айвонга тўладирлар. Бунда ҳам дутор, танбурчилар келиб, уйдан-уйга, айвондан-айвонга юриб, келган қувноқларга ҳар турли ашулалар билан машқ қилиб бериб турадирлар. Қишнинг узок кечалари соат 12, балки соат 1-2 ларгача ўтириш бўлиб, сўнгра ош еб тарқаладирлар. Бунинг оти “никоҳ базм”дир. Бунга ҳам 60-70 сўмдан кам кетмайдир (бундан тўрт-беш йил бурун Николай ҳукумати “бачча”лар ўйнатиб қилинадирган базмларни қатоған қилган эди. Базм баччалик бўлганда ноғорачи, сурнайчи, чирмандакашлар, яъна қанча одамлар билан ҳалиги чиқимга яна 2-3 баробар ортиқ кетар эди) эртасига маҳалланинг ўрта ёшлик ҳам чоллари 15 тача киши бўлиб, қизниқига бурунроқ бориб ош ейдирлар, сўнгра олдида карнай-сурнайлар чалдириб, 40-50 йигит билан куёв борадир. Қори оқсоқоллар ош еб, нон олиб чиққанларидан кейин, йигитлар кириб ош ейдирлар. Шул чоқда куёв томонидан бир киши йигитларга бир донадан ёвлик (дастрёмол) ҳам қайсиларига бир парчадан чит улашадир. Фотиҳа қилиб ўрнидан турилгандан кейин, ичкаридан бир хотин, бир сават ёки бир патнусга бир зарварақ тўн, бир кавиш, бир махси ҳам бир каттагина салла қўйиб чиқориб берадир. Буларни олиб чиқувчи хотинга бир оз ақча бериб оладирлар. Куёвга махси билан кавишни кийгизмасалар ҳам, зарварақ тўнни кийгизиб саллани ўратадирлар. Сўнгра йигитлар куёвни ўртага олиб имом домланинг тўғрисиға бориб, қатор – ғуж бўлиб турадирлар.

Куёв томонидан вакил бўлган бир киши билан қиз ёғидан вакил бўлган бир киши, қизнинг маҳри тўғрисида гаплашиб бир қарорға келади. Маҳр кўпинча қуйидағича солинадир: куёвнинг боғи бўлса, бир-икки ишкам боғ, ери бўлса, бир-икки таноб ер, бир сигир, бузоғи билан тўққиз ёғчилик уй, ун, бир ёғочлик айвон ҳам уй асбоблари сўнгра имом никоҳ хутбасини форсий тили билан ўқуй бошлайдилар:

– Бас, бафармони Худованди жиҳон ва холиқи кавну макон ва мураббийи аламиён... – деб ўқиб бир ерга келадир-да, қизнинг вакилига қараб:

– Додидаш базани – дейдир. Бунга вакил хам:

– Додимаш базани? – деб жавоб қайтарадир Имом яна бир оз ўқиб, йигитларнинг орасида бўйнин эгиб кўринмасдан турган куёвга қараб:

– ... Бинти ...ро, хастиди ва қабул кардидаш базани? – деб жавоб кутади. Куёв уялиб, бир неча иккинчи сўроқларга жавоб қайтармасдан тик тургани учун домла имом хам 2-3 қайтариб сўрашга мажбур бўладир. Учинчи дапқир сўролганда зўрға, секингина:

– Хастам базани – деб қайтарадир. Шунинг билан никоҳ тугаб, куёвлар карнай, сурнайлар чалдириб, ўз уйларига яна қайтиб кетадилар.

Шул кун хуфтондан кейин 2-3 арава хотинлар келинни куёвнинг уйига олиб борадилар. У ерга етгунча 2-3 ерда шўх йигитлар:

– Келин келяпти, бир нарсасини олиб қоламиз! – деб арқонлар билан йўл тўсадилар ҳам келинларнинг бир-икки рўмолларини олиб қоладилар, баъзи жойларда аравакашлар, шундай тўсқин арқонларга от солдириб қийқирик билан ўтиб кетишадир. Куёвнинг эшигига бориб етгач, хотинлар арвалардан тушиб, келинни ўрталарига олиб бошларига туташ бир чодар (фалак кўрпа) ёпиб туришадир. Яллачилар (ўйинчи хотинлар) чиқиб, келин чодарининг олдига тушиб, ашулалар айтиб ҳам чирмандаларини чалиб ичкари ҳовлига олиб кирадилар, дарров ўртага бир неча боғ қамиш ҳам қовройлар⁷⁸ ёқилиб, теварагида ҳалиги яллачилар ўйин бошлашадир. Буларнинг 1-2 таси чирманда чалиб ашула айтади, ёшроқ ҳам чиройлироқ бир яллачи хотин икки енгини ташлаб, ўртага тушиб олов теварагида айланиб ўйнайдир. Тўйга йиғилган ва томоша қилиб турган хотинлар, ўйинчи хотиннинг бошидан пул ўгириб – ҳаводар қилиб турадилар. Бу ўйин 1-2 соат чўзилиб яллачиларга 15-20 сўм тушиб тугайдир. Сўнгра келинни шул чодарнинг ичида турган холда уйга олиб кирадилар. Бу уйнинг бир бурчагига гўшанга тортилган бўлиб, қиз томондан келган хотинлар қуйида куёв

⁷⁸ Қоврой – ўсимликлар пояларидан тайёрланган ўтин боғи.

томоннинг хотинлари хотинлари тўрда туриб, икки томондан икки кучлик хотин олдинга тушиб, бошқалари орқага тизилиб, бир-бирларини бел ва этакларидан маҳкам ушлашиб икки томонга тортишадирлар. Бунинг отини “тортишмачок” дейиладир (Хотинларнинг ўз эътиқодларига қайси тамон олдиндаги хотинни шул тортишмачокда зўр чиқиб тортиб олса, шул тамон ютган бўлур – агар келин тамон зўр бўлса, ул эрини қулдек қилиб олиб, ҳар бир буйруғига кўндурур, куёв тамон зўр бўлса, хотинни умри бўйича чўридек уриб-сўкиб ишлотур эмиш!..)

Куёв йўлакда ўтириб келган йигитларни хайрлашиб жўнатиб турадир. Йигитларнинг ҳар қайсиси куёвнинг қўлига 3 сўм, 2 сўм, 1,5 сўм, 1 сўм ақчаларни енг учида қистириб кетаберадир. Куёв 5-6 кўнгил тортар ўртоқлари билан қоладир. Бир оздан кейин келин билан бирга келган хотинлар, йигитларга чопон ҳам тўппилар чиқариб, куёвни улардан сўратиб оладирлар. Куёвнинг яқин қариндошларидан бир хотин (куёв янгаси) чиқиб, куёвнинг бошига бир чакмон ёпинтириб келинлик уйига олиб кирадир. Хотинлар гўшанга билан чодарни бир-бирисига туташтириб кўтариб турадирлар. Куёв чодарнинг ичи билан келиб, келинни кучоқлаб кўтариб, тўрға олиб қочадур. Энди хотинларға патнисларда нон, қанд ҳам ошлар тортиладир. Яллачилар куёв, келин ҳам уйда ўтирған хотинларни мақтаб ашула айтиб анчагина пул тушурадирлар. Тонг отишдан бир оз бурун куёв янгаси билан келин янгаси янги тўшак, янги кўрпа, кўрпачалар солиб, куёв билан келинни бир-бирига ётқизадирлар. Шул кеча энг оз деганда куёвдан 10-15 сўм кетадир. Куёв эрта намоз чоғидан озгина бурун келиннинг олдидан ташқариға чиқадир. Тўшракда⁷⁹ ташқарида бир қозон ош дамланиб, ҳар бир хотинға бир лагандан ош, етти донадан нон тортилиб, шунинг билан хотинлар жўнайдиради. Келиннинг яқинларидан 2-3 хотин келин ёнида қолиб, 2-3 кунни ўтқизиб кетади.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтқизиб куёвнинг қайнотаси (қизнинг отаси) кўб кишилар билан куёвни икки дапқир чақириб катта зиёфат қиладир. Бунинг бир нечасини “катта чарлар”, иккинчисини “кичик чарлар” ёки “юз кўрсатар” деядиради. Бир нечаси катта тўйдек бўлиб ўтса ҳам, кейингисига куёв 20-30 йигит билан кечаси бориш одат бўлиб қолған. Бунда норин, бошқа турли қўйиқ-суйиқ

⁷⁹ Тўшракда – этакроқда.

томоқлар, турли мевалар билан зиёфат қилинадир. Ўшал куни анча хотинлар билан келин ҳам чақирилган бўладир. Жўнар олдида куёв, келиннинг ҳовлисига кириб, қайнонаси ҳам келинга яқин қариндош бўлган бошқа бир неча хотинлар билан кўришиб (ҳаммасига юзини кўрсатиб) чиқиб, бирга келишган йигитлари билан ўз ҳовлисига қайтиб кетадир. Бундан кейин икки қуда, бир-бирисининг уйига бемалол, бориш-келиш қилиша берадирлар. Шу “чарлар” деган зиёфат бўлиб ўтмоғунча борди-келди мумкин бўлмайди.

Бу юқорида тартиби гапирилиб ўтган тўйлар бойлиғи ўртароқ бўлган кишиларники бўлиб, давлати, бойлиғи ортиқроқ кишилар, энг ози бир минг-икки мингсиз ўғил уйлантира ва қиз чиқара олмайди. Бу тўйларга энг йўқсил киши, сира бўлмоғанда икки юз сўм чиқим қилади. Шундай бўлса ҳам бизнинг Туркистон ўлкасидаги мусулмонлар бир-биридан ошириб тўй қилишга интилганлари- интилганлар. Шунинг учун кўб болалар 12-13 ёшларга борғунча кесдирилмасдан ҳам кўб йигитлар 30-40 ёшларга киргунча уйланолмастан қоладирлар. Кундан-кунга бу расм бу одат ҳам бу исрофлар тараққий топмоқда. Мактаб, мадрасалар вайронликка қараб юз тутмакдадир!..

Бир турк шоири дейди:

*Эй ҳақиқат, кўрунги инсонлар
Англасинлар надир сафойи ҳаёт.
Ихтифо айладикча, сен бўйла,
Биз жадалсиз яшармийиз ҳайҳот?!*

1912 йил, январ

77

Май ойининг бошроғида пристўф Мачаловдан бир чақирик қоғоз (повеска) келиб, унинг кўкча даҳа Хонақоҳ маҳалласидаги маҳкамасига бордим. Ул:

– Сиз ўзингиз қаерлик, исмингиз нима? Шогирдингиз қанча? Болаларингизни янги тартиб билан ўқитмоқчи бўлган экансиз, мактабингизнинг иморати қандай? Парта ҳам доскаларингиз борми? – деб кўб айлангириб сўради. Мен унга ўзим шул Тошкентнинг ўзбекларидан бўлиб, болаларни янги тартиб (усули жаид) билан ўқитмоқчи бўлганимнинг тўғрилиғини, мактаб ҳам

мактабнинг тақта ва қора тақталари ҳозир тартибсизроқ бўлса ҳам, кейинроқ тузатиб беришга ният қилиб юрган маҳалла кишиларидан борлиғини бир-бир гапирдим. Сўнгра пристуф:

– Эрта-индин ўзим бориб мактабингизни кўраман, – деб мени жўнатди, бир неча кун ўтиб 8 майда бир ерга имтиҳон кўргали кетган эдим. Пристўф мактабимга келиб:

– Эски ҳам йиқилишга яқин келибдир, буни бузиб тузамасангиз бўлмайдир. Мактабдор домлангиз эртага менинг олдимга борсин! – деб эллиқбоши ҳам маҳалланинг бир неча кишиларига айтиб кетибдир. Бу гапни эшитиб 9 майда Пристўф маҳкамасига яна бордим. Ул ёнига чақириб:

– Мулла! Кеча мен мактабингизга борган эдим, иморатлари йиқиладирган бўлиб қолган экан, ҳозир бошқа тузукроқ жой топиб кўчиб чиқингиз. Сўнгра ариза берсангиз мен жойингизни бориб кўриб инспекторга билдираман, ул албатта ўқитишга рухсат берса керак, – деб мактабимнинг шул баҳона билан ёпиб қўймоқ учун қанча макр хийлалар ишлатиб, бир қоғозга қўлимни қўйдириб олиб, мени жўнатиб юборди. У ердан жуда хафа бўлиб мактабимга қайтиб келиб:

– Ҳозир мени пристўф чақириб, сизларни иморати тузукроқ бошқа уйга олиб чиқиб ўқитишга буюрди. Мен бир жой топғунумча, сизлар, уй-уйларингизга бориб тулинг, ўзим чақириб оламан! – деб, шогирдларимга жавоб бердим. Улар ҳам йиғлай-йиғлай, тамом хафалиқ билан уйларига қайтиб кетдилар. Сўнгра маҳалланинг бир неча кишиларига учраган эдим, бошқа жой топиб беришга уларнинг кўбда кўнгли бўлмади. Шунинг билан мактаби очилмайдирган бўлиб, эртасига Хонақоҳ маҳалласида Абдушшаҳид деган муаллим бир ўртоғимнинг уйига бориб, бирга тура бошладим.

1912 йил 10 май

Абдушшаҳид афанди икковимиз турли-турли янги чиққан рисола, журнал ҳам газеталарни мутолаа қилиб, фикрларимизни юқорилатар эдик. Бу ўртоғим масжидга имом бўлса ҳам очик фикрликкина бир йигит бўлиб, ҳижоб (хотинларнинг паранжи, чашмбанд билан юришлари)дан бошқасига мутаассиблик қилмас, усмонли турклари тилида ёзилган китоб ҳам журналларни ёқтириб,

тушуниб, жуда ихлос билан ўқиғани-ўқиған эди. Бу йил қиши билан шогирдларини укаси Абдурашидга топширған. Менга:

– Бир жой топғонингизгача бизнинг шул меҳмонхонада тура беринг, овқатингиз бизга бемалол, – деб менинг кўнглимни юпатар эди. Бир неча кундан кейин уфалиқ Шафиъуллоҳ сабоқдошим Тўқлижаллоб маҳалласидаги эшон ҳазратнинг уйларига мени излаб келиб, тополмасдан қайтиб кетганини эшитиб, Шайховантоҳурға бориб, уни Мунаввар қорининг мактабидан топдим, эшон-соғлиқ сўрашғандан кейин Аъзамхон домланинг мактабига келдик. Соат бирдан кейин Низом қорининг мактабига келиб, имтиҳон кўрдик. Болаларнинг имтиҳони тугагандан кейин Шафиъуллоҳ бир нутқ сўзламоқчи бўлған эди, Низом қори ҳукуматдан кўрқиб рухсат бермади. Ундан чиқиб Абдушшаҳид афандининг ҳовлисига олиб келдим. Уйқу келгунча гаплашиб ўтирдик. Бу афанди чамадон ҳам бошқа нарсаларни вокзалға қўйиб тушган ва Тошкентга келганига 2-3 кун бўлған экан. Бунинг тилаги муаллим бўлмоқдир, ул ўрин топилмаса, чорасизликдан пиркашлик ўрин изламоқчи (кошки эди, халқимизда мутаассиблик камрак бўлиб, қисқа камзур, шим, ботинкалардан чўчимаса, ҳукумат ўқитишиға ҳам рухсат берса, уни бир тартибли мактабга жойлаштириб қўяр эдим ва элнинг қанча боласи дунё илмларидан баҳра олар эди!..). Тошкентда турушга ўрин топилмағани сабабли эртасига вокзалға чиқиб кетди. Май числасининг 25 кунни Хитойтепа бўлиси Янгибозор овулидағи “Русский туземный” мактабининг мусулмонча муаллими Умар Аноркул ўғлининг жойиға чиқиб бордим. Янги олған татар хотини билан айиқнабойи ўхшаш хотинини мендан қочирди, кўрсатмади. Бу ернинг мактаби ҳозир ёз чоғи бўлиб, ёпилғани учун 2-3 қозоқ болаларини хусусий суратда ўқитмоқда бўлиб бўш турса ҳам таҳсил чоғида оладурған 25 сўм ойлиғини ҳар ойда олиб турар, ўзи хурсанд ва тирикчилиги кенгчилик билан ўтар экан. Бу афанди қўймаған учун ул ерда 2-3 кун туриб сўнгра Паркент, Заркент қишлоқлариға бориб, беш олти кун туриб яна Умаркулнинг уйига қайтиб келди. Бунда бир кеча кўниб, шаҳарга қараб жўнаб, Абдушшаҳид афандининг ҳовлисиға келиб, яна шу ерда тура бошладим.

1912 йил 5 июн

10 июнда янги шаҳар (новий гўрид)нинг подшоҳлик боғчасига томоша учун чиққан эдим, бунда Бекбўлат афанди Солиев кўриниб қолди. Кўришиб, ҳол-аҳвол ва эсон-соғлиқ сўрашгандан кейин боғчадаги бир қартинага кириб чиқдик. Мана элтиб Қашқар маҳалласидаги турадиған ҳужрасини кўрсатди. Мен эски шаҳарга қайтиб келдим. 16 июнда кечқурун Абдушшаҳид афандининг 17 июнда бўладурған мактаб имтиҳониға Бекбўлатни олиб тушдим. Кечаси гаплашиб ётиб эртасига бир соат миқдори имтиҳонни кўргандан кейин янги шаҳарга қайтиб чиқиб кетди. Бир неча кундан бери Мулла Камий тахаллуслиқ Каримбек шоир билан Авлиё отаға бориб келишға ваъдалашиб юрган эдик. Шу куни кечқурун йўл юриш (сафар) асбобларини тайёрлаб икковимиз турма тагида бўлган бир карвон саройға чиқдик. У ердан бир хахўлнинг аравасини Чимкентгача 3 сўмға кира қилдикда, шул кун намозшомдан кейин жўнаб кетдик.

1912 йил 17 июн

78

Бизнинг бу минган аравамиз “Биручка” деган узун бир арава бўлиб, турлик темир-терсаклар ортилған. Биз шуларнинг устига ўринлашған эдик. Кундузи ҳаво жуда иссиқ бўлиб, йўл юриш оғир бўлған учун аравакашимиз кечаси ухламасдан аравасини ҳайдамоқда эди. Саҳарға яқин ухлаб қолиб эрта билан кўзимни очиб қароған эдим, ўзимни Ҳашт кўпрукнинг бир саройида кўрдим. Чойдан кейин соат 7 да аравани кўшиб, йўлга тушиб кетдик. Биз ёлғиз бўлмай, биздан бошқа 2-3 кирачи ўрислар ҳам бор, буларнинг қайсиси яшиқ, қайсиси темир-терсак ортған, ҳар бир аравача 2-3 отлар кўшилған, араваларни орқасига тўрт филдиракдан иборат бўлған 5-6 дона кичкина аравалар боғланған ва биздан бошқа бир мусулмон савдогар бор бўлса ҳам, бошқа бир ўриснинг аравасига кира қилған эди. Соат 9 да Дарвишак деган ерга етиб отларға бир боғдан беда солинди. Биз ҳам ошхонаға кирдик.

Бу Дарвишак деган ер, ўрис кўчкунчи (муҳожир)лари томонидан обод қилинған бўлиб, 3-4 та сарой, уларнинг ёнида биттадан чойхона, 5-6 та дўконлар бор. Буларга ўзбеклар ижара бериб ўтурур эканлар. Қозоқлар озғина бўлса ҳам булардан ибрат олишлари керак эди! Ерларнинг торлиғи ҳам йўқсиллиқлари учун

ички Русиядан кўчиб келган бу мужук ўрислар, сувсиз кенг далаларни қандай обод қилиб юборибдилар? Катта йўлнинг икки ёғиға яхши иморатлар солиб, олдилариға қатор-қатор оғоч (дарахт)лар ўтқизиб ҳам уларнинг ёнидан ариқлар қазиб сувлар юргизибдирлар. Бу ишлар албатта, ёш, қари, хотин-қизлариғача қолмасдан ғайрат қилиб деҳқончиликқа урунишларининг ҳам замонаға тўғрилаб тебранишларининг натижасидир. Чунки мен ўз кўзим билан кўрдимки, бу ердаги мужук ўрислар хотин ҳам бола-чақалари билан буғдой ўроққа чиқишган. Бир томонда машиналар ўриб йиғмоқда, бир томонда йигитлари узун-узун араваларга ортиб, хирмон қиладирган ерга олиб бормоқда эдилар. Қозоқлар йўқ даражасида оз бўлиб, унда-мунда бир ўтовлари кўринмақда эди!..

Бу ердан тезлик билан юриб кетиб, соат 12 дан 15 минут ўтқонда, “Қизилқиё” деган ерга бориб тушландик. Бу ерда 2-3 та чойхоналик сарой, 2-3 та суви шўр кудуқ бор бўлса ҳам экилган оғоч ҳам оқар суви йўқ эди. Ош қилдириб еб, бир неча чойнак чой ичиб, соат 3 да йўлга тушиб кетдик! Мен чамадондан Айёз Искоқийнинг “Турмушми бу?” деган ҳикояси (рўмони)ни олиб ўқий бошладим. Йўлдошим шоир бўлганидан унинг ичидаги шоирона гапларини эшитиб завқланмоқда эди. Қайси чоқларда нариги томондан кўб кирачи юклик аравалар келиб қолиб уларнинг чанглари билан бизнинг араваларнинг чанглари қўшилиб, кишилар бир-бирини кўролмайдирган даражада йўрқаб кетар. Мана булар ўқишимиз, эшитишимизга тўсқин бўлиб, тотли роҳатларимизни бузар эди. Кеч соат 11 ларда, шаробхонаға бориб ётдик. Эрта чойдан кейин яна йўлга тушдик. Аравамизнинг қолдир-қулдур қилиб чиқарган довуши ўт араванинг энг ёмони бўлган юкчи поезд (товарли пассажир)ни ҳам соғинтирар эди. Соат 11 дан 45 минут ўтқанда Бекларбеги роботига етдик. Бунда 3-4 чойхона, 2-3 дўкон, 5-10 уйлик ўрис кўчкунчи (мухожир)лари бор эди. Бу кўчкунчилар оз бўлсалар ҳам ҳукумат томонидан ўзлариға бир неча босқич мактаб очилибдир. Бундаги қозоқларнинг гапларига қарағанда Бекларбеги (асли исми Лашкарбек бўлиб, Тошкентда Умархон замонасида 40 йил узун бир муддат хон бўлган киши) хон шу ердан бир дапқир ўтиб боришда “ўтган-кетганлар кўниб ўтсин” деб 2-3 та уй солиб кетган экан. Бошқалари бузилиб кетган бўлса ҳам ҳозир

бир уй бутун қолған бўлиб, ҳовлиларининг мактаб қилиб олғанлари шул бузулмоған уй экан.

Шўринг қурғур қозоқлар ул сойға бир ўтов, бул сойға бир ўтов тикиб, тарқов ҳолида тирикчилик ўтқузмокда эдилар. Сувлар бўш – қайси ёққа оққиси келса, шул ёққа шариллаб оқиб ётмокда бўлиб, бу ўзбошимча сувларни жой ҳам экин қилиб, ўз йўлиға юргузувчи бир қозоқ ҳам топилмоғанидан ўрис кўчкунчилари узок ерлардан кўчиб келиб, бу сувларни ўз йўллариға юргизиб, осигланиб⁸⁰ ётмокда эдилар. Табиат томонидан марҳамат қилинган бу улуғ неъматнинг бу ер, сувнинг қадрини билиб, керагича осигланмағанлари учун буларнинг қадрини яхши биладирган ҳам ўз ҳақи билан тушунадирган бошқа халқлар келибдир. Бу қозоқлар, шул анғир овлиқлари⁸¹ билан қолаберсалар, ҳайвонлари ўтлашга ҳам жойлари қолмай дунёдан йўқ бўлиб кетишлари оп-очик кўриниб турадир.

Мен шундай ҳолларни кўнглимдан ўтқизиб бир оз ухлаб олдим. Ош пишириб еб кеч соат 2 да юриб кетиб, кеч соат 8 да Оқтош деган ерга етиб кўндик. Тонг отмасдан бурун туриб, эрта соат 2 дан 45 ўтганда жўнаб, соат 8 да Чимкент шахрига етиб Абдулмутталиб деган бир бойнинг ҳовлисиға тушдик.

1912 йил 20 июн

79

Бу бойнинг теги тошкентлик бўлиб, бунда келиб уй, жой қилиб қолған ва фикри очикқина бир киши экан. Кичик ўғлини янги тартиб мактабда ўкутур ҳам икки ўғли 2 дўконда баззозлик қилишур эди. Икковимиз ҳар кун чиқиб уёқ-буёғларни тамоша қилар, йўлдошимнинг таниш-билишлари дўконларига чақириб чой-нон ҳам қимизлар билан зиёфат қилар эдилар. Менинг онамнинг Сабирхўжа экан деган ўртоғи ҳам икковимизни зиёфат қилди. Бир ҳаммомчи чақириб, чой-нон қилди. Уч кундан кейин бир араваға тушиб, Сайрамға бордик. Унда шоир Камийнинг куёви Мирмақсудбой деганнинг уйида меҳмон бўлдик.

1912 йил 23 июн

⁸⁰ Осигланиб-фойдаланмоқ маъносида

⁸¹ Ов қилинадиган ўнгир, дара.

Сайрамда ҳам яхши қимизлар кўб экан. Яланг зиёфат, яланг қимизхўрлик. Туркистоннинг атанган ва донғи кетган шоирларидан Юсуф Сарёмийнинг бундан бир оз бурун вафот топганини эшитиб, уйиға бориб Қуръон ўқудик. Шоирнинг 40 ёшларға борган бир ямоқчи ўғли отасининг алифбо тартиби билан йиққон кўлөзма шеър мажмуасини олиб чиқиб бизга кўрсатди. Шоирнинг кулги (хажвий) шеърлари кўб бўлур эди. Бунда ул кулгилардон оз топтик, кўби ҳамд, наът ҳам ошиқона ғазаллар эди. Ўғлининг гапига қараганда:

– Бу шеър мажмуасини бизга 50-60 сўмға сотинг, биз бостириб тарқатайлик! – деб юрган бойлардан бор эмиш. Унда бир оз гаплашиб ўтириб, қайтиб келдик. Уй эгаси Мирмақсуд бой, сўфиғина бир киши бўлиб, Тошкентдаги ҳазрати имомлик Абдулмажидхон эшонға мурид – кўл берган экан. Бу кўчанинг оғзида Иброҳим ота деган бир мазорнинг ёниға бир қорихона солмоқда эди. Ўзлари ишонган Қуръонда:

– Ўзимдан бошқаға сиғинманглар, бошқани ўртаға кўймасдан тўппа-тўғри ўзимға дуо қилинлар, – деб ёзилган бўлса ҳам Туркистон мусулмонлари қанча ортиқча чиқимлар (исрофлар) қилиб, қабрлар устига кўмак, мадад сўраладирган уйлар солмоқда. Янги мактаблар очиш тўғрисиға келганда анчагина ўйлаб қолмоқда эдилар!..

Ҳар кун кундузи шоир Юсуфий ўғлининг дўкониға бориб, гаплашиб ўтириб келар эдик. Юсуфий шоирликдан бошқа муҳр ўйиш илмини ҳам яхши билар экан. Ўғли ўрисча ҳам мусулмонча ўйилган 200 тача нусхаларини кўрсатиб бизни танг қолдирди. Бу Сайрамда мазор кўб бўлиб, ҳар бир кўчанинг бир неча ерида бир газ, икки газ ёғочларнинг учига латталар боғлаб қўйган эдилар. Булар мазорларнинг амали – туғи эмиш. Йўлдошим қаерда латта боғлаган бир ёғоч кўрса, шу ерда анча тўхтаб, дуо қилиб, ул мазордан мадад ва ёрдам сўраб ўтар эди. Фотиҳа ўқий-ўқий жуда зеркиб кетганимдан, йўлдошимға:

– Энди кўя қолсангиз-чи! – деб бир дапқирғина айтган эдим, ундан балоға қолдим.

– Сан шаккоксан, сан авлиёларға тил текизасан! Улардан сира кўркмайсанми? – деб койиб берди. Мен соқов шайтон бўлиб, индамасдан қолдим. Бунда 4 кун турганимиздан кейин 5

чоҳаршанба куни 25 тийинга аравага кира қилиб, Чимкентга қайтиб келдик.

1912 йил 27 июн

Йўлдошимнинг ҳаммомчи ўртоғи бир кун уйиға чақириб зиёфат қилди. Мулла Йўлдош ва Мулла Раҳматулла деган тошкентлик дўкондорлар чой ҳам шўрба қилиб чақирдилар. Шу ерлик бир тўра (эшон)нинг ўғли Ўренбурғдағи Хусайния мадрасасига бориб ўқиб келган экан, бориб кўрдик, ул анча янги китоблар ҳам бир татар сабоқдошни бирга олиб келибдир. Бозордағи дўкондорларнинг кўплари газет ўқур эканлар. Бироқ янги мактаб, янги мадрасалар тўғрисида ёзилган ерларни ўқувчилари жуда оз бўлиб, кўпинча кизиққон ерлари: “Турк–Италия суғуши” деган мақоллар эди. Фикри очик зиёлилардан ҳам 2-3 киши бир бўлиб Дадамухаммад Ҳолмухаммад ўғли деган йигит мен билан жуда маслакдош чиқиб қолди. Ул Тошкент семинариясида ўқиб чиққон экан. Саййид Аҳмад Азкиёнинг кичик ўғли бизни ўз хавлисига чақирди. Ул эшонлик ҳам табибчилик қилиб 5 тийинлик доруға 50 тийин олиб, қанча кишини, ажалидан 5 кун бурун ўлдириб турмоқда экан. Туркистон янги мактабларида ўқиладирған “Тажвид”⁸²нинг ёзувчиси – Исмоил Алиевни бир кун ҳаммомда кўриб қолиб, аҳволини сўрадим. Туси жуда қочған ва озиб кетган эди. Бир-икки йилдан бери Бухорода муаллимлик қилиб, сил (чехўтка) бўлиб қолған. Дўхтурларнинг гапи билан қимиз ичиб, соғайиб кетишни умид қилиб хотини билан шу ерга келган экан. Бу шўринг қурғур бахтсиз муаллим:

– Ичимдан қон келадир, яқин орада ўлиб кетмасам яхши эди, деб кўрқаман! – деб бир оҳ тортди. Бунга менинг юрагим тирналиб кўзларимдан ёшлар келди, ул ҳаммомға кириб кетди ва мен:

– Бизда бу бечоранинг қадриға етиб, касалига ақча билан кўмак берувчилар топилармикан? – деб ўйлаб, ачина-ачина қолдим. Чимкентда яна беш кун қолиб, олтинчи кун эрта соат 5 да бир мусулмон аравачаға 5 сўмға кира қилиб, Авлиёотаға қараб юриб кеттик. Бизнинг сафардошимиз бўлған бир татар аравакашнинг аравасида бир ўрис хотин ҳам бор эди.

1912 йил 2 июл

⁸² Тажвид – Қуронни қироат билан ўқиш қоидалари

Биз кетиб борар, кун баданларимизни ёндирар, бир томондан, чанглар оғиз-бурунларимизга кирар, бир томондан, яшиклар ёнбошларимизга ботиб оғритар эди. Юра-юра соат 12 да мактабга бордик. Бу кичикрокқина бир қишлоқ бўлиб, 6-7 чойхона, 2-3 та сарой, 15-20 тача баққол, қассоб, читфуруш ҳам темирчиларнинг дўконидан иборат каттагина бир гузари бор эди. Тушган саройимизнинг болахоносиға чиқиб, томоқ пишгунча ухлаб олдик. Шўрбани ичиб, кеч соат 5 да жўнаб, соат 7 дан 55 минут ўтқонда Машат (Машҳад)га кирдик. Бу ер бир чуқурликнинг ичида бўлиб, айланиб-айланиб тушгунча отлар кўб оғирликлар тортди. Биз ҳам отлар қийналмасин учун яёв тушган эдик. Қиёмаликнинг барчаси катта-катта тошлар эди. Агар шундай қиёмалик ерларда, аравакашлар араваларнинг ғилдирагига илгич (тўрмуз)ларини олмасалар арава отни судраб кетиб эпкинни билан бир ерга бориб уриб ёки бир жарга ташлаб, от арава ҳам ичидаги кишилар ва асбоблардан ҳеч нарса қолмаслиғида сира шубҳа йўқ эди.

Бу ерда ҳам 3-4 сарой ҳам чойхоналар бор эди. Эрта соат 4 да уйқудан туриб, йўлга тушдик. Кўчанинг 2 ёғиға ўрис мужуклари иморатлар солиб олған. Кўча тўла хотин-қиз ҳам эркаклари экин, ерларига чиқиб бормоқда эдилар. Яна бир оз юрганимиздан кейин текис ерга чиқиб, хайдаб кетдик, ҳам соат 11 да Тулкибошға бориб етиб бир саройға туштик. Йўлдошим тошкентлик бир ўртоғининг дўкониға мени олиб борди. 1-2 чойнак чой ичиб қайтиб келдик. Бу ернинг кўп дўкондори тошкентлик бўлиб, уй-жой қилиб туриб қолған эканлар. Бунда ҳам мужук ўрислардан бир оз бор эди. Овқат қилиб еб, соат 4 дан 30 минут ўтғанда юруб кеттик. Кеч соат 9 да Чақмоққа бориб қўндик.

Бу Чақмоқ деган ерни обод қилғучи мужук ўрислар бўлиб, катта бозорлик ер эди. Бозори сешанба куни бўлур экан. Биз ҳам шул бозори куни кечқурун борған эдик. Бир оз ухлаб, эрта соат 5 да туриб юриб кеттик, бу ерга хахўллар⁸³ шундай кўп ўрунлашқон эканки, буларнинг қишлоқлари орасида бир ярим соатча юриб зўрға қутилдик. Кеч соат 2 дан 30 минут ўтғанда, “Нонер”га бордик. Бунда 2 сарой билан иккитагина чойхона бор бўлиб, керакли сувларни самоворхонанинг орқасидағи булоқдан тошиб кетилар эканлар. Отлар томоқ еб бўлғунча биз ҳам палов пишириб

⁸³ Хахўл- украинлар ҳақида гап бормоқда

еб олдиқ. Кеч соат 5 дан 30 минут ўтганда жўнаб, кеч соат 10да Гўркуровга етдик. Хахўллар Чақмоқда қанча кўп бўлса, бунда ҳам шунча бор эди. Бироқ бу ернинг дўконлари у ерникидан ортик бўлиб, бутхонаси (черкови) ҳам шул биз тушган гузарда эди. Бунда шанба куни бозор бўлур экан. Уйқудан туриб, соат 6 да жўнаб, соат 10 да Қизиладирга бориб тушландик. Бунда ёлғизгина бир сарой бўлиб, бир тўнгани чойхона очган экан. Кеч соат 1 да йўлга тушиб, соат 6 да Авлиёота шаҳрига омон-эсон кириб, шул ернинг эътиборлироқ кишиларидан Сайидвали тўра деган бир бойнинг ҳовлисига тушдик.

1912 йил 5 июл

Биз Тошкентдан Авлиёотага борғунимизча “Беручка” деган аравада бордик. Бунга 2-3 от кўшилур экан. Аравакашимиз ўзи билан отлариға ҳар кун бир сум 40 тийин, бир сўм 50 тийиндан чиқим қилиб борди. Йўлда темирйўл истансаларига ўхшаш бир неча иморатлар кўрдик. Уларни “бекат” (работ) деюр эканлар. Ҳар бир бекатнинг орасида почталар, 5-6 отлар кўшилган курук аравалар югуришиб чопишиб юруб турмоқда эди.

Биз меҳмонхонасиға тушкан Сайидвали тўра давлатлик ва бу ернинг мусулмон, ўрис ҳам жухудлари орасида эътиборлиқ киши бўлиб, бу аралашмағунча катта ишлар битмас экан. Ҳар кун меҳмонхонасиға ўзбек, козоқ, қирғиз, нўғой, ўрис ҳам жухудлардан келиб, бошлариға тушган улугроқ ишлари тўғрисида кенгаш сўраб кетар эдилар. Тўранинг билим аҳллариға ихлоси яхши бўлиб, эшонларни кўбда ёқтирмас экан. Бунинг катта ўғли биз бормасдан бурун карбонларға оқсоқол бўлиб, шунинг учун халққа катта зиёфат бериб, Олмаота ёққа кўп кўйлар олиб кетибдир. 16-17 ёшларға борган Ғани тўра деган кичик ўғлининг мусулмонча саводи чиқиб, ҳозир ўрисча ўқуб юрмақда эди.

Ғани тўра ҳар кун эрта жойидан кейин ўрисча ўқишға кетиб, соат 12 ларда қайтиб келиб бизга шўрба олиб чиқар эди. Бу уйнинг эгаси бизни жуда хурматлаб, сийлаб турар. Ҳар кун эрта билан чой, тушда шўрба, қимиз, кечқурун палов қилиб берар, якшанба кунлари ўрис ичидаги олмазор боғиға олиб бориб кўзи сўйиб кабоблар, шўрба ҳам паловлар билан зиёфат қилур эди. Газетларнинг уруш тўғрисида ёзилган мақола ҳам хабарлариға ишқибозроқ кўринди. Ақча тикиб қарта ўйнашға жуда уста бўлиб,

ўлиб айрилмаса, сира айрилмайдирган 2-3 ўртоқлари бор. Ўзи ҳам қарта ўйнашга улардан қолишмас. Ўрис амалдорларидан ҳам унинг боғиға келиб, 20-30 сўмлаб ютиб-ютгизиб кетучилари кўб эди. Олмаота томонға темирўл ўтар эмиш деган гаплар халқ орасида юрган учун Тошкентдан 3-4 дурадгор, сувоқчи усталар чақириб, мусофирхона (нўмир) солдира бошлабдир. Бу бир катта сарой бўлиб, ичи 30 тача хужра тевараги – кўча томони 10 тача катта дўконлардан иборат эди. Ҳозирда бу саройнинг ишлари чаларак бўлиб, усталар ҳали ҳам ишлашиб ётмоқда эдилар.

Борган кунимизнинг эртасига Бозорбошиға чиқиб, раста кўчаларни кўриб, йўлдошим шоир Камийнинг таниш-билишлари билан кўришиб келишган эдик. Бундан бери ҳар кун 2 кунда бир дапқир чиқиб турмоқдамиз. Дўкондорларнинг кўпи тошкентлик бўлиб ичларида газет ўқувчилари кўп. Айниқса, йўлдошимнинг қалин ўртоғи Шоҳмансур деган фикри очик бир йигит, турли газет ва журналлар олиб ўқур, унинг дўкониға биз ҳар кун бориб гаплашиб ўтирур эдик. Бир кун уйига чақириб, зиёфат қилиб икковимизга икки чопон ҳам кий(г)изди. Унинг меҳмонхонасида “Фуйузот”, “Мулла Насриддин” журналларининг 1-2 йиллиги тўпланиб ётқонларини кўрдик ҳам олиб ўқидик.

Бозор ичида бир катта масжид-жомеъ бор бўлиб, Авлиётанинг кўб кишилари шунда жума намози ўқимоқда эдилар. Бунда 2-3 мударрис, 1-2 мактабдор домлалар бор эди.

Чойхоналари гулзор, нашъалик ҳам ўтиришлик жойлар экан. Юқори бозор (ўрис ичидаги бозор)ға ҳам 1-2 дапқир чиқиб келишдик, бу бозор юқорилик, хушҳаво ва оғочсиз очик ерда бўлиб мол бозори ҳам шунда экан. Йўлдошим Тожихон эшоннинг катта ўғлидан олиб борган бир битикни Каримжон деган ҳаммомчи бир бойга топширган эди. Ул бизни чақириб зиёфат қилиб устимизга биттадан чопон ёпиб, қўлимизга 5 сўм ақча берди Бу ернинг донғлиқ Авлиё мазорларидан бўлган Авлиёота, Тектурмасоталарға бориб айланиб келдик. Бир нечаси шаҳарнинг ичида бўлса ҳам иккинчиси шаҳардан 3 чақиримча йироқда буюк бир тоғнинг устида бўлиб, унинг остидан катта бир сув оқиб турмоқда. Ҳар қайси мазорда ҳам ялқов, ишсиз шайхлар бор бўлиб, назр-ниёзлар йиғиб семириб ётмоқда эдилар.

Сайидвали тўра Тошлоқ деган ерга бир қалин бой ошнаси томонидан солинмоқда бўлган бир масжид билан ўзининг

солмоқда бўлган мусофирхонаси (нўмири) учун Мулла Камийга икки тарих ёздириб олди. Бу тарихлар шеър билан ёзилган эди. Тошкентдаги Қаландарлар тўраси (эшони)нинг бу ерда ҳам қаландархонаси бор экан. Бир кун йўлдошим мени шул қаландархонага олиб бориб тўрани кўрсатди. Бу тўра бир кўзи кўр, узун бўйлиққина, йўғонғина бир киши бўлиб, қаландархонаси яхшиғина бино қилинган ҳам анчагина экин ерларлари бор экан.

Туркистон ўлкасининг кўб шаҳар ва қишлоқларида қаландархоналар бор бўлиб, маркази Тошкент, бир бутоғи (шўъбаси) шул Авлиёотада. Бу қаландархоналардаги тентакларнинг топқон нарсаларининг барчаси Тошкентдаги тўраларнинг ҳамёни ва қопага тушар экан. Тошкентда турган катта тўра ҳар томондан банги, қиморбоз, ўғри муттахам ва иш қилишга бўйни ёр бермайдирган бир қанча хушёқмас йигитларни йиғиб, ҳар қайсисига бир донадан кулах, бир донадан гулдор жанда, бир дона ақча соладирган кашкул, ҳам бир дона нон йиғадирган рўймол берур. Сўнгра ҳалиги ялқов (хушёқмас) кишилар кулахни бошга, жандани енгига кийиб, оқ рўймол билан кашкулни елкага осиб олиб 5 киши қаландар ота билан бозорга чиқиб айлана бошлайдирлар. Буларнинг ичида ғазалга устарақ ҳам довуш ширалироғи ғазал ўқуб юруб бу:

- Авлиёлар сардори – деса, бошқалари бир оғиздан:
- Ла илаҳа иллаллоҳ ёки...
- Жалла-жалла! Зоғ эгами! – дер ғазалчи:
- Пирим Баҳовуддиндир! – деса, бошқалари яна бояғи айтганларини айтар. Дўконларнинг қайсиси бир тийин-икки тийин ақча, қайсиси бир дона, икки дона нон берар. Ақчалар кашкулга тушиб, нон, рўмолга йиғилар, барчалари шул гадойчилик билан топган ақча, нон ва бошқа худойиларини тўрага элтар эканлар. Булар кўпинча бозор кунлари расталарда шавқун-сурон қилиб юрар. Бўш чоқларида нашаларини тортиб ва қиморларини ўйнаб ётабердирлар. Буларнинг барчасининг кўли, оёғи, кўзи бутин, ҳамма аъзо (муча)лари соғ бўлиб, тоғни урганда толқон қилиб юборадирган йигитлар бўлсалар ҳам бир меҳнат ва бир касб қилиб овқат топишга бўйинлари эгилмайди ҳам эринадилар...

Бу Авлиёотада нашахона, кўкнорихона анчагина бор бўлиб (бу ерда ўз кўзим билан 15 тасини кўрдим), Туркистон ўлкасининг ҳар шаҳар ва қишлоқ бу расвохоналардан бўш эмасдир. Афюн ҳам

чакидаларни кўб кишилар ўз халтачалариға солиб олиб еб юрадирлар, буларнинг махсус ерлари йўқ. Кўкнор, афюн ҳам чакидага уламо, фузало ҳам чол кишиларимиздан айланишганлари кўб бўлиб, нашани сешанба кечалари муллабаччалар наяки қилишадирлар. Кўкнори билан нашага чиқим ҳар кун 5-10 тийиндан ошмаса ҳам афюнга ҳар кун 5 тийиндан тортиб 1 сўмғача кетадир. Булар Николай хукумати томонидан каттиқ манъ қилинган бўлса ҳам нима сабабдандир шаҳарнинг кўб атторлари ва кишлоқнинг кўб баққоллари сотиб яхшиғина пул қилиб турадирлар. Бу паст, касофат ва ярамас нарсаларга айланишган кишилар ингичка баданлик, кучсиз, кўрқоқ, ишёқмас, хушёқмас бўлиб энг кейин ақлларидан ҳам ажралиб тентак, балки жинни бўлиб қоладирлар...

Бу ернинг татар маҳалласида 1-2 йилдан бери Уфадағи Олия мадрасасига бориб ўқиб юрувчи Фазилжон қори билан Ходи Файзийнинг ҳовлиси борлиғини эшитиб борган эдим, ёлғиз Фозилжон қорини топдим. Унинг боқчасиға кириб бир оз гаплашиб ўтирдим. Ходини сўраган эдим ул қозоқ орасида муаллимлик қилишини ва ҳар ҳафтада бир дапқир келиб кетишини айтади. Бу – Фозилжон қори бу йил Олияға боролмас. Олмаота (Верний)ға кетар эмиш. 2-3 кундан кейин Ходи Файзий қозоқ ичидан келганини эшитиб, бориб кўриб келдим. Энди Тошкентга жўнаш тебранишига тушдик. Сайидвали тўра Мулла Камийга (100) юз сўм, менга 3 сўм йўлкира берди. Бу ақчалар, бозор дўкондорларидан Камий шоирға атаб йиғилган кўмак (иона)лар экан. Панжшанба куни бир аравакаш Тўнгани билан Тошкентгача тўққиз сўм кирага гаплашиб қуйдик. Жума куни тўранинг боғиға бориб, зиёфат едик-да, намоз жумадан кейин хайр-хўшлашиб бозор бошиға келиб, Тўнганинг аравакашига миндик, бизни тўранинг кичик ўғли Ғани тўра узатиб қолди, жўнағанимизда кеч соат 3 эди.

1912 йил 27 июн

82

Келишимизда аравакашимизнинг кишлоғини босиб ўтдик. Бунда юз уйликча тунаганилар бор экан. Бизга бу Тунаган кишлоғидан йигирматача тунагани аравакашлари қўшилди. Булар биз ўзбеклардан ҳам билимсиз, ярамас ҳам кўрс халқ бўлиб, қўнған манзилларимизда кўблари қимор ўйнаб келмакда эдилар. Манкатда

қўнған саройимизнинг қовунларини еб пул бермасдан бизларни сўкишға қолдирғанлари учун иккинчи бир ерда яна бир саройбоннинг қовунини емакчи бўлғанларида мен:

– Олдин пулини бериб сўнгра қовунини есангиз бўлмайдирми? – деб қўйиб тунаганилар томонидан қаттиқ дўппосланғаним ва еган муштларим бўлмаса, йўлда кўрилган бошқа ажойиб ва ғаройиб йўқдир. Авлиёотадан чиққаннимиздан 8 нчи жума куни Тошкентга келиб Абдушшаҳид афандиникига туштим. Шеър:

*Йўл узра кўб машаққатларни кўрдик,
Яна ўз шахримизга ўзни урдик*

1912 йил 2 август

Ётоқ ерим Абдушшаҳид афандининг меҳмонхонаси бўлса ҳам бундан кейин Мунаввар қорининг мактабига бориб шогирдлариға қараша бошладим (Шул чоқда Абдулқайюм Рамазонийлар шул мактабининг сўнгги синфларида ўқув эди). Абдушшаҳид афанди бир кун қавмларининг катта-катталарини уйига чақириб ифтор қилдириб, ўз ўрниға укаси Абдурашидни имом ҳам муаллим белгилаб, эртасига ўқимоқ учун Истанбулга юруб кетди.

1912 йил 16 август, панжшанба кун

Бундан тўрт ой бурын келиб, иш тополмасдан бошқа шаҳарга кеткан сабоқдошим – Шафиъуллоҳ келиб қолди. Кун жума куни мен бўш бўлғаним учун икковимиз Бекбўлат Солиевнинг ҳужраси (квартири)га бориб гаплашиб ўтиришдик. Бу Қурамада ўқитған бир шогирдини тайёрлаб ке(л)тириб, Тошкент гимназиясига киргазидир. Бу афандининг қилған бу яхши ишига кўб ташаккурлар айтдик. Шафиъуллоҳ янги шаҳарда қолиб, мен эски шаҳарга тушдим. Энди қадрдон ўртоғим – Абдушшаҳид афанди етиб қолған учун Мунавварқорининг уйига кўчиб бордим. Ҳар кун кундузи мактабга, ҳар кечаси Бозори шабга чиқиб турмоқдамен. Бозори шаб (кечки бозор) бозор растасида бўлмасдан, 1-2 йилдан бери Шайховандтоҳурда бўладирган бўлибдир. Бунда 15 тача чойхона, 10 тача кабобчи, 2-3 ошпаз, кийимлик ҳам мевалар сотадирған 14-15 дўкондорлар, икки синематуғроф (картина) ҳам чархфалак бор бўлиб, чойхоналарда ҳар кун киши тўла бўлур эди. Ўзбек, татар, пирсиён, ўрис ҳам жухуд халқларидан келиб, томоша

қилишиб юрушур, ҳар бир чойхонада хурофот аралаш ашулаларни бақириб айтувчи ашулачилар, одамларнинг ҳар турли тутириғи йўқ гаплар билан хохолатиб кулдуручи аскиячилар бўлур. Ҳар кеча энг ози минг киши келиб кетар, айниқса, панжшанба, жума кечалари тикилиш бўлиб 4-5 минг кишидан ошар эди. Бозори шабга келган бир киши сира бўлмағанда 20 тийин чиқим қилиб, 2 сўм, 3 сўм сарф қилган кишилар ҳам кўб бўлур эди. Ҳар кеча тахминан 2 минг сўмдан, қолаверса, 30 кечада 60 минг сўм қолар. Бу ақчалар ёлғиз самоворчи, кабобчи, ошпаз ҳам ўйунхоналарга кетар эди. Шул йўсинда сахарғача бозори шабдан томошачилар аримас. Соат 12 бўлиб ноғора чалинғандан кейин тўда-тўда ҳар ким ўз улфат ва ўртоғи билан ҳавлисига қараб жўнар эди. Мен:

– Бу сарф қилинган 60 минг сўмнинг сира бўлмағанда ярмиси, ҳозирги жамияти имдодиямизда бўлса, ўқиш, ўқутиш тўғриларида қандай, хизматлар кўрсаткан бўлур эди. Оҳ! Бу нарсаларни ўйловчи қайда?! – деб хафа бўлиб, фигоним фалакка чиқар эди.

Мана шундай юрган эдимки, рамазоннинг оёғроғида Юсуф маҳдум деган бир муаллим шаҳардан 13 чақирим узок “Ён ариғ” деган бир қишлоқдан бола ўқитиш учун ўрин топиб берди. Ҳайит хафтасини ўтқизиб, ҳалиги қишлоққа келиб, Инъомхожи деган семиз бир пахтачи бой (Юсуф Давидовнинг одами)ни меҳмонхонасига 30 болани йиғиб ўқита бошладим. Бой болаларнинг отасидан 1 йил учун 300 сўм йиғиб бермак ва овқатимни ўз ёнидан бермак бўлди.

1912 йил 6 сентябр, 8-шаввол

83

Бу қишлоқ кишиларининг кўпи тахтайўл дарвозалиқ бўлиб, шаҳарда, от ва қора моллариға жой торлиқ қилғанидан бундаги далаларида турғун бўлиб қолган эканлар. Буларнинг деҳқончиликлари: буғдой, гуруч, мош, арпа, зиғир, пахта, сабзи, пиёзи, картошка, гармдори, қовун ҳам тарбузлар эди. 2-3 йилдан бери ўрис савдогарлари чиқиб, булардан узумлар олиб ички Русияга узатадирган бўлган учун яшиқларда 15-20 кун турса ҳам бузилмайдирган “қиримский” деган узумнинг токини кўп-кўп эка бошладилар.

Инъомбек хожи бу қишлоқдағи ҳам тевааракдағи кўб ўзбек, қозоқ йўқсил деҳқонларға пахта учун ақча тарқатар, бунинг 2-3

бонкадан киридити (қарзи) бор бўлиб, ҳар йил сира бўлмағанда юзминг (100000) сўм теваракка берар экан. Ҳозир куз бўлиб, пахта териладирган чоқ бўлгани учун ҳар кун 5-10 йўқсил деҳқонлардан келиб, бойдан 5-10-100-150 сўм ақчалар ҳам бир неча қанор қоплар олиб кетиб турмоқда. Бой ҳам ҳар сўмга 2 тийиндан фоиз (прасан) қўйиб бермакда эди. Бу шўринг қурғур деҳқонлар юз сўм олсалар (200) икки юз сўмлик, икки уч юз сўм олсалар беш юз сўмлик вексел бериб, энг сўнг шул векселдаги ақчалар бўйнига тушар, бунинг устига пахтасини шул ноинсоф бойга бериш ҳам юртидан арзонроқ беришга мажбур бўлур, яна ҳар қоп бошга 2 қадоқ - 3 қадоқ пахтасидан бойнинг тарозучиси уриб қолган сабабли устма-уст зиён қилур эди.

1 ноябр 5-зулҳижжа, панжшанба куни Қурбон ҳайити муносабати билан болаларни озод қўйиб, 3 ноябрда шаҳарга тушиб, 4 ноябрда оғриб ётиб қолдим. Оғриғим қаттиқ бўлганидан ҳайит (ийд) намозиға ҳам чиқолмадим. Ҳайитнинг 1-2 куни ўтганда:

– Чиноз бутун куйиб кетибдир, – деб эшитиб, жуда талвасага тушиб қолдим, чунки унда бир синглим бор эди. Бир ҳафта ўтганда бир оз бошимни кўтариб, Иброҳим амаким билан Чинозга бориб, қариндошларимнинг уйлари ва ўзларини эсон-соғ ҳолда топтим. Ўт Чинозга қўйидаги равишда тушибтир, дўкондорларнинг кўпи тошкентлик бўлиб, арафа куни шаҳарга тушиб кетган ва бунда қолганларинг кўблари ҳам уйларига борган эканлар. Шул кеча (арафа кечаси) сахар чоқларида ўт чиқиб тонг отғунча неча юз дўконлар моллари билан қанча саройлар омборлари билан куйиб кетиб, кўб кишилар уйғониб ўчириш учун борган бўлсалар ҳам ўчира олмабдирлар. Чиноздан 2-3 чақирим узокликдаги “Яллама” деган қишлоқ мусулмонлари, шул тўполондан фойдаланиб кўб молларни талаб арава ҳам отлариға ортиб олиб кетибдирлар.

Менинг юришга кучим келмаганидан амаким чиқиб куйган ерларни кўриб келди, куйиб-йиқилган дўконларнинг тегидан ҳам тутун чиқиб ётган экан. 15 ноябрда қариндошлар билан хайрлашиб, шаҳарга келиб дўқтирдан дори олиб, яна Ёнарикға чиқиб, болаларни йиғиб секин-секин ўқита бошладим.

1912 йил 16 ноябр

Яна икки хафтадан кейин бойнинг меҳмонхонасида 15-20 деҳқон йигитлар “тўкма” бошладилар. Мен қўшилмайман десам ҳам бой қўймасдан қўшиб қўйди. Ҳар кун тушда бир дапқир, кечаси бир дапқир палов билан хафтада бир-икки дапқир норинни еб, 20 сўмдан айрилмас ҳам қиши билан семириб чиқдим. Сўнгра кўклам бўлиб тўй кўпайди. Биров ўғил уйлантирмакда, биров қиз чиқармакда, биров боласини суннат тўйи қилиб кестирмакда, деҳқонларнинг ер ҳайдаб, экин экадирган чақлари бўлган учун тўйлар шошилиш билан тез-тез, кетма-кет ўтиб турмоқда эди. Ҳар кун намоз дигардан саҳарғача балки тонг отғунча карнай, сурнай, икки ноғора, икки чирманда билан 2-3 баччаларни ўйнатиб базмлар қилар эдилар.

Мана энди тўйлар ўтиб, деҳқонлар экин ишларига тушиб кетдилар. Иним Бекҳожидан ҳам шаҳардан дурадгор усталар олиб чиқиб, ташқари ҳам ичкарасига иморатлар солдира бошлади. Мен болаларни тинчрак ўқитиш учун ўзимизга яқин бир масжидга кўчиб чиқдим. Бой мутаассирак бир киши бўлиб, газет ва журналларни ўқишимга қўймас, бундан бекитиб ўқиб юрар эдим. Кавиш, маҳсим оёққа илишдан жуда чиқиб қолганидан икки ойдан бери бойга:

– Ўз ойлиғимдан ўн сўм бериб турунг, бир маҳси, кавуш олайин, – деб кўб ялиниб-ёлборсам ҳам бой:

– Ҳозир ёнимда пул йўқ, домла сабр қилинг, – деб бир тийин ҳам бермасдан хафа қилиб юрур. Шаҳарга тушган чоқларимда билиш-таниш ҳам қариндош-уруғларимдан уялур эдим. Юсуф маҳдум уч ой туриб кеткан бўлиб, мен 9 ой ўқитиб бир йилни ўтказдим. Шу муддатда ҳожининг ўзидан ҳам болаларнинг оталаридан 5 сўм 10 сўмдан олиб юриб бир юз ўн (110) сўм еган эканмен, қолган бир юз тўқсон (190) сўмни ҳожидан сўраган эдим, ул:

– Яна бир йил туриб болаларни ўқитсангиз барчасини қўйиб бераман, – деб чатоқлик қила бошлади. Бунинг инсофсизлиғи ҳам бировнинг ҳақидан кўркмайдирғон бир тўнғизлиғини буридан эшитиб юрганам учун:

– Илгари ҳақимни беринг, сўнгра болаларингизни ўқита бошлайман, – деб алдаганида унамадим. Шундай бўлса ҳам Каъбатуллоҳга бориб, барча гуноҳларидан тавба қилиб, онадан туғма бўлиб келган бу иним Бекҳожидан 190 сўм ҳақимни пок-покиза

еб қолди, мен содда мусулмончилик қилиб тилхат ва иславия⁸⁴ билан (гаплашиб) кирмаганим учун ўкина-ўкина пушаймон қилиб, икки қўлимни бурнимга тиқиб, шаҳарга куп-қуруқ келабердим.

1913 йил 1 июл

84

Бундан кейин Тошкентнинг Шайховандтохур даха Қуйи девонбеги маҳалласидаги муаллим Эшонхўжа мактабида икки ой куздан бошлаб кўкламнинг 1-2 ойиғача Наманган шаҳрида Зайниддин қори мактабида муаллим бўлиб туриб, 1914 йил 4 апрелдан бошлаб Тошкентда Убайдиллохўжа адвокат Асадуллохўжа ўғли қўл остида 8-9 ой давом этиб, ақчасизликдан ва муштари (сотиб олуи) озлуғидан ёпилган. “Садойи Туркистон” газетида тўрт ой мусахҳиҳ (корректор)лик қилдим. Сўнгра яна Фарғонага кетиб, Хўжанднинг Қисисқакўз қишлоғида, Бешарикда, Бухоронинг Шаҳрисабз шаҳрида муаллим бўлиб юрдим ҳам Туркистон ўлкасининг кўб шаҳарларидаги тараққийпарвар, миллатпарвар, фикри очик ёшлар билан танишдим. Наманганда Зайниддинқори, Дийдамирза қори, Дийдавой қори, Гофирхожи, Абдуллажон, Муҳаммад Иброҳим, Инъомжон, Тожихўжа қори, Абдулмўмин баззоз, Ғулом махдум, Тошхўжа Лутфиллохул Аълабий, яна 4-5 киши бор эди. Хўқандда Ашурали Зоҳирий, Мирзоҳид, Мирҳомид, Миршоҳид, Юнусхон хожи, Абдулвахоб муаллим, Обид чаток, Мулла Пўлат, яна бир неча кишилар; Шаҳандда Абдулқаҳҳор мингбоши; Бешарикда мулла Кимёназар, мулла Ҳакимжон; Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, муаллим Ҳожи Муъин, муаллим Абдулқодир Шакурый, Абдуллохул Бадрий, яна 1-2 шоирлар; Бухорода Пўлатхўжа, Абдурауф Фитрат ва бошқалар; Тошкентда Мунавварқори, Абдуллох Авлоний, Эшонхўжа, Ҳасанхўжа қори, мулла Абдуллох Маҳаммаджон қори, муаллим Рустамбек, Умаркул, Шокиржон, Собиржон Раҳимийлар, Иноят қори, Низом қори, Абдушаҳид, Абдурашид, Охун(д)хўжа, Абдуллохул Қодирый (Жулқунбой), Башируллохон, Убайдуллох адвокат, Абдурахмон сайёҳ, Юсуф махдум, Низомиддин қори, Муҳаммадхон, Отахон, Убайдуллох Эрғозиев, Муфтизода, Ғулом Зафарий ҳам шуларга ўхшаш кишилар бор эдилар.

⁸⁴ Иславия – оғзаки шартнома.

Наманганда турган чоғимда (1913-14 йил орасида) Самарқандлик кўнгилли артистлар томонидан бир неча дапқир Самарқанднинг ўзида, 2 дапқир Хўқандда Муфти Муҳаммадхўжа Бехбудий ёзган “Падарқуш” театри ўйналди. Ўз тилимиз – ўзбекчада бир неча дапқир театрни кўриш ҳаваси билан Наманган ёшлари томонидан уч киши (Дийдавоёқори, Дийда Мирзақори ҳам ўзим) вакил бўлиб, Хўқандга кетдик. Кейин Наманганда шуни ўзимиз кўйдик. Мен ҳам театрға аралашиб Нор ролини ўйнадим. Тошкент, Наманган шаҳарларида “Тўй” деган театрларға аралашдим.

1916 йили Тошкентга келиб, маҳалламизнинг бир масжидида 4-5 бола йиғиб ўқита бошладим. Шул чоқда, бир томонда Русия, Фарансия, Ангилтара; бир томонда Германия, Австрия, Туркия бўлиб, бир-бирлари билан қаттиқ уришмоқда эдилар. Николай ҳукумати аскардан чарчаб қолиб, зўр келгандан кейин чегара орқасида хизматлар қилдириш, ерлар қаздириш учун бизлардан ҳам мардикор (рабочий) олишға буйриқ берди. Шунинг кенгаши учун иккинчи дапқир 1916 йил, 11 июлда Тошкентнинг элликбоши ҳам бошқа уруғ кишиларини Олмазорға чақирди. Фуқаронинг кўб кишилари, хотин, бола-чақалари ҳам халиги ерларга бориб:

– Худо хайр берсин, болаларимизни, оғаларимизни, иниларимизни, жиянларимизни работчийликка олманг, – деб ялиниб, ёлвориб, йиғи-сиғилар қилдилар. Буларнинг кўнглини юпатиш ўрниға, пристўф Мачалов ҳам бошқа юзбоши, миршаблар томонидан тўппонча милтиқлар отилиб, фуқаронинг эркак ва хотинларидан бир неча кишилари ярадор бўлди, бир неча киши ўлиб, бир неча киши қамаш учун турмаларга олиб кетилди. Чорасиз қолиб, шул йил 21 июлда элликбошилар мардикор (рабочий) бериш учун қўл кўйиб келдилар. Бу ернинг рус ҳам мусулмон амалдорлари ерли халққа қаттиқ жабр, зулмлар қилмоқчи, ҳеч бир аямасдан барчани чегара (фронт)га ҳайдамоқчи бўлиб туришганда, Убайдуллохўжа, Мунавварқори ҳам баъзи ёшларнинг ғайрати билан пойтахт (Марказ Петерғрад)дан машхур Куропаткин келиб, қанча макр, хийлалар ишлатиб, тўпалонларни бир оз босди ҳам одамларнинг рақобатчиға олиш ишларини йўлга солган бўлди. Йўқсил халқ болаларини фронтға ҳайдаш ва бой болаларини олиб қолишға йўл ҳозирланиб “Туркистон вилоятиға фармойиш” деган машъум бир қонунномасини чиқарди (ул

қонуннома 1916 йил 23 сунбула (август), 220 рақамлик бўлиб, кўшимчалари билан 21 бет эди). Домла имом, мударрис, юртнинг катта амалдорлари, элликбошилари, “патчўтний” бойларини озод қилди. Мен ҳам мардикорга илинмоқчи эдим. Ҳасан деган бир инимни бериб зўрға қутилиб қолдим. Сўнгра Туркистоннинг ҳар ерида рабочийға жўнатиш комитетлари тузилди. Шул комитетларнинг бошлиғи, Тошкентда Убайдуллохўжа ва унинг муовини Мунавварқори бўлган эди. Шул Убайдуллохўжа 14 йилда ётиб қолган “Садойи Туркистон” газетасини яна тирилтириш учун мени Андижондағи “Чайкин” деган бир ўриснинг олдиға юборди. Бу ўрис катта ёзувчилардан Убайдуллохўжанинг қалин ошналаридан бўлиб ўрисча бир газета чиқариб турмоқда экан. Мен унинг маслак ва мақсади қандай эканлигин билмасам ҳам ерлик халққа яхши кўз билан қараганлигин анча англаган эдим. Энди мен Андижоннинг бир неча ёшларидан Абдулҳамид Сулаймоннинг меҳмонхонасида ётиб тура бошладим. Чайкин Фарғона губернатори – Ивановға бир неча дапқир мурожаат қилиб, ўз газети ёнида “Садойи Туркистон”ни қайтадан чақиришға сўраган эди. Ул рухсат бермади. Чорасиз қолиб, Убайдуллохўжа билан кенгаш қилиб, менинг отимға “Интибоҳи Туркистон” деган газет чиқармоқ бўлиб, ҳукуматга 1917 йил 24 январда қуйидағича ариза бердим:

“Ул баланд даражалик Фарғона вилоятининг военний губернатори жаноблариға:

Андижон шаҳрида Искўблұф кўчасида тургучи Мўминжон Муҳаммаджон ўғлидан

Ариза

Сензур ҳам матбуот тўғрисидағи 114 уставға қўшма қилинган 15-модда бўйинча биз бу қори даражаликка билдираманки, мен Андижон шаҳрида сарт тилида “Интибоҳи Туркистон” исмида бир газет чиқармоқчи бўлдим. Ул газетанинг пирўғрами ушбу тартибда бўлур:

1-бош мақола, 2-рус ҳам мусулмон матбуоти (газет, журналлари)дан мулоҳаза ва фикрлар, 3-уруш хабарлари, 4-агенство ҳам ўз мухбирларимизнинг телеграммалари, 5-фельетон, 6-илмий фельетон, 7-Андижон ҳам теварак хабарлари, 8-вилоятнинг ҳар томонидан мактублар, 9-ерли халқ

тирикчилигидан, 10-уруш майдони ҳам уруш тўғрисида, 11-ҳар турли тилдан таржималари, 12-усули таълим, тарбия тўғрисида, 13-пахта ҳам бошқа экин аҳволлари, 14-билдиришлар қисми.

Газетнинг баҳоси: бир йиллик 7 сўм, ярим йиллик 4 сўм, 3 ойга 2 сўм 50 тийин бўлиб, босиладирган ери: Андижонда, Николаевский кўчада, И.Я.Иванов босмахонасида. Мазкур газетнинг муҳаррирлигини мен ўз бўйнимга олиб билдираманки, юқорида кўрсатилган зақун моддалари бўйича бўладирган ҳар турли масъулиятларга ўзим жавобгарман. Ўзим Русия табаъаси, ёшим 25 дан ошқан бўлиб, ҳеч бир тўғрида ҳукуматга айблик бўлган эмасман. Шу ҳолни эътиборга олиб, сиз жаноб ҳурматлидан ўтиманки, юқорида кўрсатилган газетга руҳсат берсангиз эди деб,

Имзо: Мўминжон Муҳаммаджон ўғли

(Бу аризининг асли русча бўлиб, Абдулҳамид Сулаймоний ўзбекчага таржима қилиб берган эди).

1917 йил 24 январда шу аризани Андижон нотариуси Исобинкўфга элтиб, тасдиқ қилдирдим. Тошкентдан бориб Андижонда дўкон очиб савдо қилувчи бир неча ёш фикрлилар бор эди. Улар шулар эди: Саъдуллоҳхўжа Турсинхўжа ўғли, Отахон, Муҳиддин қори, Шамсиддин қори (ўшал чоқда миллий шоир, таҳаллуси Хоиб, ўзгаришдан кейин Хуршид) яна бир нечалар (ўшал чоқда Отахоннинг укаси Саййид Аҳмад Назиров ёшғина бир бола бўлиб, оғаси томонидан очиб берилган кичкина бир дўконда фикр очувчи янги чиққан китоблар сотар эди). Андижоннинг ўз ёшлари: Абдулҳамид Сулаймон (“Садойи Туркистон”да узун бир хикояси бор, ўзгаришдан кейин таҳаллуси “Чўлпон”), Зиё маҳдум Абдулмўмин, Абдулмуталлиб, Санжар Фозил (асли ўшлик бўлиб, Андижонда русча ўқиб юрар эди), Ҳасанхон маҳдум, Ҳусайнхон маҳдум Ниёзийлар, Абдуллоҳхон саҳҳоф, Абдурахмон афанди (бу киши Истанбулда ўқиған бўлиб, яхши рассом, бироқ Фарғонанинг қайси шаҳридан эканлигин билмайман, китоблари ҳукумат томонидан олиб қўйилған, полисейкийларнинг ҳар вақт таъқибиға учраган бир киши эди) яна бир неча кишилар (Усмонхон Эшонхўжаев русча ўқиб юрувчи бир шогирд эди). Бу Тошкент ва Андижон ёшларининг бир қанчалари, муфтий Маҳмудхўжанинг “Падаркуш” театусини ўйнаб, шу ернинг мусулмонлари томонидан

“Падаркуш”лар деб от кўтарган эканлар. Бу падаркушларга мутаассиб халқ ҳам, ҳукумат ҳам ёмон кўз билан қарар эди (Хоиб билан Абдулҳамид Сулаймон орасида маслак жиҳатидан келишмаслик бор бўлган сабабли бир-бирлари билан анчагина тескари эдилар. Абдулҳамид Сулаймон сўлроқ, Хоиб ўнроқ) эди.

Мен “Интибоҳи Туркистон” газетига рухсат олиш тўғрисида ҳукумат томонидан анча қийноқларга учрадим. Андижоннинг Зухриддин деган мингбошиси олдида 20 февралдан 28 февралгача тергов қилиндим ҳам унга ўрисча шаҳодатнома (паспўртим)дан бир копия олиб топширдим. “Падаркуш”лар, яъни Андижон ва Тошкентнинг шу ерда турган ёшлари ҳукумат томонидан 2-3 куннинг орасида қамалар эмиш!” деган гап халқ орасига тарқалди. Биз шундай кўрқинч ҳолда турган эдикки, 1917 йил феврал охирида Николой золим Султонлиқ тахтидан тахтаи тобутга тортилиб, унинг кўмакчиларини ҳам бир-бир оёғи осмондан келди ҳам Керенский замони бўлиб, ҳар ерда ҳуррият байроғлари пилпиллай бошлади. Барчада хурсандлик, кўчалар намоишчилар билан тўлган эди. Керенский ҳукуматини маҳкамламанг, миллий озодлик олмоқ йўлида ёшлар, айниқса, Сайдуллоҳхўжа, Убайдуллоҳхўжа отахонлар газета чиқарувчи Чайкин билан кечакундуз тинмасдан ишлашиб, юрадилар. Бироқ булардан Убайдуллоҳхўжа Тошкент ёшлари томонидан чиқарилган сабабли кўб турмасдан Тошкентга қараб равона бўлди. Уламолар, фуқоҳолар, катта ёшлар, кичик ёшлар, мардикорлар, яна оила, маҳалла жамиятлар юзага чиқти. Андижоннинг баъзи мулла ва ёшлари, Миркомил ва баъзи мулла ва ёшлари Аҳмадбек хожи деган бойларнинг ҳимоясида жамиятлар очиб, бир-бирлари билан мартаба талаша бошладилар. Мен 3-4 намоишларни ўтқизганимдан кейин Жалолободга Тожи Ризо Бадалиий деган кишига муаллим бўлиб кетдим.

Бурун бу “ҳуррият” деган нарсанинг мақсади бир оз тузук бўлиб турса ҳам кейин кўб ерда ёшлар, бойлар томониға оғиб кетиб, ўшаларнинг ашуласини айта ва ашулаларининг чирмандасига ўйнай бошладилар. Ҳар қаерда қорни катта, муштумзўр бойлар, муллалар, эшонлар иш бошига миниб олганларидан кейин ўрисларда большевик, меньшевик жанжали кўзғолғанда бизда янгилик, эскилик (усули жаид, усули қадим) жанжали кўзғала бошлади. Бухорода амир ҳукумати ёшларни дарра билан урдириб,

қанчасини зиндонларға камаб ва бир қанчасини ўлдириб юборди. Наманганда Абдулқодирхўжа деган бир катта бой иш бошиға миниб олиб, шўринг қурғур Наманган ёшлариға фуқарони тесқари қилдирди. Ва:

– Бокқоллар, қассоблар ҳам бошқа дўкондорлар жадидаларға ҳеч нарса сотмасин, сартарошлар аларнинг сочини олмасин, ўлсалар ювғичилар ювмасин, гўрковлар кўммасин! Омин, Аллоху акбар! – деб халқдан фотиҳалар ўқиттирди. Халқ шу ишни анча кунгача давом эттириб, ёшларни кўб қийноққа солдилар, бу аҳвол Жалолободға ҳам таъсирсиз қолмади. Ва шогирдларим 3-4 боладан ортмади. Шунинг учун Ўшға келиб Мирфозил ҳожи деган бир тараққийпарварнинг далолати ва Тошкент ёшларидан мулла Тангрикул ҳожи деган бир вофурушнинг сўраши бўйинча бу ернинг жамияти хайрияси томонидан очилган мактабига муаллим бўлдим. Бунда Тангрикул ҳожи Мирза Фозил, Мулла Болтахон, Мулла Парпихон ҳам Ҳалим Охун деган ёшларнинг ғайрати, фикри очиқ бир неча муллаларнинг қизиқтириши билан 60 га яқин бола йиғлади. Андижонлик Абдулҳамид Сулаймоннинг ҳам бу ерда бир ҳовлиси ва бир дўконлари бор учун кўб келиб кетадир ва кўб гурунглашиб турамиз. Бунинг Абдурайимжон деган бир прикашчиги жуда кўб газет ўқувчи ёшлардан бўлиб, мени кўб уйига чақирадир. Янги чиққан китоблар ўқишиб ўтирамиз. Шул чокда Хўқанд мухторияти вужудга келиб, ҳар томонға ташвиқотчилар чиқиб, “учредителний сабрания”ға барчани қизиқтириб юрмакдайдилар. Ўшға Миродилбой, Афандизода, тошкентлик Садриддинхон ва бир неча кишилар ташвиқот учун бориб, катта намойишлар қилган эдилар.

Кўп ўтмай Хўқанд мухторияти большевик аскарлари томонидан тарқатилиб, Туркистон вилоятининг кўб ерлари шўролар ҳукуматининг қўлиға ўтди. Улар томонидан Андижон ва Ўшлар ҳам олинди. Мен май ойида (рамазон)да шогирдларимнинг имтиҳонини ўтказиб, Тошкентга кўчиб келдим. Мен келганимдан кейин Маскўв кўчасидаги бир катта иморатда Халқ маъориф кўмиссарлиғи (наркампрўс) очилиб, унинг ёнида Турк сексияси тузилди. Маориф кўмиссарининг муовини Салимхон Тиллахон, саркотиб Абдулқайюм Рамазоний эди. Семинарияда бир неча ойлик ўлка таълим-тарбия қурси очилиб, мен ҳам кирдим. Турклардан Исмоил Ҳаққи, Ҳайдар афанди, яна 2-3 таси бухоролик

Фитрат, Абдуллоҳ Раҳимбоев, Мунавварқорилар муаллим эди. Мен бир томонда Келиблиев кўл остида чиқарадирған “Иштирокиюн” газетасига мусахҳиҳлик қилиб, бир томонда ўқиб юрган эдимки, бир ойчадан кейин тиф касали билан оғриб, эгарчи маҳалласига кўчиб тушдим ҳам Эскишаҳар чопон бозорида янги очилған касалхонаға кириб ётиб олдим. Шунин билан мусахҳиҳликдан ҳам айрилдим, ўқишдан ҳам.

Яхши бўлғанидан кейин Турк сексиясига кириб ишлай бошладим. Шулар идора томонидан ўзбек тилида чиқарилған “Маориф” журналиға мусахҳиҳ бўлдим. Унинг кўб материалларини татарчадан таржима қилиб киргизар эдим. Шулар орада фиркаға ҳам кирган ва муаллимлар сайузиға ҳам ёзилған, Абдурауф Фитрат ва бир неча ёшларнинг ҳаракати билан тузилған “Чигатой гурунги”ға ҳам аъзо бўлған эдим. Бу гурунгда Абдурауф Фитрат, Абдулкаюм Рамазон, Саййид Али Хўжа, Мирмаширик Юнисий, Шорасул Зуннун, мен, Абдулманнон Мажидий ва бошқа бир неча ёшлар бор бўлиб, ҳаммамиз шунинг юқори кўтарилишиға бутун берилиб ишлашар эдик. Бу “гурунг”нинг мақсади ўз тилимизни тузатиш, орасидан арабий, форсий тилларни имкони борича қувлаб чиқариб, уларни ўрниға ўз тилимиздан топиб қўйиш, камбағал экан, бойитиш эски имлони ташлаб, мактаб болаларини янги имлога ўргатиш ва бошқалар эди. Бизнинг йўлимизға тўсқин бўлмоқчи бўлиб, қаршимизға ишловчи бир канча ёшлар ва ҳукумат арбоблари бор эдилар. Ёшларнинг энг катталари Мунавварқори, Муродхўжа Самиёқори ва бошқалар, ҳукумат арбобларидан Салимхон, Отахон, Алиев ва бошқа бир неча кишилар эди. Бизнинг мақсадимиз имлода ўзгариш ясаш бўлса, Мунавварқориларда ўшал эски имло ҳолича “Адиб аввал”, “Адиби соний”нинг пул қилиш сиёсати юрар эди.

1919 йил 18 январдан 19 (шанбадан якшанба)ға ўтадирған кечада чин болшевиклар билан заҳирада болшевик ва ичдан меншевик бўлиб юрганлар орасида уруш бошланиб, 20 январ душанба кун кеч соат 6 билан 7 орасида отишлар тўхталди. Бу воқеалар янги гўридда бўлса ҳам, эски шаҳарнинг қаро гуруҳлари кўзғолди. 2 январ пешиндан кейин ижроқўмда Муллабой ва бошқа қаро гуруҳлар фиркадошларни тутиб келтириб қийнашға ва шўро амалдорларни бошқа қилмоққа бошладилар. 21 январда болшевикларнинг ғолиб бўлғанлари маълум бўлиб, Низомиддин

ўртоқ эски шаҳарга келиб, ишни яна ўз қўлига олди ва ифвогарларни тутиб кетиришга буюрди. Қуролли фирқалилар ҳар томонга от югиртириб, фитнагар ва ифвогарларни тутиб ке(л)тириб Эскижувада бўлган ижрокўмнинг падвалига қамай бошладилар. Бу ифвогарларнинг энг ёмонлари отилди (Абдусафийхон, Комил юзбоши, бир Австрис дўхтур яна бир қарироқ ўрис ва шуларга ўхшашлар) бу тўполонни бошлаған, Усипов деган бир катта аскар бошлиғи эди, ул меншевик бўлса-да, билдирмасдан шўроларга кириб олған бир хоин экан, ул енгилди, ҳам ўзига қарашлари оқ аскарлар билан қочиб кетди.

Бу воқеа ўтғандан кейин Ўлка маориф қўмиссарлиғи Чернаев кўчаси (ўзгаришдан бир оз ўтгач, Тўқоев кўчаси)даги генерал губернатор уйи (оқ уй)га кўчиб келди. Биз ҳам бирга кўчдик. Кўб ўтмасдан моддий жиҳатдан қийналған сабабли “Маориф” журнали етти ва менга бир Бакир муҳаррирлиги остида чиқадирған “Иштирокиюн” газетасига мусахҳиҳ бўлдим. Абдурауф Фитрат “тиф” касали билан оғриб кўб ётди, уни бир австрис дўхтур боқиб юриб, зўрға тузатди. “Чиғатой гурунги”нинг баҳонаси билан ёзишни нима эканлигин билмайдирған ёшларнинг қанчалари мақола ва шеърлар ёзишга ўрганған ва ўзлариға ҳар турли таҳаллус кўя бошладилар. Машриқ Юнусий Элбек, Абдулқайюм Ўктам, Абдулманнон Мажидий Уйғур, мен Тошқун ва бошқалар арабий, форсий сўзларни аралашдирмасликқа уриниб шеърлар ёздим.

Шу “Чиғатой гурунги” юзасига чиқарған янги имло тўғрисида Тошкент ёшлари икки фирқага бўлиндилар. Янги имлочиларнинг бошида Фитрат ва Абдулқайюм Рамазонийлар, эски имлочиларнинг бошида Мунавварқори ва Муродхўжалар турар эди. Мунавварқорининг янги имлоға қарши бўлиши таассубини ортиқлиғидан бўлмасдан, кўпинча, ҳар вақт мактабларда пул бўлиб, унинг ҳамёнини тўлатиб келған “Адиби аввал” билан “Адиби соний” деган китобларининг оёқдан қолиб кетишидан кўрқиб эди. Ул чоклардағи эски шаҳар ҳукумат арбоби Мунавварқорилар тўдасининг танбурига лайзангул ўйновчи акамлардан иборат бўлғани учун бир қанча бўлмоғур баҳоналар билан унга зарба беришга киришдилар. Хадрада очилған янги имло курсини ёптириб қўйдилар. “Булар ёшларга динсизлик ўргатадир!” деб халқ орасиға ифво тарқатдилар. “Чиғатой гурунги” аъзоларининг Бекларбеги мадрасасида бўлған бир гапиға

динсизликдан суҳбат қилиб ўтиришган бўлсалар, барчасини олиб бориб қама!” деб ўшал вақтда эски шаҳарда бир неча фирқали ҳам ҳукумат бошлиғи деб танилган Юсуф Алиевни қуроллантириб юбордилар. Ул ёнига яна бир кишини олиб бизнинг ўтирган еримизга иккови қурол билан кириб нима учун келганини билдирди. Биз Шайх Санъонни ўқиб ўтирмоқда эдик, Фитрат уларга қаноатлантирлик бир жавоб бергандан кейин “мундай бўлса дуруст, биз сизни динсизлик тарқатадир” деб эшитган эдик. Агар ўшал гап тўғри бўлса, ҳаммангизни аристоват қилгани келган эдик, энди афу этасизлар!” деб узр айтиб чиқиб кетди. Мана шундан маълум бўладирки, 19-20 йиллардаги эски шаҳар фирқалиларининг жуда катта лидерлари ҳам мусулмончиликда муҳим ва бир қарор эдилар.

Босмачидан ёлғуз Тошкент тинч, Фарғона ва Бухоро томонларда урушнинг қайнаган вақти. Дашноқлар (миллатчи арманилар) Фарғонанинг ҳар бир шаҳар қишлоқларида:

– Сан босмачиларга йўл бердинг, пул бердинг, озиқ-овқат бердинг баҳонаси билан ва босмачилар кириб: “Сенлар болшевикларга дўстлик қилиб озиқ-овқат бердиларинг, жой бердиларинг” деб бечора халқнинг қонини дарё-дарё оқизмоқда эдилар. Кеча ҳам тинчлик йўқ, кундуз ҳам бир нафас ором олиш йўқ, қачон қарасанг “қоч-қоч”, “бос-бос”, “сўй”, “ўлдир”, “тала”, “қўлини орқасига боғла”, “анави ерга олиб чиқиб, мингбоши қилиб қўй” деган гаплардан бошқани эшитмас, бузилган, таланган ерлардан бошқани кўрмас эди. Фарғонанинг кўб ёшлари – ўқимиш йигитлари, фирқалилари, кўпинча, Тошкентга қочиб кетиб ётар, кўб вақт оч-яланғоч юрар эдилар. Қачонки, Саъдуллоҳхўжа Турсунхўжаев Фарғонага бориб дашноқларга пул ва қурол билан ёрдам бериб турувчи бойлари ва бошқа бир қанча катталарининг жазосини берди: шундай бўлса ҳам босмачилар ваҳшийликларини давом эттирдилар. Бир неча мартаба шўролар билан ярашиб ва яна бир неча марта қайтиб чиқиб кетганлари ҳам кўб бўлди. Босмачиларнинг катталари Эргаш кўрбоши, Мадаминбек, Кўршермат, Холхўжа ва бошқа бир нечалари эди.

Бухоро ва Хиванинг “ўзгаришчи” ёшлари ҳам ўз амирларининг зулмидан кўпи Тошкентда ва баъзилари бошқа шаҳарларда ярим оч ва ярим тўқ ҳолда қочиб юриб уларга қарши тайёрлик кўрар эдилар. Ул томонлар ва Ашқобод ҳам Красновод

халқлари инглизларнинг ақчасига сотилиб шўролар билан уруш қилиб ётар ва эпақага келмас эдилар.

Ички Русияда ҳам Колчак, Юденич, Врангел, Деникин ва Махсинов (?) деган машҳур тескаричи генераллар ва оқларнинг ёрдамчиларининг уруш ҳаракати шўроларни бошқа ёшларга қайрилиб қарашга сира йўл қўймас эдилар.

Шу 1919 йил ўктябр ойларида “Иштирокиюн” газетасининг мусахҳихлигидан ўзимни сўраб олиб, Себзор даҳа, 3- Оҳангузар маҳалласидаги 9-мактабга муаллим бўлдим. Бир оз ўтгандан кейин шу мактабнинг мудири Лутфуллоҳ Насрий Тавлия отага муаллим бўлиб кетиб, шул 9-мактабга мудир бўлиб қолдим. Мактабда 8-9 киши муаллим бўлсақ ҳам ўқитиш йўлларини яхши билмаганимиздан болалар кўб вақт судралиб юрсалар ҳам билим – илмдан баҳралари жуда оз. Ўқитиладирган нарсаларнинг кучи Шарқий ва Тарбияи бадания эди. Қишлоқ хўжалиғи у ёқда турсин, шаҳар хўжалиғи ҳам жуда қуйида эди. Маорифдан бериладирган ойлиқлар жуда оз бўлиб, очлиқ-тўқлиқ юрар эдик. Болаларга берилиб туриладирган сомонлиқ нонлар, ифлос магизлар ва олма чойлар кунимизга бир оз ярар эди, яъни биз ҳам еб турар эдик (ҳукумат томонидан бериладирган яхши ун ва тоза магизлар бор бўлса ҳам шуларнинг бериб турувчиларнинг кўпи ярамас унсурлардан бўлиб, хиёнат қилур эдилар).

Ҳар қаерда тўдалар тараққий топган, кўб мактабларда исломларни бирлаштириш, туркларни бирлаштириш хаёли билан мияси чуваланиб қолган (яъни панисломият ва пантуркист) турк афандилар катта-катта мактабларни эгаллаган ва шу тор миллатчилик нашъаси билан кўб ўқитувчилар қайфланган эдилар. Шунинг учун фирқали ўқитувчилар ҳам жудосизлиқдан қирқ газ нарига қочар “Коммунистлар мактабида бир рус муаллими Худонинг йўқлигини исбот қилишга уринмакда эмиш” деб эшитиб қолсалар, “Ла ҳавла”ни бир неча мартаба қайтариб ўқиб, ёқаларини ушлар эдилар. Турклардан Саййид афанди, Ҳайдар афанди, Талъат афанди, Ғолиббек Исмоил Ҳаққи (кейин фирқали бўлган), Шукрий афанди ва Ҳилмий афандилар машҳурлари эди...

Керенский чоғида “Турон” жамияти томонидан чиқариладирган бир газетда: “Шарҳи Мулло”ларга ўхшаш оғир вазнлик ва кенг паҳмлик китоблар отилиб ташланиб, бундан буён осон равишда дарс китобларин ўқитиладир!” деган мазмунда ёзган мақоласи

учун Тошкент қора гуруҳлари томонидан хужумга учраб ва полисиямиз маҳкамасида хизмат қилувчи машхур тескаричи Тожихон томонидан қўллари орқасиға боғланиб катта кўчаларда судратилиб юргизилган Мирмуҳсин ўртоқ Шермуҳамедов ички Русиядан келганини эшитиб бориб кўрдим. Ўз болаҳонасида экан. Бир кўришгандаёқ ошна бўлишиб қолдик. Бунинг акаси Мирмулла Шермуҳамедов Татаристонда бўлсун, Озарбойжонда бўлсун ва Туркияда бўлсун чикқан ҳар турли китобларни мутолаа қилмай кўймас ва кўб адабий асарлар унинг назаридан ўтар эди. Ўзининг русчадан ибтидоий маълумоти бўлса ҳам, рус китобларини ўқий-ўқий рус адабиётиға анчагина ошно бўлган бир киши эди. Баъзи чоғларда газетларға адабий парчалар ва ҳикоялар ёзиб ўқувчиларни анчагина мамнун қилур эди. Отаси анча мутаассиб бўлиб, укалари Мирмуҳсин ва Мирмуслимлар шунинг (Мирмулланинг) ғайрати соясида ўқуған ва фикрлари очилған эди.

Энди ҳар қаёқда қочиб ётған Хива (Хоразм) ўзгаришчилари уриниши билан Хоразм мамлакати шўролар омонидан олиниб, Хоразм жумхурияти тузилди.

Қиш ўтиб, ёз ўтиб, кузга яқин Саъдуллахўжа, Турсунхўжа ўғлининг қўл остида кўб кишилар Хива шаҳрига ҳукумат томонидан юбориладирған бўлдилар, уларнинг ичида мен ҳам бор эдим. 1922 йил 27 авғустда, ўзимизға берилған махсус 1-, 3-класс ўт аравага тушиб, 28 авғустда жўнаб кетдик. 29 авғуст эрта соат 4 ларда Самарқанд вокзалиға етдик. Шул чоғда биз билан Бухоро амири орасида уруш бошланиб қолғани сабабли Самарқанд истансасидан амр бериб турған штаб бошлиғи Фрунзе бизнинг жўнашимизға рухсат бермади. 31 авғустда туркиялик Жамол пошо ўзиға қарашли бир қанча аскар кишилар ва ерли халқлар билан Самарқанд истансасига келиб қолди. Афғонистонға борар экан, ерлилар орасида Миён Бузрукхон, Абдужаббор ҳожилар ҳам бор эди.

Бухорода уруш бўлиб турған бўлса ҳам 1 сентябрда Жамол пошо, 2 сентябрда Фрунзе Бухороға томон жўнаб кетишди. Бухорода ташвиқот юргизиш учун Саъдуллахўжа Самарқанддан 150 кўнгилли киши йиғилди ва уларнинг орасида “Олтой тўдаси” деган бир мусиқа тўдаси ҳам бор эди. 3 сентябргача Бухоронинг барчаси шўроларға ўтганини эшитиб, 4 сентябрда яна 250 аскар юриб кетдик. У ерда-бу ерда тўхтаб-тўхтаб борғаннимиз сабабли 7

сентябрда янги Бухоро (Когон) истансасига етдик. Биз билан Самарқанддан жўнаган 250 аскарни “Катта Фарғона”да қолдирган эдик. Амирнинг зулми остида эзилиб ётган халқ энди эркин бир нафас олган, ҳар томонда шодлиқ ва ҳар томонда нутқлар сўзланган, ҳар томонда “ура!”, “ура!” овозлари кўкка кўтарилган эди.

1920 йил 8 сентябрда, поездимизга қоровул қўйиб, 150 кўнгиллиларни Бухорога топшириш учун мусиқалар билан тушиб кетдик. Бизнинг кирган томонимиз Қарши дарвозаси бўлиб, уриш чоғида бузилган эди. Биз саф боғлаб, мусиқаларни чалдириб, шаҳар ичига қараб боришимизда, йўл-йўлакай ҳар эшикка қизил латталар осилиб қуллуғланган ҳолда турганлигин кўриб бордик. Ревкўм (инқилоб кўмитаси)га яқинлашганимизда бизнинг боришимизни кутиб растанинг икки томонида бир оз мусулмон ва кўб жухудлар қаторлашиб турган эдилар. Сўнгра ревкўм раиси Файзуллоххўжа, Турсунхўжаев, Усмонхўжа яна бир-икки киши томонидан ўтлик ва таъсирли нутқлар сўзланиб, “ура”, “ура” садолари осмонга чиқди. Бу ердан жўнаб, Самарқанд дарвозасидан чиқиб, Ситораи моҳихоссага бордик. Бунинг узоқлиғи шаҳардан 4-5 чақирим келар эди. Биз шундан шунга пиёда борган эдик. Борганимизда казармалар вайрона ҳолда бузилиб, қанча милтиқ, ўқ, найза ва қиличлар сочилиб ётган эди. Ўшал ернинг гузар одамларининг сўзиға қарағанда амир бир қанча олтун ақчалар олиб, бир қанча афғон аскарлари билан шу ердан Афғонистонга қочиб кетибдир. Бухоро амирининг доим турадирган жойи шул бўлиб, энг яхши нақшли иморатлар шу ерда экан. Олиб борган 150 кўнгиллиларни шаҳар коменданти Шаҳобиддинов биздан қабул қилиб олди. Хивага борувчилардан бир нечтаси Шаҳобиддиновдан пропуска олиб, истансага чиқиб кетишди, биз Турсинхўжаев билан 14 киши амирнинг ётадирган саройини кўриб кетмак учун қолдик.

Намозшомдан кейин комендант амир саройининг қулфини очиб бизга йўл кўрсатди. Кўпгина сарой, бир неча кенг-кенг уйлар, бир қанча дарахтлар кўринса ҳам кечаси қоронғу бўлганидан кўзимиз илғамасдан ўтиб кетиб, бир ҳовузнинг лабидан бир уйга кириб зиналарига ипак гилам солинган бир “болахона”га чиқдик. Бунда 3-4 қатор кетган уй, ул уйларда кенг-кенг кумуш кароватлар, ҳар турли олтун асбоблар, бир неча олтин соатлар, ипаклик гиламлар, турли айш-ишрат асбоблари ва атлас, кимхоб кўрпа,

кўрпача, ёстиклар бор эди. Бул-ул ерда, бул ерда тартибсиз ва ҳар турли чинни шишалар синган ҳолда ётмоқда эди. Комендант пиширтириб келган ошни еб, чой ичиб, уруш ҳолларидан бир оз гаплашиб ўтирдик-да, амирнинг шоҳи ва атлас кўрпаларига ўралиб, ухлашга ётдик.

Эрта билан туриб томоша қилдик: биз ётқон иморатнинг остида яна 2-3 уйлар, бир масжид, унинг ёнида бир гулхона бор бўлиб, ҳовуз лабига мрамрдан ясалган саккиз зина билан тушулар экан. Ҳовуз кенг бўлиб, тевараги мрамрдан ишланган ва уч бўлимга бўлинган эди. Катта бир гулзор, ҳар турли қушлар сақлайдирган қафаслар бор эди. Бироқ 3-4 ўрдак ва ғозлардан бошқа қушлар тўполонда учишиб, тарқалишиб кетибдир. Пишиб турган узум ва анжирларидан тўйғанча едик-да, шаҳар коменданти Шаҳобиддинов билан хайрлашиб, шаҳарга қараб жўнадик. Йўлда амирнинг бир жойида 3-4 фил кўрдик, бўш ҳолда тупроқлар чочишиб юришган эди. Шаҳарга кириб, Файзуллоххўжанинг уйига бориб бир оз дам олдик. Сўнгра ундан бир қоғоз олиб, Аркани кўриб чикдик, унинг олди ҳам доланидан⁸⁵ бошқа иморатлари бузилган, саночларга солинган кумуш тангалар ташилиб турилган экан. Ҳукумат томонидан берилган избошлар билан истансага чиқиб кетдик.

Бухоро инқилобчилари бизнинг шу ерда ишлаш учун қолишимизни сўраб Тошкентга телеграм берибдирлар. Хивага кетишимиз ёки шу ерда қолишимизни Тошкентдан ўртоқ Куйбешев келиб ҳал қилар экан. Биз шунга қараб турган эдикки, 14 сентябр кундуз соат 11 ларда Куйбешев келиб масъалани ҳал қилди. Турсунхўжаев, Муҳиддинқори, Саййид Ақром, ака-ука Мусахоновлар, Отахон, Илҳомжон, Эрғозиев, Муҳаммадёр, Абдумўмин ва Саркаров – барчалари 11 киши Бухорода қолиб, биз Абдуллох, Саъдиддин (турклар), Айнуллин (Қамчинбек), Ўринов, Султонов, унинг бир ўрис хотини, Абдулкарим, Мўминжон Хивада турувчи бир татар, барчамиз 9 киши Хивага кетадирган бўлдик. Бокуда бўладирган Шарқ миллатлари қурултойиға Туркистоннинг ҳар томонидан кетган вакиллар 15 сентябр, соат 3 ларда Когонга келиб, соат 8-9 ларда Тошкентга қараб ўтиб кетдилар. Уларнинг орасида Абдулҳамид Сулаймон, Ғози Юнус, Мирмуҳсин, Наби Расул ва бир неча ёшлар бор эди.

⁸⁵ Доланидан – атрофидан.

Бизга Бокудан келгунча Бахра Файзий деган бир турк ҳам кўшилди. 16 сентябр соат 2 да Когондан юриб кетиб, кеч соат 6 да Чоржўйға етдик.

Биз ҳозир Хоразм жумҳуриятининг ҳарбий бош кўмондони Эрмуҳаммадов кўл остида эдик. Турсунхўжаев Хоразмға борғунча етарлик овқатимизни шунга топширғани сабабли эрта, тушки ҳам кечки томоқларимизни шул берар, ўзи фарғоналик бўлиб, оиласи ва бир гал отасини ҳам олиб бормоқда эди. Тошкентдан кўб милтиқлар, найзалар, пулимўтлар олған. Бир қанча Хива ўзбекларидан, туркманлардан аскарлари бор эди. Йўлдан бизга Хоразм жумҳуриятининг аъзоси Бегижон деган бир ўртоқ ҳам кўшилди.

20 сентябрда соат 3 да Хиваға жўнайдиған 2 та катта қайиққа тушиб, Амударё (Жайхун)да юриб кетдик. Қайиқчиларимиз Хоразм ўзбекларидан иборат бўлиб, уларнинг уч қолоқ (курак) ҳам учиға сикхлик темирлари қопланған 5-6 та узун-узун ходалари бор. Қолоқлар қайиқларни олдинга тез юргизиш учун ва ходалари бўлса, дарёнинг сой ерларида ерга тикиб ва қирғоқларға тираб, қайиқни бошқа чуқурроқ ерга силжитиш ва суриш учун керак бўлура экан. Қайиқ бошлиғи “дарға” аталиб, ул, қайиқнинг олди томонида, қайси томонға юриш кераклигини одамлариға ўргатиб турар, улар ҳам шунинг гапи билан қайиқни ҳар томонға бурар эдилар. Қайиқнинг думида Қилич деган кучли йигит бор бўлиб, ишнинг кўпи шунинг билаги билан курагида эди. Қуруқликда кўйлакчанг ҳолда ухлай берар эдик, қайиқда кўрпага ўралиб ётиб ҳам совуқ еймиз.

Қайиғимизнинг тепасида елкан бор: орқадан шамол бўлса елкан олдинға қараб йилпиғичлаб, 3 кунлик еримизни ярим кунда босар, олди томонда бўлиб қолса, 2 кунлик ерга 5 кунда зўрға олиб борар эди. Дарё қайси ерда 3 юз аршинғача тораядир. Қайси ерларда 700-800 аршинғача кенгайиб кетар. Амударёнинг суви жинни-жинни оқиб, қирғоқ (соҳил)ларини ейишиб-ейишиб тушириб берар, яқин қишлоқларни дарё ва дарёларни қишлоқларға айлантириб турар экан. Биз қайиқ десак ҳам қайиқчиларимиз кема дер эдилар. Чунки бу жуда катта бўлиб, эски замоннинг кемасидир. Кичкина қайиқчаларда балиқ тутиб юрувчи Хоразм ўзбеклари кўб бўлиб, дарё ичига катта-катта тўрларни ташлаб юрмакда эдилар. Ошимиз икки қайиқнинг қозонида пишар эди. Қайси чоқда қайиқчиларимиз

хар бир биттаси 3-4 одамни тўйдиарарлик қалин-қалин нонларни қозонга ёпиб пишириб берар эдики, хайрон қолур эдингиз. Йўлчиларга ўртоқ Эрмухаммадов томонидан эрта билан бир нон, тушда шўрба, кечқурун бир бўтқадан иборат таом берилур эди. Қайси чокларда балиқчилардан катта-катта балиқлар сотиб олиб, зиғир ёкка пишириб еб, маззалар қилур эдик. Йўлда Бўйниз, Қабокли, Дарғон ота, Учўчок, Питнак (ул ерда туз кони бор экан), Орол, Тошсоққа, Пахлавонариғ, Пётр Александр (Тўрткўл) деган ерлардан ўтиб, 1 октябрда “Хонақоҳ” деган шаҳар тўғрисиға етиб, барча қурол-яроғларимизни кемадан олиб унинг қирғоғиға туширдик.

Хонақоҳ шўроси бизға 200 арава йиғиб чиқарди. Аравалар мустаҳкам бўлса ҳам кичкина-кичкина кўтак аравалар эди. Манам бир кичкина чамадон бир кўрпа-ёстик, бир хуржиним, бир араваға зўрға сиғиб, ўзим устиға чиқиб ўтира олдим. Хонақоҳ шўроси (ижрокўми) бизға ош қилиб берди. Сўнгра ой чиққондан кейин 200 аравани қаторлаштириб юриб кетдик. Туркман қолтамон (босмачи)лардан катта кўрқинч бор бўлғани сабабли араваларни аскарлар яхши кўриқлаб бормоқда эдилар. Кечаси билан ухламасдан юриб, эрта соат 6 ларда Эрмухаммадов ўз аскар ва қуроллари билан ҳарбия назоратиға ва биз олти-етти сотрудниклар, Баққолов деган карвонбошининг ҳовлисиға тушдик. Бу ҳовли подшоҳона бўлиб, электрик печлари бор эди.

1920 йил 2 октябр

Эртасиға Хивада бўлган ўзиимизнинг ваколатхонаға бордик, бу ернинг бошлиғи Шокиров деган бир татар экан. Унга бу томондан олиб борилган қоғозни топширдик, ул қоғозни ўқиб кўриб, бизға илтифот билан қаради ҳам бир оз гаплашиб, ҳар қайсимизни ҳар ерга қўймоқчи бўлди. Мен Саъдиддин, Абдуллоҳ афандилар, Баҳри Файзий 4 киши муаллимликни хоҳладик: Айнуллин Абдуллоҳ (Қамчинбек) ўшал ерга саркотиб бўлиб қолди, яна 4 тамиз ҳар бир эшикка тайин қилиндик. Бурун борған кишилар ҳам анчагина бор экан. Усталовойға чиқиб чой ичишдик-да, 4 киши Маориф назоратиға келдик. Исфандиёрхонанинг ўзи турадирған Али боргоҳ маориф назорати эди. Бунда тошкентлик Каримқори акам маориф нозири эканлар, Шокиров томонидан берилган қоғозни топширдик. Бир оз сўзлашиб ўтирғанимиздан кейин Саъдиддин афандининг

бир мактабга мудир ҳам муаллимликка Абдуллох, Баҳрий Файзий афандиларнинг муаллимликка ва мени Хива мактабларининг муфатдишлигига (тафтишчи) тайин қилди.

Бу ерда тошкентлик Боис Қориев (Олтой), Арслонқори, Каримқорининг Абдусалом деган ҳозирғи куёви, яъни бир неча кишилар кўриниб қолди. Ҳозирда мактаблар кўбда тараққиёт қилмаган, фирқа ва ёш коммунистлар авж олмаган бўлиб, кўб ишларни эски ерли зиёлилар билан Амударёнинг бу томонидан қорин тўйғизмоқ ва уст-бошини бутунламак учун борган ҳар турли оғайнилар юргизиб турмоқда эканлар. Маориф назоратининг энг яхши иши шул бўлибдирки, эски мадраса муаллимларини муаллим қилиб чиқармоқ ҳам замона билимларидан бир оз қилмоқ учун уларга 5-6 ерда муаллимлар тайёрлаш курси очиб берибдур. Биз борғанда катта-катта пешқадам охунлар ва мударрислар ўшал курсларга юриб-юриб, ёш-ёш болалардан таълим ва тарбия олмақда эдилар.

Хоразм (бурунги Урганч) амири Исфандиёрхоннинг ўзи турадирган сарой бир улуғ доира бўлиб, хоннинг ўзи учун бошқа хотинлари, кизлари, хизматчилари ва канизаклари учун бошқа-бошқа иморатлар бор бўлса ҳам, кўбда зийнатлик эмас, соддарок солинган эди. Бунда катта-катта ҳавзалар, кенг боғчалар кенг-кенг ва баланд-баланд уйлар бор бўлиб, барчасига печлар қилинган ва электрик чироғлари киргизилган эди. Бу саройнинг ёлғизхон хотинлари турадирган томони дорул-лайтом (интернат)га олиниб, бошқалариға шўронинг катта-катта маҳкамалари жойлашган ва Маориф назорати ҳам хон ўз вазирлари билан турадирган ерда эди. Раиси жумҳур (Паҳлавон Ниёз ҳожи) ҳам, бошқа бир неча назоратлар ҳам, шул саройға жойлашган эди. Ишлар ҳали жудаям йўлга солинмаган бўлгани сабабли арз-дод қилувчилар ҳали ҳам тез бўкиб ўтириб арз қилурлар ва саройнинг бир неча ерида девон (ариза ёзувчи)лар, ҳар кимнинг аризасини қамиш қаламлар билан ёзиб бериб турур эканлар. Каримқоридан илгари шул хивалиқ Бекжон афанди маориф назорати бўлган бўлса ҳам ўқув ёшида бўлган эр-қиз болаларни ҳар маҳалла бошлиқлариға рўйхат (исписка) қилишға буюрғанида нодон ҳалқ кўзғалиб, кўб тўполонларға сабаб бўлган учун, ул ўриндан туширилиб бошқа ўринға қўйилган экан (Хоразм жумҳуриятидан Бокуда бўлиб ўтган Шарқ миллатлар қурилтойиға сайланиб бориб, қайтишда Чоржўйда

бизга кўшилган шул Бегжон деган афанди эди. Ўзи Истанбулда дорулмуаллиминни битирган киши) шул рўйхат буйруғини дастак қилиб, Исфандиёрхоннинг ўрнига хон бўлган Абдуллоҳ (Шўролар ҳукумати Хоразм ўлкасини мусаххир қилиб олишидан бир оз илгари Ямуд хони Жунайдохон, Хоразм хонлиғини енгиб хон бўлиб, яна бир оздан кейин бир баҳона топиб, Исфандиёрхонни ўлдириб, Абдуллоҳхонни хон қилган бўлса ҳам барча иш Жунайдохоннинг ўз кўлида бўлиб турган), бир неча катта бойлар ва бир неча катта уламолар:

– Болшевиклар, ўғилларингизни болшевик қилиб, қизларингизни болшевикларга бермоқчи бўладир, – деб қора халқ орасида иғво тарқатиб кўзғолон чиқарган ва Маҳамадаминхон мадрасасида кўб халқни йиғиб ҳукуматга ҳужум қилдирмоқ учун ҳозирланиб турган чоғда ҳукумат томонидан сезилиб қолиб, қизил аскарлар томонидан тўполончилар тарқатилган, бир неча уламолар, бойлардан халқ кўз олдида отилиб, бир неча тескаричилар (шуларнинг ичида Абдуллоҳхон ҳам) Московга ҳайдалган экан. Хива ўзбекларига туркманларнинг анчагина таъсири бор бўлиб, тиллари бир оз туркманча кетар, каттадан кичиклари хатто уламоларғача узун-узун “папоқ” кийиб юрур эканлар. Тиллардан бир нечтасини ўрганиб олган эдим. Қуйидағичадир:

Гурунг – зиёфат ва ўтириш.

Қадаған – мамнуъ.

Ули – улуғ ва катта.

Кичи – кичик.

Манат – сўм.

Коса – пиёла.

Чаноқ – коса.

Қорбуз – тарвуз.

Умча – саржин ўтин.

Сиса – супирги.

Дурмак – турмак.

Галмак – келмак.

Дур – тўқмоқ.

Удун – ўтин.

Қизил бурч – гармдори.

Қора бурч – мурч.

Барак – чучвара.

Ун оши – ўра оши.
Сас – довуш.
Ўрук – туршак.
Патак – буйруқ қоғоз.
Бодия товоқ – тоғорача.
Шаҳий – танга.
Занги – нардобон (нарвон).
Дуя – туя.
Қумған – обдаста.
Талак – миён басит.
Тўнг – мис кўза.
Ужак – бузоқ.
Чакар сархум – пақирча.
Очкара – оташкурак.
Болар – тўй ёғочи.
Патак – васа.
Гашир – сабзи.
Пархир – хонак тоғорачаси.
Ал – қўл.
Юмуртқа – тухум.
Уз – юз.
Дун – тўн, чопон.
Чурак – кулча.
Масжид қавм, элат – маҳалла.
Эт – гўшт.
Ёп – катта ариғ.
Чурма – папоқ.
Қалтабон – босмачи.
Халфа – яллачи.
Ғўз – ёнғоқ.
Салма – кичкина ариғ.
Чуқалоқ – чуқар.
Жалатой – чапани.
Уба – қишлоқ.

Бу ернинг муллаларини охунд деюр эканлар, туркманлар билан қон тўкиша-тўкиша жанговар бўлиб қолгани сабабли охундлар ҳам жуда ғайратли бўлур эканлар. Бироқ рўйхат воқеаси сўнгидаги еган танбехлардан кейин ҳукуматдан анчагина

чўчийдирған бўлиб қолибдурлар. Хоразмда мадрасалар, қорихоналар, эски йўсиндаги мактаблар кўб бўлиб, Хиванинг ўзгинасида 46 тача катта-кичик мадраса бор. Буларнинг вақфлари беш юз (500) пуд ғалладан бошлаб, ўн беш минг (15000) пуд ғаллагача борар экан (Бу мадраса ва вақфларнинг маълумотини, Хиванинг бир катта ҳам қари муфтийси бўлған Ибодуллоҳ махдум, кози Мухаммад латифдан олдим). Биз ҳар кун 2-3 дапқир ваколатхонаға бориб, бу томондан борған бутун сотрудниклар билан қўшилиб, махсус усталавойда томоқ ер, яна қайтиб келиб, ўз ишимиз билан машғул бўлур эдик. Бухоро кўчаларига ўхшаш бу ернинг кўчалари ҳам тор, ҳавоси паст, халқнинг кўпи соғлиқни сақлаш нима эканини билмайдирған ифлос табиат бўлиб, кўча четларига ҳам катта таҳорат ушатиб кета берадиганлари кўб экан. Мен бир ойча соғ бўлиб юрган бўлсам ҳам кейин безгак ва безгакдан ўтиб бошқа қаттиқ касал бўла бошладим, дўхтирлари яхши қарамас эдилар.

Исфандиёрхон томонидан бўғдирилиб, ўлдирилған Исломхўжа вазир бу хонлиқнинг маданиятда юқори кўтаришимизга кўбгина ўрнаған ва шу йўлда ўз ёнидан кўб олтинлар, тангалар сарф қилған бир киши бўлиб, шунинг ҳаракати соясида телеграммхона, касалхона, матбаа ва бир неча янги мактаб (усули жаид мактаб) хоналари, уй кутубхоналари юзага чиққон. Чоржу билан Хива орасидағи робот (бекат)ларни Русия почта йўлларидек тартибга қўйған. Агар хон ўлдирғанида Чоржўйдан темир йўл солдириб, Хоразм ўлкасида ўт арава юргизмакчи экан. Телеграмхона билан касалхона шаҳарнинг бир четиға солинған бўлса ҳам, кичкинагина матбаа (босмахона) хон саройининг ёнгинасида бўлиб, бир тош босмаси, бир оз ҳарфи ва кўл билан айлантирадирған кичкина машиналари бор. Бунда тош босма билан “инқилоб куёши” деган 2 бетлик газета михбосма билан ҳукуматнинг баъзи ошиғич фармонлари чиқиб турар эди. Исломхўжанинг узун миноралик бир хиштин мадрасаси бор бўлиб. 4-5 чақирим ердан шу миноранинг тепаси ялтираб кўриниб турар эди.

Шул чоғда туркман қолтамон (босмачи)лари жуда зўрайған бўлиб, баъзи кунлари Хива дарвозасиғача босиб келиб қолиб, ҳукумат кишиларини жуда ташвишга тушириб қўяр ва Хива теварагидаги уба (қишлоқ) халқи бола-чақалари билан кўчиб кела бериб ташвишларин бир неча дапқир ортирар эдилар. Энди меним

касалим зўрайиб кетди, юзим шиша бошлади, шунинг учун дўхтирлардан қоғоз олиб, ҳукуматдан тасдиқ қилдириб, шул чоғда Тошкентга жўнамоқчи бўлиб фирма кўмитасининг раиси Болшиковга қарашлиқ бир неча аскарлари билан 1921 йил январда кеч соат 3, сешанба куни 11 арава билан қаторлашиб йўлга тушдик. Боришда сув билан борган бўлсак ҳам қайтиш қуруқлик йўли билан бўладирган бўлди. Болшиков орқамиздан 2-3 кундан кейин етмакчи. Йўлчилар 16 киши 6 таси хотин, булардан иккитаси: Хива хоним ва туташларининг уюшмаси томонидан яқин орада Москвада бўладирган қурултойга сайланиб борувчи 1-Анашхоним Сафарова, 2-Дуржонхоним Онажоновалар эди. Анашхоним хон замонасида давру даврон сурган атоқли халфа (яллади)лардан бўлиб, йўлда чирманда ва дуторлар билан ашулалар айтиб бериб йўлчиларни мамнун қилиб келмакда эди. Биз билан Абдувоҳид қори поччамнинг ўғиллари – Боис Қориев (Олтой) ҳам бирга бўлиб, юкларни аравалардан олиш ва аравага солиш тўғрисида бир-биримизга кўмаклашиб келмакда эдик. Менга йўл ҳавоси ёкиб, кундан-кунга соғаймоқда эдим. Каттабўғ, Тозабозор, Бешариқ, Пичоқчи деган ерларни босиб ўтиб, 13 январ, кеч соат 12 ларда Ҳазорас (Ҳозарасп) деган бир уездни шаҳарга келдик. Эртасига жума куни бозор бўлди, биз Болшиковни шу ерда кутиб қолдик. 6 кун кутганимиздан кейин 19 нчи январда Болшиков келди. Унинг гапи билан раиси жумхур муовини ҳам маркази фирма кўмитасининг раиси Жуманиёз ўртоқ Султонмуродовни тўрт кун кутдик. 22 январда бир қанча одамлари билан ул ҳам келди.

23 январ соат саккиз яримда 25-26 арава ва юзга яқин одам билан яна йўлга тушдик. Ҳар арава учун бир шатак отимиз 20 та аскар, 2 та дўхтиримиз бор бўлиб, йўл кўрқинчларидан анчагина хотиржам эдик. Бир кун юрганимиздан кейин қум бўрони бошланди. Шамол саҳродаги ўйилиб-тўйилиб ётган қумларни учириб келтириб, юз-кўзимизга шундай шақиллатиб урардики, кўзни очиб қараш сира мумкин бўлмас эди. Отлар ҳам кўзларини очиб юролмасдан қийналмоқда эдилар. Икки кун шу хилда юрганимиздан кейин ёмғур ёғиб, бўрон босилди. Ямудлар ўтлаб (бутан ёндириб) кетган бир неча уба (қишлоқ)лар, бузилган робот (бекат)лар, узилган телеграм симлари ва суғирилиб ташланган телеграм ёғочларларни кўриб, босмачиларга лаънатлар ўқидик.

Патнак, Садвара, Жигарбандларни босиб ўтиб, 26 январда Дарғон отага келиб кўндик. Эртасига йўлда қолтабон (босмачи)лар бор деб эшитиб аравакаш ва бир неча навкар (йигит)ларга жавоб бериб, ўзимиз дарёдан ёриб кетдик. Амударё музлари кўзғолиб, Жаржуға қараб бир неча кеманинг энди юриши экан. Икки кема тўла тойпахта, биз шуларнинг устидамиз, икки кун юрганимиздан кейин дарё қирғоғида, бир баланд адирнинг остида ўлиб ётган оппок соқоллик бир чолға кўзимиз тушди, кема бошлиғи авайлаб қараган эди, ул ўлик кема хизматчилардан биттасининг отаси бўлиб чиқди. Ул бечора кемачиларнинг жўнашига қарамасдан пиёда юриб кетган экан. Йўлдаги қароқчилар томонидан чакмон ва оёғ кемалари олиниб, бўғиб ўлдирилиб адирнинг устидан дарёга ташланибдир, бироқ ул қирғоғида қолибдир. Кеманинг бир соатча тўхтатиб, уни шу ерга кўмишдик. Ўғли бечора йиғлай-йиғлай ҳаммамизнинг кўз ёшларимизни келтирди.

Қуруқ йўлда баъзиларимиз битлай бошлаган эдик. Энди кемадагиларнинг барчаси деярлик битлади, ҳатто бу битлардан дўхтирлар ҳам соғ қолмади. Мен соғая ва бошқа йўлдошларнинг бир нечаси оғрий бошлади. Биз билан бирга бир татар муаллим бор эди, йўлга чиқиш чоғида эгнидаги пўстинини касал бир кишидан сотиб олган бўлиб, барчанинг битлаб кетишига ва бир неча кишининг оғрий бошлашига шул пўстин сабаб бўлган эди. Тошкентлик Боис Қориев ҳам оғриб ётиб қолди, унинг кўнгли сира томоқ тусамас эди. Кема тўхтаган чоғларда баъзида суяб ва баъзида опичтириб дарё қирғоғига олиб чиқар ва кемага олиб кирар эдим. Кела-келгунча уни ётқизиб-турғизадирган мен бўлиб қолдим. Бухоро жумхурияти кўл остига келиб, Жоржуға бир манзил қолғанда, барча касалларни от билан Жоржу касалхонасига жўнатдик. Боис Қориев ҳам шулар билан кетган эди. Биз ярим манзилдан араваларга миниб, Жоржуға келдик. Боришимиз 11 кунда тугаган бўлса ҳам келишимиз бир ойга чўзилган ва Жоржуға йўлдошлар шу ерда қолди ва мен поезд билан Самарқанд томон жўнадим. Коган истансасига келганимда кўрпа, кўрпача ҳам чопонларимни ўғирлатиб кўйдим. Шул хафалиқ билан Самарқандда Ҳожи Муъиннинг уйига тушдим.

Ҳожи Муъин ўртоқнинг уйида бир неча кун турганимдан кейин шунинг кўмаги билан шу ернинг катта бир билим юртига кириб, бир оз муаллим ва бир оз саркотиблик хизматини адо этдим. Бу

ерда 2-3 ой турғанимдан кейин Тошкентга келиб, эски шаҳарда чиқадурған “РосТА” деворий газетига мусахҳиҳ бўлиб кирдим. Ғози Юнус масъул муҳаррир, Абдуллоҳ Қодирий (Жулқунбой) мухбир, Мирмулла Шермуҳаммедов мудир, Абдуллоҳ Хўжаев саркотиб, Маҳаммад Ҳасанов (татар) билан Босит Сиддиқов (Санжар) таржимон эди. Босмахона эски шаҳарга яқиндағина келтирилиб, Эскижуванинг бир катта иморатига ўрнатилған бўлиб, машинаси қўл билан айлантирилур эди. Набўршиқ (ҳарф терувчи) лар босадирған, қирқадирған машиналар китоб тахловчи ва мукова килувчиларнинг барчаси бир залға сиғдирилған. Терувчиларнинг энг серҳаракати (фаоли) Ҳайбуш деган бир татар бўлиб, кундуз 8 соат ишлашининг устига кечалари ҳам соат 2-3 ларгача ишлар ва “РўсТА”ни ёлғиз ўзи териб чиқарар эди.

1921 йил, май

Мен “РўсТА”да 4 ойча хизмат қилғанимдан кейин шу йил сентябр ойларида Чинозға синглимнинг ҳовлисиға кўчиб кетдим. Чунки моддий жиҳатдан жуда қийналған эдим. Йўлдан адашғанлиғимни қарангки, Чиноздағи Нажмиддин куёвим “Келинг, мен сизга дўкон қилиб бераман” деб ваъда қилғанига ишониб кўчиб борған эдим. Ул ҳамма пулимни ака-ука бир ўғлига ишлатиш учун бериб қўйғанлиги маълум бўлди. Синглимникида бир ҳафта турғанимдан кейин асбобларимни у ерда қолдириб шаҳардаги синглимнинг уйига келдим. Олмафуруш куёвимнинг ёрдами билан бошимға сават қўйиб ҳар кун бир пут, бир ярим пут олмани бир ўзим сотар, кўпинча оғир-оғир тортиб сотиб зиён қилиб келиб, куёвимдан сассиғ гаплар эшитар эдим.

Эгнимда ёқаларидан ёғлари чиқиб кетган эски шинел, оёғимда титилиб кетган неча ерига ямоқ тушган бир этик бор эди. Менинг шул аҳволда бошимға сават қўйиб юрганимни кўрган муаллим ва бошқа маориф хизматчилари афсус қилиб бошларини қимирлата-қимирлата ўтиб кетар ва баъзилари ёнимға келиб яна ўз хизматимға, яъни маориф хизматига ундар эдилар. Энди бу ҳунар ҳам бўлмади, яъни қишлоқға чиқиб кетдим. Шу ерда маориф вакили бўлиб туратурғон ўртоқ Олим Шокирий қўймасдан Чиноз ёнидағи бир қишлоққа муаллим қилиб қўйди. Ул мактабнинг мудирини ҳам муаллим бўлған мулла Жўра намозини қанда қилмоғанлиги учун уларға жуда ёққон. Ул ўзи меҳмонхонасида

турған бойнинг пулини шиладир. Ҳар ҳафта Тошкент бозори, Чиноз бозори, Қовунчи бозори ва Сирдарё бозорларидан қолмайди. Ул бозорларга махси ва кавишлар элтиб сотади. Бозорлардан эриб-сасиб қайтиб келгандан кейин хўжайин иккови пулини санашга тушадилар.

Ҳозир кузнинг охирги вақтлари бўлса ҳам болалардан бирор дона йўқ. Қишлоқ тўйлари кетма-кет бўлиб тургани учун бутун мактаб болалари тўй-тўйлашиб юрадилар. Мулла Жўра бозорга кетмаган кунлари бойнинг уйдан чой-нон ва ошлар кенгчилик билан чиқиб турса ҳам, ул йўқ кунлари анча малол билан чиқар ва кўпинча чиқмай қолиб оч қолишга тўғри келар эди.

Мен соқолимни қириб ҳам намоз ўқимасдан юрганам учун қишлоқ халқи кўбда ёқтирмас ва куёвим жуда нафрат билан қарар эди. Мактабни тарбиялаш қишлоқ халқининг ўз бўйнига қолгани сабабли кўб вақт оч юришга тўғри келар ва баъзи вақтларда синглимни уйига келиб овқат ер ҳамда 3 та 4 та нон олиб кетар эдим. Шул келган чоқларимда куёвим насихатга тушар, коммунистик йўлдан қайтиб, тақводор, сўфинамо ва шуларнинг натижаси билан имом бўлишга ундар ҳам соқолимни ўстиришга қаттиқ таъкидлар эди.

Қишлоқлардаги муаллимлар ўқитишга яхши аҳамият бермасдан болаларни бебаҳра қўйганиданми, янги мактаб деганда қишлоқиларнинг жуда жони чиқар ва уни зўрма-зўракидек қабул қилган эдилар. Маориф томонидан бир қанча буйруқлар орқасидан 10-15 та бола йиғилди. Мактаб очилиб ўқита бошлади, лекин муаллим Жўра чорбозорчилигини давом эттирмакда эди. Қишлоқ халқининг бир ози ўзига тўқ бўлмаса кўби қашшоқ, хатто бир қанча ўроқчилик ва мардикорчилик билан кун кечирувчилар бор эди. Келган солиқлар ўзларининг эски одатларини қилиб ялпи чочилур ва қишлоқ ижроқўмлари шунга тўғри ишлари билан ҳукуматга қишлоқ қашшоқларининг душманлигини орттирар эдилар, ҳолбуки ҳукумат “Бойларга кўб, камбағал деҳқонларга озроқ солунсин ва балки солинмасун” деб буйруқлар чиқариб турар эди. Бу қишлоқнинг кўб экини шоли бўлганлиги учун бизнинг таъминотимиз учун гуруч солинган эди. Бир қанча буйруқлар, бир неча маротаба қишлоқ ижроқўмини бўлис ижроқўми чақириб сиқишлари ва “Сени қамайман!” деб кўпинча қилишлари орқасидан 4 қадоқ, 5 қадоқ гурч йиғила бошлади.

Мана шундай қилиб, қанча ҳорлиқ-зорлиқ билан 2-3 ойни ўтқаздим. Пулимни тайини бўлмади: охийри яна шаҳарга қараб кўчиб, Ишқобод маҳаллалик синглимни ҳовлисига келдим. Шу орада бир қанча уй асбобларимни сотиб еган ва бир қанчаларини Чиноздағи синглимникида қолдирган эдим.

Шул чоқларда иқтисодий сиёсат (экономическая политика) ўртоқ Ленин томонидан майдонга отилиб, кўбкина елиб-югуриб бойвачча маориф ходимлари ҳукуматнинг бошқа турли хизматчилари савдогарчиликка кириб кетдилар. Сиёсий саводсизлигим ва йўлдан адашганлигимни қарангки, мен ҳам савдогарчиликни орзу қилиб, оҳ-воҳ ура бошладим. Шу пес ният орқасида Норбековлардан минг сўм (шу чоқларда минг-минг деган пуллар юрар эди) фойда шерикка сўрадим: ул бир фақир ҳам бермасдан қайтарди, каллахоналик Абдуллақорининг товламачи бир ўғли: “Сенга ўрда оғзидан дўкон қилиб бераман!” деб алдаб, 15-20 кун тентиратди. Бир муаллим ўртоғимнинг фойда шерикка олиб берган 3-4 путга пиёзи билан яна бир ошнамнинг бир пут бўлқасни сотиб анча зиён қилиб бердим.

Энди акангиз савдогарчиликдан ҳам воз кечдилар. Убайдуллоҳқори Эрғозиевнинг йўл кўрсатиши билан Искандар бўлиси (ҳозирги Қозоғистонда) Хўжакент қишлоқ ижроқўмига саркотиб бўлиб кетдим. Бир йилда икки-уч ботмон дон ҳам овқат беришга ваъда қилиб олиб келдилар. Ул жуда узок бир қишлоқ, арава билан боргунимизча жуда ўлиб бўлдиқ. Хўжакент қишлоғи кичикроқ бир қишлоқ бўлиб, Фарғона босмачилариға чегара ўз тоғларнинг орасида ва “Чимён” курортига яқин бир ерда экан. Бу ерга 1-2 маротаба босмачилар босиб келиб, икки томондан отишмалар бўлган экан, теваракдаги қишлоқлар улардан кўрқинч остида қолган сабабли 10-15 кишидан иборат аскар ҳам бор эди. Бу аскарларнинг овқати қишлоқ халқининг устига бўлиб, ҳар куни оралаб овқат солиғи солинур ва нон йиғиб олинур эди. Тошкентдаги январ воқеасини вужудга келтирган машҳур хоин Осиповнинг оқ аскарлари шу ердан қочиб ўтган ва ўшал вақтда кўб тўполонлар ҳам бўлган эди.

Аввал ижроқўм раиси Йўлдош ака жуда ғайратли ва бориб турган чапан бир йигит бўлиб, қишлоқ халқ кўрқмағани бўлмас, хатто “овқат йиғиб беринг!” деб борғанда солдатларни ҳам сўкиб-сўкиб қайтариб юборар эди. Шул мажбур қилган сабабли

бетаҳорат намозлар ҳам ўқиб юрдим. Бўлис ижроқўми ҳам шу қишлоқда жойлашган: кўб вақт унинг саркотиби бўлиб, аввал ижроқўмининг уйдан овқат ейдир. Бўлис Шўро ҳар замонда бир келиб бир кун-икки кун қишлоқ муштумзўрларининг уйларида ётиб кетадилар. Бўлис ижроқўми раиси серсавлатлигина, намозниёзни тарк этмайдирғангина бир бой, бунинг бир-икки хотини, бир қанча ер-сувлари ва бир қанча қўш хўкизлари бор деб шул ернинг аниқ одамларидан эшитдим.

Вақт қиш бўлиб, деҳқонлар бекор қолган сабабли ўғил тўйлари, қиз тўйлари жуда ривожда: ўзига тўқ одамлар 2 кунлаб, 3 кунлаб ош бериб, базм қилиб, улоқлар чоптириб турадир. Саводсизликни битиш у ёқда турсин, бир неча босқич мактаб ҳам йўқ. Шўролар босмачилар билан овора бўлиб юрган сабабли қишлоқ ҳукумати аъзоларининг кўпи пора орқасида тикланиб кўйилган бойвачча муштумзўр унсурлардан иборат бўлиб, ҳали ҳам камбағал чорикор, коранда, йўқсил деҳқонларга кун йўқ эди. Хоҳ бўлус ижроқўм аъзолари, хоҳ қишлоқ ижроқўм аъзолари бўлсин, ҳукуматдан ойлик олганини билмайман.

У ернинг амалдорлари орасида Эрғозиевларнинг обрўси баланд бўлиб, булардан бирорталари шул теваарагидаги қишлоқларга чиқиб қолсалар, қўлдан қўлга кўтариб юрадилар. У ерда бир-икки ойни ўтқозганимдан кейин, бўлис сайлови бўлиб, Хўжакент ижроқўми бир эшон зодаға ўтди. Эски ижроқўм раиси - Йўлдош ака Эрғозиев ёрдами билан бўлис ижроқўмига аъзо бўлиб қолди. Мен ҳам эшонзодаға саркотиблигимда қолиб эшонзоданинг уйига кўчиб келдим ва биргалашиб ишлаша бошладим. Судға тегишлик жанжаллар ҳам бизга кела берар эди ва биз ҳам фарқиға бормасдан сўрай берар эдик. Қишлоқда ариза ёзиб уддасидан чиқувчи йўқ даражасида бўлгани сабабли кўб аризани ўзим ёзиб берар эдим. Илгарги саркотиблар жуда уста ва жуда фирибгар бўлганлиги сабабли ижроқўм бошлиқлариға чой чақа тушириб бериб турар экан. Мен ундай порахўрликни уддасидан чиқломаганим сабабли бу ижроқўми раислари кўбда ёқтирмай юрадилар.

Қишлоқ ҳам унинг бозори ҳам тепаликда бўлиб, икковининг ўртасида бир катта сув оқадур. Бу сув Чирчиқнинг боши бўлиб, жарликдадур. Сувнинг устига ишланган кўприк шундай усталик билан ишланган эдики, кўрган киши ҳайрон қолар эди. Шул орада қанча машаққатлар тортиб 1-2 допқир шаҳарга ҳам тушиб чиқдим.

Йўллар шундай қор яхмалаги қуйидан юқорига чиқишда ва юқоридан қуйиға тушишда жонингни ҳовучлаб чиқиб, ҳовучлаб тушасан. Бу ерда ёқиш учун ўтун йўқ ҳисобида бўлиб, тоғ орасидаги тўқайлардан эшаклар билан бориб олиб келиб турардилар. Ул ўтун ҳам қошки текин бўлса, пулликдир, тўқай қоровули ерликдан эмиш. Бир оврўпалик экан, шунинг учун қишлоқ халқи ўтун келтириш тўғрисида жуда қийналур эдилар.

Кўкламга яқин, шаҳардан бир кишини саркотиб қилиб олиб келиб, менга жавоб берадурлар. Мен Искандар бозориғача отда келиб ундан бу ёққа бозорчиларнинг аравасига тушиб келдим. Тошкентга келиб бир ҳафтача юрганимдан кейин Эшонхўжа ҳожи Паркентга муаллим қилиб олиб чиқиб кетди. У ерда ҳам янгилик ва янги ўқитишга тесқари қарашлар катта бўлгани сабабли бир қанча вақтлар Эшонхўжа ҳожига қарашиб турдим, ул Еттикентга халқ суди эди, саркотиб Ҳокимхўжа деган бир йигит бўлиб, бутун ёзиш-чизиш ишларини шул бажарадир. Соқол қўйиб, кичкина бир салла ўраб олиб, қози (Эшонхўжа) билан қишлоқма-қишлоқ юриб кетдик. Заркент, Чанги, Хисарок ва бошқа қишлоқларға бориб арз-аҳвол сўрай бошладик. Қайси қишлоққа борсақ қозимизни ижроқўмларнинг бойлари ва қишлоқнинг бошқа оғзи катталари кутиб олар эдилар. Бу ернинг фирқалари намозхон, ихлосли, диндор, ҳатто булардан имомлари ҳам бор эди. Ҳозир рўза ойи бўлганлиғи сабабли зоҳирда рўза, яширин оғиз очик, зоҳирда намозхон ва яширин бетаҳорат бўлиб юрар ҳам кўпинча бетаҳорат имом бўлиб, таровехларини худолариға қабул қилдиарар эди. Қозининг кетида юрганим учун кўп қишлоқларда “Аълам почча маҳзар ёзиб беринг!” деб менинг олдимға келишар, мен ҳам бир оз қалам учи олиб, уларға ариза ёзиб берар эдим. Қишлоқ халқининг жуда оч-яланғочлари кўб эди. Уларга ачинувчи йўқ ҳисобида эди. Қози янги мактаб очилиб, болаларни ўқитиш тўғрисида кўп сўзлар ва мен билан Ҳокимхўжа ҳам қишлоқ халқини янги мактаблар очиб, болаларини ўқитишға тарғибот ва ташвиқот юритиб турар эдик. Шундай бўлса ҳам янги мактабга кўбда ихлослари йўқ эди. Хўжакент қишлоғиға ўхшаб бу ерларда ҳам очилган бирор янги бир неча босқич (ибтидоий) мактабни кўрмадик. Илгари очилган бўлса ҳам энди ёпилиб қолиб, муаллимлари ташлаб кетишган. Ёмғирлар тез-тез ёғиб, тоғлар, тепалар ва текисликларни кўм-кўк кўкартирмакда ва ғаллаларни ўстирмакда эди. Биз Еттикент

кишлоқларидан қайтиб келиб, Қоровой Қўшқўрған бўлисига чиқиб кетдик. Чунки ул ёқнинг ҳам халқ судлиги хониға топширилган эди. У ёқларда ҳам қимизлар, ичишиб айланишиб келганимиздан кейин ва ёз бўлиб қолиб, Паркентда муаллимлик иши юзага чиқмағандан кейин ноиложликдан Чумчуқжар деган овулға имом бўлиб кетдим. Бу овул 20 чоқли уйли бир қозоқ овули бўлиб, жуда камбағал овул эди. Бола ўқитмасдан ҳар бир уй 3 пуд, 2 пуддан ғалла берадирған бўлишди.

Буларнинг қашшоқлари жуда кўб, хатто бири ўлиб қолса кўмиш учун кафанга қуввати келмайдирған даражадаги йўқсиллар ҳам бор эди. Мен ҳар кун ўз гали билан уйма-уй юриб овқат ейман. Кўплари ҳеч нарса тополмасдан сувга сок солиб қайнатиб берадилар. Ўзиға тўқроқ битта-иккита бия ва қора моллари борлари эт осиб, норин қилиб беришадилар.

Қозоқларнинг урф-одатларидан эр(лар)и уй хизматини қилмасликдир. Масжиднинг яқинидан бир қашшоқ қозоқ қавмининг уйи бор. Унда 2 чол ва бир кампир умр кечирадир. Кампир 75 ёшларға борған бўлиб, шул ҳоли билан, яъни бели букилган ва қўл-оёқлари титраган ҳолда қачон қарасанг, тўқиллатиб ўғир янчиб ётадир. Бир кун нима экан деб бориб қараған эдим, қовурилған жўхорини толқон қилмоқда экан. Сўроған эдим: “Эй, жориктуқ мулдов! Биз усини толқон қилиб каф отамиз, бизнинг палов, норинимиз уси!” деб жиқ-жиқ кўзига ёш олди.

Менинг жуда юрагим эзилиб кетиб, югириб келиб, хужрамдан бирикки нон олиб бориб бердим. Сўнгра ҳар вақт топғанимдан озроқ-озроқ бериб юрадирған бўлдим. Бу теваракдаги қозоқ овулларида мана шундай йўқсиллар кўб эди. Шундай бўла туриб овул ижроқўмлари ва овул ўтағасилари маслаҳатни бир қилишиб, солиқни баб-баробар чочар ва бечора-йўқсил дехқонларни қарздор ва афгор қилиб йиғиб олар эдилар. Мен қавмларимға ариза ёзиб бериб, хожатларини чиқариб турар эдим.

Экинлар пишиб серобгарчилик бўлиб қолди, қозоқлардан ваъда қилинған ғаллаларни йиғиштира бошладим. Бетаҳорат намоз ва бетаҳорат жанозаларни ҳақларини бериб турмоқда эдилар. Ҳақлар мени бутун йиғиштириб олмасимдан бурун Хўжа хони Хитойтепа бўлиси Янгибозор овулиға муаллим қилиб қўйди. Донларини чала-

чулпа йиғиб олиб, янги бозорнинг гузардаги бир хужрага кўчиб келдик.

Бу ерда Умаркул Аноркул ўғли Чилчиқ районининг фирқа саркотиби бўлиб турар экан. Уезд маориф шўъбасида муаллим бўлиб тайин қилинган бўлсам ҳам Хитой тепанинг маориф комиссияси Избосаров деган сариқ қартакроқ киши сира аҳамият бермас, ҳар вақт қарасангиз, рус посёлкаларига бориб яширин сотилиб турадирган самагўнкалардан ичиб келиб юрар эди. Шунинг учун имомликдан топилган 2-3 ботмон донимни сотиб еб турар ва баъзи чоқларда Аноркулнинг уйига бориб овқат қилар эдим.

Орада бир ойча ўтгандан кейин мактабга болалар келиб ўқий бошлади. Ҳаво совуқ, мактаб ремонтсиз, ойналар синиқ, парталари майиб ва кўб нарсалари етишмаган бўлганлиғидан мен ҳам, болалар ҳам кўб машаққатлар тортишар эдик. Умум халқ қозоқ бўлгани сабабли қозоқча алифбо (Аҳмад Бойтурсунўвнинг ўқув қуроли)ни ўқита бошладим. Ўтин бўлмаган, овул ижроқўмлари мактабга тегишли нарсаларни йиғолмаган сабабли кундан-кунга болалар камая бошладилар. Халқ болаларни ўқитишга кўбда қарши бўлмасалар ҳам, мактаб солиғи бой демасдан, камбағал демасдан ялпи чочилиб олинишга қарши эдилар. Қонунан ўшаларни ўйлағанлари тўғри эди. Шаҳардан чиққон шоввозлар ҳам қишлоқ муштумзўрларига сотилиб, ўшаларнинг кўрсатган кишиларни овул ижроқўм раиси қилиб сайлаб кетганидан, овул ижроқўм раиси ўшал оғзи катта ўтағасиларининг сўзидан чиқмас ва юз сўм солиқ келса юзтага уч юз сўм қилиб чочиб, бойдан 2 сўм олса камбағалдан ҳам 2 сўмни бақиртириб, чақиртириб олиб берар эди. Мен шу қийин ҳолдан қутилмоқ учун Аноркуловнинг ўргатиши бўйинча бир эшоннинг воситаси билан турган овулимнинг Қизилмўйин жамоасига имом бўлдим. Бу 1922 йил 2 декабрда эди.

(343-344 саҳифалари йўқ экан)

...кўтаришларининг пайдан бўлиб турмасам, кўтариб олиб кўйганларидан кейин ҳаққимни олишим жуда қийин бўлар ва бир неча кун овора бўлар эдим.

Мана шундай қилиб, шолиларни йиғиштириб олганимдан кейин ботмончасини гуруч қилиб олиб ва қолганини сотиб шаҳарга

кўчиб келдим. Сотилган шолиларни(нг) пулига кийим қилган эдим, бир бош-оёқ (кийим)га етди. Сўнгра жой излаб юриб, Ўлка давлат нашриётига қарашли эски шаҳардаги бир неча намуна босмахонасига кириб, мусахҳихлик қила бошладим. Бу босмахона бурун биргина зални банд қилиб турган бўлса, ҳозир 2-3 қабатлик бир катта иморатни банд қилган бўлиб, 20 дан ошиқроқ одам ишламакда эди.

1924 йил, январ

Ўзим Бекларбеги мадрасасининг бир хужрасида турар, ишдан бўшаган чоқларимда хотин-қизлар учун чиқадирган “Янги йўл” газетига материаллар тайёрлаб берар ва баъзи чоқларда “Муштум”га ҳам қатнашар эдим. Ёз чоқларида Мирмуҳсин ўртоқ билан Ғози Юнуснинг ибрати билан газетамухаррирларидан ёрдам йиғилиб, уйланиб олдим. Куз бўлганида Зиё Саид ўртоқнинг таклифи билан Шайховандтохурда бир неча Дегрез маҳалласига кўчиб келдим. Бу ўртоқ артистлик, муҳаррирлик ҳам сиёсий доираларда хизмат қилар эди. Икковимиз бирлашиб ҳар турли майда асарлар ва мақолалар ёза бошладик.

1924 йил 27 ўктябр

Бир қанча ой ўтгандан кейин Зиё Саид “Қизил Ўзбекистон”га чиқиб хизмат қила бошлади. Ва мени ҳам “Муштум” журналининг хизматига олишдилар.

1925 йил, сентябр

Тугади

Адабий-бадий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил
Мусаҳҳиҳа: Ҳилола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АІ № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 23.02.2015
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 18,0
Шартли босма тобоғи 18,75. Адади 300
Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 03-14.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20